Садриддин

Айний

АСАРЛАР

САККИЗ
ТОМЛИК

Садриддин

Айний

АСАРЛАР

иккинчи том

www.ziyouz.com kutubxonasi

Редколлегия:

Филология фанлари кандидатлари
Ҳ. АБДУСАМАТОВ, Ҳ. ҚУРБОНОВА,
Н. РАҲИМОВ, К. АЙНИЙ

Редактор
РУСТАМ КОМИЛОВ

ДОХУНДА

РОМАН

www.ziyouz.com kutubxonasi

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ДАРАИ НИҲОН

Сарижўйдан чиқиб тоғ ораларидан Қўрғонтепага бормоқчи бўлсангиз, йўлингиз Дараи Ниҳондан ўтади. Дараи Ниҳон (бошқа номи Танги Ниҳон) Ҳисор тоғлари дараларидан бири. Бу дарани ўраб олган тоғлар узоқдан бирор тешик-туйнуги ва оралиғи йўқдек яхлит бўлиб кўринади. Сарижўйдан чиқиб тоғ этагига етганингизда, тепадан пастга оқиб, тошларни қўпориб кетган сел йўлига дуч келасиз. Ичкарироққа кирганингизда, бунинг сув йўли эмас, душмандан яшириниш учун қурилган тор ва айланма бир йўлак эканлигини кўрасиз. Бу йўлак тоғ бағридаги туннель каби қоронғи.

Лекин бу одатдаги туннеллардай усти ёпиқ бўлмай, бир-бирига ёндош икки баланд бинонинг орасидай усти очиқ, осмон кўриниб туради. Йўлакнинг тагига ҳеч қачон офтоб тушмайди, фақат қиём пайтидагина деворнинг юқори қисми офтоб нуридан бир оз ёришади.

Агар тоғ ораларидаги ажойиботни кўрмоқчи бўлиб, йўлакнинг торлиги ва қоронғилигига парво қилмай, илгари қараб юраверсангиз томоша бошланади.

Булоқлар!

Бу оралиқдаги булоқлардан бир-икки тегирмон сув чиқар деб ўйламангки, янглишасиз. Бу булоқларнинг суви, подшо ва амирлар замонидаги мазлумларнинг кўзларидан оққан ёш каби тинмай томиб туради. Фарқи шуки, у замондаги мазлумларнинг кўзларидан қонли ёш томган бўлса, бу булоқлардан сув томади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бундай булоқлардан томган сув бора-бора зилол сувли ариқчага айланади. Бу ариқчадан оқадиган сув пахтадан сузилгандек тоза, олмосдек ярқирайди. Бу, тоғ бағридаги тошлар орасидан сизиб, тозаланиб чиққан қор, ёмғир сувидир.

Бу ариқчанинг қирғоқлари лой бўлмай, доим сув ювиб турган мусаффо тошдир. Тагидаги тошларнинг ярқираши зилол сувнинг тиниқлигини яна ҳам орттириб, кўзларни қамаштиради.

Қиём пайтида шу ариқча лабига келсангиз, сувдан кўз узолмайсиз: йўлак деворининг юқорисига тушган офтоб нури ариқчанинг ойнадай сувида товланади; баланд ва ҳашаматли тош деворнинг бир ариқча ичидан кўриниши сизни ҳайрон қолдиради. Дарадаги йиртқич ҳайвонларнинг ҳужумидан қўрқмай, юлдузлар чарақлаб турган тунда келсангиз, янада ҳайратда қоласиз. Йўлак деворлари орасидан кўринадиган юлдузлар акси ариқчанинг тиниқ сувига тушиб, осмондагидан ҳам ортиқроқ нурланадилар. Ариқчанинг ости қиррали тошлар билан қопланганлигидан сув гоҳ пастлаб, гоҳ кўтарилиб, кумуш занжирдек жилваланиб оқади. Ҳар бир юлдуз сувнинг ҳар қалқишида алоҳида акс этиб, яъни бир неча мартаба акс этгани учун улар кўкдагидан кўпроқ бўлиб кўринар эдилар.

Агар олдинга қараб юраверсангиз, бу зилол сувлар булут орасига яширинган ойдек, бирдан тошлар остига кириб, кўзингиздан ғойиб бўлади. Сиз бунга ўринсиз ҳафа бўласиз. Лекин умидсизланмай олға бораверинг, бир-икки бурилишдан ўтгач, ҳалиги сув бошқа бир тош остидан отилиб чиқаётганини кўрасиз. Тош остига кириб кетган сув ер тагида бир неча булоқларнинг сувига қўшилиб, аввалгидан тезроқ оқиб чиқади, йўлида дуч келган чуқурчаларга тош ётқизиб, текислаб, шалдираб оқади.

Ариқча тобора кенгайиб, суви кўпайиб боради. Бу ерда йўлингиз ҳам унча тор ва хавфли бўлмай қолади: дара деворида осилгандай турган харсангларнинг узилиб тушишидан қўрқмайсиз, шундай ҳодиса юз берса, ўзингизни бир чеккага олиб, тош босиш хавфидан қутула оласиз; юқорига қарасангиз, кўк мовутдай чиройли, кенг ва очиқ осмон кўринади. Қиём пайтида офтоб даранинг остигача тушиб тош, тупроқларни жонлантиради, унда-мунда писта, аччиқ бодом, ёнғоқ дарахтларини,

арча буталарини, ранг-баранг хушбўй гулларни ва тоғда битадиган бошқа ўсимликларни учратасиз.

Яна олдинроқ бораверсангиз, даранинг ўртасига етасиз, тоғ бағридан отилиб чиқаётган бир булоқни ва у булоқ сувидан тўлиб-тошиб оқаётган ариқни кўрасиз. Шу ариқ бўйида туриб теварак-атрофга қарасангиз, тошдан ўйиб ясалган бир кема ичида тургандек бўласиз. Одатда кемалар сув ичида сузса, сизнинг «тош кема»нгиз ичидан сув оқиб турган бўлади. Одамлар бу тош кеманинг деворларини ўйиб, турар жой қилганлар. Бу уйлар, водий ҳамда воҳалардаги уйлар каби эшиклик, дарчалик ва баланд девор билан иҳота қилинган деб ўйламагайсиз. У ердаги уйлар қуш ва йиртқич ҳайвон уялари каби, ғор ва ўйдим-чуқурлардан иборат. Буларнинг уялардан фарқи шуки, одам гавдаси сиғадиган даражада кенг ва сел ҳужумидан сақланиш учун юқори томони харсанглар билан беркитилган.

СУВ ТАШУВЧИ ҚИЗ

Юқорида тасвир қилинган даранинг аҳолиси ўз иши билан машғул: ўспиринлар подаларини тоққа ҳайдаб чиқиб кетган, эркаклар қўш қўшиб шудгор қилмоқда, хотин-қизлар эса кув пишиб, ёғ ажратмоқда, ўтин териб, хамир қилиб, нон ёпмоқда; кексалар иккитадан, тўрттадан бўлиб, харсангларда ўтириб, бошларидан ўтган воқеаларни ҳикоя қилмоқдалар.

Бошига эски тивит салла ўраб, эгнига йиртиқ бўз кўйлак, унинг устидан илма-тешик чопон кийиб, белини бир ярим газ бўз билан боғлаган эски, чориқ судраган йигитча қўлидаги эгри таёқ билан ер чизиб ўтирарди. У тахминан йигирма яшар кўринади. Тонг юлдузи каби чарақлаб турган кўзларида фикр ва андиша, ёшлигига қарамай, кенг манглайини ажин босган, қизил олмадай юзларида ғам-ғусса белгилари кўринади. Йигитча ўтирган ер одамлардан четроқда эди. У баъзан ўрнидан туриб, яқиндаги хонадонга қараб қўяр ва яна ўтириб, таёғи билан ер чизар эди: «Улар бугун сув ичмасалар керак, ҳалигача сувга келмади» дерди ичида.

Бу йигитча кузатиб турган хонадонда уч киши кўринарди: бири — тош устига ўтириб нон билан қатиқ еяётган эллик ёшлардаги бир эркак. Бу кишининг узун, қора

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва қуюқ соқоли юзини бутунлай қоплаб, кўкрагигача тушган. Элликка борса ҳам, соқолига оқ тушмагани учун, қўшнилари уни «сиёҳ пир» дердилар. Бу одамнинг бошида бўз салла, оёғида кийик терисидан тикилган чориқ, эгнида серпахта чопон бўлиб, белига чилвир боғлаган. Иккинчиси — тахминан қирқ ёшлардаги аёл. Унинг узун сочида сочбоғ, бошида оқ рўмоли бор. Гулдор кўйлагининг кенг енгини тирсагигача шимариб, катта тоғорада хамир қормоқда. Учинчиси — ўн олти-ўн етти яшар бир қиз. Унинг эгнида ювилавериб ранги айниб кетган чит кўйлак, бошида гулдор дўппи, оёғида сариқ чармдан тикилган беўхшов эски кавуш.

Қизнинг қора, узун сочи майда ўрилган, тақимидан пастга тушиб турарди. Қиз кув пишмоқда. У бошини эгиб, пишкакни жадал ураётганда, узун сочлари олдига тушиб, пишкакка ўралар ва халал беради. Қиз бундай вақтларда пишкакни кувга қўяр, бошини кўтариб, сочларини орқасига ташлар ва терга ботган манглайини енги билан артиб, қатиқ еб ўтирган одамга билдирмай, дам олаётгандай бўлиб, узоқларга, ер чизиб ўтирган йигит томонга кўз қирини ташлаб қўярди.

Агар кўзлари йигитнинг кўзларига дуч келса, гулдай қизариб, гўзал қизларга хос ғурур билан дарров кўзини четга олар, кув пишишни яна ғайрат билан давом эттирарди. Кўзи йигитнинг кўзига дуч келмаса, маъюсликка тушар ва хумор кўзларида қайғу-алам аломатлари кўриниб қоларди. Бу ҳолат унинг бел ва билакларига ҳам таъсир кўрсатиб, кув пишишда аввалги жадаллик ва шиддат қолмасди.

Эркак овқатини еб бўлгач, хотинга:

— Хамиринг етилгунча бир орқа ўтин териб келай,— деб арқонни олди, сел суви билан ювилиб текисланган сўқмоқ йўл билан тоққа чиқиб кетди.

Хотин қорилган хамирни меш супрага ўраб, устига серпахта кўрпани ёпгандан кейин, ерда турган чўян обдастадан қўлини ювмоқчи бўлди. Обдастада сув йўқ эди. Хонадонда кўза вазифасини адо қиладиган қовоқдан обдастага сув қуймоқчи бўлди. Унда ҳам сув йўқ эди. Хотин кув пишаётган қизга юз ўгириб:

— Гулнор, сув келтир! Маскани айрондан ўзим ажратаман. Бир томчи ҳам сув қолмабди. Хамир дарров кўпади. Нон ёпиш учун ҳам сув керак. Тез югур, жон қизим!— деди.

Гулнор қобил қиз эди, сувқовоқни олиб, булоқ томонга югуриб кетди. Агар сиз қизнинг ҳаракатларини диққат билан текшириб турганингизда, уни югуртирган онасининг буйруғи эмас, бошқа бир қувват эканини пайқардингиз. Бу қувват ер чизиб ўтирган ўша ўйчан йигит эди.

Гулнорнинг ҳеч бир ҳаракатини кўздан қочирмай турган йигит, қиз идишини кўтарган ҳамон секингина ўрнидан турди, катта харсанг орқасида — хонадондагиларнинг кўзларидан пана жойда ўтирди.

Қиз йигит турган жойга яқинлашгач, қайрилиб онасига қаради. Она кув пишиш билан овора бўлиб, қизига кўз солмасди. Қиз бу ҳолатдан фойдаланиб, харсанг орқасига ўтди.

Йигитнинг у ерда ўтирганидан гўё хабарсиздек, уни кўрганда сесканиб кетиб:

— Ёдгор, бу ерда нима қилаётирсан? — деб сўради.

— Ўзинг бу ерда нима қилмоқчисан?

— Мен сувга келдим,— деди қиз ва булоққа бориш учун жар бўйига йўналди.

— Сувга келган бўлсанг яхши,— деди йигит,— тез қайтишингдан, «оловга» келганмиқансан деб ўйлабман.

Қиз кулимсираб йўлидан қайтди, қовоқни ерга қўйди ва йигитнинг рўпарасида ўтириб, унга диққат билан қаради. Йигитнинг юз ва кўзида андиша, алам ва ҳаяжон аломатлари кўринарди.

— Ёдгор,— деди қиз,— мен сени ҳеч вақт бундай кўрмаган эдим. Кўнглингда оғир ўй борлиги кўзларингдан кўриниб турибди. Ростини айт, сенга нима бўлди?

— Ҳеч нима бўлгани йўқ,— деди Ёдгор.— сенинг тўғрингда бир гап бор. Шуни айтайми-айтмайми, деб ўйлаб турибман.

— Мени хурсанд қилмоқчи бўлсанг, айта қол,— деди Гулнор,— ҳар қандай ёмон гап бўлса ҳам, сендан ранжимайман.

— Ёмон гап эмас. Сен учун хушхабар. Мен сени қутламоқчи эдим.

Гулнор эгнидаги гулдор кўйлагини Ёдгорга кўрсатиб:

— Бу кўйлак йиртилишга яқинлашган, қутлашга арзимайди. Қутлашга арзийдиган янги кийим кийиш умидим ҳам йўқ. Сен мени нима учун қутламоқчисан?— деди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Эрта-индин янги кийим киясан, читдан эмас, адрасу атлас киясан.

— Ёдгор,— деди Гулнор,— киши тушунмайдиган бунақа гапларни менга айтма! Гапирмоқчи бўлсанг, ҳар ким тушунадиган қилиб, очиқ-ойдин гапир! Ўзи нима гап?

— Ўзинг эшитмадингми?— деб сўради Ёдгор.

— Нимани?

— Тўйингни!

Бу гапларни эшитиш билан Гулнорнинг кўзларида қайғу аломатлари пайдо бўлди, у қизариб кетди. Агар Ёдгорнинг кўнглида паришонлик бўлмаганда, қизнинг бу ҳолатини кўриб, унга янада ортиқроқ мафтун бўларди. Лекин ҳозир унинг кўзига Гулнор ҳуснининг нозикликлари кўринмас эди.

Ёдгор ўтган куни оқсоқолнинг ўғлидан Гулнорни Ҳамробой ўғлига унашмоқчи бўлиб турганларини эшитган, бу ҳодиса уни ақл-ҳушидан жудо қилган эди. Энди у ақл-ҳушини йиғиб олиб, Гулнорнинг бу тўйга қандай қараганлигини билмоқчи: агар Гулнор бунга рози бўлса,— Ёдгор учун ўлим, агар рози бўлмаса,— Ёдгор учун ҳаёт умиди яна пайдо бўлади. Шунинг учун Ёдгор оқсоқол ўғлидан эшитганларини бирма-бир айтиб, Гулнор ҳолатини кузатиб турди.

Бу хабарни эшитган қизнинг қаттиқ хафа бўлганлиги кўриниб турарди. Хабарнинг даҳшатидан ва уялганидан, қиз фикрини очиқ айта олмади. У қийналиб, кўзларини ерга тикиб:

— Ёдгор, уйланмоқчи бўлсанг, сенга... розиман. Бошқага, бўйнимни узсалар ҳам тегмайман. Буни билиб ол!— деди.

Гулнор шу жавобни бергач, қовоқни кўтариб сув олиш учун жарликка тушиб кетди. Ёдгор турган жойида қайғу-алам юки остида қолди.

ЯСОВУЛ

Дараи Ниҳонда жимлик ҳукм сурмоқда, ҳамма ўз иши билан овора, бирор ортиқча ҳаракат кўринмайди. Ёдгор билан Гулнорнинг юракларидаги қайғу ва алам куйдириш-ёндириш даражасида бўлса ҳам, буни ўзларидан бошқа ҳеч ким сезмайди.

Шу пайт тоғ чўққисидан катта бир тош юмалади ва йўлидаги бошқа тошларни қўпориб, даҳшатли тошбўрон бошланди. Тоғнинг ҳар бурчаги ва ён бағридан акс садо келиб, дарани ларзага келтирди.

Тўсатдан рўй берган бу ҳодисани кўриш учун кулбаларидан югуриб чиққан дара аҳолиси тош юмалаган томонга қараб, чўққида тик турган йигитни кўрди. У йигит уларнинг ўз томонига тикилганини кўргач, тоғни ларзага келтирадиган баланд овоз билан:

— Я... со...вул!— деб қичқирди.

Тоғнинг узоқ-яқин ён бағирларидан янада баландроқ ва даҳшатлироқ акс садо эшитилди. Бу ҳодисанинг маъноси китобхонларимизга маълум бўлмаса ҳам, тоғликларга маълум. Шунинг учун бу товуш, кийиклар галасига узилган ўқ ёки каптарлар галасига ўзини урган лочин ҳужумидек таъсир қилди. Улар ҳуркқан кийиклар ёки чўчиган каптарлар каби тоққа қараб тумтарақай қочдилар. Бир неча минут ичида ҳамма тоғ тепасига чиқиб олди, ўзларини хавфсиз жойда ҳис қилиб, тинчландилар. Нафасларини ростлаб олгач, овдан маҳрум овчининг кимлигини билмоқчи бўлиб, Сарижўйдан келиб, дарага кирадиган жойга кўз тикдилар...

Ўн минутча кутгач, Сарижўй томондан бир отлиқ пайдо бўлди. У тахминан йигирма беш ёшларда бўлиб, бошида Бухоро амалдорларникидай силлиқ ўралган оқ салла, эгнида тароқ нақшли адрас тўн, оёғида хром этик. Йигит сариқ чармдан тикилган, почаларига ироқи жияклар тутилган шим кийиб, уни этигининг устидан туширib олган, чопонининг этакларини ҳам шим ичига тиққан эди. Бу кишининг бели кумуш нақшли ипак камар билан боғланган бўлиб, камарбандининг икки ёнидан чармга баҳядўзи қилиб тикилган иккита ён чўнтаги ҳам бор эди. Чап ёнида Ҳисорда ясалган эгри ва ўткир қилич, орқасида янги бешотар милтиқ. Бу одамнинг афти ҳам қора, узун қилиб қўйилган соқол-мўйлови ҳам қора эди. У қўй сурисини излаб чиққан оч бўридай, ҳар томонга жаланглаб, ўз овини изламоқда.

Отлиқнинг афт-башараси, юриш-туриши ва яроқ-аслаҳаси қўрқинчли бўлса ҳам, тоғ устига чиқиб олган дара аҳолиси ундан қўрқмади. Бу одам на пиёда ва на отлиқ тоғ устига чиқа олмасди, бу тоққа ўша ерда туғилиб ўсган одамларгина чиқа оларди.

Тоғ парвозларимиз унга ғурур билан қараб, масхара-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лаб, гўё, «мард бўлсанг, бизнинг ёнимизга чиқ, айтадиган гапингни айт» дердилар. Отлиқ ҳам овнинг қўлдан кетганини англаган, олай деганда товуқни қочириб юборган шақал каби, нима қилишини билмай, телбаланиб, отини ўйноқлатарди.

ТОШ ПАНАСИДАГИ ОДАМ

— Гулнор!.. Гулнор!.. Тез кел, бўлмаса қўлга тушамиз!

Умидсизланган отлиқ бу товушни эшитиш билан отнинг чап сағрисига бир қамчи уриб, товуш эшитилган томон отилди. У фурсатни ўтказмай, милтиқни қўлга олди-да, тепкисига бармоқ қўйиб, товуш чиқарган одамга яқинлашди.

— Дохунда! Қўлларингни кўтар! Бўлмаса у дунёга кетдим деявер!— деди.

Дохунда деб аталган кишининг итоатдан бўлак чораси йўқ эди. Ҳақиқатан қуролсиз бир одам, ўқланган ва отилишга тайёр турган милтиқ қаршисида нима ҳам қила оларди! Отлиқ юган қайишини ҳалқа қилиб билагига солиб отдан тушди, Дохунданинг бошидаги тивит саллани олиб, қўлларини орқасига қайириб, салланинг бир учи билан тирсакларидан маҳкам боғлади ва салланинг бир учини ҳалқа қилиб, эгарнинг қошига солгач, отга миниб олди. Сўнгра бир қўлида милтиқ, бир қўлида қамчи ва юганни тутган ҳолда:

— Олдин туш!— деб буйруқ берди.

Дохунда юзини отлиққа ўгириб:

— Ясовул жаноблари, мени қаёққа олиб борадилар? Гуноҳим нима?— деб сўради.

Отлиқ зарда қилиб деди:

— Сенинг гуноҳингми?.. Сиз ўғрилар, афтидан, ҳали ҳам ўзларингизни гуноҳсиз биласизлар. Сенгина эмас, жаноби олийнинг давлатлари соясида бу дарада тирикчилик қиладиганларнинг ҳаммаси ўғри. Ўғри бўлганда ҳам оддий ўғри эмас, кўпчилиги жаноби олийга итоатдан бош тортган осий ва ўлдирилиши вожиб бўлган ўғри. Агар осий бўлмасангиз, ҳукумат одамларидан нега қочасиз, нега ҳокимлар фармонини писанд қилмайсиз?

Юз қадам юқорироқда, тоғ бағрида, катта харсанг-

ни қалқон қилиб турган бир киши ғазаб билан гапга киришди:

— Ҳой ясовул,— деди у,— гапингни билиб гапир! Биз ўғри бўлиб кимнинг уйини талабмиз, кимнинг қўйэчки ё сигирини ўғирлабмиз, кимнинг хотин, бола-чақасига ёмон кўз билан қарабмиз?.. Мазлумларнинг уйига бостириб кирадиган киши ўғри бўлади; қуролсиз бир бечорани тутиб, қўлини боғлаб, кўкрагига милтиқ тирайдиган киши ўғри бўлади; ўз иши билан юрган бечораларни боғлаб урадиган одам ўғри бўлади; одамларнинг молларинигина эмас, хотин-қизларининг номусларини поймол қиладиган одам ўғридир... ҳали ҳам ўғрининг кимлигини билиб олмаган бўлсанг, билиб ол, сен ўзинг ўғрисан, амлокдоринг ўғри, ҳокимнинг ўғри, қозию раисинг ўғри, амиринг, вазиринг ўғри! Эшиттингми?!

Тош панасидаги одам нафасини ростлаб олиб, яна давом этди:

— Биз «жаноби олийинг»нинг давлати соясида тирикчилик қилаётганимиз йўқ! (У тоққа ишора қилди.) Бу енгилмас қалъа ичида сиз, йиртқичларнинг хуружидан омон қолмоқдамиз. Агар сен ва «жаноби олийинг» бизни қўлга туширолсангиз, эркакларимизнинг гавдалари Ҳисор ва Бухоро зиндонларида чириб кетарди, хотин-қизларимиз «духтархона»да, амир ва ҳокимларнинг ўрдаларида таҳқир этилардилар...

Тош панасидаги одам бирпас жим бўлиб, яна гапини давом эттирди:

—«Сизлар ҳукумат одамларини писанд қилмайсиз!» дейсан. Сиз, ҳукумат одамлари қачон одам каби келдингизки, биз писанд қилмадик? Ҳар вақт бошимизга бало-қазодек келасизлар. Кўп вақт сизни қўл қовуштириб иззат-ҳурмат билан қарши олганмиз. Аммо сизлар суриштирмай, қўлларимизни боғлаб, зиндонга юборасиз, мол-ашёмизни талайсиз, хотин-болаларимизни етимесир қиласиз...

Ясовул бу аччиқ ҳақиқат сўзларини эшитиб, боши янчилган илондай тўлғанарди, аммо жавоб беришга гап тополмасди. Агар қўлидан келса, бу сўзларга фақат битта ўқ билан жавоб берарди-ю, бироқ бундай қилиш мумкин эмас эди. У фақат шундай дея олди:

— Мен бу ерга Сарижўй муътабар одамларидан бирининг шаръий даъвоси юзасидан бир кишини қўлга

www.ziyouz.com kutubxonasi

олиш учун келган эдим. Сизларнинг гуноҳкорни менга топширмаслигингиз аниқ эди. Шунинг учун, ким бўлса ҳам, бир кишини қўлга олишга қасд қилдим. Менга худо ёр ва шариат мададкор бўлиб, бу йигит қўлга тушди. Мен буни олиб бораман. Агар бу йигит сизларга керак бўлса, орқасидан бориб, хизмат ҳақимни бериб, ҳақиқий гуноҳкорни ҳукуматга топшириб, буни олиб келасизлар. Бўлмаса гавдаси зиндонда чирийди!

МАЗЛУМАНИНГ ЖАСОРАТИ

— Тез бўл! Йўлга туш!— деб ясовул Дохундани судради. Йигитнинг итоат қилишдан бошқа чораси бўлмаса ҳам, бир фикр уни қадам босишдан тийиб турарди, у ҳар томонга кўз югуртирарди, видолашмоқчи бўлиб севгилисини изларди.

Ясовул, йигит боришдан бош тортмоқда, деб ўйлаб, зарб билан елкасига бир қамчи уриб:

— Нега сўзимга кирмайсан!?— деди.

Ясовул сўзини тамомламасданоқ, тоғ бағридаги сув бўйидан:

— Вой!.. Ёдгор, сени нега уради, қаерга олиб кетмоқчи?— деган товуш эшитилди.

Ясовул товуш чиққан томонга қараб, югуриб келаётган бир қизни кўрди ва юзини тутқун йигитга ўгириб:

— Сенинг номинг Ёдгорми?— деб сўради.

Йигит бошини қимирлатиб, тасдиқ ишорати берди. Ясовул бу ишоратдан қувониб кетиб:

Ёр дар хонаю мо гирди жаҳон мегардем,
Об дар кўзаю мо ташналабон мегардем.[1]

деб қўйди ва йигитга хитоб қилиб, сўзида давом этди:— Сен гуноҳингни энди инкор қилолмайсан. Мен излаб юрган гуноҳкор сен бўлиб чиқдинг!— деди ва қамчи билан елкасига яна туширди.

Қиз етиб келди. Севгилисининг қамчиланишига чидаёлмай майдонга отилди. Ана шу зулм, шу ҳақсизлик ва шу зўравонликдан ғазабланган Гулнор кутилмаган жасорат билан қора девга — ясовулга мардларча қарши

[1] Ёр уйда-ю, биз уни излаб дунёни кезмоқдамиз. Сув кўзада-ю, биз чанқаб юрибмиз.

чиқди. Гулнорнинг ўйлаб қўйган охирги чораси — ё ўлим ёки Ёдгор билан бирга қочиб кетиш эди. Ёдгорнинг банд этилиши Гулнор учун абадий жудолик эди, у Ёдгорнинг камбағаллигини, кимсасизлигини, ота-она, қавм-қариндоши йўқлигини биларди! Пул сарфлаб қарил бўладиган кимсаси бўлмаган тутқунларнинг амир зиндонида чириб кетишини ҳам яхши англарди. Шунинг учун Гулнор дастлаб ясовулга ялиниб-ёлворди:

— Ясовул жаноблари! Садағангиз кетай, оёғингиз остига пойандоз бўлай! Арзимни эшитинг: бу йигит бегуноҳ, бечорадир... Унинг тўғрисида ҳар ким ҳар нима деган бўлса, ёлғон, бўҳтон. Буни қўйиб юборинг! Илоҳи, болаларингизнинг орзу-ҳавасини кўринг!

Аммо ясовул бир қизнинг ялиниб-ёлворишидан юмшайдиган кишилардан эмасди. Бошқа хотин шундай илтимос қилганда, унинг жавоби бир неча қамчи уриш бўларди, Гулнорнинг гўзаллигига маҳлиё бўлган ясовул бундай муомала қилмади. Гулнорнинг ҳусни жамоли, қўнғироқдек овози, чарақлаб турган қора кўзлари, узун киприклари, қайрилма қошлари, тўлин ойдек порлаб турган юзига тушган зулфу кокиллари ҳар бир кишининг ақлу ҳушини олиб, асир қиларди. Ёдгордан бошқа киши олдида гапиришдан уяладиган нозли дудоқлар энди ялинардилар.

Агар ясовул жонидан қўрқмаганда, бу «ов»ни ҳам олиб кетарди. Қизни олиб кетганда, бу яширин дарадан соғ чиқмаслигини яхши биларди, чунки тоғ тепасидан биров тош юмалатса, ясовулнинг жони омон қолмасди.

Дара аҳолиси Гулнорнинг тутқун бўлишини томоша қилиб туролмас, номус қиларди, ҳукумат одамларидан нафратланиб, ғазабланиб юрган аҳоли, номус ўртага тушгач, ясовулни тирик қолдирмасди.

Ясовул мана шу мулоҳазалар билан Гулнорни ҳозирча қўлга олмади, лекин келажакда уни қўлга киргизишни, бундай қимматбаҳо совға билан амлокдор олдида, агар толеи баландлик қилса, ҳоким ёки амир олдида катта обрў топишни кўнглига тугиб қўйди ва шунинг учун қизнинг аҳволи билан танишмоқ мақсадида сўради:

— Сен бу йигитнинг синглисимисан?

Йўқ!

— Унинг қавм-қариндошларидан мисан?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бўлмаса, унинг хотинимисан?

— Ҳозирча йўқ!— деди Гулнор уялганидан қизариб, кўзини ерга тикди.

«Бу жонкуярликнинг сабаби маълум бўлди» деди ўзича ясовул, ва:

— Ундай бўлса, кўп қайғурма! Яқин кунлар ичида Сарижўйда ёки Ҳисорда ўйнашинг билан учрашасан,— деди ва йўлга тушди.

Ясовулнинг муомаласидан севгилисининг қутулишига умид боғлаган Гулнор, унинг кейинги сўзидан ғазабланиб, ёруғ дунё кўз олдида қоронғилашди. У энди ҳеч нарсани кўрмас ва ҳеч нарсадан қўрқмасди. Жон аччиғида итга ҳужум қилган мушукдай, ясовулга отилиб, унинг камаридан икки қўллаб тутиб ерга тортди.

Ясовул оёғини узангидан чиқариб этиги билан Гулнорнинг кўкрагига тепди. Гулнор бир неча қадам наридаги чуқурга бориб тушди ва чириллаган овоз чиқариб, жим бўлди. Ғазабланган ясовул Гулнорга қамчи ўхталаётганда, эллик қадамча юқоридаги харсанг орқасидан:

— Эҳ одамхўр! Бу дарада ўзинг учун гўр ковламоқчимисан?— деган товуш келди.

Ясовул хавфсираб, Дохундани дарров олдинга суриб, отининг биқинига ниқтади-да, Сарижўйга томон йўл олди, бир неча минутдан кейин даранинг тор йўлагига кириб, кўздан йўқолди.

ТОШ ЮМАЛАТИШ

Чўпон тош юмалатиб халқни хабардор қилиши билан дара аҳолиси тоғ устига чиқа бошлади. Бу вақт Гулнорнинг онаси ўз кулбасида қизини кутарди. Гулнордан дарак бўлмагач, «бошқа йўл билан тоққа чиққан бўлса керак» деб, у ҳам тоққа чиқди.

Гулнорнинг ўтин теришга борган отаси ҳам бир сўқмоқ йўлдан тоққа чиқиб олди. У хотинига рўпара келгач:

Гулнор қаерда?— деди.

Шу ерда бўлса керак!

Қаерда? Менга кўрсат!— деди ташвишланиб ота.

Билмадим!

Нега билмайсан?

—...

Ота саволига жавоб ололмагач, одамлар орасида айланиб, қизини қидирди, дарак тополмади. Она эса, қизи қочишга фурсат тополмай пастда қолганига қаноат ҳосил қилган бўлса ҳам, эрига: «Шу ерда бўлса керак» деяверди. Ота қизини тополмагач, пастда қолиб душман қўлига тушган бўлса керак, деган ўй билан: «Тириклайин қизимдан, нури дийдамдан айрилдим!..» деб тоғ-тошлар орасига ғулғула сола бошлади. Унинг хотинлардай айтиб йиғлашини кўрган саксон яшар бир чол:

— Рустам!— деди,— отинг Рустам бўлса-да, хотинингдан ҳам қўрқоқроқ экансан! Хотининг жим турибди-ю, сен йиғлайсан. Ўзи нима гап, осмон ўпирилиб ерга тушган эмас-ку. Агар қизинг қўлга тушганида ҳам, золим уни бу ердан олиб кетолмайди! Бу дарага бугун келганмисан? Биз ясовулга бугунгина дуч келибмизми?..

Чол бирпас жим бўлиб, нафасини ростлаб олгач, сўзини давом эттирди:

— Бу ерни Дараи Ниҳон дейдилар. Бу шундай бир дараки, манғит Раҳимхон қирқ минг аскари билан келиб йўл тополмай кетган. Бу дара халқи Дониёл Атолиқнинг қўрғон ёрар тўпларидан қўрқмай, Денов қўрғонида қамалиб қолган қўзғолончиларга икки ой озиқ-овқат бериб турган; бу ўша дарадирки, Шероддан Денов ва Болоҳисоргача манғит қўшини босиб турганда, ҳисорлик халқ қаҳрамони Муҳаммад Аминнинг ёлғиз ўзи Сарижўйни муҳофаза қилган.[1]

Чолнинг сўзларини эшитган ёшлар ота-боболарининг қаҳрамонликлари билан фахрланар ва чолга тобора яқинлашардилар.

— Энди бизга бир нима бўлибдимики, ясовул бу ердан бир қизни олиб чиқиб кетолса! Бўлмаган гап! Олиб чиқиб кетолмайди!— деди чол. Яна Рустамга қаради:

— Сен яширин йўллар билан қуйироққа тушиб, тошлар панасида туриб пойла! Агар ясовул қизингни олиб кетмоқчи бўлса, бир тошни юмалатиб бизга хабар бер! Бу вақтда ёшлар даранинг чиқиш йўлида туриб, юқо-

[1] Манғит амирлари тарихига кўра, бу воқеа 1757 йилда юз берган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

рдан тошларни юмалатаверадилар. Унда ясовул омон қолмайди.

— Ёдгор ҳам кўринмайди. У ҳам пастда қолган бўлса керак,— деди чўпонлардан бири.

— Ёдгор қўлга тушган бўлса, майли,— деди оқсоқол.— У дайди бир бола, унинг бу томонларга нега келганини ҳам билмаймиз.

Шундай қилиб, Гулнорнинг отаси — Рустам яширин йўллар билан ясовулга яқин бир ерга етган эди.

Ёдгор қўлга тушган вақтда ясовулга аччиқ гаплар айтган ва ясовул Гулнорни тепганда тош юмалатишга тайёрланиб, уни хавотирга солган киши Гулнорнинг отаси эканлиги энди китобхонга маълум бўлгандир.

ХЎЖАЙИН

Ичкари-ташқарилик данғиллама ҳовли, олди айвонлик тўрт хона, яна ошхона билан тандирхона, эшиги ташқари ҳовлига қараган кенг омбор, унинг ичи тўла буғдой, арпа, зиғир, кунжут. Ташқари ҳовлида ҳам олди айвонлик бир меҳмонхона, икки бостирма, молхона, отхона, сомонхона, бедахона, ҳовли саҳнидаги қозиққа кийикдай чопқир от боғланган; бостирма остида, даладан энди келиб, ҳали бўйинтуруқлари олинмаган бир жуфт ҳўкиз қантариб қўйилган; ҳовлининг ўртасида сершох дарахтлар билан ўралган сарҳовуз, ҳовуз теварагини баланд супалар ўраб олган, бир томонига икки қизил гилам ёзилган, тўрда эса, икки қават сатин кўрпача, бир томонига устма-уст уч ёстиқ қўйилган.

— Ўҳув-ўҳув,— деб йўталиб дарвозадан бир одам кирди. У ўрта ёшларда бўлиб бўйи паст, ранги қорамтир, қош-кўзи ва соқоли қоп-қора эди. Бошида хўк афғоний шойи салла бўлиб, печини афғонча узун қилиб ташлаган, эгнида сурпдан кўйлак, унинг устидан парчагул сатин пахталик кийган, пахталик устидан белини анбар бўйи фўта[1] билан боғлаб, унинг устидан катта жиякли, қора нақшли кулоб олачасидан тикилган ипакли чопон, оёғида сарғимтир қайроқи кавуш ва маҳси.

Ҳозиргина келиб, ҳўкизларни қантариб, коржомасини бошига қўйиб, молхона олдидаги супачада чўзилиб ётган қўшчи, келгувчининг йўталини эшитиб, у томонга бир қарагач, коржомасини бошига мослаб яна ётди.

— Собир! Собир!— деди, келган одам норози оҳанг билан.

— Лаббай!— деди саросималик билан бошини кўтарган қўшчи.

— Менинг уйимга ухлагани келдингми? Қўшга бораётганингда, «келгач хирмонга бор» деган эдим-ку! Бўйнинг узилгур, гапимни унутибсан-да! Хирмон бошидагиларнинг бари ўғри, қараб турмасанг, буғдойни уйларига ташиб кетадилар.

Собир кўзларини уқалаб, ўрнидан туриб:

— Хўжайин! Ухламасдан ишлаб бўладими?— деди.

— Хўжайиннинг нони текин деб ўйлаганмидинг?— деди хўжайин аччиғланиб.— Еганда ҳўкиздай ейсану, ишда оқсоқ эшаксан. Уйқи керак экан, нега қарол бўлдинг? Уйингда ётаверсанг бўлмасмиди?— Хўжайин бир оз юмшаб яна сўзини давом эттирди:

— Ҳозир иш вақти, дам олмасдан ишла! Қишда уйингга бориб, баҳоргача қимирламай ётаверасан!

Ишдан ҳориб келган Собир оёқларини уқалаб, ўрнидан зўрға турди ва ичкари ҳовлига қараб юрди.

— Сенга бир бало бўлдими?— деди хўжайин яна аччиғланиб.— Мен сенга хирмон бошига бор десам, сен ичкари ҳовлига кираётирсан!

— Уйдан нон сўрай, шу чоққача туз тотганим йўқ.

— Хирмон бошидагиларнинг нонларидан ёяверасан. Улар ўз нонларини ейди, деб ўйлама, менинг буғдойимдан ўғирлаб нон ёпишади.

Собир хирмон бошига бормоқчи бўлиб, дарвоза томон бурилганида, хўжайин:

— Аввал отни отхонага олиб кириб, хашак бер, кейин борасан!— деди.

Собир бедахонага чиқиб эди, хўжайин яна чақирди:

— Собир!

— Лаббай!

— Пастга туш!

Собир бедахонадан тушди.

— Қирқилган беда йўқ экан, ухламай беда қирқсанг бўлмасмиди? Ишёқмас! Қўй энди, молларга ўзим овқат бераман. Ҳўкизларнинг бўйинтуруғини олиб, охурларига боғла-ю, тездан хирмон бошига бор! Кеч қолсанг, буғдойни ўғирлайдилар.

[1] Ф ў т а — ўрама белбоғ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Собир буюрилган ишни қилиб, дарвозадан чиқаётганида хўжайин яна тўхтатди.

— Лаббай!— деди Собир дарвоза олдида туриб.

— Бу ерга кел!

Собир келди.

— Хирмон бошига бориб нима иш қиласан?

— Хирмон совурувчилар буғдойни ўғирламасинлар деб, сизнинг кўзингиз бўлиб, уларга қараб тураман.

— Шу ҳам ишми?— деди хўжайин дўнғиллаб,—хирмон бошида буғдой совурувчилар билан гапиришиб ўтирмоқчимисан? Кетмонни ол! Хирмон ёнидаги ер етилган бўлса, атрофларини текислаб қўй!

Хўжайинни йўтал тутди, сўзидан тўхташга мажбур бўлди... Собир унинг буйруғи тугаган бўлса керак деб, кетмонни олиб далага кетмоқчи бўлганида, хўжайин уни яна тўхтатиб гапга киришди:

— Сенга иш буюрсам, ҳар вақт шошилиб қочасан, ер атрофини созлашдан аввал, суғорганда тўпланиб қолган хас-хашакни супуриб ол! Бўлмаса ер ифлосланади.

Собир кетмон билан супургини олиб кетмоқчи бўлганида, хўжайин:

— Супургини нима қиласан?— деб тўхтатди.

— Хас-хашакни супураман!— деди Собир.

— Хас-хашакни супуриш учун ҳам супурги керакми? Сада-қайрағочдан бир неча новда кесиб ол-да, супуравер!

Собир супургини жойига қўйиб, кетмонни кўтариб кетмоқчи бўлганда, хўжайин яна тўхтатди:

— Хас-хашакни супуриб, созлаб бўлганингдан кейин нима қиласан?

— Шунинг ўзи бир кунлик иш эмасми?

— Агар ишламай ётаверсанг, икки кунда ҳам битмайди. Хўжайиннинг нонини ҳалол қилиб ейман десанг, бу иш пешингача ҳам қолмайди.

Собир ерга қараб ўйланиб қолди.

Хўжайин уни огоҳлантирди:

— Ерни тозалаб бўлганингдан кейин, хирмон жойининг марзаларини ҳозиргисидан икки баравар баланд қил. Чунки хирмонни кўтаргач, уни суғорасан. Хирмон жой қаттиқ бўлади, унга икки баравар ортиқ сув кирмаса қонмайди, юмшамайди. Тушундингми?

— Тушундим!— деди Собир ва ниҳоят ҳовлидан чиқиб кетди.

Собир кетгач, хўжайин кетмон чопиб чарчагандек «уф...» деб супага чиқди. Устки чопонини ечиб ташлади, белбоғини ҳам ечди. Пахталик камзулини икки томонга очиб елпиб, кўкрагини шамоллатди, кўрпачага ўтирди. Сўнгра, салласини бошидан олиб, гилам устига қўйди, ёстиққа ёнбошлаб, хаёлга шўнғиб кетди.

«ҲИСОБЛАСАНГ ҚИЛНИ ҚИРҚҚА БЎЛ! БАҒИШЛАСАНГ ҚИНҒИР БЎЛМА!»

Дарвоза томондан «хих-хих, иш-иш» деган товуш эшитилди. Хўжайин кўзини очиб қаради: икки деҳқон юк ортилган беш эшакни ҳовлига ҳайдаб киргиздилар. Деҳқонлар хўжайинга салом бериб, эшакларини омбор олдига ҳайдаб бордилар-да, юкларини туширдилар. Бири эшакларни ҳўкизлар боғланган бостирмага ҳайдаб юборди.

— Назар! Эшакларингни нариги бостирмага ҳайда! Бўлмаса улар бирпасда ҳўкизларнинг хашагини еб қўяди,— деди хўжайин.

— Эшакларимиз давлатингизда бир ҳовуч сомон еса нима бўпти, хўжайин?— деди Назар.

— «Туя қанча катта бўлса, яғири ҳам шунча катта» деганлар,— деди хўжайин,— сомоним кўп бўлса, молим ҳам кўп. Бир ҳовуч сомонни ҳисобга олмасам, бунча молни қандай боқаман. Менга хирмон бошидан икки қоп сомон келтириб бергандай гапирасан-а!

— Сомон керак бўлса, олинг-да, хўжайин. Биз учун бир қоп, икки қоп сомон писанд эмас. Сизнинг саломатлигингиз керак,— деб Назар эшакларни бўш бостирмага ҳайдаб юборди.

Хўжайин ўрнидан туриб, омбор олдига борди, кўйлак чўнтагидан катта калит олиб, қулфни очди-да, омборга кирди. Омбордаги катта зоғомани олиб, шифтга осиб қўйилган тарози шайинининг бир учига илди, деворга суқиб қўйилган кичкина бир чўпни олиб, шайиннинг тош осиладиган учидаги қайиш остига тиқди, шу билан шайиннинг тош осиладиган томони юк осиладиган томонидан арпа бўйи узун бўлди. Ундан кейин хўжайин деҳқонларга:

— Юкларингизни киргизинглар!— деди.

Деҳқонлар юкларини омборга киргизиб бўлгач:

— Хўжайин, тортиш керак эмас, юкларимиз тўрт ботмондан кам эмас,— деди Назар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Тортиб, аниқлаб олиш яхши-да,— деди хўжайин.— Тортилмаганда, баравар бўлса ҳам, киши шубҳаланиб туради.

— Икки ботмон бериб, тўрт ботмон олаётирсиз. Бир оз кам келса ҳам зарар кўрмайсиз!— деди деҳқонлардан бири.

— «Ҳисобласанг қилни қирққа бўл! Бағишласанг қинғир бўлма!» деганлар,— деди хўжайин.— Мен сенларга инъом қилмоқчи бўлсам, ўз вақтида, ўз жойида бўлади. Ҳозир ҳисобни пухта қилиш керак.

Назар ўз-ўзича пичирлаб: «Сен балони бағишлайсан!»— деди ва хўжайинга қаради:

— Ҳозир эсимга келди: биз ҳисобда саҳв қилган эканмиз, тарозида тортмай, ғалвир билан ўлчаган эдик. Мен ҳар бир ғалвирни бир пуд ҳисоблаган эдим, ҳолбуки, у ғалвирга бир пуду ўн қадоқ буғдой сиғарди. Шунга кўра, буғдой анча кўп бўлса керак. Торта беринг, бизнинг омадимиз келди,— деди.

— Қанча бўлса тош-тарози кўрсатади,— деди хўжайин тарозининг посангисини тўғрилаб, юк қўйиладиган томони билан тош қўйиладиган томонини баравар қилиб:— Бунга қаранглар, икки томон баб-баравар, бирбировидан қилча фарқ қилмайди,— деди.

Тортиш бошланди, тўлиб-тошган палла тошга зўрға баравар келар эди. Бу ҳолни кўрган Назар:

— Хўжайин! Кўклам вақтида, бизга буғдой тортиб берганингизда, икки пудга бу зоғома тўлмасди, ҳозир бўлса, бунга икки пуд буғдой сиғмаётир. Нега бундай?

— Бу шунинг учунки,— деди хўжайин,— менинг буғдойим қурч ва мағзи тўла бўлганидан тош босарди, сенларники бўлса пуч, мағзи бўш экан, шунинг учун тош босмайди...

Тортиш тамом бўлди. Деҳқонларнинг сўнгги ҳисобларига кўра, буғдойлари беш ботмон чиқиши керак эди, лекин тортишда тўрт ботмондан бир пудча ортиқ чиқди, холос. Деҳқонлар ортиб қолган буғдойни қопга солиб, бўшаган қопларини йиғиштираётганларида, хўжайин Назарга қараб:

— Ортиб қолган буғдой олиб кетишга арзимайди, хампага тўкиб қўя қол!— деди.

— «Ҳисобласанг қилни қирққа бўл!» эмасмиди?— деди Назар киноя билан.

— Мен сенларнинг бир ҳовуч буғдойингга зор эмасман,— деди хўжайин ҳам бир оз қизиб,— аммо шу бир ғалвир буғдойни омборимга тўкиб кетиш, ўз фойдангиз, чунки олиб борганингда, икки кунда нобуд қиласизлар. Агар менинг омборимда турса, муҳтож бўлганингизда олиб кетаверасизлар. Бундан ташқари, кўкламда уруғликка муҳтож бўлсангиз, омборхонамнинг эшиги сизларга очиқ.— Деҳқонлар қурғоқ баҳорни эсларига келтириб, ортган буғдойни омборга тўкиб юбордилар. Омбордан чиқиб, қопларини қоқиб, тахлаб, эшак устига ташлагач, Назар хўжайинга:

— Васиқамизни берсангиз, кетардик,— деди.

— Васиқа ичкари ҳовлида, сандиқда,— деди хўжайин,— уйда номаҳрам меҳмон бор, ҳозир олиб чиқиб бўлмайди. Меҳмон кетса, олиб чиқиб қўярман, бозор куни келиб оласан.

— Айни иш кўп кунларда бозорга келиш учун фурсат қайда,— деди Назар,— ҳозир берсангиз олиб кетсак яхши бўларди.

— Бир марта «ҳозир иложи йўқ» дедим-ку,— деди хўжайин аччиғланиб,— бозор куни қўлинг тегмаса, вақт топганингда олиб кетасан.

— Хайр, васиқани топиб қўйиш эсингиздан чиқмасин, хўжайин,— деди Назар кетар чоғида.

— Хотиржам бўл! Васиқангни тумор қилиб тақмайман, ивитиб ҳам ичмайман, тутатқи қилиб ҳам куйдирмайман, ўзингга қайтариб бераман.

Деҳқонлар кетдилар. Ичкари ҳовлидан тахминан олти яшар бир бола чиқиб, супа олдига келди, хўжайин уни тиззасига ўтқазиб бир оз эркалатди. Сўнгра супадан тушириб:

— Бор ўғлим, Диловар! Фотима опангга айт, менга бир чойнак чой олиб чиқсин!— деди.

Орадан анча вақт ўтди, чойдан дарак бўлмади. Хўжайин иргиб туриб ичкари ҳовлига кирди. Тўрт тоғора бошида ўтириб кир юваётган тўрт хотини ўринларидан баравар туриб, қўл қовуштириб, салом бердилар. Аммо у хотинларнинг саломларига жавоб қайтармай:

— Фотима қаерда?— деб сўради жаҳл билан.

Ювилган кийимларни дорга ёяётган ўн икки яшар Фотима:

— Мен шу ердаман!— деб югуриб келди. Хўжайин ҳеч гап сўрамай, чаккасига зарб билан бир шапалоқ урди. Қиз «вой ўлдим!» деб ерга йиқилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ўлсанг ўла қол, садқаи-сар! Очарчилик йили ҳаммаларингиз очликдан ўлаёзганда, отанг сени менга икки пуд буғдойга айирбошлаган эди. Ўша вақтда буғдой бермаганимда, отанг ҳам, онанг ҳам, сен ҳам очдан ўлардинг. Мен ўша вақтда хунингни тўлаганман. Энди қорнинг шу қадар тўйибдики, қулоғингга гап кирмайди. Чой сўраганимга бир соат бўлди, ҳалигача қумғонни ўчоққа осмабсан.

— Менга ҳеч ким чой дегани йўқ,— деди Фотима, йигламсираб.

— Уятсиз! Мени ёлғончи демоқчи бўласанми?— деб уни яна урмоқчи бўлди. Аммо Фотима қочиб, узоқлашди.

— Жувонмарг Диловар қаерда?— деб хўжайин ҳар томонга кўз югуртириб, олти яшар ўғлини излай бошлади. Ҳовли ўртасига тўкилган мағзавани ариқча қилиб ўйнаётган Диловар отаси оғзидан «жувонмарг» сўзини эшитгач, бирдан чириллаб, уйга кириб яширинди. Хўжайин ёшгина ўғли учун шу танбеҳни етарли санаб, хотинларига хархаша қила бошлади:

— Мен сенларни бўрдоқига боққанмидим? Келганимга уч соат бўлса ҳам, бир чойнак чой чиқармадинглар. Қарол хирмон бошига кетди, молларга қарайдиган одам йўқ. Ўзингиз-ку, ишламайсиз, Фотимага ҳам иш буюрмайсиз,— деди ва ташқари ҳовлидаги супага чиқиб, кўрпачалар устига чўзилиб, уйқуга кетди.

ИЗЗАТЛИ МЕҲМОН

Қорачадан келган, соч, соқол, қош ва кўзлари қопқора бир йигит хўжайиннинг ташқари ҳовлисига кириб келди. Унинг бошида Бухоро сипоҳлариникидай юмалоқ қилиб ўралган оқ салла, эгнида жиякли олабайроқ ҳисор шойисидан тикилган чопон, белида кумуш пулакчалик камарбанд, оёғида Бухоро бичимида хромдан тикилган пошнаси баланд қора этик.

Бу йигитнинг ёши йигирма бешлардан ошмаган бўлса ҳам, соқол-мўйловини узун қўйганидан ўзини улғайган қилиб кўрсатишга уринган билиниб турарди. Улуғворлик билан қадам ташлаб келиб, супага чиқди-да, уй эгасининг ухлаб ётганини кўриб:

— Мулла Азимшоҳ! Мулла Азимшоҳ!— деб уни уйғотмоқчи бўлди. Уй эгаси бу билан уйғона қолмади.

— Ҳой мулла Азимшоҳ!— деб сипоҳчасига баланд овоз билан чақирди.

Қаттиқ уйқудан сесканиб уйғонган хўжайин, кўзларини уқалаб ўрнидан турди.

— Э... э... Алимардонбек-ку!— Хўжайин кўрпачалардан бирини супанинг ҳовуз томонига ёзди ва меҳмонни қўлидан тутгани ҳолда олиб бориб кўрпачага ўтиргизди, икки ёстиқни олиб меҳмоннинг ёнига қўйди, иккинчи кўрпачани меҳмоннинг рўпарасига ёзди.

— Баҳузур ёзилиб ўтиринг.

Бир-бирларидан ҳол сўрашиб, фотиҳа ўқиганларидан кейин, Азимшоҳ:

— Ғафлат уйқусида қолибман, келганингизни ҳам билмабман. Айбга буюрмагайсиз,— деб узр сўради.

— Зарари йўқ! «Туш уйқуси — қуш уйқуси» деганлар азизлар. Бу ҳар кимга насиб бўлавермайди. Бундай уйқу худонинг яхши кўрган бандаларига, қушдай бегуноҳ одамларга насиб бўлади,— деди меҳмон.

Хўжайин супа лабида турган чойнакнинг қорнига қўл тегизиб кўрди-да:

— Сиз ёзилиб ўтиринг! Мен ҳозир келаман,— деб ичкари ҳовлига кириб кетди.

Хўжайин уйга кириб:

— Фотима қаерда?—деб сўради.

— Молларга хашак солгани чиққан эди, сомонхонада бўлса керак,— деди хотинлардан бири.

— Меҳмон келди, дастурхон олиб чиқсин, янги чой дамласин!

Азимшоҳ ташқари ҳовлига чиқди:

— Фотима қаердасан? Ҳовлига қара!— дегандан кейин хўжайин меҳмонхонага кириб, кўйлак чўнтагидан ипга тақилган бир даста калитни олди-да, ёғоч сандиқдан майиз, қандолат, печак солиб қўйилган баркашни чиқарди. Сандиқни қулфлаб, калитни чўнтагига солди-да, меҳмонхонадан чиқиб супага келди.

Хўжайин саводсиз бўлгани ҳолда, уни «мулла Азимшоҳ!» деб атаган меҳмон у супага чиқаётганда иззати учун ўрнидан турмоқчи бўлиб қимирлади.

Уй эгаси бунга йўл қўймай, қадам босишни тезлатиб, қўли билан меҳмонни қимирламасликка ишорат қилди:

— Баҳузур, баҳузур ўтираверинг!

Фотима дастурхон олиб келиб, хўжайинга узатди. Хўжайин дастурхонни ола туриб, унга ишорат билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

меҳмонхонадан баркашни олиб келишни буюрди. Уй эгаси дастурхонни меҳмон олдига ёзгунча Фотима ҳам баркашни олиб келди.

Хўжайин баркашни меҳмон олдига қўйиб, нон синдирди:

— Нонга қарасинлар!— деб ўзи ҳам бир тишлам нон билан бир дона майизни оғзига солди.

— Кўп вақтдан бери кўринмай қолдингиз, бугун эрта билан бекка салом бергани борган эдим, у ерда ҳам кўринмадингиз,— деб гап бошлади хўжайин.

— Дунёнинг оворагарчилиги, дўстлар билан суҳбат қилиб, кўнгил очишга фурсат йўқ,— деди меҳмон,— бугун Карманага, жаноби олийнинг дарборларига борсам, эрта — Бухорода, қушбеги жанобларининг ҳузурларида бўламан, индин десангиз, Ҳисорга, ўз соҳиб давлатимиз олдиларига иш билан жўнайман. Шундай қилиб, умр ўтиб кетаётир. Қаердаки бирор заруррок иш чиқса, бек жаноблари каминани юборадилар.

Хўжайин меҳмонни гапга солиш ниятида:

— Бекнинг одамлари кўп бўлса ҳам, ҳар бир ишни сизга буюраверар эканлар-да?— деди.

— Мен ҳам бекка шуни айтдим,— деди меҳмон,— «бошқалар ҳам хизматкорингиз, нону тузингиз билан тарбия топмоқдалар, уларга ҳам баъзан иш буюринг!» деганимда, у киши: «Алимардон дунёда иккита эмас. Ҳар бир эчки хирмон янча олса, ҳўкиз керак бўлмай қоларди» деб, менинг уддабуролигимга ишорат қилдилар. Ҳар нечук шунча хизмат қилиб, давлатингиз шарофатидан ҳўкиз бўлиб қолдик, ем-хашак кўпроқ берилса, ҳўкиз бўлиш ҳам ёмон эмас, деб ҳазил қилиб қўйдим. Менинг бу гапимдан бек жаноблари жуда хурсанд бўлиб, бу чопонни,— меҳмон энли жиякли ва енги тирсагигача чокланиб, жияк тутилган тўнини кўрсатди,— эгниларидан ечиб менга инъом қилдилар, бу хамир учидан патир дедилар.

Меҳмон совиган чойини бир ҳўплаб, пиёлани хўжайин томонга юмалатди. Ёстиқларга суяниб, дарахт шохларига қараб хаёл сура бошлади.

Ҳақиқатан ҳам меҳмон ўзига оид ва ўз фикрича жуда муҳим бир масалани ўйламоқда эди. У қай даражада корчалон ва уддабуролигини, бекнинг олдида катта обрўга эгалигини хўжайинга уқдириш фикрида эди. Агар у уй эгасини ишонтиролса, қиладиган хизмати

эвазига каттароқ хизматона ундириши осон бўларди. Меҳмон гапнинг муқаддимасини яхшигина бошлаган, энди бирор йўл топиб асли муддаога ўтиши керак эди. Хўжайин яна чой қуйиб бериб, уни нонга ундаганда, у суянган жойида тикланиб ўтириб, бир бурда нонни қўлида ушлаб туриб, гапга киришди:

— Шундай, мулла Азимшоҳ ака! Сипоҳигарчиликнинг нағмаю найранги жуда кўп бўлгани каби, ҳар бир гапнинг ҳам уч юз олтмиш қирраси бор, ҳар сўзнинг вақти бор ва ҳар нуқтанинг жойи бор, деганлари жуда тўғри. Агар одам гапни ўз жойига қўйса, ҳар қандай одамни ҳам мот қила олади. Мен сўзга уста бўлганимдан, бек ҳар бир чатоқ ишни менга буюрадилар, хоҳ яхши, хоҳ ёмон бажарсам, ишлари йўқ. Чунки менинг ишбилармонлигимдан кўнгиллари тўқ. Шунинг учун менинг ҳақимда дўст-душманнинг гапига ҳам қулоқ солмайдилар.

Меҳмон қўлидаги нонни оғзига солиб, устидан совиёзган чойни ичиб, яна сўзини давом эттирди:

— Чунон бир неча кун бундан аввал мени бир завжият даъвоси[1] устига юборган эдилар. Бориб, ишни бир неча кун кейинга суриб тарафайндан қайси томон кўп сут беришини текшириб кўрдим. Аниқлашимча, эр томони серсут бўлиб чиқди. Мен бир амаллаб ишни даъвогар фойдасига пиширдим. Агар қиз томон бунга рози бўлмай, бекка дод деб борса, нима бўларди? Иш яна бир ҳафта чўзилиб, бу муддатда бўлган харажат норози томон бўйнига юкланиб, барибир иш яна мен муносиб кўрган тарзда тугарди.

Уй эгаси меҳмонга яна чой қуйиб бериб, нон ейишга қистади. Аммо меҳмон нишонни яхши олиб отишга тайёрланган овчи каби бошқа ишга машғул бўлишни муносиб кўрмай, асли муддао устида сўзини давом эттирди:

— Ўша куни завжият даъвосини тамомлаб, бекка келиб салом берганимда, у киши: «ҳозир мулла Азимшоҳникига боринг, бир ишлари бор экан, тамом қилиб келинг!» деб мени сизнинг хизматингизга юбордилар. Ҳолбуки, бир ойдан бери хизмат ололмай, тупроқ ялаб ётган шогирдпеша ясовуллар кўп. Мен ҳар бир ишни

[1] Завжият даъвоси — бир эркакнинг бир қизни хотинним деб даъво қилиши.

www.ziyouz.com kutubxonasi

бажаролганимдан, ҳар бир ишда ҳам сersут томонни, ҳам бекни рози қила олганимдан, бир кун ҳам ишсиз қолмайман. Жанжалларда фуқародан ундириб олади-ган ёғли хизматонадан бошқа, бекнинг ўзлари ҳам гоҳ-гоҳ бундай (у яна ўзининг тўнини кўрсатди) инъомлар билан каминани мамнун қиладилар.

Алимардонбек гапини тугатиб, суҳбатдошининг юзу кўзларига диққат билан қараб, сўзларининг қандай таъ-сир қилганини англамоқчи бўлди.

Шу вақтда хўжайиннинг ўғилчаси Диловар супа ёнига келиб, отасига:

— Менга қандолат беринг!— деди.

Хўжайин қовоғини солиб, кўзларини олайтириб:

— Бу амакинг сартарош, устара билан қайроқла-рини ҳам олиб келганлар, дарров қочмасанг, бир иш қи-либ қўядилар,— деди.

Диловар «сартарош» сўзини эшитиши билан, қандо-латдан воз кечиб, чириллаб ичкари ҳовлига қочиб кетди.

ҚОЧҚИН ЧУПОН

Азимшоҳ боланинг қандолат сўраганидан хира бўлган таъбини бир оз жим туриб жойига келтиргач, меҳмонга қараб:

— Бировга одамларнинг яхши қараши ва кўнгил қўйиши ўша одамнинг ўзига боғлиқ,— деди,— сиз бек жанобларининг содиқ хизматчиси ва фидокор одами бўлганингиз учун, у киши сизга кўнгил қўйганлар. Са-доқатингизга яраша марҳамат қиладилар...

Азимшоҳ меҳмонга чой қуйиб бериб, Фотимани чақириб яна чой буюрди.

— Шундай, Алимардонбек. Бундай воқеалар ўзим-нинг бошимдан ҳам ўтиб туради. Ўзингизга маълум, кўпми, озми — менга ҳам худо давлат берган. Албатта, мен бу мол-мулкни ўзим билан бирга гўримга олиб ке-тмайман, лекин кўчага ҳам чиқариб ташламайман. Ким-ки мени хурсанд қилса, кўнгилдагидек хизмат кўрсатса, мен ҳам ундай одамдан молу жонимни аямайман, уни эсимдан чиқармайман, «кўнглимни топ, пулимни е» де-ган гап пухта ўйлаб айтилгандир. Бунга шу кунги ишим-ни мисол қилиб кўрсатсам бўлади: бугун сизга менинг

бир ишим тушган экан, агар сиз тузук хизмат қилиб, ме-ни миннатдор этсангиз, мен ҳам сизга миннатдорлик изҳор қиламан. Албатта, ошна-оғайни орасида мол пи-санд эмас. Шундай бўлса ҳам, дўстлар орасида «муҳаб-бат улуши» деган гап ҳам бор. Дўстона хизмат қилган киши албатта «муҳаббат улуши» дан қуруқ қолмайди.

— Жоним билан, ҳар қандай хизматингиз бўлса, кўнглингиздагидек қилиб бажаришга ваъда бераман, сизнинг дуонгиз ғанимат,— деди «муҳаббат улуши»ни эшитган Алимардонбек.

— «Қуруқ нафас найдан садо чиқармайди» дейди-лар. Мен ҳам «дуойи обдор» қиламан.

Хизмат ҳаққи тўла-тўкис унишига қаноат ҳосил қил-ган Алимардонбек:

— Бирор муттаҳам, пулингизни бермадими?— деди.

— Йўқ,— деди хўжайин,— мен пул, мол учун бек жанобларининг ва сиз каби «дўст»нинг бошларини оғри-тиб юрмайман. Менинг пулимни ким емаган? Менинг бу ишим бир қочоқ чўпон устида. Бу чўпоннинг ўзи ва отаси мендан минг танга қарздор. Чўпон бу пул бадали-га менга хизмат қилмоқчи бўлиб, қози олдида тилхат берган. Бундан ташқари, уйимда ётиб туриб, қўлини совуқ сувга урмай еди, кийди. Мен бир сурук ҳисор қўй тайёрлаб, унга ҳайдатиб, Бухорога олиб бораман дегандa, қочиб кетди. Эшитишимга кўра, Дараи Ниҳонга бориб, ҳар кимнинг эшигида дайдиб юрган эмиш.

Хўжайин асли муддаони баён қилишга қизиқиб, чой қуйишни унутган бўлса керак, меҳмон чойнак томонга қўл узатди.

— Айбга санамайсиз, чой қуйиш эсимдан чиқибди,— деди хўжайин ва меҳмонга чой қуйиб бериб, бўлинган сўзини давом эттиришга киришди:

— Албатта, алдамчи чўпоннинг бу иши менга алам қилди, гўё у мени ўзича аҳмоқ қилиб, фириб бериб кет-ди, гап пул ва мол устида эмас. Мен бевафо дунё моли орқасидан қувмайман... Бу қочоқ чўпонни топиб, қўлга киргизиш пайига тушишимга бошқа сабаб бор,— деди хўжайин ва изоҳлашга киришди,— агар мен «қочиб кетди, гўрга» деб унинг орқасидан тушмасам, хизмат-корлар бузиладилар. Кимни хизматга олсам ейди, ича-ди, кияди, иш буюрганимда қочиб кетади. Эшигимда ўз боламдай тарбияланган бир хизматчим бор. Чўпон қоч-ганидан бери авзойи бежо. Бугун бекнинг олдиларидан

www.ziyouz.com kutubxonasi

келсам, ҳали уйқусидан турмаган экан. Зўрға уйғотиб, хирмон бошига юбордим. У ерда нима қилади, денг. Хирмон бошидагиларга «ҳорманг! Балли!» деб ўтиради. Мана шундай енгил ишга ҳам унамайди...

Хўжайин яна ўзига ва меҳмонга чой қўйиб, сўзини давом эттирди:

— Агар мен бу ишнинг пайига тушиб, қочоқни қўлга тушириб, кўзини очиб қўймасам, бир менинг хизматкоримгина эмас, бошқаларнинг хизматкорлари ҳам бузилади. Оч қолсалар, муҳтож бўлсалар, эшигингизга келиб, ялиниб-ёлвориб ёлланадилар. Нонингизни еб, тузингизни тотиб, қоринлари тўйдими, дастурхонни оёқ ости қилиб, тузлуққа тупуриб, чиқиб кетадилар. Очнинг тўққа душманлик кўрсатиши, ҳасад қилиб юриши сизга маълум. Камбағаллар ҳар вақт бойларнинг ғийбатини қилиб юрадилар; «Нега фалончи бой, биз қашшоқ? Нега у тўқ, биз оч? Нега у семиз, биз ориқ?..» дейиш буларнинг одати.

— Уларнинг имонлари комил эмас. Бойларга давлатни худо берганини билмайдилар-да,— деб Алимардон хўжайиннинг сўзини қувватлади.

— Тўғри айтдингиз, отангизга раҳмат!— деди Азимшоҳ. Давлатни бойларга худо берганини исботлаш учун ўз таржимаи ҳолини баён қилишга киришди:

— Бегижон! Сизга ёлғон, худога чин. Мен Дарвоздан келганимда, бир жуфт ёғоч кавуш, бир чориқдан бўлак нарсага эга эмас эдим. Аввал худонинг марҳаматидан, жаноби олий давлатларининг шарофатидан уйжойли, бола-чақали бўлдим. Бир эмас, тўртта хотинким, мулку асбобим бор. Ҳолбуки, мен кетмон чопмаганман, ўғирлик қилмаганман, бировнинг молини босиб олмаганман. Буларнинг ҳаммаси ўзимнинг ниятимга яраша худонинг марҳамати билан пайдо бўлди. Чунончи, одамлар орасида шундай гап бор: «Давлатга номуносиб киши экин экса, сув топмайди, аммо давлатга муносиб одам экса, экмаса, барибир, худо унга ҳосил беради». Ўзим деҳқончилик қилмаган, қўш қўшмаган бўлсам ҳам, омборим ғаллага тўла...

— Демак, омборингизга худо ғаллани тепа-туйнукдан тўкар экан-да,— деб Алимардон ҳазил билан хўжайиннинг сўзини бўлди.

— Ҳақиқатан ҳам шундай,— деб Азимшоҳ суҳбатдошининг ҳазилини чинга йўйди ва изоҳ беришга киришди,—ўзим деҳқончилик қилмасам ҳам, худо берган тўрт-беш таноб ерни чорикорларга, етим-есирга экдираман. Бундан ташқари, кўклам вақтида уруғликка муҳтож камбағал деҳқонларга уруғлик бераман. Йиғим-терим вақтида у деҳқонлар худо берган ҳосилдан бир қисмини келтириб, ўз қўллари билан омборимга тўкадилар, бу «худо тепа-туйнукдан тўкади» деган гапимнинг ўзгинаси.

— Бу шу кунларда қилиб юрган ишингиз,— деди меҳмон,— давлатингизнинг боши—хамиртуруш қаердан пайдо бўлди?

— Давлатимнинг куртаги қозихона эшигидан, шариат шарофатидан бўлди,— деди хўжайин.— Дарвоздан келиб, Сарижўй қозихонаси олдидаги чойхонага шогирд тушдим. Самоварчи хотин-боласиз қари ва касал бир одам эди. У тездан ўлди, мен қозихона катталари билан келишдим. Бир самовар билан бир неча чойнак меники бўлди. Самоварчилик қила бошладим, чойхўрлардан келган пулни емай-ичмай, бошига бир иш тушиб қамалган, қози томонидан қарздорликка ҳукм қилинганларнинг ҳожатларини чиқариб, оз фойда билан қарз бериб турдим. Мен кишиларга қарзни қозининг олдида берганимдан, бирор одамда пулим куймади. Бора-бора шу кўзингизга кўриниб турган мулку молларнинг эгаси бўлдим.

— У қочоқ чўпонингиз қаерлик, қандай қилиб қўлингизга тушган? Мен уни излаб бормасимдан аввал, унинг кимлигини билишим керак,— деди Алимардон.

— Қочоқ чўпоннинг номи Ёдгор, отасининг номи Бозор. Булар бу ерлик бўлмай, етти-саккиз йил аввал қурғоқчилик, қаҳатчилик йилида Кўлобдан бу ерга келдилар. Бозор хотин ва боласи билан Бухорога бормоқчи бўлиб, бу ерга келган эди. Хотини йўлда касал бўлиб, бу ерда ўлди. Мен уни ўз харажатим билан кўмдирдим. Бозорнинг ўзи касал эди. У вақтда ўн икки-ўн уч яшар ўғли билан уни ўз тарбиямга олдим. Бозор соғайгач, мен қилган яхшиликларни қайтармоқчи бўлди. Мен уни чўпонликка олиб, Самарқанд ва Бухорога қўй ҳайдатдим. Ҳар сафар бир неча қўйни «бўри еди» деб ўғирлади, бўрдоқи қўйларимни ориқ қўйларга алмаштириб фирибгарлик қилди. Унинг ўғрилиги ва фирибгарлиги қози олдида бўйнига тушди. Мендан минг танга қарздор бўлиб, хизмат қилиб қар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

зини қайтармоқчи бўлиб, қози олдида тилхат берди, лекин у хизмат қилолмай ўлди. Унинг ўлигини ҳам ўзим кўмдирдим. Ўғли менинг пулимни тўлаш учун, отасининг қарзини ўз бўйнига олиб, менда чўпонлик қилмоқчи бўлди. Лекин бирор марта ҳам Бухоро ё Самарқандга қўй ҳайдаб бормай, қочиб кетди. Воқеа мана шундай.

Хўжайин ишнинг тафсилотини ясовулга ҳикоя қилиб бўлгандан кейин:

— Ҳозир Бозор билан Ёдгорнинг қарздорлик ҳужжатларини топиб, сизга кўрсатаман,— деди ва ўрнидан туриб, ичкари кириб кетди.

Қўйлагининг ён чўнтагидан бир шода калитни олиб, бири билан сандиқни очди. Сандиқдан бир тугунчани олиб, уни уй юзига ёзди. Тугунчада бир даста васиқа (қозихона ҳужжатлари) бор эди. Васиқаларнинг орқасига эгри-бугри чизиқлар чизилган эди. Хўжайин саводсиз бўлгани учун, ўзига маълум чизиқлар воситаси билан, ҳар бир васиқани кимнинг номидалигини билар эди.

Хўжайин васиқаларни кўздан кечираётганида, эрта билан галла топширган Назар номли деҳқон берган васиқага кўзи тушди. Хўжайин уни тугунчадаги бошқа васиқаларнинг остига тиқиб ўз-ўзига: содда одам, «менинг васиқамни топиб беринг» дейди. Мен бу тузоқни қўлдан бериб сени озод қилиб юборадиган нодонлардан эмасман. Қайси кунки қадамингни бежо қўйсанг, бу васиқани дастак қилиб сени мажбурга ошна қиламан, деди пичирлаб ва Бозор билан Ёдгордан олинган ҳужжатларни топиб, бошқа ҳужжатларни сандиққа беркитгач, ясовул олдига чиқди.

— Бегижон, буларни ўқиб маза қилинг! Овоз чиқариб ўқингки, мен ҳам эшитай,— деди.

Алимардон дастлаб Бозор номидаги васиқани ўқишга киришди. Тожикча ёзилган бу васиқанинг ўзбекча мазмуни қуйидагича эди:

«1325-ҳижрий санаси тарихида, ражаб ойида, соқолли чол, бўйи ўрта, юзи буғдой ранг, қўй кўзли Авезмурод ўғли Бозорбой Сарижўй қозихонасида ҳозир бўлиб иқрори шариатча тўғри бўлган ҳолда «Мен иқрор қилгувчи Раҳимшоҳ ўғли мулла Азимшоҳдан 850 Бухоройи шариф (худо ўз паноҳида асрагай!) тангаси қарздор бўлдим ва ҳар қачонки, мендан талаб қилинса, мазкур маблағни ислом қозиси олдида мазкур қарз бергувчига тўлайман» деб иқрор қилди ва бу воқеа бир жамоа мусулмонлар ҳозир бўлиб турган ҳолда юз берди.

Ёдгор номида бўлган васиқа ҳам шу мазмунда эди.

— Бу васиқалар тошни тешади. Бундай васиқалар сизнинг қўлингизда экан, Ёдгор сиздан қутулолмайди,— деди Алимардон ва васиқаларни қайтариб берди.

— Ҳозирча сиз буларни эҳтиёт қилиб сақланг, мурофаа кунида кўрсатасиз,— деб фотиҳа ўқиб, ўрнидан турди.

— Бирпас тура туринг!— деди Азимшоҳ. Меҳмонхонага кириб, мева сандиғидан беш қадоқлик калла қанд олиб чиқди.

— Буни қанд чой қилиб ичиб туринг! «Хамир учидан патир». Сўнгра уни дарвоза олдигача кузатиб:

— Ишқилиб, уни қўлга тушурингки, бошқа нонкўрларга ибрат бўлсин. Дунёда ҳоким, қози ва шариат деган гап бор эканини, муттаҳамлар қочган билан қутула олмасликларини билиб қўйсинлар,— деб таъкидлади.

Алимардон:

— Хотиржам бўлинг, хўжайин,— деб чиқиб кетди.

— Худо оқ йўл берсин, овингиз барор олсин, ҳақ жойида қарор топсин,— деб хўжайин уни кузатиб қолди.

ТУСАТДАН ПАЙДО БЎЛГАН КАСАЛЛИК

Меҳрмоҳ бўз тўқиётган еридан:

— Овсин, бу ерга кел!— деб бир хотинни чақирди. Ҳовли юзида, дарахт соясида, найча солаётган Тўтимоҳ ишини қўйиб дўконхонага — Меҳрмоҳ олдига борди.

— Нима дейсан?

— Эсимдан чиқай дебди,— деди Меҳрмоҳ, кўзини ишдан узмай,— Ёдгорнинг отаси «бугун бир қоп буғдой ювиб, қуритиб қўйинглар, кечқурун Сафар тегирмонга боради» деган эди.

Дўконхона бурчагида чуқурча қазиб, устига қамиш гаровидан «дўкон» ясаб, ўйнаб турган беш яшар бола:

— Она, мен ҳам амаким билан тегирмонга бораман, ҳалигача тегирмонни кўрганим йўқ,— деб Меҳрмоҳнинг сўзини бўлди.

— Кечқурун отанг сенга тегирмонча қуриб беради. Ўшанда тегирмонни кўрасан,— деб болани юпатгач, Тўтимоҳга қараб, бўлинган гапини давом эттирди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Сен буғдойни икки тоғорада ювиб, офтобга ёзавер. Тўқиётган ишим икки қари бўлгач, мен ҳам чиқиб ёрдам бераман.

Офтоб ботиб, қоронғи туша бошлади. Меҳрмоҳ олови ўчаёзган ўчоққа ўтин қалаб, Тўтимоҳга қаради:

— Улар нега кечикдилар? Отаси «оби ёвғонингни вақтлироқ тайёрла!» деган эди. Сигир соғишга ҳам кечикдим.

— Назаримда, бу кеча укаси тегирмонга боролмайди,— деди Тўтимоҳ,— чунки икки кундан бери бошим сим-сим оғрийди деяётган эди. Бугун эрталаб бўлса ўрнидан зўрға турди. Акасининг юзидан ўтолмай у билан бирга кунжут ўришга чиқди. Бўлмаса, қимирлашга мажоли йўқ эди.

— Ўша касал афғон келиб, ўлгандан бери эрингнинг аҳволи бошқача. У касал мусофирга ғамхўрлик қилиб ҳовлига олиб келди, ўлгунча унинг олдидан қимирламай ўтирди. Ажаб эмаски, ўшандан бирор касал юққан бўлса.

Меҳрмоҳ бу гапларни айтганида Тўтимоҳга ёмон таъсир қилганини сезди. Уни юпатиш учун:

— Сен ташвиш қилма, зарари йўқ, акаси бирор эшонни топиб ўқитса, кўрмагандек бўлиб кетади,— деди.

Шу чоқда дарвозадан «иш-иш» деган овоз эшитилиб, Меҳрмоҳнинг сўзини бўлди. У шошилиб, ўчоқ бошидан хурмани олиб супадан пастга тушиб эрини кўрмасданоқ гапга киришди:

— Отаси, агар икки-уч марта шундай қилиб, сигир соғишни кечиктирсанг, сигир аввал сутини озайтиради, сўнгра бутунлай сутдан чиқади. Сигирни бир вақтда соғиш керак.

Сигир соғишга тайёрланаётган Меҳрмоҳ бирдан сесканиб, икки қадам тисланди: эшакка миндирилган Сафар, бир томонга осилиб турар, сигир арқонини билагидан ўтказиб олган Бозор, Сафар эшакдан йиқилиб кетмасин деб, уни икки қўллаб ушлаб келарди.

Хотинига кўзи тушган Бозор:

— Хурмангни бир томонга қўй! Келинглар, авайлаб буни эшакдан туширайлик,— деди.

Аёллар ёрдамга етишдилар-да, Бозор билан бирга учовлашиб Сафарни эшак устидан олиб супага ётқиздилар.

— Мен далага бориб ҳўкизларни олиб келаман, сиз-

лар ўрин солиб уни ётқизинглар,— деб Бозор ҳовлидан чиқиб кетди.

Меҳрмоҳ чироқ ёқиб келтирди. Тўтимоҳ уйидан тўшак, кўрпа-ёстиқ олиб чиқиб, ўрин солди. Аёллар икковлашиб касални тўшакка ётқиздилар. Шу пайт тўшакда ўрмалаб юрган бир жонивор кўринди. Меҳрмоҳ чироқни келтириб жониворга қаради: у катта бит эди. Меҳрмоҳ битни тутиб, ерга ташлаб, кавуши билан эзиб юборгандан кейин, Тўтимоҳга:

— Овсин, кўрпа-ёстиқларингни офтобга ёйсанг бўлмайдими? Тўшагингдан бит топдим,— деди.

Эрининг устига ёпиш учун чойшаб олиб чиқаётган Тўтимоҳ:

— Ўша касал афғон келгандан бери кўрпа-тўшакларимда бит пайдо бўлди. Офтобга ёйиш билан йўқотолмай турибман,— деди.

Тўтимоҳ эрининг қўлини олиб уқаламоқчи бўлди, қўли қизиган темирга теккандек бўлди. Бемор қўлини ёнига ташлади.

Тўтимоҳ эрининг манглайини силаб туриб:

— Сенга нима бўлди?— деди.

— Вой, ёниб кетдим!— деди бемор ва ағдарилиб олди.

Қозон-товоқ, сигир соғиш ҳамманинг эсидан чиқди, хурсандлик билан тирикчилик қилиб келган бу хонадон мотамхонадай бўлди.

Бозор ҳўкизларни даладан ҳайдаб келиб, боғлади, супа олдида туриб:

— Укамнинг аҳволи қандай?— деб сўради.

— Кўзини очмайди. Тезроқ бирор эшон топиб ўқитиш, тумор қилдириб тақиш керак,— деди Меҳрмоҳ.

— «Агар касал соғаядиган бўлса, табиб ўз оёғи билан келади» дейдилар. Дарвозлик машҳур Султонхон эшон бу кеча қишлоғимизга Ҳожиёқубнинг ҳовлисига меҳмон бўлиб келган. Бунинг ўзи касалнинг соғайиши аломатидир. Мен ҳозир бориб шу кишини олиб келиб укамни ўқитаман, соғайиб кетади,— Бозор эшонни олиб келиш учун чиқиб кетди.

ЭШОН

Қўлоб вилоятининг Кангурт қишлоғида катта ҳозирлик бормоқда. Ҳожиёқуббойнинг ҳовлиси супуриб-сиди-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рилган, қизил гиламлар ёзилган, адрас, шойи кўрпачалар солинган. Қишлоқ кўчалари супуриб, сув сепилган.

Ҳожиёқуббой бу кеча келадиган меҳмон шарафига юрт катталарини, шу жумладан, Бухоро мадрасаларида таҳсил қилаётган ва яқинда дам олиш учун ўз юртларига келган «пешқадам» муллалардан: мулла Муҳаммад Салим, мулла Асад, Оллоназар махсум, мулла Алимуҳаммад ва бошқаларни ҳам чақирган эди.

Дарвоза олдида саф тортган одамлар меҳмонни кутиб олиш учун тайёр турардилар.

Намози аср вақти яқинлашганда кутувчилар орасидан «келдилар-келдилар» деган садо эшитилди. Узоқдан от устида келаётган ўрта бўй, қизил юзли, тўғарак соқол, гавдаси йўғон, катта қирғий бурунли, йигирма беш ёшлардаги йигит кўринди. Унинг бошида Бухоро амалдорлариникидек ўралган дока салла, эгнида пиёзий мовутдан чакмон, оёғида сариқ кавуш-маҳси. Отнинг эгар-жабдуғи кумуш билан безатилган бўлиб, эгар устидан Дарвознинг машҳур кампали ёзилган, отнинг жиловида, ёғоч кавуш, малла чопон кийган, оқ салла ўраган ва устидан каркнинг шоҳи каби санчиб қўйилган мисвок[1] ва қўлларида узун тасбеҳ бўлган тўрт киши пиёда юриб келмоқда эдилар. Кутиб олувчилардан бири Ҳожиёқуббойдан:

— Султонхон эшонинг шу болами?— деб таажжуб билан сўради.

— Ҳа, шу киши,— деди ҳожи,— «дар жавони тавба кардан — нашъаи пайғамбарист»[2] деганлар. Бу киши ёшлигидан тавба қилиб, пайғамбар даражасига етишган худонинг севикли бандасидир.

Қелувчилар яқинлашгач, Ҳожиёқуббой бир неча қадам олдинга юриб, от устида келаётган эшон билан кўришди, қўлини ўпиб кўзига суртди ва жиловдаги пиёдалар қаторига кириб дарвоза олдига келгач, эшонни қўлтиғидан тутиб, отдан туширди.

Кутиб олувчиларнинг ҳаммаси дарвоза олдида эшон билан бир-бир кўришдилар ва эшон ҳовлига киргач, Ҳожиёқуббойнинг хизматкорларидан бири унинг оёғи остида бир бўрдоқи қўйни сўйиб юборди.

[1] Мисвок — бир қарич узунлигидаги чўп, таҳорат олишда шайхлар уни тишларига уч марта суртадилар.

[2] Ёшликда тавба қилиш — пайғамбарлик нашъасидир.

Эшон супага чиқиб, тўрга ўтиргач, Ҳожиёқуббой супа бошида тикка туриб, иззат ва ҳурмат билан эшонга:

— Хуш келдилар, қадамларига ҳасанот!— деб чўккалаб ўтирди.

Эшон ҳол-аҳвол сўраганда, ҳожи ўрнидан туриб, таъзим қилди:

— Худога шукур, дуою таважжуҳларининг шарофатидан соғ-саломатман. Ихлосмандларини супага чиқариб, табаррук суҳбатларига мушарраф этишга ижозат берадиларми?

Эшон рухсат берди. Ҳожи ҳовлида саф тортиб турган мурид-мухлисларни имлаб супага чиқарди. Улар бирин-кетин эшон билан иккинчи марта кўришиб, қўлларини ўпиб, кўзларига суртиб супанинг икки томонида тиз чўкиб ўтирдилар. Намози аср вақти бўлди, эшон одамларидан бири азон айтди. Супага жойнамоз ёзилди. Эшон имом бўлиб, намози асрни ўқидилар. Намоздан кейин жойнамоз устида ҳамма давра қуриб ўтирди. Давранинг тўрида эшон ўтирарди. Ҳамма бош эгиб, кўз юмиб, жим ўтирмоқда. Бир неча минутдан кейин эшон ўнг томонга силжиб, тиззасини ёнида ўтирган одамнинг тиззасига тегизиб, ўнг қўлини унинг сонига қўйиб, бирпас жим турди ва сўнгра иккинчи одам рўпарасига боягидек силжиб, унга ҳам ўшандай муносабатда бўлди. Эшон шу тартибда даврани айланиб, ўз жойига ўтирди ва бир дақиқа бош эгиб жим тургач, қўл очиб, фотиҳа ўқиди. Муридлар «омин!» деб қўлларини кўтардилар. Фотиҳадан кейин эшон қўлларини юзларига суртди. Бошқалар ҳам шундай қилдилар.

Шайхчасига «таважжуҳ бериш» деб аталган бу маросим тугагунча намози шом вақти бўлиб қолди. Азон айтилиб, намоз ўқилгач, жойнамоз йиғиб олинди. Эшон тўрда, муридлар супанинг икки томонига тизилиб ўтирдилар.

Шу пайт таклиф қилинган пешқадам муллалар етиб келдилар. Эшон уларни ўрнидан туриб қарши олди. Муллалар эшон билан кўришдилар, лекин қўлини ўпмадилар. Шундай бўлса ҳам эшон уларга алоҳида ҳурмат кўрсатиб, ўз ёнига ўтқазди.

Муллалар ўтиргач, дастурхон ёзилди, ёғли шўрва, иссиқ патирлар қўйилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қаёққа бормоқчи бўлиб сафар азм қилдилар?— деб сўради мулла Муҳаммад Салим эшондан.

— Душанба, Ҳисор томонларга бориб, у тарафлардаги бузрукворларни зиёрат қилиш ниятидаман,— деди эшон.

— У томонларда бузрукворлар кўпми?— деб сўради мулла Асад шубҳали оҳанг билан.

— Кўп,— деди эшон.—лекин авом уларни билмайди. Шайхлар сулукидан баҳра топиб, кашфи қубур— қабрларда ётганларнинг ҳолини билиш насиб бўлган бахтли одамларгина у тупроқларда қандай олтинлар ётганини биладилар...

Эшон бир бурда патирни шўрвага ивитиб егандан кейин, сўзини давом эттирди:

— Ўтган йил мен Ҳисор томонга саёҳат қилганимда, Ҳисор қушбегиси Остонақулбий жаноблари бу фақирни чорлаб, иззат-ҳурмат кўрсатиб, турли-туман зиёфатлар бердилар. Бу чакмонни ҳам ўша жаноб ҳадя қилдилар. Айтишларига кўра, бу чакмоннинг мовутини қушбеги жанобларининг тақядорлари— шайх Абдулазиз тортиқ қилган эканлар...

Уй эгасининг «олинг-олинг!»ларига амал қилиб, эшон бир-икки ҳўплам шўрва ичгандан кейин, гапини давом эттирди.

— Бу фақирнинг кашфи қулубдан (одамларнинг кўнгилларидагини билиш) ҳам анча-мунча хабари бор.

Остонақул қушбеги билан ҳалқадош бўлганимда, у жанобнинг кашфи кароматдан холи бўлмаганлари менга маълум бўлди. Дунёвий ишлар билан машғул ва ҳукуматдорлик ташвиши билан кеча-кундуз овора бўла туриб, бу даражага етиш таҳсинга сазовордир...

— Қушбеги жанобларининг ишқ ва муҳаббатдан ҳам хабарлари бор, баъзан гўзал қизлар ва ўғлонлар билан ҳам суҳбат қилармишлар, деб эшитдим. Шу тўғрими?— деб сўради Оллоназар махсум эшоннинг сўзини бўлиб.

— Тўғри, «мажоз—ҳақиқатнинг кўприги» деган гапни китобларда ўқигансиз. Мажозий ишққа гирифтор бўлмаган одам ҳақиқий ишққа — илоҳий ишққа етишолмайди,— деди эшон, кейин бўлинган сўзини давом эттирди:

— Қушбеги жаноблари бу фақирнинг ҳолидан воқиф бўлганларидан кейин, мени ўзларига яқин жойда сақлаб, суҳбатдош бўлишни истадилар ва шу мақсад билан

фақирга: «Сиз Ҳисор ё Душанбадан бирор жойни танланг, мен у жойни жаноби олий давлатларидан сизга ҳадя қиламан, бизга яқин жойда манзил қуриб, ҳалқадош бўласиз» дедилар. Ҳисор ва Душанба томонларни айланиб чиқдим. Душанба музофотидан Янгибозорга қарашли Янгиқўрғон деган жой менга ёқди. Қушбеги жанобларига маълум қилдим. Ўша жойдан бир қитъа серҳосил ерни фақирга инъом қилдилар. Ўтган йил деҳқонларни ишлатиб, буғдой ва шоли эктирдим. Энди ўша жойга бориб, бирор кулба ва ҳонақоҳ бино қилиб, Кофарниҳон дарёси бўйида тегирмон ва обжувоз қурмоқчиман. У томонларда ҳозир на тегирмон, на обжувоз бор. Мен буларни қуриб олсам, халқ учун катта фойда бўлади.

Эшоннинг сўзи чўзилди. Шундай бўлса ҳам, муллалар учун ёқимли эди. Улар эшоннинг «кашфи қубур, кашфи қулуб»ларига унча аҳамият бермасалар ҳам, унинг мовут чакмони, серҳосил ерлари, тегирмон, обжувозларига ҳаваслари келиб, сўлаклари оқмоқда эди. Мулла Муҳаммад Салим мулла Оллоназарнинг қулоғига:

— Биз мулла бўламиз, давлат, ҳашамат топамиз, деб беҳуда мадрасада тупроқ ялаб ётган эканмиз. Иззат-ҳурмат, молу давлатнинг ҳаммаси эшонликда экан,— деб пичирлади.

Эшон сўзини тамом қилгач, мулла Муҳаммад Салим унга:

— Демак, сизнинг сафарингиз ҳам зиёрат, ҳам тижорат экан-да,— деди.

— Ҳа, шундай,— деб тасдиқлади эшон,— Ҳожиёқуббойнинг ҳаж сафарлари каби-да,— деб илова ҳам қилиб қўйди.

Суҳбат ярим кечагача чўзилди. Дастурхонга палов тортилиб, устидан чой ичилгач, муридлар тарқалдилар. Эшон шу жойда тунади.

ЖИН ЧАЛИБДИ

Эшон муллалар билан суҳбатлашаётганда, бир одам супанинг пастида, чироқнинг соясида туриб, Ҳожиёқуббойни имлаб кетди ва ўзи дарвозахонага бориб турди.

Ҳожи у одамнинг олдига бориб:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳа, Бозорбой, нима гап, нега таъбинг хира? Агар эшон ҳазратларини зиёрат қилмоқчи бўлсанг, кел! Мен сени зиёрат қилдириб, дуоларини олиб бераман,— деди.

— Бошимга бир мушкул тушди,— деб гап бошлади Бозор,— бугун укам бирдан касал бўлиб, ҳам тилдан, ҳам оёқдан қолди. Эшон ҳазратларининг сизникига келганларини эшитдим. Шу кеча қадам ранжида қилиб, бир «куф-суф» қилсалар, шояд шифо топса, деб келдим.

— Жуда яхши ўйлабсан,— деди ҳожи,— лекин сен эшон ҳазратларининг иззатларини бажо келтира олассанми?

— Албатта, жоним борича хизмат қиламан. Укам соғайса бас, мол-дунё кўзимга кўринмайди,— деб жавоб берди Бозор.

— Бу эшон олдий эшонлардан эмаслар, бу кишига Ҳисор қушбегиси ва жаноби олий ҳам мурид. Агар бу кишини уйингга олиб борсанг, камида бир от беришинг керак, ҳолбуки сенинг отинг йўқ.

— Отим бўлмаса ҳам, бир жуфт ҳўкизим бор. Сизнинг маслаҳатингиз билан бир иш қилиб, ҳазратларини хурсанд қиламиз-да.

— Агар ҳўкизларингдан бирини назр қилмоқчи бўлсанг, майли, ўзим олиб бораман. Лекин бу кеча эшон ҳазратларини олиб бориш мумкин эмас, чунки юртнинг уламо ва фузалолари у кишининг зиёратларига келган, ҳозир ўшалар билан суҳбатдалар. Эрта ишроқ намозидан кейин олиб боришга ваъда бераман,— деб уни жўнатди.

Дарвозахонанинг бир бурчагида туриб, бу суҳбатни эшитаётган бойнинг қароли— Зуфар «эчкига жон қайгуси, қассобга ёг қайгуси» деб қўйди ўз-ўзига.

Эшон, офтоб ёйилганда, шайхлар ўқийдиган ишроқ намозини ўтаб жойига ўтиргач, унинг олдига Ҳожиёқуббой кириб, салом берди.

Ҳожи эшон билан якка суҳбат қилганда одамлар олдидагидек сертакаллуф ва хуштавозе бўлмади.

— Тақсир!— деди у,— давлат сенга боққан: Янгиқўрғонда қўлингга кирган ерлар учун худо сенга бир ҳўкиз ҳам берди.

Эшон қаердан ва қайси йўл билан ҳўкиз қўлга киргани сўрамасдан ва ҳожи ҳикоясининг давомини

кутмасдан, жойидан туриб, ҳожининг бостирма остидаги ҳўкизларига қараб қўйди.

— Буларнинг қайсиси меники бўлди?— деб сўради, ҳожи кулимсираб:

— Одам бойлик топиш билан кўзи тўймас экан-да, сен катта, обод бир қишлоқни бутун эгаллаганинг, вилоятнинг ҳокими воситаси билан бутун халқни ўз тузоғингга илинтириб олганинг ҳолда, яна бир қадрдон дўстингнинг ҳўкизига кўз тикасан, ҳолбуки давлатнинг бир қисми шу қадрдон дўстинг воситаси билан келаётир,— деди.

Ҳожи бу тарзда эшон билан бир оз ҳазиллашгандан кейин, Бозорнинг укасини ўқитмоқ учун келганини ва ундан бир ҳўкизини назр қилишга ваъда олганини айтди.

— Тақсир, бемор устига борганимизда бир ҳунар қилки, ола ҳўкизини берсин. У шундай зўр ҳўкизки, агар ўзига муносиб жуфтини топсанг, бир кечада бир ботмон ерни шудгор қилиб ташлайди,— деди.

— Худо тақдир қилган бўлса, бу ҳунарни ҳам топамиз,— деди эшон.

— Худонинг тақдирини бажо келтириш учун тақдирни элтиб қўювчи ҳам керак,— деди ҳожи,— агар сенинг кавушбардорларинг шу каби (эшоннинг хизматидагилардан бирига ишорат қилиб) ноуддабуро бўлса, худо эчкини ҳам тақдир қилмайди.

Эшон ўша кавушбардорига қараб:

— Мулланабот, эшитяпсанми? Ҳожи сени бир кўргандаёқ қўлингдан иш келмаслигини билиб олибди. Бундан кейин ҳушёр бўл! Муридлар билан қандай муомала қилишни, улардан қайси йўл билан кўпроқ назр ундиришни ўрган,—деди ва ҳожига қараб,—тур, тезроқ борайлик. Кечиксак касал ўлиб, ҳўкиздан қуруқ қоламиз,— деди ва ўрнидан турди.

Ҳожи ҳўкизни етаклаб келиш учун Мулланаботни ҳам бирга олиб боришни лозим кўрди ва учовлашиб Бозорникига йўл тутдилар.

— Укамнинг аҳволи оғир. Эшон ҳам кечикди,— деб Бозор хотинига нолиётганда, Ҳожиёқуббойнинг овози эшитилди: у дарвозада туриб Бозорни чақирди.

Бозор аёлларга бошқа хонага ўтишни буюриб, ўзи дарҳол чиқиб эшонни касал ётган уйга олиб кирди.

Бемор талпинар, гоҳо кўзини очиб, ўтирганларга бир

www.ziyouz.com kutubxonasi

қараб, кўзини юмарди. Эшон қўлини каҳалнинг манглайига қўйиб туриб, бир нима ўқиди ва касал томонга қараб «куф» деб, дам солди. Ундан кейин эшон бошини қуйи солиб, кўзини юмиб, бир оз жим турди. Сўнгра бошини кўтариб бир «оҳ» тортиб, ҳожига қаради:

— Буни жин чалибди. Вақти ўтибди. Кечанинг ўзида менга хабар беришинг керак эди. Вақтида келиб жинларни боғлардим,— деди ва уй эгасини умидвор қилиш ниятида.— Ҳозир ҳам вақти, кучимиз етганича ҳаракат қиламиз, ажаб эмаски, омон қолса, «То реша дар обаст, умеди самараст»[1] деганлар...

Эшон бир оз жим тургандан кейин яна сўзини давом эттирди:

— Лекин бу киши ўзи яхши кўрадиган бир жониворини садақа қилиши керак.

— Бир ола ҳўкизим бор,— деди Бозор,— мен уни укамдан бўлак ҳар нарсадан ортиқ кўраман. Ана шу ҳўкиз сизга назр бўлсин. Бир иш қилингки, иним омон қолсин.

— Омон қолиш аввал худодан, қолаверса ихлосингдан бўлади, «ихлос—халос» деганлар,— деди эшон ва азайимхонликка киришди.

Эшон бир неча минут ғудурлаб бир нималар ўқиб, бир неча марта «куф-суф» қилиб дам солгандан кейин, кўзлари ёш билан тўлган Бозорга қараб деди:

— Кўп қайғурма! «Дард бошқа, ажал бошқа» деганлар. Мен қўшхонага бориб, дуолар битиб юбораман: бири уч бурчак қилиб букланган бўлади, уни сув тегмаган пахтага ўраб, устидан уч қават оҳорли латта тикиб, касалнинг ўнг кифтига тақасан, иккинчи уч парча қоғозга уч дуо битиб, қоғозларни букламасдан юбораман, уларнинг бирини ҳозир, иккинчисини пешинда, учинчисини кечқурун совуқ сувда ивитиб беморга ичирасан; яна уч тахтачага уч дуо битиб юбораман, уларнинг бирини ҳозир, иккинчисини пешинда, учинчисини кечқурун тутатиб, касалнинг этаги остига тут!

Эшон дуо ва туморларни изоҳлагач, ўрнидан турди. Бозор югуриб бориб ола ҳўкизини бостирма остидан чиқариб тайёрлаб турди. Эшон ташқари ҳовлидан ўтаётганида Бозорга билдирмасдан кўз қири билан ҳўкизга қараб, унинг кучини чамалаб севинмоқда эди.

[1] Дарахт илдизи сувда экан, мевадан умид бор.

Ҳожиёқуббой эшоннинг кавушбардорига:

— Мулланабот! Ҳўкизни сен етакла!— деди ва Бозорга юз ўгириб,— сен тез қайтиб, укангнинг олдига кир! Ёлғиз қолса аҳволи ёмонлашади,— деб таъкидлади.

Эшон Ёқуббойнинг ҳовлисига киргач, таҳорат қилиб «ғойибдан кучли бир ҳўкиз бергани учун» худога шукрона намози ўқиди. У жойнамоздан туриб, устига сариёғ қуйилган ширгуруч товоғи олдида ўтирди. Товоқ ҳали бўшалмай туриб, дарвозадан қишлоқ сўфиси кириб келди, эшон билан бойни Бозорнинг уйига жанозага хабар қилди. Бозорнинг укаси эшон кетгани ҳамоно ўлиб қолган экан.

Бу хабарни эшитган Ҳожиёқуббой эшонга қараб ҳазил-мазоққа киришди:

— Тақсир! Авом халқ ажаб ихлосли бўлади: бемор соғайса эшондан, ўлса худодан кўради, бемор ўлгани билан эшондан ихлоси қайтмайди, уни жанозага ҳам чақиради, исқот ҳам беради. Бахтсиз мурдашўйларни, касалнинг ўлимига ҳеч бир дахли бўлмагани ҳолда, «шумқадам», деб жанозага йўл бермайдилар. Ҳар ҳолда сен мурдашўйлардан бахтлироқсан.

ЖАНОЗА

Эшон қишлоқ имоми ва кавушбардорлари билан бирга Бозорнинг ҳовлисида фотиҳа ўқигандан кейин, жанозани кутиш учун мачитга борди. Ҳожиёқуббой бўлса, қишлоқ мўйсафидлари билан бирга жанозани тайёрлашда Бозорга «ёрдам бериш учун» қолди.

Қишлоқ катталаридан бири Сафарнинг ўлимига афсус қилиб, Бозорни юпатгандан кейин, унга қараб:

— Иним Бозор!— деди,— уканг дунёдан ҳеч нарса кўрмай ўтди. Унинг чироғини ёқадиган фарзанди ҳам йўқ. Хотини бўлса йигирма ва қирқидан кейин, жуда вафодорлик қилса, йилошидан кейин чиқиб кетади. Энди унинг арвоҳини шод қилиш сенга қараб қолди. Дўст-душман орасида ўлигини иззат-обрў билан кўмишинг керак. Дунёнинг моли бир яхши кунда, бир ёмон кунда асқатади. Худога шукур, мулкинг бор, ғалла-донинг бор, деҳқончилик, қўш ҳўкизинг бор...

Гапирувчи «қўш ҳўкиз» деганда, Бозор укам ўлгандан кейин эшон ола ҳўкизни қайтариб юборган экан-да,

www.ziyouz.com kutubxonasi

деб ўйлади ва жойидан туриб бостирмага қаради. У ерда ола ҳўкизни кўрмагач, укасининг соғайишига қилган умиди каби, ҳўкизнинг қайтарилишига қилган умиди ҳам пуч хаёл эканини пайқади.

Гапирувчи Бозорнинг бу ҳаракатидан гапга «қулоқ солмаяпти» деб ўйлаб, зарда қилди:

— Бозор, сенга гапиряпман! Худога шукур, танинг соғ, куч-қувватинг бор, обрў қил. Агар ҳозирча нақд пулинг етмаса, қишлоғимизнинг обрўйи бўлган Ҳожиёқуббой сендан ёрдамини аямайди.

— Албатта, албатта,— деди Ҳожиёқуббой бош қимирлатиб,— мен Бозорнинг ўғил тўйига хизмат қилиш орзусида эдим. Ҳали ҳам шу ниятимдаман, худо ўша кунга еткизса, ўзим бош бўлиб, Ёдгорни тўй қилиб бераман. Бугун худо Бозорбойнинг бошига қора кун солган экан, мен ундан ёрдамимни аямайман. Укасининг ўлигини қандай обрў билан кўмадиган бўлса, қилаверсин. Мен ёрдамга тайёрман.

— Балли, бой! Отангизга раҳмат,— деди қишлоқ оқсоқоли,— яхши кунда ҳар ким дўст бўлаверади. Ёмон кунда ҳақиқий дўст ёрдамлашади.

Бозор кўз ёшини қўлидаги нам рўмол билан артиб, йиғламсираб:

— Бошимда ақл-ҳуш қолмади, нима қилишимни билмайман. Ҳар нимаики керак бўлса, ўзларинг қилаверинглар. Розиман,— деб ўз ихтиёрини, мурдашўйга топширилган ўликдай, қишлоқ катталарига топширди. Ундан кейин ўлик ва уни кўмишга бўладиган харажатнинг эгаси Бозор эмас, Ҳожиёқуббой билан унинг югурдаги — қишлоқ оқсоқоли бўлиб қолди.

Кафанлик ва йиртишга сарф бўладиган газламалар Ҳожиёқуббой уйидан келтирилди. Ҳожи эшонга тортиқ қилиш учун бир тўп дока, исқот бериш учун юз танга нақд пулни оқсоқол қўлига топширди.

Теварак-атроф қишлоқларнинг аҳолиси имом ва сўфилари билан келиб, мачит олдида жанозага тайёр турдилар.

Кафанни тикиб бўлган мурдашўй, ўликни ювиш учун сартахта устига олганида, қишлоқ сўфиси «давра» ясаш вақти етганини имомга хабар қилди. Имом йил ағдариб, Сафарнинг ўттиз икки ёшга кириб ўлганини аниқлади. Бундан худонинг ҳукми жорий бўлмаган ўн икки йиллик болалик чоғини чиқариб, қолган йигирма йилдаги

гуноҳларини Сафарнинг гарданидан соқит қилиш керак эди. Имом ҳар йилги рўза, намозларнинг қазо бўлиб қолганларини ва шариат томонидан юклатилган, лекин марҳум тарафидан адо қилинмаган бошқа зарур ишларни бир от бадалига соқит қилишни белгилади. Бозорнинг оти бўлмагани учун қишлоқ отларидан бири унга вақтинча берилди.

Имом отга бойланган тизгинни қўлида тутиб турди ва «гуноҳ кўтарадиган» камбағал чол унинг рўпарасида ўтирди. Имом чолдан:

— Марҳумнинг бир йиллик қазо бўлган рўза, намозларидан ва бошқа адо қилинмай қолган шаръий ишлардан келган гуноҳларини шу от бадалига ўз гарданингизга олдингизми?— деб сўради.

— Олдим!— деди чол отнинг тизгинини имомнинг қўлидан олиб.— Бу отни сизга бағишладим,— деб от тизгинини қайтиб имом қўлига берди.

Имом шундай «олди-бердини» йигирма марта такрорлаганидан кейин, гўё Сафар энди онадан туғилгандай пок бўлиб, гуноҳлари ҳалиги от бадалига камбағал чол гарданига юкланди. Аммо чол ҳалиги отни бир товоқ буғдой бадалига Бозорга сотти ва Бозор отни эгасига топширди.

Жаноза ўқилиб, йиртиш ва исқотлар бўлинди. Бозорнинг уйида уч кун фотиҳахонлик бўлиб, биринчи жума оқшоми худойи оши ва хатми қуръон бўлди. Икки ҳафтадан кейин йигирма, беш ҳафтадан кейин қирқи бўлиб, бу маросимларнинг ҳар бирида имом, сўфи, оқсоқол ва бошқа катталарнинг қоринлари тўйиб, чўнтаклари қаппайди.

Азадорлик кунлари ўтгандан кейин, оқсоқол Бозорнинг Ҳожиёқуббойдан бўлган қарзларини ҳисоблаб чиқиш ва шу қарзларни тўлаш йўли ва муддатини белгилаш учун унинг уйига келди. Оқсоқолнинг ҳисобича, Бозор ҳожидан юз танга нақд пул ва беш қоп буғдой қарздор бўлган эди. Чунки бу воқеа юз берган вақтларда Тожикистоннинг шаҳарлардан узоқ қишлоқларида ҳар қандай савдо-сотиқ молларни айирбошлаш йўли билан бўларди, саноат моллари чорвадорларга қўй-эчки бадалига, деҳқонларга буғдой бадалига сотиларди.

Ҳожиёқуббойнинг кафанлик ва йиртиш учун берган моллари буғдой билан баҳоланди, натижада Бозор ҳожидан беш қоп буғдой қарздор бўлиб қолди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Оқсоқол бу қарзларни тўлаш тўғрисида Бозорга бундай деди:

— Ҳозирча қўлингда бўлган ғалла-донингни сотиб, ҳожининг юз танга нақд пулини беришинг керак, токи уканг гўрида тинч ётсин. Беш қоп буғдойни бўлса, келаси йил хирмон бошидан берарсан.

— Мен ёлғизқўл бўлиб қолдим,— деди Бозор,— деҳқончилик иши қизиб турган бундай вақтда ғаллани қаёққа олиб бориб сотаман. Қишлоқда бўлса, нақд пул бериб, ғаллани оладиган киши топилмайди. Бойга айт, шунча қилган яхшиликлари устига яна бир яхшилик қилсин. Бир оз кутиб турсин. Қўлим бўшагандан кейин, қўшнилардан от-улов сўраб, ғалламни Душанба ёки Ҳисорда сотиб, қарзимни тўлайман.

— Бу тўғрида ғам ема!— деди оқсоқол,— ғалладонларингни юртнинг таомилига мувофиқ, бир оз арзонроқ нарх билан бойнинг ўзига берамиз. Унинг одами ҳам бор, от-улови ҳам бор, истаса Ҳисорга юбориб соттиради, истаса Душанбага. Ҳар ҳолда ўликни гўрида тинчитиш учун қарзни тезроқ тўлаш керак.

Бозор ўз укасини гўрда «тинчитиш учун» бу таклифни қабул қилди ва беш қоп буғдойни хирмон бошида қанча орттириб бериш кераклигини оқсоқолдан сўради.

— Бу ҳам юрт таомилига мувофиқ бўлади,— деди оқсоқол ва изоҳлади:— таомилга кўра, кўклам экиш вақтида уруғликка муҳтож бўлган деҳқонлар хирмон бошида икки баравар қилиб бериш шарти билан қарз оладилар. Кўклам экиш вақтидан хирмон бошигача кўп бўлса тўрт ой вақт бор. Ҳозир келаси йил хирмон бошига ўн ой қолди. Шундай ҳам бўлса, бойдан сўраймиз, сенга раҳм қилиб, икки баравар, яъни беш қоп буғдойни ўн қоп қилиб олишга рози бўлсин. Бой савобталаб одам, қабул қилса керак. Лекин у қабул қилгандан кейин, сен ҳам ўз томонингдан унга яхшилик қил, унинг деҳқончилик ишларига қарашиб юбор!

Бозор бу таклифни ҳам қабул қилди.

— Ундай бўлса юр! Бойнинг олдига борайлик, бу гапларимизни бойга ҳам эшиттириб, унинг ҳам розилигини олайлик,— деди оқсоқол.

Бозор рози бўлди, оқсоқол билан икковлашиб, бойнинг олдига бордилар. Оқсоқол бойга бўлган гапни айтиб, унинг розилигини сўради ва гапининг охирида:

— Гоҳ-гоҳ сизнинг ишларингизга ёрдам ҳам беради,— деб қўйди.

Бой, биринчидан, Бозорнинг «рўй-хотири учун», иккинчидан, Сафарнинг «арвоҳини шод қилиш учун», учинчидан, оқсоқолни «ҳурмат қилгани учун» бу қарорга розилик билдирди ва Бозорга хитоб қилиб:

— Лекин оқсоқолнинг ширинкомасини ёғлироқ қил,— деб буюрди.

МАСЛАҲАТ

Кейинги йили Бозорнинг деҳқончилик ишлари бурунгидай авж олмади, чунки ҳўкизи — тоқ, ўзи — ёлғиз. Бунинг устига, «гоҳ-гоҳ» бойнинг ишига ҳам боришга мажбур эди. Меҳрмоҳ ҳам бурунгидай бўз тўқиб рўзғорга керак бўлган кийим-кечак ва кўрпа-ёстиқларни уй матои билан таъмин қилолмасди. Чунки Сафарнинг хотини Тўтимоҳ эрининг қирқидан кейин ўз қариндошлариникига кетган ва Меҳрмоҳ рўзғор ишида ёлғизқўл бўлиб қолган эди. Шунинг учун у қозон-товоқ, сигир-бузоққа қараш, кир ювиш ва йиртиқ-ямоқ тикишдан бўшолмас ва бўз тўқишга қўли тегмасди.

Бозорнинг буғдойи пишди, ўрилиб, янчилиб, совурилиб бўлди. Лекин хирмон бошига ҳаммадан бурун Ҳожиёқуббойнинг одами ўнта қоп, от-улов билан етиб келди. Бойга ўн қоп буғдой тўланиб, ўроқчининг, совурувчининг, сартарошнинг ҳақи, ҳаққулло, миробона, дорғоёна ва бошқа балою баттарлар чиқарилгандан кейин, Бозорга хирмоннинг фақат чориси қолди. Ғўза, зигир ва кунжут ер солиғига кетди, сигир бузоғи билан бирга сотилиб, Сафарнинг йилошисига сарф қилинди. Шундай қилиб, Бозор бу йил қиш бошидаёқ бойнинг «ёрдами»га муҳтож бўлиб қолди.

Бой ҳам ўз «ёрдами»ни аямасди. Унинг сўзига кўра, у билан Бозор орасида дунёнинг моли-пули писанд эмас. Фақат икки томоннинг соғ-саломатлиги керак. Лекин бундан буён бўладиган муомалаларда эҳтиёт юзасидан Бозорнинг васиқа бериши керак эди.

Лекин Бозор нимагадир хат беришдан қўрққандай, бу тўғрида бойга гапирмаса ҳам, хаёлга чўмиб қолди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бой Бозорнинг фикрини пайқади, шунинг учун хат нимага кераклигини тушунтирмоқчи бўлди:

— Иним Бозорбой!— деди у,— мен ўз нарсамни сендан аямайман, буни ўзинг ўтган йил кўриб ишонган бўлсанг керак. Шунингдек, мен ҳам сенга ишонаман, сенинг лафзингни лафз деб биламан. Бу ишимдан ҳозиргача зарар ҳам кўрмадим, алданмадим ҳам. Лекин азизлар «то ёмон кунни ўйламасанг, яхши кун келмайди» деганлар. Худо кўрсатмасин, биз дунёдан ўтиб, муомалаларимиз ҳали сағир бўлган болаларимизга қолса, улар ҳақни жойига келтиролмай қоладилар. Мана шундай ёмон кунда васиқа керак бўлади, токи орамиздаги ҳисоб-китоб қиёматга қолмасин...

Бой Бозорнинг кайфиятини кузатиб турди. Бозор ҳали ҳам шубҳада эди. Бой васиқанинг кераклигини исботлаш учун бошқа далиллар кўрсатмоқчи бўлиб, яна сўзга киришди:

— Сенга маълумки,— деди у,— мен деҳқон ва савдогар одамман, судхўр эмасман. Буғдойни қарзга бериб, орттириб олиш ҳам судхўрлик ҳисобланади. Бултур сенинг аҳволинг танг бўлганда, мен бу ишни қилдим. Лекин ўшандан бери менинг кўнглим хира, гўё ўз қўлим билан ўз ҳалол молимни мурдор қилиб қўйгандай бўлиб юраман. Мана шунинг учун васиқада сенинг ерларингни ҳосилгаров қиламиз. Лекин ер аввалгидай ўз қўлингда туради, ўзинг экасан, ўзинг кўтарасан. Фақат менга берадиган ҳосилни қарзинг фойдаси деб эмас, балки ҳосилгаров қилинган ернинг ҳосили деб берасан. Бу иш, сенинг ўзинг учун ҳам яхши, чунки китобларда фойда берувчи ҳам фойда олувчи билан баб-баравар гуноҳкор бўлади деганлар.

Бозорга бу таклиф аввалгисидан ҳам оғирроқ туюлди, у ҳали ерларини ҳосилгаров қилмай туриб, ўзини қишлоқдаги ўнларча деҳқонлар каби ерсиз, жойсиз, дарбадар бўлиб қолгандай ҳис қилди. Шуничг учун бошини кўтармай, бойга қарамай:

— Бу иш мен учун жуда оғир,— деб қатъий суратда рад қилди.

Бой Бозорни ўз таклифига кўндиролишдан умидини узгач, унга бошқача муомала қилишга, уни бошқалар воситаси билан кўндиришга қарор қилди. Лекин аввал Бозорда ўзи тўғрисида пайдо бўлган шубҳа ва ишончсизликни барҳам бериши керак эди. Шунинг учун мулойимлик билан яна гап бошлади:

— Бозор! Сен менинг гапларимдан гумонсираган бўлсанг керак. Ундай бўлса, мен аввалгидай хатсиз-чексиз сенга ёрдам қилишга тайёрман. Фақат аввалгидай бир қоп буғдой бериб, икки қоп қилиб олиб, ўз қўлим билан ўз молимни ҳаром қилмайман. Лекин омборим тўла галла бўла туриб, сенинг бола-чақангнинг оч қолишига чидаёлмайман. Бунга менинг инсофим йўл бермайди. Шунинг учун сенга қарзи-ҳасана тариқасида бир-икки қоп буғдой беришга тайёрман. Хат тўғрисидан бўлса, бундан буён сира гапирмайман. Бу тўғрида ўзинг холис одамлар билан маслаҳатлашиб кўр.

Бозор бу юмшоқ сўзларни, хусусан бойнинг буғдойни қарзи-ҳасана тариқасида (фойда олмасдан) беришга тайёр эканини эшитиб, кўнглидаги шубҳалари йўқолаёзди, шунинг учун хат беришга мойил бўлиб:

— Хўп, эртагача ўйлаб кўрай-чи,— деб ўрнидан турди.

— Балли!— деди бой,— ўйла, битта-яримта билан маслаҳатлашиб ҳам кўр! «Маслаҳат билан бичилган тўн — қисқа келмайди» деганлар. Хотин, болангни оч қолдириб, зориқтириб юрма. Ейдиган нонлари бўлмаса, дарров келиб буғдой сўра.

— Раҳмат,— деди Бозор.

Бозор уйига кетаётганида бойнинг қўшниси Зуфар олдидан чиқиб қолди.

Зуфар бўйинтуруқ остидаги ҳўкизларни «хўш! хўш!» деб йўлнинг бир чеккасига чиқариб қўйгандан кейин, Бозор билан саломлашиб, ҳол-аҳвол сўради:

— Ҳа, Бозор ака, қаёқдан келаётирсан, таъбинг хира кўринади, сенга нима бўлди?

— Ҳеч гап йўқ, хўжайиннинг олдидан келаётибман,— деб жавоб берди Бозор.

— У ерда нима ишинг бор эди? Кўп вақтдан бери хўжайин билан иноқ бўлиб юрибсан. Энди биз каби камбагалларни назаринг ҳам илмайди.

— Бедарддай гапирасан-а, Зуфар,— деди Бозор,— агар муҳтож бўлмасайдим, дўппим бойнинг уйига тушиб қолса, бориб олмасдим. Шу муҳтожлик, йўқчилик мажбур қилиб, унинг эшигига олиб боради.

— Бу ёққа кел, бир оз гаплашиб ўтириб ҳордиқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

чиқарайлик,— деб Зуфар йўлнинг бир чеккасига ўтирди, Бозор ҳам унинг ёнига чўкди.

— Қани гапир! Сени қандай муҳтожлик бой эшигига судраб борди?— деб сўради Зуфар.

Бозор буғдойга муҳтож бўлганини, шунинг учун бойнинг олдига борганини ва бой билан ораларида бўлган гапларни бир-бир ҳикоя қилди.

Зуфар бош қимирлатиб:

— Бозор ака! Агар менинг маслаҳатимга кирсанг, асло бу ишни қилма, ерингни ҳосилгаров қилишга рози бўлма,— деди,— хўжайинни мен сендан яхшироқ биламан, унинг ўзини одамларга раҳмдил қилиб кўрсатиши бутунлай ёлғон. Мен йил — ўн икки ой кеча-кундуз бойнинг қўлида ишлайман-у (йиртиқ чопонини ва липпасидан ажралган иштонини кўрсатиб) ҳолим шу. Агар хўжайин чиндан ғамхўр бўлса, эшигида қулдай ишлаётганим ҳолда, нега менинг қорнимни тўйғизмайди, нега уст-бошимни тузатмайди? Бундай «ғамхўрлик» ларни сенга ерингни қўлингдан тортиб олиш учун қилади. «Бир парча хат», «ерни ҳосилгаров қилиш»— ана шу ишнинг бисмиллоси... .

Зуфар ўйга чўмди. Бозор кетмоқчи бўлганда:

— Бир оз ўтир,— деб тағин сўзга киришди:

— Мен сенинг ҳолингга ачинаётирман, аҳволинг худди менинг отамнинг аҳволидай бўлаётир,— деди ва отасининг аҳволини нақл қилишга киришди:— Ҳозир бойнинг ерини шудгор қилиб келаётибман. Раҳматли отамнинг айтишича, ўша ер унга отасидан қолган экан. Отам уйланмоқчи бўлганда, бой унга «оталик» қилиб совчи бўлади, тўйни катта қилиб юборади. Тўй харажатига етмаган пулни ва баззозлик молларини «ғамхўрлик қилиб», унга қарз беради. Тўйдан кейин ҳам отам муҳтож бўлганда, унга «ёрдам» қилади. Аммо отамнинг қарзи оғирлашгач, «эҳтиёт учун» ундан бир парча хат олиб, ерини ҳосилгаров қилади. Бора-бора отамнинг қўш ҳўкизи ва уй-жойи ҳам бойга ўтиб, ўзи бойнинг хизматига кириб, бир кун тўқ бўлса, иккинчи кун оч, ўлгунича унда ишлайди. Отам ўлгандан кейин, мен ҳам бойнинг эшигида хоназод қул бўлиб қолдим. Борадиган жойим йўқ. Ноилож хоҳ тўқ, хоҳ оч бойнинг ишини қилишга мажбурман...

Зуфар бир оз жим тургандан кейин бир «оҳ» чекиб яна давом этди:

— Шу эрта ўша ерни ҳайдаётганимда, бу воқеалар эсимга келиб тутақиб кетдим. Бирор одам топиб тўрт оғиз гаплашиб, кўнглимни бўшатмоқчи эдим. Сен дуч келдинг. Ўз дарду аламларим билан сенинг бошингни оғритиб, йўлдан қолдирдим. Кечирасан,— деб Зуфар ўрнидан қўзғалди. Бозор ҳам ўрнидан туриб:

— Сен менга яхши маслаҳат бердинг, отангга раҳмат,— деди ва хайрлашиб, ўз йўлига кетди.

Бозор уйига кирганда, Меҳрмоҳ «нон» деб йиғлаётган боласини:

— Жим тур! Ана отанг нон келтирди,— деб юпата бошлади. Бола отасини кўргач онаси ёнидан туриб, унинг қуноғига отилди:

— Ота! Отажон! Нон ейман. Нон келтирдингми?— деб ялиниб, отасининг қўйнини пайпаслай бошлади.

— Жон болам! Ҳозир нон келтираман. Онаси, қопни топиб бер. Мен бориб, нон олиб келай,— деди.

— Чиндан ҳам нонинг ғамини ейиш керак. Бола эртадан бери туз тотгани йўқ. Мен бўлсам, ўсимлик илдизини қайнатиб едим. Болага бундай нарсаларни егизиш хавфли,— деди Меҳрмоҳ.

— Қўшнилардан бирорта нон қарз олсанг бўлмасмиди?

— Қайси қўшнидан? Ҳар қайсиларидан битта-иккита нон қарз олганман. Яна сўрашга юзим чидамайди. Юзимга чарм тортиб сўрасам ҳам, бермайдилар. Сарабибидан икки кун бурун битта нон олиб эдим. Эрта билан бола кўп йиғлагач, яна битта нон сўрадим, у юзини буриштириб, «Ноним йўқ, бугун хамир қилмадим», деб юзимга ҳам қарамай, уйига кириб кетди.

— Ҳар қандай бўлса ҳам, бирорта нон топиб болани тинчитиш керак. Мен бойдан ваъда олдим. Бир қоп буғдой бермоқчи. Лекин буғдойни тегирмонга олиб бориб, ун қилиб келтиргунча яна бир кун ўтади. Бир иш қилиб болани юпат. Бой «ерингни ҳосилгаров қил» дейди. Нима қилишимни билмай, ҳайрон бўлиб турибман. Сен нима дейсан?

— Сира бу ишни қилма! Ерсиз, жойсиз қоламиз,— деди Меҳрмоҳ.

— Ундай бўлса, тирикчиликни қандай ўтказамиз?

— Чиқма жоним деб, қаноат қиламиз. Бир иш қилиб буғдой пишиғига етиб олармиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Аввал шуки, чиқма жоним билан иш битмайди, ҳўкизга кунжара, экишга уруғлик ҳам керак; ўзинг битта нон қарзга тополмайсан. Бир йиллик озиқ-овқатни хатсиз, гаровсиз қаердан топаман?

— Ҳар ҳолда мен бу ишга маслаҳат беролмайман. Ўзинг биласан. Лекин ерни ҳосилгаров қилма!— деди Меҳрмоҳ.

Бозорнинг ўзи ҳам бу ишга рози эмас эди. Айниқса Зуфарнинг ҳикоясини эшитгандан кейин, бу ишни эсига келтирса чўчиб кетарди. Лекин бошқа иложи йўқ. Хусусан боланинг ҳолини кўргач, қандай йўл билан бўлса ҳам, озми-кўпми ғалла топиш фикрига тушди.

Бозор мана шундай хаёллар ичида, тез оқар дарёга тушиб, ихтиёрсиз оқимга қараб оқиб бораётгандай, бойнинг ҳовлисига бориб етганини билмай қолди.

Бой Бозорнинг қўлидаги қопни кўргач, овқат тўғрисидан ҳоли танглигини пайқаб олди.

— Тез келдинг? Афтидан, гапимга кўнганга ўхшайсан?— деб қўйнига қўл солиб кўрди.

— Ҳозирча бир қарорга келган эмасман, бирор киши билан маслаҳатлашишга ҳам фурсат бўлмади. Бола очиқиб-зориқиб турган экан. Ҳозир берадиган буғдойингизни тегирмонда тортиб болани тинчитай, эрта бирон киши билан маслаҳатлашиб «ҳа» ё «йўқ» дерман.

Бой бу гапларидан унинг аҳволи ўйлаганидан ҳам оғирроқ эканини билиб олди. Шунинг учун ўз талабини қатъий қўймоқчи бўлиб, манглайини буриштириб, кескин овоз билан гапирди:

— Иним! Дунёнинг муомаласи, олди-бердиси бундай бўлмайди, бировлар билан маслаҳатлашиб, бирор қарорга келиб, сўнгра менинг олдимга келишинг керак эди. Ҳозирча қопни бу ерга қўй, оқсоқолникига бориб, у билан маслаҳатлашиб кел. Буғдой менинг омборимдан қочиб кетмайди. Аниқ бир фикрга келганингдан кейин буғдой беришим мумкин.

Бозор истар-истамас оқсоқолнинг олдига бориб, бой билан бўлган гапларни айтди.

— Бу ишда маслаҳатлашишнинг ҳожати йўқ,— деди оқсоқол,— дунёда ўз молини хатсиз, гаровсиз бировга берадиган одам топилмайди. Ўтган йил менинг юзимдан ўтолмай, беш қоп буғдойни хатсиз қарзга берган эди. Бу йил ўзининг аҳволи ҳам бошқача.

— Унинг аҳволига нима бўпти? Омбори тўла ғалла, той-той газламаси бор, мол-мулки жойида,— деди Бозор оқсоқолнинг гапини рад қилгандай.

— Сен содда одамсан, Бозор!— деди оқсоқол,— сен бойнинг кунда икки бўхча молни отга ортиб, бозордан бозорга қатнаганини, ҳар ўн беш кун, бир ойда Ҳисорга бориб той-той газлама олиб келганини кўрасан-у, бу молларнинг ҳаммаси ўзиники деб ўйлайсан. Ҳолбуки у, бу молларни рус конторалариdan насияга олиб, ўзининг уй-жойи ва ерларининг васиқаларини гаровга қўяди. Ўзи оғзидан чиқармаса ҳам, эшитишимга кўра, бу кунларда аҳволи танг. Шунинг учун ерларингни гаровга олиб, сен берган васиқани ҳам олиб бориб конторга қўйиб, мол олмоқчи. Бўлмаса, Ҳожиёқуббой сен ўйлаганча, бировнинг мулкини босиб оладиган кўнгли қора одам эмас.

Бозор оқсоқолнинг бу гапларини эшитиб, бир оз тинчланган бўлса ҳам, Зуфарнинг гаплари эсига келганда, аъзойи бадани титраб кетарди. Лекин шундай бўлса ҳам, бу ишни қилмасдан иложи йўқ эди. Чунки бойнинг кейинги гапларидан ўша бир қоп буғдойни ҳам хатсиз-гаровсиз бермаслигини пайқаган эди. Бола нонсиз чидаёлмайди. Шунинг учун, «болта келгунча, кунда дам олади» деган мақолни эслаб: «бугунни кўрай, эртага нима бўлганини эртага кўрарман» деб хат беришга рози бўлди.

— Ундай бўлса, мен билан юр! Бойнинг олдига бирга борайлик. Қайси кун ва қандай шартлар билан ерларни ҳосилгаров қилишни белгилаб, ҳозирча учидан бир қоп буғдой олиб бер, бўлмаса боламнинг ҳолига чидаёлмайман,— деди.

Оқсоқол бирга боришга рози бўлди, икковлашиб бойникига қараб жўнадилар.

ТУЙ—ХУДОНИНГ ХАЗИНАСИ

Ҳожиёқуббой ўз ваъдасига мувофиқ ҳеч бир нарсани Бозордан «аямади». Қишлик озиқ-овқатдан ташқари ҳўкизига кунжара, экишига уруғлик ҳам берди.

Бозор ҳам бу нарсаларнинг қарз эканини унутмай, уларни бир кун қайтариб бериш лозимлигини эсида

www.ziyouz.com kutubxonasi

сақлаб, кеча-кундуз тинмай ишларди. У йил ҳаво ҳам яхши келиб, ҳосил кутилганидан анча ошиб кетди. Меҳрмоҳ ёлғиз рўзғорда тежаш билан қолмай, деҳқончилик ишларида ҳам эрига ёрдам бериб турди. Шундай қилиб, биринчи йилда бойдан олинган қарзнинг ярми деҳқончилик маҳсулотидан тўланди.

Бозор бойга ҳар сафар қарз учидан ғалла топширганда бой унга «раҳмдиллик» қилиб:

— Бозор ука! «Қарзимни тезроқ тўлай!» деб ўзингни ташвишга солма, рўзғор харажатидан ортганини берсанг бас. Рўзғорингни қийнаб қўйма, хотин, болангни хафа қилма!— деб «насиҳат» қиларди.

Аммо Бозор бойнинг бунақа «марҳаматларига» қарамай, ҳар ҳосилнинг катта қисмини биринчи навбатда бойга берарди. Иккинчи йили ҳам Бозорнинг деҳқончилик иши ёмон бўлмади. Ўғли ҳам майда-чуйда ишларда ёрдам берадиган бўлиб қолди.

Саратоннинг қизғин куни. Қиём вақти яқинлашган. Шундай бўлса ҳам, Бозор ишдан қўл тортмай, ўрилган буғдойларни орқалаб хирмонга ташимоқда. Хотини ҳам офтобнинг алангасига чидаб буғдой ўрмоқда, кичкина Ёдгор ҳам ота-онасидан қолишмай, ҳўкизни ўтлашга қўйиб, тўкилган бошоқларни термоқда.

Шу вақт қишлоқ оқсоқоли йўловчидай бўлиб келиб:

— Ҳорма!— деди. Ўзи ариқ бўйидаги тут соясига ўтирди.

— Бор бўл!— деб, Бозор ҳам ўроқ ва арқонни бир чеккага қўйиб, оқсоқол билан кўришиб, рўпарасига ўтирди.

— Йўл юриб, офтобнинг иссиқлигига чидаёлмай, ўтиришга мажбур бўлдим, сен бўлсанг, шундай қизғин ҳавода жон куйдириб ишлаяпсан. Жонингни бунча койитма! Кун қизиганда дам ол! Дунё ишини бунча ҳам тубидан тутма! Соғлиқ ҳам керак,— деди оқсоқол.

— Бойнинг қарзини бутунлай тўлаб, еримнинг ғаров хатини қайтариб олганимдан кейин дам оламан. Бировдан қарздор бўла туриб, дам олиш ярамайди.

— Бойдан бўлган қарзингнинг ғамини еб ўтирма! Бойнинг иши сен тўлайдиган ғаллага қараб қолган эмас. Ҳаммадан бурун ёнингга кириб ёрдам бераётган ўғлингнинг қўлини ҳалол қилишинг керак.

— Ўғлим энди саккизга кирди,— деди Бозор.— Ўн икки яшар бўлгунча тўйини кечиктириш мумкин. Бу

йил топганимни бойга бериб, қарздан қутулмоқчиман. Худо насиб қилган бўлса, икки йилдан кейин тўй қиламан. Ҳозир қарзни тўлаш зарур.

— Тўй ҳам қарз,— деди оқсоқол,— кўпми-озми қозон қайнатиб, катта-кичикнинг олдидан ўтиш керак. Бой бўлса ўзимизники. У сенинг тўрт ботмон галлангга кўз тикиб қолгани йўқ.

— Бойнинг давлатини худо бундан ҳам зиёда қилсин,— деди Бозор.—«Бу йил менга ҳеч нарса бермасанг ҳам майли, хотин, болангга рўзғорни кўп ҳам тор тутма, рўзғордан ортса берарсан» дейди. Шундай бўлса ҳам, мен шу йил қарздан қутулмоқчиман. Кейин тузукроқ тайёрланиб тўй қилиб, элнинг олдидан ўтарман. Тўғри, тўй ҳам қарз. Лекин фурсатлик қарз. Бир-икки йил кечикса ҳам, зарар қилмайди, «кеч бўлса бўлсин — куч бўлмасин».

—«Тўй — худонинг хазинаси» деганлар. Тўйни бошласанг, кам-кўстингни худонинг ўзи тўлдиради.

Оқсоқол кетмоқчи бўлиб ўрнидан турди.

— Хўп, сўнгроқ бир фикрга келарман,— деб Бозор уни кузатиб қолди.

Бозор дам олиш учун келган хотинига бу гапларни ҳикоя қилди. Бундан бурун эрини тўй қилишга ундаб юрган Меҳрмоҳ, оқсоқолнинг маслаҳатини эшитгач, уни шу йил тўй қилишга қистай бошлади:

— Оқсоқол тўғри гапирибди,— деди у,— ҳар қандай бўлса ҳам, бу хайрли ишни кечиктириш тузук эмас. Эртага ким бор, ким йўқ. Кўзимиз очиқ вақтда боланинг қўлини ҳалол қилиб, дўст-душман олдидан ўтишимиз керак.

Бозор бу йил тўй қилмоқчи эмас эди, лекин оқсоқолнинг гаплари ва хотинининг қисташи билан иккиланиб қолди. Баъзан ўзича: «Яхшиси бу йил бойнинг қарзини бутунлай тўлаб, келаси йил, ё икки йилдан кейин тўй қилиш муносиб» деб ўйласа, баъзан: «Тўй қанча кечиксa, шунча оғирлаша боради, айниқса қарздан қутулгандан кейин «хотиржам» бўлиб, орзу-ҳавас кўпая бошлаб, тўй оғирлашади. Қарзни узмай туриб тўй қилсам, кичикроқ бўлса-да, майли, «кўрпасига қараб оёғини узатибди» деб, ҳеч ким мени айб қилмайди» дер эди.

Бозор мана шундай иккиланиб юрганда бой дуч келиб, уни ўғил тўйи билан қутлади.

— Агар сиз «баракалла» деб турсангиз, тўйни шу

www.ziyouz.com kutubxonasi

йил ҳам қилсам бўларди... Лекин сўядиган молим бўлмаганидан бу йил тўй қилолмасам керак,— деди Бозор.

— Агар иш сўқимга қараб қолган бўлса, бунинг илажи осон,— деди бой,— қисир қолган бир сигирим бор, кўкламдан бери сут бермай еб ётиб, гавмушдай семириб кетибди. Ўшани сўя қол, ўрнига ҳўкизингни элтиб боғлаб қўярсан.

Бозор сесканиб кетди, «ҳўкиз бўлмагандан кейин, ерсувдан ҳосил унмайди, қарз ҳам қиёматга қолади» деб ўйлади.

Бой унинг фикрини пайқаб, бояги сўзига қўшимча қилди:

— Бундан сенинг деҳқончилигингга ҳеч зарар етмайди. Фақат ҳўкиз сенинг уйингда туриб кунжара емасдан, менинг ем-хашагимни еб ётади. Қўш қўшмоқчи бўлсанг, тоқа ҳўкизингни менинг бирор ҳўкизим билан жуфтлаб ерингни ҳайдай берасан. Фақат гоҳ-гоҳ ўша жуфт билан менинг ҳам бир таноб-ярим таноб еримни суриб берсанг бўлгани. Мен сенинг хайрли ишинг кечикмасин деб бу таклифни қилдим. Китобларда «хайрли ишни кечиктириш тузук эмас» деганлар. Агар бу таклифларимга рози бўлсанг, мен ҳам хайрга дохил бўлиб, савоб топаман.

Бозор бойнинг бу таклифига кўнди, ўз-ўзича: «Бой ҳақидаги шак-шубҳаларимнинг ҳаммаси шайтоннинг васвасаси экан. Бундай хайрихоҳ одам дунёда топилмайди» деб ўйлади.

КЕНГАШ ОШИ

Ноябрь бошларида изғирин шамол қўзғалиб, қор аралаш ёмғир ёғиб, дарахтлар олтин баргларини ташлаган бўлса ҳам, декабрь кирганда офтобнинг қизғин шуъласи табиатнинг мижозига одатдан ташқари бир кўркамлик ва қувонч бахш этмоқда эди.

Диққат қилган одам шундай бевақт хурсандликни Бозорнинг хонадонида ҳам кўра оларди: ички ҳовлида Меҳрмоҳ ва қўшни хотинлар нон ёпиш, ош пиширишга машғул эдилар.

Ташқарида бўлса, Бозорнинг ўзи меҳмонхонани супурар, кўрпача ёзар, ҳовли юзига, дарвоза ёни ва кўча бошигача сув сепар эди. Меҳрмоҳ бирдан-бир ўғилчасининг тўйида кўпдан бери ўйлаб юрган орзу-ҳавасларини ушатаётганидан одатдан ташқари шодликка берилиб кетган бўлса ҳам, Бозорнинг қувончи қайғу аралаш эди. Офтоб ботишга яқинлашиб, девор тепасидаги шуъла ўчган сайин, Бозорнинг андиша ва хаёлоти кўпая борар, у ўзини қандайдир бир қоронғиликка яқинлашаётгандай сезарди. Кўзи бостирмага тушиб, унда иш ҳўкизини кўрмаганида, ўзини қоронғиликка ботгандай ҳис қиларди. Тўғри, бой унга ўз ҳўкизини ваъда қилди. Бироқ бой ўз ваъдасидан қайтса нима бўлади? У ҳолда деҳқончилик барбод бўлади. Ҳўкиз ўз ихтиёрида бўлса, деҳқончиликдан хотиржам бўла оларди. Ҳозир эса, тўй шодлигини ҳўкиз қайғуси босиб кетмоқда эди...

Офтоб ботди. Бозор қора чироқни ёндириб, меҳмонхонадаги ёғоч чироқпояга қўйди, кейин дарвоза олдига чиқиб, меҳмонларни кута бошлади. Кўп кутишга тўғри келмади, мачит томонидан олдинда имом ва Ҳожиёқуббой бошлиқ ўн беш-ўн олти киши келаётгани кўринди. Улар яқинлашганда, оқсоқол қатордан ажралиб, қадамини тезлатди. Бозорнинг ёнига келиб, у билан бирга меҳмонларни қарши олишга тайёр бўлиб турди.

Меҳмонхонага кириб ўтирдилар. Бозор меҳмонларнинг кавушларини тўғрилаб қўйгандан кейин, ўзи ҳам ичкари кириб қўл қовуштириб, ҳаммадан қуйида чўккалаб ўтирди.

Имом дуо ўқиди, бошқалар ҳам «омин» дедилар. Бозор ўрнидан туриб, қўл қовуштириб, бошини эгди:

— Хуш келдилар!

Меҳмонлар Бозор томонга қараб бошларини сал қимирлатиб қўйдилар. Бу «хушвақт бўл!» деганлари эди.

Бозор ичкари ҳовлига кириб дастурхон, нон ва майиз олиб чиқди. Сўфи унинг қўлидан дастурхонни олиб меҳмонлар олдига ёзди, имомнинг олдига иккита, Ҳожиёқуббойнинг олдига битта, оқсоқолнинг олдига битта нон ташлаб, бошқалар олдига қўл етадиган қилиб ундамунда нон қўйди. Қолган иккита нонни ўз рўмолига қўйди.

Сўфи майизни баркаш билан кўтариб, имом, бой ва оқсоқолнинг нонлари устига бир кафдан тўкиб, бир-икки кафини дастурхон устига сочиб ташлади, баркашда қолганини ўз нони устига ағдарди. Чойларни ҳам ҳар жой-ҳар жойга қўйиб, бир чойнагини ўзи олди ва ҳаммадан қуйида ўтирди...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Меҳмонхонада ҳамма жим эди. Шунда биров:

— Агар хотиним ўғил туғса, отини сўфи Ширин қўйиб, қишлоққа муаззин қиламан,— деб сўфига гап отди.

Имом ўз олдидаги нонларни дастурхоннинг чеккароғига суриб қўйиб, ёнида ўтирган Ҳожиёқуббой олдидаги нонни ушатди, бир-икки бурдани Ҳожиёқуббой олдига қўйиб, қолганини ўз олдига тўплади. Бир тишлам нон ва икки дона майизни оғзига солиб, бошқаларни нон ейишга таклиф қилди.

Меҳмонхонани яна жимлик босди. Фақат одамларнинг нон чайнашлари эшитиларди.

— Тақсир, Бухоройи шариф тўйлари жуда ботартиб бўлади-да,— деб Ҳожиёқуббой гап бошлади.

— Бухоройи шариф баракатли шаҳар,— деди имом Ҳожиёқуббойнинг гапини тасдиқлаб,— агар Бухоронинг бир мешкоби тўй қилса уламо, фузало, машойих ва шаҳарнинг барча катталарини чорлаб, турли-туман зиёфатлар, улушлар бериб, иззат-ҳурматларини жойига келтиради. Илм ҳам Бухорода, шариат ҳам Бухорода, маъракаю маврид ҳам Бухорода...

Имом бир оз жим туриб, бир бурда нон билан майизни чайнаб ютгандан кейин, яна давом этди:

— Пайғамбаримиз саллолоҳу алайҳиссалом меърож кечасида Бухорони кўриб «Ал-Бухороу минни» (Бухоро меники) деганлар. Шунинг учун дунё мунқариз[1] бўлгунча, Бухорога путур етмайди ва унда шариат барқарор туради. Бухоро тўйларининг тартибли ва тўкин-чочин бўлиши ҳам, аҳолисининг шариатпарварлигидан...

Имом яна бир бурда нон еб, гапини давом эттирди:

— Китобларда фарзаднинг отага бир неча ҳаққи бор деганлар, бириси, ота ўз боласига китоб юзасидан яхши ном бериши керак, иккинчиси, агар бола ўғил бўлса, икки қўй сўйиб, агар қиз бўлса, бир қўй сўйиб туғилган кунининг еттисида ақиқа қилиши фарз, учинчиси шуки, агар бола ўғил бўлса, балоғатга етишидан бурун тўй бериб, хатна қилиши, агар қиз бўлса, эрга бериши керак... Ҳадис китобларида,—деди у яна,—тўйни «валима» дейдилар. Пайғамбаримиз ўз неваралари—имом Ҳасан ва имом Ҳусайнни валима қилмоқчи бўлганларида, ҳеч бир нарсалари йўқ эди. Ноилож ҳазрат ўзларининг бир або (чопон) лари билан, қизлари — Биби Фотиманинг

[1] Мунқариз — инқирозга юз тутмоқ.

меъжар (рўмол) ларини бир яҳудийга гаров қўйиб, валимага сарф қилдилар, Пайғамбаримизнинг бу ишлари тўйнинг қандай зарур ва савоб иш эканини кўрсатади...

Имом қуйиб қўйилган чойдан бир ҳўплаб, томоғини ҳўллагандан кейин, яна давом этди:

— Китобларда айтилганки, ҳар ким фақир ва қашшоқ бўлишига қарамасдан, тўй қилиб, уламо, фузало ва ашроф-аъёнларни чорлаб ҳурматласа, тўйда сарф қилинган ҳар бир дона гуруч муқобилида қиёмат кунида худо унга жаннатдан девори кумушдан, эшиклари олтиндан, қубба-ҳалқа ва кунгуралари забаржад, ёқут ва марвариддан бўлган бир кўшк марҳамат қилғай...

Имом тўйнинг «фазилатлари» ни шарҳ қила бошлагач, Бозор ёмон хаёллардан қутулиб, қўрқинчли туш кўраётганда бирдан уйғонган одамдай бўлди. У имом ваъзларининг таъсири билан ўзини дунёнинг энг бахтли одамларидан бири деб ҳис қиларди. Аввал қўрқиш ва қора хаёллар «шайтон васвасаларидан экан» деди у. Имомнинг гапларига суяниб, «тўй қиладиган одам қанча қашшоқ бўлса, тўйдан оладиган савоби ўшанча кўп бўлар экан» деб ўйлади.

Ош тайёр бўлган эди. Ёш меҳмонлардан икки киши чиқиб, ош ташишга ёрдамлашдилар.

Сўфи уч кишига бир товоқдан ош қўя бошлади, энг охирги товоқнинг устини нон билан ёпиб, ўзи ўтирган бурчакка қўйди. Бу сўфининг уйига олиб кетадиган улуши эди.

У имом, бой ва бошқа бир азиз меҳмоннинг олдида турган ошнинг гўштини тўғрамоққа киришди: гўштдан учта суяк ажратиб имом, бой ва уларнинг шерикларига биттадан берди. Гўштдан каттароқ бурдасини пичогининг учига суқиб олди. Бу — пичоқ ҳақи эди.

Сўфи гўшт тўғралган нонни ўзи учун олиб қўйилган ош устига тўнтарди, кейин ҳамма ош ейишга киришди. Буларнинг ош ейишлари охур олдида кунжара кавшаётган ҳўкиздай сўзсиз-садосиз эди. Ҳамманинг диққати ҳар луқма ошга икки бурда гўшт қўшиб оғизга тиқмоқ ва чайнамасдан ютмоқ билан банд эди. Айниқса имом билан сўфи бу ишда бошқалардан ўтказар эдилар. Қоринлар тўлди, товоқлар бўшалди, лекин сўфи «савоб» бўлади, деб ҳали ҳам дастурхонга тўкилган гуручларни териб оғзига солмоқда эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ош вақтида Бозор меҳмонхонадан ташқарида эди, ҳамма қўл артгандан кейин, сўфи уни чақирди. Бозор кириб тиз чўкиб ўтирди.

Фотиҳа ўқилгач, Бозор ўрнидан туриб таъзим билан:

— Хуш келдилар!— деди.

Меҳмонлар бош қимирлатиб, «хушвақт бўл!» деган маънони ифода этдилар.

Бозор ичкаридан чой олиб чиқди. Чой вақтида Ҳожиёқуббой оқсоқолга қараб:

— Қани, гапир! Бу қандай зиёфат эди?— деб гўё кенгаш мажлисини очди.

— Инимиз Бозорбой ўғилчасининг қўлини ҳалоллamоқчи. Мана шунинг учун қишлоқнинг катта-кичигини ташвишга солиб, тўйни қандай ўтказиш кераклиги тўғрисида кенгашмоқ учун сизларни чақириб келган,— деди.

— Худо муборак қилсин! Бозорнинг тўйи ўзимизнинг тўйимиз, ҳаммамиз бел боғлаб, хизмат қиламиз,—дегандан кейин, Ҳожиёқуббой Бозорга қараб,— қани, ўзинг гапир, тўйни қайси тартибда ўтказмоқчи бўлиб турибсан?— деб сўради.

— Катта-кичик қандай ўтказишни муносиб кўрсалар, ўшандай ўтказилади. Фарзанд ҳам, тўй ҳам сизларники,— деди Бозор.

— Жуда яхши,— деди бой,— ундай бўлса, ҳимматингни баланд тут, харажатдан қўрқма! Қандай камчилигинг бўлса, биз ёрдам қилишга тайёрмиз. Атроф-теваракдагиларнинг ҳаммасига хабар қил! Бир қозон ош ортиқ кетса-кетсин, обрў кетмасин. Атрофдаги қишлоқларда, агар бирон қозон сув иситсалар, бизнинг қишлоқни чақирадилар. Бизнинг қишлоқда ҳам тўй бўлганда, уларни чақирмасдан ўтказа олмаймиз. Гакрор айтаман сенга, харажатдан қўрқма! Тўй — худонинг хазинаси, худонинг ўзи ўз хазинасини тўлдириб туради.

— Бой амаки!— деди қуйироқда ўтирган ёш бойваччалардан бири,— ўзингизнинг ғамингизни ейсиз-у, бизларни эсламайсиз. Биз Бозор аканинг тўй қилишини эшитиб, отларимизни икки ойдан бери боғлаб, ботмонлаб арпа егиздик. Агар Бозор ака улоқ бериб тўй қилмаса, бизнинг меҳнатимиз бекор кетади.

— Буни эслатиш керак эмас,— деди бой,— тўй улоқсиз-кўпкарисиз бўлмайди. Лекин сиз, чавандозлар Бозорнинг ҳолини ҳисобга олишларинг, унинг озини кўп

ўрнида кўришларинг керак. Бозор бир бош бузоқ билан бешта эчки берса бўлади.

— Бозор ўз ихтиёрини бизга топширди. Энди базм дейсизми, кўпкари дейсизми — ҳар нима десангиз деяверинг, ҳаммасини юртнинг урфу одатига мувофиқ қилаверамиз. Бой ҳиммат қилиб керакли нарсаларни бериб турсалар, менинг ўзим юртнинг расму таомилини яхши биламан. Бозор бўлса, бел боғлаб, қўл қовуштириб, меҳмонларга: «Хуш келдингиз! Яхши боринг!» деб турса бўлгани. Бошқа ишнинг ғамини емасин,— деди оқсоқол ва имомга қараб,— тақсир, фотиҳа ўқинг, кеч бўлди,— деб кенгашнинг тугаганини англатди.

Имом фотиҳа ўқиб бўлгандан кейин, меҳмонлар қимирлаганда, оқсоқол бирпас тўхтаб туришга имлади.

Бозор ичкари ҳовлига кириб баркашга тахланган тўртта чопон олиб чиқди. Сўфи Бозорнинг кўрсатишига мувофиқ, юзидаги ярим шойи ҳисори чопонни имомга, унинг остидаги олачипор ҳисори шойи чопонни бойга, Кўлобнинг ипакли олачасидан тикилган чопонни оқсоқолга кийгизди. Кўлобнинг жанда нусха олачасидан тикилган чопонни Бозорнинг ўзи сўфига кийгизди. Мажлисдагилар:

— Қутлуғ бўлсин, қутлуғ бўлсин,— деб ўринларидан турдилар. Имом яна бир фотиҳа ўқиб, Бозор тўйининг қутлуғ бўлишини худодан тилагандан кейин меҳмонлар тарқалдилар.

Бозор меҳмонларни дарвоза олдида туриб, хуш келдилар!— деб кузатиб уйига кирди. Кеча бутунлай қоронғилашган эди. Ҳали тўй бўлмай туриб, ярим талангган ҳовлида Бозор хотини ва боласи билан мунғайиб қолди.

КЎЧА БОШИДА

— Зуфар! Сен қандай қилиб бугун кўча бошига чиқа олдинг? Хўжайининг инсофга кириб, у ёқ-бу ёққа чиқишга рухсат берибди-да?

Ҳожиёқуббойнинг дарвозаси олдида деворга суяниб ўтирган Зуфар жавоб берди:

— Хўжайин гўрга боришга рухсат беради. У уйда йўқлигидан фойдаланиб, бир оз тоза ҳаво олай деб чиқдим.

— Менинг хўжайиним ҳам уйда йўқ, ҳаммалари бу кеча Бозорникига кетишган,— деб Қурбон ҳам Зуфар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг ёнига келиб ўтирди. Бошқа қарол ва чўпонлар ҳам келиб, уларнинг ёнига ўтирдилар ва гўё кўча бошида холис дўстларнинг мажлиси ташкил топди.

— Ҳаммангиз бу кеча уйни қайнанасиз топиб, катакдан қутулган каптарлардай, очиқ ҳавога парвоз қилибсизлар-да,— деди ҳазиллашиб ҳаммадан кейин келган чўпон.

— Калхатлар келгунча бир оз парвоз қилиб олайлик-да,— деди Зуфар.

— Улар Бозорникида нима қилар эканлар?— деб сўради суҳбатдошлардан бири.

— Менинг хўжайиним,— деди Зуфар,— кўп вақтдан бери Бозорнинг уйини куйдириш учун оқсоқол билан маслаҳатлашиб юрарди. Бу кеча ана шу иш бошланди.

— Бозор кейинги вақтларда катталар билан улфатлашиб, ўзидан кетди,— деди бир қарол,— бугун бойникида, эрта оқсоқолникида, имомникида, сўфиникида, энди биз каби оёқяланглларни назарга ҳам илмайди.

— Бозор — нодон,— деди Зуфар,— бой бўлса, фирибгар. Бой бултур ҳийладан ҳалво ясаб, Бозорнинг оғзини мойлаб, бир парча ерини ҳосилгаров қилиб олган эди. Лекин Бозор бу билан йиқилиб қолиб, бойнинг эшигида хизмат қилишга мажбур бўлмади, хотин, боласи билан жон куйдириб ишлаб, бойнинг қарзини узаёзди. Бултур қўлига кирмагач, бой бу йил каттароқ тузоқ қуриб, уни бутунлай қул қилиб олмоқчи.

— Бозор ҳам нима қилсин?— деди Қурбон,— бирор йўл кўрсатадиган қавм-қариндоши ҳам йўқ.

— Мен бултур бойнинг найрангларини Бозорга англатиб, агар бойнинг гапига кираверса, қандай балоларга йўлиқишини шипшитиб қўйган эдим,— деди Зуфар,— лекин у оқсоқолнинг гапини менинг гапимдан аъло билиб, ерини бойга ҳосилгаров қилди. Яна бу йил унинг маслаҳатига кириб, тўй қилмоқчи.

— Ҳақиқатан ҳам Бозорнинг ўзи аҳмоқ экан,— деди бир чўпон,— укаси ўлгандан бери ҳар бир ишини бой билан, оқсоқол билан маслаҳатлашадиган бўлиб қолди. Ақли бўлса, тўй қиламан, деб бу балохўрларни уйига йиғиб маслаҳатлашиб ўтирмасди. Қачон бўри қўйга фойдали маслаҳат беribдики, Ҳожиёқуббой билан оқсоқол Бозорга фойдали маслаҳат берсин.

— Асли бало шундаки,— деди Зуфар,— Бозор вақтида қўш ҳўкизлик, ер-сувлик, ўзига тинч деҳқон эди.

У ўзини оёқяланглардан юқорироқ, бойларга яқинроқ деб биларди. Шунинг учун бизга ёндашмасди. Кейинги вақтларда камбағаллаша борган бўлса-да, ўзини биздан юқори, бизни нодон ва бойларни доно деб билади, шунинг учун ҳар бир маслаҳатини улар билан қилади.

— Зуфар! Сен ҳали ҳам содда экансан,— деди Қурбон,— модомики Бозорнинг этида чарвиси бор экан, уни қўймайдилар, тўй қилдирадилар, маъракa қилдирадилар, ишқилиб, бор-йўғини қоқиб оладилар, биздек оёқяланг қилиб, қулдай ишлатиб, «ўлдим-ўлдим» деганда бир бурда нон берадилар. Агар уларнинг маслаҳатига кирмаса, юз турли жанжал чиқарадилар. Қозихонага судрайдилар, қишлоқдан ҳайдайдилар, маъракa-мавриддан қувадилар, то амирнинг зиндонига олиб бориб топширмагунча, унинг орқасидан қолмайдилар. Қози, ҳоким, раис, миршаб ҳам бойларнинг тарафини олгандан кейин, бир бечора уларга қарши нима ҳам қила оларди!

— Бу гап тўғри,— деди бояги чўпон,— бир бой билан бир бечора орасида жанжал чиқса, ҳокимлар бойнинг тарафини оладилар. Бу иш менинг ўз бошимдан ўтди: Ниёзшоҳ сохта хатлар билан ерларимни тортиб олди. Шундан сўнг, қози қолмади, ҳоким қолмади, раис қолмади — орқаларидан югурдим, арз-дод қилдим. Ҳаммалари мени уриб қувладилар. Лекин мен бўш келмадим, бугун қувсалар, эртасига яна бориб дод деявердим. Охирда ҳокимнинг ясовулбошиси менга «агар бунақа кунда келиб, ҳокимхонани танг қилаверсанг, оч қирғи, отабезор деб сени зиндонга соламан, умринг охиригача чириб ётасан» деди. Мен билдимки, ҳокимлар бойларнинг тарафида эканлар. Сўнгра амирга арз қилиш учун пиёда Бухорога бордим, икки танга бериб, еримни Ниёзшоҳ босиб олганини, ҳоким арзимни эшитмай, бойнинг тарафини олганини аризага ёздириб, бир жума куни амирга бердим. Икки кундан кейин амирдан «мубораknома» чиқди. Уни бир муллага ўқитиб қарасам, ҳокимнинг номига ёзилган экан:

«Ғарм вилоятининг ҳокими Абдулҳафиз додхоҳ, олий ҳазратнинг марҳаматларидан сарафроз бўлиб билингки, Ғарм вилоятининг фуқароларидан Ашур ном киши дарбори ҳумоюнга келиб «Ниёзшоҳ менинг еримни босиб олди ва вилоят ҳокими бойнинг тарафини олиб менга ёрдам бермади» деб арз қилди. Сиз текшириб кўринг, агар ҳақиқатан воқеа шундай бўлса, ҳақни эга-

www.ziyouz.com kutubxonasi

сига қайтаринг. Агар бошқа бирон гап бўлса, дарбори ҳумоюнга арз қилинг».

— Кўрдингларми?— деб Ашур ўз ҳикоясини давом қилдирди,— мен амирга ҳокимнинг устидан арз қиламан. Амир менинг ишимни «текшириш учун» яна ўша ҳокимнинг ўзига юборади. Хайриятки, мен «муборакнома»ни ўқитиб кўрган эканман. Агар мен у «муборакнома»нинг мазмунини билмай, олиб бориб ҳокимга берсам, мени уриб ўлдирарди. Ўшандан кейин Ғармга — ўз туғилган жойимга боришдан қўрқдим. Чунки мен, «муборакнома»ни ҳокимга кўрсатмаганимда ҳам, у мени тинч қўймасди: «Ҳали сен менинг устимдан амирга ариза берадиганмисан» деб, ҳеч бўлмаганда зиндонга қамаб қўярди.

Шу вақтда Зуфар катталарнинг Бозорникидан келаётганини кўриб:

— Каптарлар! Тарқалингиз, калхатлар келди,— деди.

Бошқалар ҳам шошилиб, ҳар қайсиси ўз хўжайинининикига қараб кетдилар.

ШАРЪИЙ ХАТ

Тўй бўлиб ўтди, лекин тўй билан Бозорнинг уйига аза, мусибат, мотам келиб кирди: Ҳожиёқуббой билан оқсоқол тўйни Бозорнинг хаёлига сира келмаган тартибда, исрофгарчилик билан ўтказдилар. Бунинг устига, бой сарф қилган нарсаларнинг нархи бойнинг ўз «инсофи»га ҳавола қилиниб, бу ҳам, дард устига чипқон дегандай, Бозорнинг юкини огирлаштирди.

Ҳали тўйнинг қозонлари кўтарилмай, ўчоқлар кўмилмай туриб, бой ҳисоб талаб қилди. Бозор оқсоқол билан бойникига бориб, унинг тўйга сарф қилган нарсаларини пулга чақиб кўрди. Бозорнинг ўз уйидан сарф бўлган нарсалардан ташқари, бой берган моллар беш юз танга нархланди.

— Иним!— деди бой Бозорга қараб,— ҳар ҳолда тўйингни хурсандлик ва обрў билан ўтказдик. Соғлиқ керак, мол писанд эмас.

Оқсоқол ҳам сўзга аралашиб:

— Ҳар ҳолда ҳисобни аниқлаб, қарзнинг қандай тўланишини белгилаб қўйиш керак,— деди.— Бу ҳар бир мусулмоннинг тирикликдаги биринчи вазифаси.

— Жуда тўғри,— деди бой,— бугун бормиз, эртага йўқ. Мусулмон ҳамиша ўлимга тайёр туриши керак. Одам ҳар ишини шариатга мувофиқ қилиб бориши лозим. Ўтган йил сен мендан икки юз эллик танга қарздор бўлиб, ерларингнинг бир қисми шу маблағга ҳосилгаров қилинган эди. Аммо сен тўй ниятида бўлганингдан менга бир дона ҳам ғалла бермадинг...

— Ўзингиз «бу йил олмайман, тўйингни қилиб ол» деб олмадингиз-да,— деб Бозор бойнинг гапини бўлди.

— Тўй ниятида бўлган одамга ҳар киши ҳам шундай гапиради-да. Сен тўй қилмайман, бойнинг қарзларини бераман, десанг, бой сени қозига судраб тўй қилдирардиларми,— деб оқсоқол бойнинг фикрини қувватлади.

— Жуда тўғри,— деб давом этди бой,— бултургги қарз ва у қарзга тегишли бу йилги ҳосилнинг пули билан беш юз танга бўлади ва тўйга харажат қилинган беш юз тангани унга қўшсак, сен мендан минг танга қарздор бўласан...

— Тушундингми?— деди оқсоқол.

— Тушундим,— деди Бозор.

— Минг танга катта маблағ, савдо-сотиқда юрган одам бундай катта маблағни ернинг ҳосилгаровига банд қилиб қўёлмайди... чунки ҳосилнинг унииши бахту толега боғлиқ...

— Хўп, нима демоқчисиз? Нақд пул топиб бер, ёки ерларингни сот демоқчимисиз?— деб сўради Бозор.

— Йўқ, худо сақласин! Мен ундай демоқчи эмасман. Ахир, ақлим бошимда, нақд пул топиб бер, деган билан сен қаердан топиб берардинг. Еринг бўлса, ўзингга насиб қилсин. Мен бировнинг мол-мулкига кўз тикадиган одам эмасман... Биз аввал минг танганинг ойлик фойдасини аниқлаймиз: судхўрлар юз тангани ҳар ойда беш тангадан қўйсалар ҳам, мен сенга ҳар юз тангани икки ярим тангадан қўяман. Бу ҳисобда минг танганинг фойдаси ойда йигирма беш танга бўлади. Сен менинг судхўр эмаслигимни биласан. Мана шу судхўрлик гуноҳидан қутулиш учун минг танга бадалига ерларингни шаръий хат қиламиз. Яъни сен ерларингни менга шаръий бай билан сотасан, мендан ўша ерларни ойига йигирма беш танга бадалига ижарага оласан. Албатта, сен, ҳар ой йигирма беш танганн қаердан топиб бераман, деб ўйларсан. Лекин бу тўғридан ғам ема! Топсанг берасан, топмасанг, уйимга келиб ишимни қилаверасан. Албатта,

www.ziyouz.com kutubxonasi

сенинг ерларингни ҳам ташландиқ қилиб қолдирмаймиз. Улардан ҳам ҳар нима унса, қарзингга ҳисоблайсан, тушундингми?

Бозор бу гапларнинг ҳақиқий маъносини энди тушунган эди. Лекин, тушундим, деб жавоб беришга ботина олмади. Чунки у бу гапларни эшитиши билан дунё кўзининг олдида қоронғилашган, осмон тегирмон тошидай бўлиб, боши устида айланмоқда эди. У бу балодан қандай қутулишни, бу гапларга қандай жавоб беришни билмасди. У, энди тўй қилишга у қадар далолат қилишларнинг ва жон куйдиришларнинг ҳақиқий маъносини тушуниб олган эди. Эсизки, энди вақт ўтган ва пушаймон фойда бермасди. У ўйлай-ўйлай жавоб берди:

— Сиз, «тўйингни қил, ҳар қандай ёрдам бўлса, мен қиламан» деган эдингиз. Ёрдамингиз еримни тортиб олиш, ўзимни қул қилиш эканини энди билиб олдим.

Бой, Бозорнинг бу кескин ва чин гапларига жавоб тополмай, довдираб қолди. Оқсоқол бойга ёрдамлашиш учун сўзга киришди:

— Бозор,— деди у,— сен болалардай гапираётирсан. Бировнинг тўйига бировнинг хатсиз, фойдасиз минг танга берганини кўрганинг-ку йўқ, эшитганинг борми? Бойнинг ёрдами сенга шу бўлдики, тўй қиламан, деб бирор судхўрнинг эшигига қарз сўраб бормадинг. Тўйингда ҳар нима керак бўлса, ўз уйингдан олиб чиқандай, бойникидан олиб келавердинг. Бир одамнинг бир одамга қиладиган ёрдами шунча бўлади-да.

— Мен, бой пулини менга бағишласин демайман,— деди Бозор,— лекин ҳар ойда йигирма беш танга фойда талаб қилиш жуда инсофсизлик, бу бир йилда уч юз танга бўлади, бу қадар пулни мен умримда ҳам тополмайман.

Бозорнинг аввалги гапига жавоб тополмай жим бўлиб қолган бой, «инсофсизлик» сўзини эшитгач, тилини узайтиришга баҳона топди:

— Айб менинг ўзимда,— деди у зардаси қайнаб,— олам бино бўлгандан бери яхшиликка ёмонлик, хизматга туҳмат бўлиб келган. Мен шуни била туриб сенга яхшилик қилган бўлсам, сендан «инсофсиз» сўзини эшитиш мен учун оз. Мен бундан қаттиқроқ ҳақорат қилишингга лойиқман, чунки сенга анча яхшилик қилиб эдим. Хўп бўлмаса, кел, сенга инсоф билан гапирай: тўйингга сарф бўлган беш юз тангамни нақд қилиб бер!

Эски қарзингни яна бир йилгача фойдасиз қолдирай. Нима дединг, хўпми?

Албатта, Бозор беш юз танга нари турсин, беш юз сариқ чақа ҳам тополмасди, ноилож бойнинг шартларига рози бўлди.

Эртасига Кўлоб қозисининг Кўнгурт қишлоғидаги ноиби келиб «шаръий хат» ёзди. Тожикча ёзилган у хатнинг ўзбекча мазмуни қуйидагича эди:

«1318-ҳижрий санаси таҳририда, сафар ойида, ўрта бўйли, қора соқолли, буғдой ранг, қўй кўзли Авезмурод ўғли Бозорбой Кўлоб вилоятининг қозихонасига келиб, шариат юзасидан иқрори тузук бўлган ҳолда: «Иқрор қилгувчи Юнусбой ўғли Ҳожиёқуббойга ўзимнинг ҳақ ва мулким бўлган Кўнгурт мавзуидаги ўн таноб мамлакайи султоний еримнинг ускунасиники, бу ерлар ғарб томонидан мазкур Ҳожиёқуббойнинг ерларига ёндошган, шимол томони ҳам ғарб томони каби, шарқ томони катта йўлга ва жануб томони қамишзорга ёндошган; Бухоройи шарифда (худо офатлардан ўз паноҳида асрагай!) чиққан бир минг танга бадалига байи жоизи шаръий тариқасида сотдим» деб иқрор қилди. Шунингдек мазкур иқрор қилгувчи «ҳалиги сотилган ерни мазкур Ҳожиёқуббойдан ҳар ойда йигирма беш тангага ижарага олдим ва агар ижара пулини ойма-ой тўлай олмасам, мазкур ҳожининг хизматларини қиламан»деб иқрор бўлди. Бу савдода ҳеч бир зарар, фириб ва бузуқ шарт йўқ ва бу савдо бир жамоа мусулмонларнинг ҳузурларида бўлди. Мажлисда ҳозир бўлганлар: мулла Муҳаммад Салим, Рўзи оқсоқол, Абдулқаюм ва бошқалар» (қозининг муҳри).

Васиқа ёзилиб бўлгандан кейин қозининг ноиби:

— Бозорбой!— деди.

— Лаббай!

— Ўн таноб еринги Ҳожиёқуббой жанобларига минг танга бадалига сотдингми?

— Сотдим.

— Пулини олдингми?

— Олган ҳисобда.

— Очиқ қилиб «пулини олдим» де! Нодон!

— Пулини олдим.

— Шу ерларни мазкур ҳожидан ойда йигирма беш тангага ижарага олдингми?

— Ижарага олдим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Агар ижара пулини беролмасанг, бойнинг хизматларини қиласанми?

— Хўп!

— Бойнинг хизматларини қиламан де, каллаварам.

— Бойнинг хизматларини қиламан.

Ана шу бир неча савол-жавоб билан Бозорнинг бор-йўғи Ҳожиёқуббой қўлига ўтди ва ўзи унинг қули бўлиб қолди. Энди бойнинг Бозор ҳақидаги «ғамхўрликлари» тугаган ва оқсоқолнинг воситачилигига ҳам эҳтиёж қолмаган эди.

Бозорнинг умиди ҳали ҳам узилмаган эди, у кўклам экиш вақти яқинлашганда бойга унинг ҳўкиз тўғрисидаги ваъдаларини эслатиб, ерларни экишга тайёрлаш учун ундан ҳўкиз сўради.

Бой манглайини буриштириб:

— Бекорчи ҳўкиз йўқ. Ўзимнинг ерларим етилган, қўш ҳўкиз билан қўшчилар етишмаётир. Сен пулимнинг фойдасини топиб бериш, агар пул тополмасанг, менинг қўшимни қўшиш ўрнига, мендан ҳўкиз сўраб ўз ерларингни экмоқчи бўласанми?— деди.

— Бундай бўлса, ерларимни қандай қилиб экаман, ижара пулингизни қаердан топиб бераман?

— Бу сенинг ишинг, ўзинг биласан.

— Менинг ҳолимга раҳм қилинг, хўжайин!

— Сен наҳсда қолгансан. Сенга ёрдам қилишнинг фойдаси йўқ. Бахтинг бўлса, бир неча йилдан бери қилиб келган ёрдамларимдан остоналаринг олтиндан бўлар эди. Энди бахтингни худонинг тақдирига ҳавола қил.

Бозор, бойдан ҳеч бир яхши сўз эшитмагач, оқсоқолга бориб, ундан орада восита бўлиб, бойдан икки кунга қўш ҳўкиз олиб беришини сўради.

— Бой айтганидай, бахтсиз экансан,— деди оқсоқол,— бунинг устига, кўнгли қора одамсан. Ахир, бойни «инсофсиз» дегансан. Шундай бўла туриб, яна бойдан ёрдам сўрашга сенинг юзинг чидаган бўлса, сен учун бойдан ёрдам сўрашга менинг юзим чидамайди.

Шундай қилиб, Бозорнинг сўнгги умидлари ҳам ер билан яксон бўлди.

ВАТАНДАН АЖРАЛИШ

Март ойининг бошлари бўлса ҳам, қишнинг совуқлари давом қиларди. Челакдан қуйилгандай бўлиб ёғаётган ёмғир, тоғ бошларидан сел сувларини тошган дарё каби тўлқинлатиб оқиза бошлади. Шиддатли ёмғир, ваҳшийланиб эсаётган шамол ва тошқин сел, бир-бирларига кўмаклашиб, тошларни ирғитар, дарахтларни қўпориб отар, деворларни бузар ва томларни чўктирарди. Бу тўфонга чидаёлмай чўкиб кетган томлардан бири — Бозорнинг ичкари ҳовлисидаги уйнинг томи эди. Бозорнинг ўзи, хотини Меҳрмоҳ ва боласи Ёдгор билан бирга сувга тушган товуқдай ивиб, меҳмонхонанинг бир бурчагида жунжикиб ўтирардилар. Омонсиз ёмғирнинг чаккаси тешилган томнинг лойи билан аралашиб, устларига қуймоқда эди.

Бозор бошини кўтариб хотинига:

— Йўқ, бўлмайди, кетамиз, бу юртда биз учун тирикчилик қилиш мумкин эмас, бошимизни олиб кетамиз,— деди.

— Қаёққа борамиз? Қай нарсага умид боғлаб кетамиз?— деди Меҳрмоҳ.

— Қора бахтимиз қаёққа олиб борса, ўша ёққа борамиз, нон-насибамиз қаерга судраса, ўша ерга борамиз! Ҳар ҳолда бу ердан кетиш керак,— деди Бозор.

— Оч қолсак ҳам, ялангоч қолсак ҳам,— деди Меҳрмоҳ,— ўз тугилган жойимиз, киндик қонимиз тўкилган тупроқ яхши. Қўлимизда ҳеч нарса йўқ, пиёда йўлга чиқсак, ким билади, қайси харсанг устида, қайси қулаган девор остида, гарибликда ном-нишонсиз ўлиб кетамиз. Сабр, шукур қилиш керак, токи бундан ҳам ёмонроқ кунга учрамайлик.

— Бу ҳолга сабр қилиб бўлмайди, бу кунимиздан ёмонроқ кун келиши мумкин эмас. Сен ўйлаган ёмон кун ўлим бўлса керак. Бундай хорликда, зорликда, азоб-уқубатда тирикчилик қилишдан кўра ўлим минг марта аъло,— деди Бозор ва бир оз жим туриб, яна давом этди:

— Шукур қил дейсан. Қайси кунимиз учун шукур қиламиз? Қўш ҳўкиз кетди, ер кетди, деҳқончилик асбоби, уй-рўзғор буюмлари кетди, вайрона кулбамиз ҳам бугун кетди (меҳмонхона шифтига қараб), аҳвол шундай бўлса, охирги бошпанамиз, бу қулаган девор ва тешилган том ҳам бу кеча кетади. Бас, нимага умид боғлаб, бу юртда қоламиз? Ватанимизда ғарибмиз. Бу ғурбатхонадан тезроқ кетиш керак... кетамиз!..

Бозорнинг бу қадар умидсизлиги, бу даражада ҳасрат

www.ziyouz.com kutubxonasi

чекиши бежиз эмас эди: бой қўш ҳўкиз бермагандан кейин у ўз ерларини кетмон билан чопиб экмоқчи бўлди, аммо бой бу ишга йўл қўймади, оқсоқолни чақириб:

— Бозорга бориб айт,— деди,— бундан буён ўз ерлари чегарасига ёндошмасин. Ишламоқчи бўлса, менинг эски ерларимда ишласин. Хоҳ чорикорлик қилсин, хоҳ қарол бўлсин, мен унга юртнинг таомилига мувофиқ, бошқа қаролларим ва чорикорларимга қиладиган муомаламни қиламан. Аммо ўзининг собиқ ерларига қадам босишига қўймайман, чунки ундан кўнглим ҳуркди, у бир кун у ерларга «зиллиядлик» даъво қилса ажаб эмас, «бу ерлар ўз қўлимда, ўзим ишлаб, экиб-тикиб юрибман, бойнинг хати сохта» деб ерни бермай қўяди. Бу ишни мен тирик бўлган вақтда қилишга ботина олмаса ҳам, мен ўлгандан кейин қилади, ерни болаларимга бермайди. Шунинг учун ҳозирданоқ у ерлардан оёғини тортсин, экилган ерларининг ҳосилини уч ойдан бери тўлай олмаган ижара пули бадалига менинг ҳисобимга ўтказсин.

Бозор, бойнинг бу қатъий таклифини эшитгач, юртдан бош олиб кетишга қарор қилди. Агар Бозор юртдан кетмаса, оч-яланғоч ва хотин-боласи билан бирга Ҳожиёқуббойнинг эшигида қулдай ишлашга мажбур бўларди.

Бозор, ўзини чидаб бўлмаслик азоб-уқубатларга дучор этган ва бор-йўғини тортиб олиб хор-зор, оч-яланғоч ва бир бурда нонга муҳтож қилган золим бойга қандай хизмат қилсин ва ўша золимни қай йўл билан «хўжайин» деб ҳурматласин? Бозорнинг фикрича, бу разиллик, пастлик, эди. Шунинг учун кўпдан бери юртдан кўчиб кетишни хотини олдига қўйган эди. Аммо хотини туғилган жойини ташлаб кетишга рози бўлмас ва эрининг таклифини ҳар гал рад қилар эди.

Бугун уйи қулаб, бошпанасиз қолгандан кейин, Бозор ўз таклифини яна ҳам қатъийроқ қўйди ва хотини ҳам истар-истамас рози бўлди. Улар сафар нияти билан уйдан чиққан ҳамон меҳмонхона томи ҳам босиб қолди.

МЕҲМОНЛИК

Ёмғир ёғмоқда, ҳаво совуқ офтоб ботишга яқинлашган эди. Саккиз яшар бола йўл юрмоқда, афтидан, орқасидан келаётган кишини кутиб туришга мажбур эди,

аммо ҳавонинг совуқлиги сабабли, тўнган оёқларини иситиш учун депсиниб турарди. Орқадан бир касал хотинни кўтариб келаётган эркак кўринди. Бу одам тез-тез тўхтаб, атроф-теваракка кўз югуртирар, афтидан, юкининг оғирлиги ва йўлнинг лойлиги сабабли, дам оладиган бирор манзил изларди.

Йўлдан четроқда, чуқур жарликдан бир йигит кўринди.

Йўловчи уни кўргач, қоронғи кечада бирдан чироқ кўрган кишидай, кўзлари чарақлаб очилди-да, у йигитни ёрдамга чақирмоқчи бўлди. Аммо йигит йўловчининг чақиришини кутмай, ўзи унинг олдига келиб:

— Қаердан келаётирсан?— деб сўради.

— Кўлоб томондан, уч кундан бери йўлдаман, адашдим, қаёққа бораётганимни билмайман. Агар иложи бўлса, мени бошлаб бирор манзилга элт, дам олай, иссиқроқ жойда балки касалнинг ҳоли яхши бўлар. Ундан кейин борадиган йўлимни аниқлаб, йўлга чиқарман.

— Шу яқинларда бир дара бор, унда бир неча уйлик чорвадорлар тирикчилик қилади, меҳмондўст одамлар. Мен ҳам тунаш учун ўша ерга бораётирман. Истасанг, сен ҳам мен билан ўша ерга юр!

Очлик ва ҳорғинликдан оёқдан қолаётган йўловчи манзил ва манзил эгаларининг меҳмондўстлигини эшитгач, руҳланиб, қайтадан куч-қувват пайдо қилди ва касални опичлаб олгандан кейин, йигитга:

— Юр бўлмаса кетдик!— деди.

Йигит катта йўлдан бурилиб, бир сўқмоқдан йўл бошлади, олдинда бораётган бола йўлдан қайтиб келиб, уларнинг гапларини тинглади. Улар тор сўқмоқ йўлга бурилгач, бола йўловчидан сўради:

— Ота! Қаёққа борамиз?

Йўловчи йигитни кўрсатиб:

— Бу амакингнинг уйига борамиз!— деб жавоб берди.

— У ерда нон борми?— деб сўради бола.

— Бор!

Бола «нон борлигини» эшитгач, шодланиб, йўловчилардан ўзиб кетар, гоҳ орқада қолиб, яна йўловчилардан ўзиб кетишга уринарди.

Йўловчилар бир-икки жарлик ва адирдан ўтгандан кейин, дарага етдилар. У ерда ўн икки киши қўл-оёқлари боғланган ҳолда ётарди. Уларнинг олдида бир неча

www.ziyouz.com kutubxonasi

от, эшак тушовланиб қўйилган эди. Бошқа бир томонда йигирма беш чоғли қуролланган йигитлар чилим чекиб, чақчақлашиб ўтирардилар. Уларнинг афт-башараларидан баъзилари лақай, баъзилари тожик ва баъзи бирлари афғон экани билиниб турарди. Булардан бир оз нарида, учта тошнинг устига ўрнатилган катта қозонда гўшт қайнамоқда. Ўчоқдан сал нарироқда бир неча қоп турар эди.

Йўловчиларни эргаштириб келган йигит ўз «меҳмонлари»ни ҳалиги қўл-оёқлари боғланган одамларнинг олдига келтирди:

— Ана шу ер меҳмонхона, булар ҳам сенлар каби «меҳмон»,— деди ва касални кўтариб келаётган одамга қараб,— «юкингни» ерга қўй, қўлларингни енгингдан чиқариб чўз!— деб буйрук берди.

Йўловчи касал хотинни авайлаб ерга ётқизгандан кейин, қўлларини олдинга чўзди. Йигит унинг қўл-оёғини боғлаб, уни ҳам бошқа боғланганлар қаторига ётқизди, боланинг ҳам қўл-оёқларини боғлаб қўйди. Бола қўл-оёғини боғлаётганда «дод» деб йиғлай бошлаган эди, йигит унинг қулоқ-чаккасига бир шапалоқ қўндириб:

— Жим тур! Бўлмаса бўйнингни узиб ташлайман,— деб дўқ урди.

Бола жим бўлиб қолди. Аммо у қўрқишдан жим бўлдими, ёки шапалоқ зарбидан ҳушсизланган эдими, бу жиҳатлар у ерда ётганларга маълум бўлмади. Йигит касал хотиннинг қўл-оёқларини боғламоқчи бўлганида, қуролли кишилардан бири:

— У ўликни боғлаш керак эмас. Чилвирни нобуд қилма! Яна керак бўлади,— деди.

— Бу қандай аҳвол? Булар кимлар? Бизни нима қилмоқчилар?— касал хотинни кўтариб келган киши ўз ёнида ётган тутқунларнинг бирисидан сўради.

У тутқун лабини тишлаб, бошини қимирлатиб, овозини чиқармасдан, бу ерда гаплашиш хавфли эканини ишорат билан англатди...

Кеч кирди. Қуроллилар шўрва ичиб, гўшт едилар. Қолган гўштни дастурхонга ўраб, хуржунга тиқиб, мол жойланган қоплар қаторига қўйдилар. Уч йигит бу ерда соқчи бўлиб қолди. Бошқа йигитларнинг ҳар бири ўз чўнтагидан рўмол чиқариб, ўзининг юзини, соқол ва мўйлови билан бирга ўраб боғладилар, фақат кўзлари

йўлни кўра оладиган даражада очиқ қолган эди. Сўнгра, ем еб бўлган отларнинг бошларидан тўрваларини олиб, айилларини маҳкам тортдилар. Отларга икки кишидан мингашиб, бир томонга қараб кетдилар, бир неча минутдан кейин кўздан ғойиб бўлдилар.

Бола «нон» деб йиғлар, касал хотин эса, безгакнинг шиддатидан тол баргидай титраб, вой жоним, деб инграр, бошқа тутқунлар қўл-оёқлари билан бирга гўё оғиз ва тиллари ҳам боғлиқдай жим ётмоқда эдилар.

Соқчилардан бири, боланинг йиғиси жонига теккан бўлса керак, бир бурда нонни боланинг олдига ташлаб:

— Буни егин-у, жим бўл! Бўлмаса қулоғингни кесиб ташлайман!— деб пўписа қилди.

Қўли боғланган бола, овқат ейишни ҳали ўрганмаган мушук боласидай, нонни тишлаб, ерга суйкаб, лойга булаб емоққа киришди...

Ҳаво олачалпоқ бўлиб, унда-мунда юлдузлар кўринарди. Соқчилардан бири дам осмондаги юлдузга, дам қуролли йигитлар кетган томонга қараб:

— Тонг яқинлашди, ҳали ҳам улардан дарак йўқ. Бошларига бирон фалокат тушмаган бўлсайди,— деб ўз ташвишини йўлдошига англатди.

— Қандай фалокат юз беради дейсан? Бек бўлса Ҳисорда йўқ, Душанбага кетган,— деди бошқа соқчи.

— Менинг қўрқишим бекдан эмас!— деди биринчи соқчи,— бек ўзимизники, ахир, бошлиғимизнинг отаси бекнинг иноқ одами бўлиб, юртнинг катта амалдорларидан... Бекнинг ўзи бу ишларга шерик бўлганидан, булар хотиржамлик билан шаҳарни таласинлар деб, атайин бу кеча Душанбага кетган. Чунки шаҳарни ўғри босган вақтда, у қўрғонда бўлса, ўғриларни тутишга мажбур бўларди. Лекин менинг қўрқишим шаҳар аҳолисидан, аҳоли босқинчиларнинг шаҳарга бостириб кирганидан хабар топса, ажаб эмаски, қоракалтак бўлиб, йўлларини тўсиб қўлга олсалар. У вақтда шаҳарнинг миршаби, ҳокимнинг шаҳардаги одамлари аҳолининг кўз олдида буларни бўшата олмайдилар. Чунки ундай қилганларида ҳокимларнинг босқинчилар билан шерикликлари аҳолига билиниб, ўзларига қарши қўзғолон кўтарилиши мумкин.

— Жуда ҳам ваҳимага шўнғиб кетган одам экансанда,— деди иккинчи соқчи,— бешотар милтиқ билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

қуролланган уста мерганларга қарши, калтак билан қуролланган аҳоли нима ҳам қила оларди?..

Иккинчи соқчи ҳали сўзини тамомламай туриб, унинг фикри тўғри чиқди, узоқда йўртиб келаётган отларнинг туёқ товуши эшитилди ва бир неча минутдан кейин қуролли йигитларнинг ўзлари ҳам кўриндилар. Улар кетганда, ҳар икки киши бир отга минташиб кетган эди, энди ҳар қайсиси бир отга бир қоп мол юклаб келмоқда.

Қора йигит мол тўла қопларни соқчиларга кўрсатиб:

— Буларни меҳмонларнинг ўз отларига юкланглар,— деб буюрди.

Соқчилар тушовланган отларнинг оёқларини ечиб, ердаги юкларни уларга ортиб, ўзлари юк устига миндилар, юк ортилган отларни етовга олдилар.

Қора йигит тутқунларга қараб:

— Бизни танидингларми?— деб сўради.

— Йўқ, танимадик!— деб жавоб берди тутқунлардан бири.

Қора йигит, қўлида милтиқ тутиб, юксиз бир отни миниб турган йигитга:

— Сен бу ерда тур! Биз довондан ошгандан кейин, боланинг қўлини ечиб қолдириб, ўзинг бизнинг орқамиздан маълум жойга етиб бор!— деб отини олдинга сурди ва бошқа йигитлар унинг орқасидан отларини йўрттириб кетдилар.

Қуролли йигитлар довондан ошгандан кейин, у ерда қолдирилган йигит боланинг қўлини ечиб, бошқаларнинг қўлларини ечишни унга буюриб, ўзи йўлдошлари орқасидан кетди.

Охирги қуролли йигит узоқлашиб, тутқунларнинг қўл-оёқлари ечилгандан кейин, уларнинг тиллари ҳам чиқиб, тутқунлардан бири «танимадик» деб, жавоб берган кишидан:

— Буларни танимадингми?— деб сўради.

— Нега танимайман, буларнинг терисини чармгарликда танийман,— деди,— ана у қора йигитнинг номи Иброҳим Галлу — бу тўданинг бошлиғи. Унинг отаси кўктошлик Чақабой тўқсоба бўлиб, юртнинг катта амалдорларидан, Ҳисор бегининг иноқ одамларидан. Боланинг қўлини ечган йигитнинг номи Абдулхолиқ — Иброҳим Галлунинг қалин дўсти.

— Сен-ку буларни зот-зурриётлари билан билар

экансан,— деди касал хотинни кўтариб келган тутқун,— у қора йигит (номини Иброҳим Галлу дединг-ми), сендан «бизларни танидингларми» деб сўраганида, нега «йўқ, танимадик» деб жавоб бердинг?

— Сен жуда содда одам кўринасан,— деди ҳалиги киши,— агар танидик десам, ҳаммамизни ўлдирардилар. Чунки ўғрилар ўзларини таниган одамни «бизни тутиб беради» деб тирик қўймайдилар.

ҒАРИБЛИҚ ВА МУСИБАТ

Сарижўй мачитларининг бирида намозни бомдоддан кейин сўфи одамларни бирпас тўхтатиб туришга ундади.

— Бир неча кундан бери мачитнинг тобутхонасида яшаган кўлоблик мусофирнинг хотини бу кеча худонинг бандалигини бажо келтирибди. Шу ўликни дафн қилиш учун ҳар ким ўз ҳолига яраша бирор нарса худойи қилиб, савобга дохил бўлишини илтимос қиламан.

Ўша кеча, мусофир хотин тобутхонада ўлганда, унинг эри йиғлаб-сиқтаб мачит сўфисидан, ўликни кўмишга ёрдам беришини сўраган эди. Сўфи бу ҳолни қишлоқнинг каттаси бўлган Азимшоҳга хабар бериб, ундан бу тўғрида маслаҳат сўради.

Азимшоҳ сўфига:

— Бир мусофирнинг ўлигини кўмдириш харажати мен учун оғир эмас. Лекин жамоатни бундай савобдан қуруқ қолдирмаслик учун бу ишни аҳолига ҳам ҳавола қилиш керак. Шунинг учун бомдод намозидан кейин бу ҳолни халққа маълум этиб, ёрдам беришга даъват қил. Бу қаторда ўзинг ҳам «хайр даллоли» сифатида, савобга дохил бўласан. Албатта, аҳоли берган ёрдам ўликни кўмишга етмайди. Лекин мен етмаган жойини тўлдириб, бу хайр ишни саранжом қиламан,— деган эди.

Воқеа шундай бўлиб, сўфи аҳолидан ёрдам сўради:

— Худойини кимнинг қўлига бериш керак?— деб сўрадилар.

— Ҳўжайинга!— деб сўфи Азимшоҳни кўрсатди.

— Оқсоқолга бериш керак,— деб бир киши аҳоли орасидан овоз чиқарди.

Ҳақиқатан ҳам, оқсоқол бу хизматни бажаришда расмий жиҳатдан бошқалардан кўра муносиброқ бўлса-

www.ziyouz.com kutubxonasi

да, Азимшоҳнинг номзоди орага тушгандан кейин, оқсоқол бу ишни ўз зиммасига олишга ботина олмади.

— Хўжайин турганда, пулнинг менинг қўлимда тўпланиши муносиб эмас,— деди оқсоқол,— «чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин» деганлар. Сарф ва харж йўлини хўжайин бошқалардан яхшироқ биладилар, ками-кўстини ҳам тўлдирадилар.

Хўжайин чордана қуриб олдига бир рўмолни ёзиб қўйди. Баъзилар бир танга, баъзилар ярим танга, баъзилар ўн олти пул, саккиз пул (тўрт тийин, икки тийин) келтириб рўмолга ташлай бердилар. Йигирма танга тўпланди.

Хўжайин гўрковни чақиртириб, қабр қазишга буюрди, мурдашўйни чақиртириб, кафанлик учун тўрт қари бўз ва икки танга хизмат ҳақи инъом қилди...

Ўликни қабристонга олиб борганда, хўжайин ҳам тобут орқасидан борди. Ўлик кўмилиб, имом қуръон ўқигандан кейин, хўжайин имомга икки танга, гўрковга икки танга, оқсоқолга икки танга ва сўфига бир танга «хайр-садақа» берди.

Шундай қилиб, халқдан тўпланган тангадан тўққиз танга харжланиб, икки танга турадиган тўрт қари бўзнинг бадалига ўн бир танга хўжайиннинг чўнтагида қолди.

Бу ҳолни кўрган оқсоқол сўфининг қулогига пичирлаб:

— Сабил қолгур пул, худди сув кўл ва денгизга қараб оққандай, ҳамиша ўз жинси тўпланган жойга қараб оқади,— деди.

— Жуда тўғри,—деди сўфи,—шунинг учун хўжайин сенга икки танга ва менга бир танга берди, чунки сен менга нисбатан бойроқсан.

— Бу — хўжайинга хушомадгўйлик қилиб, харажат учун унинг номини кўрсатганнинг жазоси. Агар ихтиёр менинг қўлимда бўлсайди, сенга ҳам икки танга берардим,— деб оқсоқол сўфининг ярасига туз сепди.

Ўликни кўмиб бўлгандан кейин Азимшоҳ эркак мусофирни ўз олдига чақирди:

— Отинг нима?

— Бозор.

— Қаердан бўласан?

— Кўлоб томонлардан!

— Қаёққа бормоқчи эдинг?

— Бухоро томонга бориб, бечоралик қилмоқчи эдим.

— Жуда яхши,— деди хўжайин,— дунёда бундай ишлар кўп бўлади. Мен ҳам Дарвоздан чиққан йўловчи эдим, тақдир шу ерга келтириб қўйди. У вақтда оёқяланг ва ёлғиз бўлганим ҳолда, бу ерда худонинг марҳамати билан хотин-болалик, мулку асбоблик бўлдим. Шукур, сен ёлғиз эмассан, ёнингда дастёр боланг ҳам бор. Истасанг, меникида қол, қорнинг тўқ, усти-бошинг бут бўлади. Агар истасанг, вақти келиб уйлантириб ҳам қўяман. Ҳали ёшсан, яна фарзанд кўришинг мумкин.

Молу мулкидан ва туғилган еридан ажралиб, қаёққа бориш ва нима иш қилишини билмай юрган Бозор Азимшоҳнинг таклифини қабул қилди.

Хўжайин ўша кунларда Самарқандга олиб бориб сотиш учун қўй суриси тайёрлаган эди. Азимшоҳ шу қўйларни боқиб туришни Бозорга буюрди, саккиз яшар Ёдгор ҳам унинг майда-чуйда ишларига қарашар, сигирни серўт жойларга олиб бориб ўтлатарди. Хўжайин Бозорга хизмат ҳақи учун бирор нарса ваъда қилган бўлмаса ҳам, у сидқидил билан хизмат қиларди. Сотиш учун тайёрланган қўйларни серўт ўтловларда икки ой боқди. Қўйлар ўтлаб юрганда, даладан ўт юлиб, кечалари ҳам қўйларга егизарди. Натижада қўйлар охурга боғлаб кунжара ва кепак бериб боққандай, қуйруқларини кўтара олмайдиган даражада семирдилар.

ЯНГИ УМИД

Ёз бошланди, Ҳисор ва Самарқанд атрофида қорлар эриб, йўллар очилди. Энди Самарқандга сафар қилиш вақти етган эди. Қўйларни Самарқандга ҳайдаб борадиган эътимодли чўпон ҳам бор. Азимшоҳ ўйлаган эътимодли чўпон Бозор эди. Аммо Бозор ҳалигача ҳақ олмасдан, фақат овқат ва кийим бадалига ишламоқда эди. Хўжайин ўзича фикр қилди: «Бундай жонкуяр, тўғри ва сидқидил билан ишлайдиган хизматкорни узоқ вақт фақат овқат ва кийим бадалига ишлатиб бўлмайди. Агар ўзи шундай хизматга рози бўлса ҳам, бошқа хизматчилар уни бузадилар, иғво қиладилар, оз бўлса ҳам, ҳақ берадиган жойни топиб, уни у ерда хизмат қилишга ундайдилар. Агар у қабул қилмаса, «сен ҳақолмас» деб, унга таъна қиладилар. Ишқилиб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

уни менинг эшигимдан бездирадилар. Шунинг учун бундай воқеанинг олдини олиб қўйиш керак».

Азимшоҳ бир кун Бозорни ўз олдига чақирди:

— Сен ўзинг рози бўлсанг ҳам, мен сени ҳақ бермасдан ишлатишни истамайман. Йиллик иш ҳақингни олдиндан аниқлаб қўйишимиз зарур. Бу тўғрида аввал сенинг фикрингни билиш керак: бир йилга қанча иш ҳақи талаб қиласан?

— Мен учун сизнинг соғ-саломатлигингиздан бошқа нарса керак эмас,— деди Бозор,— агар сиз ҳақ бермасдан ишлатмайман, десангиз, ихтиёр ўзингизда, кўпмиозми — ҳар нима берсангиз розиман.

— Сенинг бундай одамгарчилигингга мен ҳам одамгарчилик билан жавоб бераман, бошқа қўй жаллоблар чўпонларига озроқ ҳақ берсалар ҳам, мен сенга улардан кўпроқ — йилига эллик танга бераман. Рози бўласанми?

— Худо давлатингизни бундан ҳам зиёда қилсин. Мен розиман,—деди Бозор.

— Чўпонлар билан қўй жаллоблар орасида бир таомил бор,— деди хўжайин,— шуни ҳам сенга эшиттириб қўйишим керак. Таомилга кўра, агар бирор қўйни бўри ёрса, ё йўқолса, товонини чўпон беради. Бу таомилни шунинг учун жорий қилганларки, чўпонларнинг кўпчилиги паст одамлар бўлганлари сабабли, хўжайиннинг нонини еб, кийимини кийиб, хизматлари учун ҳақ олганлари ҳолда, ишга совуқ қарайдилар. Натижада қўйларни бўри ейди ё йўқолади. Баъзи чўпонлар тўғридан-тўғри хўжайин ҳақига хиёнат қилиб, қўйни ўзлари ўғирлаб, «йўқолди» дейдилар. Бундай таомил мана шундай ишларнинг олдини олиш учун жорий қилинган.

Хўжайин бир оз жим туриб, айтадиган гапларини яна бир марта ўйлаб, давом этди:

— Албатта, сен ундай ишга совуқ қарайдиган ёкч, худо сақласин, ундай хиёнатчи ва нонкўр чўпонлардан эмассан. Шундай бўлса ҳам, эларо жорий бўлган таомилдан четланиш яхши эмас.

Бозор аввал бир оз ҳуркқан бўлса ҳам, ўйлаб туриб, бундай шартни ўзи учун зарарсиз топди: «Агар ишимга диққат билан қарасам, ҳеч вақт қўйларни бўри ҳам ёролмайди, ўғри ҳам уролмайди, ўзидан-ўзи йўқолиб ҳам кетмайди».

Мана шундай мулоҳаза билан Бозор Азимшоҳнинг шартларини қабул қилди.

Бозор бу янги хўжайиннинг эшигида ўзини бахтли санар ва бу ерда ўзи учун янги умид эшиги очилгандай ҳис қиларди: «Агар бу эшикда ўн икки йил хизмат қилсам, ҳар йил эллик тангадан иш ҳақимнинг ўзи олти юз танга бўлади. Мен бу қадар нақд пулни Кўлобда бир умрда ҳам тополмасдим. Агар ҳар йилги иш ҳақимни йил охирида олиб, ўзим учун қўй-эчки сотиб ола берсам, булар ҳар йил қўзилай берса, ўн икки йилда чорвадор ҳам бўлиб оламан. У вақтгача ўғлим йигирмага киради. Унда ўзим учун бирор турар жой ҳам қура оламан. Ўзим уйланиш фикрида эмасман, лекин ўғлимни уйлантириб, кексайган чоғимда, ўғлим ва келиним олдида тинч тирикчилик қила оламан». Бозор бундай янги умидлар ва ширин хаёллар орасида ўзининг марҳума хотини тўғрисида ўйлаб кетди: «Афсуски, вафоли хотиним — азиз Меҳрмоҳим бундай яхши кунларни кўрмай кетди. У бахтли кунларимда ҳам, бахтсиз кунларимда ҳам мен билан бирга бўлди, бирга меҳнат қилди, мен чеккан азоб-уқубатларни, кулфат ва мусибатларни баравар чекди. Охири очликда, хорлик ва ғарибликда ўлиб кетди. У тирик қолганда эди, ўғлининг тўйини кўриб, анча қувонар, ўтмишдаги азоб-уқубат, ғурбат ва мусибатларни бутунлай эсидан чиқарарди...»

Бозор Ҳожиёқуббой тўғрисида ҳам ўйлади. «У ҳар қанча ёмонлик қилган бўлса, ўзига қилди, ўзини бу дунё ва охиратда бадном ва расво этди. Агар у менга ёмонлик қилиб, мени ўз юртимдан ажралишга мажбур этган бўлса, худо менга яхшилик қилди, унинг ўрнига менга Азимшоҳ каби хайрихоҳ ва оқ кўнгил одамни дуч келтирди...»

САФАР

Сафар куни етди. Бир неча ҳисорлик ва ургутлик қўй жаллоблар йўлга чиқиш учун ҳозирландилар. Уларнинг ҳар қайсиси ўз ҳолларига яраша—баъзилари юз, баъзилари эллик бош қўй тайёрлаган эдилар. Ҳаммалари катта қўй жаллоб Азимшоҳ билан йўлдош бўлдилар. Чўпонлар ўз хўжайинларининг қўйларини ҳай-

www:ziyouz.com kutubxonasi

даб, йўлга чиқдилар. Бозор ҳам Азимшоҳнинг икки юз эллик бош қўйини сурди. Хўжайинлар Ургутгача ўз қўй галалари билан бирга бордилар. Бозор йўлда кўзини юммасдан, ўзига топширилган қўйларни қўриқларди. Дам олиш ва ўтлатиш вақтларида ўз қўйларини санаб кўриб, хотиржам бўларди. Ургутга етгунча ҳеч бир фалокат юз бермади. Бозор: «Худога шукур, хатарли жойлардан соғ-саломат ўтдик, бундан буён ҳеч бир фалокат юз бермас» деб хурсанд эди. Чунки, унинг эшитишига кўра, Ургутдан Самарқандгача йўл-йўлакай ҳамма жой обод — қишлоқ, экинзор ва боғлар бўлиши керак эди. Бундай жойларда йиртқич ҳайвонлар бўлмагани каби, ўғрилар ҳам бирор иш қилолмасдилар.

Ургутлик қўй жаллоблар йўлда ориқлаб қолган қўйларини яйловга қўйиб, семиртирмоқчи бўлдилар. Азимшоҳ ва бошқа ҳисорлик қўй жаллоблар ҳам бу фикрни маъқулладилар.

Қўйлар Ургут атрофидаги ўтлоқларда қайта семиргунча Азимшоҳ ҳам бошқа ҳисорликлар билан бирга, Ургут қўй жаллобларникида яхшигина семириб олди. Хўжайинлар отланиб Самарқандга жўнадилар ва чўпонларга қўйларни қийнамай, аста-секин ҳайдаб, йўл-йўлакай боқиб, Самарқанд шаҳрининг жанубидаги Дашти сўхтада бизларни кутиб туринглар, деб буюрдилар.

Чўпонлар тонг отиши билан қўйларни Самарқандга қараб ҳайдадилар. Иссиқ ва чанг-тўзондан жонлари ҳалқумларига келган бу шўрликлар, Дарғам бўйига аранг етиб келдилар. Қўйларни ўтлоққа ҳайдадилар, чанг босилди. Чўпонлар Дарғам сувида ювиниб, шу ерда тунашга қарор қилдилар.

Чўпонлар Дарғам бўйида тунаб, эрта саҳар қўйларини суриб йўлга чиқдилар. Бозор ҳам ўз ихтиёридаги қўйларни синчиклаб санаб, бирортасининг йўқолмаганига ишонгач, ҳаммадан кейин рамасини ҳайдаб кетди.

Чўпонлар шу тариқа манзилларда тунаб, ўтлоқларда қўй боқиб Жумабозор, Тайлоқ ва Пулимағоқ орқали Самарқанд шаҳрига яқинлашдилар. Аммо хўжайинларининг топшириқларига мувофиқ, шаҳарга кирмай, Каварзор қишлоғидан чапга бурилиб, Даштак ариғи бўйлаб Зомин боғоти, Пистамазор қишлоғи орқали Дашти сўхтага— такрор Дарғам бўйига чиқмоқчи бўлдилар.

Боғ кўчалар катта йўллардан ҳам чангроқ эди. Боғларнинг деворлари ва қалин ўсган дарахтларнинг қуюқ

шохлари тор йўлларда қўйларнинг туёғидан кўтарилган чангларнинг тарқалиб кетишига йўл қўймас ва кўтарилган чанглар сел каби ёғар ва йўловчиларнинг бошига ўтириб қоларди.

РИЁСИЗ САДАҚА

Чўпонлар Дарғам бўйидаги Дашти сўхтага етганларида, Бозорнинг биринчи иши қўйларни санаб, текшириб кўриш бўлди. Аммо натижа Бозор учун кўнгилсиз бўлиб чиқди: икки бош чори қўй йўқолган эди. Бозор бунга ишонгиси келмай, иккинчи марта қўйларни битта-битта санаб кўрди. Лекин натижа аввалгидай кўнгилсиз чиқди. Бозор ҳали ҳам ишонмасди, янглиш санаган бўлсам керак деб ўйларди. Шунинг учун бу ҳолни ўз ўртоқларига айтиб, улар билан бирга қўйларни яна бир марта санаб, текшириб чиқди. Афсуски, икки чори қўй йўқ эди.

Бозор ўз рамасини вақтинча ўртоқларига топшириб, қўйларни қидирмоқчи эканини сўзлади. Кейинги бир соатли йўлни Самарқанд боғлари орасидаги боғ кўчаларнинг ён-теваракларигача, жарлик ва сув кўтарилмаларигача, ўтлоқ ва экинзорларигача текшириб кўрмоқчи бўлди. Унинг фикрича, қўйлар бирон жарлик ё ариққа тушиб қолишлари, ё бўлмаса бирон ўтлоқда, экинзорда ўтлаб юрган бўлишлари мумкин эди.

Аммо бошқа чўпонлар унинг бу фикрига қўшилмадилар:

— Ҳеч бир вақтда қўй ўз ихтиёри билан рамадан ажралиб, ўтлоқда қолмайди; бирор жарлик ёки ариққа тўсатдан тушган бўлсалар, маърашиб, бизни хабардор қилардилар; шаҳарнинг яқинидаги обод жойларда бўри ва бошқа йиртқич ҳайвонлар ҳам бўлмайди,— деб уни фикридан қайтардилар ва:— қўйларингни икки оёқли бўрилар (ўғрилар) егандир, бундай «бўрилар» шаҳар яқинида кўпроқ учрайдилар,— деб, уни йўқолган қўйларни топа олмаслигига ишонтирдилар.

Бозор қўйларни топа олмаслигига ишонгандан кейин, тоқатсизлана бошлади, у ўз ўртоқларидан четланиб, бошига тупроқлар сочар ва қон қора қақшаб йиғларди...

Аммо нима илож? Қазога ризо бўлиш керак, деди у ва ўзича ўйлади:«Укам ўлди, қўш ҳўкизимдан, деҳқончилик асбобларимдан, уй-жойимдан ва ниҳоят ҳар бир мусибатимга ўртоқлик қиладиган вафоли Меҳрмоҳим-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан ажралдим. У мусибат ва кулфатларнинг ҳаммасига чидадим. У мусибатлар олдида икки қўйнинг йўқолиши ҳеч нарса эмас, кўп бўлса, бир йиллик хизмат ҳақим кетар. Мард одам ҳар бир зарар-зиён, кулфат ва мусибатга чидаши ва келажакда унинг жойини тўлдириши керак. Мен қўйнинг товонини тўлайман, пухта хизматларим билан яна обрў қозонаман».

Бозор шундай мулоҳазалар билан ўзини юпатди ва Дарғам сувида бет-қўл ювиб, асабларини тинчитиб, ўз ўртоқлари олдига қайтиб борди.

Қўй жаллоблар Самарқанд шаҳрига кириб, ўз ошналариникига қўндилар; бозор айланиб, мол ва қўйнинг нархини аниқладилар; қассоб, чакана қўй жаллоб ва даллолларни кўриб, ўз молларининг нави ва сифатидан уларни хабардор қилдилар.

Азимшоҳ ва бошқа қўй жаллоблар ўз рамаларининг Дашти сўхтага етиб келганидан хабар топиб, Дарғам бўйига чиқдилар. Ҳар қайсиси ўз қўйларини кўздан ўтказиб, уларнинг қандай ҳолда етиб келганини текширдилар. Азимшоҳ Бозордан икки қўйнинг йўлда йўқолганини эшитганида, Бозорни ҳеч койимади, балки:

— Зарари йўқ, бундай ишлар бўлади, қўй топилади, одам соғ бўлса, ҳар нарсани топади! Дунёда тенги бўлмаган нарса соғлиқ ва саломатликдир. Агар соғлиқ йўқолса, унинг топилиши қийин. Икки қўй йўқолган бўлса, садқайи сар, китобларда йўқолган нарсани риёсиз садақа деганлар! Бу тўғрида ҳеч бир ғам ема! Зарари йўқ,— деб Бозорни юпатди.

Бозор хўжайиннинг бу гапларини эшитиб, кўнглидаги катта ташвишдан — хўжайиннинг эътимодини йўқотиш ташвишидан бутунлай қутулди. Ҳатто хўжайиннинг риёсиз садақа, ғам ема, зарари йўқ, деганидан, «хўжайин йўқолган қўйлар учун мендан товон олмайди» деб ўйлади.

Аммо хўжайин бошқача ўйлар эди.

Унинг фикрича, тўрт бош қўй йўқолса, яна ҳам фойдалироқ бўларди. Чунки Бозор у вақтда келаси йилги хизмат ҳақини олдиндан йўқотиб, хўжайиндан қарздор бўлиб, унинг эшигига боғланиб қоларди. Бозордай жонкуяр ва садоқат билан ишлайдиган хизматкор, агар хўжайиндан қарздор бўлиб, унга боғланиб қолмаса бошқа бирор хўжайин уни йўлдан чиқариб, ўзига олиши мумкин эди.

Мана шунинг учун Азимшоҳ икки чори қўйнинг йўқолишидан ўз хурсандлигини яшира олмасди. Унинг бундай қора ниятларидан хабарсиз бўлган Бозор қўйларнинг йўқолишидан пайдо бўлган ғамдан қутулгандай хурсанд эди.

БУ ҲАМ «РИЁСИЗ САДАҚА»

Бухоро шаҳрининг жануб томонига Намозгоҳ дарвозаси орқали чиққанингизда, дарвозадан унча узоқ бўлмаган ҳовуздан ўтгач, йўлнинг ғарб томонида кенг майдонга дуч келасиз. У майдон ҳикоямиз юз берган вақтларда қўй бозори бўлиб, бозор майдони қўшоқ қилиб қўйилган қўйлар билан тўла эди. Майдон эшиги олдида бир супача бўлиб, устига гилам ва кўрпача тўшалган, кўрпачада Бухоро амалдорларидан бири чордана қуриб ўтирарди. Амалдорнинг ёнида бир бўхча турли-туман чопонлар, амалдорнинг рўпарасида яна икки одам бўлиб, бирининг олдида чармдан тикилган катта ҳамён, иккинчисининг олдида қаламдон ва икки дафтар турарди.

Ҳали бозор бошланмаганидан, супадагилар жим. Шу вақт майдон эшигидан чилим тутган киши кириб:

— Обтоза!— деб бақирди.

— Пояки!— деб амалдор у одамни ўз олдига чақирди.

— Хўш, тақсир! Ҳозир сувини янгилаб келаман,—деб пояки ҳовуз томонга югурди.

Пояки ҳовуз бўйига бориб, боши, бели ва тубига фируза тошлар ўтқазилган, кумуш билан безатилган чилимнинг сархонасини ерга қўйиб, сувини ҳовузга тўкди, белига тақилган пичоқни қинидан чиқариб, чилимнинг остидаги ёпишқоқ нарсани қириб ташлади, пичоқнинг учи билан сархона ичидаги тамаки қириндиларини қириб тозалади. Кейин чилимга ҳовузнинг «тоза» сувидан тўлдириб, найидан пуфлаб, ортиқча сувни ҳовузга тўкди-да, белига тақилган хуржунчанинг бир кўзидан латтани чиқариб, чилим ва сархонани артди. Хуржунчадан олмадай, қора ёпишқоқ бир нарсани олиб, чилимнинг тубига ёпиштирди. Сархонани ўрнатиб, хуржунчанинг бошқа кўзидан тамаки олиб босди ва ҳовуз бўйидаги кабобпазнинг кўрасидан чўғ олиб, чилимни қуриллатиб пишитди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Обтоза!— деб бақиргани ҳолда амалдор ўтирган супа олдига борди. Пояки чилимни яна бир марта ўзи чекиб, оловини яшнатиб, найини амалдорнинг оғзига тўғрилаб, орқасидаги тешикчани бармоғи учи билан тутиб чектирди.

Амалдор чилимни чекиб бўлгандан кейин, поякидан:

— Аҳволинг қалай?— деб сўради.

— Худога шукур, давлатингиз соясида декчамиз қайнаб турибди,— деди ва,— обтоза!— деган ҳолда тез юриб қўшоқланган қўйлар орасига кириб йўқолди.

Бозор қизиб кетди: ўнталаб, йигирматалаб, элликталаб қўйлар савдо бўлиб, уларни қассоблар ва чакана жаллоблар олиб кетмоқда эдилар. Азимшоҳнинг йигирма бош қўйи бухоролик даллол боши Фатҳиллабой воситачилиги билан бир қассобга сотилди. Қассоб ваъда бўйича икки юз тангани нақд бериб, қолганини келаси бозор куни берадиган бўлди.

Фатҳиллабой қассобдан пулни санаб олиб Азимшоҳга берди. Азимшоҳ пулни иккинчи марта санаб, шолчанинг устига қўйди. У ҳали қўйнидан ҳамёнини чиқариб, пулни йиғиштириб олганича йўқ эдики, пояки «обтоза» деб чилимни даврада бир айлантириб, ўтирганларга бир-бир тақдим қилди.

Фатҳиллабой чилимга рағбат кўрсатди. Пояки бир қўли билан чилимни тутиб, иккинчи қўли билан сархонанинг қопқоғини кўтариб, кул ва қириндиларини пуфлаётганида, бир учқун учиб қўлига тушди. Поякининг қўли куйиб, «воҳ» деб чилимни тушириб юборди, чилим саналган танга устига тушди. Аммо пояки ўзига хос чаққонлик билан чилимни ағанашдан сақлаб, Фатҳиллабойга чектирди-да, «обтоза!» деб шошилинч суратда бозор ичига кириб ғойиб бўлди.

Азимшоҳ шу кун анча қўй сотди ва бозор охирида савдодан тушган пулларини ҳисоблаб кўрганида, пул оз чиқди. Иккинчи, учинчи марта санаб кўрди, барибир пул оз чиқа берди. У пулнинг озлигини аниқлагандан кейин, шовқин-сурон кўтариб, номард киссавурни, ўғрига шерик бўлган даллолларни, фирибгар қассоб ва чакана жаллобларни, бозорни ўғридан тозаламайдиган амин ва оқсоқолларни сўка бошлади.

Бозор икки қўй йўқолганда хўжайин ўзини қандай юпатганини эслаб, уни ҳам ўша гаплар билан юпатмоқчи бўлди:

— Хўжайин, тинчланинг! Ўзингиз айтгандай, йўқолган нарса риёсиз хайр. Зарари йўқ, худо унинг ўрнини бошқа жойдан тўлдиради,— деди.

Бу гапларни эшитган хўжайиннинг ғазаби тобора ошиб:

— «Риёсиз хайр»,— деди ўз-ўзига, сўнгра Бозорга қараб давом этди,— риёсиз хайр— ўз ихтиёрлари билан хайру саховат қилмайдиган ёки қила олмайдиган одамларга керак. Аммо мен бўлсам, топган фойдаларимнинг ярмини ҳамиша хайру садақага сарф қиламан: хотинингнинг ўлигини кўмдирдим — бу ҳам садақа; сенга, ўғлингга егиздим, кийгиздим, сенларга жой бердим — бу ҳам садақа; бир неча ишсиз қолган очларга уйдан, даладан иш топиб бериб, қоринларини тўйғазаётирман — бу ҳам садақа; подшоликка закот ва аминона бераман — бу ҳам садақа; имомга фитри рўза бераман, халқни қурбонлик гўштидан зиёфат қиламан... Буларнинг бари садақа. Мен учун яна риёсиз садақанинг нима кераги бор?.. Худонинг мендан бошқа саховатли бандаси йўқ эканми? Сен ўз ишингни бил! Менга сенинг насиҳатинг керак эмас.

Азимшоҳнинг боши устига тўпланиб, унинг шовқин-суронини томоша қилиб турганлардан бири унга:

— Хўжайин! Закотчига бориб арз-дод қилинг! Бозорнинг ўғри-тўғрисини текшириб чора кўрадиган ўша,— деб маслаҳат берди.

Азимшоҳ бу маслаҳатни эшитгач, шошиб ўрнидан туриб, супада ўтирган амалдор олдига борди.

— Закотчи бек,— деди у.— Мен подшоликка закот бериб, аминона бериб, подшолик бозорида мол сотаман. Агар подшолик бозорида кундуз куни пулимни ўғирласалар, унда амният бўлмаса, бас, не учун мен закот ва аминона бераман? Сиз бозорнинг ҳокими бўлиб, мендан закот оласиз, қани, пулимни ўғирлаган ўғрини топиб беринг!

— Хўп, сиз тинчланинг, ўз ишингиздан қолманг! Мен ўғрини топиб, танбеҳини бераман,— деди закотчи.

— Йўқ,— деди хўжайин,— ҳозирнинг ўзидаёқ ўғрини топиб, менинг қўлимга топширасиз. Ундан пулимни қандай қилиб ундириб олишни, унга қандай жазо бердиришни ўзим биламан.

Закотчи жанжалнинг устига етиб келган бош даллол Фатҳиллабойдан сўради:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бой, бу кишининг пулини ким ўғирлади?

Фатҳиллабой кўрсатгич бармоғини лабига теккизиб:

— Бу ишни бирор «шерамард»» қилган бўлса керак, мен унинг кимлигини қайдан биламан?— деб жавоб берди.

Закотчи ўз одамига қараб:

— Бозорга туш! Гумонбарларни тутиб, миршабхонага олиб бор! Унда иш очилиб қолади,— деди.

— Қандай гумонбарларни?— деб сўради у закотчидан.

— Оёқяланглари-да,— деди закотчи,— «одамшавандалар» ўғрилик қилмайди, ўғри ҳар вақт оёқяланглар орасидан чиқади.

— Хўп, тақсир!— деб закотчининг одами бозор томонга кетди. Закотчи ўғрини қўлга киргизиш учун қанча «ҳаракат» қилган бўлса ҳам, ўғрининг топилишига ва ундан ўғирланган пулнинг унишига Азимшоҳнинг кўзи етмасди, шунинг учун зарда қилиб, кимнидир ўзича сўкиб-қарғаб турарди. Бу орада закотчи, ёнида турган бўхчани очиб, унга ўралган чопонларни кўп закот берган катта қўй жаллобларга ва чорвадорларга биттабитта кийгизди ва бу қаторда, анчагина закот берган Азимшоҳга ҳам бир атлас чопон берди.

«Барибир ўғри ва пул қўлга кирмайди» деб табиати хира бўлиб турган Азимшоҳ подшолик чопонини кийгандан кейин хурсанд бўлиб, «жаноби олий жаҳонгир бўлсинлар, тиғлари бурро ва сафарлари бехатар бўлғай» деб амирни дуо қилиб, ўз қўшхонасига жўнади.

Қўй жаллоблар, қассоблар ва чакана харидорлар бозордан чиқиб кетдилар. Чўпонлар ҳам сотилмай қолган қўйларни қўшоқлардан чиқариб, ўтлоқларга ҳайдадилар. Шундай қилиб, бозор бутунлай бўшаб қолган вақтда, пояки:

— Обтоза!— деб закотчи ўтирган супа олдида пайдо бўлди.

— Шер,— деб закотчи поякини ўз олдига чақирди.

— Лаббай, тақсир!— деб Шер закотчига яқинлашди ва чилимнинг найини унинг оғзига тутди.

Закотчи чилимни чека туриб:

— Қанча пулини олдинг?— деб сўради.

— Ўн танга!

— Номаъқул қилма! Эшитишимга кўра, кўпроқ эмиш.

— Йўқ, худо ҳақи, тўғрисини айтдим, ўн тангадан бир сариқ чақа ҳам ортиқ эмас.

— Хўп, закотини чиқар!

Пояки хуржунчасидаги сариқ чақалар орасидан қора мумга беланган бешта оқ тангани ажратиб, закотчининг олдига ташлади. Закотчи у тангаларни гиламга суйкаб, мумдан тозалаб, ўз чўнтагига солди:

— Шер!— деди.— Менинг насиҳатимга қулоқ сол: бундан кейин ишингни билиб қил! Бойлар ва катта жаллобларнинг чўнтагига кўз тикма! Уларнинг бир пули йўқолса «дод-вой» деб дунёни бошларига кўтарадилар, арзларини ҳар кимга эшиттира оладилар. Худо кўрсатмасин, агар сиринг очилса, балога қоласан. Уйинг куйгур, жуда ҳам баджаҳл экан. Ҳар иш қилсанг, доду фарёди ўз қулоғидан бошқа жойга эшитилмайдиган чаканаларга қила бер! У дод деб келди. Хайрият, Фатҳилла зийраклик қилиб, ишни хаспўшлади...

Закотчи жим бўлиб, яна бир марта чилим чекиб олгач, гапида давом этди:

— Биздан ибрат олсанг бўлмайдими,— деди у,— бойлар ва катта жаллоблар «закот» деб «хирмондан дона» берсалар ҳам, биз уларга жаноби олий давлатларидан чопон кийгизамиз. Бечоралардан бўлса, бирга икки, бирга уч закот оламиз ва уларга ҳеч бир нарса бермаймиз. Шундай бўлса ҳам, улар бошларини эгиб, жимгина кета берадилар. Чунки, агар дод десалар, бир йўлини топиб, яна ҳам ортиқроқ оламиз...

— Мендан миннатдор бўл! Агар мен бўлмасам, қўлга тушардинг,— деди закотчи яна бир чилим чекиб.

— Балонгизни олай, бегижон! «Закотини» олгандан сўнг, ишнинг устини ёпишингиз ҳам керак-да. Мен ҳам кимдан «улуш» олишим кераклигини биламан. Аммо ўқ ҳамма вақт нишонга тегмайди. Гоҳо кийикка қаратиб отилган ўқнинг бўрига бориб тегиши ҳам бор. Шундай вақтда яраланиб ғазабланган бўрининг чангалидан мени сиз қутқазмасангиз, ким қутқазади,— деб Шер пояки «обтоза!» деганча бозордан чиқиб кетди.

Закотчи ишини йиғиштириб жўнашга ҳозирланаётганда, унинг оёқяланглари тутишга юборган одами келиб, унга, тўрт нафар «шубҳали» кишини миршабга топшириб келгани тўғрисида маълумот берди.

Закотчи бош қимирлатиб, унинг ишини маъқуллади ва отга миниб жўнади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚАРЗДОРЛИК

Хўжайин Бухоро сафаридан қайтгандан кейин, Бозор билан ўз орасида бўлган ҳисобни аниқлаб қўймоқчи бўлди. Чунки Бозорнинг биринчи хизмат йили тамом бўлиб, энди иккинчи хизмат йили бошланмоқда эди.

Хўжайин шундай мулоҳаза билан бир кун Бозорни ўз олдига чақириб:

— Бухоро сафари менинг учун унча яхши ўтмаган бўлса ҳам, сен учун хатарсиз бўлди. Шу ҳам катта хурсандлик. Лекин Самарқанд сафари жиҳатидан ўз орамиздаги ҳисобни аниқлаб қўйишимиз керак,— деди.

Хўжайин Бухорода пули йўқолган вақтда, «менга риёсиз хайр кераксмас» деб бақирганида, Бозор «афтидан, хўжайин Самарқанд сафарида йўқолган икки қўйни менинг ҳисобимга ўтказмоқчи» деб ўйлаган эди. Бироқ хўжайиннинг сўнгги юмшоқ муомалаларини кўриб, «ажаб эмаски, менинг садоқат билан қилган хизматларимни назарга олиб, у қўйларнинг йўқолишидан келган зарарни менга юкламаса» деб яна умидлана бошлаган эди. Аммо, хўжайиннинг бугун бошлаган гапидан ўз умидининг асоссиз, хом хаёл эканини пайқади.

Хўжайин давом этди:

— Йўқолган икки чори қўйга баравар келадиган қўйларни Самарқанд бозорида ортиқроққа сотган бўлсам ҳам, сенинг бечоралигингни назарга олиб, уларни сенга йигирма беш тангадан — иккаласини эллик танга ҳисоблайман,— деди.

Бозорда бир йиллик хизмат ҳақининг йўқолганига энди ҳеч бир шак-шубҳа қолмаган эди. Шундай бўлса ҳам, манфаат умиди билан бир оз савдолашмоқчи бўлиб:

— У қўйларни ўзингиз қанчадан олган эдингиз?— деб сўради.

— Уларни қанчадан олганимга сенинг ишинг бўлмасин,— деди хўжайин,— аввали шуки, мен у қўйларни битта-битта эмас, ҳар ўнтасини, йигирматасини бир жойда, бир одамдан савдо қилиб олганимдан, ҳар бирининг таннархини муайян қилиш мумкин эмас, чунки бир жойда олинган бир тўда қўйнинг орасида ўн танга турадиган қўй бўлгани каби, қирқ тангага арзийдиган

қўй ҳам топилиши мумкин; иккинчидан, у қўйлар сотиб олингандан кейин олти ой менинг қўлимда турди, менинг нақд пулим уларга банд бўлиб қолди, шу муддат орасида мен уларни боқиб семиртирдим.

— Шунинг учун,— деди хўжайин сўзини давом эттириб,— бундай вақтларда молнинг таннархини аниқлаш қийин бўлади. Ишнинг осони ва яхшиси бозор нархидан бир оз арзонроқ баҳолашдир. Агар мендан кетса, сенга кетади, зарари йўқ, сен бечора одамсан, ҳақимга дуо қиларсан.

Хўжайин хулоса қилиб:

— Йўқолган икки қўй учун мендан эллик танга қарздорсан! Тушундингми?— деб сўради.

Бозор эллик танга қарздор бўлганини қачонлар тушунган бўлса ҳам, бу саволдан унинг аъзойи бадани жимирлаб кетди. Чунки бу саволдан Ҳожиёқуббойнинг «тушундингми» деб уни хонавайрон қилгани эсига келди. Бозор хўжайиннинг саволига бош қимирлатиш билан тасдиқ жавоби бериб, қўрқа-қўрқа ўйиннинг давомини кутиб турди.

Хўжайин давом этди:

— Агар болангнинг бир йилда кийган кийими ва еган овқатини эллик танга ҳисобласак, қарзинг юз танга бўлади. Тушундингми?

Бозор бу саволга тасдиқ жавоби ўрнида норозилик оҳанги билан:

— Бир боланинг бир йиллик кийими билан еган овқати эллик танга турадими?—деб сўради.

— Бир боланинг бир йиллик овқатининг ўзи эллик тангадан кўп бўлади, «бузоқ сомонхонани бўшатади, бола нонхонани» деган сўзни эшитмаганмисан? Шундай бўлса ҳам, мен сенга мурувват қилиб, болангнинг овқат ва кийимини эллик танга ҳисобладим. Сен мендан миннатдор бўлишинг керак.

Бозор Азимшоҳнинг бу гапини эшитиб, «афтидан, бу одам мени Ҳожиёқуббойга раҳмат ўқитади» деб ўйлади, унинг бу фикри юзу кўзидан ҳам билиниб турарди.

Бозорнинг бу кайфиятини пайқаган хўжайин ўзини унга хайрихоҳ кўрсатмоқчи бўлди:

— Мен учун бир болани егизиб, кийгизиш, ҳеч гап эмас, агар сен бўлмасанг, мен болангни «холис худо учун» тарбиялардим. Лекин сен тириксан, қўлингдан иш кела туриб, болангни менинг боқишим муносиб эмас. Бу

www.ziyouz.com kutubxonasi

ишни мен қиламан деганда ҳам сенинг қабул қилмаслигинг керак. Оталик вазифаси, оталик ҳамияти ва оталик шафқати шуни талаб қилади.

— Хўп,— деди бу гаплардан бир оз бўшашган Бозор,—лекин боламнинг уйингизда қилаётган дастёрлиги бадалига унинг овқатини ёки кийимини сиз беришингиз керак эди.

— Унинг қўлидан ҳали нима иш келади?— деди хўжайин.— Мен унга баъзи ишларни буюрсам ҳам, ундан фойдаланиш учун эмас, иш ўргансин деб буюраман. Бўлмаса ҳали унга иш буюришнинг ўзи мен учун ҳам, сен учун ҳам хавфли. Чунончи, бир кун сигирни боқишга олиб борганида зовурга йиқитибди. Йўловчилар келиб молни зовурдан чиқариб бермасалар, сигирим ўлиб қоларди, сенинг қарзинг ҳам яна эллик танга ошарди. Хулласи калом,— деди хўжайин,— сен мендан юз танга қарздор бўлдинг.

— Хўп,—деди Бозор бошқа жавоб топмаганидан.

— Энди ихтиёр ўзингда,—деди хўжайин,—истасанг, юз танга қарздорлигинг учун менга тилхат бериб, аввалгидай ишлай берасан, истамасанг, пулимни бериб, хоҳлаган жойингга бораверасан.

— Менинг бир йиллик хизмат ҳақим, ваъдангиз бўйича, эллик танга бўлади, бу маблағни санаганда, менинг сиздан қарзим эллик танга бўлиб қолмайдими?— деди.

— Сен жуда ҳисобдон бўлиб қолибсан-ку,— деди хўжайин кулимсираб, пичинг оҳанги билан давом этди,— хотинингнинг ўлигини кўмдим, то менинг хизматимга киргунингча ўзинг ва ўғлингга жой бериб, сенларга егизиб, кийгизганимни эсингдан чиқардингми? Мен сендан уялиб, уларни тилга олмадим, яхши киши ўзи билар дедим. Аммо сен мендан уялмай, бир йиллик хизмат ҳақингни менинг бетимга соласан.

Бозор бу гапларни эшитиб, Азимшоҳнинг Ҳожиёқуббойдан баттарроқ эканини билди, аммо юз танга топиш имконидан хориж бўлгани учун ноилож тилхат беришга рози бўлди.

Азимшоҳ Бозор билан Сарижўй қозихонасига кирди. У, Бозорнинг ҳисобда қаттиқроқ туриб, бир неча марта ўзининг гапини қайтарганидан хавотирланиб, пулнинг фойдасидан ва хатнинг тартибидан унга оғиз очмади. Бу гапларни бирор «холис» одамнинг тилидан эшитишни

муносиб кўрган эди. Унингча, «холис одам» қозининг мирзаси эди. Шунинг учун мирза ундан:

— Нима хизмат?— деб сўраганда, ҳалиги «хизмат» ни унга ишорат билан буюрмоқчи бўлиб, қуйидагича жавоб берди:

— Бу одам мендан юз танга қарздор бўлди. Энди бу маблағни ҳам шариатга, ҳам урфу расмга мувофиқ хатга солиб бериш сизнинг ишингиз. Бир иш қилингки, сих ҳам куймасин, кабоб ҳам.

— Жуда яхши,— деди хўжайиннинг мақсадини англаган мирза,— бу пулни қарзи ҳасана берасизми ёки урф-расмга мувофиқ, фойда биланми?

— Албатта, урф-расмга мувофиқ қилиш керак-да, эл орасида яшаб унинг одатидан четланиб бўладими?

— Хўп, ҳар ойда қанча фойдага рози бўласиз?—деб сўради мирза.

— Бунинг ихтиёри ҳам сизда, урф-одат қандай бўлса, шундай қила берасиз-да.

— Бу тўғридаги урф-расм турлича,—деди мирза,— пулнинг фойдаси қарздорнинг ҳолига қараб турлича бўлади: агар қарз олувчи мол-мулк эгаси бўлиб, ўз ери ё ҳовлисини гаровга қўйса, йигирма танганинг фойдаси бир ойда ярим тангадан бир тангагача; агар қарз олувчининг мол-мулки бўлмаса, йигирма танганинг фойдаси ҳар ойда икки тангагача бўлади.

— Менинг қарздоримнинг мол-мулки ҳам йўқ, уй-жойи ҳам йўқ, ўзи бу ерлик ҳам эмас,— деди Азимшоҳ,— лекин ўзи бир бечора ва тўғри одам бўлгани учун мен ярим тангага рози бўламан.

— Бу сизнинг ҳимматингиз,— деди мирза,— лекин қарз олувчининг гаров қўйиб ижарага оладиган мол-мулки бўлмаганидан кейин, пулнинг фойдасини тўғридан-тўғри «фойда» деб хатга киргизиб бўлмайди, чунки бунга шариат йўл бермайди. Энди пулнинг фойдасини олдиндан нақд қилиб олишингиз ёки қарз ҳисобига қўшиб хатга киргизишимиз керак. Бу тўғрида нима дейсиз?

— Пулнинг фойдасини олдиндан нақд беришга бу одамнинг кучи етмайди. Шариатга мувофиқ қилиб, хатга киргизиш сизнинг ишингиз.

Мирза, йигирма танганинг ойда ярим танга фойда юзасидан, юз танганинг бир йиллик фойдасини ўттиз танга ҳисоблаб, Бозорнинг хўжайиндан бир юзу ўттиз

www.ziyouz.com kutubxonasi

танга қарздор бўлгани тўғрисида васиқа ёзди ва хатни қозига муҳр бостириш учун мулозимга топшириб туриб, Бозорга қаради:

— Хўжайиннинг қадрларини бил! Агар бу кишининг ўрнида бошқа хўжайин бўлса, сендан ҳар йигирма тангага ойда икки танга талаб қилиб, юз танга ўрнига икки юз йигирма танга қарздор қилиб қўярди,— деб уни хўжайиндан миннатдор ҳам қилиб қўйди ва сўзининг охирида Бозордан хатнинг харажатини талаб қилди.

— Унинг бир пули ҳам йўқ, савоб учун хатнинг харажатини мен бераман, — деб Азимшоҳ чўнтагидан пул чиқариб мирзага бир танга котибона ва хатни муҳрлатувчи мулозимга қозига бериш учун икки танга муҳрона берди, сўнгра Азимшоҳ ва Бозор мулозимга эргашиб, қозининг олдига бордилар.

Қози мурофаахонанинг юқори эшиги олдида ўтирган экан. Эшик қаршисидаги супага бўйра ёзилган эди. Хат муҳрлатувчи мулозим Азимшоҳ билан Бозорни олиб бориб, қозининг рўпарасидаги бўйрага ёнма-ён ўтқазди-да, ўзи чўккалаб ўтириб хатни қозига узатди ва икки танга муҳронани қозининг олдига қўйди, кейин яна ўрнидан туриб, эшик ёнида қўл қовуштириб тик турди.

Қози хатга кўз югуртириб чиққандан кейин, Бозорга қараб:

— Бозор!— деди.

— Лаббай!— деб жавоб берди Бозор.

— Сен мулла Азимшоҳдан бир юзу ўттиз танга қарздор бўлдингми?

— Бўлдим!

— Ҳар вақт талаб қилсалар, мазкур маблағни қозихонага келтириб, менинг олдимда у кишига тўлайсанми?

— Тўлайман.

Қози хатни муҳрлаб, мулозим томонига чўзди. Мулозим тиз чўкиб ўтириб, хатни қозининг қўлидан олди, ўрнидан туриб, атрофга қараб, туринглар, деган маънода ишорат қилди.

Қози ўрнидан турган хўжайинга қараб:

— Мулла Азимшоҳ, кўп вақтдан бери кўринмайсиз, сира бизнинг олдимизга келмайсиз. Қани, ичкари киринг! Бир оз чақчақлашайлик,— деди.

— Хўп, тақсир!— деб, Азимшоҳ даҳлиз орқали қози ўтирган хонага кирди.

Қози хўжайиннинг эҳтиромни учун ўтирган жойида гавдасини тиклаб, унга жой кўрсатди. Аммо хўжайин қозининг эҳтиромига эҳтиром билан жавоб бериб, у кўрсатган жойдан қуйироқда ўтирди-да, «қози ва қозизодалар» ҳақига дуо қилди.

— Бола! Дастурхон келтир!— деб қози ўз маҳрамига буйруқ бергандан кейин, ҳазиллашиб, давом этди:

— Афтидан, бизни хотирдан фаромуш қилган бўлсангиз керакки, Бухородан табаррук, деб бирор нарса совға келтирмабсиз?

Азимшоҳ уялгандай бўлиб:

— Бухоронинг қўй бозорида бир миқдор пулимни йўқотиб, кўнглим хира бўлди. Шунинг учун ўз ишларимни ҳам чала ташлаб, тез қайтдим. Келажакда хизмат қилиб бу гуноҳимни ювишга ҳаракат қиламан,— деди.

Қози «бахтсизликка» афсуслангандан кейин:

— Қанча пулни ўғирлатдингиз?— деб сўради.

— У қадар катта маблағ эмас эди. Шундай бўлса ҳам, бир нарса ўғирлатиш одамга алам қилар экан.

— Албатта, албатта, «мўминнинг моли — мўминнинг қони» деганлар,— деб қози хўжайиннинг гапини қувватлагандан кейин,— Бухоройи шариф ҳокимларига бу тўғрида арз қилдингизми?— деб сўради.

— Бозорнинг закотчисига бу ҳолни англатдим. У уч-тўрт кишидан гумонсираб, уларни тутиб, миршабхонага юборди. Аммо ўзим у ишнинг орқасидан ортиқча югуриб юрмадим.

— Закотчининг қўлидан шундан бошқа иш ҳам келмасди. Қозиюл-қуззот жаноблариға арз қилишингиз керак эди. У киши ўғрини топиб, пулингизни ундириб берардилар.

— Арзимас бир маблағ учун у кишининг бошларини оғритишни муносиб кўрмадим.

— Нега? Хоҳ қозиюл-қуззот жаноблари бўлсинлар, хоҳ бошқа қози ва ҳокимлар бўлсин, сиз каби обрўли давлатмандларнинг ҳақларини ҳимоя қилиш учун ўз мансабларида ўтирибдилар. Биз қози ва ҳокимларнинг боғимиз ҳам, чорбоғимиз ҳам юртнинг давлатмандларидир; бизнинг ошимиз, нонимиз, обрў ва иззатимиз, аввал жаноби олийнинг марҳаматларидан бўлса, иккинчи, сиз каби давлатмандларнинг устидандир. Агар бу ишни қози калон жаноблариға арз қилсайдингиз, у кишининг ўзларига муҳрона ва мулозимларига хизматона ҳам

www.ziyouz.com kutubxonasi

унарди,— деди қози бир оз кулимсираб,— қози калон жаноблари ҳам пулни ёмон кўрмайдилар.

— Тақсир!— деб Азимшоҳ қозининг бу фикрига қўшилганини англатди.

— Марҳамат қилинг, нонга қаранг,— деди қози.

— Кўп едим, тақсир,— деб хўжайин қўлларини сал кўтарди. Бу— дастурхонга фотиҳа ўқинг, деган маънони ифода қиларди.

Қози қўл кўтариб, жаноби олий ҳақига дуо қилиб, дастурхонга фотиҳа ўқиди ва маҳрам кириб дастурхонни йиғиштириб олгандан кейин, Азимшоҳ ўтирган жойида қўл қовуштириб:

— Ижозат берилса эди, тақсир,— деди.

— Ҳа, дарров қайтасизми? Хўп, камнамо бўлманг! Тез-тез келиб туринг!— деб қози иккинчи марта қул кўтариб фотиҳа ўқиди. Бу — меҳмонга рухсат бергани эди.

Азимшоҳ ўрнидан туриб, қозидан юзини ўгирмай, тисланиб, даҳлиз остонасига етганда, бир ёни билан эшикдан чиқиб кетди.

Азимшоҳ қозининг олдига кирганида, Бозор қозихонада деворга суяниб, уни кутарди. У ўйларди: «Хўжайин қози билан қалин ошна экан. Бу ҳолда мени истаганича қарздор қилиб, тилимдан хат ола биларкан. Мирзанинг айтганидай, ҳали ҳам у менга мурувват қилган экан».

Азимшоҳ қозининг олдидан чиққанида, мулозим уни қарши олиб, муҳрлатган хатни тўрт буклаб қўлига берди.

Хўжайин йўл-йўлакай Бозорга қозининг ўзига қилган «марҳамат» ларини ва гапирган гапларини, бирига ўн қўшиб ҳикоя қилиб берди. Айниқса унинг «қози калондан тортиб ҳар бир қози ва ҳоким, сиз каби давлатманднинг ҳақини ҳимоя қилиш учун қўйилган» деган мазмундаги гапларини қироат билан, битта-битта айтиб, тушунтирди.

МАЙМУН ҲИСОБИ

Бозор хўжайиндан бир юз ўттиз танга қарздор бўлиб тилхат берганидан кейин, хўжайиннинг эшигида яна саккиз йил ишлади. Хўжайин ҳар йили бир марта Самарқандга ва бир марта Бухорога сафар қиларди. Ҳар сафар қўй ҳайдовчи чўпон Бозор эди. Сўнгги сафарларнинг ҳеч бирида Бозор учун шикаст бўлмади, бирор қўйни бўри ҳам ёрмади, ўғри ҳам урмади. Бозор сафардан бўшаган вақтларида хўжайиннинг сотишга тайёрлаган қўйларини боқар, ёзда яйлов, қишда қишловларда умр кечирарди.

Хўжайиннинг ваъдасига кўра, бу саккиз йиллик хизмат бадалига, Бозорнинг тўрт юз тангага эга бўлиши ва бир юзу ўттиз танга хўжайинга қарз учун тўлаганидан кейин, чўнтагида икки юз етмиш танга қолиши керак эди. Лекин натижа бундай бўлиб чиқмади, хўжайиннинг ҳисобига кўра, саккиз йил ишлагандан кейин, Бозор саккиз юз эллик тангадан кўпроқ қарздор бўлиб қолди.

Жумбоққа ўхшаган бу ҳисобга Бозорнинг ақли етмагани каби, ўқувчилар ҳам ҳайрон бўлиб қолажаклар. Лекин Азимшоҳнинг фикрига кўра, бу ҳисоб «икки карра икки—тўрт» бўлганидай, инкор қилиб бўлмаслик даражада очиқ ва равшан эди.

Азимшоҳ ҳар йили қарздорлик хатини янгилаганда, ҳисоб-китобни қозининг мирзахонасида қилдириб, ислом қозисида муҳрлатиб, расмийлаштирган эди. Шунинг учун Азимшоҳни ҳеч бир киши алдоқчи деб айтолмасди.

Ўқувчиларимизни шубҳадан чиқариш учун зериктирувчи бўлса-да, бу ҳисобни қисқартиб нақл қилишимиз лозим.

Юқорида қайд қилганимиз каби, Бозор биринчи йили хўжайиндан бир юз ўттиз танга қарздор бўлиб, қозининг муҳри билан тасдиқланган тилхатни берган эди. Бу маблағ иккинчи йил бошида ҳар йигирма танга учун ойда ярим танга фойда ҳисоблаб эски қарзга қўшганда, қарз бир юз олтмиш тўққиз танга бўлди ва тилхат янгиланди.

Бозор, ўғлининг энди дастёр бўлганини пеш қилиб, унинг кийим ва овқати хўжайиндан бўлсин ва менинг қарзимдан эллик танга камайтирилсин, деб илтимос қилса ҳам, хўжайин қабул қилмади:

— Ёдгорнинг ўзи нима-ю унинг дастёрлиги нима бўларди?— деди,— ҳозир унинг овқати ҳам, кийим-кечаги ҳам аввалги йилларга кўра оғирроқ: бултур тўрт қари бўз унга икки кўйлак-иштон бўлган бўлса, бу йил бир кўйлак-иштонга ҳам етмайди; шунингдек, озиқ-овқатни

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам бултургига кўра икки баравар ейди. Агар мен «ҳаққан-ҳаққо» ҳисобласам, сенинг хизмат ҳақинг, унинг овқатига ҳам етмайди. Кийим-кечак важидан сен яна мендан эллик танга қарздор бўлишинг керак. Агар менинг бу яхшиликларимни билмасанг, эски қарзингни тўла. Мен сенга «оқ фотиҳа» берай, қаерга борсанг боравер!

Қозининг мирзаси Бозорнинг тарафини олган бўлиб, орага кириб, келиштирди:

— Хўжайин, сиз мурувват қилинг!— деди у Азимшоҳга,— оз бўлса-да, Ёдгорнинг хизматини назарга олиб, кийим-кечагини ўзининг иш ҳақи ҳисобига беринг! Ёдгор энди овқатни кўп ейдиган бўлса ҳам, отасининг йиллик иш ҳақи бўлган эллик танга бадалига уни тўйғазиб туринг! Сиздан дунёда шунақа яхшиликлар қолади.

Азимшоҳ мирзанинг юз хотири учун, Бозорнинг бечоралиги учун ва ҳаммадан муҳими дунёда яхши ном қолдириш учун бу таклифни қабул қилди.

Бозор ҳам бу таклифни қабул қилишга мажбур эди. Чунки у нақд пул топиб бериб, хўжайиндан «оқ фотиҳа» ололмасди. Шу тариқа Бозорнинг иккинчи йил бошидаги бир юз олтмиш тўққиз тангалик қарзи, учинчи йил бошида икки юз йигирма танга бўлди.

Бозорнинг учинчи йил бошидаги икки юз йигирма тангалик қарзи, тўртинчи йил бошида фойдаси билан бирга касрсиз икки юз саксон олти танга бўлиб, бешинчи йил бошида уч юз етмиш бир танга ва олтинчи йил бошида тўрт юз саксон икки тангага етди. Бу вақтгача Ёдгорнинг кийим-кечаги иш ҳақи ҳисобига хўжайиндан, овқати эса, отасининг йиллик иш ҳақидан эди.

Бозор Ёдгорнинг қўлидан тузуккина иш келаётганини кўриб, ўғли учун бирор иш топмоқчи ва ўзининг йиллик иш ҳақини, йилдан-йил кўпая бораётган қарзи ҳисобига синдирмоқчи бўлди. Шу мақсад билан ўғлининг хизматини ҳар ким-ҳар кимга тақдим қилиб турди.

Сарижўйдаги ўзига тинч одамлар Азимшоҳдан ҳайиқиб, Ёдгорни хизматга олмадилар, у ернинг кичик мансабдорларидан бухоролик бир одам уни ўз хизматига олмоқчи бўлди. У Ёдгорга йилда йигирма танга бермоқчи бўлиб, уни Бухорога уй хизматига юборишни шарт қилди.

Бозор учун бирдан-бир фарзандидан жудо бўлиш

қийин бўлса ҳам, қарздан тезроқ қутулиш, ҳеч бўлмаганда уни енгиллатиш мақсадида, бу шартни қабул қилди. Лекин Ёдгорни янги хўжайинга топширишдан илгари, бу воқеани ўз хўжайинига хабар қилиб, унинг «туз ҳақини ҳалоллаб», ўғлига ундан «оқ фотиҳа» олиб бермоқчи бўлди.

Азимшоҳ бу хабарни эшитгач, гўёки Ёдгор ўзи учун ҳеч бир кераксиздай деди:

— Жуда яхши, сенинг учун ҳам яхши, ўғлинг учун ҳам яхши — сенинг юкинг енгиллашади, унинг суяги мусофирлик азобларида қотиб, дунёнинг ҳар бир азоб-уқубатига чидамли бўлади,— деб розилик билдирди ва бир оз ўйлаб тургандан кейин, яна давом этди:

— Худо билади, ғарибликда шу боланинг ҳоли нима кечар экан? Агар жудоликка чидасанг, уни Бухорога жўнатишинг маслаҳат; аммо, ундан кўнгил узолмасанг, қўй, шу ерда турсин. Энди ўғлинг катта бўлиб қолган. Агар бир кишича ишлаёлмаса ҳам, ярим кишича ишлайди. Мен шу йилдан бошлаб унинг овқатини ҳам ўз ҳисобимдан бериш ва сенинг иш ҳақингни қарзингга синдириш фикрида эдим. Менинг фикримча, ўғлинг икки йилдан кейин, шу ернинг ўзида ҳам йилига қирқ-эллик танга топа оладиган бўлиб қолади. Чунки менинг эшигимда кўп ишнинг кўзини билиб олди, қолган-кутганини ҳам бу икки йилда яхшигина ўрганиб олади...

Хўжайин яна бир оз жим тургандан кейин:

— Бу, менинг фикрим. Лекин ихтиёр ўзингда,— деб сўзини тугатди.

Бозор хўжайиннинг янги таклифини, айниқса унинг: «Худо билади, ғарибликда бу боланинг ҳоли нима кечар экан?»— деган гапидан чўчиб, ўғлини мансабдорга бермади-да, кийим-кечаги ҳам, озиқ-овқати ҳам хўжайиндан деган шарт билан уни хўжайин эшигида қолдирди.

Шундай қилиб, қарздорликнинг олтинчи йили бошланганда Бозорнинг қарзи тўрт юз саксон икки тангага чиқди, еттинчи йил бошида бир йиллик фойдаси билан олти юз йигирма олти тангага етди. Бундан Бозорнинг йиллик иш ҳақи бўлган эллик танга чиқариб ташлангандан кейин, беш юз етмиш олти танга бўлди, тилхат ҳам шунга мувофиқ янгиланди.

Саккизинчи йил бошида қарз маблағи бир йиллик фойда билан ҳисоб қилинганда, эллик танга иш ҳақи

www.ziyouz.com kutubxonasi

чиқарилгандан кейин, олти юз тўқсон танга ва тўққизинчи йил боши ўшандай қўшиш ва чиқариш билан саккиз юз эллик тўққиз тангага етди.

Йиллик иш ҳақи чиқарилгани ҳолда қарзнинг камайиш ўрнига тобора оша борганини кўрган Бозор, хўжайин ва мирзанинг ҳисобларидан шубҳага тушди. У қозихона олдидаги самоварда ишлайдиган бир чолдан бу ҳисобни тушунтириб беришини сўради.

— Оғайни,— деди чол,— бундай ҳисобларни «маймун ҳисоби» дейдилар. Бундай ҳисобларга сен билан менинг ақлим етмайди. Буларни фақат одам шаклида бўлган маймунлар билади.

ВАСИЯТ

Бозор бир неча кундан бери касал бўлиб йиқилган, касали оғирлашгандан кейин молхонага кўчирилган эди. Кечалари ўғли унинг олдидан қимирламаса ҳам, кундузлари ишга овора бўлиб, ундан хабар ололмасди. Аммо хўжайин кунда неча бор хабар олиб, ҳол-аҳвол сўрар, уни юпатиб турарди.

Бозорнинг аҳволи тобора оғирлаша борди.

Шундай кунларнинг бирида хўжайин кирганда, Бозор:

— Хўжайин! Тузингизни кўп ичдим, хизматингизни оз қилдим. Агар худонинг тақдири бўлиб, куним битиб ўлсам, мендан рози бўлинг,— деди.

— Дард бошқа, ажал бошқа,—деди хўжайин,—одам касал бўлган билан дарров ўла бермайди. Лекин «то ёмон кунни ўйламасанг, яхши кун келмайди», деганлар. Шунинг учун ислом динида васият суннат бўлган. Васиятнинг бир хосияти шундаки, васият қилувчи бемор тирикликдан умидини узиб, ўлимга кўнгил боғлаган бўлади. Шундай беморга худонинг раҳми келиб, унга шифо бериши мумкин.

— Менинг қайси иш тўғрисида васият қилишим керак?— деб сўради бемор.

— Сенинг қарзинг бор-ку,— деди хўжайин,— агар кунинг битган бўлса, бу қарз қиёматга қолади. Агар имом ва оқсоқол олдида қарзингни васият қилиб, уни тўлашни ўғлингга ҳавола қилсанг, сен дунёдан қарзсиз ўтасан ва у қарз ўғлинг бўйнига юкланиб қолади.

Ўлимга кўнгил боғлаган Бозор, ҳеч бўлмаганда, дунёдан қарзсиз кетиш ниятида, хўжайиннинг бу таклифини қабул қилди ва имом билан оқсоқолни чақириб келишни илтимос қилди.

Азимшоҳ беморнинг олдидан чиқиб, имом билан оқсоқолни бошлаб келди. Далага гўнг ташиётган Ёдгорга:

— Қўй! Бу иш кейин бўлар, отангнинг дуоси ғанимат. Бориб, отангнинг олдида ўтир, аҳволидан хабар олиб тур!— деди.

Ёдгор ҳам имом ва оқсоқол орқасидан отасининг олдига кирди.

Бозор имомнинг ҳурмати учун ёстиқдан бош кўтармоқчи бўлди, бироқ дармони келмади, бошини сал қимирлатиб, таъзим қилди.

Имом бемордан ҳол-аҳвол сўрагандан кейин, қуръон ўқиб, унинг ҳақига дуо қилди. Бозор имом ва хўжайиннинг луқма ташлашларини кутмай, бойдан қанча қарзи борлигини нафаси тутила-тутила ҳикоя қилди, Ёдгорни ўз номидан тилхат бериб, хўжайинга ҳалол хизмат қилиб, қарзни тўлашни васият қилди.

Ёдгорнинг оғиз очмай ерга қараб ўтирганини кўрган Азимшоҳ:

— Ёдгор! Нега индамайсан? Отанинг сўзини, унинг охирги дамида, ерга урмоқчи бўлаётирсанми?— деди.

Ёдгор бошини кўтармасдан, ҳеч кимга қарамасдан:

— Қўйни ҳам ўз оёғидан осадилар, эчкини ҳам, агар отам қарздор бўлган бўлса, менга нима дахли бор?— деди.

Бозор ўғлидан бу сўзларни эшитиб қайғуга тушди, кўзларига ёш олди. Бу ҳолни кўрган имом унга ёрдам бераётгандай бўлиб, ўғилга қаради:

— Ёдгор, агар отангдан мол-мулк қолсайди, унинг бирдан-бир меросхўри бўлардинг, энди ундан қарз қолар экан, нега тан олмайсан, нега шариат ҳукмидан бош тортасан?

Ҳалигача ерга қараб ўтирган Ёдгор имомнинг бу гапларини эшитгач, бирдан жаҳли чиқиб, бош кўтарди ва имомга тикилиб:

— Отамнинг қарздорлиги сизга қаердан маълум бўлди? Мен шуни биламанки, биз, ота-ўғил, ўн йилдан бери хўжайинникида ишлаб келдик. Биз тўй қилмадик,

www.ziyouz.com kutubxonasi

бошқа бирор маърақа-мавриД қилмадик,— деди у ва бир оз жим туриб, яна давом этди,— отам хўжайин хизматларига кирган йили икки қўйни йўқотган эмиш. У ҳолда отам бу кишига икки қўйнинг товонини бериши керак бўлади. Бу товоннинг муқобилида бизнинг ўн йиллик хизмат ҳақимиз хўжайинда гаров бўлиб қолган. Воқеа мана шундай экан, нега отам хўжайиндан қарздор бўлиб қолади? Мен бундай «қарз» ни тан олмайман!

Ёдгорнинг гапларидан исён, итоатсизлик ва бош тортиш очиқ кўриниб турарди. Хўжайин бу ҳолдан қаттиқ ташвишланди: унинг фикрича, агар Ёдгор отасининг қарздорлигига қаноат ҳосил қилмаса, унинг қарзини тан олиш лозим деб билмаса, ундан зўрлик билан тилхат олишнинг бир пуллик фойдаси йўқ эди. Чунки унинг Саржўйда мол-мулки йўқ. Агар у отаси ўлгандан кейин Самарқанд ва ёки Бухоро каби узоқ бир жойга қочиб кетса, хўжайин нима қила оларди?..

Хўжайин шундай мулоҳазалар билан Ёдгорни отасининг қарздорлигига қаноат қилдириш, унга бир мунча енгилликлар кўрсатиб, қарзни тан олдириш мақсадида ўзи сўзга киришди:

— Ёдгор!— деди у.— Отанг бола эмас эди, жинни ҳам эмас эди. Қозининг мирзаси томонидан ўзига тушунтирилган ҳисоб юзасидан қарздор бўлиб, ислом қозиси олдида иқрор қилиб, тилидан хат берди. Хатни пайғамбарнинг ўрнида ўтирган қози муҳри билан тасдиқлади. Қарзнинг орта борганининг сабаби шуки, пулнинг танига унинг фойдаси ҳар йил қўшилиб турди. Лекин у қўшилган нарса одатдаги пулнинг фойдасидан ярим ҳисса оз. Унинг устига, ҳар йил тилхатни янгилатишда бўладиган харажатни ҳам мен ўзим бериб турдим, хатнинг орқасига ёзилганига кўра, у харажатларнинг ўзи ҳам олтмиш тангадан ортади...

Хўжайин бир оз жим бўлиб, ерга боқиб турган Ёдгорнинг юзини кўздан кечирди. Лекин унинг юзида ўз гаплари таъсирининг аломатини кўра олмади. Шундай ҳам бўлса, давом этди:

— Агар сен отангнинг қарзи учун тилхат беришга рози бўлсанг, сенга у пулни фойдасиз — қарзи ҳасана тариқасида қолдиришим, сенинг ёшлигингга қарамасдан, отангга бериладиган иш ҳақини сенга бериб, йил сайин қарзни камайтиришим мумкин. Бундан бошқа,

тўққиз юз эллик тўққиз танга қарздан эллик тўққиз тангасини ҳам сенга бағишлайман, келажакда бўладиган қозихона харажатларини ҳам ўз гарданимга оламан. Худо кўрсатмасин, отангнинг куни битиб қолса, гўркафан харажатини ҳам қиламан.

Азимшоҳ Ёдгорнинг юзида ҳали ҳам итоат нишонасини кўра олмади, у тошдек қотиб турар, хўжайиннинг гаплари тошга тушган ёмғирдай ҳеч бир таъсир кўрсатмасди. Шунинг учун хўжайин унга диний йўллар билан таъсир қилиш ва унинг кўнглида ўлаётган отасига нисбатан меҳр ва раҳм қўзғатиш мақсадида яна гап бошлади:

— Мен сенинг отанг дунёдан қарзсиз кетсин ва гўрида тинч ётсин, деб бу қадар енгилликлар кўрсатиб, «ҳалол» пулимнинг бир қисмидан воз кечаётирман. Бўлмаса, агар отанг ёки сен менинг пулимни есангизлар, худо ўз хазинасидан унинг ўрнини тўлдиради. Лекин сенлар қиёматда ҳақиқий қози бўлган худо олдида жавоб беражаксиз. Нима дейсан, ҳа ё йўқ?

— Йўқ, бўлмайди,— деди Ёдгор қатъият билан,— мен бунақа ёлғон, тўқима қарзни тан ололмайман,— деб ўрнидан турди.

Хўжайиннинг гўр-қиёмат тўғрисидаги гапларидан таъсирланган Бозор, нафаси тутила-тутила:

— Ёдгор! Ўғлим Ёдгор! Бу ерга ўтир, менга қара!— деди.

Ёдгор қайта ўтириб, отасига қаради. Унинг нурсизланган кўзларидан ҳасрат ёшлари қаторланиб оқмоқда эди. У шу вазиятда ўғлининг кўзига тикилиб бир оз қараб турди. Маъюс бу тикилиш, қайғу-алам, шафқат ва муҳаббат билан аралаш бўлган бу тикилиш, айни замонда ўғлидан ялиниб-ёлвориб меҳр-муҳаббат, шафқат ва марҳамат сўраш маъносини ифода қиларди. Бозорнинг бу қараши шу даражада таъсирчан эдики, ҳар қандай тошюрак одамга ҳам таъсир қилмай қолмасди. Ёдгорнинг юраги хўжайинга нисбатан ғазабланган ва тош каби қотган бўлса ҳам, отасига нисбатан меҳр-муҳаббат билан тўлган эди. Шунинг учун бу маъюс тикилиш уни тамом эритиб юборди.

Бозор ўз қарашининг ўғлига таъсир қилганини пайқаганидан кейин, унга хитоб қилиб:

— Ўлаётган вақтимда бировнинг ҳақини гарданимга олиб, худонинг олдига қарздор бўлиб боришимга рози

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўла оласанми? Менинг ўлигимнинг кўчада қолишига рози бўла оласанми?— деди.

Ёдгор отасига раҳми келиб, кўзи ёшга тўлган ҳолда:

— Майли, сизни хурсанд қилиш учун қабул қиламан, хат ёздирсинлар,— деди. Хўжайин ҳам ундан хурсанд эди.

— Баракалла! Гап бу-да,— деб васият мажлисини тугатиб, тилхатни Ёдгорнинг номига ўтказиш учун уни ўзи билан бирга олиб, қозихонага қараб кетди.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ГЎРИСТОНДАН ГУЛИСТОНГА

Тонг чоғи, ҳаво очиқ, офтоб ҳали чиқмаган, лекин юлдузлар кўринмайди, ёқимли шабада эсмоқда. Табиатнинг бундай ёқимли манзараси қаршисида одамни қайғуга соладиган гўристон манзараси турар эди. Кенг ва баланд тепа устидаги бу гўристон ўзининг қўрқинчли кўриниши билан кишини даҳшатга соларди.

Қабристонга хос оғир жимликни бир йигитчанинг янги қабр олдида ўтириб, ҳўнграб йиғлаши бузарди. У йигитчанинг овози тингловчига ҳазин бир музика садосидай таъсир қиларди.

Бу йигитча анча йиғлагандан кейин жим бўлиб, бирдан бошини кўтарди-да, янги қабрга хитоб қилиб бундай деди:

— Отажон, сени деб ҳаётнинг ҳар бир азоб-уқубатига бардош бердим, сен рози бўл деб сабабсиз оғир қарзга кўндим, сени деб турмушнинг заҳарини шакар, аччиғини чучук ўрнида кўрдим. Энди нима қилай, қандай қилиб Азимшоҳ дўзахидан қутулай?

Йигит яна жим бўлди. Афтидан, нажот йўлини ўйларди.

«Қочиш! Қочиш, бу — бирдан-бир қутулиш йўли! Аммо қаерга қочиш керак? Шундай бир жойга қочиш керакки, унда ҳеч кимнинг менга иши бўлмасин, ҳеч ким индамасин, ўз ихтиёрим билан эркин туриб, эркин юра олай. Аммо бундай жойнинг ўзи қаерда?»

www.ziyouz.com kutubxonasi

Йигит бу сўроғига қанча ўйласа ҳам жавоб топа олмади. Ўйлашдан зерикиб, ўрнидан турди. Ўша жойни изламоқчидай, бошини кўтариб, осмонга кўз югуртирди, кенг фазони кўздан кечирди: унда парча-парча оқ булутлар бўз отлар каби тоққа қараб юрмоқда, улар остида тоғли жойларга хос бўлган қора қушлар парвоз қилмоқда, тонг шафағи у оқ булутларни қизартириб, қушларнинг қанотларини ялтиратмоқда эди. Йигит атроф-тевараклардаги тоғларга узоқ-узоқ термилди, шу орада бир баланд тоғнинг оралиғига кўзи тушиб, бирдан:

— Дараи Ниҳон!— деб юборди,— ўша мен орзу қилиб юрган жой — шу Дараи Ниҳон!— деди қувонч билан.

Йигит Дараи Ниҳон тўғрисида кўп ҳикоялар эшитган эди, чўпон ўртоқлари қўй боқиб юрганларида, унга Дараи Ниҳонни мақтаган эдилар:

«У дарада қуш учса қаноти куяди; унда қозилар ва ҳокимлар учун йўл йўқ; у ерда девлар ва парилар ҳам одамлар қаторида тирикчилик қилади; у дарадаги одамларнинг кўпчилиги париларга уйланган, шунинг учун уларнинг қизлари жуда ҳам гўзал бўлади...»

Йигит Дараи Ниҳон ҳақидаги бу ҳикояларни эслаб, қувонганидан кулимсиради: гўё у Дараи Ниҳонга борган, у ердаги аҳоли билан ошна бўлиб, паризод қизлардан бирини ўзига ром қилиб олган... худди Азимшоҳ ва унинг ёнини оладиган ҳокимлар қўлидан қутулибгина қолмай, балки унда парилар билан қувноқ умр кечирарди...

Шу хаёл, шу тасаввур билан йигит Дараи Ниҳонга қараб жўнади.

Ўша куни эртадан кечгача йўл юриб, кечқурун Дараи Ниҳонга кирадиган йўл бошига етди ва ундаги катта бир тош устига чиқиб, чўзилиб ётди.

Йигитнинг бу ётган жойи, Азимшоҳ оғилидаги ётоғига қараганда минг марта яхши эди. Бу кеча унинг олдида Азимшоҳ ҳовлисининг девори эмас, осмонга кўтарилган хўжайинсиз баланд тоғнинг девори турарди; хўжайин молхонасининг сассиқ ҳавоси ўрнига, тоғнинг ёқимли шабадаси олиб келаётган муаттар ҳидлардан нафас оларди; ён-теварагидаги ариқчаларда тошдан тошга урилиб, тош бағирларини тирнаб оқаётган зилол сувларнинг шилдираши юрагини қитиқларди; чақнаб турган сон-саноқсиз юлдузлар порлоқ нурларини унга сочарди.

Йигит ярим кечагача табиатнинг гўзал манзарасига маҳлиё бўлиб, ухлолмади. Охирда кўзини юмиб, хаёл дарёсига шўнғиб кетди: хаёлида тоғ ораларида эркин кезиб юрганлиги, ҳар томонда булоқлар, ариқчалар, атрофда ёнғоқ ва арчазорлар; йигитлар куйламоқда, қизлар ўйнамоқда, йигитларнинг қоматлари келишган, қизлар гўзалликнинг ниҳоясига эришган... У шундай ширин хаёллар билан ухлаб қолди.

Йигит ўрнидан турди, ёнидан оқаётган ариқчада юз-қўлини ювди. У ўзини ҳар кунгидан бардамроқ сезарди, лекин очлик уни азобларди; унинг энди овқат топишдан бўлак ғами йўқ эди. Бирор овқат излаб, теварак-атрофга кўз югуртирди, кўзига сабзи баргига ўхшаган бир ўсимлик кўринди. Бориб у ўсимликнинг бутасидан тутиб, суғуриб олди. Бу — тоғ сабзиси эди. Йигит у ўсимликдан бир дастасини териб олиб, ариқда ювиб, чайнай бошлади. Ундан ёқимсиз ҳид келар эди, шундай бўлса ҳам, шу топда оддий сабзилардан тотлироқ эди. Йигит тоғ сабзисидан еб нафси ором олгандан кейин, тоғ орасига қараб жўнади. У энди ўз юрти, ўз диёрига борар эди, у ўзича шундай бир юртга борардики, унда ҳеч бир хавф, ҳеч бир хатар йўқ эди.

Биз бу қиссанинг биринчи бобида тасвирлаган Дараи Ниҳон йўлининг манзараси йигитга хуш кўринди, узилиб тушаётгандай бўлиб турган харсанглар остидан ўтадиган тор, қоронғи, эгри-бугри йўл, йўловчи йигитни унча қўрқитмасди; у тоғ орасидаги йўлнинг ҳар бир бурилишида «девлар, парилар бор» деб ўйласа ҳам қўрқмасди, чунки у чўпон ўртоқларидан эшитган афсоналарга кўра, «у ерлардаги девлар, парилар одамлар билан дўстлашган ва ўзларига сиғинган кишиларни ҳар бир хавфдан ҳимоя қилардилар. Ёвуз душманлардан қочиб келаётган йигит улардан нега қўрқсин?! Ажаб эмаски, у яқин кунларда уларга қариндош бўлиб олса...»

Йигит тор ва қоронғи йўлдан даранинг кенг ва ёруғ майдонига чиқди. Онда-сонда ўсган арча дарахтлари соя солиб турибди, ариқчаларда оқаётган зилол сувлар дарахтларнинг илдизларини ювиб ўтмоқда.

Қалин ўсган сабзалар, себаргалар дарахтлар остига ва ариқ бўйларига яшил гилам каби ёзилган, унда-мунда очилиб ётган гуллар у гилам юзига солинган безак-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дай бўлиб кўринарди... Бу гўзал манзара гўристондан қочиб келаётган йигит кўзига табиат томонидан ўзи учун ўстирилган гулистондай бўлиб кўринди. У қувонганидан гулдай очилиб:

— Бу менинг боғим, бўстоним, чаманим, гулистоним!— деди.

БИРИНЧИ УЧРАШУВ

Йигит ўзининг ҳорганлигини сезиб, суст оқаётган бир сой бўйига ўтирди, у сойнинг соф ва салқин сувида юзқўлларини ювиб, бирпас оқар сувга тикилди. Сув ойна каби соф ва шаффоф эди, унинг чайқалиши тингандан кейин, йигит ўз аксини сувда кўриб, ўзини танимагандай ажабланди: у бундан бурун ҳам хўжайин хотинларининг ойнасига қараб ўз аксини кўрган, унда юзи сўлғин, кўзлари нурсиз кўринган эди. Энди-чи? Энди юзи нақш олмадай, кўзлари тонг юлдузи каби чақнайди, совуқ сув таъсири билан қизарган лаблари қувонч аломати кўрсатгандай, ўзидан ўзи кулимсирамоқда; юқори лабини гўзал қизларнинг ингичка ва қайрилма қошларидай, бир нозик қора чизиқ безатиб турарди. Йигит лаби устида келишган қора чизиқ борлигини пайқамаган эди. Бугун у чизиқ ювилиб, тозаланиб қизарган лаби устига қизил атласга қора ипак билан тикилган янги ой нусхасидай шинам кўринди.

Йигит ўз лабидаги чизиққа яна ҳам диққат қилиб қараганида, унинг чизиқ эмас, балки энди сабза ура бошлаган мўйлови эканлигини фаҳмлади ва «болаликдан йигитликка ўтибман», деб қувонди. Йигитнинг тиниқ сувда кўринган акси кўзига жуда ҳам келишган кўринди. У, «парилар юртига яқинлашганим сабабли уларга куёв бўлишга ярашадиган бир даражада гўзаллашганман», деб ўйлади.

Ёшлик ҳисси, ширин хаёллар, келажакнинг қувончли умидлари йигит фикрини бошқа, янги бир оламга тортар эди. У ўша оламга етиш учун ўрнидан ирғиб турди ва сой бўйлаб, сув оққан томонга қараб, шахдам қадамлар босиб кетди...

Йигит шошилиб борар эди, чунки унинг «парилардан тарқалган одамлар»га тезроқ учраши, улар билан танишиб улфатлашиши, агар бахти ёр бўлса, паризод қизлардан бирисини ўзига ёр қилиб олиши керак эди. Унинг афт-ангори ҳам ёмон эмас. Боя аксини сувда кўрганида, ўзининг бирор гўзал қизни қўлга киргизишга арзирли эканини пайқаган эди.

Йигит шундай ширин хаёлларга шўнғиб, йўл босиб кетар экан, тўсатдан булоқ сувидан сувқовоқни тўлдираётган бир гўзал қизни кўрди. Бу тушими ё ўнгими?.. Йигит эсанкираб қолди. Ўзини ўнглаб, кўзларини уқалаб, яна диққат билан қизга қаради. Йўқ! Бу туш ҳам эмас, хаёл ҳам эмас эди, балки кундуз кунда кўз олдида намоён бўлган очиқ ҳақиқат эди.

Йигит у қизни кўргач, олға қадам ташлашдан ҳайиқиб, бир оз тўхтаб тургандан кейин хаёлида: «Бу менинг бахтим, бу мени кутиб олиш учун қаршимга чиққан бахтим. Нега мен у билан учрашувдан ҳайиқай?» деб ўйлаб, яна олға бораверди.

Қизнинг кўзи ҳам йигитга тушиб: «Бу чақирилмаган меҳмон ким экан?» деб унга диққат билан қарамоқда эди. Йигит қизнинг олдига етиб борганда, қиз унинг бу ерлик бўлмаганини билиб:

— Сен кимсан? Қаердан келаётирсан?— деб сўради.

— Мусофирман, Сарижўйдан келаётирман,— деб жавоб берди йигит.

Қиз, йигитнинг жавобидан ҳайратда қолди, чунки бу вақтгача у ерга Сарижўйдан қозининг мулозимлари ёки бекнинг ясовулларигина келардилар. Бу йигитнинг қиёфаси бўлса, унақа одамларга ўхшамасди. «Бу ким бўлди, нима учун бу ерга келган экан», деб ўйлаб, яна сўради.

— Нима учун бу ерга келдинг?

— Сенга сиғиниб келдим!

— Менга сиғиниб?— қиз ажабланиб сўради.

— Ҳа, сизларга сиғиниб, бу даранинг аҳолисига сиғиниб келдим,— деди йигит.

— Қочоқмисан?

— Қочоқман десам ҳам бўлади.

Қиз сувқовоқни тўлдириб кифтига қўйиб, орқага қайтмоқчи бўлганида, йигитга яна бир қаради, йигитнинг ўзига ёлвориш ва сиғиниш назари билан телмириб турганини кўриб:

— Юр бизникига!— деди.

— Хўп,— деб йигит ҳам қизга эргашиб бораверди.

Қизнинг қоши, кўзи, оғзи, юзи ва бутун қомати жуда

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам келишган эди. Тиззадан қуйига тушиб турган қалин қора сочлари унга қандайдир улуғворлик бахш этарди.

Қиз шошилиб борар, лекин тез-тез қайрилиб қараб, гўё меҳмонининг ҳолидан хабар оларди. Йигитнинг кўнгли ҳали «ишқ ришгаси» билан боғланмаган бўлса ҳам, қизнинг ҳар замонда қайрилиб қараши уни мафтун этмоқда, кўнгил гулшанига муҳаббат уруғини сепмоқда эди.

Қиз билан йигит олдинма-кейин жим бормоқда эдилар. Йигитнинг кўнгли бу жимликдан сиқиларди, у қизга бирор гап ташламоқни истарди. Аммо нотаниш қизга нима ҳам дея олади; йигит ўйлаб-ўйлаб, охири «ҳар нима бўлса, бўлсин» деб:

— Кел, сувни мен кўтарай, сен чарчаганга ўхшайсан,— деди.

Қиз ўзида ҳорғинлик аломати сезмасди, қизларга хос сезгирлик билан, йигитнинг мақсади ёлғиз гап ташлаш ва ўз хизматини тақдим этиш билан унга хушомад қилиш эканини пайқади. Орқасига қайрилиб, йигитга кулумсираб қаради... Бу қарашда унинг юз ва дудоқлари билан бирга кўзлари ҳам табассум қилмоқда эди.

Қиз бу кулимсираши билан йигитнинг мақсадини тушунганини англатди:

— Йўқ, мен ҳориган эмасман, ҳар куни булоқдан ўн-ўн беш марта сув олиб чиқаман. Қадам босишингдан ўзинг узоқ йўл юриб, ҳориганга ўхшайсан,— деб йигитга далда берди.

Йигит терлаб кетди, ҳаяжонланганидан қизга жавоб учун муносиб сўз ҳам тополмади. Яна жимлик бошланди... Бир неча минутдан кейин қиз билан йигит манзилга яқинлашдилар. Ўчоқ бошида уриниб турган бир хотин:

— Гулнор! Тезроқ юр! Қозон қизиб ёрила ёзди,— деб қизни шошилтирди.

Қиз бир зумда ўчоқ бошига етиб борди ва сувқовоқни қўйиб, яна орқасига қаради: йигит бир неча қадам нарироқда нима қилишини билмай, тўхтаб қолиб, қиз билан хотинга ҳайронлик билан қарамоқда эди.

— Нега туриб қолдинг? Келавер!— деди қиз ва ўчоқ бошидаги хотинга қаради:— Бу, бир ғариб-мусофир экан, борадиган жойи йўқ экан, бирга олиб келдим,— деди.

Хотин келаётган йигитга бир кўз ташлагандан кейин, қизга қараб:

— Яхши қилибсан, қизим,— деди, унинг ишидан ўзининг хурсандлигини билдирди ва йигитга қаради,— кел, ўғлим, бу ерга ўтир!— деб ерга ёзиб қўйилган пўстакни кўрсатди.

Йигит ўтиргач, хотин сўради:

— Отинг нима?

— Ёдгор!

— Ҳай, ҳай! Яхши отинг бор экан,— сўнгра хотин қизга юз ўгириб,— тез бориб, сигирни ўтлоқдан олиб келиб соғ! Вақт ўтмасин. Мен меҳмонингга ширқовоқ пишираман,— деди.

Қиз кетди, афсуски, Ёдгор бу хонадонга янги келган, нотаниш эди, бўлмаса, у ҳам қизга ёрдам беришни баҳона қилиб, бирга ўтлоққа борарди.

ҒАРИБЛИК ОҚШОМИ

Тоғ ён бағрида шақал уясига ўхшаган бир чуқур, унинг теварагига йўнилмаган тошларни устма-уст териб, одам бўйича кўтариб, девор қилинган, усти хас-хашак билан ёпилган. Бу Гулнорларнинг кулбаси эди.

Кулбанинг эшиги олдига эчки терисидан икки пўстак ёзилган, уларнинг бирида Ёдгор, иккинчисида эллик ёшлардаги бир киши ўтирарди. Ўртада йўл-йўл шол дастурхон ёзилган. Дастурхон устига бир корсонда ширқовоқ қўйилган. Иккаласи ҳам узун сопли жайдари қошиқ билан навбатма-навбат ичмоқда эдилар. Уларнинг нарироқда — ўчоқ бошида Гулнор онаси билан чўққайиб ўтириб, улар ҳам бир корсонда, бир қошиқ билан навбатлашиб ширқовоқ ичишарди.

Эркаклар ошларини ичиб бўлгач, Гулнор келиб дастурхонни йиғиштириб олди. Ёдгорнинг рўпарасида ўтирган одам гап бошлади:

— Ўғлим, сўрамоқ айб эмас, қаерликсан, нима бўлиб бу томонларга келдинг?

Ёдгор ўзи ва ота-онасининг бошидан ўтган воқеаларни ҳикоя қилиб берди. Аммо хўжайиндан рухсат олмай қочиб келганини яширди.

— Тоғли ерда туғилиб, тоғда ўсганим учун Сариҗўйининг ҳавоси менга ёқмади. Отам ўлиб, у ерда бирор кўнгил боғлаган кишим қолмагандан кейин, ишласам бир бурда нон ҳар ерда ҳам топилади, мен учун соғлик керак, деб шу томонга қараб жўнадим,— деди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Агар бир бурда нон ва сут-қатиққа қаноат қилсанг, бу ерда тирикчилик қила оласан,— деди у одам,— аммо бу томонларда ишлаб, бирор нарса орттиришинг маҳол. Чунки бу томонларда ёллаб ишлатадиган катта бойлар йўқ. Баъзи ўзига тўқ чорвадорлар бўлса ҳам, ўзларига етарли дастёрлари бор.

Олдида турган кичкина сувқовоқни кўтариб, сув ичгандан кейин, сўзини давом эттирди:

— Бир бош, икки бош моли бўлган баъзи ёлғиз қўл одамлар бор. Улар арзимаган молларини боқишга овора бўлсалар, экин-тикинлари ва бошқа майда-чуйда ишлари қолади. Мана шундай одамлар, агар подачи топилса, ўз молларини боқишга бериб, подачига бирор бурда нонми, бирор коса қатиқ ёки обиёвғонми бера оладилар. Агар истасанг, мен эртадан бошлаб шундай одамларнинг қўй-эчки, сигир ва бузоқларини тўплаб бераман. Подачилик қила берасан.

Ёдгорнинг хаёлида ҳозирча Гулнордан бошқа нарса йўқ, бутун фикри-зикри унга банд эди. Шунинг учун у одамнинг гапларига тушунмасдан, қулоқ солгандай бўлиб ўтирарди, унга «ҳа» ё «йўқ» деб жавоб ҳам бермади.

У одам Ёдгорнинг бу ҳолатини пайқаб, узоқ йўлдан ҳориб келган, уйқу босаётир, деб ўйлади.

— Маслаҳатни эртага қиламиз. Сен йўлдан чарчаб келгансан, мен ҳам ишдан ҳозир келдим, ётиш керак. Остингдаги пўстакни олиб мен билан юр,— деди ва ўзи туриб йўл бошлади. У кулбадан эллик қадамча нарироққа бориб Ёдгорга текисроқ жойни кўрсатди:

— Ўғлим, пўстакни мана бу ерга ёз, бошинг остига силлиқроқ тош топиб қўй-да, баҳузур ёт! Мен ҳам уй олдида ётаман. Қўрқма! Бу томонларда йиртқич ҳайвон йўқ. Агар борди-ю, бирор нарсадан хавотирлансанг, «Рустам амаки!» деб чақир. Мен дарров етиб келаман.

Рустам амаки Ёдгорнинг ётоғини кўрсатиб бергандан кейин, хотин ва қизининг ёнларига бориб чўзилди, орадан бир неча минут ўтар-ўтмас унинг хуррак товуши эшитилди. Ёдгор у ёқдан-бу ёққа ағанар, ухлаёлмас эди. Орадан ярим соат, бир соат ўтса ҳам, у тинчлана олмади. Ахир, Ёдгорнинг тинчланиб ухлаши мумкинмиди? Юртидан, ота-онасидан ажралган бу шўрлик йигитчанинг ёт элларда ухлаши, тинчланиши мумкинмиди? Аслo! Бу ёт элда Ёдгорнинг бирдан-бир умид боғлаган кишиси Гулнор эди. Чунки у, биринчи учрашувданоқ ғамхўрлик кўрсатган, меҳрибонлик қилган ва ҳатто уни ўзи билан бирга олиб, ўз кулбасидан жой берган эди. Ёдгор ғарибликнинг биринчи кечасида мана шу меҳрибон қизга яқинроқ бир жойда бўлиб, унга ўз бошидан ўтган воқеаларнинг ҳаммасини айтмоқчи, келажаги учун ундан маслаҳат сўрамоқчи ва у қандай йўл кўрсатса, ўша йўл билан бормоқчи эди. Лекин қизнинг унга бўлган ғамхўрлик ва илтифоти то онасининг олдига олиб келгунча бўлди. Ундан кейин қиз унга гапирмади, ҳол-аҳвол сўрамади, ҳатто унга қайрилиб ҳам қарамади.

Ёдгор ўзини қизнинг назаридан тушиб қолгандай ҳис қилди. Бу фикр унинг қалбида ёқимли бир дардни қўзғаб, қизга қаттиқ боғланганини ва унинг илтифотидан маҳрум бўлиш ўзи учун ўлимдан ҳам оғирроқ эканини билди. Агар Ёдгорнинг у вақтдаги ҳолатини шоирларча тасвирласак, у энди том маъноси билан «ҳижрон ўтида ўртанаётган ошиқ» эди.

Ёдгор қиз тўғрисида ва келажаги тўғрисида ўйлай-ўйлай бирор натижа чиқара олмагач, ўтмишни эслаб кетди: Кўлобдан қочиш, совуқ ва лой вақтидаги йўл азоби, ўғрилар қўлига тушиши, ўлим олдида ҳам нурсиз кўзларини боласининг сўлғин юзидан узолмаган меҳрибон онадан ажралиш, Азимшоҳнинг «хизмати», отасининг сабабсиз қарздор бўлиши, қайғу ва алам билан отанинг ўлими, гўристонда ота қабри билан видолашиш, ниҳоят, Дараи Ниҳон томонга қочиш... Бу воқеа ва фожиаларнинг ҳаммаси Ёдгорнинг кўз олдидан бир-бир ўтарди. Ниҳоят, қўрқинчли туш кўраётганда бирдан уйғониб, ўзини қувноқ бир ҳаёт ичида кўрган киши каби, Ёдгор Гулнорга учрашини, унинг ўзига бўлган илтифот, ғамхўрлик, меҳрибончилигини, унинг жонбахш табассум билан ўзини руҳлантирганини, унинг тилидан ширин сўзлар эшитганини эслади. Ёдгорнинг аламли хотиралари орасида бу масъудона бир эсдалик эди. Бу шундай масъудона эсдалик эдики, бу воқеа юз берган бахтли соатда Ёдгор ўз бошидан ўтган бутун бахтсизликларни, мусибатларни ва азоб-уқубатларни қўрқинчли тушдай унутган эди.

Одам эслашга тоқат қила олмайдиган мусибатларга чидаган Ёдгор бу жон ёқувчи ҳижрон ўтига чидаёлмади. Бу дард унинг учун янги эди. Гулнорнинг бир табассумидан бахтиёр бўлган Ёдгор, унинг илтифотсизлиги-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан яраланган қуш ҳолига тушди, агар бу илтифотсизлик давом этса, Ёдгорнинг ҳолига «вой...»

Шу вақтда Ёдгор отасидан эшитиб юрган бир ғазални эслади ва отаси каби «шаби ҳижрон» куйида хиргойи қила бошлади:

На отам бор, на онам бор,
На юртим бор, на хонам бор,
На ёрим бор, на дўстим бор,
На мулким бор ва на молим.

Бошим ҳажр ўтида қайнар,
Дилим ғам зарбидан ўйнар,
Тилим мунг куйини куйлар,
Ғарибликда будир ҳолим...

Ёдгор эҳтиёт юзасидан жуда паст овоз билан куйлар, инграшга ўхшаган куйлашни ўз бошим остидаги тошдан бошқа нарса эшитмайди, деб хотиржам эди.

Лекин ҳақиқат бундай эмасди: бу орада бутун ақлини, ҳушини, кўзини, қулоғини Ёдгорга бериб, ухлаёлмай ётган бошқа бир киши ҳам бор эди. Бу киши шу ғамгин шеърнинг мазмунини қандай чуқур ҳис билан англаган бўлса, Ёдгорнинг руҳий оламини ҳам шундай чуқур ҳис этмоқда эди, зотан, ашула қалбнинг таржимони эмасми, ахир!

Ёдгор «ғариблик оқшоми» ғазалини ашула қилиб айтганда, ашуланинг ягона эшитувчиси, кўнглидаги гумони ҳақиқат бўлиб чиқди, у ўтга тушган қилдай тўлғана бошлаган Гулнор эди!

Гулнор етилган қиз бўлгани ҳолда, ўз дарасидаги йигитларнинг ҳеч бирига муҳаббат кўзи билан қарамаган эди. Йигитлар гап ташласалар, хушомад қилсалар, унинг ғаши келар, уларнинг қўпол гапларидан ва одобсиз ҳаракатларидан, илондан қочгандай қочарди. Аммо Ёдгорни кўрган ҳамон қандайдир келишган бир сиймога, мулойим табиатли, ҳаёли, одобли ва шунинг ила баравар самимий муҳаббат билан тўлиб-тошган бир йигитга дуч келганини ҳис қилди ва ихтиёрсиз унга кўнгил қўйди.

Ёдгорнинг ғамгин ашуласини эшитган Гулнор, у бегона қушнинг зулф тузоғига тушганини ва ғамза

ўқидан ярадор бўлганини пайқади. Агар ота-онасидан ҳайиқмаса, ўзи ҳам бу ашулага қўшиларди. Афсуски, бунинг иложи йўқ. Унинг юраги сиқилар, аммо қаттиқроқ нафас ололмас, кўнгли ўртанар, аммо тутунини ташқарига чиқаролмасди.

ЛАПАР АЙТИШ

Ёз кунлари, офтоб бош устидан ўтадиган чоғлар. Қиём пайти текис воҳаларда куннинг иссиғига чидаш қийин бўлса ҳам, тоғ ҳавоси баҳор кунларидаги каби сарин ва ёқимли. Саратон бўлишига қарамасдан, тоғда сабзалар, себаргалар ям-яшил, турли-туман гуллолалар ранг-баранг очилган, какликлар тўда-тўда бўлиб, какирлашиб, тоғ бағридан чўққиларга қараб йўрғаламоқда; булбуллар чақчақлашиб, дарахтдан дарахтга учмоқда; булоқ сувлари тошдан тошга урилиб, шилдираб, қушларнинг сайрашига жўр бўлмоқда; бўлиқ ўтдан тўйиб олган қўйлар соялашиб ухламоқда, қўзилар бир-бирлари билан шохлашиб ўйнамоқда; чўпон болалар бел олишиб курашишмоқда: ҳуркқан кийиклар чўққилардан туриб, ҳайрон-ҳайрон боқмоқда... ҳар ким, ҳар нарса ва бутун табиат хурсанд ва шодмон.

Чўпонлар ва подачилар тонгдан тушгача ўтлаб тўйган рама ва подаларини тоғ бағрида ва дарахт соялариға ҳайдаб келтирдилар, ўзлари икки-икки, тўрт-тўрт бўлиб турли ўйинларга: най чалиш, ашула ва лапар айтиш, югуриш, ўзиш, чуқурчалардан ҳатлаш, баланд тошлардан ирғиб ўтиш ва курашишга киришдилар.

Чўпонлардан бири «рок» ҳавосида куйлар эди:

Ёрим уйда, мен бу тоғларда фиғон қилмоқдаман,
Ўз фиғоним бирла тош бағрини қон қилмоқдаман.
Лола кўксин ўтли оҳим бирла ёндирмоқдаман,
Кўз ёшим бирла булоқларни равон қилмоқдаман.

Иккинчи чўпон унга жавоб берарди:

Гул қошида бошқа бир қуш сайрамас булбул каби,
Бир гўзал дунёда йўқ булбул кўзига гул каби,
Ёр у ерда, мен бу ерда сайрасам ҳижронида...

Аммо Ёдгор чўпонларнинг бу кўнгил очиш тўғракларига қўшилмаган эди. У, Рустам тўплаб берган қўй,

www.ziyouz.com kutubxonasi

эчки ва сигирларни ўтлатиб, тушда чўпонлар дам олаётган жойдан узоқроқдаги арчазорда соялатди ва ўзи бир булоқ бўйидаги арча соясида ўтириб, қамиш найини чалишга киришди. Ёдгор чўпонларга жўр бўлиб, уларнинг ашуласини найнинг ҳазин ва ёқимли садоси билан безатарди.

Охирда ҳеч бир натижа бермайдиган ва ўз севгилиси томонидан эшитилиши мумкин бўлмаган бундай «нола»лардан зерикиб, найни бир томонга отди ва ўзи сабза устига чўзилиб, кўзларини юмиб, хаёлот дарёсига шўнгиб кетди.

Лекин Ёдгорнинг ҳозирги хаёлоти, аввалгилардай турли-туман ва паришон-пароканда эмасди, энди у ўтмишини озроқ эслар ва келажагидан ҳам унча ташвишланмасди, кундалик тирикчилиги ҳам ёмон эмасди. У энди Рустам «амакиси» ёрдами билан подачи бўлган, кунда йигирма-йигирма беш қўй, эчки ва сигирларни боқмоқда ва мол эгалари берадиган «оши ҳалол», «нони ҳалол» билан қорнини тўйғизмоқда эди. Унинг бу дарага келганига икки ойдан ошди. Азимшоҳнинг таъқиб қилишидан, уни қўлга тушириш учун ҳокимларнинг одамларини юборишидан ҳам дарак йўқ. Демак, у ҳам Ёдгордан умидини узиб, тақдирга тан берган.

Ҳозир Ёдгорнинг хаёлоти ёлғиз Гулнор билан банд эди. У Гулнор тўғрисида ҳам гариблигининг биринчи оқшомидаги каби умидсиз эмас эди, чунки унинг «гариблик оқшоми» даги «шаби ҳижрон» ноласини эшитган Гулнор, ўзи ҳам тоқатсизланиб, ҳар вақт бир илож топиб, унинг кўнглини кўтарар ва ота-онасининг кўзларини чалғитиб, унга қараб табассум қилар ва овлоқ жойларда учрашсалар меҳр-муҳаббат билан ҳол-аҳволини сўраб, юпатар эди. Ёдгор Гулнорнинг бу меҳрибончиликлари билан умидсизликдан қутулган бўлса ҳам, унга бўлган ишқи ўн дафъа ортган, айниқса, унинг яширин табассумлари, кўз қири билан боқишлари, яширин ҳол-аҳвол сўрашлари ва яширин юпатишлари — ёнаётган жойга қуйилган мой каби, Ёдгорнинг ишқ ўтини аланга-лантирмоқда, уни тоқатсизлантирмоқда эди. Лекин шундай бўлса ҳам, бу икки ёш орасида севги алоқаси ҳалигача тилга олинмаган ва ҳар иккалалари ҳам бир-бировларига ўз ички кечинмаларини ёлғиз «ҳол тили» билан изҳор қилмоқда эдилар. Ёдгор бир неча бор ўз мақсадини Гулнорга ошкор қилмоқчи бўлган эди. Лекин

ўйлаб туриб, бу ишга ботина олмади: «Агар у менинг арзи ҳолимни хуш қабул қилса жуда яхши, борди-ю рад қилса-чи?.. У вақтда менинг бутун умидларим барбод ва ширин хаёлларим заҳар-заққумга айланиб, чидаб бўлмайдиган азоб-уқубатга учраб ҳалок бўламан», деб ўйлар, «яхши умид ва ширин хаёллар билан юриш мен учун катта давлат», дер эди... У кейинги кунларда най чалса ҳам, ашула айтса ҳам, подани ўтлоққа олиб борса ҳам, ётса ҳам, турса ҳам, юрса ҳам шундай хаёллар билан банд эди. Ёдгор бугун найни бир томонга отиб юбориб, чўзилганидан кейин, яна шундай хаёллар билан бош қотира бошлади, гоҳ ўз-ўзига айтарди: «Ҳар нима бўлса бўлсин, бугун ўз дардимни унга изҳор қиламан» ва гоҳо ўйларди: «Ҳозирча сабр қилишим ва кутиб туришим керак. Ажаб эмаски, унинг ўз тарафидан бирор очиқ ишорат бўлса, у вақтда иш осон ва хавфсиз бўлади».

Ёдгор мана шундай хаёллар билан овора бўлиб ётган вақтида кичкина тош келиб унинг ёнига тушди. У кўзини очиб, бошини кўтармай, атроф-тевараккa кўз югуртириб, ҳеч кимни кўрмади, яна кўзини юмиб, ўзининг «хаёлхонасига» кириб кетди. Шу вақтда иккинчи тошча келиб, унинг кўксига тушди. У бунга ҳам аҳамият бермай, ўрнидан қимирламади. Аммо учинчи марта бир каттароқ тош ёнига тушганида, бирор киши ҳазиллашаётганини билди ва ўрнидан туриб, ҳар томонга кўз югуртириб, йўғон бир ёнғоқ дарахти орқасида яшириниб турган одамнинг қорасини кўрди, вақтсиз ҳазиллари билан унинг ширин хаёлини бузган у қўпол ҳазилкашни тутиб, адабини бериш учун ирғиб туриб, ёнғоқ дарахтига қараб югурди. Ёдгор ёнғоқ дарахтига етганида, дарахт орқасида турган киши қочиш ўрнига, уни қўрқитмоқчи бўлгандай «ваҳ!» деб, нозик ва юмшоқ қўллари билан унинг кучли қўлларини маҳкам тутди.

Ёдгор бу кутилмаган саодатдан шу қадар қувондики, шодмарг бўлиб, бу ҳузур-ҳаловатдан маҳрум қолмагайман деб қўрқди. Бундай бахтли учрашувни туш деб ўйлади, шунинг учун қўлини Гулнорнинг қўлидан тортиб олиб, ўз кўзларини уқалаб кўрмоқчи бўлди. Лекин Ёдгор ўз қўлларини Гулнорнинг қўлларидан ажрата олмади— қизнинг бармоқлари нозик бўлса ҳам, Ёдгорнинг билакларига чирмашиб, уни кучдан кеткизиб, дармонсизлантириб қўяёзган эди. Гулнор Ёдгорнинг ҳайрон

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлиб қолганини ва ўз қўлини унинг қўлларидан ажратишга уринганини кўриб;

— Менинг ҳазилим сенга қаттиқ тегди, шекилли?— деди.

— Сенинг ҳазилинг менга қаттиқ тегиши мумкинми?— деди Ёдгор,— лекин мен бундай бахтнинг ўнгимда юз беришига ишонмай, бу бахтли дамни тушми, деб қўрқаётирман.

— Мени тушингда кўрсанг, қўрқар экансан-да,— деди Гулнор ҳазил оҳанги билан.

Ёдгор жиддий жавоб берди:

— Гапни кўп айлантирма, куйган юрагимга сен ҳам туз сепма!

Гулнор гўзал қизларга хос нозу карашма билан гулдай очилиб:

— Нега юрагинг куяр экан? Бекор гап,— деди.

— Агар ишонмасанг, қўлингни кўксимга қўйиб кўр. Юрагим ҳароратининг қандай юзага чиқаётганини фаҳмлаб оласан.

Гулнор Ёдгорнинг чап билагини қўйиб юбориб, ўнг қўлини унинг очиқ кўкрагига босди. Юмшоқ ва иссиқ панжанинг кўкракка тегиши билан Ёдгорнинг юраги тартибсиз суратда қаттиқ-қаттиқ тепа бошлади, агар у лаззатли хаёлга чўмиб, эсанкираган бўлмасайди, ўз юрагининг тепишини эшитарди.

Бу вақтда Гулнор ҳам ҳушдан кетаёзган эди; у қандайдир бир қувватнинг тортиши билан қўлини босган ерга кўкрагини босмоқчи бўлди. Лекин ўзини зўр билан тутиб олиб, ҳазиллашди:

— Воҳ! Воҳ! Қўлим куйди,— деб қўлини Ёдгорнинг кўкрагидан олди. Чап қўли билан унинг ўнг билагини тутиб, ортиқроқ ичган сархушлардай, чайқалиб-чайқалиб арча дарахти олдига борди-да, Ёдгорнинг қўлини қўйвориб, дарахтга орқаси билан суяниб ўтирди. Ёдгор ҳам унинг рўпарасига ўтирди. Бир неча минут жимжитлик билан ўтди, ошиқ-маъшуқлар жим турган вақтларида кўзларини кўзларидан узмас, киприк қоқмасдан бир-бировларига қараб туриб, гўёки «кўз уриштириш» ўйнашарди. Охирида Гулнор бу жимжитликни бузди ва Ёдгорга хитоб қилиб:

— Қачонгача «менинг кўзим, сенинг кўзинг» дегандай бўлиб ўтирамиз? Бирор ғазал ўқи, ёки бирон ашула айт!— деди.

— Мен ғазал ўқиёлмайман. Агар сен ўқисанг, мен ҳам ўрганиб олардим,— деди Ёдгор.

— Ғазал ўқиёлмайсан? Ҳой ёлғончи! Ҳозиргина бу ерда ғазал ўқиётган ким эди?

— Ким эди?

— «Ким» дегувчининг ўзи,— деди Гулнор ноз билан.

— Сен келгач, мен «ғазалимни ўқиб бўлдим»[1] энди, агар сен ўқий бошласанг, мен ҳам сенга эргашиб ўқишим мумкин.

— Ундай бўлса, лапар айтишамиз. Хўпми?

— Хўп, мен сенинг ҳалиги гапларингни лапар қилиб айтаман, сен жавоб берасан! Майлими?

— Қайси гапларимни?

— Мана, эшит.

— Қулоғим сенда!

Ёдгор — Менинг кўзим, сенинг кўзинг!
Истаганим сенинг ўзинг!
Ҳамишалик менга нега
Ғазабланар сенинг кўзинг?

Гулнор бир тошча олиб Ёдгор томонга отиб, ясама ғазаб билан:

— Ҳой туҳматчи! Мен қачон сенга ғазабландим?— деди.

Ёдгор:

— Гапни айлантирма! Жавоб бер!

Гулнор:

— Ҳозир жавоб бераман. Лекин сен жавоб бера олмасанг, шу дарахтдан бир хипчинни синдириб олиб, оёгингга юзта ураман. Хўпми?

Ёдгор:

— Ўҳў! Сарижўй беги бу ерда экан-ку! Хўп, навбатингни айт! Агар мен жавоб бера олмасам, ҳар нима қилсанг қилавер. «Жонимга урсанг» ҳам майли!

— «Кўнглингга урмасам» бўлгани,—деб Гулнор ҳам Ёдгорнинг қочиримига қочириқ билан жавоб қайтаргандан кейин,— агар чиндан жавоб талаб қиладиган бўлсанг, ҳалиги лапарингни яна бир марта айт-да, мендан жавоб эшит.

---

[1] «Ғазалимни ўқидим»— халқ тилида, «ишим тамом бўлди, ҳамма нарсани унутдим» деган маънони ифода қилади. *(Автор.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Гулнор жавоб тополмаганидан гапни чўзмоқда эди. Бу орада баъзи сўзларни топган бўлса ҳам, уларни Ёдгорнинг лапарига мос келтириб тиза олмади.

Ёдгор — Менинг кўзим сенинг кўзинг!
Истаганим сенинг ўзинг!
Ҳамишалик менга нега
Ғазабланар сенинг кўзинг?

Гулнор — Менинг юзим, сенинг юзинг!
Истаганим сенинг ўзинг!
Қачон менинг юзгинамни —
Иситаркан сенинг юзинг?

Ёдгор — Менинг дилим, сенинг дилинг!
Истаганим сенинг гулинг!
Айт-чи, қачон менинг қўлим —
Териб олар сенинг гулинг?

Гулнор жавоб бўларлик ҳеч бир нарсани эслай олмади. Шунинг учун лапар айтишни ўзи биладиган бирор эски лапарга ўтказмоқчи бўлиб:

— Ёдгор! Сен «Шоҳ қизни» биласанми?— деб сўради.

— Нега билмай? Шоҳ қиз сенинг ўзинг-да!

— Ҳазилни қўй! «Шоҳ қиз» лапарини биласанми?— деб такрор сўради Гулнор.

— Биламан!

— Ундай бўлса, ўшани икковлашиб айтишамиз!

— Жуда яхши,— деб бошлади:

Ёдгор — Шоҳ қиз, шакар қиз, қизларнинг гули!
Қошларингни кўрсатгил, мен унинг қули!

Гулнор — Қошларимни кўрмассан, бўлмағай бу ҳол,
Ўсмани биларсанми? У, бунга мисол!

Ёдгор — Шоҳ қиз, шакар қиз, қизларнинг гули!
Кўзларингни кўрсатгил, мен унинг қули!

Гулнор — Кўзларимни кўрмассан, бўлмағай бу ҳол,
Сурмани биларсанми? У, бунга мисол!

Ёдгор — Шоҳ қиз, шакар қиз, қизларнинг гули!
Юзларингни кўрсатгил, мен унинг қули!

Гулнор — Юзларимни кўрмассан, бўлмағай бу ҳол!
Кулчани биларсанми? У, бунга мисол!

— Ёдгор! Ҳой, Ёдгор!

Ёдгорнинг орқа томонидан ўттиз-қирқ қадам нарироқдан келган бу овоз икки ёшнинг қизиб бораётган суҳбатини бузди, бу овоз қайнаётган қозонга қуйилган совуқ сувдай туюлди.

Ёдгор истар-истамас ўрнидан туриб, товуш эшитилган томонга қаради: у томонда чўпон болалар бир пастқамликда туриб, Ёдгор билан Гулнорнинг лапар айтишларидан қиқирлашиб кулишмоқда эди. Ёдгорни чақирган кексароқ чўпон унга деди:

— Агар индамасак, сенларнинг лапар айтишларинг кечгача тугамайдиганга ўхшайди. Биз қачонлар ўз молларимизни ўтлоққа ҳайдадик. Сенинг молларинг ҳам ўз-ўзидан туриб, ўтлоққа тарқалишди. Тезроқ бориб улардан хабар ол!

— Хўп, ҳозир бораман,— деди Ёдгор яна Гулнорнинг рўпарасига ўтириб, «Шоҳ қиз» лапарини давом эттирмоқчи бўлди.

Аммо унинг таклифини Гулнор қабул қилмади:

— Энди бас,— деди у,— ҳали ҳам анчагина шармандалик бўлди. Мен сигирни олиб бориб янги туғилган бузоғини эмизмоқ учун келиб эдим. Бунча кечикканим учун, билмадим, онам нима дейди, мен унга қандай баҳона кўрсатаман?

— Онанг нима дер эди? Агар «нега кечикдинг?»— деб сўраса, «Ёдгор билан лапар айтишдик» деб қўя қол-да.

— Шундай десам, онам сочларимни юлиб, ўлгунимча урар! Тез тур, сигирни тутиб келтир! Мен олиб борай.

Ёдгор ўрнидан туриб, сигирни олиб келиш учун ўтлоққа йўналмоқчи бўлди. Аммо боласини эмизиш вақти етишганини пайқаган сигир подага қўшилиб ўтлоққа бормай, Ёдгорлар ўтирган жойнинг яқинида, сояда ўсган ўтларни еб турган экан. У, Ёдгорни кўргач «умумм» деб, унга қараб келаверди.

Ёдгор сигирни Гулнорга топшириб:

— «Шоҳ қиз» лапарининг қолганини эртага айтишамиз. Хўпми?— деди.

— Агар бугун онам жанжал қилмаса, албатта,— деб Гулнор сигирни ҳайдаб кетди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Рустамбой! Бир коса айрон олиб чиқ! Хирмон бошидан жуда ҳам чанқаб келдим,— деди оқсоқол.

Рустам шолчани олиб чиқиб, арча тагига ёзди.

— Гулнор! Дастурхон, нон ва айрон олиб чиқ!— деб уйи томонга товуш берди Рустам.

Оқсоқол ўз ўғлидан нолиган бўлиб гап бошлади:

— Жувон ўлгур Пўлат кейинги вақтларда молларга тузук қарамайдиган бўлиб қолди. Қў-ю эчкиларнинг сутдан чиққанига бир ой бўлди. Сигирнинг туққанига ҳали олти ой ҳам бўлгани йўқ, бир ҳафтадан бери сут бермай қўйди. Ўзим бўлсам, халқнинг жанжали билан овораман; халқ хизматидан бўшаганимда, деҳқончилик орқасидан югураман.

— Ерларингиз-ку чорикорлар қўлида. Яна нега ўзингиз югурасиз?— деди Рустам.

— Тўғри,— деди оқсоқол,— менинг суғориладиган ерларимнинг кўпида чорикорлар ишлайди, шундай бўлса ҳам, ўзим хабардор бўлиб турмасам, иш олдинга босмайди. «Эганинг кўзи дори» деганлари бежиз эмас.

— Пўлат молларни ҳайдовга чиқармайдими?

— Чиқаришга чиқаради. Лекин эшитишимга қараганда, бир айлантириб, дарров келтириб сояга боғлар эмиш, ўзи бевош болалар билан ўйин-кулгига овора эмиш...

Оқсоқол бирпас жим туриб, бир нарсани ўйлагандай бўлиб, яна давом этди:

— Подачи мусофир бола келгандан бери болалар бузила бошлади: кўпчилиги унга эргашиб, ўйин-кулгига тушиб, молларга бепарво бўлиб қолдилар. Ҳамробой ўғлининг айтишига кўра, Ёдгор подани ўз ҳолига ташлаб, най чалар эмиш, бошқа болалар унинг атрофига тўпланиб, ашула айтишиб ўтирар эмишлар...

— Ўзинг ҳам эшитган бўлсанг керак,— деди оқсоқол бир оз жим тургандан кейин Рустамга уқтириб,— тунов кун Ёдгор билан Гулнор эртадан кечгача булоқ бўйида лапар айтишибди, бошқа болалар уларнинг лапарларини эшитишга қизиқиб, молларни кечгача ўтлоққа ҳайдамабдилар...

Гулнорнинг келаётганини кўриб, оқсоқол жим бўлди. Гулнор отаси билан оқсоқол олдига дастурхон ёзиб, бир корсон айрон қўйиб кетди. Оқсоқол корсонни кўтариб,

бир шимирди ва Гулнор узоқлашгандан кейин яна гапга киришди:

— Қизинг катта бўлиб қолибди— кишилар унга оғиз соляптилар. Ҳамробой уни ўз ўғлига сўратмоқчи бўлиб турибди. Менинг фикримча, агар бой сўратса, «йўқ» демасдан, дарров рози бўлиш керак. Ҳамробой давлатманд одам, у билан қуда бўлсанг, хурсанд бўласан, у ўз обрўйи учун етарли даражада орзу-ҳавас қилади, катта қалин ва қимматли «тўққиз» беради.

— Тақдир билади,— деди Рустам,— лекин мен ҳали қиз чиқариш ниятида эмасман, онаси ёлғиз қўл, ўзи кексайган, рўзғор ишини тузук бажара олмайди, кўп ишларни Гулнор қилади. Ўзимга ҳам деҳқончилик ишларида шу Гулнор ёрдам беради. Агар уни чиқариб юборсак, чол-кампир бутунлай қўл-оёқсиз бўлиб қоламиз...

Рустам бир оз ўйлаб туриб, илова қилди:

— Агар худо Гулнорнинг бахтини очса, бирор қобил йигит топиб, ичкуёв қилиш ниятидаман, токи бир фарзандимиз иккита бўлиб, кексайган чоғимизда ёрдам қилсинлар.

Оқсоқол Рустамнинг бу гапидан «қизини Ёдгорга бермоқчи ва уни ичкуёв қилмоқчи бўлса керак», деб ўйлади, шунинг учун уни бу фикрдан қайтармоқчи бўлиб деди:

— Бўйга етган қизни, ичкуёв топиш умидида уйда сақлаш ёки ўз ихтиёрига кўча-кўйга қўя бериш яхши эмас. Гарчанд, қиз ҳалол ва номусли бўлса ҳам, ўз ихтиёри билан кўчада юра берса, ғийбатчиларнинг оғзини бойлаб бўлмайди. Қизингни кунда у келгинди йигитнинг олдига бориши, у билан лапар айтишиб юриши тўғрисида одамларнинг қанча ёмон гаплар тўқиб юрганларини эшитмаган бўлсанг керак. Агар тезроқ бу ишнинг олдини олмасанг, қизингни бирор кишига атаб, халқнинг оғзини боғламасанг, қизинг ҳақида хўп ёлғон-яшиқ гаплар тўқиб, овоза қилиб, уни бадном қилишлари турган гап. У вақтда халқ орасида обрўйинг қоладими?..

Оқсоқол бир оз жим туриб, гапининг Рустамга қандай таъсир қилганини унинг вазиятидан англамоқчи бўлди. Рустамнинг ўз қизига ва Ёдгорга нисбатан қаттиқ ғазабланганини пайқади-да, яраланган овга иккинчи марта ўқ уриб, уни қочолмайдиган ҳолатга туширмоқчи бўлди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Агар мен шу подачини ичкуёв қилмоқчи эканингни тахмин қилсайдим, сенга асло бу тўғридан гап очмасдим. Чунки биров ўз ихтиёри билан ўзини тоғ чўққисидан жарликка ташламоқчи бўлса, унга нима деб бўлади. Лекин мен аниқ биламанки, сен ҳеч вақт қизингни енгилтак кишига бериб, ҳам қизингни, ҳам ўзингни бадном қилмайсан, чунки сен фақир бўлсанг ҳам, номуслисан. Худо кўрсатмасин, шу подачи сенга куёв бўлиб қолса, одамларнинг ҳалигача қизинг ҳақида тўқиган гаплари чин бўлиб қолади. У вақтда сен халқ орасида бош кўтариб юра олмайсан.

Оқсоқол бу гаплари билан Рустамни бутунлай Ёдгордан айнитиб, ўз қўлига олди. Энди унга, бундай таъналардан қутулиш йўлини кўрсатмоқчи бўлиб, гапида давом этди:

— Кўнглингга қаттиқ тегмасин! Мен бу гапларни сенга жонкуярликдан айтдим. Мақсадим, сени ҳар хил таъналардан қутқазиш, сенга мол-мулкли бир куёв топиб, сени хушвақт ва қизингни хушбахт қилишдир. Менимча, Ҳамробойнинг ўғлидан яхшироқ ҳам бойроқ куёв топа олмайсан. Эшикка келган бахтни тепиб қайтариш яхши эмас. Ўзинг яхши ўйлаб кўр, хотининг билан маслаҳатлаш. Ҳамробойнинг ўғлини куёв қиласанми, йўқми, ўзинг биласан, лекин мендан насиҳат шуки, қизингни келгинди чўпон билан гаплашишдан, унинг кўзига кўриниб юришдан сақла! Мен эртага яна сенинг олдингга келаман,— деб оқсоқол корсонда қолган айронни ичиб, туриб кетди.

Оқсоқол Рустам билан суҳбат қилганидан кейин, Ёдгор билан Гулнорнинг толеларида катта ўзгариш юз берди: бундан кейин Ёдгор Гулнор билан суҳбатлашиш имконидан маҳрум бўлди.

Эртасига Ёдгор Рустамнинг молларини подага ҳайдамоқчи бўлиб келганида, Рустам унга:

— Бундан кейин менинг молларимни боқишга олиб боришингнинг ҳожати йўқ, ўзим йиғиштириб келтирадиган хас-хашак булар учун етарли,— деди.

Бу гапни эшитган Ёдгорнинг бошига гўё осмон ағдарилиб тушгандай бўлди. Кўзлари хираланиб, ҳеч нарса кўра олмайдиган, эссиз, ҳушсиз бўлиб, қайтиб кетди.

У энди нима қилишини билмай, ҳар қадамда чўпонлик таёғига суяниб туриб қолар ва қаёққа боришини

билмай, гоҳ олдинга, гоҳ кейинга қараб, мастларча чайқала-чайқала қадам босарди...

Рустам Ёдгорни ўз уйи олдидан қувлагандай қилиб юборганидан кейин Гулнорнинг олдига бориб:

— Қизим, сен катта бўлиб қолдинг, худо бахтингни очсин, энди сенинг болаларча ўйнаб юришинг яраш майди. Бундан буён йигитлар билан гаплашиб юришинг тузук эмас. У келгинди подачининг кўзига кўринма! Ўз номусингни, ота-онангнинг обрўсини сақла,— деди.

Шундан кейин ҳижрон кунлари бошланди. Бу ҳижроннинг кундузи ҳам, кечаси ҳам қоронғи ва аламли эди. Висол умидидан кейин юз берган бу ҳижрон ҳар иккала томонга ҳам оғир ва қаттиқ таъсир қилди. Лекин буларнинг ич-ичдан тутаб куйишдан бошқа чоралари йўқ эди...

Орадан бир ҳафта ўтди. Бу орада икки ёш бир-бировларини кўра олмадилар. Бу бир ҳафта уларнинг назарида, бир йилдан ҳам узун туюлди.

Гулнорни Ҳамробойнинг ўғлига бермоқчи бўлганларини эшитганидан кейин, Ёдгорда ҳеч бир тоқат қолмади. Шунинг учун у «нима бўлса бўлсин», деб Гулнорни бир кўриб қолиш ниятида, подани ўтлоққа ҳайдаб, ўзи тоғнинг ён бағрига тушиб, Гулнорнинг йўлини пойлаб турди. Шундай қилиб, бу учрашув Ёдгор учун катта фожиа билан тугадики, унинг тафсилотини қиссамизнинг биринчи бўлимида нақл қилган эдик.

ҲАР АЗОНДА ФОЙДА ТУҒАДИГАН ҚАРЗ

Азимшоҳнинг ҳовлисида зиёфат ҳозирлиги кўрилиб, дастурхон турли-туман таомлар билан безатилган эди. Ҳовуз бўйидаги шоҳсупанинг тўрида маҳалла имоми, унинг бир ёнида оқсоқол, иккинчи ёнида Алимардонбек ясовул ўтирган эди. Азимшоҳнинг ўзи қуйироқда ўтириб, чой қуймоқда, меҳмонларни овқат ейишга устмауст қистамоқда эди.

Бу мажлиснинг азиз меҳмони Алимардонбек бўлиб, у тўхтовсиз гапирмоқда, бошқалар кўзларини унга тикиб, гапини тингламоқда эдилар. У қандай қилиб Дараи Ниҳонга кирганини, унда қандай «қаҳрамонликлар» кўрсатгани ва қочқин чўпонни қайси йўл билан қўлга киргизганини ёлғон-яшиқ қўшиб ҳикоя қилмоқда

www.ziyouz.com kutubxonasi

эди; унинг айтишига кўра, у гуноҳкорни қўлга олганида, тоғ бошидан катта бир харсангни унинг устига юмалатиб юборган эмишлар. Қочадиган жойи бўлмаганидан ҳамда қочганда тутқунни қўлдан чиқариб юбориш эҳтимоли бўлганидан у «жонини жабборга бериб», харсангнинг ўзига яқинлашиб келишини кутиб турган эмиш. Харсанг яқинлашгач, бир оёғини қўйиб туриб, уни тутиб қолган эмиш. Юмалатилган бошқа тошлар келиб харсангга тиралиб қолган, шундай қилиб, бир тош девор пайдо бўлган эмиш. У мана шундай фидокорликлар билан «жаноби олий давлатларининг шарафидан ва хўжайин толеининг баландлигидан» тутқунни олиб, соғ-саломат Сарижўйга келтирган эмиш.

Ясовул ўз ҳикояси охирида бир гўзал қизнинг ўзига қарши чиққанини, у билан Ёдгор орасидаги севги воқеасини нақл қилиб, у қизнинг ҳусн-жамолини кўкларга кўтариб мақтади.

Имом қизнинг гўзаллик таърифини эшитганда, оғзидан оқа бошлаган сўлакайини ялаб:

— У қиз «жаноби олийбоп» десангиз-чи, бегижон?— деди.

— Ундан ҳам бир газ ортиқ деса бўлади,— деди Алимардон ва илова қилди:— Ундай гўзал қиз жаноби олийнинг ўрдаларида ҳам оз топилар, деб ўйлайман.

— Бир ўқ билан икки овни уриб, уни ҳам олиб келсангиз бўлмасмиди?— деди имом афсусланган бир оҳангда.

— Шундай қилсам бўлар эди,— деди ясовул,— лекин сипоҳигарчиликнинг баъзи мулоҳазалари мени бу ишдан тўхтатди, йўлини топиб, қизнинг ота-онасининг розилиги билан кейинча олиб келмоқчи бўлдим. Чунки ундай гўзал қизни зўр билан олиб келиб, ранжитиш муносиб эмас эди.

— Ундай бўлса, яқинда тўй зиёфатини ер эканмизда,— деди имом.

— Тўйда зиёфат бўлиши мумкин, лекин у бизнинг тўйимиз бўлмаса керак,— деди Алимардон.

— Нега?— Имом ажабланиб сўради.

— Чунки,— деди Алимардон,— мен у қизни бек жанобларига мақтаганимда, у киши оғиз солдилар. У киши оғиз солгандан кейин, ўзим учун гапириш одобсизлик бўлар эди...— Азимшоҳ Алимардоннинг гапини бўлиб, ўзи сўзга киришди:

— Бегижоннинг ҳикояларини хулоса қилиб айтсак, қочоқ чўпон қўлга олинган — бизнинг йўқотганимиз топилган. Лекин бу — ишнинг бошланғичи. Энди қандай қилиб ундан бизнинг ҳақимизни ундириш тўғрисида бирор чора топиш керак. Азиз меҳмонлар мана шу хусусда фикр юритсалар.

Имом суҳбатнинг асосий мақсадига кўчиб деди:

— Ҳақиқатан ҳам бу ялангоёқ боладан ҳақ ундириш қийин, унинг на Кўлобда, на бу ерда оёқ босадиган жойи йўқ. Агарда тузук фикр юритиб, бирор чора топмасак, хўжайиннинг ҳақлари нари турсин, ясовул жанобларининг хизматлари ҳам куяди.

Имом кейинги сўзи билан ясовулнинг хизмат ҳақини, ялангоёқ боладан ҳақ ундиришга боғлаб қўйиб, уни бу тўғрида манфаатдор қилиб, қизиқтирмоқчи эди.

Аммо, Азимшоҳга имомнинг бу хил фикр юритиши маъқул бўлмади. Чунки, унингча, ясовулнинг хизмат ҳақини ҳавога боғлаб қўйиш, унинг кўнглини бу ишдан бутунлай совутиши мумкин эди. Шунинг учун хўжайин имомнинг бу хатосини тузатмоқчи бўлиб, ўзи гапга аралашди:

— Ясовул жанобларининг хизмат ҳақлари аллақачонлар ажратилиб юқори токчага қўйилган, Азимшоҳ тирик экан, бу кишининг ҳақлари куймайди. Гап бунда эмас, гап ҳеч нарсаси бўлмаган бу боладан қандай қилиб менинг ҳақимни ундиришдадир. Мен ҳам бу боладан пул тама қилмайман, чунки, боя айтганимдай, унда ҳеч бир нарса йўқ. Менга бир неча йил хизмат қилишни бўйнига олса бўлгани.

— Мен уни сизда хизмат қилишга кўндириш учун қўлимдан келадиган ҳар бир ишни қилишга тайёрман,— деди хизмат ҳақининг куймаслигига қаноат ҳосил қилган ясовул,— фақат сизнинг бунақа масалалар тўғрисида тажрибангиз катта бўлгани сабабли ўз фикрингизни айтишингиз керак. Сизнинг фикрингизни амалга оширишга тайёрмиз.

— Менинг фикримча,— деди Азимшоҳ,— бу йигитни узоқ муддат қаматиб қўйишдан ёки Бухоро зиндонига юборишдан мурод ҳосил бўлмайди; агар хизмат қилишни ўз ризо-рағбати билан ёки қўрқишдан бўйнига олмаса, унинг хизматидан ҳам бир пуллик манфаат умид қилиш мумкин эмас, чунки бугун бўлмаса, эрта фурсат топиб яна қочади. Шунинг учун аввал уни умр-

www.ziyouz.com kutubxonasi

бод қамоқ билан, Бухоронинг зиндон, обхона ва канахонаси билан, қолаверса, жаноби олийнинг дор ва миноралари билан қўрқитиш керак; бу ишни ясовул билан оқсоқол қила оладилар; иккинчидан, уни гўр-қиёмат ва охират азоби билан қўрқитиб, хизматга ва қарзни тўлашга кўндириш керак; бу ишни домла-имом жаноблари бажара оладилар...

— Жоним билан хизмат қиламан,— деди имом қўлини қовуштиргани ҳолда бошини бир оз хўжайин томонига эгиб.

— Яна бир гапни айтиб қўйишим керак,— деди Азимшоҳ ясовулга қараб,— албатта, хизмат ҳақи ва бошқа харажатларнинг ҳаммаси мендан бўлади. Лекин бу болани яхшироқ қўрқитиш ва тобора юкининг оғирлаша борганини ўзига кўрсатиш мақсадида, ишнинг бошида оқсоқол харажат учун, унинг номига самоварчи Қудратдан таомулга мувофиқ пул қарз олиб, харж қилишлари керак. Жанжал тамом бўлиб, бола менинг хизматимга киргандан кейин мен боладан янги тилхат олиб, пулни ўз қўлига бериб, Қудратнинг қарзини тўлатаман.

— Жуда яхши! Мана бу — тўла-тўкис бир тажрибакорнинг фикри,— деди ясовул хўжайиннинг фикрини мақтаб.

Шу билан зиёфат ва кенгаш мажлиси тугади.

Зиёфат кечасининг эртасига ясовул билан оқсоқол зиндон олдида ҳозир бўлдилар. Ясовул оқсоқолга:

— Сиз боланинг олдига тушиб, ҳар томондан гапириб, уни бой билан ярашишга унданг. Аввал ундан хизмат ҳақи талаб қилинг! Агар бола ундай гапларга кўнмаса, мен унинг олдига кириб, пўписа қилиб, ақлини жойига келтираман,— деди.

Оқсоқол зиндонга тушаётганида, у ердан чиқаётган имомга дуч келди.

— Қандай бўлди, тақсир! Юмшадими?

— Шариат ва ҳукуматнинг нима эканини бу бўйнинг узилгур болага шу дунёда кўрсатиш керак. Охират, гўр, қиёматни бир пулга олмайди,— деди имом.

— Хўп, тақсир!— деди оқсоқол,— сиз шу билан чойчақани «ҳалол» қилдингиз. Энди таҳорат қилиб, намозингизга бораверинг! Бу ёғини ўзим боплайман.

Имом зиндондан чиқиб кетди. Оқсоқол Ёдгорнинг олдига тушди. Унинг оёқларига кунда урилган бўлиб,

кунданинг кўндаланг тешигидан икки оёқ орасига пона қоқилган, қўлларига ҳам шу тариқа қўлкунда урилган, маҳбус орқасини ерга бериб чўзилиб ётганича: «Вой жоним, вой оёққинам, вой қўлгинам!»— деб инграмоқда эди.

Оқсоқол таъна аломатида бошини қимирлата-қимирлата гапирди:

— Ўзбошимчалик билан иш қиладиган боланинг жазоси ана шундай бўлади, сен хўжайинга ёмонлик қилган бўлсанг ҳам, у сенга яхшилик қилиб, ҳозирча сени сақлаб қолди. Бўлмаса, сени Бухоро зиндонига юборардилар. У зиндон умрлик, у ердаги азоб бу зиндондагидан юз марта ортиқ бўлади.

Оқсоқол понанинг қисиши билан қизарган ва томирлари кўм-кўк бўлиб бўртиб чиққан қўл-оёқларни кўздан кечиргандан кейин, яна давом этди:

— Мен, раҳматли отангнинг арвоҳини рўйихотир қилиб, бу ишни яхшилик билан тамомлай деб келдим. Лекин бунга киришишдан бурун, ясовулнинг хизмат ҳақини бериш керак. Хизмат ҳақи учун ҳеч бўлмаганда йигирма танга топиб бер!

— Ясовул менга қандай хизмат қилдики, унга хизмат ҳақи беришим зарур бўлиб қолибди? Унинг менга қилган «хизмати» шуки, ушлаб, қўлимни боғлаб, бошимга қамчи уриб, олиб келди, мана шу зиндонга қамади. Унинг шу иши учун мен хизмат ҳақи бераманми?

— Нодон бола,— деди оқсоқол,— ҳали ҳам ҳушёр бўлмаган экансан, юртнинг таомулини ҳам билмайсан! Таомулга кўра, хизмат ҳақини гуноҳкор беради. Агар қочмасайдинг, гуноҳкор ҳам бўлмасдинг, ясовул ҳам сени излаб бормасди, хизмат ҳақи ҳам бермасдинг. ўзинг шу қадар ўзбошимчалик қилган экансан, жазосини ҳам ўз бўйнингга олишинг керак.

— Хўп, ҳақми, ноҳақми, мен хизмат ҳақи беришга мажбур эканман, ўзингиз айтинг, қаердан пул топиб бераман? Менинг уйим-жойим ё бошқа нарсам йўқки, сотиб берсам ёки унинг устидан бировдан қарзга пул кўтарсам.

— Сен хизмат ҳақи беришга рози бўлсанг, мен сенинг номингга қарз топиб отангнинг арвоҳи учун бу ишни битиришга мутасадди бўламан. Сен ҳозирданоқ шуни билишинг керакки, бу жанжалга қанча харажат бўлса, ҳаммаси сенинг гарданингга юкланади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёдгор «вой жоним, вой қўл-оёқкинам»,— деб инграгандан кейин, оқсоқолга:

— Хўп, ўзингиз биласиз. Лекин ҳаммадан бурун бу зор қолгур поналарни бир оз бўшатишга ёрдам беринг! Қўл-оёқларимнинг суяклари эзилиб кетди, оғриғига сира чидаёлмайман,— деди.

— Ихтиёрингни менга берсанг, қўлимдан келган яхшиликни аямайман,— деб оқсоқол чиқиб кетди.

У тўғри Қудратнинг чойхонасига борди. У ерда чой ичиб ўтирган ясовул ундан:

— Шерми, тулкими?— деб сўради.

— Сизнинг ва бек жанобларининг давлатларингиз соясида ҳамиша шерман, фақат тулкидай ҳийлакор шер! Ҳозирча хизмат ҳақини ундирдим. Эртага жанжални ҳам бартараф қиламан. Лекин эртага сизнинг ҳам мен билан бирга зиндонга бориб, бир оз сипоҳларча пўписа қилишингиз керак бўлади.

— Эртага бўлмаса, индин борамиз,— деди ясовул,— ҳар қанча жанжал узайса, хизмат ҳақим шунча кўпроқ ушиб, гуноҳкорнинг юки ҳам оғирлаша боради. Хўжайиннинг мақсади унинг юкини оғирлаштириш. Демак, мен ҳам хурсанд бўламан, хўжайин ҳам.

Оқсоқол ўзининг кафиллиги билан самоварчи Қудратдан, Ёдгорнинг номига ҳар азонда бир танга фойда бериш шарти билан йигирма беш тангани ўз чўнтагига солди.

Оқсоқол билан ясовул зиндонга кирганларида, Ёдгор «вой ўлдим»,— деб инграмоқда эди: кунда понасининг қисишидан унинг қўл-оёқлари шишиб қотиб қолган эди.

Оқсоқол бу ҳолни кўриб «афсус егандай бўлиб» ясовулга:

— Бу боланинг жонига раҳм қилиб, поналарни бир оз бўшаттирсангиз, савоб олардингиз,— деди.

— Хўп,— деди ясовул,— мен бу ишни сизнинг хотирингиз учун қиламан. Лекин зиндонбонга бирор нарса бериш керак бўлади. Чунки у бирор жойдан ойлик олмайди, «ишкелбоғи»ни[1] бўлса, миршаб олиб унинг бир қисмини бекка беради. Зиндонбоннинг даромади қамалганларга азоб бериш воситаси билан улардан олинадиган тўрт-беш танга пулдир.

— Бу хизматни боланинг отасининг арвоҳи учун қиламан,— деди оқсоқол.

Ясовул зиндонбонни чақириб, ундан Ёдгорнинг қўл-оёғига урилган поналарни бир оз бўшатишни сўради. Зиндонбон оқсоқолга тикилиб қараб турди. Оқсоқол ўз чўнтагидан беш танга чиқариб, унга бериб:

— Бу боланинг отасининг арвоҳини шод қилинг,— деди.

Зиндонбон поналарни бир оз бўшатиб чиқиб кетди. У кетгандан кейин оқсоқол Ёдгорга:

— Мен ясовул жанобларидан сўрадим, бу киши бекка восита бўлиб, сенинг гуноҳингни сўрайдилар. Лекин аввал сен мен қилган ислоҳга рози бўлишинг керак.

— Қандай ислоҳ қилмоқчи бўлдингиз?— деб сўради Ёдгор.

— Ислоҳ шуки,— деди оқсоқол,— хўжайинга ўн йил ҳалол хизмат қиласан. Ундан кейин истаган еринга бораверасан. У вақт орқангдан ҳеч ким излаб юрмайди.

— Мен эртагача ўйлаб кўрай,— деди Ёдгор.

— Ҳар бир кун, ҳатто бир соат ўтиши билан юкинг оғирлаша боради,— деди оқсоқол,— тунов кун Қудратдан хизмат ҳақи учун ҳар азонда бир танга фойда бериш шарти билан йигирма беш танга қарз олган эдим. Ҳозир орадан беш азон ўтди, йигирма беш танга — ўттиз танга бўлди, эртагача ўттиз беш танга бўлади. Ҳозирнинг ўзида ўз кўзинг олдида зиндонбонга беш танга бердим. Ҳали бекка берадиган харажат, қозининг муҳронаси, ишкелбоғи, ясовул жанобларининг охирги хизмат ҳақлари ва бошқа юз турли харажат зиммангда турибди. Юкинг оғирлашган сайин хўжайиннинг хизмат муддатини ҳам орттириш керак бўлади, чунки охирда бу харажатларни у сенинг хизматинг устидан бериши лозим. Яхшиси шуки, жанжални тезроқ бартараф қилайлик, сенинг ҳам юкинг кўп оғирлашиб кетмасдан тезроқ қутул, хўжайин ҳам ўз ҳақини олсин. Албатта, бу харажатларни «мен билмайман, отам билади, менга дахли йўқ», дея олмайсан.

— Сен оқсоқолнинг ислоҳларига рози бўлсанг ҳам,

[1] Ишкелбоғи — амирларнинг ёзилмаган жазо қонунлари бўйича қамалганлардан олинадиган тўлов.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳали бекнинг рози бўлишлари маълум эмас,— деди ясовул,— хўжайининг раҳмдил одам экан, тунов кун бекнинг ҳузурларига бориб, «мен Ёдгорнинг одобсизлигини кечираман. Сиз ҳам унинг гуноҳидан ўтиб, зиндондан озод қилинг, у менинг уйимга бориб отаси ўрнида хизмат қила берсин»,— деб илтимос қилди. Аммо бек қабул қилмадилар. «Бу болани бошқа етимсирларга ибрат бўлсин деб, Бухорога, жаноби олийнинг ихтиёрларига юбораман, олий ҳазрат шариатга мувофиқ, истасалар дорга осадилар, истасалар миноpадан ташлайдилар, агар раҳмлари келса, умрбод зиндонга қамайдилар»,— дедилар...

Ясовул нафасини ростлаб олиб, яна давом этди:

— Агар рози бўлсанг, мен, оқсоқол ва хўжайинни ҳам ўзимиз билан бирга олиб, бек жанобларининг ҳузурларига кириб, у кишини бир нав қилиб, рози қиламиз.

Ёдгор ўйлаб қолди. Унинг фикрича, нима қилиб бўлса ҳам бу зиндондан қутулиш зарур эди. Тўғри, Азимшоҳ даргоҳи бу зиндондан фарқсиз бўлса-да, у кенг зиндон, у ердан туриб, Гулнор диёрига — Дараи Ниҳонга назар солиш, пайт пойлаб, яна қочиш мумкин эди. Алимардонбек Ёдгорни қўлга олганда, бутун вужуди билан уни ҳимоя қилган жасур қиз Гулнорга бориб ташаккур айтиш учун қутулиш зарур эди.

Ёдгор шундай мулоҳазалар билан оқсоқолнинг ислоҳига рози бўлди. Оқсоқол ясовул билан Ёдгорнинг олдидан чиқиб, яна чойхонага бориб, Қудратдан ҳар азонда олти танга фойда бериш шарти билан Ёдгорнинг номига бир юзу эллик танга қарз олди. Бу маблағни оқсоқол ҳокимга, миршабга, зиндонбонга ва ясовулга бўлиб берди, бир қисмини ўз чўнтагига солди. Шундан сўнг, Ёдгор зиндондан қутулиб, Азимшоҳнинг қуллигига гирифтор бўлди.

Қудратнинг пули фойдалари билан бирга икки юз танга бўлган эди. Азимшоҳ бу маблағни Ёдгорнинг қўли билан тўлатди. Энди Ёдгорнинг хўжайиндан қарзи икки юз танга ва отасидан қолган қарзи билан минг тангага етган эди.

Хўжайин бу маблагни Ёдгорга «отасининг арвоҳи учун» фойдасиз қолдирмоқчи бўлди, шу шарт билан-ки, Ёдгор унга ўн йил ишлаб беради ва ҳар йиллик хизмат ҳақи юз танга ҳисобланиб қарзидан чегириб

ташланади. Ёдгор ўн йил ишлагандан кейин, ҳам қарздан, ҳам хўжайиндан қутулади. Хўжайин Ёдгорни қозихонага олиб бориб, ундан юқоридаги мазмунда тилхат олди.

Хўжайинни сотиш учун Бухорога олиб борадиган қўйлари тайёр эди. Ёдгорни қўлга киргизган куннинг эртасига унга рамани ҳайдатиб, Бухорога жўнади.

БИР ҚИЗГА ИККИ СОВЧИ

— Фируза! Сенга нима бўлди! Ҳозир меҳмонлар келишади. Тезроқ қимирлаш керак эди,— деб Саломатбиби Рустамнинг хотини ёнига кирди.

Гулнорнинг ёстиғи олдида ўтириб, кўзларидан ёши томаётган Фируза:

— Боламнинг аъзойи бадани қиздирилган мисдэй куйиб бораётир. Бу ҳолда тўй бошлаш яхши эмас эди. Отаси ўжар одам: оқсоқол орага кириб, Ҳамробойнинг ўғлига сўрагач, дарров рози бўлиб жавоб берди. Менинг ялиниб-ёлворишимга қулоқ солмади, боласининг касаллигини назарга олмади, энди мен касалга қарайми, меҳмонларга қарайми, ўзим ҳам билмайман.

Саломатбиби қўлини беморнинг манглайига қўйиб туриб:

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ, ўша шумқадам ясовулдан қўрқиб учинган. Меҳмонларни узатгандан кейин, бир «алас-алас» қилиб қўяман, енгиллашиб, отдай бўлиб кетади.

Ясовул Ёдгорни олиб кетишидан Дараи Ниҳонда юз берган ташвишлар босилгандан кейин, оқсоқол кунда бир бор-икки бор Рустамга учраб, охир уни Ҳамробой билан қуда бўлишга рози қилган эди. Ёдгорнинг қамалиб кетишидан қаттиқ таъсирланган Гулнорга тўй можароси янада қаттиқроқ таъсир қилиб, касал бўлиб йиқилган эди. Шундай бўлса ҳам бугун совчи келиб, Рустамнинг қизини Ҳамробой ўғлига бериши тўғрисидаги ғайри расмий ризосини расмийлаштирмоқчи эдилар.

Рустам арча тагини супуриб-сидириб, жой солди. Имом, оқсоқол ва бир неча маҳалла катталари келди. Булар Ҳамробойнинг Гулнорни ўз ўғлига сўратиш учун юборган совчилари эди. Рустам меҳмонларни

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўрпачага ўтқазди. Ҳали дастурхон ёзилганча йўқ эдики, Саржўй томондан эшак миниб келаётган бир киши кўринди. Совчиларнинг кавушларини тўғрилаб қўяётган оқсоқолнинг ўғли Пўлат келаётган кишини ҳаммадан бурун кўриб:

— Қудрат акага ўхшайди,— деди.

— Қайси Қудрат?— деб сўради оқсоқол.

— Ўша ўзимизнинг самоварчи Қудрат-да,— деб жавоб берди Пўлат отасига.

— Худо зиёда қилсин Қудратни, катта бой бўлган, дейдилар. Дарадан кетган вақтида ҳеч нарсаси йўқ эди. Худо давлат бермоқчи бўлса, «отанг ким, касбинг нима?» деб сўраб ўтирмас экан,— деди имом.

— Қозихона эшигининг ҳар бир азон орқасидан келадиган фойдаси, ҳар кимни ҳам бой қилади,— деди меҳмонлардан бири...

Қудрат етиб келгач, унинг тўғрисида бўлаётган гаплар тўхтади, ҳамма ўрнидан туриб, у билан қучоқлашиб, ўпишиб кўришди, унга тўрдан жой кўрсатишди.

Бу орада дастурхон ёзилди, нонлар ушатилди, қандолат ва майизлар сочилди, чойлар қуйила бошлади, ҳамма нон ейиш ва чой ичишга киришди.

— Қудратбой! Ажаб яхши вақтда, тўй устига кириб келдингиз-да. Иншоолло, қадамингиз қутлуғ бўлади,— деди имом.

— Қандай тўй экан?— деб сўради Қудрат.

— Рустамбойнинг қизини Ҳамробойнинг ўғлига сўраш ниятида совчи бўлиб келганмиз,— деб жавоб берди оқсоқол.

Бу жавобни эшитиш билан Қудратнинг ранги ўчиб кетди. Шундай бўлса ҳам сир бермай:

— Жуда яхши, худо муборак қилсин,— деди ясама хурсандлик билан.

Қудратнинг аҳволида ўзгариш юз берганини пайқаган оқсоқол:

— Қудратбой! Кайфинг жойида эмасдай кўринади. Худо кўрсатмасин, бошингга бирон иш тушганми?— деб сўради.

— Йўқ, ҳеч нарса бўлгани йўқ. Йўлнинг ҳорғинлиги-да,— деб Қудрат оқсоқолнинг тахминини рад қилди.

Бошқа меҳмонлар Қудратга диққат билан қараб, унинг аҳволидаги ўзгаришни очиқ кўрдилар. Ҳолбуки, у билан кўришганларида, кайфи жойида эди.

Ош келтиришдан илгари, Қудрат ўзича фотиҳа ўқиб, дастурхон бошидан турди. Ҳамма таажжубланди.

— Ҳа! Қаёққа бормоқчисан?— деб сўраган Рустамга:

— Шу ёққа,— деб жавоб бериб, уни имлаб, ўзи билан бирга олиб чиқди.

Улар меҳмонларга кўринмайдиган пана жойга бориб ўтирганларидан кейин, Қудрат гап бошлади:

— Рустам ака, сенинг уйингга бахту давлат келаётир. Мен сенга шу хушхабарни олиб келдим,— деди у.

— Қанақа бахту давлат экан?— деб сўради Рустам ажабланиб.

— Сабр қил, эшитасан,— деди Қудрат,— лекин сен қадамингни билиб босмасанг, у бахту давлатнинг сендан узоқлашиш эҳтимоли ҳам бор...

Рустам ҳали нималигини билмаган бахту давлатнинг ўзидан узоқлашиш эҳтимолини эшитиб, таажжуби зўрайди, бир оз қўрқувга ҳам тушди. Шунинг учун Қудратнинг гапини бўлиб:

— Худо ҳақи, гапингни очиқроқ айт, мени кўп ҳам ташвишга солма!— деди.

— Қўрқма!— деди Қудрат,— ҳали ҳам вақт бор, ҳали ҳам у бахту давлатни қўлга киргизиш ихтиёри ўз қўлингда.

— Бир томондан, қизим қаттиқ касал, иккинчи томондан, шу касал қизимнинг тўйини бошламоқдаман. Шунинг учун бошим шишган, сенинг бу пардали гапларингдан ҳеч нарса тушуна олмаётирман. Отангнинг арвоҳи учун гапингни соддароқ қил, очиқ гапир! Бухоро савдогарларидай тил ўйнатма!— деди Рустам.

— Гапнинг пўскалласи шуки,— деди Қудрат,— Саржўй беги қизингнинг таърифини эшитиб, унга талиб бўлган. Унинг икки никоҳли хотини бўлса ҳам, биринчиси кексайиб ишдан чиққан; иккинчиси бўлса, доимо касал. Шунинг учун соғлом тоғ қизларидан бирига уйланмоқчи бўлиб юрар экан. Сенинг қизингнинг таърифини эшитгач, мен истаб юрган бирдан-бир қиз мана шу!— дебди. «Лекин мен бу қизни бекларча зўр билан эмас, балки оддий одамларча совчи юбориб, етарли қалин ва тўққиз бериб, катта тўй-томошалар қилиб оламан»,— дебди. Бек бизнинг дара аҳолисининг ҳуркаклигини билгани учун «совчиликка сипоҳлардан ёки

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сарижўй бойларидан эмас, Дараи Ниҳон аҳолисидан бирор кишини топиб юборинглар»,— деб буюрибди...

Рустам Қудратнинг гапи тамом бўлмасданоқ бошини рад аломати билан чайқай бошлади. Буни кўрган Қудрат:

— Сен сўзимни охиригача эшит, нима гапинг бўлса, сўзим тугагандан кейин гапирасан,— деб уни огоҳлантиргандан кейин, сўзида давом этди:

— Бек ясовулларидан Алимардонбек деган бир қадрдон дўстим бор. У мени «совчилик учун боп, ўзи ҳам ўша дара аҳолисидан»,— деб кўрсатибди. Бек бу таклифни қабул қилиб, мени ўз олдига чақиртириб: «Қайнатамиз ва қайнанамизга бизнинг фарзандлик саломимизни еткур»,— деди. Мен ҳам қабул қилиб, бу томонга қараб йўналдим.

Рустам жавоб бериш учун оғиз очганида, Қудрат қўли билан жим туришга ишорат қилиб, яна давом этди:

— Афсуски, мен бу ерда «бозор устидан чиқдим»,— деди у,— лекин бирор яхши сигирни даллоллар бировга савдо қилаётганда «бор барака топ!» деб, мол эгаси жавоб беришдан бурун бирор серпул, молшунос савдо устига келиб, биринчи харидордан ортиқроқ пул бермоқчи бўлса, мол эгаси ўз молини биринчи харидорга бермай, иккинчисига берса, ҳеч бир айб эмас. Шунингдек, биринчи совчиларга, ҳали сен очиқ қабул жавоби бермаган экансан, менинг таклифимни қабул қилиб, уларни рад қилсанг, ҳеч бир айб иш бўлмайди.

— Аввал шуки,— деди Рустам бош силкиб,— мен бир бечора одамман, мен қаерда-ю, вилоят беги билан қариндош бўлиш қаерда. Бекнинг совчи юбориб тўй-томоша ваъда қилиши, бизни ўзи билан баравар кўришидан ёки ҳурмат қилишидан бўлмай, бу дарадан зўр билан қиз олиб кетиш мумкин бўлмаганини билишидандир. Агар қўлидан келсайди, ясовул юбориб, босиб олиб кета берарди; иккинчидан, менинг бисотимда фақат биргина қизим бор. Агар уни ҳам узоққа берсам, менинг ва онасининг ҳолимиз нима бўлади? Учинчиси шуки, Ҳамробой оғиз солиб, оқсоқолни орага қўйган ва баъзи майда-чуйдаларни ҳам тайёрлаб, бугун совчи юборган. Энди мен қайси юз билан «қизимни унинг ўғлига бермайман» деб, совчиларни қувиб юбораман? Ўзинг биласанки, бу даранинг аҳолиси бир-

бировларига чамбарчас ёпишган. Мен бир қиз учун ҳаммадан ажралолмайман.

— Бечора одамнинг бекка қиз бериши айб эмас, балки фахр,— деди Қудрат,—«қизим мендан узоқлашади», деб қўрқишинг ҳам тузук эмас. Чунки бек сенинг куёвинг бўлгандан кейин, сен от ва қурол эгаси бўласан. Истасанг, кунда бориб, қизингни кўриб келасан, ёки Сарижўйдан уй-жой қилиб, кўчиб борасан. Бой билан оқсоқолга гап уқтиришни менга қўй, бу тўғрида сен ғам ема. Агар сен қизингни бирор оёқялангга бермоқчи бўлсайдинг, иш қийинлашарди. Чунки улар ҳокимларни бир пулга олмайдилар. Бой, оқсоқол ва бошқа катталар бўлса, ҳокимдан ажрала олмайдилар. Буларнинг давлат ва ҳашаматлари ҳоким билан. Ҳокимлар буларга риоя қилганлари каби, булар ҳам ҳокимларнинг бир гапини икки қилмайдилар. Чунки бугун бўлмаса, эрта, эрта бўлмаса, индин ишлари ҳокимга тушади. Мана шундай кунни ўйлаб, булар ҳокимларни ранжитмайдилар. Бу тўғрида ёлғиз сенинг розилигинг керак.

— Хўп, Қудрат! Мен билмайман, ўзинг биласан. Лекин бир иш қилки, бой билан оқсоқол мендан ранжимасинлар,— деди аввалги шаштидан тушган Рустам.

— Бу тўғрида хотиржам бўл, «сипоҳигари си пой дорад» (сипоҳигарчиликнинг ўттиз оёғи бор) деганлар. Мен сипоҳ бўлмасам ҳам, неча йилдан бери сипоҳларнинг мис товоғини ялаб «билармон» бўлдим. Бир иш қиламанки, «ҳам лаъл ба даст ояду ҳам ёр наранжад»[1].

Рустам билан Қудратнинг узоқ йўқолиб кетганларидан меҳмонлар турли ўй-хаёлларга тушиб, безовта бўла бошладилар. Бошлаб Қудратнинг аҳволидан шубҳаланган оқсоқол меҳмонларнинг ташвишларини кўриб, «мен хабар олай, нима гап экан?» деб, меҳмонлар олдидан туриб, Рустам билан Қудрат суҳбатлашаётган жойга келди:

— Ҳа, ўзи нима гап? Бу ерда товуқдай мояк босиб ўтирибсизларми?— деб Қудратнинг сўзини бўлди.

Қудрат воқеани бошдан-оёқ ҳикоя қилиб бериб, сўзининг охирида:

---

[1] Ҳам лаъл қўлга кирсин, ҳам ёр ранжимасин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Агар қиз бекка насиб бўлса, сизнинг тўёнангиз ҳам ҳокимларча бўлади,— деди.

— Сен Сарижўйда туриб, бухороликлар билан опоқ-чопоқ бўлиб, «сен-сен»ни унутиб, «сиз-сиз»ни ўрганибсан. Ўша ота-бобомиздан қолган «сен-сен» билан гапиравер,— деб оқсоқол Қудратни огоҳлантиргандан кейин, унга жавобан деди,— ҳар қандай бўлса ҳам, бу гапни бу ерда меҳмонлар олдида очиш тузук эмас. Чунки ундай бўлганда, гап халқ орасида овоза бўлиб, оёқяланглар ишнинг таг-тубини суриштирмасдан: «Бек қандай қилиб бизнинг дарадан қиз олиб кетар экан?»— деб ўз иззати нафсларини ҳимоя қилиб, қўзголон кўтарадилар. У вақтда калтак бизнинг бошимизда синиб, халқ орасида биз бадном бўламиз.

— Сенингча, қандай чора кўриш керак?

— Шошмай тур, менинг фикримча қизнинг касаллигини баҳона қилиб, совчилик мажлисини бошқа вақтга қолдириш керак. Сўнгра, Ҳамробойга ва бошқа катталарга гапни тушунтириб, ишни пиширамиз. У вақтда биров-бировдан ранжимасдан, халққа овоза бўлмасдан, иш яхшилик билан битади. Менинг фикримча, Ҳамробой хурсанд бўлиб, бу ишга розилик беради.

Шу билан Рустам, Қудрат ва оқсоқолнинг маслаҳатлари тамом бўлиб, меҳмонлар олдига бордилар. Меҳмонлар оқсоқолнинг маслаҳатига мувофиқ, ошни еб, совчилик мажлисини бошқа вақтга қолдириб, тарқалдилар.

НИКОҲ

Сарижўйда самоварчи Қудратнинг ҳовлисига гиламлар тўшалган, адрас, шойи, духоба кўрпачалар солинган ва пар ёстиқлар қўйилган эди. Қудратнинг ўзи бунча анжомга эга бўлмаса ҳам, у нарсаларни омонат тариқасида бекнинг уйидан келтириб, самоварчининг ҳовлисини ҳам ҳокимнинг уйидай ясатган эдилар.

Бекнинг ясовуллари ва шогирдпешалари қўл қовуштириб, хизматга тайёр турардилар. Бек томонидан бугун инъом қилинган олабайроқ Ҳисор шойисидан тикилган чопонни кийиб олган Қудрат ўзи бекка қайната бўлгандай, улуғворлик билан ичкари-ташқарига кириб-чиқиб юрар, ясовуллар ва шогирдпешаларга бекларча хизмат буюрарди.

Воқеанинг тафсили бундай: оқсоқол ва Қудратнинг маслаҳатларига кириб, Ҳамробой Гулнорни келин қилишдан воз кечди ва даранинг катталари ҳам тил бириктириб, Гулнорни бекка бериб, у билан «қариндош бўлишни» муносиб кўрдилар. Маслаҳат бир жойда қарор топгандан кейин, оқсоқол билан Қудрат Сарижўйга бориб, бекдан тўй майда-чуйдасини олиб, қайта Дараи Ниҳонга бориб дара аҳолисига катта тўй бердилар. Аммо ҳақиқий тўй ва никоҳ Сарижўйда бўладиган эди. Шунинг учун Гулнорни, ота-онаси ва бошқа яқин кишилари билан бирга Сарижўйга кўчирдилар. Сарижўйда Рустамнинг ҳовлиси бўлмаганидан, тўй ва никоҳни ўтказиш учун Қудратнинг ҳовлисини тайёрлаб, Рустамларни ўша ерга туширдилар.

Гулнор бўлса, бу қадар бориш-келишлардан, тўй-томошалардан ҳеч нарса тушунмасди. У, қандай йўл билан Ҳамробойнинг ўғлидан қутулганини билмаса ҳам, шуни билардики, у шум тўй тўхтаган. Энди уни Сарижўйга олиб бораётирлар. Гулнор Сарижўйга боришни бир бахт деб англади, чунки Ёдгор ҳам Сарижўйда эди. Эҳтимол, у Сарижўйда зиндонда ётган бўлса, ҳар ҳолда унга яқин жойда бўлиш Гулнор учун кутилмаган бахт эди. Уни Сарижўй бегига хотинликка берар эмишлар. Бу, унинг учун янги бир фалокат эди. Лекин, ажаб эмаски, уни Ҳамробой ўғлининг қўлидан қутқазган номаълум нарса бекнинг ҳам қўлидан қутқазса...

Гулнор мана шундай ўй ва хаёллар дарёсига шўнғиб, Сарижўйга борди, яъни уни Сарижўйга олиб бориб, ота-онаси ва қавм-қариндоши билан Қудратнинг ҳовлисига туширдилар.

Никоҳ кечаси. Намози шомдан кейин бекнинг амалдорлари, имом ва маҳалланинг катталари Қудратнинг ҳовлисига келдилар. Бек томонидан никоҳ учун вакил қилинганини Алимардон икки гувоҳ билан имом олдида исбот қилди.

Энди Гулнорнинг вакилини тайин қилиш навбати келган эди. Қудрат Гулнорнинг «вакил»лигига муносиб кўрилди. У Гулнордан ваколат олиш мақсадида икки гувоҳ билан ичкари ҳовлига кирди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Гулнорлар ўтирган хона тўйга келган аёллар билан лиқ тўлган, улар Бухоро мадрасаларининг дарсхоналарида тўпланган талабалар каби юзма-юз, орқама-орқа, ёнма-ён, тиззама-тизза бир-бировлари билан зич бўлиб ўтирмоқда, худди ўша талабалардай бир-бировларининг сўзларини тушунмаганлари ҳолда, шовқин-сурон солиб, баб-баравар бақириб гапирмоқда эдилар.

Қудрат ўз гувоҳлари билан супага чиқиб, хонанинг юқори эшиги орқасига ўтирди. Келинлик кийимлари билан ясантирилган Гулнорни келтириб, ўша эшикнинг олдида ўтқаздилар.

Ваколат олишга тайёр бўлиб турган Қудрат эшик орқасидан:

— Қизим Гулнор! Мени ўз томонингдан никоҳ учун вакил қил!— деб товуш берди.

Гулнордан ҳеч бир садо эшитилмади.

— Тез бўл, «вакил қилдим» де! Вақт ўтаётир,— деб Қудрат ўз мақсадини такрорлади.

...Гулнордан ҳеч бир сас-садо йўқ.

Хотинлар бир-бировларига баб-баравар:

— Жим тур! Оғзингни юм, нафасинг ўчгур! Бу нима шовқин-сурон! На вакил отанинг гапини эшитиб бўлади, на келинникини,— деб бақирмоқда эдилар.

Жонига теккан Қудрат аёлларни қабиҳ алфозлар билан сўкиб, бир оз тинчитгандан кейин:

— Гулнор! Сенга айтяпман! Эшитаётирсанми? «Қудрат амакимни никоҳ учун вакил қилдим», десангчи, ахир!

...Гулнор яна жим.

— Бекачим! Одамларни кўп ҳам интизор қилманг! «Қудрат амакимни вакил қилдим», денг!— деб гувоҳлардан бири Қудратнинг гапини қувватлади.

...Яна жимжитлик.

— Афтидан, бу уйда гапга ярарли бирор хотин йўқ. Қайвони қаерда? Бу ўжар қизни гапга солинглар, ахир!— деб Қудрат аёлларга бақирди.

Гулнорнинг орқасида турган Қудратнинг хотини унинг қулоғига пичирлаб:

— Амакингни кўп кутдириб, жуда ҳам зериктирдинг. Вакил қилдим деб қўя қол-да. Сендан нима кетади,— деб «маслаҳат» берди.

Гулнор жим.

— Тўхтанглар, йўл беринглар! Қизимнинг олдига ўзим ўтай,— деб бировнинг елкасидан, бировнинг тиззасидан боса-боса, Гулнорнинг олдига кайвони келди ва қизнинг икки ёнида ўтирган Фируза билан Саломатбибига хитоб қилиб:

— Қуриб кетсин шу расму одат! Бу болани тезроқ жавоб беришга сенлар қўймаяпсанлар. Қизнинг кўнгли бўлса типирчилаб, булбулдай сайрамоқчи бўлаётир. Юрт бегининг кичик ва севикли хотини, Саримўй ўрдасининг бекаси бўлиш бу қандай давлат,— деб уларни Гулнор ёнидан узоқлаштириб, ўзи унинг бир ёнида ўтирди ва Қудратнинг хотинини қизнинг иккинчи ёнига ўтқазди:

— Тез бўлинг, келинпошша! «Вакил қилдим» денг,— деди.

Гулнор жим.

— Тегирмон, обжувоз ва бекликнинг барча молу мулки сизники бўлсин! «Вакил қилдим», денг!

Яна жимлик.

Қайвони ўз қўлини Гулнорнинг этаги остидан киргизиб унинг баданини бир чимчилаб:

— «Вакил қилдим», дегил!— деди.

Гулнор дарднинг зўридан, ҳар томонга тўлғанса ҳам, ҳеч нарса демади.

— Ўҳў!.. Бу, жуда ҳам ўжар қиз экан-ку!— деди кайвони умидсизланиб.

Гувоҳлардан маҳалла сўфиси Қудратга хитоб қилиб:

— Энди бўлди,— деди,— кўп ҳам зўрлаш керак эмас. Китобларда «сукут — розилик аломати», деганлар. Мен бу қизнинг жим туришини, сенинг вакиллигингга розилик берди деб ҳисоблаб, никоҳ мажлисида гувоҳлик бераман.

Гулнор, жим туриш розилик аломати саналиб, иш қўлдан кетганини кўриб, бирдан қичқириб йиғлаб юборди.

— Ана! Энди қизнинг розилигига ҳеч бир шак-шубҳа қолмади,— деди сўфи қувонч оҳанги билан,— чунки қизнинг йиғиси ҳам розилик аломати саналади.

— Агар овозини чиқариб, «вакил қилдим» десайди, яна ҳам яхшироқ бўлар эди,— деди Қудрат.

— Агар менинг гапимга ишонмасанг, бориб имомдан сўраймиз. Бу ерда вақтни бекорга ўтказишнинг ҳожати йўқ,— деб сўфи ўз сўзида маҳкам турди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қудрат билан гувоҳлар меҳмонхонага кирдилар. Сўфи имомга қараб:

— Тақсир!— деди,— қиз аввал жим турди, сўнгра йиғлади. Мен унинг бу ишларини «розилик аломати» десам, Қудрат ишонмайди. Сиз нима дейсиз?

— «Мухтасар» деган китобда «сукутул-бикри—аломатур-ризо» дейилган. Чунки ҳали эрга чиқмаган қиз «мен никоҳга розиман», дейишдан уялади. Шунинг учун жим туради. Бўлмаса, қайси бўйга етган қизнинг кўнгли эрни истамайди? Бинобарин, шариат эрга чиқмаган қизнинг жим туришини унинг розилик аломати деб қарор берган. Қизнинг никоҳ вақтидаги йиғиси бўлса, қувонч йиғисидирки, буни «гиряи шоди» дейдилар. Яъни, масалан, қизнинг никоҳ вақтидаги йиғиси, «мен хурсандлик билан розиман», деганидир.

— Дарҳақиқат,— деди имом ўз сўзини давом эттириб,— яъни, масалан, бек жаноблариға бека бўладиган қиз қувончнинг зўридан йиғлашга ҳақлидир. Хўп, яъни, масалан, энди гувоҳлик беринглар! Иш шариатга оросга бўлсин.

Бошлаб сўфи «аузубиллоҳ... бисмилло...» деб гувоҳлик беришга киришди:

— Гувоҳлик бераман, риё учун эмас, холис худо учунки, биби Гулнор...

— Рустамбой қизи,— деб Қудрат луқма солди.

— Биби Гулнор Рустамбой қизини вакил...

— Яъни, масалан, сенга нима бўлди?— деб имом сўфини жеркигандан кейин, ўзи гувоҳлик таъбирини талқин қилишга киришди:

— Яъни, масалан, «Рустамбой қизи Биби Гулнор, Қудратбойни ўз жонибидан никоҳ учун вакил қилди»,— дегил.

— Яъни, масалан, Рустамбой қизи Қудратбой қизини ўз жонибидан...

— Яъни, масалан, астағфирулло,— деб имом сўфини сўздан тўхтатди ва уни яна бир марта жеркигандан кейин:

— Яъни, масалан, мен нима десам, ўшани менинг оғзимдан битта-битта олиб айт! Тушундингми?

— Тушундим.

Имом талқин қилишга киришди:

— Яъни, масалан, Рустамбой қизи Қудратбойни ўз жонибидан никоҳ учун вакил қилди.

Имом айтган гапларни «яъни, масалан»ларигача унинг оғзидан битта-битта олиб такрорлаган сўфи, гувоҳлик таъбирини тамомлаб, терга ботган юзини енги билан артиб, нафасини ростлаб олди.

Иккинчи гувоҳ ҳам шу тахлитда имом талқини билан гувоҳлик бергандан кейин, маҳалла элликбошиси бир коса совуқ сувни келтириб, имомнинг олдига қўйди.

Имом хутба ўқишга киришди. У никоҳ хутбасининг арабча қисмини қироат билан ўқиб бўлиб, тожикча қисмига ўтди. Тожикча қисмининг охирига келганида Қудратга қараб:

— Сиз Рустамбой қизи — биби Гулнорнинг вакил отаси, сизни вакил қилган қизнинг нафсини мусулмонлик никоҳи билан аморат паноҳ эшон тўқсобага хотинликка бағишладингизми?— деб сўради.

— Бағишладим.

— Яъни, масалан, «хотинликка бағишладим», денг!

— Яъни, масалан, хотинликка бағишладим.

— «Яъни, масалан»ни айтмаслик керак эди,— деди имом ғўлдираб, бошқаларга эшиттирмасдан,— хўп, майли, ортиқ бўлса бўлсин, кам бўлмасин.— Кейин Алимардонбекка қараб:

— Сиз аморат паноҳ жонибларидан хотинликка қабул қилдингизми?— деб сўради.

— Хотинликка қабул қилдим.

Никоҳ маросими тугагач, бўйдоқ йигитлар имом олдидаги сувни олиб, талашиб-тортишиб ичдилар. Чунки «никоҳ сувидан ичган йигит тезда хотинлик бўлар» эмиш.

Алимардонбек имом билан оқсоқолга никоҳ пули берди, «холис худо учун гувоҳлик берган»ларнинг қўлларига ҳам икки тангадан улашди. Шу билан Гулнор бекнинг сотиб олган мулки бўлиб қолди.

Ўша кеча Гулнорни сўзана, кашта ва бошқа қимматли матолар билан безатилган отга, Саломатбибининг орқасига мингаштириб, бошқа хотинлар отдан олдин-кейин югурганлари ҳолда, тантана билан бекнинг ўрдасига олиб бордилар.

Бу тантана юзаки қараган одамларнинг кўзини қамаштирарди. Аммо Гулнорнинг ички кечинмаларини пайқаган киши у тантанани, иззатли бир одамнинг ўлигини мозорга олиб бориш тантанасига ўхшатарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МАДРАСА

Бухоро шаҳрида Мулла Муҳаммад Шариф номли бир мадраса бор. Биноси пишиқ ғиштдан бўлиб, олд томони икки қаватли, қолган уч томони бир қаватли. Пештоқи жуда баланд, ичида муқарнас шаклида уст-ма-уст олтита равоқ, ўртадаги катта равоқда икки тавақали катта ёғоч дарвоза. Дарвоза ҳам ўйма, қўпорма тарзида, олти, ўн икки, ўн олти гиреҳ нақшлар билан безатилган. Дарвозанинг пешбуруни ва пуштовони устига қизил мовутдан олти бурчакли парчалар кесиб, уларнинг устидан оқ қуббали гулмихлар парчинланган.

Дарвозанинг ҳар тавақасида биттадан қуйма ҳалқа, дарвозани қулфлаган вақтда бу ҳалқалар зулфин ўрнида ишлатилади. Дарвозадан кирганингизда, бошингиз устида бир-бирига туташган уч гунбаз кўринади.

Чап қўлдаги қоронғи ва зах ҳужрада соқоллари қизғиш, қирқ яшар чамали ҳисорлик мулла серпахта чопонни устига ёпиб, бошини ўраб ётар эди.

Шу вақтда қизил юзли, қора соқолли, соқолининг учлари бир оз қисқартирилиб тартибга солинган, қўй кўзли, қуюқ қошли, ўттиз яшар бошқа бир ҳисорлик мулла мадраса одобига амал қилмай, ҳужра эшигини тақиллатмай, бирдан эшикни очиб ичкарига кирди ва дарчадан кирган ёруғликда бошидаги зардор дўппини олиб, унга зинадан чиқаётганда ёпишган ўргимчак толаларини тирноғи билан чертиб тушириб, қайтадан кийиб, олифталарча бир тарафини босиброқ қўйди, чопонини ҳам у ён-бу ёнига қараб, унга ёпишган гард-чангларни қўли билан қоқиб туширди-да, чопонга ўралиб ётган муллани:

— Ҳайит! Ҳой Ҳайит! Тур ўрнингдан,— деб уйғота бошлади.

Аммо ётган киши жавоб бермади.

— Ҳайит дейман, ҳой бўри! Тирикмисан, ўлик? Тур ўрнингдан дейман,— ғазабланиб бақирди.

Ҳайит бошини кўтармасдан:

— Нима дейсан? Ўз ҳолимга қўясанми, йўқми?— деди.

— Ош пиширмадингми? Қорним танбур чалаётир.

— Ошни нимадан пишираман? Кеча хумчани оф-тобда қиздириб, бир пиёла ёғ томизиб олган эдим. У ҳам Нагбатхўжанг учун пиширилган ошга кетди. Бугун оч қолган бўлсанг, ўша хумчани синдириб, сополини е!

Ҳалиги киши ўзича «астағфирулло» деб, кавушини ечиб, Ҳайитнинг ёнига ўтирди, чопонини ечиб ташлади:

— Тур дейман, тур!— деди.

— Махсум! Отангнинг арвоҳи қўлласин, менга тегма! Валлоҳи, турмайман!— деди Ҳайит.

— Тур дейман, тур! Бўлмаса устингга совуқ сув қуяман.

— Ана турдим. Нима дейсан?

— Шароф қассобнинг олдига бор, насияга бир оз гўшт-ёғ ол! Бир ошга етарли гуручимиз бор. Дарров ош қил!

— Ўҳ-ҳў... бу тушингни сувга айт, кеча Шароф қассоб, агар эски қарзларингизни бермасанглар, бундан буён бир парча ҳам гўшт бермайман, деб огоҳлантириб қўйди.

— Сен бориб, Шарофга аввал мулойимлик билан гапириб бир ошлик гўшт-ёғ сўра, агар бермаса, бир баҳона топиб, жанжал чиқар-да, ёқасидан тутиб ерга босиб уравер! Уришган вақтингда мен ҳам бориб, сенга ёрдам қиламан, бу ҳолни кўрган бошқа қассоб ва баққоллар қўрқиб, ҳар нима сўрасанг, бемалол қарзга бераверадилар.

— Кейинги ўн йил мобайнида Ғозиён бозорида биздан ҳақларини талаб қилганда ёки қарзга масаллиқ бермаганларида таёқ емаган бирор қассоб, баққол қолмади. Энди иш шунга бориб етганки, шаллақиликдан ҳам қўрқмайдилар, ҳақларини олмасдан бир нарса бермайдилар. Ҳақларини бериш керак, бошқа илож йўқ.

— Хўп, майли,— деди Махсум,— бугунни бир нав қилиб ўтказармиз. Бугун палов бўлмаса, пиёва бўлар, бир кунлик гап-да...

— Гап бунда эмас,— деди Ҳайит,— ҳали кўкламга уч-тўрт ой бор. Мана шу тўғрида фикр қилиш керак.

— Бунинг учун ўрнингдан туриб, одамдай гапиришинг керак. Тузуккина фикрлашиб, маслаҳатлашсак,

www.ziyouz.com kutubxonasi

бирор йўли топилар. Чопонни бошга ўраб ётишдан иш чиқмайди.

— Афлотун хумга кириб, фикрлагандай, менинг ҳам чопонни бошимга ўраб ётишим, мана шу тирикчилик тўғрисида тузукроқ фикр юритиш учун.

— Хўп, чопон остидан бирор фикр топдингми?

— Топдим!

— Қани айт!— деди Махсум қувонч билан.

— Эртага иккаламиз Қоракўлга борамиз. У ернинг қозисидан хат олиб, қишлоққа чиқиб, ҳар биримиз бир масжидга имом бўламиз. Бирор ҳафта тургандан кейин «энди биз шаҳарга бориб, таҳсилимизни кўкламгача давом қилдириб, сўнгра сизнинг хизматингизга келамиз» деб имоматчилик устидан, қишлоқ аҳолисидан бирор нарса ундириб оламиз...

— Имоматчилик устидан олдиндан олинадиган ҳақ билан бир ой ҳам мадрасада тирикчилик қилиб бўлмайди.

— Шошма!— деб Ҳайит гапини давом эттирди,— шу ишни Хайробод даҳаси, Вобкент ва бошқа туманларда ҳам қиламиз. Уч жойда имом бўлиб олдиндан ҳар биридан эллик тангадан ундирсак, бир юзу эллик танга, агар тўрт жойда имом бўлсак, икки юз танга қўлга кириб, бизни кўкламгача тўйғизади. Ёзда яна ўша қишлоқларга бориб, кузгача ҳар қайсисидан энг озн икки юз тангадан ундирсак, келажак таҳсил бошида чўнтагимизда олти юз тангадан саккиз юз тангагача нақд пул бўлади. Бу маблағ бизга келаси таҳсил йили учун етарлидир.

— Яша, бўри! Сен яшар экансан, биз ҳамиша қўй гўшти билан қуйруқ ёғи еймиз,— деб Махсум қувонганидан дўпписини бошидан олиб, ҳужранинг шифтига отди ва қайта дўппини ҳаводан тутиб олиб, бир ёғини қатлаб, яримта қилиб кийди.

— Кўп ҳам қувонма!— деди Ҳайит,— ҳали бу фикрнинг «лекини» ҳам бор.

— Яна қандай «лекини» бор?— деди Махсум бир оз ташвишланган вазиятда.

—«Лекини» шуки,— деди Ҳайит,— сенинг Нагбатхўжанг давосиз бир дард. Агар сен уни чақириб кунда зиёфат қила берсанг, қўлга кириши кўзда тутилган бу маблағлар ҳеч нарса бўлмайди. Агар сен уни бу қадар зиёфат қилмасайдинг, биз таҳсилнинг энг қизиган чо-

гида — қишнинг ўртасида қишлоққа чиқиб, «саҳромарг»[1] бўлишга мажбур бўлмасдик.

— Ҳайит, борган сайин сенинг назаринг паст бўлаётир, бир бечора бир ошам ошимизни еса нима бўлади?

— Хўп, ошдан ҳам кўз юмайлик. Ҳамма нарсадан кўпроқ, менинг кўнглим бир хумча мусалласга ачиётир. Агар Нагбатхўжанг ўз ўлигини бизнинг устимизга ташламасайди, мусалласимиз кўкламгача етарди. Имоматчиликка бораётганимизда икки пуд майизни хумга солиб кетсайдик, келажак таҳсил бошигача тишни синдирадиган кучли бир май бўлиб етиларди. Энди на пул бор ва на майиз.

— Ҳайит, сен ҳамиша шу хўжадан нолийсан. У давлати бўлган вақтларда «Эшонжон! Эшонжон!» деб, хушомадгўйлик қилиб, унинг кавушини ўпгудай бўлардинг; кеча-кундуз унинг уйида ётардинг, сергўшт паловларини ер эдинг; унда қайнатилган қази ва қовурилган қўзи этини еб, шаробхўрлик қилардинг, гўзалларни томоша қилардинг...

— Бас қил! Ўтган гапларни эсимга солиб оғзимнинг сувини оқизма! Ҳозирни кўр!— деб Ҳайит, Махсумнинг сўзини бўлди.

— Ўтмишни эсламасанг, келажакни аниқлаёлмайсан,— деб Махсум яна ўз гапини давом эттирди,— у вақтларда, агар бир марта «Эшонжон» демоқчи бўлсанг, оғзингдан бирданига ўн марта «Эшонжон» деган гап чиқарди. Агар у сени «Ҳайити гург», «Ҳайит бўри!» деб чақирса, «лаббай Эшонжон, нима хизмат?»— деб югурардинг. Аммо, у синиб, киссаси пулдан ва косаси майдан бўшагандан кейин унга «Нагбатхўжа» ном бердинг. Энди, агар у: «Домла Ҳайит! Бормисиз?»— деб эшикдан кирса, ўзингни уйқуга соласан. Бу ишинг одамгарчиликдан эмас.

— Бизга одамгарчиликни ким қўйибди, ахир? Одамлар муллани «дастурхон супургиси», дейдилар. Бу гапни ҳазиллашиб айтсалар ҳам, ҳақиқатга жуда тўғри. Бизнинг вазифамиз одамларни зиёфат қилиб юриш

---

[1] Саҳромарг — Бухоро мадрасалари истилоҳича, таҳсил вақтида қишлоққа чиқиб кетган талабани «саҳромарг» дер эдилар. Чунки у маънан ўлган ҳисобланарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

эмас, балки уларнинг дастурхонларини супуриб емоқдир.

— Хўп, одамгарчиликни ҳам бир томонга қўяйлик,— деди Махсум,— лекин унутмаслик керакки, бир давлатманд бўлган одам ҳамиша қашшоқ бўлиб қолмайди, ойнинг ўн беш куни қоронғи бўлса, ўн беш куни ёруғ деганлар. Бугун бор-йўғини йўқотиб, нагбатга гирифтор бўлган бу одам ажаб эмаски, яна давлатли бўлиб Московда қоракўл териси билан савдо қила бошласа. У вақтда яна у «Эшонжон», сен эса, «Ҳайит бўри» бўлиб қолаверасан.

— Бе! Бекор қолган давлат йўққи, яна шу Нагбатнинг уйига кириб келса,— деди Ҳайит.

— Сен қисқа ўйлайсан!— деди Махсум,— қози калон билан таниш, раис билан таниш, вазир билан таниш, ҳатто амир билан ҳам танишлиги бор. Бунинг устига, Московда қоракўл териси ва пахта билан савдо қиладиган милёнир (миллионер) қариндошлари, акаукалари бор. Улар ҳали «бир оз азоб тортиб, ҳушёр бўлсин», деб унга эътибор қилмай турган бўлсалар ҳам, уларнинг ҳеч бири бу одамнинг абадий нагбатда қолишига рози бўлмайдилар, бугун бўлмаса, эртага унга ёрдам қилиб, уни ўз қаторларига оладилар.

— Ўлма, эшагим, арпа пишади дегандай, менинг қўйнимни пуч ёнғоқ билан тўлдираётирсан,— деди Ҳайит масхаралаб.

— Арпа пишиғини кутма, пуч ёнғоқни ҳам қўйнингга солма! Лекин шуни яхши билиб қўйки, ҳозир ҳам унинг ҳоли бизникидан минг марта яхши,— деди Махсум ва ўз сўзини бир мисол билан исбот қилмоқчи бўлиб давом этди,— чунончи, кеча у Ҳожиомонбой гузарида менга дуч келди. Ўзи ширакайф, қўлида бир шиша май ҳам бор эди. Қўлимдан маҳкам тутиб, ҳолимга қўймай, судрагандай қилиб, ўз ҳовлисига олиб борди. Биз у ерда ўша бир шиша майни шўр мағиз билан ичдик. Мастлиги яна ҳам ошди. Мен кетмоқчи бўлиб ўрнимдан турганда қўймади, беш минут туринг деб, мени тўхтатиб, ўзи ичкари ҳовлисига кириб кетди. Икки минутдан кейин мана шу (бошидаги дўппига ишорат қилиб) дўппи билан шу (эгнидаги сатин чопонга ишорат қилиб) чопонни чиқариб менга берди. Кўрдингми, «Бир шернинг ўлиги юз бўрини тўйғизади», деганлари жуда тўғри гап...

ҒОЙИБДАН КЕЛГАН ИНЪОМ

Ҳужра эшиги тақиллаши билан Махсум сўздан тўхтади.

— Хўш!— деди Ҳайит эшикка қараб. Бу, Бухоро мадрасалари истилоҳича «марҳамат, кираверинг!» деган гап эди.

Аммо тақиллатувчи бу сўзнинг маъносини тушунмаган бўлса керак, эшикни очмасдан такрор тақиллатди.

— Марҳамат, кираверинг!— деди ҳужра эгаси.

— Домла Ҳайитнинг ҳужралари шуми?

— Ҳа, шу. Марҳамат.

— Ҳисорлик Исомиддин Махсум ҳам шундамилар?

— Шу ердалар! Кираверинг!— деди Ҳайит ва Махсумга қараб оҳиста шивирлади:

— Бу ғули биёбоний ким экан? На киради, на даф бўлиб кетади.

Келган одам эшикнинг бир тавақасини очиб, бош суқди, уйдагиларни кўздан кечиргандан кейин «бисмилло» деб, секин ҳужрага кирди. Унинг қиёфасини кўрган Исомиддин Махсум:

— Иби... мулла Азимшоҳ-ку,— деб ўрнидан иргиб туриб қулоч ёзди. Ҳайит ҳам туриб у билан саломлашди.

Ҳужра эгалари Азимшоҳни тўрга ўтқиздилар ва навбат билан «хуш келдингиз!» деб, ҳол-аҳвол сўрашдилар. Азимшоҳ, одат бўйича, фотиҳа ўқигандан кейин, Исомиддинга қараб:

— Сиз ҳам шу ҳужрада турасизми?— деб сўради.

— Йўқ!— деди Махсум,— мен пастда тураман. Лекин бу ҳам ўз ҳужрам каби,— Ҳайитга ишорат қилиб,— афтидан, сиз бу кишини танимайсиз? Бу киши ҳам ҳисорлик. Аммо ўн олти яшарликларида Ҳисордан чиқиб, Бухоройи шарифга келиб, илм таҳсили билан машғул бўлиб, қайта Ҳисорга бормаганликлари сабабли, эҳтимол, сиз кўрган бўлмасангиз.

— Эсимда йўқ,— деди Азимшоҳ,— лекин ҳужрага кирганимдаёқ сўзлашларидан ҳисорлик эканликларини пайқадим.

Ҳайит чойга чиқиб кетди.

— Мен бу киши билан ҳам вилоятдош, ҳам эски оғайниман. Ҳужраларимиз бошқа-бошқа бўлса ҳам,

www.ziyouz.com kutubxonasi

қозон-товоқларимиз бир. Кунда етти-саккиз дарс ўқийміз. Кечалари ярим кечагача китоб мутолаа қилиб, дарс тайёрлаймиз. Бунинг устига, кундалик беш вақт намоз, таҳорат, вирд-аврод ва ибодат. Мана шундай машғулотлар бўла туриб, ҳар биримиз ўз бошимизча қозон-товоққа урінсак, вақт етишмайди. Шунинг учун мен ҳар нарса топсам, келтириб шу кишига бераман. Бу кишининг дарслари меникидан озроқ, кундалик ошни бу киши тайёрлайдилар...

Ҳайит келиб ҳужрага кириши билан Махсум гапни тўхтатиб, дастурхон ёзди. Хайит олиб келган иккита иссиқ нонни, бир ликоб қандолат ва бир ликоб лавз ҳолвани дастурхонга қўйди. Нонни ушатиб, меҳмонга чой қуя бошлади.

Азимшоҳ бир бурда нон билан бир дона қандолатни оғзига солди. У қандолат жуда ҳам эски, қотган бўлса керак, чайналмай, ҳужра эгаларига билдирмасдан, астагина оғзидан чиқариб, дастурхоннинг бир четига яшириб қўйди. Ҳолва ҳам шу даража қотган эканки, тишни синдирарди. Азимшоҳ мушкул вазиятда қолди: агар ҳолвани ҳам қайта оғзидан чиқарса, назокатга мухолиф, ей деса чайнаёлмасди. Бу аҳвол Исомиддин Махсумнинг кўзидан яширин қолмади. У ҳолванинг қотганлигидан хижолатда эди. Шунинг учун ўзини бу мушкул ҳолатдан чиқармоқ мақсадида Ҳайитга қараб:

— Эшонтўра ҳазратларининг табаррук ҳолва ва қандолатларидан ҳали ҳам бор экан-да,— деб қўйди.

— Агар есак ёки ҳар бир тўғри келган меҳмоннинг олдига қўйсак, ҳалигача бунинг гарди ҳам қолмасди. Лекин Эшонтўрамнинг табаррукlари бўлгани учун бу киши каби (Азимшоҳга ишорат қилиб) азиз меҳмонларга сақлаб қолдирган эдим,— деди Ҳайит.

— Эшонтўра ҳазратлари Бухоройи шариф шайхларининг машҳурларидан бўлсалар керак?—деб гапга қўшилди Азимшоҳ.

— Эшонтўра ҳазратлари машҳур хонақоҳнишин шайхлардан бўлмасалар ҳам, кашф-каромат эгаси. «соҳиб ҳол» бир кишидирлар,— деб Исомиддин жавоб берди,— у киши аввалларда катта бой бўлиб, давлат хашамат эгаси эдилар. Аммо кейинчалик барча мулк-молларини худо йўлига сарфлаб, тарки дунё қилдилар. Биз иккаламиз у кишига ихлосмандмиз ва хар вақт дуоларини олиб турамиз. Мана шу ҳолва билан қандолатни

ҳам ўз сандиқларидан чиқариб дам солиб берган эдилар.

— Бухоройи шарифнинг тупроғи кўзларга тўтиё бўлишга сазовордир,— деди Азимшоҳ,— бу шаҳарнинг ҳар бурчаги шунақа соҳиб ҳоллардан холи эмас. Ўзим бундай соҳиб ҳолларнинг хизматларига етиша олмасам ҳам, ҳар гал Бухоройи шарифга келганимда, шундай кашф-каромат эгаларининг остоналарига етишган сиз каби азизларнинг дуоларини оламан. Шунинг билан кўнглим анча ёзилади, ишларимга ҳам кушойиш киради.

— Тўғри,— деб Исомиддин Азимшоҳнинг гапини тасдиқлади,—«асойи пир—бажойи пир!»[1] деганлар. Пирнинг таёғи унга ўринбосарлик вазифасини адо қилса, пирнинг дуосини олган кишининг дуоси, албатта, унинг дуоси каби таъсир қила олади.

Исомиддин мана шундай «далиллар» билан ўз дуосининг «соҳиб ҳоллар» дуосига бараварлигини исбот қилгандан кейин:

— Хўп, ҳозир ишларингиз қандай, нега бу гал Бухоро сафарингиз кечикди?— деб сўради.

— Худога шукур, ишларим ёмон эмас,— деди Азимшоҳ,— илгариги чўпоним ўлди. Бухоро сафари учун тайёрланган қўйларни унинг ўғлига ҳайдатмоқчи бўлганимда, у нонкўрлик қилиб қочиб кетди, уни топиб қўлга туширгунимча орадан икки-уч ой ўтди. Шунинг учун Бухоро сафари кечикди.

— Агар янглишмасам, илгариги чўпонингиз Бозор ювошгина одам эди. У бечора қачон ўлди?

— Бундан уч ой илгари.

— Ўғлининг оти нима, қандай бола?

— Бунинг номи Ёдгор. Лекин шум, кўзи бежо, бўйни йўғон бола! Юз оғиз гапирсангиз ҳам, бир оғиз жавоб бермайди, ерга тикилиб тураверади. «Ер боқардан ер қўркар» деганлари шу бўлса керак.

— Ўзингиз кўпни кўргансиз, хизматкор ишлатишнинг йўлини яхши биласиз,— деди Исомиддин,—«ё бозорий, ё бозўрий, ё бозар!»[2] деганлар. Гоҳ юмшоқ гапиринг, гоҳ пўписа қилиб қўрқитинг ва гоҳ-гоҳ оз-моз пул ҳам беринг! Шундай қилганингизда, у ҳеч ёққа кетмайди.

---

[1] Пирнинг ҳассаси — унинг ўринбосари.

[2] Ё ялиниб, ё зўрлик билан, ё бўлмаса пул билан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Отаси ўлгандан бери унга бирор оғиз ёмон гапирганим йўқ: пул тўғрисига келганда, ҳозир мендан минг танга қарзи бор. Ўзим ҳамиша насиҳат қиламан, маҳалла имоми ҳам бир неча бор насиҳат қилди. Шундай бўлса ҳам доим кўзи бежо, қулай фурсат топса, қочиш ниятида экани кўзларидан маълум бўлиб туради. Биринчи қочишида ҳам, қози ва ҳокимлар билан таниш бўлмасам, уни қайта қўлга тушира олмасдим. Мен уни эртага сизнинг олдингизга юбораман. Сиз ҳам бир насиҳат қилиб қўйинг. Бухорода илм таҳсил қилаётганингиз учун сизнинг сўзингиз унга таъсир қилиб, менга кўнгил боғлашига тўла умидим бор, агар менга кўнгил боғламаса, ишидан ёлчимайман. Ҳар вақт қочиб кетиши мумкин. Қачонгача уни ҳокимлар воситаси билан қидириб юраман. Қидирган билан топилиши ҳам маҳол, «мулки худо танг нест, пойи фақир ланг нест»[1] деганлар.

— Хўп, майли, бизга юборинг! Ўгитлаймиз, азаймхонлик ҳам қиламиз. Ишқилиб, қўлимиздан келадиган ҳар ишни сиздан аямаймиз,— деди Исомиддин.

Азимшоҳ қўйнидан ҳамёнини чиқариб, танга солинган кўзидан тангаларни бир-бир санаб ола туриб, Махсумга қаради:

— Мен сиз учун закот ҳисобидан бир қўй олиб келган эдим. Уни сотиш ёки сўйиш сиз учун ортиқча ташвиш бўлар деб, кеча бир таниш қассобга бериб сўйдириб, гўшт, калла-поча ва терисини сотиб, пулини нақд қилиб, олиб кела қолдим. Ёғини сизга юбораман, эритиб оласиз.

Қўлини ҳамёндан чиқарди. Бармоқлари орасидан оқ тангалар ялтираб кўринарди.

Бу вақт Ҳайит билан Махсум онаси овқат келтирган қалдирғоч боласидай, бўйинларини чўзиб, Азимшоҳнинг қўлига кўз тикдилар.

— Бу, ўша қўйнинг гўшт, калла-поча ва терисининг пули,— деди Азимшоҳ тангаларни Махсумга бериб. Бу вақтда Ҳайит бўрининг боши кунгабоқардай Азимшоҳ томонидан Махсум томонига бурилди-да, унинг қўлига тикилди. Икки мулла бутун фикр ва хаёллари тангага банд бўлган ҳолда қўлларини кўтариб, Азимшоҳни дуо қилдилар.

[1] Худонинг мулки тор эмас, камбағалнинг оёғи оқсоқ эмас.

— Энди менга рухсат, мен қайтай. Эртага шу вақтда ёғни боладан бериб юбораман. Унга насиҳат қилиб қўйишни унутмагайсизлар,— деб, Азимшоҳ ўрнидан турди.

— Нега бунча шошиласиз? Бу кеча бизда меҳмон бўлинг,— деди Исомиддин.

Азимшоҳ, Махсумнинг танга ушлаган қўлига ҳасрат билан боқиб:

— Бу кеча қўй жаллоб Фатҳиллабой билан ҳисоб-китобимиз бор. Ишларим тугагандан кейин, албатта, бир кеча сизда меҳмон бўламан,—дегандан кейин, яна Махсумнинг тангани ушлаб турган қўлига тикилиб, илова қилди,— хотиржам бўлинг, мадрасанинг табаррук палови-ни емасдан Ҳисорга кетмайман.

Азимшоҳ кавушини кийиб эшикдан чиқаётганида Махсум унинг орқасидан эшик олдигача бориб:

— Хайр, раҳмат! Дуогўйларни хурсанд қилдингиз,— деб кузатиб қолди.

Исомиддин Махсум келиб ўз жойига ўтириб, қўлидаги тангаларни санаб кўрди, йигирма танга экан.

— Кўрдингми, бўри? Ана бу шундай ғойиби инъомки, Эшонтўрамнинг (сенингча Нагбатхўжанинг) муборак номлари туфайли бизга насиб бўлди.

— Бу одам мени танимаса ҳам,— деди Ҳайит,— мен уни яхши танийман. Бу, Сарижўй ҳаннотларидан энг учига чиққани, шайтонга фириб беради. Сенга ҳам, ҳали кўриб билмагани Эшонтўрамга ҳам бу шайтоннинг бир пуллик ихлоси йўқ. Бу, минг эшонни, ўн минг муллани бир пулга сотади. Лекин иши тушган вақтда пул ҳам беради: ўзини ихлосманд ҳам қилиб кўрсатади; истасанг, мурид ҳам бўлади; хуллас, бир бало қилиб, мақсадини қўлга киргизади.

— Унинг биздан нима тамаи бор? Беҳуда гумонсираб, софдил бир мусулмонга туҳмат қилма!— деди Махсум.

— «Нима тамаи бор?» «Болани юбораман, насиҳат қилиб қўйинг»,— деди-ку, ахир. Сендан бундан бошқа нима ҳам тама қиларди?

— Бир мусулмоннинг бир мулладан насиҳат сўраши тама бўладими, одатда салла-чопон, пул ва шу каби нарса сўрашни тама дейдилар.

— Сени содда дейиш оз, аҳмоқ дейиш керак,—деди Ҳайит бошини чайқаб,—гапларига қараганда бир етимни қўлга олиб, ишлатиб юрибди. Оғир иш у боланинг жо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нига тегиб, қочмоқ пайига тушган. Энди бизнинг воситамиз билан шу шўрлик болани алдаб, ўлгунича қулдай ишлатмоқчи. Бу шайтон Бухорода илм таҳсил қиладиган муллага авом тожик қандай ишонишини билади. Бизга йигирма танга бериб, камбағалнинг хизматидан мингларча танга қўлга киргизмоқчи.

— Хўп, иш сен айтганча бўлганда ҳам, бундан бизга қандай зарар келади? Биз учун мана шу йигирма танга нақд пул ғанимат. Агар қўлимдан келса, харидор топилса, тожик камбағалларининг ҳар бирини йигирма тангадан, ҳаммасини бир жойда «бор барака» деб сотишга тайёрман. «Гўр сўзаду дег жўшад»[1] демаганларми, ахир?

— Бу бошқа гап,— деди Ҳайит,— бу гапингга мен ҳам қўшиламан. Аммо бизга ихлос боғлаб, йигирма танга берди, деб ўйлаш аҳмоқлик бўлади.

— Хўп, майли, сеники тўғри. Тезда гўшт-ёғ олиб келиб, қозонни қайнат, очликдан мадорим қолмади.

КЎЗА КЎТАРГАН ЯҲУДИЙ

Азимшоҳ мадрасага келган кунининг эртасига қўйларини сотиб тамом қилди. Қўйларга қарашдан бўшаган Ёдгорни ёнига олиб:

— Кел, болам, сенга Бухоройи шарифни томоша қилдирай,— деб шаҳарнинг Намозгоҳ дарвозасига қараб йўналди.

Улар шаҳар дарвозасига етишганда, Азимшоҳ «бисмилло...» деб, ичкарига қадам босди. Ёдгорни ҳам таклиф қилди.

— Бухоройи шариф табаррук шаҳар. Бу ерга «бисмилло...» демасдан қадам босиш тузук эмас. Бу шаҳарда азизларнинг мозорлари, бузругвор авлиёларнинг қадам жойлари жуда кўп. Баъзиларида сени зиёрат қилдирмоқчиман... Азимшоҳ шу тарзда гўр-қиёматдан гапириб, Ёдгорни «Турки жанди» мозорига олиб борди. Мозор эшигининг рўпарасидаги таҳоратхонага киргизиб, таҳорат қилдирди. Сўнгра мозор эшиги олдига бориб, кавушини қўлга олди-да, Ёдгорнинг ҳам чориғини ечтириб, мозорга етаклади. Қудуқ бўйида челак тўла сув ва занжирга боғланган мис жом турарди. Мозор ходимларидан бири челакдан жомга сув қуйиб берди. Азимшоҳ сувдан ичиб, Ёдгорга ҳам ичирди. Қудуқ мозор ичида бўлгани сабабли сувининг таъми чучмал, кўнгил айнитувчи эди. Бундай сувни ичишга одатланмаган Ёдгор бир қултум ичиши билан жирканиб, манглайини буриштирди.

Бу ҳолни пайқаган хўжайин Ёдгорни огоҳлантириб:

— Зинҳор бу қудуқнинг сувига ҳурматсизлик қила кўрмаки, ёш жонингга қасд қилган бўласан,— деди-да, шу қудуқнинг ва бошқа «муқаддас» қудуқларнинг хосиятларини баён қилишга киришди.

— Дунёда суви шифо бўладиган учта қудуқ бор,— деди у,— буларнинг бири, Макка шаҳридаги Замзам қудуғи, иккинчиси, Бухоро чўлидаги Хўжаўбон қудуғи ва учинчиси, мана шу қудуқдир. Бу қудукларнинг сувлари ҳар бир дард-иллатга даво бўлиб, ер ости йўли билан бир-бировларига қўшиладилар.

Азимшоҳ ўз сўзини исботлаш учун бир афсонани ҳикоя қилди:

— Бир вақт,— деди у,— Замзам қудуғининг жоми қудуққа тушиб йўқолган. Сувчилар қудуққа кириб жомни қанча изласалар ҳам, тополмаганлар. Орадан беш-олти ой ўтгандан кейин, ўша жом Хўжаўбон қудуғидан чиққан. Хўжаўбонликлар бир неча вақт у жом билан касалларга сув ичириб, уларнинг дардларини даволаб юрганлар. Кунлардан бир кун Хўжаўбон қудуғи ходимларидан бири эҳтиётсизлик қилиб, жомни қудуққа тушириб юборган. Улар ҳам қудуққа кириб қидириб, жомни топмаганлар. Жом бўлса бир неча вақтдан кейин, мана шу қудуқдан челакка илиниб чиққан. Мана шу жом,— деб хўжайин қудуқ бошидаги жомни кўрсатди ва ўзидан қўшиб қўйди:

Бу қудуқнинг ходимлари «жом яна қудуққа тушиб йўқолиб кетмасин», деб эҳтиёт юзасидан занжирбанд қилиб қўйганлар...

— Бизда ҳалигача, жомни бирор шаккок қиморбоз ўғирлаб кетмасин, деб занжирбанд қилиб қўйганлар, деган фикр бор эди. Гапнинг ҳақиқатини сиз билар экансиз. Бизни ундай янглиш фикрдан қутқазганингиз учун раҳмат!— деб қудуқ ходими Азимшоҳга миннатдорлик изҳор қилди.

— Ҳа, шундай, гапнинг ҳақиқати шу,— деб таъкидлади Азимшоҳ, кейин яна Ёдгорга қараб давом этди:

— Ҳалиги қудуқларнинг суви каби, бу қудуқнинг суви ҳам ҳар дардга даво. Лекин бунинг учун касалнинг

[1] Гўр куйса куйсину, қозон қайнасин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ихлосманд бўлиши шарт. Шак келтирган одам соғ бўлса ҳам, ўлиб қолиши мумкин.

— Жуда тўғри,— деди ходим,— чунончи, ўтган йил ёз вақтида, чанқаб келган бир шаккок бирдан бир челак ичиб, жуда чучмал экан, деб таъна қилди. Ўша кунинг ўзидаёқ юракбуруғи касалига учради ва бир ҳафта ётгандан кейин ўлди.

Азимшоҳ Ёдгорни қабр атрофида зиёрат қилдиргандан кейин, у ердаги ходимларга бир тангадан садақа бериб, мозордан чиқди.

Ёдгорга Бухоро мадрасаларидан бирини томоша қилдирмоқчи бўлиб, уни қабристонлар орасидаги йўлак билан Ҳожимомонбой маҳалласидаги катта кўчага олиб чиқди. Одамлар Намозгоҳ дарвозасидан шовқин-сурон билан чиқиб, Ғозиён бозорига келмоқда эдилар. Азимшоҳ билан Ёдгор кўчанинг бир чеккасида туриб, томоша қилмоқчи бўлдилар. Оломоннинг олдида тахминан эллик яшар бир яҳудий келарди. Эгнида майда нақшли кўк чопон, бели каноп билан боғланган, бошида Бухоро яҳудийларига хос тўрт бурчакли телпакча, яҳудийнинг орқасига бир сопол кўза ортилган бўлиб, гавдасига чилвир билан боғланган эди. Унинг кетидан тахминан қирқ ёшлардаги маст бир мусулмон, қўлида олти отар тўппонча билан уни тез юришга қистаб, отиб ташлаш билан қўрқитиб келар эди. Одамлар бир-бирларини босиб, олдинга ўтиб, йўлга тўсиқ бўлганларида, соқчи тўппончани уларга тўғрилаб, йўл беришга буюрарди. Оломон орқага тисланиб, яҳудийга йўл очарди.

— Вой! Сен Юсуфи гург эмасмисан? Сенга нима бало бўлди?— деб бақирди Азимшоҳ.

Аммо яҳудийда бундай саволларга жавоб бериш учун мадор йўқ эди. Чол орқасида оғир юк бўлган ҳолда, отилиш хавфи остида терга ботиб, зўрға қадам босарди.

— Хўжайин, сиз бу одамни танийсизми?— деб сўради Ёдгор.

— Ҳа, танийман. Бу Юсуф бўри деган қассоб яҳудий. Ҳар вақт мендан қўй оларди. Ўтган бозор ҳам икки қўй олган эди. Пулини бергани йўқ. Бу орада пулим куйиб кетмаса гўрга эди,— деди хўжайин.

— Буни қаёққа олиб бораётирлар?— яна Азимшоҳдан сўради Ёдгор.

— Бухоройи шариф уламолар шаҳри, бунда шариат ҳукмлари тўла-тўкис жорий. Бу шаҳарда шароб ичиш

ва сотиш қаттиқ тақиқ қилинган. Афтидан, бу яҳудий шароб сотаётганида қўлга тушган. Уни жазолаш учун шаробини ўзига кўтартириб, қозихонага олиб борсалар керак.

Оломон Ғозиён бозорига етиб келди. Бозор боши чорраҳа бўлиб, Намозгоҳ дарвозаси томондан келадиган кўча бозорни кесиб ўтиб, Бозори Навга қараб борар ва бошқа бир кўча шарқ томонидан — Сисў, Говкушон ва Чорҳаром гузаридан ўтиб, Ғозиён бозори орқали Қоракўл дарвозасига қараб кетарди.

Ғозиён чорраҳаси одам билан лиқ тўлган, кўза кўтарган яҳудийнинг «тантанаси»ни эшитган томоша ҳаваскорлари ўша ерга тўпланган эди. Яҳудий бу сон-саноқсиз бедард томошабинларга дуч келиб, қандай қилиб олдинга қадам босишни билмай, довдираб қолди.

Бундай мушкул вазиятда тўппончалик маст одам яҳудийга ёрдам қилгандай бўлиб, тўппончани чорраҳадаги тўдага ўхталарди:

— Қочинглар, йўлни бўшатинглар! Бўлмаса ҳаммангни отаман!

Тўппончалик маст йўлни очгандан кейин, яҳудийнинг орқасига ўтиб, унга:

— Налево, марш!— деб русча команда берди.

Русчани билмаган яҳудий Бухоро амирининг сарбозларидай, ўнг қўлга бурилди. Бу ҳолни кўрган соқчи амир сарбозларининг командиридай, яҳудийнинг юзига бир шапалоқ уриб:

— Қармисан? Бу томонга дедим,— деб уни чап томонга буриб юбориб, командасини ўзи амалга оширди.

Тўда бозор бошидан ўтиб, мулла Муҳаммад Шариф мадрасасига етди. Соқчи мадраса саҳнидаги томошабинларни тарқатгач, яҳудийни олдига солиб, мадрасага киритди ва дарҳол мадраса дарвозасини ичкаридан занжирлаб қўйди.

Томошабин минут сайин кўпаймоқда эди: мадраса саҳни, Ғозиён ҳовузининг атрофи, Бозорбоши, катта кўча, девор, дарахт ва томларгача одам билан тўлди. Бу вақтда қози калоннинг мулозими билан бир миршаб етиб келди. Улар ҳодисани кўриб, можарога сабаб бўлганларни қўлга олиш мақсадида, мадраса дарвозасини тақиллата бошладилар.

Лекин кўп ўтмай, соқчи билан яҳудий дарвозани очиб, ташқарига чиқдилар. Энди яҳудийнинг орқасида

www.ziyouz.com kutubxonasi

кўза йўқ, аммо соқчининг мастлиги ошиб кетган эди. Қози калон мулозими мастнинг орқасидан бориб қўлидаги тўппончани юлиб олди ва уни олдига солиб, қозихонага қараб жўнади. Миршаб одами бўлса, яҳудийга соқчилик қилиб бормоқда эди.

Томошабинлар тарқалиб, мадраса саҳни бўшагандан кейин, Азимшоҳ Ёдгорни мадраса дарвозаси олдига олиб борди. У дарвозага парчинланган қуббалар, қоқилган ҳалқалар ва бошқа темир ва қуйма буюмларни бир-бир кўрсатар ва уларни «муқаддас» деб таъбирлар-таърифларди. У, ҳалқаларни «мурод ҳалқаси», қуббаларни «давлат қуббаси», дарвозага парчинланган темир парчаларни «бахт тахтаси» ва дарвозани тақиллатадиган темир асбобни «шайтонни қувадиган қурол» деб таърифлар ва ўзи уларни ўпиб, юзу кўзига суйкар ва Ёдгорга ҳам уларни зиёрат қилдирарди. Сўнгра Азимшоҳ Ёдгорни мадрасанинг ички саҳнига олиб кириб, у ердаги тоқ ва равоқларнинг ҳар бирини бир пайғамбарга ёки бирор авлиёга нисбат бериб кўрсатиб деди:

— Бундай табаррук жойларда фақат худонинг азиз ва пок бандалари — муллаларгина тура оладилар.

Азимшоҳ мадрасанинг ҳар бир жойини Ёдгорга зиёрат қилдиргандан кейин:

— Ҳозир мен Тагишўр қассоблигидан сенга эритилмаган қуйруқ ёғи олиб бераман. Сен уни мана шу мадрасага олиб келасан, бу ерда дуч келган муллалардан: «Ҳисорлик Исомиддин Махсумнинг ҳужралари қайси» деб сўрайсан, у кишини сенга кўрсатганларида, ёғни ўша кишига топшириб, дуоларини олиб, менинг олдимга, Фатҳиллабойникига борасан.

ҚУВНОҚ КУН

Икки кундан бери Ҳайит бўри ҳужрасида қозон қайнамоқда, келажак ҳам умидсиз эмас. Иссиқ ҳужрани ташлаб, далага чиқиб, имоматчилик қилишдан бўлак чорамиз йўқ деб туришганда, йигирма танга нақд пул етказиб, қуйруқ ёғи ваъда қилган голе, ажаб эмаски, бу тугагунча яна бошқасини етказса.

Ёлғиз бир камчилик бор, у ҳам бўлса, мусалласнинг йўқлигидир. Энди бир оз майиз олиб хумга солиш мумкин бўлса ҳам, уни қирқ кечаю кундуз кутишга тоқат йўқ эди.

Ҳайит бўри шундай ҳасрат билан яна гапни Нагбатхўжага бурди:

— Нагбатхўжангнинг ҳамма иши бир томон, бир хумча эски мусалласимни ичиб битиргани бир томон, агар шу кунларда ўша май бўлса, айш-ишратимиз бекаму кўст бўларди.

— Борди-ю, шу топда худо бир хум май берса,— деди Исомиддин,— бор даъвонгдан кечиб, қулоқ-миямни тинч қўясанми?

— Бир хум эмас, агар ҳозир худо бир шиша май берса, валлоҳий, Нагбатхўжадан ҳеч шикоят қилмайман.

...Шу вақтда зина бошидан тартибсиз оёқ шарпаси эшитилиб, икки муллани сўздан тўхтатди. Келгувчилар тўғри ҳужра эшигига яқинлашмоқда эдилар.

Келгувчиларнинг бири мадраса одобига риоя қилмай, эшикни тақиллатмасдан очиб, бош суқди:

— Ҳайит бўри! Бу бир хум майни ичиб, менинг ҳақимга дуо қил!— деди. Бу Нагбатхўжа эди.

Ҳайит хумчани кўргач, ўрнидан иргиб турди.

— Эшонжон, ўзингиз ҳам марҳамат қилинг, паловни ҳам дарров тайёрлайман,— деди.

— Бу май сизларники. Мен ўзим Юсуф бўриникига бориб, қонгунимча ичаман. Кабоб ҳам қилиб беради,— деди Нагбатхўжа ва йўлдошига қараб давом этди:

— Олдимга туш, юр, Юсуф бўри, марш!— улар олдинма-кейин зинадан тушиб кетдилар.

Икки шерикнинг қувончи ҳаддан ошиб кетди. Чунки хумдаги шивирғони узумдан қилинган эски май экан.

— Худодан бир хум май ўрнига, бир хум тилла тиласам бўлар экан,— деди Исомиддин,— афтидан, менинг талабимни эшитган малоикалар «омин!» деб турган эканлар, истагим оғзимдан чиққан ҳамон қабул бўлди.

— Ҳозир биз учун бир хум май, бир хум олтиндан ҳам қадрлироқ,— деди Ҳайит,— шоир айтгандай:

Токро сероб кун, эй абри пайсон, лар баҳор,
Қатра то май метавонад шуд, чаро гавҳар шавад[1].

[1] Баҳор булути, боғларга ёғиб токни сероб қил, гавҳар ясайман деб денгизга ёғма! Сенинг томчиларинг май бўла оларкан, нега гавҳар бўлсин? (Афсонада гўё гавҳар денгизларда баҳор ёмғири томчиларидан пайдо бўлармиш.)

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳой бўри, ғазалхонликни қўйиб, дарров ош қил!— деди Махсум,— бу илоҳий шаробни синаб кўриб, бир «дами-беғам» урайлик.

— Ўтин оз, сен ўтин ёриб кел, мен ёғни қиздириб, гўштни қовураверaман,— деди Ҳайит.

Гўшт қовурилгач, икки пиёладан ичиб, майни синаб кўрдилар. Май жуда ҳам кучли экан.

— Ҳайит, «бўрилик» лақабини қўлдан бердинг,— деди май кучини сезган Махсум.

— Нега?

— Чунки сен ясаган май Юсуф бўри майи билан баравар чиққанда, Эшонтўра сени у билан лақабдош қилган эди. Юсуфнинг бу майи сеникидан аъло чиққани учун, ажаб эмаски, у сендан бўрилик лақабини олиб, бундан кейин «шоғол» атаса.

— Шоғол бўлиш ҳам ёмон эмас,— деди Ҳайит,— шоғол қўй ва мол гўшти ўрнига ҳамиша товуқ гўшти ейди...

Ош дам егунча пиёла яна неча бор қўлдан қўлга ўтди. Ош ейиш вақтида ҳам сув ўрнига шароб ичилди...

Ош ейилиб бўлган вақтда ҳужра эшиги тақиллади.

— Рухсат йўқ, парҳез![1]— деди бўри.

— Мен мадраса сўфиси,— деди тақиллатган киши,— мадраса дарвозаси олдига бир дохунда келиб, Исомиддин Махсумни сўраяпти, ўшани олиб келдим.

— Хўп, дохундани қолдир! Ўзинг қайтиб кет! Рухсат йўқ, парҳез!— деди яна Ҳайит.

Сўфи қайтиб кетгандан кейин, эшикни очиб «кел, бола» деб, чориқ кийган йигитни ичкарига киргизди, қўлидаги коржомага ўралган қуйруқ ёғини олиб, қозон бошига қўйди. Йигитнинг чориғини ечтирмасдан тўрга ўтқазди, ортиб қолган паловни товоғи билан олдига суриб, ейишга таклиф қилди.

— Сенинг номинг Ёдгор эмасми?— деди Исомиддин.

— Ҳа, Ёдгор,— деди йигит, ош ейишдан тўхтаб.

— Жуда яхши. Тез-тез ол, ея бер! Уялма, уялган оч қолади.

Ёдгор ош ейишга киришди. Исомиддин Азимшоҳнинг илтимоси бўйича унга насиҳат қилиш ўрнига, эсига келган ғазалларни ўқиб куйлай бошлади. Куйнинг авжларида Ҳайит ҳам жўр бўларди. Охирда меҳмонни хурсанд қилмоқчи бўлиб, тоғлик тожикларга маъқул тушадиган нақши-мулла ҳавосини куйладилар.

Ёдгор ошни еб бўлгандан кейин, уни узатиб, яна куйлашга киришдилар:

...Агар беҳишт диҳандат фиребашон махўрн!
Қадам зи мадраса берун манеҳки, жо — инжост![1]

Бу байтни ушшоқ ҳавосида қайта-қайта ўқидилар. Афтидан, уларнинг бугун мадрасадаги кайфлари майхонадагидан ортиб тушди, шоир ёзган нусхада: «Қадам зи майкада берун манеҳ...» бўлса ҳам, улар «майкада» сўзини «мадраса»га айлантириб куйлардилар.

[1] Мадраса одати бўйича, ҳужра эгаси эшикни тақиллатган одамни қабул қилмаса, юқоридаги сўзлар билан жавоб берарди.

ДОИРА ХАБАР

Ҳайит ва Исомиддиннинг кайфи бир оз тарқалган бўлса ҳам, бош оғриғи тинч ухлашга қўймади. Шунинг учун улар кўчага чиқиб тоза ҳавода бир оз дайдимоқчи бўлдилар.

Бухоронинг тор ва қоронғи кўчалари Ҳайитга ёқмади.

— Валлоҳий, Бухоро кўчаларидан гўр яхшироқ,— деди у.

— Айбимизни яширадиган шу қоронғи кўчалар-да. Агар бу кўчалар ёруғ бўлса, қачонлар расво бўлардик,— деди Махсум.

— Қоронғида юрагим сиқилади, юр, ҳужрага бориб ётамиз, ёки бирор базм топиб кўнгил очайлик.

— Базм топиш учун шу қоронғи кўчаларда дайдиш керак,— деди Махсум.

Ҳайит Махсумнинг таклифига рози бўлди.

— Аммо қайси томонга қараб борамиз?

— Таваккал қилиб, Хиёбон томонга бораверамиз. Қаёқдан доира товуши эшитилса, ўша ерга «доира хабар»[2] бўлиб кириб борамиз.

[1] Жаннат берсалар ҳам алданма! Қадамингни мадрасадан ташқари қўйма, айш-ишрат қиладиган жой шу жойдир.

[2] Бухоро одати бўйича доира чалинадиган базмларга чақирилмасдан кириб бориш мумкин, бундай чақирилмаган меҳмонларни «доира хабар» меҳмонлар дейилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу икки «толиби илм» номаълум талаб йўлида Хиёбон томонга қараб боравердилар. Миракон гузарига боргунларича ҳеч бир томондан доира товуши эшитилмади. Миракон хонақоҳи олдидан Хиёбоннинг катта кўчасига бурилганларида, Хиёбон бозори томонида узоқдан доира товуши эшитилди. «Толиби илмлар» шавқланиб, қадамларини тез ва дадил боса бошладилар. Бозор бошига яқинлашганлари сари доира товуши ҳам баландроқ ва аниқроқ эшитилар эди. Усти ёпиқ бозорга етдилар. Растанинг ўртасида девордаги қозиққа осилган қора фонус хира ёнмоқда, чироқ остидаги гулхан олдида довулни бош остига қўйган шабгард (миршаб одами) ётар эди.

— Даҳбоши ака, базм қаерда?— деб сўради Исомиддин. Соқчи оддий шабгардлардан бўлса ҳам, Исомиддиннинг унга «даҳбоши» деб хитоб қилиши хушомадгўйлик учун эди.

Шабгард бошини кўтармасдан ва йўловчиларга қайрилиб ҳам қарамасдан:

— Эшони Имло гузарида,— деб жавоб берди ва юзларини буриштириб, ўзича нималардир ғурунглади. Бу унинг уйқусига халал етказган бедард базмчилардан норози бўлганини кўрсатарди.

...Яна бир оз юргандан кейин, икки шерик базм бўлаётган ҳовлига кириб бордилар. Базм Эшони Имло маҳалласидан нарироқда, Сарбон гузарида, дарвозаси қуббали бир ҳовлида экан.

Торгина ҳовли юзида катта ўчоқ қазиб, унга ярим ботмон гуруч пишадиган катта мис қозон қурилган, ўчоқ атрофида кўпгина шивоғ ўтин ғарамлаб қўйилган, ўчоқдан нарироқдаги супада ҳар бирига бир машк сув сиғадиган икки катта самовар қайнамоқда, самовар олдида ўн икки кўзлик катта манқал яшнаб турибди, манқалнинг ҳар бир кўзида бир чойнакдан чой дамлаб қўйилган.

Базм бўлаётган хонадан бир неча йигит бўшаган чойнакларни олиб чиқиб, манқал устида қайнаб турган чойнаклардан олиб базмхонага кирдилар. Самоварчи бўшаган чойнакларга чой дамлаб, яна манқал устига қўйди.

Бизнинг «доира хабарлар» шивоғ ўтинлар ғарами устидан туртина-туртина, зўрға ўтиб, супага чиқдилар ва базм бўлаётган хонанинг очиқ эшиги олдида тикка туриб, базмни томоша қила бошладилар.

Базмхона тўққиз болорлик бўлиб, ичи одам билан тўла эди. Ундаги томошабинлар ўша замонлардаги маддоҳлик маъракаларида ёки беданабозлик давраларида ўтиргандай, олдинма-кейин, зич бўлиб ўтирардилар.

Давранинг ўртасида кичкина очиқ жой бўлиб, унда яшнаб турган манқаллар олдида тўрт нафар доирачи, якка қарс ҳавосида доира чалмоқда ва шу ҳавода куйламоқда эдилар. Ўртада кокиллик бир ўғил бола ўйнамоқда, чалинаётган ҳавога мувофиқ ғазал ўқиб куйламоқда эди. Ўйнаётган боланинг олдида, белини устидан боғлаб, кўкрагини очиб, гўё томошабинларни хурсанд қилиш учун, юзини кўмир хокаси билан қора қилган бир йигит, икки қадоқ келадиган жайдари шамни ёндириб, ўйинчининг юзига тутарди. Бу йигит бир тиззаси билан ерга чўкиб, ўйинчи қайси томонга айланса, ўша томонга айланар эди.

Бизнинг «доира хабарлари»миз эшик олдида туриб, бир оз базмни томоша қилганларидан кейин, маҳалла бўз болаларининг йигит оғаси келиб:

— Қори ака[1], ичкарига киринглар,— деб таклиф қилди.

Шунчалик ишоратни кутиб турган «азиз» меҳмонлар ҳам, кавушларини ечмай ичкари кирдилар ва зич ўтирган одамларнинг тиззаларини боса-боса ўртага ўтдилар.

Йигит оғаси доиранинг олдида ўтирган томошабинларни икки томонга суриб, яна ҳам зичроқ қилиб, чақирилмаган меҳмонлар учун жой топиб берди. Улар ҳам юзларча базмхоналарда тўшалиб усти шам ёғи билан шувалгандай ялтиллаб кетган намат устига баҳузур чўккалаб ўтирдилар[2].

Бу кеча бизнинг «доира хабарлари»мизнинг ошиқлари олчи турди; улар ичкарида тўхтовсиз чой ичиб, бўшаган чойнакнинг қопқоғини шақирлатиш билан дарҳол янги чой келиб турар эди. Кундузи кўп еб, кўп ичиб, оғирлашган Ҳайит ва Махсум учун қайноқ чой табиб буюрган шарбатдай эди.

---

[1] Бухоронинг авоми, муллалар қиёфасида бўлган ҳар бир кишига «қори ака» деб мурожаат қилардилар.

[2] Бухоро косиблари базм қилганда наматни бозордан бир кечалик ижарага олиб келардилар, наматфурушларнинг бундай наматлари шам ёғи билан шувалгандай ялтиллаб кетарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу аҳволдан хурсанд бўлган Исомиддин Ҳайитнинг қулоғига шивирлаб:

— Булар муллаларнинг қадрига етадиган одамлар экан, бизни кутганимиздан ортиқроқ ҳурмат қилишди,— деди.

— Яхши одамларни зап топибсан-да,— деди Ҳайит Исомиддиннинг фикрига қўшилмасдан,— «хирс мулла мешавад аз зарби чўп», (таёқнинг зарбидан айиқ ҳам мулла бўлади) деганлар. Буларни Шариф кичири ҳовлисида бўлган воқеа ҳушёр қилиб, «яхши одам» бўлишга мажбур этган.

Ҳайитнинг ҳикоясига кўра, Шариф кичири деган бир ижарадор бой, доира хабарлар кира олмайдиган базм ташкил қилган. Доира хабар муллалар келиб у базмга кира олмаганлар, мадрасаларга хабар бериб, кўп муллаваччаларни тўплаб, базмхонага бостириб кирганлар, катта осма лампаларни синдирганлар. Уйга тўшалган шолча, гилам ва кўрпачалар устига керосин тўкилиб, ўт тушиб, ёнғин бошланган. Аммо маҳалла аҳолиси ва чақирилган меҳмонлар ғайрати билан ёнғин ўчирилиб, телефон орқали чақирилган қози калон ва миршаб одамлари воситаси билан бевош муллаваччалар базмхонадан ҳайдалганлар, уй ва маҳалла ёнғиндан сақлаб қолинган.

Муллаваччаларнинг «қаҳрамонликлари»ни ҳикоя қилаётганда, Ҳайит бўрининг ўзи ҳам «ғайрат»га келиб, овозини баланд кўтариб, базмнинг боришига халал етказди. Шунинг учун «хомуш!» (жим туринг!) деган садо чиқиб, уни сўздан тўхтатди...

Бир пайт базм тугади, созандалар базмхонадан чиқиб, бошқа хонага дам олиш учун кирдилар. Меҳмонлар ҳам супага чиқдилар, доирачилар олдидаги манқаллар ҳам хонадан чиқарилди, шифтдаги осма лампалар паст қилиниб, уй ярим қоронғи қилинди. Шундай бўлса ҳам, бизнинг «доира хабарлар»имиз иккинчи пайт базмни кутиб, жойларидан қимирламай ўтирмоқда эдилар.

Бу ҳолни кўрган уй эгаларидан бири:

— Меҳмонлар, хуш келибдилар! Эрта билан тўйга келадиган меҳмонларга ош тайёр қилишимиз керак, шунинг учун вақтлироқ ётишимиз лозим,— деб супадан овоз берди. Албатта, бу гаплар бизнинг чақирилмаган меҳмонларимизга қаратиб айтилган эди.

Бу ҳолни кўрган Исомиддин, Ҳайитнинг қулоғига шивирлади:

— Шу қадар ҳурмат ва обрў етар, юзимизга тикилиб «бўлди энди, чиқиб кетинглар, тақсирлар» дейишдан илгари, ўз ихтиёримиз билан чиқиб кетишимиз керак.

Бу фикр Ҳайитга ҳам маъқул тушди, иккаласи истар-истамас жойларидан туриб, хонадан чиқдилар.

— Хуш келдилар, тақсирлар! Босган қадамларингиз кўз устига. Ҳар қандай камчилик бўлган бўлса, кечирсинлар-да.

Чақирилмаган меҳмонлар супадан тушаётганда, биров уй эгасига:

— Домлаларни кузатиб қўй!— деди.

Бошқа бир киши пастроқ овоз билан:

— Орқаларидан тош отиб қол!— деди.

Бу ҳазилга ўхшаган ҳақоратни бизнинг «меҳмонлар» англаган бўлсалар ҳам, ўзларини билмасликка солиб, ҳовлидан чиқдилар.

БЕМАҲАЛ АЗОН

«Доира хабар» муллалар базмдан қайтишда йўлларини ўзгартириб, Қўшмадраса орқали юрмоқчи бўлдилар. Чунки, одат бўйича, шаҳарнинг миршаби ярим кечаларда Жўйбор ва Хиёбон томонларда бўлар эди. Бизнинг муллалар у билан дуч келиб, кечаси кезиб юриш учун ёлғон-яшиқ баҳоналар топиб ўтиришни лозим кўрмадилар.

Исомиддин бир оз дадилроқ қадам босса ҳам, Ҳайит орқада судралиб зўрға юрар эди:

— Валлоҳий, очликдан жоним ҳалқумимга келди, қадам босишга ҳам мадорим қолмади,— деди.

— Текин чойни кўриб шу қадар кўп ичдикки, менинг ҳам қорним очликдан танбур чаляпти,— деди Исомиддин... Улар туртина-суртина Қўшмадраса бозорига етдилар. У ерда миршабнинг даҳбошиси гулхан ёқиб, ўз шабгардлари билан чақ-чақлашиб ўтирарди. Муллалар даҳбоши олдига бориб, ундан чилим сўрадилар. Бир шабгард даҳбошининг буйруғи билан чилим солиб, яхшигина пишитиб муллаларга тутди. Улар қуриллатиб чекаётганларида:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Тақсиржон, мени қутқаз,— деган овоз эшитилди. Исомиддин овоз чиққан қоровулхонага яқинроқ бориб:

— Сен кимсан?— деб сўради.

— Мени танимайсанми? Шу кун сенга қуйруқ ёғи олиб бориб бермадимми?[1]— деди у одам.

— Хаҳ! Азимшоҳнинг одамимисан? Бунда нима қиляпсан?

— Бугун мадрасадан чиққанимдан кейин, йўлда адашдим. Ҳар қанча қидирсам ҳам хўжайиннинг қўшхонасини — Фатҳиллабойнинг уйини тополмадим. Ҳар кимдан «Фатҳиллабойнинг ҳовлиси қаерда?»— деб сўрасам, «билмайман» деб жавоб беради. Охир кеч кириб, кўчалар қоронғилашди. Шу вақтда булардан бири (шабгардларга ишорат қилиб) мени тутиб, банди қилди. «Мени Фатҳиллабойнинг уйига — хўжайиним олдига олиб бориб қўйинглар, кечиксам, хўжайин койийди» десам ҳам, булар қулоқ солишмади.

— Даҳбоши! Буни озод қилинг! Бу бизнинг меҳмонимиз,— деб Исомиддин соқчилар бошлиғидан сўради.

— Хўп, майли,— деди даҳбоши истар-истамас,— бу йигит «менинг хўжайиним Фатҳиллабойнинг меҳмони» деганида, «эрта хўжайинидан бир дегжўшнинг пулини олиб, сўнгра озод қиламан», деб ўйлаган эдим. Энди сиз тўғри келиб, буни текин озод қилдирдингиз.

— Зарари йўқ,— деди Исомиддин,— сизга худо бунинг эвазини бошқа жойидан етказади. Агар бу кеча Сарбон маҳалласидаги базмга йиғилган меҳмонларнинг йўлини тўссангиз, бир неча дегжўшнинг пули унади.

Муллалар Ёдгорни бирга олиб йўлга тушдилар. Улар Ёдгорни қўй жаллоб Фатҳиллабойнинг ҳовлисига қўйиб, кейин ўз жойларига бормоқчи бўлдилар. Фатҳиллабойнинг ҳовлиси Арабон гузарида бўлиб, унинг тўғри йўли Регистон орқали бўлса ҳам, кечалари у йўлдан юриш мумкин эмас эди, чунки Регистонда ва умуман амирнинг арки атрофида соқчилар тургани сабабли, «кеча номини» (паролни) билмаган киши у ерлардан ўтолмасди. Шунинг учун улар Регистонни четлаб, Болойи ҳовузнинг орқасидан ўтиб, Устаруҳи, Аскарбий ва Кофарработ маҳаллалари орқали айланиб бориб, Мирзоғафур маҳалласига тушиб, у ердан Арабон маҳалласига ўтишга мажбур бўлдилар. Шериклар мазкур йўл билан бориб, миршабхона ва амирнинг арки орқасига чиқадиган тор кўчадаги Фатҳиллабой ҳовлисига Ёдгорни қўйгандан кейин, ўзлари Арабон гузаридан ўтадиган катта кўча билан шарққа юриб, Ҳовзи Чўббоз орқали ўз манзилларига бормоқчи бўлдилар.

[1] Тог тожиклари ҳамма билан «сан-санлашиб» гаплашадилар.

— Ҳориган ва очиққан чоқда, сенинг Азимшоҳингни хотири учун, шу қадар узоқ йўлни кезиш «дард устига чипқон» бўлди,— деди Ҳайит.

— Ҳақиқатан ҳам сен бўрисан,— деди Исомиддин,— Азимшоҳ қўйининг қуйруғини ейиш яхши, аммо унинг адашган одамини бир неча қадам ортиқроқ йўл босиб, манзилга етказиш малолми?

...Бизнинг йўловчилар жим боравердилар, очликдан гапиришга мадорлари қолмаган эди. Ҳақиқатан ҳам, мастлик орқасида меёридан ортиқ ичилган кўк чой, уларнинг ошқозонларини темир супурги билан супургандай тозалаб юборган эди. Нонвойхона олдидан ўтганларида, иссиқ ноннинг ҳиди димоғларига уриб, очиққан меъдаларини яна қўзғатарди.

— Пулинг борми, бирор нон олиб есак?— деб сўради Ҳайит Исомиддиндан.

— Пулим йўқ, лекин текин нон топиш учун бир тадбир эсимга келди.

—Қандай тадбир, ўғирлаймизми ёки тилаб оламизми?

— Ўғирлашнинг ҳожати йўқ, аммо одамшавандалик билан гадойлик қиламиз.

—«Одамшавандалик билан гадойлик қилиш» нима деган гап? Беҳуда гапингни қўй! Ҳазил қилишнинг вақти эмас. Очликдан жоним чиқаёзди. Қўлингдан келадиган бўлса, нонни қўлга киргизадиган бирор чора топ! Мен бўлсам, ҳозир ўғриликдан ҳам, гадойликдан ҳам қайтмайман.

— Сабр қил, ҳақиқий тадбирни айтиб берай,—деди Исомиддин ва изоҳлай бошлади,—шу кунларда шаҳарда вабо касали пайдо бўлганлиги маълум. Бу касалликни даф қилиш учун «бирдан-бир чора» деб қози калоннинг шаҳар сўфиларига кечалари бемаҳал азон айтишга буюрганлиги ҳам сенга маълум. Ўтган кеча мен мадраса саҳнида турганимда, икки сўфи уста Ҳамронинг нонвойхонаси олдида тўхтаб, бевақт азон айтдилар. Улар азон

www.ziyouz.com kutubxonasi

айтиб бўлгач, нонвойхонадан бир киши икки нон олиб чиқиб, сўфиларга берди. Биз ҳам Ҳовзи Чўббоз олдидаги Мирзомухтор нонвойхонаси олдида туриб, бемаҳал азон айтамиз. Албатта, шогирд нонвойлар бизни қуруқ қўймайдилар.

— Офарин,— деди Ҳайит ўз шеригининг бу тадбирини эшитиб,—мен бўри бўлганим сабабли, ўғриликдан бошқа тадбир эсимга келмаган эди. Сен тулкидай дунёнинг бутун ҳийла-найрангларини биласан. Яна офарин! Тез юр, сенинг самараси аниқ бўлган бу тадбирингни эшитгач, нон егандай бўлиб, оёқларимга жон кирди.

Шериклар шошилиб юриб Мирзомухтор нонвойхонасига етдилар. Ҳар иккиси ҳамовоз бўлиб, азон айта бошладилар. Азон айтиб бўлгач, улар йўл устида ўтириб, қориларча қироат билан азон дуосини ўқий бошладилар. Бирдан нонвойхона эшиги очилиб бир шогирд нонвой ҳар бири бир қадоқ келадиган, тандирдан янги узилган иккита нон кўтариб чиқди.

Азон дуоси ҳали тугамаган бўлса ҳам, Ҳайит ўз шеригига:

— Энди бас қил! Муддао ҳосил бўлди, дуомиз оғзимиздан чиқар-чиқмас, худо даргоҳида қабул бўлди,— деди.

Шериклар дуони чўрт кесиб, қўлларини бетларига суйкадилар. Шогирд нонвой нонларни муллаларга бериб, дуо илтимос қилди. Улар нонларни олиб, шогирд нонвой ҳақига қисқача дуо ўқиб, ўз йўлларига жўнадилар.

Улар йўл-йўлакай бир нонни икки бўлиб, ҳар бирлари ўз улушларини бурда-бурда оғизларига тиқиб, чайнар-чайнамас юта бердилар. «Ҳа» дегунча иккинчи нонни ҳам еб тугатдилар.

— Агар тўртта нон берганларида нафслар бир оз ором оларди,— деди Ҳайит.

— Ҳайит, яхшики, сен икки оёқли бўрисан, агар тўрт оёқли бўлганингда, дунёда қўй зотини қолдирмай, ҳаммасини еб тугатар экансан,—деди Исомиддин,—бир авом сенга ихлос қўйиб нон бераркан, сен унга миннатдорлик қилиш ўрнига, ортиқча талаб қиласан. Улар содда кишилар бўлганлари сабабли бизга нон бердилар. Агар бизнинг ким эканимизни билсалар, бошимизга уриш учун тош ҳам бермасдилар.

— Булар содда эмас, аҳмоқ,— деди Ҳайит зарда қилиб.

— Нонкўрлик қилиб, буларни ҳақорат қилма,— деди Исомиддин,— аҳмоқ бўлсалар ҳам, бизни шулар тўйдиради, дунёнинг ободлиги ҳам шуларга боғлиқ. Шунинг учун ўтмишдаги дин олимлари, агар аҳмоқлар бўлмаса дунё хароб бўларди, деганлар...

Қоринлари тўйиб, жонланган муллалар шу тариқа гоҳо фалсафа сотиб, гоҳо ўйин-кулги қилиб, ўз ҳужраларига етиб бордилар...

Эрталаб соат саккизда Ҳайитнинг ҳужраси қаттиқ тақиллади. Маст уйқуда ётган шериклар зўрға уйғондилар. Ҳайит ўрнидан туриб, эшикни очди. Нагбатхўжа экан.

— Эшонжон, тунов кун сизни «банди қилиб олиб кетдилар», деган эдилар. Қандай қилиб қутулиб келдингиз?— деб қарши олди Ҳайит.

— Мени банди қиладиган одам ҳали онадан туғилган эмас,— деди Нагбатхўжа ҳужрага кира туриб.

— Юсуф нима бўлди?

— Ҳар иккаламизни тутиб қозихонага олиб бордилар. Қози калон Юсуфга қараб: «Сен лаънати, подшоҳи ислом ҳимоятларида туриб, ароқфурушлик қиласанми»,— дедилар ва жавоб кутмай, мулозимларига: «Бу кофирни жаноби олийга арз қилиб, таъзирини бераман, ҳозирча зиндонга қамаб қўйинглар!» — деб буюрдилар. Мулозимлар Юсуфни зиндонга олиб кетишди. Аммо мендан ҳеч бир гап сўрамадилар. Жаноблари ишорат қилган бўлсалар керакки, бир мулозим мени қозихонанинг сайисхонасига олиб бориб ўтқазиб қўйди. Шомдан кейин мирохўрбоши мени пастқам эшикдан чиқариб, бир одам қўшиб ҳовлига жўнатди.

— «Узунни қўй, қисқани кес!» экан-да, дунёнинг иши,— деди Ҳайит.

— Агар мен каби узунларни кеса берсалар, сен каби қисқалар очликдан ўларди,— деди Нагбатхўжа,—ҳатто қози калон жанобларининг қоринлари ҳам биз каби узунлар давлатидан тўяди. Тез бўл, ош қил,— деб ҳужранинг тўрига ўтиб ўтирди...

САРБОЗ БЎЛИШ

Бухоронинг тоғли ва қишлоқи одамларни ҳайрон қолдирадиган дабдабали иморатлари ва турли-туман моллар билан тўлиб-тошган раста ва бозорлари Ёдгорнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

диққатини торта олмади. Бухоронинг мозор ва мадрасалари ҳам унинг кўнглига таъсир қилмади. Унинг хаёли Гулнорда эди.

У, қўлга олинган кунда Гулнорнинг унга кўрсатган фидокорлиги ва меҳрибонлиги, унинг муҳаббатини бир неча бор орттирган эди. Ёдгор ўйлар эди: «Дарахтнинг илдизи сувда экан, ундан мева умид қилиш мумкин», деганлар, ҳали тирик эканман, яна унга дуч келишим, унинг тотли сўзларини эшитишим мумкин. Гулнорнинг ҳаракатларидан, унинг ҳам мени севгани маълум, шунинг учун у бошқа бирор кишига муҳаббат қўймаса керак. У ясовулнинг қиличидан — ўлимдан қўрқмай, мени ҳимоя этиб, ўшандай қаҳрамонлик кўрсатганда, менинг унга етишиш учун бирор ҳаракат қилмаслигим айб ва уят. Мен жоним борича ҳаракат қилишим керак...

Ёдгор қандай ҳаракат қилишни аниқлаёлмай, ўйлаб кетди, у: «Бу йўлда ҳаракат қилиш учун ҳаммадан бурун Азимшоҳнинг қўлидан қутулиш ва тирикчилик қилиш учун бошқа бирор йўл топиш керак. Азимшоҳнинг қўлидан қутулиш учун эса, қочиш керак. Аммо қайси томонга қараб қочиш керак?» Ҳали тажриба кўрмаган ва дунёнинг паст-баландини билмаган ёш йигит ўз олдида кўндаланг бўлиб турган бу саволга жавоб тополмай ҳайрон бўлиб қолди.

Ёдгор Фатҳиллабойнинг ҳовлиси яқинидаги тор кўчанинг бошида деворга суяниб шундай хаёлга чўмиб ўтирарди. Шу вақтда:

— Дохунда! Сен қаерликсан?— деган товуш уни ўзига келтирди.

Ёдгор қаттиқ уйқудан уйғонган одамдай сесканиб, товуш чиққан томонга қаради. Унинг рўпарасида ҳарбий кийим кийган амир сарбози турар эди. Ёдгор унга тикилди, саволига жавоб бермади.

— Қаерликсан?

— Ҳисорданман,— деб жавоб берди Ёдгор.

— Ҳисорнинг ўзиданми?

— Йўқ, аслим Кўлобдан, бир неча вақтдан бери Сарижўйда тураман.

— У томонлар ободми?

— Обод жойлари ҳам бор, хароб жойлари ҳам бор.

— Узум, қовун сингари мевалар топиладими?

— Ҳа, ҳар хил мевалар бўлади. Нима эди?

— Шу яқинда биз ҳам ўша томонларга борамиз, шунинг учун сўрадим.

— Савдо иши билан борасанми, мулозимликми? (Ёдгор Кўҳистонда бухороликларнинг шу икки табақасидан бошқасини билмас эди.)

— Йўқ,— деди сарбоз,— биз жаноби олийнинг сарбозларимиз, ҳамиша хизматдамиз, қайси томонга буюрсалар, ўша томонга борамиз. Дастамизни Кўҳистон томонларига юбориш учун жаноби олийнинг фармонлари чиқди. Бир-икки ҳафтадан кейин ўша томонга жўнасак керак.

«Амирга сарбоз бўлиб, ўша дастага қўшилиб, Гулнор турган томонларга бориш, насиб бўлмасмикан?» деган умид учқуни Ёдгорнинг кўзида йилтиллади ва шу умид билан сарбоздан сўради:

— Амирнинг сарбозлигига қандай қилиб киради-лар?

— Истаган киши жаноби олийнинг сарбозлигига кира олади!

— Агар мен истасам-чи?

— Сен ҳам истасанг, сарбозликка кира оласан. Сарбоз бўлгандан кейин, ойда йигирма танга ойлик оласан, ҳафтада уч кун машққа ва қоровулликка чиқасан, ҳафтанинг қолган тўрт кунида ўз ишинг билан юра берасан.

— Агар хўжайиним сарбоз бўлишимга рози бўлмаса-чи?

— Агар сен сарбоз бўлишни истасанг, отанг ҳам, онанг ҳам, хўжайининг ҳам, ҳатто ҳокимлар ҳам йўлингни тўсолмайди.

— Кўҳистонга бораётган дастага кирмоқчи бўлсам ҳам қабул қиладиларми?— деб сўради қувониб Ёдгор.

— Албатта, қабул қиладилар!

Ёдгорнинг кўнглида умид учқуни яшнаб кетди.

— Мен сарбоз бўлиб, сен турган дастага кираман, менга йўл кўрсат!— деди.

— Мен ҳозир шу ерда — аркнинг орқасида соқчиликда турибман. Бир соатдан кейин менинг жойимга бошқа сарбоз келиб, мен қоровулликдан бўшайман, сўнгра сени ўз юзбошимиз олдига олиб бораман. Жаноби олийнинг сарбозлари қаторига кирасан-қоласан, вассалом.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Жуда яхши. Мен шу ерда қимирламасдан, сени кутиб тураман.

Сарбоз қоровуллик хизматидан бўшаб келди. Ёдгорни Қофарработ гузарига, ўз юзбошисининг ҳовлисига олиб борди. Ёдгорни дарвоза олдига қўйиб, ўзи ҳовлига кириб, тўғри отхонага борди. Эгархонада қирқ яшар бир деҳқон оёқларига кишан солинган ҳолда, ҳўнг-ҳўнг йиғламоқда эди. Сарбоз у одамга қараб:

— Қурбон! Қачонгача шу аҳволда ўтирасан?— деб сўради.

— Ер қаттиқ, осмон узоқ, шу ҳолга кўникишдан бўлак нима иложим бор?— деди Қурбон.

— Тезроқ бирор одамни сотиб олиб бер-да, ўз бечорачилигингга бор. Бу ерда ҳеч ким сенга шафқат қилмайди,— деди сарбоз.

— Мен қандай қилиб одам сотиб оламан? Бир одам неча танга? Менинг ҳеч нарсам йўқ.

— Менга қара, Қурбон!— деди сарбоз,— ё укангни топиб берасан, ёки одам олиб берасан, бўлмаса, ўзинг сарбоз бўласан. Шундан бошқа илож йўқ. Буни аниқ бил!

— Жувонмарг бўлгур, туғишган укам эмас, онам ўлгандан кейин, отам унинг онасини олган. У онасига эргашиб келган эди. Отам ўлгандан кейин, у менга бегона бўлиб қолди. Ўзи биздан кетиб бевошлик қилиб юрди, ўз ихтиёри билан келиб сарбоз бўлди, яна ўз ихтиёри билан қочиб кетибди. Менга унинг қандай алоқаси борки, ўрнига сарбоз бўларканман ёки одам олиб берарканман?

— Ҳар қандай бўлса ҳам, ҳозир унинг сенга укалик оти бор. Агар сен бўлмасанг, у қочгандан кейин унинг ҳамқишлоқларидан бири унинг ўрнида сарбоз бўлишга мажбур эди. Подшолик иши ҳазил иш эмас, биров келиб жаноби олийга сарбоз бўлиб, бирор ойлик олиб едими, у то ўлгунича сарбозликда қолишга мажбур. Қочса, қариндошларидан бири, агар қариндоши бўлмаса, қўшниси, ё ҳамқишлоқларидан бири сарбоз бўлишга мажбур. Агар одам олиб бермасанг, ўзинг сарбоз бўласан, вассалом. Бошқа чора йўқ!

— Менинг ҳолимга раҳм қилинглар!— деб ёлворди Қурбон,— уч болам, бир муштипар хотиним бор. Бисотимда икки таноб еру иш билан қотган қўлимдан бошқа нарсам йўқ. Бир кун ишламасам, болаларим очдан ўлади. Сарбоз бўлсам, уларнинг ҳоли нима кечади?

— Ҳеч ким сенинг болаларингнинг кафилини олган эмас,— деди сарбоз қатъият билан,— ҳозир сарбозсан. Болаларинг ўладими, қоладими, бу тўғриларни ўйлашга биз мажбур эмасмиз...— сарбоз бир оз жим туриб, яна давом этди,— Қурбон!— деди у юмшоқроқ оҳанг билан,— сен нолиш, ёлвориш билан ўзингни қутқазмоқчи бўласан. Шуни билиб қўйки, ҳеч бир ҳийла-найранг подшолик ишида фойда бермайди. Сен фирибгарсан. Агар тўғри одам бўлсанг, ҳеч бўлмаганда уч юз танга топиб, бирор одамни сотиб олиб, бера олар эдинг.

— Ҳеч ким уч юз танга олиб сарбоз бўлмайди. Энг ози минг танга керак. Агар иш уч юз танга билан битса, мен қачонлар еримни бирор судхўрга гаровга қўйиб, одам топиб берар эдим.

— Сен уч юз танга топиб беришга ваъда бер, мен ҳозирнинг ўзидаёқ одам топаман.

— Уч юз танга топиб беришга минг марта розиман, сиз одам топинг!

— Мен шу бугуннинг ўзида одам топиб, ўрнингга сарбозликка ёздираман. Уч юз танга топиб берганингдан кейин озодсан. Хўпми?

— Жуда яхши. Бугун бизнинг қишлоқнинг оқсоқоли менинг олдимга келади. Ерларимни бирор судхўрга гаровга бериб, уч юз танга топиб келишни сўрайман. Лекин,— деб Қурбон ўйлаб қолди.

— Яна «лекининг» нима?

— Лекин мен ерларимни гаровга қўйиб, уч юз танга топиб берсаму, сиз одам топмасангиз. Бекордан-бекорга ер қўлимдан кетиб, ўзим қарздор бўлиб, яна қамоқда ётсам нима бўлади?

— Худо битта, гап битта. Мен ҳеч кимни алдамайман. Сенга бир яхшилик қилмоқчиман, қўрқма,— деб сарбоз, юзбоши ўтирган меҳмонхонага кирди.

Юзбоши меҳмонхонанинг тўрида уй кийимлари кийиб, ўн беш-ўн олти яшар бир сарбоз бола билан қарта ўйнаб ўтирарди. Сарбоз кирганда, у кўзларини қўлидаги қарталардан узмай:

— Нима гап, даҳбоши?— деб сўради.

— Ҳеч гап йўқ. Давлатингиз шарафидан Қурбоннинг ишини ҳам тўғриладим,— деди сарбоз тикка турганича.

— Қандай тўғриладинг?

— Ҳам уч юз танга беради, ҳам одам топиб беради!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Юзбоши бу гапни эшитгач, қарталарни ташлаб жиддий вазиятда, сарбозга тикилди:

— А... Ҳам пул, ҳам одам топиб беради? Бу қандай жодугарлик? Ўтир! Ростини айт!

Сарбоз юзбоши қаршисида чўккалаб ўтирди:

— Мен қачон сизга ёлғон гапириб эдим? Сиз ростини айтинг, шу уч юз тангадан қанчасини менга берасиз?

— Агар ҳам одам топиб берса, ҳам уч юз танга нақд пул берса, сенга эллик танга бераман.

— Бу хизматим учун эллик танга оз,— деди сарбоз нозланиб.

— Эллик танга ҳам катта пул, саркарда ва унинг мирзасига ҳам бирор нарса бермай туриб, бу пулни ҳазм қилиб бўлмайди. Уларга ҳам энг ози юз танга бериш керак, у вақтда бу пулнинг ярми кетди деявер! Лекин ҳали ҳам бу ишингга ишонгим келмай турибди. Айт-чи, буни қандай қилдинг?

— Мен кимсасиз бир йигитни топиб, уни сарбозликка рози қилдим, сўнгра уни Қурбонга уч юз танга бадалига сотдим. Энди сиз ўша йигитни дафтарга Қурбоннинг укаси ўрнига ёздиринг! Қурбон пулни нақд қилиб берганидан кейин, уни озод қилиб юборамиз.

— Сен топган йигит неча ёшда?

— Тахминан йигирма яшар,— деди сарбоз ва қўшимча қилди,— ёши йигирмада бўлса ҳам, тоғ боласи бўлгани учун, чўрткесар ва сур кўринади.

— Хўп, майли. Ишни қачон битирасан?

— Иш битган. Сарбоз бўлувчи йигит дарвоза олдида турибди.

— Ўлма, Наврўз. Сени «Наврўзи зўр» деганлари бежиз эмас. Ҳар қандай зўр ишни ҳам осонлик билан битирасан.

Қарта ўйнаётган ёш сарбоз чилим солди. Аввал юзбоши, сўнгра Наврўз чекди. Кутилмаган пул ва ўз оёғи билан келган сарбоз юзбошини тараддудга солди.

— Энди сарбоз бўладиган йигитни менга кўрсат!— деди.

— Хўп, тақсир,— Наврўз Ёдгорни бошлаб келиб, меҳмонхонанинг эшиги рўпарасида уни юзбошига манзур қилди.

Юзбоши Ёдгордан номини ва жойини сўрагандан кейин, Наврўзга қараб:

— Буни саркарданинг мирзахонасига олиб бор, номини дафтарга ёздир, кулуча, чалвор ва телпак олиб кийгиз. Сўнгра, қайта бу ерга олиб кел. То ром бўлгунича, бизнинг уйда хизмат қилиб юради,— деди.

Шундай қилиб, Ёдгор амирнинг сарбозлари қаторига кириб қолди.

Ёдгор сарбоз бўлишидан жуда ҳам хурсанд эди. Амирнинг ўн икки минг сарбози қаторида у каби хурсанд сарбоз топилмас эди: у яқинда ўз дастаси билан Ҳисорга, севикли Гулнори яшаган томонга боради, унга Азимшоҳ ҳам, ясовул ҳам, ҳатто бек ва қози ҳам индамайди. Ҳисор томонига боргандан кейин, Гулнорни топиб, ўз ҳимоясига олади, амирнинг сарбози бўлгани туфайли Гулнорга ҳам ҳеч ким гапира олмайди...

Қул учун озодликдан, ошиқ учун ўз жонони висолидан яхшироқ нарса йўқ. Ёдгор ҳам қул эди, ҳам ошиқ. У сарбоз бўлиб, Азимшоҳнинг қуллигидан озод бўлди ва яқинда жононига ҳам етишади. Бу қандай бахт!

Афсуски, Ёдгорнинг сарбозлик иши у ўйлаганча бўлиб чиқмади. Унинг ширин хаёллари кўпга чўзилмади: сарбоз дастасининг сафарга чиқиш куни аниқланди; деҳқонларнинг ва шаҳар меҳнаткашларининг от-арава ва туялари ҳукумат томонидан дастанинг сафари учун босиб олинди; сафар қиладиган дастадаги сарбозлар сафарга ҳозирлик кўриши ва қавм-қариндошлари билан хайрлашиш учун бир ҳафталик хизматдан озод бўлдилар. Шу вақтда тўпчибошидан даста саркардасига қуйидаги мазмунда буйруқ келди:

«Дастангизда ватани Чак-чаки Бўзғоладан наридан бўлган қанча сарбоз бўлса, уларни рўйхатга олиб маълум қилинг. Уларни бошқа дастага ўтказиб, улар ўрнига ўша дастадан сарбозлар олиниб, сизнинг дастага берилади. Чунки жаноби олийнинг муборак фикрларига кўра, тоғ халқидан бўлган одамларнинг қўлига қурол бериб, ўз юртига юбориш ҳукумат ҳикматига мувофиқ эмас».

Бу буйруққа мувофиқ, сафарга ҳозирланган дастадан чиқарилиб, бошқа дастага берилганларнинг биринчиси Ёдгор бўлди. Ёдгор учун ҳеч бир бало, ҳеч бир мусибат бу қадар оғир таъсир қилмаган эди. Унинг яхши ниятлари тор-мор бўлди, бу унинг учун ўлим зарбаси эди.

Ҳозирча унга далда берадиган нарса сарбозлик са-

www.ziyouz.com kutubxonasi

бабидан Азимшоҳнинг қуллигидан қутулгани эди. У Кўҳистон сафаридан маҳрум бўлган бўлса ҳам, Азимшоҳ қўлидан қутулишнинг ўзи бир бахт. Уни Азимшоҳ қуллигидан қутқазган толе, ажаб эмас, яна бирор тасодиф билан уни ўз ёри диёрига етказса. Ана шу хаёл уни бир оз юпатиб турарди.

АМИРНИНГ АСКАРИЙ МУЗИКАСИ

Ёдгор бошқа дастага ўтказилиб, аввалги даста сафарга жўнаганидан кейин, истар-истамас тақдирга тан берди. У эски сарбозларнинг йўл кўрсатишлари билан Қўқалтош мадрасасининг орқасидаги Тагишўр саройида ойда беш танга бадалига, бир ҳужрани ижарага олди. Лекин Ёдгорнинг кўнгли ҳали ҳам Азимшоҳнинг таъқибидан тинчимасди. «У осонлик билан мени қўлдан чиқармас», деб қўрқарди. Аммо кўп вақт ўтмай, бу хавфдан қутулди. Тагишўр саройининг олдида, ҳар кун бозордан кейин, ўбачўлилик қўй жаллоблар тўпланиб, ўзларининг ҳисоб-китобларини кўрардилар. Ёдгор Азимшоҳнинг чўпони сифатида қўй бозорига бориб юрганида, улар билан танишган эди. Ўша қўй жаллоблардан бирининг Ёдгорга хабар беришига кўра, Ёдгор ғойиб бўлгандан кейин, Азимшоҳ бир неча кун уни қидириб юрган, охирда унинг сарбоз бўлганини эшитиб, уни қутқазиб олиш фикрига тушган. Лекин Фатҳиллабой уни бу фикрдан қайтарган: «Юзбоши ва саркарда сени Ёдгорнинг хўжайини эканингни билиб қолсалар, аввал уни сендан хизмат ҳақини талаб қилишга даъват қиладилар ва бу даъвони ўзлари қози калон олдида исбот қилдириб, унинг ҳақини сендан ундириб ўзлари ейдилар; иккинчидан, агар у сарбозликдан қочса, сени унинг собиқ хўжайини сифатида тутиб, унинг жойига одам олиб беришга мажбур қиладилар. Яхшиси, бундай бевош хизматкорнинг баҳридан кечиш керак». Азимшоҳ бу маслаҳатга кўниб, Ҳисорга жўнаб кетган эди.

Бу хабар Ёдгорни руҳлантириб юборди. У, бу ғалабани сарбозлик «шарофатидан» билиб, бу ишга кўнгил қўйди ва софдиллик билан ҳафталик машқ ва қоровулликка қатнай берди...

Бир пайшанба куни, машқ тамом бўлгандан кейин, юзбоши ўз қўл остидаги сарбозларни тўплаб:

— Бугун дам олинглар, эрта билан ҳаммаларингиз менинг ҳовлимга келинглар! Лашкарбоши жаноблари бир катта чорбоғ қурмоқчилар. Ана ўша ерга «бекорликка» (ҳақ тўланмайдиган мажбурий хизматга) борасизлар. Бу ишдан бош тортган ҳар бир сарбоз машқдан қочгандай қаттиқ жазога гирифтор бўлади.

Ўша куннинг эртасига Ёдгор барвақт уйқудан туриб, юзбошининг ҳовлисига борди. Бошқа сарбозлар ҳам икки-икки, уч-уч бўлиб келмоқда эдилар. Келаётган сарбозларнинг бири бир қоп арпа, бири бир кажава узум, яна бири бир қоп қовун ёки бир хурма сариёғ, ё бўлмаса бир сават тухум кўтариб келарди. Юзбошига совға келтирган сарбозларнинг ҳар бири бир баҳона кўрсатиб «бекорликдан» озод бўлиб кетди. Аммо Ёдгор каби ерсиз, жойсиз сарбозлар ва бирор совға олиб келишга қурби етмайдиган камбағаллар «бекорликка» юборилди. «Бекорлик» ойларча чўзилди, аммо чорбоғнинг тамом бўлишидан дарак йўқ эди. Чунки чорбоғ қуриладиган жой юз танобча қўриқ ер бўлиб, Акрамбек тўпчибоши уни сарбозлар кучи билан боғ қилмоқчи эди. Шунинг учун у, бўлажак чорбоғнинг номини «Зўробод» қўйган эди. Аммо халқ у чорбоққа «Зулмобод» номини муносиб кўрди (чорбоғ бино бўлгандан кейин ҳам, халқ уни «Зулмобод» деб юритар эди).

Бухорода қавм-қариндоши ва даромади бўлмаган Ёдгор учун бекорлик деб аталган бу мажбурий хизмат оғир мусибат бўлди: сарбозликнинг йигирма танга ойлигидан беш тангаси ҳужра ижарасига, бир тангаси даста мирзасининг котибонасига кетиб, ҳар ойликдан бир миқдори низомий кийимлар пули учун ушланиб, қолгани кундалик овқати ва кийим-кечагига етмасди. Шунинг учун у бир ҳафта бекорликка бормай, ҳаммоллик ва мардикорчилик қилишга мажбур бўлди.

Уч кун бекорликка бормагандан кейин, сешанба куни машққа бориши билан уни қочоқ сарбоз сифатида тутиб, кийимларини ечиб, аскарий музика асбобларидан бўлган, челак каби дўл устига ётқиздилар. Бир сарбоз унинг икки қўлини, бошқа бир сарбоз икки оёғини ерга босиб турди. Командир карнай орқали «ҳозир бўл!» командасини берди. Дастанинг икки ясовули икки таёқни ҳавога кўтариб, унинг икки ёнида тикка турдилар, аскарий музиканинг ноғорачилари, ҳам ноғора чўпларини юқори кўтариб тайёр турдилар. Дастанинг барча

www.ziyouz.com kutubxonasi

сарбозлари, атрофни қўрғондай ўраб, милтиқларини салом вазиятида бир оз энгаштириб турдилар.

— Ур!— деган команда берилгач, ноғорачилар «рез» ҳавосида ноғора чала бошладилар, ясовуллар ҳам ўша ҳавода чўпларини шартиллатиб, Ёдгорнинг қип-яланғоч этига ура бошладилар.

Афтидан, ноғора садолари саркарда ва амалдорларга яхши таъсир қилган бўлса керак, уларнинг юзу кўзларидан хурсандлик аломати кўриниб турарди. Аммо Ёдгорнинг юзи ерга босилгани сабабли, бу «музикадан» хурсанд ёки хафа бўлгани билинмасди. Ёдгордан сассадо чиқмади ва унинг бу аскарий музикадан таъсирланиб ҳушсизлангани ёки ҳазин нолиши, ноғора-сурнайнинг шовқин-сурони остида сира эшитилмас эди... Бу «музика ўйини» анча чўзилди. Аммо ундан лаззатланаётган саркарда ва амалдорлар уни тугатиш учун ҳеч фармон бермасдилар. Афтидан, таёқ ураётган ясовулларнинг қўли чарчаган бўлса керакки, улар тез-тез саркардага қарай бошладилар. Саркарда ҳам Ёдгорни ураётган ясовулларга раҳми келиб, «ўйинни» тугатиш учун командирга ишорат қилди. Командир:

— Смирно!— деб команда бергач, ноғоралар садоси босилиб, айни замонда таёқларнинг «шарт-шурт»и ҳам эшитилмай қолди.

Командирнинг:

— Вулна! (вольна)— деган командаси билан сарбозларнинг сафи бузилиб, ҳар қайсиси ҳар томонга тарқалиб кетди. Саркарда ва амалдорлар ҳам отланиб, ўз манзилларига жўнадилар. Аммо Ёдгор, кўпкарида ҳаддан ортиқ чопилиб, мажағи чиқариб ташланган эчкининг гавдасидай, қонга бўялган ҳолда майдонда ётарди. Ҳамма тарқалиб кетгандан кейин, Ёдгор билан бир саройда турадиган сарбозлар уни занбарга ётқизиб олиб кетдилар.

ЖАРРОҲЛИК

Тагишўр саройининг сатҳи йигирма мурабба метр келарди. Биринчи қавати кўча сатҳидан бир метрча чуқурликда эди. Қишлоқлардан шаҳарга келган деҳқонлар ўз от-уловларини шу ерга боғлаганларидан сарой ичи гўнг билан тўла эди. Иккинчи қаватдаги кичкина ҳужраларда сарбозлар турарди. Ёдгорнинг жойи ҳам шу ҳужрачаларнинг бирида эди.

Бухоронинг ҳавоси қанча оғир бўлса, бу ҳужраларнинг ҳавоси шаҳар ҳавосидан юз марта оғирроқ, чунки гўнгнинг қўланса ҳиди ҳавони бузарди. Тоғ ҳавосига ўрганган Ёдгор учун бу жуда ҳам оғир эди. У доим қути ўчган, ҳолсиз, сил касалдай бўлиб юрарди. Ҳужрани яхшироқ бирор жойга алмаштиришнинг иложи йўқ эди. Чунки сарбозлар ва умуман камбағаллар ижарага олиб турадиган саройларнинг барчаси шу каби ости молхона, усти турар жой бўлиб, ҳавоси қўланса эди.

Ёдгор таёқ еб, қонга беланиб келганда, саройнинг ҳавоси яна ҳам ёмонроқ таъсир қилди. У, кундан-кун оғирлашиб, ўлим ҳолатига тушди. Сарой ижарадори — Раҳим ёғчининг унга раҳми келиб, жарроҳ келтириб яраларини даволатмоқчи ва бўладиган харажатни унинг ойлигидан бўсиб олмоқчи бўлди. Ёдгор ҳам бу маслаҳатни маъқуллади. Раҳим ёғчи шу мақсад билан Бухоронинг энг машҳур табиби Ашур жарроҳни олиб келди. Ашур жарроҳнинг қорни жуда катта бўлиб, юриш-туришга халақит берарди. Шунинг учун у, саройнинг тор зинапоясидан юқорига, касал ётган қаватига кўтарила олмади. Узоқ ўйлаб турмасдан, халқ таъбирича иш кўрилди, яъни «агар эшакни юкнинг олдига олиб бориш мумкин бўлмаса, юкни эшакнинг олдига кўтариб келиш керак» деганлари каби, жарроҳни касалнинг олдига олиб чиқиш мумкин бўлмаганидан, касални кўтариб жарроҳнинг олдига олиб тушдилар. Жарроҳ касални гўнг уюми устига юзтубан ётқизиб, орқасидаги яраларини кўздан кечирди, кейин ёғчига малҳам пишириш учун қозон, кўра, малҳам ясаш учун керак бўладиган нарсаларни тайёрлашни буюрди. Раҳим ёғчи ош пишириладиган қора чўян қозон, кўра ва бошқа нарсаларни топиб келтирди. Жарроҳ қозонга зиғир мойи солиб қиздиргандан кейин, унга туйилган наша уруғи ва зиғирдона, кати гулоби, даҳани фаранг, қамбил ва анзурати гўшт хўру гўшт бурор[1] каби Бухоро жарроҳларининг малҳамлари учун умумий дори ҳисобланган нарсаларни қиздирилган мойга қўшиб қорди. Малҳам хамирдай қуюқлашиб бир даражада совигандан кейин, жарроҳ «бисмиллоҳирраҳмонирраҳим, менинг қўлим эмас, Луқмони ҳакимнинг қўллари», деб малҳамни ка-

[1] Эски табибларнинг ҳар хил дорилари.

www.ziyouz.com kutubxonasi

салнинг яраларига суркади. Ёдгорнинг авра-астари йиртилган кўрпачасининг эски пахтасини титиб, малҳам устига ёпди ва ярим тивит салласи билан маҳкам боғлади. Ундан кейин Ёдгор ҳақига дуо ўқиб, Раҳим ёғчидан ҳақини олиб уйига кетди.

Раҳим ёғчи ва Ёдгорнинг қўшнилари бўлган сарбозлар уни кўтариб чиқиб, ўз ҳужрасига ётқиздилар. Беш минутдан кейин Ёдгорнинг дод-фарёдига тоқат қилиб бўлмади. У дарднинг зўридан гавдасини ҳар томонга урар ва Раҳим ёғчига ялиниб, жароҳатни очиб, ундаги малҳамни сидириб олишни сўрарди.

Раҳим ёғчи касалга насиҳат қилиб, уни сабр ва чидамга ундаб, бир соатча вақтни ўтказди. Аммо касалнинг тоқатсизлиги минут сайин ортиб, дод-фарёди ҳужранинг шифтини кўтариб отадигандай бўлди, ёғчи истар-истамас ярани очиб малҳамни сидириб олди... «Одам гулдан нозик ва тошдан қаттиқ», деганлар. Гоҳо бир совуқ шамолнинг эсиши билан одамнинг ўпкаси шишиб «ҳа» демасдан ўлиб қолади, гоҳо тоқат қилиб бўлмайдиган дардларга учраб, ўзи ўлимни истаса ҳам, ўлмай, тузалиб кетади.

Тоғ ҳавосида ўсиб, бадани тошдай қотиб кетган Ёдгор кунда юз марта ўлим бўсағасига келгани ҳолда, ўлмай, бир ойдан кейин оёққа турди.

Ўша кунларда сарбозларга ойлик бериладиган кун эди. Ёдгор бошқа касал сарбозлар каби милтиқ сунбасига суяниб, ойлик олиш учун йиқила-сурина Регистонга борди. Ёдгор Регистонда, Тахтапулнинг ён зинаси олдида, ўз даҳасидаги сарбозлар қаторида турди. Навбат етиб унинг номи даста мирзаси томонидан ўқилганда, у зўрға зинадан чиқиб юзбоши қўлидан йигирма тангани олиб, наридаги зинадан пастга тушди. Юзбоши, қушбеги ва саркарда олдида ойликни Ёдгорнинг қўлига топширган бўлса ҳам, пулни ундан қайтариб олиш тўғрисида даҳбошига ишорат билан фармон берди. Бундай ҳодисаларни ҳар ой кўриб билган даҳбоши, юзбошининг мақсадини тушуниб, Ёдгорнинг орқасидан югурди, бир ойдан бери машққа ва қоровулликка чиқа олмаганини сабаб кўрсатиб, ойликнинг ҳаммасини қайтариб олди. Шундай қилиб, энди овқат ейишга киришган Ёдгор нон пулидан маҳрум бўлгани каби, ойликдан олиш ниятида жарроҳга ва малҳамга харж қилинган Раҳим ёғчининг пули ҳам ҳавода муаллақ бўлиб қолди.

ҲИНДИДАН ҚАРЗ

Ёдгор соғайиб, иштаҳаси охирги даҳадан турган пилла қуртиникидай бўлган эди. Лекин бир бурда нони йўқ, ҳаммоллик ё мардикорлик қилишга дармони етмас эди. Раҳмдиллик қилиб ўзидан пул харжлаб, уни даволатган Раҳим ёғчига қарзини тўлаш лозим эди, ёғчи ёмон кунда асқатгани учун одамгарчилик шуни тақозо қиларди.

Очлик ва қарздорлик хижолатидан бир қўшни сарбозга дилини очиб, ундан маслаҳат сўради.

— Бу ишнинг иложи осон,— деди қўшниси,— амир сарбозлари қаторида муҳтож бўлмаган одам оз топилади. Бундай сарбозларнинг ҳожатини судхўр ҳиндилар чиқаради. Истасанг, таниш бир ҳиндининг олдига олиб борай. Ундан сенга фойда тўлаш шарти билан қарз олиб берай. У мен билан кўп олди-берди қилган, менга ишонади, мен орага тушганимдан кейин, сенга ҳам қарз беради.

Ёдгор бу маслаҳатни қабул қилди ва икковлашиб ҳиндилар турадиган саройга, Боймутти деган ҳиндининг олдига бордилар. Боймутти буларни кўргач, Ёдгорнинг қўшнисига қараб:

— Неъматбой, бирор дардинг борки, менинг олдимга келдинг?— деб сўради.

Неъмат Ёдгорнинг номи, турадиган жойи, қайси даста ва қайси даҳада эканини айтиб, унинг учун қарз сўради.

— Биз жаноби олий сарбозларини кўп риоя қиламиз,— деди Боймутти,— биз уларга кафилсиз, гаровсиз ва васиқасиз қарз бераверамиз. Лекин ваъдасига вафо қилмаган сарбозни қозига судраб ҳақимизни ундирамиз ва ундай сарбозга ундан кейин қарз бермаймиз. Ёдгорбой, агар сиз ҳам шу қоидани эсдан чиқармасангиз, сандиғимиз ҳамиша сиз учун очиқдир.

Боймутти Ёдгорнинг юзига бир оз тикилиб тургандан кейин, у ваъдага вафо қилиш тўғрисида сўз бермаса ҳам, ундан:

— Хўп, сизга қанча пул керак?— деб сўради.

— Йигирма танга,— деди Ёдгор.

— Йўқ, бундай бўлмайди,— деди ҳинди,— сиз ҳар ойда йигирма танга ойлик оласиз. Агар ойлигингизга баравар қарз олсангиз, пулнинг фойдасини қаердан то-

www.ziyouz.com kutubxonasi

пиб берасиз? Ўн беш танга қарз олинг. Беш танга фойдаси билан ойлигингизга баравар йигирма танга бўлади. Ҳар ҳафта беш тангадан тўлаб бир ойда қарздан қутуласиз.

Ёдгор ўн беш танга учун беш танга фойда беришга унаса ҳам, ҳафтада беш тангадан қайтаришни рад қилди:

— Ўн беш танга қарз олиб, бир ойдан кейин — ойлик олган вақтимда бирдан йигирма танга қилиб бераман.

Лекин Неъмат орага тушиб, ҳиндининг бу шартини ҳам қабул қилдирди ва кўзини қисиб, сен тўлаёлмасанг, ўзим бераман деди.

Ёдгор рози бўлгандан кейин, Боймутти ҳужра токчасидан бўйи ярим газ, эни бир қарич келадиган чортарош қилинган бир тахтани олиб, унинг бир томонига қарздорнинг номи, жойи, қарзнинг қанчалиги ва тўланадиган муҳлатини ҳиндча хат билан ёзди. Сўнгра темир сандиқни очиб, ундан бешта оқ танга ва ўн тангага баравар келадиган сариқ чақани олиб Ёдгорга берди, ваъдага вафо қилишни яна бир марта эслатгандан кейин уларни жўнатди.

У ердан чиққандан кейин Ёдгор Неъматга:

— Ҳафтада беш танга беришни бекор қўзғадингда. Барибир бу яқин орада беш танга тополмайман. Сен ҳам топиб беролмайсан. Орада бу кофирнинг олдида ёлғончи бўлиб қоламан,— деди.

— Агар унинг шартини қабул қилмасанг, қарз бермасди, борди-ю, ҳафта бошида пул топмасанг, буни ўша вақтда ўйлаймиз. «Болта келгунча кунда дам олади», деганлар. Ҳозирча бу пулни еб бир оз куч-қувват йиғ. Эртанинг ғамини эрта ейсан. Ҳиндидан қарз оладиган сарбозларнинг кўпчилиги ваъдасига вафо қилолмайди.

Ҳафта бошида, Ёдгор уйқудан турмасдан, ҳужранинг эшиги тақиллади. Ёдгор уйғониб, бу ким экан деб ўйлаб турганида, эшик яна ҳам қаттиқроқ тақиллади. Ёдгор туриб бориб эшикни очди. Эшик олдида, эгнида Бухорода тикилган қора майда нақш чопон, бели каноп билан боғлиқ, бошида қора, қундузсиз тўрт бурчак телпакчаси бўлган бир одам турар эди. Бу одам Боймутти эди. Унинг пешонасидаги қизил ҳинд холи қуримаган эди. Бу хол унинг уйқудан туриб, ҳиндилар одатича чўмилиб, манглайига хол қўйиб, бирор нарса

емасдан, Ёдгорнинг ҳужрасига қараб шошилганини кўрсатар эди.

Ҳинди Ёдгорни кўргач, қўлтиғидаги бир халта тахтадан бирини олиб:

— Қани, беш тангани беринг! Мен хат тахтангизга пичоқ билан хат ўйиб қўяман,— деди.

— Хўжайин! Мен ҳозирча пул топганим йўқ. Бугун тайёр қиламан, эртага келиб олинг,— деди Ёдгор.

— Бугун сизнинг жаноби олий сарбози бўлганингиз сабабли, илтимосингизни қабул қиламан. Лекин эртага ваъдангизга вафо қилинг,— деди ҳинди.

Ҳинди бошқа қарздорларини излаб кетди. Эртасига тонг қоронғиси билан ҳинди яна Ёдгорнинг эшиги олдига келди. Аммо Ёдгор пул топиб қўймаган эди. Шунинг учун ҳиндидан яна бир кун муҳлат сўради. Ҳиндининг жиғибийрони чиқиб:

— Дирўз боқи, имрўз боқи, фардо боқи? Пули моро пайдо кун![1]— деб бақирди ва Ёдгорнинг ёқасидан тутиб тортиб, ҳужрадан сарой юзига чиқарди...

Жанжал катта бўлди, бошқа сарбозлар ҳам ширин уйқудан уйғониб, ҳужраларидан чиқдилар. Раҳим ёғчи ҳам шовқин-суронни эшитиб, жанжал устига етиб келди. Сарбозлар ва Раҳим ёғчи ҳиндига гоҳ дўқ уриб, гоҳ хушомад қилиб, бир кунгина эмас, яна бир ҳафта муҳлатни чўзишга рози қилдилар.

— Бир ҳафтадан кейин Ёдгор сенга беш танга топиб бермаса, мен бераман,— деди Раҳим ёғчи. Ҳинди ҳам ноилож кўнди.

Ёдгор энди бир оз қувватга кирган эди, шунинг учун ҳар кун машқдан кейин ҳаммоллик қилиб, машқдан озод кунларида мардикорлик қилиб, ҳафтада беш тангадан ҳиндига тўлаб турди. Уч ҳафтада у ўн беш танга тўлади. Энди Ёдгорда ҳиндининг фақат беш тангаси қолган ва бу пулни келаси ҳафтада топиб бериб қарздан бутунлай қутулиш унча қийин эмас эди.

ҲИНДИНИНГ ЎЛИМИ

Ҳиндига тўланадиган охирги беш танганинг муҳлатига икки кун қолган эди. Ёдгор тўрт танга топиб қўй-

[1] Кеча кечиктирдинг, бугун кечиктирасан, эрта кечиктирасан! Қачонгача кейинга қолдирасан? Бизнинг пулни топиб бер, ахир!

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган, қолган бир тангани ҳам шу икки кун ичида топиш унча қийин эмас. Ана ўша куни Ёдгор машқдан келиб, бир тангани топиш учун ҳаммолликка чиқаман деб турганда, Раҳим ёғчига дуч келиб қолди.

— Хушхабарни эшитдингми?

— Қандай хушхабар экан?— сўради Ёдгор.

— Боймутти ўлибди!

— Йўғ-е!

— Нега йўқ? Ҳозир ўлигини куйдириш учун шаҳардан ташқарига олиб чиқиб кетадилар.

— Кеча у менга дуч келиб: «Албатта, икки кундан кейин қолган беш тангани тўлайсан! Эсингдан чиқарма!»— деган эди. Қандай қилиб бир кечада ўлиб қолибди! Ҳазил қилманг!

— Ўлимнинг ҳазили йўқ,— деди Раҳим,— худо кофирларни касал қилмасдан ўлдиради. Чунки, агар улар касал бўлсалар, ажаб эмаски, ўлим тўшагида ҳушёр бўлиб, тавба қилиб, мусулмон бўлиб ўлсалар. У вақтда уларнинг қилган гуноҳлари жазосиз қолиб, текингина жаннатга кириб кетадилар.

— Мен ўз кўзим билан кўрмагунча унинг ўлимига ишонмайман!— деб Ёдгор Боймутти турадиган ҳиндилар саройига қараб жўнади. Ёдгор ҳиндилар саройининг олдига борганда, у ерда ўйнаб турган бир неча болани кўрди: болаларнинг қўлида иккитадан чўп бўлиб, «рам-рам сатти, бегуноҳ рафти (гуноҳсиз ўлдинг)» деб куйлаб ва қўлларидаги чўпни бир-бирига уриб, рақс қилардилар.

Ёдгор болалар ўйинини бир оз томоша қилганидан кейин саройга кирди. Барча ҳужраларнинг эшиклари ёпиқ эди, ҳиндилар эса, Бухородa тикилган бир хил қора чопон кийган, беллари канопча билан боғланган ва бошларида тўрт бурчак, қундузсиз қора телпакчалар кийганлари ҳолда, Боймутти ҳужрасининг олдида саф тортиб турар эдилар; манглайларидаги холнинг ранги бугун бир оз қуюқроқ эди. Фақат қўлтиқларида чорраҳа тахта тўлдирилган халталари йўқ эди. Ёдгор бир оз томоша қилиб турди. Лекин Боймуттининг ўлган-ўлмаганини бировдан сўрашга журъат қилмади. У ердаги ҳиндилар орасида Боймутти йўқ, аммо ҳужрасининг эшиги очиқ эди.

Шу вақт белига лунги тутган ва бошқа бир лунгини ўнг ўмизидан осилтириб, иккинчи учини чап қўлтиғидан

ўтказиб олган, сочлари узун, пахмоқ бир ҳинди Боймуттининг ҳужрасидан чиқди. Унинг эгнида ҳалиги лунгилардан бўлак кийими йўқ эди.

Ҳужра олдида саф тортиб турган ҳиндилар унга ҳурмат кўзи билан қараб турардилар. Бу ҳинди рўпарада бир оз жим тургандан кейин, ҳинд тилида нималарнидир айтиб бақирди. Бошқалар унинг гапига жавоб бергандай, бирдан:

— Рам-рам сатти!— деб бақирдилар.

Сўнгра лунгига ўралган ҳинди Боймутти ҳужраси олдида турган бир қопни очиб, унинг ичидан силлиқ тарашланган, узунлиги ярим газ, йўғонлиги бош бармоқдай келадиган таёқларни олиб, ҳар бир ҳиндининг қўлига иккитадан берди, ўзи ҳам иккитасини олиб, бир қўлини ҳавога кўтарди, нималарнидир айтгандан кейин, таёқни бир-бирига уриб:

— Рам-рам сатти,— деди.

Бошқа ҳиндилар ҳам таёқларни бир-бирига уриб:

— Рам-рам сатти, рам-рам сатти!— дея бердилар.

Шу вақт тўрт ҳинди Боймутти ҳужрасидан бир шотини кўтариб чиқди, шоти устига латтага ўралган жасад қўйилган эди. Пахмоқ соч ҳинди шоти кўтарганларнинг олдига тушиб, сарой дарвозасига қараб йўл бошлади, бошқалар шотининг орқасидан тизилиб, қўлларидаги таёқни бир-бирига уриб, «рам-рам сатти, рам-рам сатти» деганча дарвозадан чиқиб кетдилар.

Ёдгор умрида биринчи марта дуч келган бу томошага қизиқиб, ҳали ҳам Боймуттининг ўлик-тириклигидан хабардор бўлолмаган эди. У ёлғиз шуни билардики, саф тортиб жўнаган ҳиндилар орасида Боймутти кўринмасди. У, Боймуттидан аниқ хабар топиш учун, ҳужра томонга бораётганида, саройбон югуриб келиб ёқасидан тутди:

— Бу вақтда бўш қолган саройда нима қилмоқчисан ўғри?— деб уни сарой дарвозасига қараб судради.

Бу туҳматдан қўрққан Ёдгор, тили тутила-тутила:

— Мен... мен... менинг Боймуттида ишим бор эди,— деди.

— Боймутти у дунёга кетди, агар ишинг жуда зарур бўлса, сен ҳам орқасидан бор!— деб, саройбон уни қувиб юборди.

Энди Ёдгорда Боймуттининг ўлганига шак-шубҳа қолмади, шоти устига қўйилган жасад унинг ўлиги эка-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нини аниқ фаҳмлади. Саройбоннинг қўпол муомаласидан ранжиган бўлса ҳам, аниқ ва яхши хабар топгани учун уни кечирди.

Ёдгор бугун ҳаммолликка чиқмасликка қарор берди. Чунки Боймутти ўлган, унинг қарзидан қутулган эди, Боймутти учун топиб қўйган тўрт тангага бозордан тайёр таом олиб емоқчи бўлди.

Бугун ишга чиқмайдиган бўлгандан кейин, дам олиш фурсатидан фойдаланиб, ҳиндиларнинг ўлик куйдириш маросимларини томоша қилмоқчи бўлди. Шу мақсад билан тез юриб, ўликни олиб бораётган ҳиндиларга етиб олди, томошага бораётган бухороликларга қўшилиб бораверди.

Ҳиндилар Боймуттининг ўлигини кўтариб, Саллоҳхона дарвозаси орқали шаҳардан узоқ бир даштликка олиб бордилар. Аҳоли яшайдиган жойлардан ва экинзорлардан узоқда бўлган бу даштда ҳиндилар олдинроқ келиб, бир неча саржин ўтинни қалаб тайёрлаб қўйган эканлар. Боймутти ўлигини мана шу ўтинлар ғарами устига чиқариб, қоқ ўртасига қўйдилар. Сўнгра ўлик ва ўтинлар устидан бир челак зиғир мойни қуйиб, тўрт томонидан олов ёқиб юбордилар. Олов алангаланиб, ўликка бориб етди. «Чарс-чарс» садо ва қўланса ис чиқиб, атроф-теваракни босди. Шундай бўлса ҳам, томошабинлар енглари билан оғиз, бурунларини бекитиб, томошани давом эттирдилар. Ҳиндилар бўлса, пахмоқ сочли ҳиндининг орқасида туриб, таёқларни бир-бирига уриб, «рам-рам сатти» деб, олов теварагида айланмоқда эди.

Ўтинлар ёниб, майдонда чўғ уюми пайдо бўлгунча, бу ҳол давом этди. Ундан кейин пахмоқ сочли ҳинди олов олдида қолиб, бошқалари шаҳарга қайтдилар. Томошабинлар ҳам улар билан олдинма-кейин шаҳар томонига йўл олдилар.

Ёдгор ҳам шаҳарга қайтиб келиб, Лаби ҳовузи девонбеги атрофидаги ошхоналарнинг бирига кириб, қорнини тўйдиргандан кейин, ҳужрасига бориб тинч ётди.

САЛЛАЛИ ҲИНДИ

Энди Ёдгорнинг тирикчилиги тартибга кира бошлаган эди. У, ўзини моддий жиҳатдан таъминланган ҳисобларди; ҳиндининг қарзидан қутулган, яқинда олади-

ган ойлиги бутунлай (ҳужра ижараси ва мирзанинг котибонасидан бошқа) ўз қўлида қолар, сарбозлик кийимларининг ҳақи ҳам тўланиб бўлган, машқдан кейин ва бўш кунларида ишлайдиган пули ҳам ўз қўлида қолади.

Энди Гулнордан узоқлашиб қолгани учун қайғурар эди. Лекин бу тўғридан ҳам умидсизликка тушиши тузук эмас, уни Азимшоҳнинг қўлидан қутқазган, ўлим тўшагида нажот берган, ҳинди қарзидан озод қилган тасодифий бахт, ажаб эмаски, уни ўз ёру диёрига, ўз жонони Гулнорига ҳам етказса.

Ёдгор мана шундай хаёллар билан хурсанд бўлиб, тинчланиб, ҳиндининг ўлими томошасидан қайтган кечасини осойишта уйқу ва яхши тушлар билан ўтказди. Эртаси машққа ҳам шод-хуррамлик билан борди ва машқдан кейин янги куч-қувват билан ҳаммолликка чиқиб, яхшигина ишлаб қайтди, ўша куни хурсандлигидан қўшни сарбоз Неъматни Лаби ҳовузи девонбеги олдидаги ошхоналарнинг бирига олиб бориб, зиёфат қилди. Эртасига ҳам баланд руҳ билан машққа борди. Машқдан қайтгандан кейин, ҳарбий кийимларини ечиб, чангини қоқиб тозалаш учун ташқарига чиқди.

Кийимларини силкитиб турганида сарой эшигидан бир савлатли одам кирди. Бошида катта оқ салла, эгнида катта жиякли узун ва кенг банорас тўн, оёғида ярқираб турган амиркон кавуш-маҳси, у катта муллалар қиёфасида эди.

Ёдгор бу одамни кўриб ажабланди, «сарбозлар ва деҳқонларнинг от-уловларидан бошқа жон-зот кирмайдиган бу ифлос саройда бундай озода ва савлатли муллаларнинг қандай иши бор экан», деб ўйлади. У одамга яна диққат билан кўз тикди, унинг қўлтиғида хат тахтани кўриб, таажжуби яна ҳам ошиб кетди: «Боймуттини тушда кўраётган бўлсам керак?» деб ўйлади. «Аммо Боймуттининг афт-башараси тамом бошқа эди, кўзлари қора, катта, лаби қалин, туси қора, соқоли қалин, манглайида қизил холи бор эди; бу одамнинг кўзлари сарғимтир, лаблари юпқа ва қонсиз, туси оқ... Балки ўлар чоғида худо Боймуттининг қулфи дилини очгану, мусулмон бўлиб ўлгандир, шунинг учун худо уни менинг тушимда тақводор муллалар қиёфасида кўрсатаётган бўлса керак». Ёдгор кўзларини уқалаб, тўрт томонга қаради: ҳамма нарса ўнгдаги каби ўз жойида, саройда-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ги ҳар нарса ўзича кўринмоқда, саройнинг тепа туйнугидан тушаётган офтоб нури, ҳар бир нарсани очиқ-ойдин кўрсатаётир. Ёдгор «бу бошқа бирор ҳинди бўлса керак, ўзининг қарздорини излаб келгандир», деб ҳам ўйлади. Лекин бу фикридан қайтди, чунки у ҳалигача бу қиёфада бирор ҳиндини учратмаган, эшитишича, Бухородаги ҳиндиларнинг барчаси бир қиёфада — қора, майда нақш чопон кийиб, белларини каноп билан боғлаб, бошларига тўрт бурчак, қундузсиз қора телпакча кийиб, манглайларига қизил бўёқ билан хол қўйиб юрар эдилар.

Ёдгор бундай далилларни эслагандан кейин, «йўқ, бу одам ҳинди эмас», деб қатъий ҳукм қилди. Лекин унинг қўлтиғидаги ҳиндиларча хат тахталарга қараб, у одамни «мусулмон мулласи» деб ҳам ҳукм қилолмасди. «Ҳар ҳолда, ташқи кўринишига қараб «саллали ҳинди» дейиш мумкин» эди. Ёдгор шундай мулоҳазаларга чўмган вақтда, у одам саройнинг пастки қаватида, гўнглар уюми устида, гоҳ бир жойда тик турар, гоҳо у ёқ-бу ёққа юрар эди. Ниҳоят, сарой дарвозаси олдига бориб, бошини дарвозадан чиқариб:

— Раҳим, тезроқ кел, узоқ кутишга вақтим йўқ,— деди.

— Хўп, тақсир! Ҳозир бораман,— деди Раҳим ёғчи,— тешилган бочканинг ёғини бошқа идишларга бўшатмасам, бир бочка ёғ нобуд бўлиб кетади, ёғ заводининг эгаси Леви хўжайинга товон тўлашга мажбур бўламан.

Раҳим саройга кириб келди. Ҳалиги савлатли одамни сарой зинасидан олиб чиқиб, унга Ёдгорни кўрсатди:

— Боймуттининг қарздори ана шу йигит,— деди.

Саллали ҳинди қўлтиғидаги хат тахта халтани олиб, бир хат тахтани Ёдгорга узатди:

— Боймуттидан йигирма танга қарздор экансан. Қачон тўлайсан?— деб сўради.

Ёдгор ҳайрон бўлиб қолди, «бу одам қандайдир англашилмовчилик билан келган бўлса керак», деб ўйлади. Шунинг учун истеҳзо билан кулимсираб, қарздор эмаслигига ишонган ҳолда жавоб берди:

— Боймуттидан ўн беш танга қарз олган эдим, тамоман тўладим. Бу пулга бир ойда беш танга фойда бермоқчи эдим, ҳали ой тўлмаган. Агар тўлаш жуда зарур бўлиб қолса, ой бошида тўларман.

— Бу гаплар ўтмайди,— деди саллали ҳинди,— агар сен шу вақтгача Боймуттига бирор нарса тўлаган бўлсанг, номингдаги хат тахтага чизилган бўларди. Ҳолбуки, бу хат тахтада сенинг йигирма танга қарздорлигингдан бошқа ҳеч бир ишорат йўқ.

— Ажаб эмаски, бу хат тахта бошқа бирор киши номига ёзилган бўлиб, менинг хат тахтам қўлингиздаги халтада бўлса, унда хат чизилган хат тахталар ҳам кўп-ку.

— Бундай бўлиши мумкин эмас,— деди у одам,— ҳар бир хат тахтада қарздорнинг номи Боймуттининг ўз қўли билан ҳинд хатида ёзилган. Биз бу хат тахталарнинг ҳар бирини мусулмонча хатни яхши биладиган, Бойаржи деган ҳиндидан таржима қилдириб, арабча хат билан ёздириб олдик. Мана бу хат чизилмаган хат тахта Ёдгорнинг номига ёзилган. Сенинг номинг Ёдгорми?

— Менинг номим Ёдгорку-я,— деди Ёдгор аввалги шаҳтидан қайтиб,— лекин уйинг куйгур Боймутти, «хат чизмаган» деб мени куйдирманг, тақсир, мен бу пулни қоронғи...

— Боймуттининг уйи нари турсин, ўзи ҳам куйиб кетди,— деб саллали ҳинди Ёдгорнинг сўзини бўлди,— унинг барча нақд-насиялари подшолик бўлиб, жаноби олийнинг ҳисобларига ўтди. Энди сенинг қарзхоҳинг Боймутти эмас, жаноби олийдирлар. Энди жаноби олий томонларидан бу маблағни қози калон жаноблари талаб қиладилар. Сен жаноби олий ва қози калон жаноблари билан шох-машох бўласанми? Ҳалигача жаноби олийнинг ҳақлари ҳеч вақт ва ҳеч бир кишида қолиб, куйиб кетган эмас. Бундан кейин ҳам куймайди. Сен бу пулни тўлашга мажбурсан. Гапни кўп чўзма!

— Менинг арзимни эшитинг, ахир,— деб Ёдгор бўлинган гапини давом эттирди,— мен бу пулни қоронғи уйда тўламаганман. Менинг ҳар ҳафта беш танга бериб, уч ҳафтада ўн беш танга тўлаганимни ҳамма кўрган,— у, қўли билан жанжал устига келган қўшни сарбозларга ва Раҳим ёғчига ишорат қилди. Ҳозир турганлар: «Ўн беш танга тўлаганини биз кўрганмиз»,— деб гувоҳлик бердилар.

— Ҳай-ҳай, ҳаммаларингиз шариатдон экансизлар,— деб у одам масхара қилиш оҳанги билан ҳозир турганларга қаради,— сиз «шариатдонлар», шуни билишла-

www.ziyouz.com kutubxonasi

рингиз керакки, сиз каби бенамоз ва худо бехабарларнинг гувоҳлиги шариат олдида пучак пулга ҳам арзимайди.

— Биз «худо бехабар» бўлсак ҳам, кўрган-билганларимизни айтишга мажбурмиз,— деди сарбозлардан бири зарда қилиб.

— Мен аввалдан охиригача бу олди-бердида ўртада туриб ҳаммасини ўз кўзимдан кечирганман. Сиз қабул қилмас экансиз, бу бошқа гап,— деди Неъмат.

— Ёдгор топган пулини менинг қўлимга топшириб, Боймутти келган вақтда мендан олиб берарди,— деди Раҳим,— мен нега ёлғон айтай? Ёш болаларим бор, худодан қўрқаман...

Шу вақтгача жим турган саллали ҳинди Раҳимнинг сўзини эшитгач, ичига олов тушган порох бочкасидай бирдан ёрилиб кетди:

— Сен, бу отабезор оёқяланглларни тўплаб, буларнинг жаноби олийга сарбоз бўлганликларидан, буларга миршабнинг ҳеч нарса демаслигидан фойдаланиб, одамларнинг молини талаб, улар билан бирга еганинг кифоя қилмаган экан, энди булар билан тил бириктириб, жаноби олийнинг ҳақларини ҳам емоқчи бўласанми? Мен буларнинг ва сенинг кимлигингизни қози калон жанобларининг ҳузурларида кўрсатаман,— деб зарда қилиб, кетмоқчи бўлди.

Бу ҳолни кўрган Раҳим ёғчи ишнинг оқибатидан қўрқиб, Ёдгорга қаради.

— Кел энди, рози бўл, ноҳақ бўлса ҳам, майли. «Бир ойликни йўқотдим», деб ҳисобла; бошинг соғ бўлса, яна пул топасан,— деди. Иш ўз фойдасига ҳал бўлаётганини кўриб, кетмай турган саллали ҳиндига қараб:

— Хўп, тақсир, ойлик олган кунида тўлайди,— деб жанжални тугатди.

Саллали ҳинди Раҳим ёғчининг енгилганини кўриб, унга дўқ қилмоқчи бўлди:

— Мен энди бу келгинди болани билмайман, сени биламан. Агар ой бошида тўламаса, сенинг саройингни подшолик қилиб, жаноби олийнинг ҳақларини ортиғи билан ундираман,— деди.

— Саройни подшолик қилдирсангиз, менга зарар бўлмайди,— деди Раҳим кулимсираб,— бу сарой менiки эмас, қози калонники. Мен бунда ижарадорлик қиламан.

— Сарой сеники бўлмаса, уйингни, рўзғор буюмларингни подшолик қиламан. Бу бола пулни ваъда қилинган вақтда бермаса, ишқилиб, сендан ортиғи билан ундириб оламан,— деб, саллали ҳинди кетди.

Ёдгор, Раҳим ёғчига қараб деди:

— Боймуттининг меросхўри йўқмикин? Агар бирор меросхўри бўлса, ўша билан гапиришиб, тўланган пулни тан олдирардик. Менингча, ҳиндилар кофир ва судхўр бўлсалар ҳам, бу мусулмон муллаларидан инсофлироқ кўринади.

— Боймуттининг меросхўри бўлса, ўз юртида бўлади. Бухорода ўлган ҳар бир ҳиндининг молу пули ўз меросхўрига юборилмай, подшолик қилинади. Чунки мусулмонободда ўлган кишининг меросини кофирободга юбориш шариат юзасидан тузук эмас эмиш!

— Амир, қози калон, Боймутти номидан гапирган, бу саллали ҳиндининг ўзи ким?— деб ҳайрон бўлиб сўради Ёдгор.

— Бу одамни таракачи Ибодулла махсум дейдилар. «Таракачи» деган гап, Бухоро таъбирича, ўлган одамларнинг молини ўзлаштирувчи ва подшолик қилувчи деган гап, бу одам мана шундай таракачиларнинг учига чиққанидир, отаси ўлган сағирлар молини «саришта қиламан», деб бутунлай ейди; ўлган одамнинг вояга етган катта ўғли бўлмаса, «меросхўри йўқ экан», деб молини подшолик қилади ва бир қисмини ўзи ейди. Агар бирор одам орага кириб, ҳақ гапни айтмоқчи бўлса, унга туҳмат ёғдириб, бирор балога гирифтор қилади,— Раҳим ёғчи бир оз нафасини ростлаб, яна давом этди:

— Кўрмадингми, сенинг ишинг тўғрисидаги ҳақ гапни айтганимиздан, бизни ҳам сен билан бирга қозихонага судрамоқчи бўлди.

— Қози калон бу одамнинг бундай ноҳақ ишларига нега индамайди? Ёки эшитмайдими?

— Иби, Дохунда! Ҳали ҳам сен содда экансан. Бундай одамлар бу қабиҳ жиноятларни катталарга суяниб қиладилар. Чунки бу каби одамларнинг бундай ишларидан уларнинг даромадлари кўпаяди. Шунинг учун бундай одамларга катта мансаблар берадилар, булар топган пул ва молнинг бир қисми ҳамиша катталар чўнтагига тушади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Сув бошидан лойқа десангиз-чи?

Ёдгор бу хил адолатсизликнинг томири қаерда эканини тушуниб, тақдирга тан беришдан бошқа чора топмади.

САРБОЗЛИКДАН ҚОЧИШ

Ёдгор бир тангаси даста мирзасининг котибонасига кетган, ойликка ўзидан бир танга қўшиб таракачига берди. Кундалик овқат ва ижара пули ўзининг ҳаммоллик ва мардикорлигига қараб қолди. Лекин у кўп вақт иш топа олмас эди, кўпинча мардикорлик ва ҳаммоллик қилиш учун каппонда, кўмир бозорида ва Регистонда тентираб юриб иш топа олмасдан кечқурун ҳориган, очиққан ҳолда ҳужрасига қайтарди. Бу орада Ёдгорнинг милтиғи бузилди, уни тузатиш керак. Бухоро ҳукуматининг ҳарбий низомига кўра, бузилган қуролни сарбоз ўз пулига тузатиши лозим эди. У, бунинг учун подшолик устахонасидан ҳам беш танга қарздор бўлди. Ёдгор бу аҳволга тушганидан кейин, сарбозлик шароитига чидаёлмаслигини пайқади. «Мен Азимшоҳнинг қўлидан қочиб, амирнинг тузоғига тушдим. Азимшоҳ қандай бўлса ҳам, менга овқат берар эди. Бу ерда у ҳам йўқ. Қайси бир парранда тузоқда туриб, ўз овқатини ўзи топа олади? Бу аҳволдан тезроқ қутулиш керак. Лекин қандай қилиб қутуламан?..»

Ёдгор ўз саволига жавоб тополмай, ўйлаб қолди. Ниҳоят, қутулиш учун бир неча бор синаб кўрган йўлини тутмоқчи бўлди, бу йўл — қочиш эди. Унингча, бугал қочиш аввалгидан қулайроқ, чунки у сарбозликда милтиқ отишни ўрганган эди. Бахтига, у хизмат қилаётган дастанинг сарбозлари казарма йўқлигидан қуролларн билан хусусий уйларда яшар эдилар. Ёдгор мана шу аҳволдан фойдаланиб, милтиғини ҳам олиб қочмоқчи бўлди. «Милтиқ билан шаҳардан чиқиб, Қаршининг овлоқ чўллари орқали Ғузорга бораман, сўнгра тоғ йўллари билан ўз ёру диёримга етаман, қочоқликда тирикчилик қиламан. Гулноримни топиб, у билан хилват жойларда учрашиб тураман. Агар ҳокимларнинг одами ё бошқа бирор душман мени тутмоқчи бўлса, кийик каби тоғ чўққиларига қараб қочаман. Агар қўлга тушиш хавфи туғилса, милтиқ мени душмандан ҳимоя этади. Амир сарбозлигидан топган фойдам шу бўлсин».

Ёдгор қочишга қарор қилганидан кейин, ҳафтанинг охирги куни машқдан қайтгач, ҳарбий кийимларини ечиб, қозиққа илди, одми кийим кийиб, ўқ-дори солинган сумкани қайиш камарга ўтказиб, кўйлаги остидан белига боғлади ва милтиқни қўлга олиб саройдан чиқди.

Бочкадан насос билан ёғ тортаётган Раҳимнинг кўзи Ёдгорга тушиб:

— Ҳа, йўл бўлсин! Милтиқ билан қаёққа?— деб сўради.

— Милтиқ бузилди, устахонага олиб бораман,— деб Раҳимнинг олдидан ўтиб кетди Ёдгор.

Ёдгор шаҳардан Қаршига борадиган Қавола дарвозаси орқали чиқмай, Саллоҳхона дарвозасидан чиқди. Шаҳардан чиққач, хилват бир жойда милтиғини кийимига ўради ва оддий йўловчи сифатида Сепулон, Кафтархона, Фошун ва Хумин қишлоқлари орқали Қарши чўлига чиқди, кейин Моможурғоти қирининг жануб томонидан ўтиб, Қарши томонга жўнади...

Ёдгор турадиган саройдаги сарбозлар кечқурун навбатчиликдан қайтиб келдилар. Ёдгорнинг ҳужрада йўқлигини кўриб, ҳаммолликка кетгандир деб ўйладилар. Кеча қоронғилашгандан кейин ҳам келмагач, «яна унинг бошида бирор фалокат юз берган бўлмасин», деб шубҳага тушиб, Раҳим ёғчидан сўрадилар.

— Ҳали ҳам келмадими?— деди Раҳим ажабланиб,— у милтиғини тузатиш учун устахонага кетган эди.

— Милтиғини ўтган куни тузатиб эди. Яна дарров бузилганмикан?— деди сарбозлардан бири шубҳа билан.

— У аҳмоқлик қилиб қочган бўлмасин,— деди Раҳим ёғчи ҳам шубҳага тушиб,— милтиқсиз қочса гўрга эди, аммо подшолик милтиғини олиб қочган бўлса, бу ишнинг оқибати ёмон бўлади. Бунинг учун сарой ижарадори сифатида мени ва қочоқнинг қўшниси сифатида сизларни ҳам тинч қўймайдилар,— деди Раҳим бошини қуйи солиб, фикрга чўмиб кетди.

— Нима илож қилишимиз керак?— деб сарбозлардан бири Раҳимни хаёлот оламидан ўзига келтирди.

— Бирдан-бир илож шуки,— деди Раҳим бошини кўтариб,— тезлик билан бориб юзбошига хабар беришимиз керак. Уларнинг ўзлари ҳукумат йўли билан қочоқни излайдилар. Ҳеч бўлмаганда, агар милтиқни қўлга киргизсалар, биз қутуламиз. Бўлмаса, ҳаммамизнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

умримиз зиндонда чиришди.— Раҳимнинг бу маслаҳати маъқул тушиб, бир сарбоз юзбошининг уйига қараб югурди.

Аҳволдан хабардор бўлган юзбоши дарров бу ҳолни саркардага, саркарда тўпчибошига, у қушбегига хабар берди. Бир соатдан кейин, қушбегининг мирзахонасида бир мазмунда ёзилган қатор хатларни отлиқ шогирдпешалар олиб, Бухоро музофотидаги бутун қозилар, беклар ва йўллардаги қоровулхоналарга қараб от чоптирдилар. Хатларнинг мазмуни подшолик милтиғини олиб қочган Ёдгор номли сарбозни тутиб, арки олийга юбориш тўғрисида эди.

Ёдгор Қарши чўлидаги Қоровулбозор деган манзилга етмасдан бурун хатлардан бири ўша манзилга, Қаршининг карвон йўлини сақлайдиган навкарлар дастасининг бошлиғига етди. Бошлиқ хатни ўз мирзасига ўқитиб эшитган ҳамон, ўз қўл остидаги навкарларини тўртта-тўртта, иккита-иккитага бўлиб, қочоқ сарбозни қўлга олиш учун чўлга юборди. Бу навкарлардан икки нафари бир пастқамликда Ёдгорга дуч келди. Ёдгор уларга қараб ўқ узди, аммо ўқ хато кетди. У оғзидан ўқланадиган эски милтиқни сунба билан янгидан ўқлаб бўлгунча, навкарлар уни тутиб олдилар ва қўлини орқасига боғлаб, милтиқни бўйнига осиб, саркарда олдига олиб бордилар. Саркарда тутқунни Бухорога юборди. Навкарлар ўша куни кечаси билан от йўртиб, олдинда бораётган Ёдгорни югуришга мажбур қилиб, эрта билан офтоб чиқмасдан арк дарвозасининг ичкарисида супада ўтирган қушбеги, тўпчибоши, сарбоз саркардалари ва миршабга рўпара қилдилар.

Қушбеги бандини зиндонга солишга ва милтиқни тўпчибоши одамига беришга буюрди. Қушбеги ва миршаб одамлари бандини навкарлар қўлидан олиб, зиндонга судраб кетдилар.

ЗИНДОН

Қушбеги одамлари ва миршаб шабгардлари[1] Ёдгорни аркнинг жануб томонидан Аёз мадрасаси ва Хўжа-

[1] Бу ерда шуни изоҳ қилиб ўтиш керакки, «миршаб» Бухоро истилоҳича, «кеча беги» маъносида бўлиб, «полиция бошлиғи» деган гапдир, «шабгард»—«оддий полициячи» маъносида ишлатилади.

давлат хонақоҳи орасидан ўтадиган кўча билан Қозиўрда маҳалласига қараб ҳайдаб бордилар.

Амир аркининг шарқи-шимолий бурчагидан бир маҳалла нарироқда тепалик бор эди. Ёдгорни мана шу тепанинг жануб томонидан юқорига ҳайдаб чиқдилар. Тепанинг ён бағрида жанубга қараган бир дарвоза бўлиб, унинг олдида қуролли сарбозлар соқчилик қилиб турар эдилар. Ёдгорни дарвозадан ичкарига киргиздилар ва усти ёпиқ, қоронғи бир йўлак билан олдинроқ олиб бориб, кичкина бир хона олдида тўхтатдилар. У хонадан икки одам кишан ва жел олиб чиқиб, Ёдгорнинг оёғи ва бўйнига солиб, занжирнинг бандларига қулф солдилар. Сўнгра бир қоронғи хонага киргизиб қўйиб, эшикни бекитиб кетдилар. Ёдгор у ерда ҳеч бир нарсани кўра олмаса-да, ҳар томондан эшитилаётган кишан ва жел занжирларининг шиқирлашидан, у ерда ўзи каби кўпгина тутқунлар борлигини пайқади.

Бир неча минутдан кейин Ёдгорнинг кўзи қоронғиликка ўрганиб, у ердаги одамларни кўздан кечира бошлади: баъзиларининг оёқларида кишан, баъзиларининг бўйинларида жел ва баъзиларининг оёқ ва бўйинларида кишан ва желлари бор эди. Баъзи бандилар чўзилиб ётган бўлиб, оёқларига кунда урилган ва баъзиларининг қўлларига ҳам қўлкунда урилган эди. Ёдгор теварагидаги одамларни кўздан кечиргандан кейин, ўзининг бу «турар жойига» диққат билан қаради. Бу хона оддий хоналардан бўлмай, мадраса ва хонақоҳлардай пишиқ ғиштдан қурилган кенг ва баланд гунбазли бўлиб, унинг тепасидаги торгина туйнукдан хира ёруғлик тушарди.

Гунбазнинг ўртасида, тепа туйнукдан ёруғлик тушадиган жойда бир неча киши қўл ҳунарлари билан шуғулланиб ўтирар эди. Баъзилари пичоққа қин тикиб, баъзилари бедана учун тўрқовоқ тўқиб ёки бошқа бирор иш билан шуғулланиб ўтирарди.

Бу қоронғи гунбаз ичида яшаган одамларнинг кийим-кечаклари бутунлай ишдан чиққан бўлиб, остларида палос ҳам йўқ эди. Соч-соқолларининг ўсиб бир-бировига чатишиб-чирмашиб кетганидан, уларнинг ёшми, кексами эканликлари маълум эмас эди.

Ёдгор бу аҳволни бирма-бир кўздан кечириб, ёнида ётган бир кишидан:

— Бу қандай жой?— деб сўради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

У банди таажжуб билан Ёдгорнинг юзига тикилди.

— Сен тоғданмисан, чўлданмисан, хуллас, қандай содда одамсанки, ўзингни банди қилиб олиб келганлари ҳолда, қаерга келтирганларини билмайсан? Бу ер амирнинг қамоқхоналаридан бири бўлиб, номи «зиндон», тўғрироғи, тирик одамларнинг гўридир.

— Амирнинг бундан бошқа ҳам қамоқхоналари борми?— деб яна сўради Ёдгор.

— Амирнинг дори бор, минори бор, ноғорахонаси бор, бу зиндондан бошқа яна «обхона», «канахона» номли дўзахлари бор. У, одамларни ўлдиради ёки дорга осади, ё бўлмаса тириклай минорадан, ноғорахонадан ташлайдики, ундан одам ерга тушганда бир қоп эзилган суякка айланади, обхона деган қамоқхонаси бўлса, номига мувофиқ ҳожатхонадай бир жой, канахонасига қамалган одамни эса, каналар қонини сўриб ўлдиради.

Бу гапларни эшитиб даҳшатга тушган Ёдгор, бошқа сўроқлар беришга журъат этмади.

Кеч кирди, ҳали офтоб ботмаган бўлса ҳам, зиндоннинг ичи ярим кечадай қоронғилашди. Зиндонга икки зиндонбон кирди, бирининг қўлида бир халта бурдаланган нон, бири фонус тутган. Улар ҳар бандига бир бурдадан нон бериб, ҳунармандлар тайёрлаган буюмларни олиб чиқиб кетдилар.

Бандилар ўзларига берилган нонни егач, ўтирган жойларида чўзилиб ётдилар. Аммо Ёдгор ишнинг оқибатини ўйлаб, ухлаёлмас, ёмон фикрлар унга тинчлик бермасди. Ҳамиша Бухоро амирининг зулмидан азоб-уқубат тортиб келган тожиклар, ин ҳам мегузарад (бу ҳам ўтиб кетади) деб ўзларига тасалли берганлар. Ёдгор ҳам халққа хос некбинлик билан зулматда ётиб нур ҳақида, зиндонда ётиб озодлик тўғрисида ўйларди. «Бу кеча қанча қоронғи, қанча мудҳиш бўлса ҳам ўтиб кетади, яна тонг отиб, офтоб нурлари бу туйнукдан тушиб, зиндонни ҳам ёритади», деб ўйлади у.

Уйқудан уйғонган бандилар ўз ёнларидаги чуқурчаларда «зарур ишларини» қилиб бўлгандан кейин, ўз жойларига ўтирдилар. Оёқларига кунда урилганлар бўлса, ўтириш мумкин бўлмагани сабабли, ўша чўзилганларича чўзилиб ётдилар. Ҳунармандлар тепа-туйнук остида йиғилишиб, қўл ишларини қила бошладилар. Туйнукдан тик тушган пиёла оғзидай офтоб нури, кунниинг пешинга яқинлашганини кўрсатса ҳам, зиндонбондан дарак йўқ эди. Ҳолбуки, бандилар жуда оч қолиб, зиндонбоннинг келишини зориқиб кутмоқда эдилар.

Бандилардан бири зиндонбоннинг кечикканидан шикоят қилганда, бошқа бириси унга:

— Бориб эшикни тақиллатиш керак,— деди,— агар биз индамасак, у ўзи хоҳлаган вақтда келади. «Қорни тўқнинг қорни очдан нима парвойи бор», деганларидай, бизнинг очиққанимизни тасаввур ҳам қилолмайди.

— Тўғри, эшикни тақиллатиш керак,— деди қўлоёғи бўш бир ҳунарманд ва эшикни қаттиқ тепа бошлади.

— Секинроқ,— деди бошқа бири,— зиндонбон бу ишингдан ғазабланиб, бизнинг ҳам қўл-оёғимизни боғлаб қўймасин.

— Агар биз иш қилмасак, аллақачон кишанлаб қўярди. Аммо зиндонбон биздан манфаатдор бўлгани учун «эрк» бериб қўйган,— деди эшикни тепаётган банди...

Эшик очилиб зиндонбон кирди.

— То нонушта қилгунча ҳам чидамайсизлар-а!— деб бақирди. Сўнгра одамларига бир неча бандини кўрсатиб, уларни кишанлаб олиб чиқишни буюрди.

Зиндонбон одамлари у бандиларни қўйни бозорда қўшоқ қилгандай, қатор қилиб кўп ҳалқали узун желни бўйинларига солдилар. Желга тизилган бандилар қаторида Ёдгор ҳам бор эди. У қўрқиб кетди. «Эшикни тақиллатиш — нон талаб қилиш учун эди. Зиндонбон нон келтириш ўрнига бизни олиб кетаётир. Ҳаммамизни бир желга боғлашлари, бир жойда ўлдириш учун бўлса керак».

Энди ўлдим деб тахмин қилган Ёдгор зўрға қадам босиб борарди. Бандиларни йўл бўйига қатор қилиб, олдиларига кенг бир чойшап ёзиб қўйдилар. Бўйинларига урилган желга узун занжир улаб, учини зиндон ҳовлисидаги темир қозиқнинг ҳалқасидан ўтказиб, қулфлаб қўйдилар.

Кўча бошида қатор турган бандилар йўловчилардан хайр сўрардилар. Ўтган-кетганлар ҳам уларни қуруқ қолдирмас, баъзилари пул, баъзилари нон ва баъзилари бошқа бирор егулик нарсани чойшапга ташлаб ўтардилар. Чойшап нон, пул ва бошқа егулик нарсалар билан тўлгандан кейин, зиндонбонлар келиб, йиғиштириб олдилар-да, бандиларни яна зиндонга киргизиб, ўз кишан

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва желлари билан боғлаб қўйдилар. Ундан кейин зиндонбонлар гадойликдан тушган нонларнинг бир қисмини бандиларга улашиб бердилар.

— Майли, пул сенларники бўлсин, нондан кўпроқ беринглар, ахир!— деди бандилардан бири.

— Ҳали ҳам тўпланган нонларнинг ярмисини бердик. Агар ҳаммасини берсак, кечки овқатларингизни қаердан топиб берамиз?

НАЖОТ ДУОСИ

— Мен ҳозир ажойиб туш кўрдим, тушимда ҳаммамиз зиндондан озод бўлганмишмиз,— деб бир банди бошқаларни уйқудан уйғотди.

— Қутулишни туш кўрибсан, лекин бу тушингни сувга айт,— деди бошқа бири, бошини ердан кўтармай,— агар бизнинг қутулишимиз шу уйинг куйгур ҳокимлар қўлида бўлса, озодликни кўрмаймиз.

— Агар пул бўлса, қутулиш осон,— деди учинчи банди.

— Жуда ҳам осон илож топдинг-е,— деди ҳалигиси киноя билан,— ахир, шу сабил қолгур пулнинг йўқлигидан қамоққа тушиб, бу тирикларнинг қабристонида узоқ қолдик. Агар пул бўлса, аввали қамалмасдик, қамалиб қолганда ҳам тездан қутулардик.

— Тўғри,— деди бошқа бири ва ўз фикрини қувватлаш учун мисол келтирди,— ғиждивонлик Абдуллабойвачча бир неча кишини хонавайрон қилган, бир неча хонадоннинг ёстиқларини қуритган. Чармгарон қишлоғида кўпчилик олдида бир кишининг қорнига пичоқ уриб ўлдирган, лекин пули кўп бўлгани сабабли аллақачон қутулди.

— Агар оз-моз пул билан қутулиш мумкин бўлса, гўрга эди. Бу оч бўри ҳокимларни рози қилиш учун ўзимизни қул қилиб сотсак ҳам етмайди.

— Мен озгина пул билан қутулиш йўлини топдим.

Сўзлагувчи ўз сўзини тамом қилмасданоқ, ҳар томондан унга бир мазмунда савол ёғди:

— Қани, Фармон, айт-чи, сенинг бу арзонбаҳо иложинг нимадан иборат?

— Хўжааспгардон гузарида мулла Қутбиддин номли дуохон эшон бор,— дуохон деган сўзни эшитгач,

«арзон баҳо илож»га қизиққан бандиларнинг тарвузлари қўлтиқларидан тушди. Чунки буларнинг кўпчилиги эшонга пул бериб, дуо олиб, натижа топмаган одамлар эди. Шундай бўлса ҳам, «бекорликдан бир гап-да» дегандай, унинг сўзини бўлмадилар, Фармон давом этди:— Бу эшон бизнинг қишлоғимиз Дилкушойи Берунга кўп келадилар. Онам икки танга бериб, мени озод қилиш ниятида, у кишидан бир тумор олиб берди. У киши онамга: «Ўғлингга маълум қил, агар бошқа бандилар ҳам озод бўлиш учун тумор олмоқчи бўлсалар, ёзиб беришга тайёрман. Озгина назрга розиман, ҳеч нарсаси бўлмаганларга текин дуо ёзиб бераман, зиндондан қутулгандан кейин бирор нарса берар»,— дебдилар. Мен сизларни дуога ихлосларингиз бормийўқми деб, бу хабарни айтмаган эдим. Бугун гап очилгандан кейин айтдим-да.

— Сенинг онанг бор эканки, эшондан тумор ёздириб олибди. Бухорода ҳеч кими бўлмаган мен кабилар, у эшондан қандай дуо ёздириб олади?— деди бир банди.

— Эшон шуни ҳам айтганки, «агар бандилар истасалар, ўзим зиндонга бориб дуо ёзиб бераман. Қушбеги ва миршаб менинг муридларимдан бўлганлари сабабли, зиндонга киришимга рухсат берадилар».

— Ундай бўлса, эшонни чақирсак-чи,— деди ҳунарманд банди,— барибир биз ишлаб чиқарган нарсаларни зиндонбон босиб олиб, ҳаммасини ўзи ейди. Мана шу нарсалардан бирмунчасини яширамизу, эшон келганда унга берамиз.

— Майли,— деб бошқа ҳунарманд бандилар ҳам рози бўлдилар.

Эшонни чақириш масаласини орага қўйган ҳунарманд банди, кишанланиб қўйилганларга қараб:

— Қани, сенлар бу маслаҳатга нима дейсанлар, оғайнилар?— деб сўради.

— Мен шу вақтгача дуохондан ҳеч шифо топмаганман, лекин насияга дуо ёзса келаверсин, биздан нима кетади,— деди Қаландар деган банди.

Ҳунарманд банди бошқаларнинг фикрини олгач, Фармонга қаради:

— Онангга айт, эшонни юборсин,—деди.

Дуохон эшон келиб, ҳунарманд бандиларнинг ҳаммасига тумор ёзиб берди. Улар ҳам унга ўзлари ишлаб чиқарган нарсалардан бир қисмини бердилар. Пули бўл-

www.ziyouz.com kutubxonasi

маган бандиларга эса, зиндондан нажот топгач, назр бериш шарти билан тумор ёзди. Сўнгра ўз турар жойини адашмай топадиган тарзда очиқ-ойдин қилиб сўзлаб берди. Охирда «ихлоси бор киши албатта, қирқ кунгача қутулади. Аммо шаккоклар ўзларидан кўрсинлар», деб зиндондан чиқиб кетди.

Бандиларнинг дуо-тумор олганларидан бери олти ой ўтган бўлса ҳам, озодликдан дарак бўлмади. Бу ҳолдан ранжиган бандилар дуохон эшондан шикоят қила бошладилар.

— Менинг-ку дуо-тумор, эшон ва муллага ҳеч ихлосим йўқ эди. Чунки ўзим ёш бўлсам ҳам, уларнинг фириб-найрангларини кўриб билганман. Лекин шундай бўлса ҳам,— деди Ёдгор,— сенлар тумор олгач, «оғайнилар қаторидан қолмай», деб дўппимнинг ичига тумор тикиб қўйган эдим. Аммо ҳеч бир фойдаси йўқлигини яна ўз кўзим билан кўраётирман.

— Ўтакетган шаккок экансан, шунинг учун эшоннинг тумори сенга асар қилмаган,— деди Фармон.

— Мен шаккок бўлсам, бошқа оғайниларга нега дуо асар қилмади? Ўзингга-чи? Ўзинг дуохон эшонга ўтакетган ихлосманд бўлиб, ҳаммадан илгари туморгина эмас, катта бозу банд ҳам олиб тақиб юрганинг ҳолда, шаккоклар қаторида зиндонда чириб ётибсан-ку!

Ёдгор бошқа бандиларга қаради:

— Агар менинг маслаҳатимга кирсаларинг, бирдан-бир қутулиш йўли ўлимдан қўрқмасликдир,— деб ҳаммаларнинг диққатини ўзига жалб этди.

— Сен бизнинг қўрқоқлигимизни қайдан билдинг?— деди ғазабланган Қаландар ва давом этди:— Бу ерда ётган бандиларнинг ярмидан кўпи ғиждивондан. Биз, ғиждивонликларни ўлимдан қўрқмаслик мана шу ҳолга солган,— деб Қаландар ўз гавдасини силкитиб оёқ ва бўйнидаги оғир кишан ва желни шилдиратиб қўйди...

Қаландарга Ёдгорнинг гапи жуда қаттиқ теккан бўлса керак, пешонасини буриштириб, «астағфирулло!» дегандан кейин, яна гапга киришди:

— Биз, ғиждивонликлар қози ва ҳокимлардан қўрқмаймиз. Эшон, мулла ва бойларнинг иззатини жойига келтирмаймиз, бизга қарата овозини баланд қилган қози ва ҳокимларнинг одамларини тутиб ўлгудай урамиз. Шундай қилиб, бир кун эмас, бир кун қўлга

тушамиз. Қўл-оёғимизни боғлаб, аравага солиб, шаҳарга олиб келадилар, бу ерда амирнинг ҳукми билан Регистонда бошимизни кесадилар.

Қаландар бир оз жим тургандан кейин яна давом этди:

— Лекин биз бундан қўрқиб жим турмаймиз, бир гуруҳимиз қўлга тушиб, бошларимиз кесилса, бошқа гуруҳимиз шу ишни давом эттиради. Ҳали оғзингдан она сути кетмай, дунёнинг паст-баландини кўрмай, сен, Дохунда, бизни қўрқмасликка ундамоқчи бўласан.

Қаландар бу гапларни айтгач, бир оз очилди ва ғазаби пасайиб, юзида совуққонлилик аломати кўрина бошлади. У бир оз жим тургандан кейин, юмшоқ товуш билан Ёдгорга мурожаат қилди:

— Агар сен бизнинг биримиз бўлсанг, бизни қўрқмасликка ўргатмай, эсингга келган нажот йўлини айт. Агар сен кўрсатган йўл ақлга тўғри келса, биз у йўл билан боришга тайёрмиз.

— Қаландар ака!— деди Дохунда,— сен мендан сабабсиз хафа бўлдинг. Ҳалиги гапим сенга қаратилган эмас эди. Сен ҳаммани ўзинг каби, ўз ғиждивонликларинг каби «қўрқмас, ботир» деб ўйлама! Орамизда шундай кишилар борки, биз бирор хавфли ишни бошлаганда, бизга қўшилмайдилар, ҳатто ўзларини «соғ-саломат сақлаб қолиш учун» дарров бориб зиндонбонга хабар берадилар, у ҳолда бизнинг тақдиримиз оғирроқ бўлиб, ўйлаган ишимизни амалга ошириш учун йўл қолмайди.

— Бу гапинг тўғри,— деди Қаландар Ёдгорга,— лекин ундай қўрқоқларнинг иложи жуда осон. Бу ерда ғиждивонликлардан ва бошқалардан, бошлари кетса ҳам сирни очмайдиган, синалган йигирмата ўктам йигит бор. Биз бирор ишни бошламоқчи бўлсак, ана шуларга таяниб, қўрқоқларни қўрқитиб қўямиз. Мана шу гунбазнинг нариги бурчагида битта қудуқ бор, биров-бировга душман бўлиб уни ўша қудуққа ташласа, ҳеч ким бу жиноятни очишга журъат қилмайди, чунки ўзининг ҳам ўша қудуққа тушиб кетишидан қўрқади. Сўроқ бўлган вақтда ҳам «ўзини ўзи қудуққа ташлади», деб қўя қоладилар. Шунинг учун сен эсингга келган маслаҳатни айтаберсанг, қўрқоқлардан қўрқма!

— Агар арра, теша ва темир кесадиган эгов бўлса, ўн беш кун деганда қутулиш йўлимизни очамиз,— деди

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёдгор ва ўз ўйлаган фикрини тафсилоти билан Қаландарга айтиб берди.

Ёдгорнинг фикрини қабул қилган Қаландар:

— Бу асбобларни топишни мен ўз гарданимга оламан,— деди ва қўрқоқларни шу вақтдан бошлаб қудуққа ташлаш билан қўрқитиб қўйди.

Зиндоннинг ғарб томонидан ўтадиган катта йўлдан бир тор кўча ажралиб, Бухоро созандалари бошлиғи турадиган Ғолибхонага борарди. Кундузлари фақат зиндоннинг дарвозаси олдида, кечалари эса, бутун теварак-атрофида ва ҳалиги тор кўчада ҳам соқчилар турарди.

Бир оқшом, кун ботиб қош қорайган чоғда, номаълум йўловчи зиндоннинг ғарб томонидан ўтадиган катта кўча билан келиб, зиндон тепасининг этагида милтиғига суяниб турган соқчига:

— Даҳбоши ака! Ғолибхона қаёқда?—деб сўради.

— Мана шу томонда, бу ердан юз қадамча келади,— деб улгурмасдан, номаълум одам унинг қўлидаги милтиқни юлиб олиб, орқасига қараб қочди, катта кўчага чиқиб, Маддоҳон маҳалласи томонга югурди. Милтиғини олдирган сарбоз «ўғрини тутинглар!» деб бақира-бақира қувиб кетди. Тор кўчада турадиган соқчилар ҳам ўз шерикларига ёрдам бермоқчи бўлиб, «ушла-ушла!» деб чопиб кетдилар.

Номаълум одам Маддоҳон гузарининг катта кўчасини кесиб ўтиб, рўпарасидаги тор кўчага кириб кетди. Уни қувиб бораётган сарбозлар етаёзганда, у қўлидаги милтиқни ерга ташлаб, ўзи бошқа бир тор кўчага кириб, кўздан ғойиб бўлди.

Ўғирланган милтиқ қўлга киргандан кейин, сарбозлар ўз постларига қайтдилар. Аммо сарбозлар ўғри қувиб, ўз жойларини бўш қолдирган вақтда бошқа бир номаълум одам Ғолибхона томонидан келиб, тепанинг ён бағридаги бир пастқамликда писиб ётган эди. Бу одам саҳарга яқин сарбозлар мудрай бошлагач, секин эмаклаб зиндон устига чиқди ва туйнукдан ёнғоқдай кесак ташлаб, қулоғини туйнукка қўйиб тинглай бошлади.

— Кимсан?— зиндон ичидан Қаландарнинг овози эшитилди.

— Шифрав![1]— жавоб берди номаълум одам.

[1] Шифрав — хоналарнинг шифтида юра олувчи маъносида бўлиб, Бухорода энг машҳур ўғрилар ва чаққон бўз болалар шу сўз билан лақабланадилар.

— Битта-битта ташлайвер!

Номаълум одам арра билан эговни битта-битта туйнукдан зиндон ичига ташлади. Аммо теша туйнукдан сиғмади.

— Тешанинг сопини бошқа, ўзини бошқа ташлайман.

— Майли.

Номаълум одам тешани ташлагандан кейин, яна зиндон ичидан товуш эшитилди:

— Сафдар қутулдими?[1]

— Қутулди.

— Ўзинг ҳам эҳтиёт бўл!

— Хотиржам! Мен кетдим,— деб, номаълум одам зиндон устидан эмаклаб тушиб, аввалги пастқам жойга бориб чўзилди...

Саҳар бўлди, Бухоронинг ҳаммомлари буғ ўдирлар, сон-саноқсиз масжидларнинг сўфилари бомдод азонини айта бошлади. Кўчалардан йўловчиларнинг оёқ шарпалари эшитила бошлади, бошлиқ келиб зиндон атрофида турган сарбозларни тўплаб олиб кетди. Мана шу вақтда ўзини Қаландарга Шифрав деб танитган одам ҳам ётган жойидан силжиб тушиб, йўловчилар қаторида бир томонга қараб кетди.

Иш бошланди — бандилар ҳар кеча саҳаргача лаҳим қазийдиган бўлдилар. Бўйнига жел ва оёғига кишан урилган бандилар учун тупроқ ташиш қийинлик қилса ҳам, бора-бора бунинг ҳам осон йўли топилди: ундай бандиларни иш бошидан зиндоннинг эски қудуғи олдигача қатор қилиб тизиб қўйдилар, қазувчи олдида бир банди ўтириб, тупроқни чопонга солиб, ёнидаги бандининг қўлига берар ва қаторга тизилганлар тупроқни қўлдан қўлга узатиб, қудуққа отар эдилар. Бўшаган чопон яна қўлдан қўлга ўтиб, иш бошига борарди.

Ёдгор ўз тахминидан кўп хато қилмаган эди, йигирма кун деганда, лаҳимнинг боши бориб, зиндоннинг ши-

[1] Сафдар — урушда душман сафини ёрувчи маъносида бўлиб, бу ерда тарихий бир шахснинг лақаби сифатида ишлатилган. «Эски мактаб» номли асаримда қайд қилингани каби, қизлар мактабида ўқиганимда, менинг Абдулла номли бир мактабдошим бор эди. Бу бола кейинчалик бўз болалар орасида катта «ишлар» қилгани сабабли улар томонидан шундай деб лақабланган эди. Абдулла Сафдар амир зиндонидан бандиларни қочирганда ҳақиқатан иштирок қилган йигитдир. *(Автор.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

мол томонидан ўтадиган тор кўчага шу даражада яқинлашган эдики, агар бандилар лаҳим охиридаги деворга қулоқ қўйсалар, кўчадан ўтадиган от-эшакларнинг оёқ босишлари эшитиларди. Иш бу даражага етгандан кейин, қазишни тўхтатдилар, «кўчани ҳар вақт кузатиб, пойлаб туриш мумкин бўлсин» деб, лаҳим бошидаги девордан кичкина бир тешикча очиб, қулай фурсатни кутиб турдилар.

Бу ишдан хурсанд бўлган Ёдгор Фармонга:

— Бизнинг нажот дуомиз мана шу!— деди.

ИФТОР

Рамазон кунларидан бири эди, офтобнинг ботишига бир соатча вақт қолган, Бухоро рўзадорларининг қулоқларига бирор оғиз ҳам гап кирмайди, ҳамманинг диққати бир нуқтада: «Қачон намози шом бўлади ва ифторда нима еймиз?» Рўза тутганлардан нос-чилим чекадиган йигитлар бўлса, кун кечиккан сайин асабийлашиб, бир-бирлари билан уришадилар, ҳатто ёқаларини йиртиб муштлашадилар. Рўза тутмаган йигитлар ҳам ўзларини рўза тутган қилиб кўрсатиш учун тортишиб-талашадилар. Баъзан уларнинг жанжаллари рўза тутганларникидан қаттиқроқ бўлади. Бу вақтда кексалар орага тушиб:

— Рамазончилик-да, зарари йўқ, шунча сабр қилдинглар, яна бир соат сабр қилинглар, шом азони айтилиб нос ва чилим чеккандан кейин, кўнглингиз очилиб, апоқ-чапоқ бўлиб кетасизлар. Шайтоннинг гапига кириб жанжаллашиб, рўзангизнинг савобини барбод берманг,— дер эдилар.

Бундай «рўза тутганлар»нинг жанжаллари ясама бўлгани учун, кексаларнинг насиҳатлари уларга дарров таъсир қилиб, шом азони айтилмасданоқ кўнгиллари очилиб, ўзаро ярашиб кетардилар.

Рамазоннинг бу умумий ташвишидан сарбозлар ҳам четда қолмаган эди: зиндон дарвозасида соқчилик қиладиган сарбозлар зиндонбонлар билан умумий дастурхон ёздилар. Рамазон «шарофати» билан бугун бандиларнинг гадойликларидан кўп пул тушган эди. Зиндонбон мана шу пулнинг катта қисмини сарф қилиб, ифтор дастурхонини нозу неъматлар билан тўлдирди.

Зиндоннинг орқасидаги тор кўчада соқчилик қиладиган сарбозлар, оддий кунларда постларига шомдан кейин келадиган бўлсалар ҳам, рамазон ойи киргандан бери, шомдан ярим соат илгари келиб, шу ерда ифтор қиладиган бўлган эдилар. Биз тасвир қилаётган кунда ҳам улар ўз даҳбошилари билан бирга шомдан ярим соат илгари тор кўчада пайдо бўлдилар. Даҳбоши ўз қўл остидаги сарбозлардан пул тўплаб олиб, Регистонга кетди, бошқа сарбозлар милтиқларини бир жойда чатма қилиб қўйиб, кўчани сув сепиб супурдилар. Кейин ўзлари олиб келган шолчани кўчанинг текис бир бурчагига ёзиб, давра қуриб, даҳбоши ва шом азонини кутиб ўтирдилар.

Кўп ўтмай даҳбоши ҳам келди, у икки коса нишолда, тўртта иссиқ нон, ўн дона хурмо, бир қоғозда бир оз чой, бир оз шомий нос ва тамаки олиб келди.

Қуруқ чойни сарбозга бериб, чой дамлаб келишга буюрди, ҳарбий кийим остидан боғланган кенг белбоғини ечиб, шолча устига дастурхон қилиб ёзди. Нон ва нишолдани белбоғ устига қўйгандан кейин, хурмоларни биттадан сарбозлар олдига қўйиб, биттасини ўз олдига сурди.

— Бугун олиб келган тамаким учун чилим сувини ўзим тозалашим керак. Қаршининг «етти яшар духтар-печ» тамакиси қандай кучга эга эканини ўшанда фаҳмлайсизлар,— деб ўз йигитларининг шомий тамакига бўлган майлларини оширди.

Аммо зиндоннинг ичида бошқа хил ҳозирлик бораётган эди: рамазон киргандан бери тор кўчадаги соқчиларнинг ифтор вақтидаги аҳволларини кузатиб келган бандилар шу кеча ўзларининг йигирма кунлик меҳнатлари самарасини қўлга киргизишга қарор берган эдилар. Шунинг учун улар, зиндонбон кечки нон бурдаларини бериб, зиндон эшигини бекитиб кетгандан кейин ишга киришдилар: қўл-оёқларига кунда урилган бандиларнинг бандларини арра билан кесиб, уларни озод юришга тайёр қилдилар; эгов билан бандиларнинг жел, кишан ва занжирлари кесиб озод қилинди, лаҳимнинг охиридаги сўнгги тўсиқ тарашланиб, тарвузнинг пўчоғидай юпқа қилиб қўйилди.

Қаландар, Ёдгор ва бошқа бандилар лаҳимда тизилиб, тешикчадан сарбозларнинг ифтор қилишларини диққат билан кўздан кечириб турардилар: дамлаб кел-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тирилган чойларни қайтариб, пиёлаларга қуйилиб қўйилди, чой дамлаб келган сарбоз гугурт чақиб, олов ёқди, чилим учун чўғ тайёр қилиб қўйди...

Шом азонини кўп кутишга тўғри келмади: биринчи бўлиб арк муаззини амирнинг ноғорахонасида туриб азон айта бошлади; ундан бирпасдан кейин Бухоронинг катта минори устида тайёр бўлиб турган етти муаззин бир овоз билан азон айтишиб, арк муаззинига жўр бўлдилар; яна бир нафасдан кейин Бухоронинг бутун масжид ва мадрасаларидаги муаззинлар бирдан бақира бошладилар. Юзларча муаззинларнинг овози шаҳарга одатдан ташқари ғулғула солди. Азонлар айтилиб бўлгач, шаҳар бутунлай тинчланиб, қабристон тусини олди: кўчаларда одамларнинг қатнови тўхтаб, ҳеч бир оёқ шарпаси ва гап-сўз эшитилмасди. Ҳатто ифтор дастурхони бошида ўтирганлар ҳам «чурқ» этмасдилар, тиллар боғланиб, оғизлар очилган ва тишлар ишга киришган эди.

Азон товуши эшитилиши билан сарбозлар олдиларидаги хурмоларни чайнамасдан ютган ҳамон, даҳбоши чилимнинг сархонасига тамаки ва чўғ босиб, устма-уст чека бошлади. Даҳбошининг ёнида ўтирган сарбоз ҳам унинг қўлидан чилимни олиб чекди, бир неча дақиқа ўтар-ўтмас ўн нафар сарбоз чилим чекди ва ҳаммасини чилим элитиб, дастурхон ёнида ўликдай бўлиб йиқилдилар.

Шу вақтда ғиждивонлик Қаландарнинг бир тепиши билан лаҳимнинг энг охирги тўсиғи йиқилиб, бандилар қафасдан қутулиб чиққан паррандалардай қанот қоқиб чиқдилар; ерга йиқилиб ётган сарбозлар устига бостириб бордилар, белбоғ ва қайиш камарлари билан уларнинг қўл-оёқларини боғлаб, чатма қилиб қўйилган милтиқларни олиб, беш минутда тор кўчадан ғойиб бўлдилар.

Бандилар Маддоҳон маҳалласидаги катта кўчани кесиб ўтиб, тор кўча ва паст кўчалар билан бориб Самарқанд ва Имом дарвозалари орасидан шаҳар қалъасининг деворидан ошдилар. Қамоқдан қутулган бандилар темир қафасни синдириб чиққан шерлар каби то қушбеги воқеадан хабардор бўлиб, уларнинг изидан одам юборгунча, шаҳар ташқарисидаги қамишзорга кириб яширинлар.

Қочган бандилардан қалъадан ошганда йиқилиб, қўл-оёғи синган бир неча киши қўлга тушди.

«НАЖОТ ДУОСИ»НИНГ ОҚИБАТИ

«Бар Муҳаммад салавот!..

Жаноби олийнинг фармойишлари билан! Фузало-ю фуқароки борсизлар, эшитмадим деманглар! Тушунмадим деманглар! Зиндондан қочган бандилар ҳар кишининг қўлига тушса ёки ҳар қандай номаълум ва шубҳали одам ҳар ерда кўринса, тутган, кўрган ва билганлар дарҳол ундай кишини қўлга олиб, тегишли қозихона, ҳокимхона ва миршабхонага келтириб топширсин! Бу фармойиши олийдан бош тортган ҳар бир кишининг боши кесилади ва моли торож бўлади!

Бар Муҳаммад салавот!..»

Бандилар зиндондан қочган кечасининг эртасига уларни тутиб, Бухоро шаҳрига —«арки олийга» юбориш учун Бухоро музофотидаги барча қозилар, беклар ва миршабларга қатор хат тарзида амирнинг фармони юборилган эди. Қози ва ҳокимлар ҳам юқоридаги мазмунда бозорларда жар солдирган эдилар.

Вобкент туманига бора туриб Меҳтарқосим кўприги орқали Қоракўл дарёсидан ўтилса, Вобкент марказига икки километрча йўл қолганда, чап қўлда торгина бир қишлоқ йўли бошланади. Бу йўл билан бирор километрча юрган одам, катта ариқ бўйида бино бўлган Кофар-работ номли қишлоққа етади.

Илк саҳарда дарвозаси ариққа қараб очиладиган катта ҳовлидан бир одам чиқди. Бу одам ариқ бўйига келганида, бирдан сесканиб кетди ва ўзини ботир кўрсатадиган қўрқоқ одамлар каби баланд ва титроқ товуш билан:

— Ким у?— деб бақирди.

Бирор садо чиқмагач:

—Кимсан, дейман?— деди такрор.

Қораси кўринган одам яна жавоб бермагач:

— Бегонамисан, ошна?— деб такрор сўради.

Бу дафъа ҳам жавоб ололмаганидан кейин, қайтиб ҳовлига кирди ва йўғон таёқ олиб чиқди. Ҳалиги қорага яқинлашиб:

— Кимлигингни маълум қиласанми, йўқми? Агар маълум қилмасанг, таёқ билан бошингга шундай ураманки, дунёдан номсиз-нишонсиз кетасан,— деди.

— Йўловчиман,— деб жавоб берди қора.

— Қаерликсан, нима қилиб юрибсан?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қора жавоб бермади.

— Қаерликсан, дейман! Эшитяпсанми, йўқми?

— Вобкентликман!

— Мен вобкентликларни етти яшаридан етмиш яшаригача танийман. Қимлигинг маълум бўлди. Юр менинг орқамдан.

Қораси кўринган одам суяниб ўтирган дарахтни тутиб, ўрнидан турмоқчи бўлди, бироқ туролмади. Ҳовли эгаси унга ёрдам бериб турғизди ва қўлтиғидан суяб оғилга киргизди. Сўнгра ўзи ичкари ҳовлидан чироқ ёқиб чиқди-да, чироқ ёруғида у одамга қаради. У—ранги-қути ўчган, озғин, ювуқсиз, сочлари ўсиқ номаълум киши эди.

— Нега кимлигингни, нима иш қилиб юрганингни айтмайсан?— деди ҳовли эгаси.

— Ҳам оч, ҳам касалман, гапиришга мажолим йўқ.

Уй эгаси ичкари ҳовлига кириб хотинини чақирди.

— Лаббай, нима дейсиз?

— Бир коса сув билан битта нон олиб чиқ! Бемаҳал меҳмон келиб қолди.

Хотини олиб чиққан нон билан сувни номаълум одамга берди.

Аммо унинг қорни тўйгандан кейин ҳам аниқ бирор маълумот ололмади. Лекин у одамнинг елкасигача тушган ўсиқ сочидан ва сассиқ кийимидан зиндон қочоқларидан бири эканини пайқади. Шунинг учун унинг қўлларини орқасига боғлаб, отга мингаштириб Вобкентга қараб жўнади.

Эрта билан Вобкент қозихонасини сув сепиб супургандан кейин, мулозимлар қозихона дарвозаси олдидаги супачаларда ўтирардилар, қози ҳам мурофаахонанинг ичкарисида даъвогарларни кутиб ўтирарди...

Шу вақтда мулозимлардан бири қозихонага кириб:

— Кофарработ қишлоғининг оқсоқоли бир номаълум одамнинг қўлини боғлаб олиб келди, агар рухсат бўлса, бу номаълум одамни шариатпаноҳ жанобларининг ҳузурларига олиб кирай дейди.

— Олиб кирилсин!— деди қози.

Оқсоқол қўли боғланган номаълум одамни қозихонага олиб кириб, мурофаахонанинг юқори эшиги олдида тўшалган бўйра устига ўтқазди. Мулозимлар, оқсоқол ва номаълум одамнинг орқасида тикка турдилар.

— Жаноби олийнинг фармойишларига мувофиқ бу

номаълум одамни тутиб, ҳузурларига келтирдим,— деди оқсоқол ва ўз хизматининг муҳим эканини кўрсатиш учун қўшимча қилди,— бу одам мени ўлдириб ёки мажруҳ қилиб қочмоқчи бўлганида, аввали, худонинг марҳаматидан, иккинчидан, жаноби олий давлатларининг шарофатидан, учинчидан, шариатпаноҳ жанобларининг хушбахтликларидан ва тўртинчидан, ўзимнинг жаноби олий давлатларига жонсупор бўлганим ва бу йўлда жонимни аямаганимдан чаққонлик билан тутиб олдим ва бу менга ҳеч бир зарар етказа олмади.

— Бу гапларнинг ҳаммаси ёлғон!— деди оқсоқолнинг ёнида ўтирган номаълум одам, унинг юзига тикилиб қараб.

Оқсоқол юзини ундан ўгиришга мажбур бўлди. Аммо қози номаълум одамга:

— Оғзингни юм, ўғри?— деб дўқ урди.

Мулозимлар қозининг бу дўқини қувватлагандай бўлиб, номаълум одамнинг бошига бир-икки мушт қўндирдилар.

Қози у номаълум одамга ғазаб билан қараб:

— Зиндон қочоқларидансанмисан?— деб сўради.

— Йўқ, мен бир бечора одамман!— деди номаълум киши.

— Қаерликсан?

— Ғиждивонлик!

Оқсоқол қозига таъзим қилиб туриб:

— Тақсир, арзим бор!— деди.

— Марҳамат қилинг!

— Кеча мен сўраганда бу киши ўзини вобкентлик деган эди.

— Гапининг ёлғонлиги маълум!— деди қози ва номаълум одамга қараб сўроғини давом эттирди:

— Кеча қоронғида Кофарработда нима иш қилдинг?

— Мардикорлик қилиш учун шаҳарга бораётган эдим, қоронғи кечада йўлдан адашиб, ўша қишлоққа бориб қолибман.

— Отинг ва отангнинг оти нима?

— Отим Ҳасан, отамнинг оти Маҳмуд.

Қози ўралган бир қоғозни очиб, уни бошдан-оёқ кўздан кечиргач, яна номаълум одамга қараб:

— Тўғрисини айт! Сенинг отинг Ҳасан Маҳмуд бўлмаса керак?— деди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Тўғриси шу, отим Ҳасан Маҳмуд,— номаълум киши яна аввалги жавобини таъкидлади.

— Ур, бу ёлғончини!— деди қози, мулозимга қараб.

Мулозим қулочкаш қилиб номаълум одамнинг елкасига қаттиқ бир мушт урди. Номаълум кишининг боши мушт зарбидан пастга қараб эгилди. Дўпписи бошидан учиб, қозининг олдига тескари тушди. Қози дўппи ичига тикиб қўйилган туморни кўриб, дўппини ердан олди, туморнинг латтасини сўкиб, ичидаги қоғозни кўздан кечирди, қоғознинг охирида ёзилган бу сўзларни баланд овоз билан ўқиди:

«...Бу дуо Бозор ўғли Ёдгор номига унинг зиндондан нажот топиши учун ёзилди».

Қози бу сатрни ўқигач, у одамга қараб:

— Энди нима дейсан?— деб сўради.

— Энди ихтиёр сизда, тақдирим шу экан,— деди Ёдгор.

— Бу дуо нажот топишинг учун ёзилган бўлса ҳам, қўлга тушишингга сабаб бўлди,— деди қози ва мулозимларга қараб:

— Буни шаҳарга олиб борасизлар. Ҳозирча бирор мустаҳкам жойга қамаб қўйинглар!— деди.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

«ҲУРРИЯТ»

(1917 йил, март-апрель)

Бир ойдан бери зиндонда ғалати гаплар эшитила бошлади:

— Ҳуррият бўлармиш!

— Ҳуррияти нима?

— Ҳуррияти шу эмишки, биров бировга «бу ерда тур! У ерга ўтир!» дея олмасмиш.

— Ундай бўлса, биз ҳам зиндондан озод бўлиб кетамиз, десанг-чи?

— Албатта!

— Лекин мусулмонлик қўлдан кетармиш-да,— деди гапга қўшилмай ўтирган бир банди.

— Нега?—деб сўради ҳурриятдан дарак берган одам.

— Чунки хотинлар паранжиларини ташлаб, ўз ихтиёрларича юра берармишлар, жуҳудлар ҳам телпакча ва канопчаларини ташлаб, мусулмонлар билан баравар бўлар эмишлар.

— Ҳар нима бўлса бўлаверсин! Кўп йиллардан бери бу ерда қамалиб ётганларнинг хотинлари ўз ихтиёрларича юрган эмасми? Бизнинг шу кунлардаги ҳолимиз жуҳудларникидан яхшими? Агар ҳуррият бизни озод қилса, мен жуҳудлар билан баравар бўлишдан қўрқмайман.

— Менинг фикримча, бу ишга амир, унинг амалдорлари ва муллалар йўл қўймаслар,— деди бошқа бир банди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Нега?

— Чунки ҳар ким ўз ихтиёрида бўлгандан кейин, амирга ким пул беради-ю, у ўз айш-ишратини кимнинг ҳисобидан қилади? Амалдорлар бўлса, ҳозир «жаноби олийнинг фармойишлари билан» халқни талайдилар. У вақтда халқ уларга «бизга на сен керак, на амиринг» дейди. Муллалар ҳам ҳозир амирнинг ёрлиғи билан қози бўладилар, раис бўладилар, муфти бўладилар, ишқилиб, халқни талайдилар. Агар бирор киши уларга қарши чиқса, «кофир бўлдинг» деб ривоят топиб, амирнинг буйруғи билан уни ўлдирадилар, ҳеч бўлмаганда, қаттиқ жазо бердириб, зиндонга қаматадилар.

— Бу гап жуда тўғри,— деди бошқа бир банди,— бундан бир неча йил илгари файзиободлик Қосим аравакаш, аравасига тушиб Баҳовиддинга борган икки мулладан кира пулини талаб қилганда, орада жанжал чиқиб, муллалар у аравакашни «кофир бўлдинг!» деб, қозихонага судраб, амирга арз қилдилар; на қози, на амир буни текширмай, у бечорани туяга мингизиб, тошбўрон қилиб ўлдирдилар...

— Албатта, иш амирнинг ёки амалдор ва муллаларнинг қўлида бўлар экан, улар ҳеч вақт ҳурриятга рози бўлмайдилар,— деди ҳурриятнинг бўлишига ишонган банди.— Лекин уларни ҳуррият беришга мажбур қиладилар-да.

— Уларни ким мажбур қила олади?— деди амирнинг қувватига ишонган банди.

— Жадидлар «ҳуррият қиламиз, ҳукуматни амирнинг қўлидан ўз қўлимизга оламиз» дер эмишлар,— деди бошқа бир банди.

— Жадидлар ким?— деб сўради бошқа бир банди.

— Бухорода, мусулмон бўлган жуҳудларни «жадид» дейдилар-да,— деди бир банди.

— Йўқ,— деди аҳволдан бир даража хабардор бўлган бошқа бир банди,— газет ўқийдиган мусулмонларни «жадид» дер эмишлар.

— Тўғри!— деб унинг сўзини қувватлади бири,— мен кеча эшик орқасидан қулоқ солиб, зиндонбоннинг гапини эшитдим, унинг гапига кўра, газет ўқиб, кофир бўлган мусулмонларни «жадид» дер эканлар.

— Шу газет ўқиб, кофир бўлган бир ҳовуч мусулмонлар ҳуррият қиламиз деяётган бўлса, ҳеч бир иш чиқмайди,— деди бир банди.

— Ҳуррият сўзи жуда ширин сўз. Бу сўз аввал бир ҳовуч газетхонлар оғзидан чиққан бўлса ҳам, азоб чеккан ва таланган халқ буни талаб қилиб чиқади. У вақтда амир ҳуррият беришдан бошқа чора тополмайди,— деди ҳуррият бўлишига ишонган банди.

— Бекор гап,— деди амирнинг кучига ишонган банди,— тўплари, милтиқлари бўлмаган, сарбоз ва навкарлари бўлмаган фуқаро амирга ўз сўзини қандай ўтказади? Бундай одамлар овозини чиқарган ҳамон, амир уларни дорга осади, минор ва ноғорахонадан ташлайди, бошини кестиради, бадарға қилади, ишқилиб, бошларига сув қуяди-да.

— Агар халқ ҳуррият талаб қилиб чиқса, ҳуррият бўлмасдан қолмайди. Чунки зулмдан қутулиш йўлида бош кўтарган халққа рус ишчилари ва солдатлари ёрдам беради,— деди ҳурриятга ишонган киши.

— Бекор гап,— деди яна, ўша амирнинг кучига ишонган банди,— аввали, рус ишчилари ва солдатларининг амирга кучи етмайди; иккинчидан, агар улар бош кўтарган Бухоро халқига ёрдам беришга келсалар, рус консули орага тушиб, уларнинг амирга қарши боришига йўл бермайди. Консул ҳар вақт амирнинг олдига келса, унинг қўлини қаттиқ сиқиб, «икки давлат бир давлат» дер экан. Икки давлат бир давлат бўлгандан кейин, рус консули рус подшоҳига қандай давлатгоҳ бўлса, амирга ҳам ўшанча давлатгоҳ бўлади.

— Сен дунёдан хабарсиз экансан,— деди ҳуррият бўлишига ишонган банди,— дунёнинг тўрт катта подшоҳидан биттаси бўлган Николайдай кишини тахтдан туширган рус ишчи ва солдатларининг кучи сенинг амирингга етмайдими? Амирни Николайнинг бир губернаторичалик қурби йўқ. Рус консули бўлса, шоли орқасидан курмак сув ичгандай, Николайга ишониб катталик қиларди. Рус подшоҳи бекор бўлгандан кейин, унинг гапига ким қулоқ солади?

— Ҳуррият бўлибди,— деди зиндонбонларнинг гапига қулоқ солиб турадиган банди, қувонч билан. «Нима бўлибди?» «Қандай?» деб савол берганларни қўли билан имлаб, яна қулоқ солишда давом этди.

— Гапинг ростми? Қани, қандай бўлибди?

— Амир рози бўлибдими?— деб унинг бошига ҳар томондан савол ёғдирдилар.

— Ҳозир мен зиндонбоннинг ўз одамларига айтган

www.ziyouz.com kutubxonasi

гапларини эшитдим,— деди у банди,— зиндонбон ўз одамларига ҳуррият бўлганини, халқнинг кўчаларда байрам қилиб юрганини ва ҳуррият тарафдорларининг ҳар жойда одамларни тўплаб, ваъз айтиб, ҳурриятнинг маъносини халққа тушунтириб юрганларини ҳикоя қилди: «Амир ишни ютқизибди, шу эрта билан катталарни ўз олдига чақириб, ҳурриятга қўл қўйибди. Эҳтимол, зиндондаги бандиларни ҳам озод қилиб юборсалар. Агар шундай буйруқ келса, бандиларни озод қилишда жуда эҳтиёт бўлингларки, бизга бирон зарар етказишмасин. Неча кундан бери кўзлари бежо кўринади» деди.

Ўша кеча озодлик шодлиги билан бандилар ухлаёлмадилар, улар ҳали озод бўлмаган бўлсалар ҳам, ўзларини озод бўлгандай ҳис қилардилар. Шунинг учун у кечани хушвақтлик билан ўтказдилар.

Офтоб чиқиб, зиндонга ҳам тепа-туйнукдан хирагина ёруғлик тушди. Лекин ҳозирча озодликдан расмий хабар йўқ эди. Соат тўққиз бўлди, ўн бўлди, ҳали ҳам озод бўлишдан дарак йўқ. Бу ҳолни кўрган бандиларнинг бир қисми умидсизликка туша бошлади. Лекин зиндонбоннинг гапларини ўз қулоғи билан эшитган банди «албатта, озод бўламиз» деб, ҳаммани ишонтиришга уринарди.

Соат ўн бирларда зиндон эшиги очилди.

— Ана, мен, албатта, озод бўламиз демовдимми?— деди зиндонбондан «ҳуррият» хабарини эшитган банди шодланиб. У бир томондан, зиндондан қутулаётгани учун, иккинчи томондан, ўзи берган хабарнинг тўғри чиққани учун хурсанд эди.

Зиндонбон ўз одамлари билан киргандан кейин, эшикни ичкаридан қулфлади. Бир банди бу ҳолни кўриб:

— Бизни озод қилиш учун зиндон эшигини ичкаридан қулфлаш керак бўлар экан-да?— деди ажабланиб.

Зиндонбон бандиларнинг жел ва кишанларини кўздан кечириб, уларнинг мустаҳкамлигини синаб кўрди, ҳалигача қўл-оёқлари бўш бўлиб, қўл ишлари билан шуғулланиб ўтирадиган бандиларнинг бўйин ва оёқларига жел ва кишан урди. Бу ишларни бажаргандан кейин, зиндонбон бандиларга:

— Жаноби олийга тиғ тортган кофирларнинг барчаси қўлга олиниб, обхона ва канахонага қамалдилар, ҳаммаси ўлдирилди, ҳозирча бир нечаларига етмиш

беш таёқдан урилди. Билиб қўйингларки, ораларингдан бирор киши ножўя ҳаракат кўрсатса ёки баланд-паст гапирса, ҳаммаларинг ўлимга ҳукм қилинасизлар.

Зиндонбон ўз одамлари билан зиндондан чиқиб, эшикни бекитиб кетди. «Ҳуррият»нинг отини эшитган бандилар, яна гапириша бошладилар:

— Мен қуролсиз одамларнинг қўлидан бирор иш келмайди, демаганми эдим?

— Консул амир билан дўст, жонини жабборга бериб, амирни қўриқлайди, демаганми эдим?

— Сенларнинг қувончларингни бузмаслик учун бирор гап айтган бўлмасам ҳам, ўз кўнглимда, «ота-боболаримиз кўрмаган ва билмаган бу «ҳуррият» деган гапни бўлмағур бир нарса» деган эдим.

Икки банди ҳеч гапирмасди. Бири ҳуррият бўлишига қаттиқ ишониб, бошқаларни ҳам ишонтиришга уринган киши бўлиб, ўз фикри нотўғри чиққанидан уялар, ҳам амирнинг ҳуррият талаб қилганларни қамаганидан ғазабланиб, бошини қуйи солиб ўтирарди.

Бири эса Ёдгор эди, у ҳам гапга қўшилмай, фақат тинглаб ўтирарди.

— Сен нега гапирмайсан, Дохунда?— деб сўради бир банди.

— Мен тоғдан келган бир кишиман,— деди Ёдгор,— мен жадидларни билмасам, консулни билмасам, дунёда бўлаётган воқеалардан хабарим бўлмаса, нима ҳам дея олардим?

Бу орада зиндонбонлар бир неча янги бандини келтирдилар. Ҳамма гап-сўздан тўхтаб қолди, улар вақтнинг нозиклигини, зиндонбоннинг эрталабки дўқларини эслаб, синалмаган кишилар олдида сиёсатдан гапиришни мувофиқ кўрмадилар.

Ҳуррият бўлармиш, деган шов-шувли кунлардан бир ой ўтгандан кейин, зиндон эски бандилардан бўшала берди. Зиндонбон одамларининг айтишига кўра, амир ўз тожу тахтини сақлаб қолиш учун каллакесар ўғрилардан «шербачча» номида бир даста сарбоз ташкил қилган эмиш. Зиндондаги эски бандиларни ҳам ўша дастага кириб хизмат қилиш шарти билан зиндондан озод қилаётган эмишлар.

Амир сарбозлигининг таъмини бир марта тотган Ёдгор, бундай «озодлик»ни истамади, сарбоз бўлишдан зиндонда қамалиб ётишни аъло билди. Лекин у зиндон-

www.ziyouz.com kutubxonasi

да ёлғиз қолмади, чунки кун сайин янгидан-янги одамларни келтириб қамар эдилар. Бу одамларнинг бир қисми амирга қарши бош кўтаришда айбланган, бир қисми эса қўрқитиб, амирга хизмат қилишга кўндириш учун келтирилган одамлар эди.

АМИРНИНГ АРКИДА

(1918 йил, март)

«Ҳуррият» шов-шувидан бир йил ўтгандан кейин, зиндон яна бўшала берди: амирга қарши чиқишда айбланганларнинг қўлларини олдинга қовуштириб боғлаб, қатл қилиш учун олиб кетсалар, бошқаларни қандайдир бир хизматни адо этиш бадалига озод қилишга ваъда бериб олиб кетардилар. Шундай қилиб, кўп вақт ўтмай, зиндонда Ёдгор билан бирга бир неча кўр, соқов, кар, касал ва қўлидан ҳеч бир иш келмайдиган майиб кишилар қолди.

Зиндон мана шундай «бўшаб» қолган кунларнинг бирида амирнинг амалдор маҳрамларидан бири келиб зиндонбон билан бирга зиндонга кирди. Маҳрам зиндондаги бандиларни бир-бир кўздан кечиргандан кейин:

— Булар бўлмайди!— деди.

— Бу-чи?— деди зиндонбон Ёдгорни кўрсатиб.

— Бу тузукку-я, лекин жуда ҳам ёввойи кўринади,— деди маҳрам ва Ёдгорга яқинроқ келиб:

— Зиндондан озод бўлиш учун хизмат қиласанми, Дохунда?— деди.

— Қандай хизмат?

— Қейинчалик англайсан.

Ёдгорнинг ҳуррият бўлишдан умиди узилган эди, чунки янги келган бандилар амирнинг катта куч-қувват тўплаганини, «ҳуррият» сўзини тилга олганларни, ҳатто улар билан бир жойда ўтириб бирор чойнак чой ичганларни ҳам ўлдираётганини эшитган эди. Шунинг учун ҳуррият бўлиб, зиндондан озод бўлишига кўзи етмасди... Умр бўйи зиндонда қолишни, номсиз-нишонсиз ўлиб кетишни ҳам истамасди. Мана шундай мулоҳазалар билан «майли, хизматни қабул қилиб чиқаман, агар мен қила олмайдиган хизмат бўлса, яна шу зиндонга келтириб қамайди-да. Бу билан мен ҳеч нарса йўқотмайман» деди ўз-ўзича ва маҳрамга қараб:

— Майли, сарбозликдан бошқа хизмат бўлса, қўлимдан келса, қиламан,— деди.

— Сарбозликдан тинчроқ ва осонроқ хизмат,— деди маҳрам кулимсираб ва зиндонбонга уни бўшатишга буюрди.

Амалдор маҳрам Ёдгорни зиндондан чиқарди, зиндонбон унга тўрт нафар қуролли сарбозни соқчи қилиб берди, улар амир аркига қараб йўналдилар.

Ёдгор беш йил қамоқда ётгандан кейин, ёруғ дунёни энди кўраётган эди. Шаҳарнинг манзараси у илгари кўргандан бошқачароқ, кундуз куни бўлса ҳам дўконлар ёпиқ, одамлар тўда-тўда бўлиб ҳар томонга шошмоқда эдилар. Баъзиларнинг қўлларида эски қилич, ошпичоқ, теша, болта каби «қуроллар» ҳам бор эди.

Регистон майдони, унга туташ мева бозори, Дорушшифо мадрасаси ва Поянда жоменинг томларигача одам билан лиқ тўла эди.

Амалдор маҳрам у қуролли одамларни Ёдгорга кўрсатиб:

— Кўрдингми, Дохунда! Буларнинг ҳаммаси ғазотталаб бўлиб, жаноби олийга ёрдам бериш учун жонларини фидо қилмоқчи бўлиб турибдилар,— деди.

Шу вақтда қушбеги одамлари, боши бир неча жойдан ёрилган ва уст-боши қонга беланган бир кишини суяб, олиб келдилар. У одамнинг қадам босишга мадори қолмаганидан, қушбеги одамлари уни судраб борар эдилар.

У яраланган одамни кўрган ғазотталаблар, момақалдироқни эшитган итлар каби, бирдан увиллашиб кетдилар, қўлларидаги қуролларини кўтариб, унга ўхталдилар. Аммо Регистонда соқчилик қилиб турган сарбозлар мажруҳни ўраб олиб, оломон ҳужумидан сақладилар ва уни аркнинг Тахтапулигача олиб бориб қўйдилар.

Ёдгорни олиб бораётган амалдор маҳрам ҳам оломон орасидан юриб ўша ерга борди. Зиндон соқчилари орқасига қайтдилар. Маҳрам Ёдгорни арк дарвозасидан киргизиб, юқорига олиб чиқди.

Аркнинг жомегача, йўлакнинг икки томонида зарбоф тўн ва олабайроқ чопонлар кийиб, белларини тилла камарлар билан боғлаган дарбор аҳли саф тортиб турар эдилар.

Арк жомесининг айвонида катта муллалар давра қу-

www.ziyouz.com kutubxonasi

риб ўтирган бўлиб, ўртасида эчки соқолли, ранги-қути ўчган, катта саллали, ёши элликларга борган бир мулла ўтирарди. Унинг тиззасида яланғоч қилич ярқиллаб турар, икки ёнида эса икки тўппонча бор эди.

Амалдор Ёдгорни дарвоза олдида қолдириб, ўзи бошлиғидан кўрсатма олиш учун кетди. Ёдгор давра қуриб ўтирган муллаларни кўздан кечира бошлади. Тиззасига қилич қўйиб ўтирган муллага кўзи тушиб, уни танигандай бўлди, аммо қаерда кўрганлигини эслай олмади.

Шу вақт қушбеги одамлари яродор бандини даврага киргизиб, ҳалиги эчки соқол мулланинг рўпарасида тўхтатдилар.

— Муртад, кўрдингми, шариат одамни қандай урар экан?— деди мулла, яродор бандига дўқ қилиб, кейин икки ёнида ўтирган катта саллали муллаларга қараб қўйди. Муллалар бошларини қимирлатиб маъқулладилар. Қиличли мулла яродор бандини сақлаб турган қушбеги одамларига қараб:

— Бу муртадни олиб бориб мирғазабга топширинглар, тегишли жойига юборсин!— деди.

Ёдгорнинг ёнида турган бир киши, қиличли мулланинг «...тегишли жойига юборсин» деган сўзини эшитгач, секингина ўз-ўзига:

— Эй бечора!— деб қўйди.

Унинг кўзлари жиққа ёшга тўлган эди. Лекин кўз ёшини бошқаларга билдирмаслик учун юзини четга бурib кўзини артарди.

Бу ҳолни кўрган Ёдгор ажабланиб сўради:

— «Тегишли жойи» қаер?

— Сен Кўҳистондан келган бўлсанг керакки, ҳеч бир нарсани тушунмайсан,— ва оғзини Ёдгорнинг қулоғига яқин келтириб:—«Тегишли жой»и— гўр. Уни қатл қилишга юбордилар,— деб шивирлади.

Ёдгорнинг эс-ҳуши ҳали ҳам қиличли муллада эди, уни қачон ва қаерда кўрганини эслаёлмай хуноб бўларди... Бирдан эсига келди: «Ҳаҳ-ҳ-а-а! Бу ўша Бойматтининг қарзларини ундириб юрган «саллали ҳиндиқу» деди. Аммо у пасткашнинг бундай мансабга нучук эришганини тушунолмай, ёнида турган одамдан сўради:

— Бу қиличли мулла аввалларда ўлган ҳиндиларнинг қарзларини ундириб юрмасмиди? Қандай қилиб,

муллалардан юқори кўтарилиб, одамларни қатл қилиш ҳукмини ўз қўлига олган?

— Астароқ гапир! Бундай эҳтиётсизлик қилсанг, ҳам сенинг, ҳам менинг бошим кесилади!— деб Ёдгорни огоҳлантирди у киши. Шундан сўнг унинг саволига жавоб берди:— Мен бу мулланинг ўлган ҳиндиларнинг қарзини ундириб юрганини билмайман, аммо шуни биламанки, у аввалларда қози калоннинг таракачиси эди... У бу ишда жуда корчалонлик кўрсатганидан, қози калон уни юқори мансабга кўтариб, муфти қилиб, охирда халқнинг тақдирини унинг қўлига топширди...

У одам яна нималарнидир айтмоқчи эди, лекин Ёдгорни зиндондан олиб келган амалдор маҳрам келиб қолиб, сўзни бўлди ва Ёдгорни ўзи билан олиб кетди.

ҚАССОБХОНА

Амалдор маҳрам Ёдгорни эргаштириб арк жомесининг орқасидаги бир эшикка кирди. Аммо Ёдгор остонага қадам қўйиб кирган ҳамон «вой» деб ўзини орқага ташлади, у шу даражада қўрққан эдики, агар эшикнинг ёндорини тутмасайди, йиқилиб тушарди.

— Э, сен қандай қўрқоқсан?— деди маҳрам ва уни тортиб ичкарига киргизди.

Ёдгор ичкаридаги манзарага қарай олмай, қўли билан кўзларини бекитиб, орқага силжиди, деворга суяниб, зўрға тик турарди.

У ердагилар Ёдгорнинг бу аҳволидан кулишиб, уни масхаралай бошладилар. Ёдгор бундай муомаладан ғазабланиб, бир оз дадил бўлди, ҳовлига диққат билан қаради: ўртада узун бир хандақ қазилган бўлиб, унинг ичида ва теварагида қотиб қолган қон доғлари кўринарди, чуқурдан сал нарироқда йигирматача одамнинг жасади офтобда қуритиш учун қалаб қўйилган ўтиндай, устма-уст териб қўйилган эди.

Ёдгор аввал ўзича «қўрқинчли туш кўраётган бўлсам керак» деб ўйлади. Лекин аста-секин ақл-ҳушини йиғиб, кейинги соатларда ўз кўзи билан кўрган ҳодисаларни эслади: «Амалдор билан зиндондан келганим, Регистонда йиғилган одамлар, арк биноси, амир одамларининг «тантаналари», муллаларнинг дабдабалари,

www.ziyouz.com kutubxonasi

яраланган бандининг ачинарли ҳоли, саллали ҳиндининг уни қатл қилишга юбориши, кўз олдимда турган бу ўлик гавдалар, кушхонадагидай қўланса ҳиди билан димоғимни ёраёзган одам қонлари — буларнинг ҳаммаси туш ёки хаёл бўлмаса керак». Ёдгор шундай эсини йиғиб, ўзича қатъият билан деди: «Булар ҳақиқат, булар шундай даҳшатли ҳақиқатки, мен буларни тушимда эмас — ўнгимда, хаёлда эмас—ўз кўзим билан кўраётирман. Лекин мен бир марта кўришга чидаёлмаганим бу фожиали манзара олдида бу одамлар қандай ўйнашиб-кулишиб, бир-бирлари билан чақчақлашиб ўтирадилар?» деб ўйларди Ёдгор ва бу тош кўнгил одамларнинг қандай йиртқич махлуқ эканлигини аниқлаш учун уларга диққат билан қараб турганида, амалдор маҳрамнинг қуйидаги гапларини эшитди:

— Булар шариатга мувофиқ, жаноби олийнинг буйруқлари билан ўлдирилаётир,— деди у қонли чуқур олдида чордана қуриб ўтирган махлуқларга қараб,— бу ерда тўкилган қонлар ноҳақ қон эмаски, сенларни тутса.

— Йўқ, бўлмайди,— деди у ерда ўтирганларнинг бири амалдорга қараб,— тузук, бизнинг ҳар биримиз ноилож қолган вақтда, ўзимизни қутқазиш учун қон тўкканмиз. Лекин ундай вақтларда бизнинг кўнглимиз қора бўлмасди, чунки биз «ўз жонимизни қутқазиб қолиш учун бу ишни қилдик» деб юпанар эдик. Бу ерда-чи? Бу ерда бизга гуноҳлари маълум бўлмаган, ҳатто гуноҳсизликлари сезилиб турган одамларни сўяётирмиз. Бунга чидаб бўлмайди!

— Бу ерда ўлдирилаётган одамларнинг гуноҳлари сизларга маълум бўлмаса ҳам, жаноби олийга, қушбеги ва муллаларга маълум. Сенлар нега қўрқасанлар?— деди маҳрам.

— Буларнинг гуноҳлари амирга, қушбеги ва муллаларга маълум бўлган бўлса, ўзлари келиб ўз қўллари билан сўя берсинлар ёки бошқа жаллод топсинлар. Биз бу ишни қила олмаймиз,— деди чўрт кесиб ҳалиги жаллод.

— Сен ўз номингдан гапиравер, Мажид,— деди маҳрам унга қараб,— нега «биз» деб бошқаларни ҳам ўзингга қўшасан? Сен қилмасанг, бошқалар қилаверади.

— Мажид тўғри гапирди,— деди қонли чуқур ёнида ўтирганлардан яна бири,— орамизда энг довюрак шу киши эди, бу кишининг номи «каҳкашонлик Мажид» деб Бухоронинг етти туманида довруқ солган, шу кишики бу ишни қила олмаса, биз сира ҳам қила олмаймиз.

— Жуда тўғри гап,— деди у одамлардан яна бири,— ана шу келтирган одамингиз,— у Ёдгорга ишорат қилди,—«бандилар жаллодлик қилиб озод бўлармишлар», деган гапни эшитиб, ўзи ҳам шу ишни қилиб озод бўлмоқчи бўлиб келибди. Аммо у одам ўлдириш эмас, ўлдирилган одамларнинг гавдаларини, қонларини кўриш билан ҳушидан кета ёзди. Бу ишнинг қандай қийинлигини ана шундан тушуна беринг!

Ёдгор ўзи тўғрисида гапираётган одамга қараб, уни таниди, у одам зиндонда биринчи дафъа «ҳуррият бўлармиш» деб гап чиққанда, амирнинг кучига ишонч билдириб, ҳуррият бўлмаслигини исбот қилишга уринган банди эди. Ёдгор у одамнинг гапидан ўзини қандай хизмат бадалига озод қилмоқчи бўлганларини тушуниб ўзини янада қўрқоқ ва ҳушсиз қилиб кўрсата бошлади.

Шу вақтда бўйи узун, гавдаси йўғон, қуюқ қора соқолли, тўти бурун ва юзи доғли бир одам, ҳовли эшигидан кириб Мажидга қаради:

— Қани, гапир, нима қилмоқчи бўлдиларинг?— деб сўради.

— Худо битта, гап битта!— деди Мажид,— бундан буён биз бу ишни қилолмаймиз.

— Хўп, зарари йўқ. Бу мушкулни қози калон жаноблари осон қилдилар,— деди янги келган киши,— у кишининг фикри уламога ҳам, жаноби олийга ҳам маъқул тушди.

— Қандай фикр топдилар қози калон жаноблари?— деб сўради маҳрам.

— Катталар томонидан қабул қилинган фикрга кўра,— деди у одам,— обхоналарнинг регхона номланган бўлмасининг шифти остидаги туйнугидан бир ғарғара ўтказилади, у ғарғаранинг устидан совун суркаб, силлиқ қилинган арқон ўтказилиб, унинг бир учи регхона ичига осилтириб қўйилади, бир учи ташқарида — арк йўлагида қолдирилади. Арқоннинг регхона ичидаги учи сиртмоқ қилинади. Жаноби олийнинг тасаддуқотлари қилинадиган одамни (яъни амирнинг сало-

www.ziyouz.com kutubxonasi

матлиги учун садақа-қурбон қилинадиган одамни) регхонага киргизилиб, арқоннинг сиртмоғини унинг бўйнига солинади. Арқоннинг ташқаридаги учи тортилганда, у одам юқорига кўтарилиб, ўз оғирлиги билан бўғилиб, қони чиқмасдан ва ўз кушандасидан панада ўлади, бу ҳолда «на сих куяди, на кавоб», яъни на қон тўкилиб сизни қон тутади ва на у зарарли одам тирик қолиб, жаноби олийнинг давлатларига халал етказа олади.

— Офарин, бу тадбирни топган қози калон жанобларига! У кишининг оталари ҳам тадбирли киши эдилар. «Яхши гўштдан яхши шўрва бўлади» деганларидай, отадан боланинг туки ҳам ўзга эмас. Яна раҳмат! Демак, бу тарзда одам ўлдириш учун биз керак бўлмаймиз, ўлдириладиган одамнинг бўйнига сиртмоқ солишни ва унга юзма-юз бўлмай, ташқарида туриб, арқон учини тортишни дарвоза мерганлари ҳам қилаверади.

Бу хабарни келтирган одам чиқиб кетгандан кейин Мажид ўз ҳамкорларига:

— Бу одамни Ҳикматбўз дейдилар, бу кўп ишларни қилган, амирга кўп хизматлари маъқул бўлган, шунинг учун қози калоннинг мулозимлигидан Бухоро шаҳрининг миршаблигига кўтарилган. Бу киши кўпни кўрганлиги, одам ўлдиришнинг қийинлигини яхши билганлиги, бундай ҳодисаларни ўз бошидан ўтказганлиги сабабли, бизнинг арзимизни катталарга маъқуллаб, уларни бундай тадбирларни топиш йўлига солган,— деди.

Одам ўлдириш учун янги усул топилгандан кейин, Ёдгорнинг «хизмати»га эҳтиёж қолмади. Шунинг учун маҳрам унга «хизмат»нинг нимадан иборатлигини айтмади. Аммо уни қайта зиндонга олиб боришга эринган учун ҳовлидан чиқариб, бир мерганга топшириб, регхона ёнидаги иккинчи обхонага қамаб қўйишни буюрди.

ОБХОНАДА

Арк дарвозасидан кирганингизда, ўнг қўлда, ердан бир ярим метрча баландликда, усти равоқлик бир супа бор. Унда эрта билан сарбозлар Регистонда машқ қилиб бўлгунча қушбеги ва саркардалар ўтирадилар. Бу ердан Тахтапул устида ва арк дарвозаси олдида «гуноҳкорларга» етмиш беш таёқ уриш каби мудҳиш жазо манзараси кўриниб туради.

Қатл қилишга маҳкум бўлган кишиларни ҳам шу супа олдига келтирилиб, қушбегига манзур қилардилар. Маҳкумни амир ҳақига «дуо» қилдиргандан кейин, Регистоннинг ғарб томонидаги арқон бозорида ёки қушбеги «томоша» қила оладиган жойда боши кесиларди.

Қушбеги ўтирадиган жойнинг шарқ томонида бир мақбара бўлиб, унда кечалари чироқ ёқилади. Бу мақбара «Шоҳнома» қаҳрамонларидан Сиёвушнинг қабри деб машҳур бўлгани учун, қушбеги ҳар куни эрта билан арк дарвозаси олдига келганида, аввал шу мақбарага қараб, Сиёвуш арвоҳига дуо-фотиҳа ўқийди, кейин ҳалиги супага чиқиб ўтиради. Сарбоз машқи тамом бўлиб, қушбеги ва саркардалар кетгандан кейин, супада «дарвоза тўпчибошиси» унвони билан машҳур бўлган амир жосусларининг раҳбари ўтирарди.

Аркнинг усти ёпиқ йўлагидан юқорига қараб юрилганда, ўнг қўлда қатор равоқлар кўринади, уларда мерган унвони билан юритиладиган граждан кийимидаги кишилар турардилар. Буларнинг вазифалари арк дарвозасини қоровуллаш бўлиб, Тахтапул ва усти очиқ йўлакни супуриб-сидириш ҳам шуларнинг зиммаларида эди.

Йўлакнинг чап томонида, мерганлар ўтирадиган жойларнинг рўпарасида, қатор хоначалар бўлиб, булар обхона деб аталади. Обхоналар амир бухоросининг энг мустаҳкам қамоқхонаси эди. Ҳар бир обхонанинг сатҳи тахминан уч мураббаъ метр бўлиб, уларга усти ёпиқ ярим қоронғи йўлакдаги эшикчалардан ҳаво ва ёруғлик кирарди. Бу эшикчалар ҳамиша бекик, уларга ҳар бири тўрт килограмм келадиган қулфлар урилган.

Етмиш беш таёқ уриладиган «гуноҳкорлар» бўйра устида яланғоч ётқизилади. Бўйра яраланган бандилардан бўш бўлган вақтларида, уларнинг устига соғ бандилар ўтирардилар.

Обхоналарнинг ҳар бирида икки чуқурча бўлиб, уларнинг бири бандиларга гулханлик вазифасини, яна бири ҳожатхоналик вазифасини бажарарди. Обхона-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларнинг томида амир отхонасининг гўнглари ва бошқа ифлосликлар уюлиб ётади, уларнинг нам ва захи шифтдан сизилиб, обхона ичига томиб турарди. Обхоналар мана шундай ифлос ва сассиқ бўлгани учун уларга «ҳожатхона» маъносида «обхона» номи берилган эди.

Йўлакнинг энг охирги хоначаси регхона аталарди. Чунки у хонача ҳамиша қум омбори бўлиб, ёмғир ва лойгарчиликда амир отланиб аркдан чиқадиган йўлларга сепилар эди.

Ёдгорни қассобхонадан келтириб регхонанинг ёнидаги обхонага қамадилар. У умрининг энг қаттиқ ва чидаб бўлмайдиган кунларини ана шу обхонада ўтказди. Айниқса, 1918 йилнинг март-апрель ойларида у ерда тирик қолиш ва минут сайин бўлаётган фожиаларнинг шоҳиди бўлишга ҳар қандай кишининг асаблари бардош бермас эди.

У кунларда обхоналар, илгаригидай, бандиларнинг «абадий ётоқхоналари» бўлмасди, балки кундузи обхонага келтирилган банди кечаси регхонага ўтказилиб, энг фожиали ва энг ваҳшиёна равишда осиб ўлдирилларди. Унда икки кунгача тирик қоладиган банди камдан-кам эди.

У ерда тирик қолган эски бандилардан ёлғиз Ёдгор эди.

У ўлдирладиган ва таёқлар билан уриб, аъзойи баданини қонга белаб келтирилган бандиларнинг «оҳ-вой»ларини эшитар, уларнинг ҳолига ачинарди, уларга ҳамдардлик, ғамхўрлик қилишни жони дили билан истарди, аммо қилолмасди, уларга ёрдам беришни тиларди, аммо йўл топмасди. Бу аҳвол унинг дардига юз дард ва қайғусига юз қайғу қўшарди.

Сиз ўйлаб кўринг: бир соатдан кейин ўзларининг фожиали бир тарзда осилишларини биладиган одамларнинг орасида бўлсангиз, уларнинг ҳақиқатда мазлум ва ожизликларини билсангизу, аммо уларга ёрдам қилолмасангиз, бу аҳвол сизга қанча оғир таъсир қилади? Ёдгор ўша кунларда узлуксиз ана шундай аҳволни ўз бошидан кечирарди. Кечалари бўлса аҳвол яна ҳам даҳшатлироқ бўларди...

Кечаларнинг бирида гурсиллатиб қадам босиб, Ёдгор қамалган обхона томонга келаётган икки кишининг оёқ шарпаси эшитилди. Барча бандиларни ваҳима босди, обхона жимжит бўлиб, қабристон сукунатидан дарак берарди.

Обхона эшиги очилиб:

— Ҳомидхўжа!— деган овоз эшитилди.

Бандилардан ҳеч ким жавоб бермади.

— Ҳомидхўжа, дейман! Ҳой, малъун! Овоз бермаган билан ўлимдан қутула оласанми? Муртаднинг юз жони бўлса, ўлимдан қутулолмайди.

Ҳомидхўжа жим туришнинг фойдасизлигини билиб, ўртоқлари билан хайрлашиб, эшик олдига борди. Чақириб келганларнинг бири унинг ўз оёғи билан чиқишини кутиб турмай, товуқни босиб олган шоғолдай, ёқасидан тутиб судради, бири обхона эшигини бекитди. Бир неча минутдан кейин обхона билан регхона орасидаги деворнинг эски бандилар тешган жойидан, ғарғаранинг ғижирлагани, бўғилган одамнинг хириллаши эшитилди. Бир оз фурсатдан кейин оғир бир нарсанинг шифтдан ерга гурсиллаб йиқилгани эшитилди, Ҳомидхўжанинг иши тамом бўлгани англашилди. Шу онда: «Бошқасини олиб келинглар», деган товуш эшитилди. Бандилар титроқ овоз билан ўзаро хайрлаша бошладилар. Бир неча секундан кейин обхона эшиги очилиб, Ҳожиабдусаттор номли банди чақирилиб, ҳалиги тарзда ғарғарага осилди.

Ундан кейин бу фожиа навбат билан Мирзашоҳ, Ҳожисирож,[1] Мирза Аҳмад, Мирза Раҳматулла, Азимжон, Мирза Фаёз ва бошқаларнинг бошларига тушди...

Тонг отди. Регистон, Дорушшифо мадрасаси ва Поянда жоменинг томларигача яна томошабинлар билан лиқ тўлди. Бирдан «қуролли» ғазотталабларнинг увволари орасидан:

— Келтирдилар!— деган товуш эшитилди.

Юзларча кишининг оғзидан бирдан чиққан бу овоз Регистон атрофидаги ўнларча мадраса ва масжидларнинг тоқ-равоқ ва гунбазларидан чиққан акс садо билан қўшилиб, шаҳарга ғулғула солди.

[1] Ҳожисирож — менинг туғишган укамдир. Бу эпизодда номлари қайд қилинган мазлум мақтулларнинг ҳаммалари тарихий кишилар бўлиб, улар менинг энг яқин дўстларим эдилар. Чунончи, Ҳомидхўжа мадрасадош шеригим ва яқин фикрдошим эди; Мирзашоҳ ўша замоннинг ёш шоирларидан бўлиб, менинг яқин шогирдим эди. Мирза Аҳмад Бухоронинг ўша замондаги ёш хаттотларидан бўлиб, менинг биринчи асарим «Таҳзибус-сабиён» номли китобни биринчи марта тош босмага кўчирган эди. *(Автор.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳамхоналари бу кеча ўлдирилиб ёлғиз қолган Ёдгор, бу ғулғулани эшитиши билан ўрнидан ирғиб туриб, обхонанинг шифти остида эски бандилар томонидан Регистонга қарата очилган кичкина тешикчанинг олдига бориб, Регистонга кўз тикди: Регистон майдонининг ғарби-жанубий бурчагидан қўллари боғланган ва қонга бўялган икки кишини, қушбеги ва миршаб одамлари бошларига мушт билан уриб, арк томонига олиб келмоқда эдилар.

Ғазотталаблар бақирардилар:

— Булар Мирзо Шамс билан унинг ўғли Маҳдидир, булар ўзларининг рус тилини билганларидан фойдаланиб, большевикларга қўшилиб, жаноби олийга қарши қилич қайраган эдилар. Буларни халққа ибрат бўлсин учун оломон кўзи олдида, Регистонда қўй каби сўйиш керак.

Ҳақиқатда ҳам уларнинг тақдирлари шу **тарзда** ҳал бўлди: Регистоннинг арқон бозоридаги чуқур олдига олиб бориб, амир ўз саломхонасининг дарчасидан кўриб турадиган жойда ётқизиб бошларини кесдилар...

Яна шовқин-сурон ва ғулғула кўтарилди.

Ғурбунлик олтмиш яшар Мулла Шарифни ўн тўрт яшар ўғли билан олиб келдилар. Булар Нурота чўлида большевиклар томонига қочиб ўтамиз, деяётган чоғдардида қўлга тушганлар. Бу ота-ўғилнинг тақдири ҳам Мирза Шамс ва унинг ўғли Маҳдининг тақдири каби ҳал бўлди. Бу ҳол Қогондан, йўл ва чўлда ушланган кўпгина рус тилини биладиганларнинг ҳам бошига тушди.

Регистон машмашаси бир оз пасайгандан кейин, аркнинг усти ёпиқ йўлагидан бировнинг бақириши эшитилди. Ёдгор тешикча олдидан обхонанинг йўлагига очиладиган эшик орқасига келиб, овозга қулоқ солди.

— Ўтган замондаги подшолар ва уларнинг дарборларидаги катталар уруш ва ғазотларда иш кўрсатган одамларга катта-катта инъомлар бериб, уларни юқори мансабларга кўтарардилар. Мен қилган хизматимни қушбегига арз қилиб, соҳибдавлатнинг марҳаматларига эришай десам, ясовулбоши менга йўл бермади. Бу аҳволда одам қандай умид ва орзу билан хизмат қилади?

— Сен қандай иш кўрсатдинг?— сўради биров.

— Мен, Колесов ўз қўл остидаги большевиклари билан Қогондан қочгандан кейин, эски Қогонгача бордим. Биринчи инқилобда (февраль кунларини айтади) амир томонидан қўлга олиниб, етмиш беш таёқ урилган ва рус солдатлари томонидан обхонадан қутқазилиб, Қогон касалхонасига олиб борилган кофир Мирза Назрулла ўша ерда ўлиб, эски Қогонда кўмилган эди. Мен унинг қабрини бузиб, чангини осмонга совурдим, суякларини ҳар томонга отиб йўқотдим...

— Бу одам ёлғон гапираётир,— деб бир киши унинг сўзини бўлди,— бу ишни ғазотталаб муллалар билан бирга мен қилган эдим. Бу одам биз билан бирга эски Қогонга қараб бораётганида, йўлда Мирза Мустафоқулнинг Қогондан қочиб Ғурбунга бораётганини эшитгач, унинг молини талаб олиш ниятида биздан ажралиб, Ғурбун томонига кетди. Эшитишимга кўра, Мирза Мустафоқул Баҳовуддин мозорида, у ернинг миршаби ва қози калоннинг ноиби томонидан қўлга олиниб, ўз одамлари билан ўлдирилганда, бу одам ҳам ўша ҳодиса устига етиб борган ва Мирза Мустафоқулнинг таланаётган моли ва пулидан бир қисмини бу одам ҳам олган. Ҳолбуки, Мирза Мустафоқулнинг пули ва моли жаноби олийнинг хазиналарига оид эди. Бу одам ўзини ёлғондан «хизмат қилган» қилиб кўрсатиб, олий ҳазрат давлатларидан ҳам бирор нарсани юлиб олмоқчи.

Кейин бу одам ўзи тўғрисида гапира бошлади:

— Агар Мирза Назрулла қабрини бузгани учун хазинадан бирор нарса инъом қилинса, у инъомни олишга мен ҳақлиман. Чунки мен бу ғазотда жонимни жабборга бериб ишладим: Фазлиддин махсум ва Мирза Шамсларнинг чорбоғларига ўт қўйдим. Аммо у ерлардан бир пуллик ҳам нарса олганим йўқ.

— Фазлиддин махсум ва Мирза Шамснинг чорбоғларини ўт қўйишдан аввал, таламадингларми? Аввал у чорбоғлардаги ҳамма нарсани талаб, кейин ўт қўйган бўлсанглар керак,— деди қушбеги одамларидан бири.

— Йўқ, худо ҳақи, бирор нарса олганим йўқ,— деди «ғазотчи»,— тўғри, мен Мирза Шамс чорбоғидан бир қоп унни олмоқчи бўлдим, аммо муллалар йўл қўймадилар: «Кофирнинг уни ҳаром, уни ейиш дуруст эмас»,— дедилар. Шундай қилиб, уч юз қопча буғдой

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва ун ўз кўзим олдида куйиб кул бўлди, бу ҳолни кўриб, юрагим ёниб, тутунларим осмонга чиқди...

Ёдгор икки ойгача шундай фожиа ва воқеаларга шоҳид бўлди. Ундан кейин сўрамасдан одам ўлдириш бир оз камайган бўлса ҳам, кундалик фожиа давом этарди, обхона ўлдириладиган бандилардан ҳеч бўшамасди. Тўрт кишининг чўзилиб ётиши учун торлик қиладиган бу хонага баъзан йигирма, ҳатто ўттиз кишини қамардилар. Мирғазаблар кунда келиб, уларнинг ҳар бирини ўлгудай уриб, сўроқ қилардилар:

— Бухоро қочоқлари ва рус большевиклари билан қандай ёзишмаларингиз бор? Улардан сенларга қандай буйруқ ва кўрсатмалар келди? Тўғрисини айт!..

Аммо уларнинг ҳеч бири бундай сўроқларга жавоб бера олмас, чунки уларнинг бундай воқеалардан хабарлари йўқ эди. Бандиларни иқрор қилдира олмагандан кейин уларни яна калтаклаш, муштлаш, уриш, қабиҳ сўзлар билан сўкиш бошланарди.

Баъзан бандиларнинг кафларини бир-бирига жипс қилиб, билакларини чамбарчас боғлаб, боғланган қўллари орасидан тиззаларини юқорига чиқариб, тақимларидан таёқ ўтказардилар ва обхона юзига юмалатиб тўғри келган жойига таёқ, қамчи ва мушт билан саваларди лар, тиззаларини тикка қилиб, тизза суякларига тош билан урардилар... Шу тариқа азобланган бандилардан яна сўроқ бошланарди, лекин сўроқлар аввалгидай жавобсиз қоларди. Ундан кейин яна таёқ, яна қамчи, яна мушт...

Бандилар охирда ҳолдан тойиб, обхонанинг ўзида ўлиб қолардилар ёки мирғазаблар бундай бандиларнинг жавоб беришларидан умидлари узилгандан кейин, уларни регхонага олиб бориб, ғарғарага осардилар...

Подшолик томонидан у бандиларга бир бурда нон берилмасди, ҳатто сувни ҳам тежаб берардилар. Шаҳардан қамалган ва ташқарида ўз кишилари бўлган бандилар учун қавм-қариндошларидан ош-нон келиб турарди. Аммо бундай ош-нонларни обхона соқчилари еб, «тоғдан — тариқ» дегандай, озгинасини эгаларига киргизиб берардилар.

Ўзига овқат келган банди, у овқатни қанча оз бўлса ҳам, ўзи ёлғиз емай, бандилар билан бирга баҳам кўрарди.

СОМОН ОСТИДА ЯШИРИНГАН ЎТ

Бир неча кундан бери Ёдгор обхонада ёлғиз эди, кейинги бир ярим йил ичида бўлиб ўтган фожиали воқеалар, унинг кўзи олдидан такрор ўтарди. Хаёлидаги бу манзараларнинг таъсири ҳозир кўриб турган фожиалардан даҳшатлироқ туюларди, чунки у вақт Ёдгор ёлғиз эмасди, ҳозир эса ёлғиз.

Ёдгор ёлғизликда мана шундай азоб чекаётган кунларнинг бирида обхона эшиги очилиб, бир одам гавдасини ичкарига отиб юбордилар ва дарҳол эшикни бекитиб кетдилар. Бу одам гавдаси кўпкарида чопилган эчки танасидай ёрилган, қонга бўялган эди. Чала бўғизланган товуқдай типирчиларди...

Бирор соатдан кейин бу одам тинчланди. Ёдгор уни ўлди деб ўйлади. Лекин бир неча минутдан кейин, у одам кўзини очиб, атрофга назар ташлади ва Ёдгорни кўриб, яна кўзини юмди.

Ёдгор ҳам унинг кўнглини олиш ва ўзининг ёлғизлик дардини енгиллатиш мақсадида, уни уйқудан уйғотаётгандай секингина:

— Ака! Ака!— деб ўзига келтирмоқчи бўлди.

— Ҳа! Нима дейсан?— деди у одам кўзини очмасдан.

— Ҳеч нима демайман, аҳволинг қандай?

— Шукур!

— Нима учун қамоққа тушдинг?

— Ўлмоқ учун!

— Қамоққа тушишнинг сабабини сўрамоқчиман!

— Ўзинг кимсан?

Ёдгор ўз бошидан ўтган воқеаларни айтиб тугатгунича, у одам ҳам жонланиб, деворга суяниб ўтирди. Ёдгор айтган воқеалар бу одамга қаттиқ таъсир кўрсатди, кўзларида нур пайдо бўлди, бир соат бурун кўзлари ўликникидай хира эди, энди чақнаб кетди.

Янги банди Ёдгорга бир оз тикилиб тургандан кейин, гапга киришди.

— Мен ўламан, мени ўлдирадилар, аммо сен қутуласан, ёлғиз сен эмас, ўз уйларида туриб, ўзларини қамоқда ҳис этган барча мазлумлар озод бўладилар. Шунинг учун мен ўлишимдан хафа эмасман...

Шу вақтда оёқ шарпаси эшитилди, обхона эшиги очилди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Абдуллахўжа!

— Ҳа, хизмат?— деди Абдуллахўжа, гўё уни ўз уйининг эшигига келиб, бирор дўсти чақиргандай осойишталик ва хотиржамлик билан.

— Кел!— деди чақирган киши.

— Нега? Нима қилмоқчи бўлсанг, шу ерда қилавер!

— Кел дедим! Лаънати!— даҳшат билан такрорлади чақирувчи.

Абдуллахўжа обхонадан чиққач, эшик бекитилди. У кетгандан кейин, Ёдгор унинг тўғрисида ўйлай бошлади: «Бу қандай ажойиб одам. Бадани таёқ остида шу қадар эзилган ҳолда, «вой» демайди, ўлимдан ҳам қўрқмайди, ўз жаллодларига ҳам қонини бузмай гапиради, шу билан бирга уларга ялиниб-ёлвормайди ҳам, ўз иззат-нафсини совуққонлик билан сақлайди. Ҳолбуки, аввалги бандилар ўлим келмасданоқ жон берардилар, ўлимдан қўрқиб йиғлардилар-сиқтардилар...»

Ҳалиги бандини кўпкарида чопилган эчкидай яна ичкарига отдилар. У бу гал аввалгидай мадорсиз эмасди, беш минутча ётгандан кейин, ўрнида чордана қуриб ўтириб, гапга киришди:

— Дохунда!— деди у,— сени «дохунда!» деганимга хафа бўлма. Бухорода бу умумий бир одат, бухороликлар Кўҳистондан (тоғлик вилоятлар) келган ҳар бир камбағални «дохунда» дейдилар. Аммо менинг мақсадим сени «дохунда» дейишдан ҳақорат қилиш эмас, мен сенга шуни тушунтирмоқчиманки, шу яқинларда дохундаларнинг — оёқяланг камбағалларнинг саодатли кунлари келади, ҳозирча одамларнинг қашшоқлигига далолат қилиб, таҳқир ўрнида ишлатилиб келган бундай номлар, бундан кейин у одамларнинг иззатли ва обрўли бўлишларига сабаб бўлади...

Ёдгор, Абдуллахўжанинг бундай ўтириши ўлим олдидаги телбалик ва бундай гапларини жон бераётганда айтиладиган сафсата деб ўйлади. Шунинг учун гапларига унча аҳамият бермади. Абдуллахўжа Ёдгорнинг бу фикрини пайқаб, жиддийроқ гапирмоқчи бўлди:

— Дохунда! Сен гапларимнинг маъносини тушунмаётирсан, шунинг учун ўз мақсадимни очиқ қилиб айтмоқчиман. Мени яқинда ўлдирадилар. Ўлмасдан илгари, сенга келажакда бўладиган ишларни билиб-

тушуниб қарши ола билишинг учун юз берадиган воқеалардан хабардор қилиб қўйишни истайман. Аввали шуни билиб олки, бошингдан кечган воқеаларни Бухоро музофотидаги ҳамма меҳнаткашлар бошларидан ўтказмоқдалар. Кўз олдингда ўшанча ваҳшийлик билан ўлдирилган одамлар халқнинг бошига тушган ана шундай қора кунларга норозилик изҳор қилган одамлардир. Амир Колесов воқеасидан фойдаланиб, қўлга тушган норозиларни ҳар хил ваҳшийлик билан йўқотиб юборди. У «энди ҳамма норозиларнинг бошларига ўт ёғдириб, сув қуйиб йўқотдим, бундан кейин хотиржамлик билан ҳукмронлик, айш-ишрат қиламан», деб ўйлади. Лекин амирнинг бу хаёли янглиш, чунки амир «бутунлай ўчирдим» деб ўйлаган норозилик ўтининг учқунлари сомонхоналар ичига кириб, сомон остида яшириниб қолган. Бу ўт учқунлари минут сайин ортмоқда, сомон остида тутаб кенгаймоқда, шу яқинларда бирдан аланглаланиб юзага чиқади, амирнинг тахту тожини, унинг ҳомийлари билан бирга куйдириб кул қилади...

Абдуллахўжа уйқу босган одамдай, бошини қуйи солиб, хаёлга чўмди. Ёдгор бундан фойдаланиб, унинг сўзлари нечоғлик жиддийлигини аниқламоқчи бўлди:

— Амир бир ярим йилдан бери одам ўлдиради, бандиларнинг гапларига кўра, Бухоро музофотининг бошқа жойларида ҳам қон тўкиш авжда. Аҳвол шундай бўла туриб, ҳали ҳам амирга қарши бош кўтара оладиган бирор тирик жон қолганмикан? Агар қолган бўлса, амирнинг раҳмсизлик билан одамларни ўлдираётганини кўра туриб, бош кўтаришга ботинадими?

Абдуллахўжа кўзини очиб, унга тикилиб қаради. Бу қарашда, афтидан, Ёдгорнинг кўнглидагини ўқимоқчи ва шу билан унинг ўз гапларини тушунмоққа тайёрми ёки ҳали ҳам бу сўзларни юзаки тингламоқдами эканини аниқламоқчи эди. У Ёдгорнинг ўзига диққат билан қараётганини пайқади ва шунинг учун ўзининг пароканда фикрларини бир ерга тўплади, ўз тасаввуридаги келажакни кўз олдида гавдалантириб, яна сўзга киришди, Ёдгорни келажак кунларнинг тасвирини осонлик билан тушунишга тайёрламоқчи бўлиб, ундан сўради:

— Амирнинг норозиларни ваҳшийлик билан ўлдирганини кўрганингдан кейин, сенинг кўнглингдаги но-

www.ziyouz.com kutubxonasi

розилик ўти бутунлай сўндими ё ҳали ҳам норозисанми?

— Мен аввалларда амирдан унча норози эмас эдим,— деди Ёдгор,—«бўлаётган нотўғри ишларни беклар, қози, раис ва миршаблар қиладилар, амирнинг бу ишлардан хабари йўқ», деб ўйлар эдим. Аммо сарбоз бўлиб, зиндонда қамалиб, кўп мазлумларни кўрганимдан кейин, айниқса, амирнинг аркида ва обхонасида унинг буйруғи билан ва унинг кўз олдида шунча бечораларни чидаб бўлмайдиган азоб-уқубатлар билан ўлдирилганларини ўз кўзим билан кўрганимдан кейин, кўнглимдаги норозиликнинг сабаби фақат қозилар, раислар, беклар ва миршабларгина бўлиб қолмай, буларнинг бошлиғи ва жиноятчиларнинг саркардаси амирнинг ўзи эканини билиб олдим.

— Ундай бўлса, сен амирга қарши қўзғалмайсанми?

— Қўзғалардим,— деди Ёдгор,— лекин ёлғиз менинг қўлимдан нима иш келади, фойдаси бўлмаган ишда ўзимни ҳалок қиламан деб қўрқаман, кўнглимдаги норозиликни яширишга тиришаман.

— Сен кўнглингда яширишга тиришган ана шу норозилик ўша мен айтган яширин ўтнинг бир учқунидир. Ёлғиз менинг қўлимдан нима иш келади деганинг янглиш. Чунки юз йиллардан бери эзилиб келган Бухоро ўлкасининг ўн мингларча, юз мингларча меҳнаткашлари кейинги фожиаларни кўриб, уларнинг ҳам норозиликлари ёлғиз амалдорлардан бўлиб қолмай, улар ҳам «бош жиноятчи амир ўзи экан», деб билдилар. Лекин уларнинг ҳар бири ҳам «ёлғиз менинг қўлимдан нима иш келади, фойдаси бўлмаган ишда ўзимни ҳалок қилмай», деб норозиликларини яширишга тиришадилар. Мана бу — бутун мамлакатни қоплаб олган ва «сомон остида яшириниб ётган ўт»нинг ўзгинаси...

Абдуллахўжа бир оз жим туриб, ёлғиз ўзи тўғрисида эмас, балки ўзи каби юз мингларча норозилар тўғрисида ўйлаётган Ёдгорни «яхши фикрлаб олсин», деб ўз ҳолига қўйди ва ўзи ҳам жимликда дам олиб, бир оз нафасини ростлагандан кейин, яна давом этди:

— Сен «норозилар юз мингларча бўлсалар ҳам, уларнинг тўплари бўлмаса, милтиқлари бўлмаса, уларни бир жойда тўплаб бир ёқадан бош чиқартириб,

амирга қарши қўзғатадиган бошлиқлари бўлмаса, қўлларидан нима иш келади?» деб ўйламоқдасан. Шундай эмасми?

Ёдгор унинг тахминини тасдиқ қилди ва ўз кўнглида «бу қандай одам-а! Кишининг кўнглидаги гапларни янглишмасдан билиб олади», деб ҳам қўйди.

Абдуллахўжа давом этди:

— Тузук, агар дунё бурунги дунё бўлиб, Бухоро ҳам ўша ота-бобомиз кўрган эски Бухоро бўлса эди, эҳтимол, сенинг бу ўйлаганларинг тўғри чиқарди. Лекин дунё остин-устун бўлиб, унинг таъсири билан Бухоро ҳам бирмунча ўзгарган. Россияда катта ўзгаришлар бўлиб, Николай подшони тахтдан қувганларини эшитганмисан?

— Ҳа, уч йил бурун бу воқеани зиндонда эшитган эдим. Бандилар: «Николай тахтдан қувилди, амир ҳам ҳуррият беради, биз ҳам озод бўламиз»,— деб қувонган эдилар. Лекин орадан кўп вақт ўтмай, аҳволларимиз аввалгисидан ҳам баттар бўлди.

— Россиянинг иши Николай подшони тахтдан қувиш билан тамом бўлиб қолмади; аслида, Россия ишчилари, солдатлари ва меҳнаткаш деҳқонлари Коммунистлар партиясининг раҳбарлиги остида, бир ёқадан бош чиқариб қўзғалиб, подшони тахтдан қувган эдилар. Лекин подшонинг қолдиқлари — унинг катта амалдорлари, саркардалари, мамлакатнинг катта бойлари, фабрика, завод хўжайинлари, катта ер эгалари «тайёр ошга баковул» бўлганда подшонинг жойига ўтириб, унинг ишини давом эттирдилар...

Абдуллахўжа бирдан кўп гапириб чарчади, шекилли, бир оз жим туриб, нафасини ростлаб олди.

— Ўз зулмини Николай подшога таяниб давом эттираётган амир, унинг тахтдан қувилганидан қўрқиб, чинданми, ёлғонданми, «ҳуррият» бераман деган бўлса ҳам, Николайнинг қолдиқлари, унинг ишини давом қилдираётганини кўриб, уларга таяниб, ўз ваъдасидан қайтди, ҳуррият тарафдорларини, мамлакатдаги норозиларни тутиб ўлдира берди. Лекин Коммунистлар партияси раҳбарлик қилаётган Россия ишчилари, солдатлари ва меҳнаткаш деҳқонлари қараб турмадилар ва курашни давом эттириб қўзғолонни кенгайтириб, 1917 йил 25 октябрда Улуғ Октябрь социалистик революцияси деб ном олган буюк ўзгаришни вужудга кел-

www.ziyouz.com kutubxonasi

тирдилар ва подшо қолдиқларини ҳам иш бошидан қувиб, ҳукуматни ўз қўлларига олдилар, ёлғиз ҳукуматнигина эмас, бутун фабрика, завод, банкалар, ер, сув, қисқаси, мамлакатнинг бутун бойлигини ўз қўлларига олиб, бойлар ва «Николайнинг ишини давом қилдирамиз» деганларни тиши суғуриб олинган бўридай ва ёки тирноқлари кесилган йиртқич қушдай қилиб қўйдилар. Энди Россияда амирнинг суянадиган жойи қолмади...

— Энди жадидлар бош бўлиб, норозиларни бир ёқадан бош чиқартириб, амирга қарши қўзғолон ясасалар бир оз иш қила оладилар, демоқчи бўласан-да,— деди Абдуллахўжанинг сўзидан ўзича хулоса чиқарган Ёдгор.

— Жадидлар?— деб жим бўлди Абдуллахўжа пешонасини буриштириб ва кескинроқ оҳанг билан давом этди,— жадидлар ҳеч бир ишни қила олмадилар, бундан кейин ҳам бирор иш қила олмайдилар, аслида ҳам улар бирор тузукроқ иш қилмоқчи эмасдилар. «Бузоқнинг югуриши сомонхонагача» деганларидай, уларнинг асосий мақсадлари «мактабларнинг ислоҳи», «мадрасаларнинг ислоҳи,» «амир ҳукуматининг ислоҳи» эди. Ўз-ўзидан маълумки, «бир нарсани ислоҳ қилиш», уни йўқотиш маъносида бўлмай, балки у нарсани тузатиб, чидамлироқ қилиб, давом эттириш маъносидадир. Тўғри, амир жадидларнинг шу арзимас талабларини ҳам рад қилди ва шу талаблари учун уларнинг бир қанчаларини ўлдирди, мол-мулкларини мусодара қилди. Шунинг учун улар амирнинг шахсига ва бир неча дарбор аҳлига душман бўлдилар. Шу билан бирга, уларни «амирлик режимига қарши», деб бўлмайди.

— Ўтган йил «жадидлар большевикларга қўшилиб, амирга қарши чиққанлар», деб эшитган эдим. Бу нотўғрими?— деб сўради Ёдгор.

— Тўғри! Жадидларнинг ўтган йил Туркистон ҳукуматининг бошлиғи бўлган Колесовни ўзларига ёрдамчи қилиб, амирга қарши «ҳужум қилмоқчи» бўлганлари тўғри. Лекин ўшанда ҳам уларнинг мақсади амирликни йўқотиш эмасди. Улар «биз Колесовга қўшилиб сенга ҳужум қиламиз, десак, амир қўрқади ва дарҳол дарборидаги бизга қарши одамларни қувлайди ва ўзи бизнинг таъсиримизга тушиб қолади. У вақтда ўзимиз ҳукмрон бўлиб, амирнинг шавкатини баъзи ислоҳотлар

билан (юқорида қайд қилинган ислоҳотлар билан) давом қилдирамиз», деб ўйлаган эдилар. Уларнинг бу мақсадлари «Бухоро ислоҳоти» номи билан Самарқандда бостирилиб тарқатган китобчаларидан маълум. Шунинг учун улар «Колесов билан бирга Бухоро шаҳрига ҳужум қиламиз», деб турганларида, амир бир қушбегини ишдан олиб (Мирзойи Урганжийни) бошқа бир кишини (Усмонбекни) қушбеги қилганда, жадидлар «мақсадимизга эришдик» деб қувонган эдилар. Амир дўқ-пўписалардан қўрқмай, урушга ҳозирланганда, жадид раҳбарларидан бири: «Эҳтиёт бўлиш керак, тўп ўқи шаҳарга тушмасин, амирни қўрқитиб, ўзимизга қаратиб олиш учун тўпнинг овози кифоя»,— деган эди; бошқа бириси эса, шахсан амирнинг олдига бориб, у билан бевосита гаплашиб, тезроқ ярашишга шошилди.

— Жадидлардан бошқа, ҳақиқатан амирдан норози бўлган одамлар нега фурсатдан фойдаланиб, Колесовга қўшилиб, амирнинг ишини тамом қилмадилар?— деб ўринли бир савол берди Ёдгор.

— Бошқа норозиларнинг қўзғолон кўтармагани ҳам жадидларнинг хиёнатларидандир. Ўқимаган ва уюшмаган норозилар, албатта, ўз-ўзларидан қўзғолон кўтара олмасдилар. Жадидлар бўлса: «Меҳнаткаш деҳқонлар, косиблар ва умуман амирдан норози бўлганлар уюшиб қўзғолон қилсалар, Россияда бўлган воқеалардан сабоқ олиб, амирнинг орқасидан биз каби бойваччаларни ҳам қувиб юборадилар»,— деб қўрқардилар. Шунинг учун «омма орасида овоза тарқатмасдан, жимгина ҳукуматни ўз қўлимизга олайлик»,— деб Бухоро шаҳри ичидаги жадидларни ҳам, уларнинг хайрихоҳларини ҳам бўладиган воқеадан хабардор қилмадилар. Ҳатто Колесов: «Ташвиқот қилиб аҳолини қўзғолонга тайёрлаш керак»,— деганида, «Бухоро шаҳрида ўттиз минг қуролланган тайёр одамимиз бор, сиз ташқаридан бир тўп отсангиз, улар ичкаридан бош кўтариб, амирнинг оёғини осмондан келтирадилар»,— деб, уни очиқдан-очиқ алдадилар. Натижада, меҳнаткаш аҳоли Колесов воқеасига, ногаҳоний бир воқеага дуч келгандай бўлиб, нима иш қилишларини билмадилар ва норозилиги маълум бўлган одамлар қочишга йўл топмай, амир қўлига тушиб, сен кўрган тартибда ўлдирилдилар. Бу тўкилган қонлар жадидлар жиноятининг натижасидир.

— Мен ўзларини «ёш бухороликлар» ёки «ёшлар»

www.ziyouz.com kutubxonasi

деб атайдиган баъзи бандиларни кўрдим. Улар кимлар?— деб сўради Ёдгор.

— Ўзларини «ёш бухороликлар» ёки «ёшлар» деб атайдиганлар ҳам, ўша жадидларнинг ўзгинасидирлар. Бунинг сабаби шуки, Бухоро жадидлари орасида усмонли туркларнинг ва татар бойваччаларининг таъсири катта эди. Усмонли туркларнинг ўз жадидларини «ёш турк» маъносида бўлган «жун турк» деб атайдилар, татарлар ҳам ўз жадидларини «ёшлар» дейдилар. Бухоро жадидлари ҳам ана ўшаларга тақлид қилиб, ўзларини ёшлар ёки ёш бухороликлар деб юритадилар. Бухоро жадидларининг раҳбарлари она тиллари тожикча бўлиб, ҳатто ўзбекчани ҳам билмаганлари ҳолда, туркча гапиришга уринардилар ва гапларига қулоқ соладиган одамларни ҳам туркча гапиришга мажбур қилардилар. Уларнинг бу ишлари ҳам ўша усмонли туркларнинг таъсирида қолганларидан бўлиб, «жун турк»ларнинг «бутун дунё мусулмонларини турклаштириб, бирлаштирамиз», деган аҳмоқона таълимотларига берилганларидандир.

— Жадидлар, «ёш бухороликлар» бундай бузуқ мақсадлар орқасидан юрадиган бўлсалар, Бухоронинг зулм остида эзилган меҳнаткашларини ким уюштириб, амирга қарши қўзғатади?— деди Ёдгор умидсизликка тушгандай бўлиб.

— Мен боя Россия меҳнаткашлари Коммунистлар партияси раҳбарлиги остида Улуғ Октябрь социалистик революцияси деб номланган буюк ўзгаришни вужудга келтирдилар деган эдим. Колесов воқеасидан кейин, кўзлари очилган Бухоро меҳнаткашларидан кўп киши Бухородан қочиб, Самарқанд ва Тошкентга бориб, коммунистлар партиясига кирдилар, бошқача айтганда, большевик бўлдилар. Ана шулар Тошкентда Бухоро коммунист (большевик)ларининг марказий комитетини ташкил қилиб, Самарқанд, Когон ва Чоржўйда унинг шуъбаларини очдилар, шаҳарда ҳам коммунистларнинг яширин тўдалари пайдо бўлди. Ана шу Бухоро коммунистларининг марказий комитети, Россия коммунистлари раҳбарлиги остида, Бухородаги бутун норозиларни уюштириб, амирга қарши бўладиган ҳаракатларга раҳбарлик қилади. Россияда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг вужудга келишига раҳбарлик қилган Россия Коммунистлар партияси каби мустаҳкам партия раҳбарлиги остида бўлган

Бухоро коммунистлари Бухоро революциясига раҳбарлик қилар экан, жадидларнинг иккиланишларидан ҳам, хиёнатларидан ҳам ҳеч бир қўрқиш йўқ. Биз умидворлигимизки, бу дафъа амирга қарши қиладиган ҳаракатларимизда ғалаба қозониб, амир ва амирлик режимини йиқитибгина қолмай, ҳатто амир ва амирлик режимини майдонга келтирган ижтимоий тузумни ҳам йўқотамиз.

Абдуллахўжа чарчаб, бошини қуйи солиб ўйлаб кетди. Энди у Ёдгорнинг кўзига жон талвасасида сафсата сотаётган одамдай эмас, балки темир қафасга қамаб қўйилган бир шерга ўхшаб кўринарди. У бундай шернинг қўлга тушгани учун афсусланар, «шу қадар онг-фаҳм ва билим билан нега Самарқанд ёки Тошкентга қочиб, ўз ёқасини амир жаллодлари қўлидан қутқазмаган экан?» деб таажжуб қиларди. Охирда бу саволнинг жавобини унинг ўзидан олмоқчи бўлиб:

— Нега Самарқанд ва Тошкент томонларига қочмадинг, қандай ғафлатда қолиб, амирнинг тузоғига тушдинг?— деб сўради.

— Мен Когондаги рус коммунистларининг йўл кўрсатишлари билан коммунист бўлиб, Тошкентга бориб, Бухоро коммунистларининг марказий комитети билан бевосита алоқа боғладим. Мазкур марказий комитетнинг топшириғига мувофиқ, шаҳарда ишлаш учун қайта Бухорога келдим. Бу ерда анчагина иш ҳам қилдим, омма орасида амирга қарши ташвиқот юритдим. Ишончли, мустаҳкам одамларни партияга қабул қилиб, шаҳарнинг ичида бир неча яширин ячейка очдим. Охирда сирим очилиб, қўлга тушдим.

Абдуллахўжа яна жим бўлди. Ёдгор унинг оқибати қандай бўлишини аниқ билса ҳам, уни юпатиш учун:

— Агар бу ердан қутулсанг, қочиб тўғри Тошкентга бор. Шаҳарда, сен партияга киргизган кишилар, сенинг ишингни олиб борадилар. Келажак учун сенинг тирик қолишинг керак,— деди.

— Менинг қутулишим маҳол,— деди Абдуллахўжа кулимсираб,— лекин қутулганда ҳам, сенинг маслаҳатингга амал қилиб қочиб кетмасдим, балки шу ерда қолиб, партия топшириғини бажаришда давом этардим. Келажакда ишлаш учун одам кўп топилади, ҳозир ишлаш керак, аммо мен учун қутулиш йўқ. Булар

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳозирча мени ўлдирмай, сир олмоқчилар. Шунинг учун бугун мени икки марта турли қийноқлар остига олиб сўроқ қилдилар. Албатта, мен тожикча қилиб айтганда, «сар (бош) бераман, аммо сир бермайман». Буларнинг қийноқ ва сўроқлари яна бир-икки кун давом этади. Шу орада қийноқ остида ё ўзим ўламан, ёки сир олишдан умидлари узилиб, ўзлари ўлдирадилар...

Абдуллахўжа яна бир оз дам олгандан кейин, гўё ўз гапларидан хулоса чиқариб:

— Ҳар ҳолда менинг кунларим саноқли қолган, лекин сен ҳушёр ва эҳтиёт бўл!— деди.— Ишқилиб, ўзингни саодатли озодлик кунларига етказ, революцияни мустаҳкам қиладиган кишиларга қўшилиб ишла! Коммунистлар партиясига кир! Ўша вақтда партия раҳбарлигида тарбия топиб, озодлик йўлида ва халқнинг бахт-саодати учун катта ишлар қила оласан. Мен ўламан! Яшасин революция!— деб Абдуллахўжа ўз сўзини тугатди. Бу вақтда унинг кўзи ва юзи ғайри табиий бир тарзда қизарган эди, бу ҳол унинг ҳарорати кўтарилганини кўрсатарди.

Азобланган, иситмаси кўтарилган Абдуллахўжа чўзилиб ётмоқни истарди. Аммо у ўтирган жойидан қимирлаёлмасди, унинг қийноқ ва таёқ остида ёрилган, эзилган ва қонаган бадани ич кийимларига ёпишиб, қотиб қолган эди, қимирлаши билан кийими баданидан бир парча гўшт билан узилиб, унинг азобини ўн бор орттирарди.

Ҳар қанча азоб остида бўлса ҳам, у Ёдгорнинг ёрдами билан, юзларча бандиларнинг қонига беланиб қотиб қолган обхона бўйрасига юзини қўйиб, чўзилди. Лекин хуррак ўрнига, ҳазин инграш эшитиларди. Баъзан уйқусида босинқирагандай маъносиз гаплар айтар, ҳайқирар ва ўрнидан ирғиб турмоқчи бўларди, аммо ич кийими баданидан бир парча гўшт билан бирга узилиб, у азобдан ҳушига келар, юзтубан йиқиларди.

Абдуллахўжа ўз тахминида хато қилмаган эди: уни ўша азобли кечанинг эртасига яна қийноқ ва сўроқ учун олиб кетдилар. У шу билан қайтиб келмади. Ёдгор ўзича: «У қийноқ остида ўлгандир ёки қийноқнинг зўри билан қимирлай олмайдиган бўлганидан кейин, уни қийнаган жойда ташлаб қўйгандирлар», деб ўйларди.

Орадан икки кун ўтгандан кейин, Ёдгор қамалган хонанинг ёнидаги регхонанинг эшиги очилиб, у ерга

бир неча киши кирди, обхона билан регхона орасидаги тешикчадан аввал «яшасин революция!» деган овоз, ундан кейин ғарғаранинг ғижирлаши, унинг орқасидан бировнинг бўғиқ хириллаши, энг охирда даҳшатли гурс этган садо эшитилди.

АМИР ДАРБОРИНИНГ «САВЛАТИ» ВА УРУШГА ТАЙЁРЛАНИШИ

(1920 йил, август)

Амирнинг дарбори чўп суқилган ари уясидай визиллашда эди. Ёдгор ўз вақтини обхонанинг шифтидаги Регистон томонига очилган кичкина тешикча олдида ўтказарди.

Бир кун эрталаб, тўрттадан саф тортган икки юзтача одам Регистон майдонининг жануби-ғарбий бурчагидан — Поянда жомининг ғарбидаги совун бозоридан пайдо бўлиб, амирнинг аркига томон келаверди. Бу одамларнинг орқасидан эгнида зарбоф тўн, бошига катта салла ўраган бир отлиқ пайдо бўлди. Бу одамнинг лаблари қалин, бурни ёйиқ, юзи оқ, сергўшт, кўзлари тор ва қисиқ эди.

Отлиқнинг жиловида икки одам катта-катта қадам босиб бормоқда, бошларидаги узун савсар телпакнинг учи орқага қайрилиб тўрарди; эгниларида тор ва қисқа адрас тўн, беллари боғлиқ, белбоғлари оддий белбоғ ё камар бўлмай, эни бир қарич келадиган шол, олди томонга қатор қўнғироқ тақилган эди; оёқлари тиззаларигача қизил шол пайтава билан ўралган, тиззаларида ҳам бир қатор қўнғироқ, оёқларида тумшуғи узун, олтин сим билан гул солинган афғонча кавуш...

Қадам босганларида қўнғироқлар чалиниб, қатор туя келаётир деб ўйлаш мумкин эди. Бу одамлар Бухоро таъбирича «шотир» деб аталардилар.

Булар орқасидан яна юз нафарча пиёда пайдо бўлди. Буларнинг орқасидан ҳам бир серсавлат одам келмоқда эди. Бу одам отининг безаклари ва ўзининг қимматли кийимлари билан, аввалги отлиқдан оз фарқ қилса ҳам, афт-башараси бошқача эди: ориқ, қорамтир, мўйлови узун, эчки соқол. Жиловида қўнғироқли шотирлар ўрнига, оддий кийинган тўрт киши бўлиб, ҳар бирининг қўлтиғида биттадан қурол бор эди. Қуролнинг узунлиги

www.ziyouz.com kutubxonasi

бир газча бўлиб, бир неча қават қаттиқ қайишдан иборат бўлиб, сопи заранг дарахтидан ясалган эди. Бу қуролнинг номи «дарра» бўлиб, у билан қуролланган одамни «даррадаст» дейиларди.

Бу икки отлиқ Тахтапул олдида отдан тушиб, олдинкейин аркка чиқаётганларида, дарвоза тўпчибошиси ўз одамларидан бирига:

— Бориб қушбеги жанобларига: «Қози калон ва раис жаноблари келдилар», деб хабар бер!— деди.

Бу отлиқлардан кейин яна ҳар хил савлатли одамлар келиб, аркка чиқавердилар: баъзилари Бухорода «кулуча чалвор» деб аталадиган ҳарбий кийимда бўлиб, енгларига олтин сим билан гул тикилган эди; бошларида тўгарак савсар телпак, елкаларида олтин погон, кўкракларида амир ва император томонидан берилган олтин медаллар узун ва энли ленталар, оёқларида амиркон этиклар...

Баъзиларининг эгнида зарбоф тўн, бошларида зар дўппи ва салла, оёқларида этик, отларининг эгар-жабдуқлари олтин ва ёқутлар билан безатилган эди.

Улардан кейин яна бир тўда отлиқ келди, буларнинг ҳам эгниларида зарбоф чопонлар, бошларида катта саллалар бўлиб, печлари елкаларигача тушиб турарди; ҳар бирининг жиловида иккитадан пиёда, уларнинг чопонлари шу қадар узун эдики, қадам босганларида оёқлари этакларига ўралиб, йиқила ёзардилар; бу пиёдаларнинг саллалари ҳам ўз хўжайинларининки каби калавадай қилиб ўралган, фақат уларникидан кичикроқ эди.

Ундан кейин яна бир тўда отлиқлар пайдо бўлди. Буларнинг эгниларида Бухоро, Қарши ва Ҳисор олачаларидан тикилган чопон, бошларида мисқолий докадан салла шолғом шаклида силлиқ қилиб ўралган эди. Буларнинг отлари содда эгар-жабдуқ остида бўлса ҳам, семиз, ёллари ва думлари ювилиб-таралган, топ-тоза эди.

Тўда-тўда бўлиб келган бу отлиқлар отларидан тушиб, аркка чиққанларида, уларнинг жиловдор сайислари, Дорушшифо мадрасасининг девори олдида, отларнинг қўйруқларини мадраса деворига тираб, қаторга тизила бошладилар.

Сўнгра Регистонга сарбозлар кела бошлади. Биринчи навбатда отлиқ сарбозларнинг дасталари пайдо бўлди. Ҳар бир даста майдонга кириб, бир оз машқ қилиб музика чалгандан кейин, эрта билан аркка чиққан ҳарбий кийимдаги савсар телпаклилардан бири даста олдига ўтиб, уни Регистондан олиб чиқиб кетарди. Отлиқ сарбозлар орасида ўн беш-ўн етти яшар ўспиринлардан ҳам бир неча даста бор эди. Буларнинг кийимлари рангли мовутдан ғалати бичимда тикилган бўлиб, улар ҳарбий йигитчалардан кўра цирк артистларига кўпроқ ўхшардилар. Буларнинг умумий номлари «кавказ» бўлиб ҳар бир даста кийимининг ранги ва бичимига қараб «кубанский», «аралский» ва «турецкий» каби турли номлар билан аталарди.

Отлиқ сарбозлардан кейин, пиёда сарбозлар ва тўпхона дасталари келиб, ҳалиги тартибда бир оз машқ қилиб, ўз саркардалари билан Регистондан чиқиб кетдилар.

Булардан кейин, оддий чопон кийган отлиқ элнавкар дасталари пайдо бўлди. Буларнинг беллари фўта билан боғланган бўлиб, чопонларининг этаги меш чармидан тикилган, кенг шимлари ичига тиқилган эди. Буларнинг қуроллари турли-туман бўлиб, баъзиларининг елкаларида фарангий милтиқ, баъзиларинкида оғзидан ўқланадиган сунбалик милтиқ ёки энг қадимги шохдор милтиқлар бор эди. Ҳар бирининг белида эски қилич, Регистонга кирган вақтларида қиличларини яланғоч қилиб ўйнатиб, бировни чопиб ташлайдигандай, ҳар томонга ўқталиб келардилар. Буларнинг ҳар бир дастасига салла-чопонли бир киши аркдан тушиб, бошлиқ бўлиб Регистондан олиб чиқиб кетди.

Элнавкарлар Регистондан чиқиб кетгандан кейин, ёшлари ўн олтидан етмишгача бўлган турли-туман кийинган салла-чопонли беш юз нафар отлиқ кириб келди. Булар Регистонда амир аркига қараб саф тортиб турганда, аркдан зарбоф чопон кийган, салласи шолғом шаклида ўралган, ёши йигирма беш-йигирма еттиларга борган бир йигит тушиб, отланиб, буларни Регистондан олиб чиқиб кетди.

Бу йигитнинг икки ёнида, лекин ундан бир қадамча кейинроқ, тўрт нафар ўрта ёшли отлиқ бўлиб, йигитнинг ҳар бир қарашида, улар қоринлари эгарнинг қошига етгунча эгилиб, таъзим ва ҳурмат кўрсатардилар. Қиёфаларидан, уларнинг савдогарлардан ташкил топган «ҳарбий» даста экани маълум эди, буларга бошчилик қилган йигит Бухоро бойваччаларидан, ёнидаги тўрт нафар отлиқ унинг адъютантлари экани билиниб турарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Савдогарлар дастаси Регистондан чиқиб кетгандан кейин, яна бир катта тўда пайдо бўлди, бу тўда одамлари арк Тахтапулидан бошлаб, Регистон майдонини то Болойи ҳовуз биносининг олдигача лиқ тўлдирдилар.

Буларнинг ранги ўчган, кўзлари хира, терилари суякларига ёпишган, соқоллари ўсиқ ва пахмоқ бўлиб, умрларида қайчи ва тароқ юзини кўрмаганлари билиниб турарди; чопонлари узунлигидан ерни супуриб борар, саллалари чувалиб бўйинларига тушиб турарди; белларини ингичкагина қийиқ билан боғланган бўлиб, иштонларининг кенг ва узун почалари маҳсисиз кийган кавушларининг юзига тушиб уни ёпиб турарди; ҳар бирининг қўлида ўн бир ўқли фарангий милтиқ бўлиб, бу қурол уларнинг қиёфаларига ҳеч бир келишмасди.

Бошига катта салла ўраган, зарбоф тўн устидан белини оқ фўта билан боғлаган, қилич осиб олган сарсоқол, семиз бир киши аркдан тушиб, бу узун чопонлар тўдасининг олдига ўтди-да, қўлларини очиб амир ҳақига узун дуо ўқиди, орқасидаги одамлар бир овоз билан «омин» деб бақирдилар.

Обхонанинг Регистон томонга очилган тешикчадан амир дарборининг савлатини томоша қилиб турган Ёдгорнинг кўзи бу одамга тушиб, уни танигандай бўлди, лекин қачон ва қаерда кўргани эсига келмади. Аммо у одам унинг диққатини тортмоқда, Ёдгор унга тикилиб қараб турмоқда эди.

Катта саллали одам амирни дуо қилиб бўлгандан кейин, қушбеги одамлари арк ичкарисидан тўла қопларни кўтариб олиб келиб, Тахтапул устига бўшатдилар. У қоплардаги нарса маҳси экан. Маҳсиларни оёқяланг-ларнинг ҳар бирига биттадан бериб, уларни битта-битта қушбеги олдидан ўтказиб, унга манзур қилдилар.

Маҳси улашиш тамом бўлгандан кейин, ўша катта саллали киши белидаги қиличини яланғочлаб, учини ерга эгиб туриб:

— Биз муллалар зоти олийнинг саломатликларини ва шариатни сақлаш йўлида жонимизни фидо қиламиз ва умидимиз борки, олий ҳазрат давлатларининг баракасидан дунёда бирорта большевик, бирорта динсизни қолдирмай, ҳаммасини йўқотамиз,—деди. Кейин, қиличини қинига тиқиб, зарбоф жули устига малла жойнамоз ёзилган отига миниб, саллалилар олдига тушиб, уларни Регистондан олиб чиқиб кетди.

Бу одамнинг юриш-туришини кўриб, гапларини эшитган қушбеги одамларидан бири, шеригига:

— Домла Қутбиддин жаноби олийнинг барча саркардаларидан ботирроқ кўринадилар. Иншоолло, Бухорога ҳеч бир офат тегмайди,— деди.

Мулла Қутбиддин деган номни эшитгач, Ёдгор бу одамнинг қаерда кўрганини эслади — бу ўша зиндонга келиб, бандиларга «нажот дуоси» ёзиб берган дуохон эшон эди.

Энг охирда Регистонга икки муҳим ҳарбий даста келди, бу даста ларнинг бири нуқул каллакесар ўғрилардан ташкил топган «шербаччалар» дастаси бўлиб, иккинчиси, афғонлардан ташкил топган «афғон» дастаси эди.

Биринчи бўлиб Регистонга «шербаччалар» дастаси кириб келди. Булар минг кишича бўлиб, кийимлари ярим ҳарбий ва бошларида сур қоракўлдан бухорча телпак бор эди. Ёшлари ўттиздан элликкача бўлиб, кўзлари қўрқинчли, янги одам ўлдириб келган жаллодларнинг кўзларига ўхшарди.

Елкаларида ўн бир отар инглиз милтиқ, чап ёнларида қилич, ўнг ёнларида тўппонча. Уларнинг Регистонга келиши машқ учун бўлмай, ўз бошлиқларини алмаштириш учун экан. Арк дарвозаси ёпилиб, дарчадан қушбегининг ясовулбошиси чиқди, улардан мақсадларини сўради.

Улар қўлини орқасига боғлаб олиб келган эски бошлиқларини ясовулбошига топшириб, уни қамаб қўйишни сўрадилар, янги бошлиқларига саркардалик сарпо ва ўн минг танга пул сўрадилар.

Шу вақтда орадан бири ҳавога ўқ узди, кейин бошқалари ҳам ўқ уздилар.

Милтиқ товушини эшитган амир ва қушбеги дарҳол ясовулбошини чақириб, уларнинг талабини дарров қондирди — ясовулбоши бир зарбоф чопон, бир дока салла ва бир чарм халтага солинган ўн минг танга пул чиқариб берди.

«Шербаччалар» Регистондан кетиб, арк дарвозаси очилгандан кейин, «афғон» дастаси кирди. Буларнинг сони саккиз юзтача бўлиб, соқоллари тарошланган, узун ва қуюқ мўйловлари юқорига қаратиб товлаб қўйилган, сочлари ўсиқ эди.

Бошларида афғонча кўк салла бўлиб, салланинг пеш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лари белларигача етар эди. Оқ кўйлак устидан афғонча камзулча ва унинг устидан афғон тўгликларига хос чакмон кийган эдилар. Иштонлари жуда кенг, оёқларида афғонча пайсорлари бор, қуроллари «шербаччалар» никн каби, инглиз милтиқ, тўппонча ва қиличдан иборат эди.

Буларнинг бошлиғи пакана, семиз, оқарган соқоли қуюқ, кўзларидан сув томиб турадиган афғон эшони эди. Даста нафарлари уни «эшон соҳиб» деб атардилар. Даста пиёда, бошлиқлари отлиқ эди. Эшон дастани Тахтапул олдида тўхтатди. Орқасига қараб рўмолчасини силкитиб қўйди.

Дастадагилар бу ишоратни кўргач, бир оғиздан:

— Ё чор ё мадад!—деб бақирдилар. Шу вақтда қушбегининг ясовулбошиси эшон олдига келиб, дастанинг талабини сўради.

— Бу мусофир жонсупорлар,— деди эшон,— жаноби олийнинг давлатларида яхши маишат қилишга одатланганлар. Бир кун овқатлари озроқ бўлса, жинни бўлиб, халқни талай бошлайдилар. Кеча Тавсанак қишлоғида чойфуруш Раҳматбойнинг чорбоғига бостириб кириб, молини талаб, ўғлини ҳам ўзлари билан бирга олиб келдилар. Мен бу тартибсизликни тугатиш учун буларни алдаб-сулдаб арки олийга олиб келдим. Агар муборак ва баракали хазинадан ҳозирча йигирма минг танга пул берилса бир неча вақт халқнинг ёқаси буларнинг чангалидан қутулади.

Ясовулбоши уларнинг талабини қушбегига етказиш учун арк дарвозасидан кирганида, булар ҳам «шербаччалар» каби, ҳавога қараб бир йўла ўқ уздилар. У вақтгача очиқ турган арк дарвозаси милтиқ товуши чиққан ҳамон бекитилди ва ясовулбоши икки халта тангани шогирдпешаларга кўтартириб келиб, эшонга берди, бу «қаҳрамонларни» ҳам арк дарвозасидан узоқлаштирдилар.

Қушбеги одамларидан икки киши Тахтапулнинг гулдастасига суяниб туриб, бу ҳолни томоша қилмоқда эди. Афғонлар кетгандан кейин улардан бири ўз ҳамкорига:

— Жаноби олий ҳеч бир вақт «шербаччалар» билан афғонларнинг талабларини рад қилмайдилар. Ҳолбуки, бошқа сарбозларнинг қоринлари бирон вақт нонга тўйган эмас. Бунинг ҳикмати нима?— деб сўради.

— Жаноби олийнинг умидлари аввал худодан бўлса, иккинчидан шу икки дастага боғлиқ,—деди шериги,—

булар ҳақиқий қаҳрамон йигитлар. Булар шундай қўрқмас ботирларки, жаноби олийнинг ўзларидан ҳам ҳайиқмайдилар, агар арк дарвозасини бекитмасалар, бостириб кириб, жаноби олийнинг хазиналаридан истаганларича тилла-тангани босиб олишлари ҳам эҳтимол. Агар жаноби олий билан большевиклар орасида уруш бўлса, буларнинг ҳар бири юзта большевикка жавоб беради.

«Ҳарбий машқ» ва «парад»лар тамом бўлиб, Регистон бўшагандан кейин, қози калон ва раис аркдан тушиб, отланиб, тартиб ва савлат билан жўнаб кетдилар. Қози калон совун бозори орқали ўз ҳовлисига йўналди, раис ўз тўдаси билан Болойи ҳовуз томонига йўл олди.

Раис Болойи ҳовуз хонақоҳига бориб, айвонга чиқиб ўтиргач, унинг одамлари ҳовуз теварагидаги чойхоналарга ва Регистон бозорларига «гуноҳкор» тутиб келиш учун кетдилар. Чойхонадаги ва бозорлардаги қишлоқилар раис одамларини кўргач, ҳар томонга қочишди. Чойхоналардан фақат бир шўринг қурғур деҳқон, қовун бозоридан эса, яна бир бечора қўлга тушди. Деҳқоннинг битта қовуни хом чиққани сабабли, бир қоп қовунини ёриб ташлаб, ўзини раис олдига олиб бордилар.

Раиснинг буйруғига мувофиқ, қовунфуруш яланғоч қилиниб, ўттиз тўққиз дарра урилди, кейин жаноби олий ҳақига «дуо» қилдириб жўнатилди.

— Буни олиб бориб ўз жойига қўй!—деди раис.

Мулозим деҳқонни нарироққа олиб боргандан кейин унга:

— Қани, хизматона чиқар!—деди.

— Қандай хизматона? Қовунларимни ёриб ташлаб, ўзимни ўттиз тўққиз дарра урдирганингиз учунми?

— Тез бўл, чиқар дейман, бўлмаса, ҳалиги гапинг учун олиб бориб яна ўттиз тўққиз дарра урдираман,— мулозим унинг чўнтагига қўл тиқиб, бор пулини олди.

— Бор энди, ўз ишингга! Худо полизингга барака берсин,— деб қайтиб кетди.

Раис чойхонадан тутиб келтирилган деҳқондан «фарзи айн» сўради, саводсиз деҳқон жавоб бера олмагач, уни ҳам яланғоч қилдириб, ўттиз тўққиз дарра урдирди. Раис у деҳқондан ҳам жаноби олий ҳақига «дуо» олгач, мулозимга:

— Буни олиб бориб мактабга топшир! Мактабдор унга «фарзи айн» ни ўргатсин!—деди.

Мулозим деҳқонни Усторуҳи гузаридаги мактабга

www.ziyouz.com kutubxonasi

олиб бориб, мактабдорга «фарзи айн» ўргатишни топшириб, деҳқондан икки танга «хизматона» олиб қайтиб кетди. Мулозим кетгандан кейин мактабдор мулла деҳқондан:

— Яна пулинг борми,— деб сўради.

— Қанча?

— Қанчаки бўлса!

— Яна икки тангам бор!

— Хўп, майли, ўшани бериб, ўз ишингга кета бер!— деди.

Деҳқон қолган икки тангасини мактабдор муллага бериб, чойхоначидан ичган чойи учун қарздор бўлиб қишлоғига кетди.

УРУШ МАШҚИ

Регистонда, арк дарвозасининг йўлагида қанча шовқин-сурон бўлса ҳам, обхонанинг ичи жимжит эди. Ёдгор обхона эшигининг орқасида, Регистонга қараб очилган тешикча олдида эртадан-кечгача тикка туриб, «томоша» қилишдан ва гап тинглашдан зерикди, ҳордиғини чиқармоқчи бўлиб, қонли бўйрада чўзилиб ухлаб қолди.

Кўзини очганида, обхонанинг бурчагида бир йигитчани кўрди, у бегона катакка қамалган товуқ каби ҳуркиб, писиб ўтирмоқда эди.

— Кимсан?— деб сўради Ёдгор.

— Бир бахтсизман!— жавоб берди йигит.

— Ношукурлик қилма! Сен бахтсиз эмассан,— деди Ёдгор,— мен бу ерда икки ярим йилдан бери ётибман, бу орада боши ёрилмасдан, таёқ остида эзилмасдан келтирилган бандини кўрган эмасман. Сен соппа-соғ, бойваччалардай кийиниб келиб ўтирибсан. Нега ўзингни бахтсиз санайсан?

— Бухорода, бизнинг замонда, жадид ёки большевик деб туҳматланган киши энг бахтсиз ҳисобланади. Мени жадид деб туҳмат қилиб, бу ерга олиб келдилар. Тақдирим нима бўлиши маълум, ҳар ҳолда ўлимимга саноқли кунлар қолди. Бу ҳолимнинг нимасига шукур қилай?

Ёдгор кўнглида бу одамнинг бахтсизлигини тасдиқ қилган бўлса ҳам, уни юпатиш учун:

— «Дард бошқа, ажал бошқа», деганлар,— деди,—

ҳали бошга тушмаган мотам учун аза тутиш, ўз умрингни беҳуда ғам билан ўтказишдир. Айт-чи: сенга ким жадид деб туҳмат қилди ёки ўзинг ҳақиқатан жадидмисан?

— Мен жадид эмасман, лекин Юсуфбой ва унинг югурдаги бўлган Қаршибек мени жадид деб туҳмат қилиб қаматди.

— Сенга қандай душманлиги бор эди?

— Юсуфбой Бухоронинг катта бойваччаларидан бўлиб, ҳарбийлаштирилган савдогарлар дастасининг саркардаси, Қаршибек — унинг югурдаги, қўшмачилик қилиб, амирга ҳам яқинлашган бир киши. Бу кунгача орамизда ҳеч бир душманчилик йўқ эди, мен оддий бир даллол боласи бўлганимдан, улар билан душманчилик қилишга арзимасдим. Лекин бугун бир фалокат сабаб бўлиб, уларнинг душманчиликларига учрадим.

Ёдгор бугун юз берган фалокатни сўради. Йигитнинг ҳикоясига кўра, шу кун эрта билан Ёдгор кўрган бойлар дастаси машқ қилиш ниятида шаҳардан чиқиб, Шаҳриислом қишлоғига борганлар. У қишлоқнинг даштлик ва бўш жойида узун бир хандақ қазилган. Окоплардан чиқарилган тупроққа учига ҳалқалар боғланган ярим метрлик таёқлар қатор қилиб, суқиб қўйилган. «Ҳарбийлаштирилган» савдогарлар саф тортиб, ўзларининг ҳарбий маҳоратларини синаш учун рўпарадаги таёқнинг учидаги ҳалқадан ўқ ўтказишга қарор қилганлар.

Кейин, ҳалиги йигитчанинг қўлига бир байроқча бериб, уни хандақнинг ичига қўйганлар. Унинг вазифаси хандақнинг ичида туриб, қўлидаги байроқчани юқори кўтариш, отилган ўқларнинг бири ҳалқадан ўтганда, у байроқчани пастга эгиш экан. Саф ёнида турган «ҳарбий комиссия» ана шу аломат билан, нишонга урганларни аниқлаб, дафтарга ёзиб турар экан.

Ана шу қоида ва тартибларга юз фойиз риоя қилиниб, ҳарбий комиссия томонидан ҳамма иш жойида топилиб энди машқ бошлаш олдида, Қаршибек от чоптириб келиб, ҳалиги йигитчага: «Саккизинчи бўлиб отилган ўқ нишонга тегса-тегмаса, байроқчани эгиб, нишонга теккан қилиб кўрсат!»— деб буйруқ бериб кетган.

Машқ бошланган, хандақ ичидаги йигитча ўз вазифасини ҳалоллик билан адо қилиб турган. Аммо Қарши-

www.ziyouz.com kutubxonasi

бек унга айтиб қўйган сўзини унутиб, саккизинчи ўқ отилган вақтда, у нишонга тегмагани учун байроқчани пастга эгмаган.

Машқ тамом бўлгандан кейин, Юсуфбой билан Қаршибекнинг ҳалиги йигитчага назарлари бошқача бўлган, чунки сафда саккизинчи бўлиб савдогарлар дастасининг саркардаси — Юсуфбойнинг ўзи турган экан ва Қаршибекнинг ундай буйруқ бериши Юсуфбойнинг ўз ишорати билан бўлиб, бундан мақсад уни «ҳарбий маҳоратда» биринчилар қаторига ўтказиш ва шу билан унинг шуҳрат ва обрўйини яна ҳам юқори кўтариш экан.

Юсуфбой билан Қаршибек ҳалиги йигитча «бу ишни қасддан ва саркарданинг обрўйини тўкиш учун қилган», деб ўзларича қарор берганлар ва ундан ўч олмоқчи бўлиб, қушбеги одамларига топширганлар. «Бу йигит аслда жадид эди ва жадидликдан тавба қилдим деб домла Қутбиддинга кўп пул ва тилхат бериб, қамалиш ва ўлдирилишдан қутулган эди. Аммо кейинги маълумотларга кўра, ҳали ҳам Тошкентдаги Бухоро қочоқлари ва рус большевиклари билан ёзишмаси бор эмиш. Шунинг учун то бу маълумотлар текширилиб аниқлангунча, буни олиб бориб эҳтиёт чораси тартибида, обхонага қамаб қўйинглар!»— деганлар.

— Ана шундай бўлиб қамалдим,— деди йигитча ҳикоясининг охирида,— шундай оғир туҳмат билан, айниқса, савдогарларнинг тақдирини ўз қўлларига олган Юсуфбой ва Қаршибек томонидан туҳмат қилинганимдан кейин, мен учун қутулиш йўли борми? Мени, албатта, ўлдирадилар,— деб йиғлаб юборди...

Йигитча йиғлаб-йиғлаб, кўнглини бўшатиб, бир оз тинчлангандан кейин, Ёдгор сўради:

— Сен боя «мен жадид эмасман!» деган эдинг. Ундай бўлса, нега мулла Қутбиддинга, «мен жадидликдан тавба қилдим», деб тилхат бердинг? Ёки Юсуфбойларнинг бу гаплари ҳам ёлғонми?

— Бу тўғри,— деди йигитча,— лекин бу бошқа масала: Февраль инқилобидан бери, айниқса, Колесов воқеасидан кейин муллаларнинг вакиллари бўлган мулла Қутбиддин ва тараккачи Ибодулла махсум ҳам уларнинг югурдаклари «жадид-қадим» низосидан фойдаланиб, ўзлари учун бир даромад манбаи тайёрлаганлар, юзларча пули бўлмаган ёшлар сўроқсиз ўлдирилиб юборилди. Бир оз ўзига тўқ, пулли ёшларни ўз олдиларига чақириб, аввал катта пора, сўнгра тилхат олиб, қўлларига «жадидликдан тавба қилди», деб гувоҳнома берганлар. Мен ҳам ана шундай балога йўлиққанларнинг бириман...

Йигитча бир оз жим тургандан кейин, яна давом этди:

— Бухорода пули бор ёшлардан муллалар олдига олиб борилиб, «жадидликдан тавба қилди», деб гувоҳнома берилмаган киши топилмаса керак,— деди йигитча,— ёшлардан фақат бир киши бу ишни қилмади,— пули бўлгани ҳолда, пора ва тилхат бермади ва мардларча ўлимга борди.

Ёдгор бу қаҳрамон ёшга қизиқиб, унинг кимлигини сўради.

— Унинг номи Мирзашоҳ, Бухоронинг ўртача бойларидан Мирзабой оқсоқолнинг ўғли эди. У ота-онасининг бирдан-бир ўғли бўлган, ота ундан пулини аямасди: уни яхшигина ўқитди, ёлғиз тожикча ва арабча эмас, русча ҳам ўқитди, қобилиятли бўлган Мирзашоҳ мутолаа орқали яхшигина маълумот олди ва ёшлигида шеър билан шуғулланиб, шоирликда ҳам ном чиқарди. Рус тилини ўқиб ўзлаштирган, турк, татар тилини газеталар воситаси билан ўрганган бу ёш йигит, уч тилда ёзилган китоблардан хусусий бир кутубхона ҳам ташкил қилган ва кеча-кундуз ўша китобларнинг мутолааси билан машғул эди. У биринчи жаҳон уруши арафасида Россия ва Европада саёҳат қилиб, фикри ҳам гузуккина очилган эди.

— Колесов воқеаси кунларида,— деб йигитча давом этди,— Қори Рўзи деган ўз маҳалласининг имоми уни чақириб ундан пора ва «жадидликдан тавба қилдим», мазмунида тилхат олмоқчи бўлган. Лекин у унамаган: «Мени жадид дейсизми, большевик дейсизми — ҳар нима десангиз дея беринг! Аммо мен «тавба қилдим» деб хат бермайман»,— деган.

Бу аҳволни кўрган отаси имомга кўп пул бериб, уни рози қилган бўлса ҳам, ўғлини «тавба қилдим» деб хат беришга кўндира олмаган. «Имом мени ўлдирмоқчи бўлса, ўлдиртира берсин, аммо тавба қилиш разолатини қабул қилмайман»,— деган. Бу ҳолни кўрган имом, тажанг бўлиб, ўз шогирдлари билан бирга унинг ҳовлисига бостириб бориб, китобларини ёндирган ва Мир-

www.ziyouz.com kutubxonasi

зашоҳнинг қўлини боғлаб ура-ура аркка олиб борган, у ерда шоирни амир жаллодлари ўлдирганлар.

— Мен Мирзашоҳни танийман, уни менинг кўзим олдида ўлдирдилар,— деди Ёдгор,— у обхонада қамалиб, регхонада осилган одамлар орасида ўлимни йиғламай-сиқтамай қарши олганларнинг бири эди...

Йигитчанинг қўрқиши ва Ёдгорнинг «бунинг тақдири ҳам ўлим билан ҳал бўлади», деб ўзича ўйлагани беҳуда бўлиб чиқди. Бир неча соат ўтгандан кейин обхона эшиги очилиб, бандибон йигитчани озодлик билан табрик қилди:

— Қарвонбоши жаноблари келиб сизнинг гуноҳингиздан кечишни қушбеги жанобларидан сўрадилар, мен ҳам далолат қилдим, қушбеги рози бўлиб, «уни обхонадан чиқариб, карвонбоши жанобларига қўшиб юбор!»— дедилар. Энди сиз менинг хизматонамни беринг,— деб уни олиб чиқиб кетди.

«ҒАЗОТ» АРАВАСИДА

(1920 йил, 28 август)

Бугун одатдан ташқари бир аҳвол юз берди. Маҳрамлар ва ясовуллар амир турган Ситорамахосса чорбоғидан от чоптириб аркка—қушбеги олдига келардилар. Унга амир буйруғини топшириб, отларини алмаштиргач, яна шошилинч суръатда Ситорамахоссага жўнардилар.

Элнавкар дасталари эски қуролларини қурхонага[1] топшириб, амирнинг рус оқгвардиячиларидан олган бешотарлар ёки инглизларнинг амирга ҳадя қилиб юборган ўн бир отар милтиқларни олиб чиқар эдилар.

Бухорода «Қўқон арава» деб машҳур бўлган подшолик араваларни аркка чиқариб, у ердан нимадир юклаб, устини брезент билан бекитиб жўнатардилар. Тахтапулнинг шимолидаги қурхонадан янги системадаги пулемётлар, кичик тўплар, оғзидан ўқланадиган эски шохдор тўпларни чиқариб, қаёққадир олиб кетдилар.

Букун Ёдгорнинг томошаси авж олган эди, у гоҳо обхонанинг шифтидаги тешикча олдига бориб, Регистонни томоша қилар, гоҳо обхона эшигининг орқасига бориб, амир ва қушбеги одамларининг гап-сўзларини тингларди.

Пулемёт ва тўпларни махсус араваларга юклаб келган шогирдпешаларга қушбеги одамларидан бири инглиз пулемётлари ва кичик тўпларни менсимай, бундан икки юз йил бурун Бухоронинг ўзида қуйилган катта тўпларни мақтарди:

— Бундай кичкина тўплар урушда нима иш қила олади? Бизнинг ота-бобомиздан қолган табаррук катта тўпларга бир ботмон қайроқ тош жойлаб отсанг, душманни тор-мор келтиради. Уларнинг биттаси мингта большевикни ерга қориштиради,— дер эди у.

Кун ботиб, шом азони айтилди, арк дарвозаси бекитилиб, бориш-келишлар тўхтади. Бирон соатдан кейин хуфтон айтилиб, арк дарвозабонларининг истироҳат вақтлари бошланди. Дарвоза тўпчибошиси жосусларидан келган хабарларни йиғиштириб, регхона ёнидаги ҳовлисига кетди.

Арк дарвозасининг қоровуллари кийимларини ечиб, кўрпаларига чўзилдилар. Шу вақтда арк дарвозасининг Тахтапули олдидан:

«Гум, гум, гум-тинг... гум... тинг», деган садо эшитилди: бу миршабнинг «қаторак» деб аталган каттакичик довулларидан чиққан садо эди. «Қаторак» довул ҳар вақт миршабнинг ўзи ёки унинг ўринбосари шаҳарни айланиб юрганда чалинарди. Бу довулнинг арк дарвозаси олдида чалиниши амирнинг махсус топшириғи билан миршабнинг аркка келганини кўрсатарди.

Шунинг учун бу садони эшитиш билан мерганлар ётоқларидан туриб, кийина бошладилар. Дарвоза тўпчибошиси ҳам саросималик билан ўрнидан туриб, тўғри арк дарвозаси томонга кетди.

— Ким?— деб сўради у.

— Мен, миршаб! Дарчани очинг!

Тўпчибоши арк дарвозасининг дарчасини очди, у ердан миршаб кириб тўпчибоши билан саломлашгандан кейин, ундан:

— Сизники тайёр бўлса керак?— деб сўради.

— Кеча Шофирком қозиси юборганларининг иккаласини ҳам ювинтириб қўйганман!— деб жавоб берди тўпчибоши.

Шу вақтда соч-соқоли оппоқ оқарган, бўйи узун, гавдаси йўғон ва парчагул шоҳи тўн кийиб, белини тилла

[1] Қурхона — арсенал, куролхона.

www.ziyouz.com kutubxonasi

камар билан боғлаган бир киши аркнинг юқори томонидан тушиб, миршаб олдига келди. Бу одамни Ёдгор «шербачча» ва «афғон» дасталарига пул чиқариб берган куни таниб қўйган эди, бу — қушбегининг ясовулбошиси эди.

Миршаб ясовулбоши билан саломлашгандан кейин:

— Сиз кўпни кўрган тажрибали одамсиз, сизники қачонлар тайёр қилиб қўйилган бўлса керак,— деди.

— Меникининг иккитаси эски созандалардан бўлиб, улар ҳамиша тайёр; аммо шариатпаноҳ қози калон юборган иккитаси жуда ҳам чўртқесар экан, бир кечаю кундуз йиғидан тўхтамадилар. Охирда подшобиби (амирнинг онаси)нинг ўзлари ваъз-насиҳат қилиб, бир оз тинчлантирдилар ва шу кеча шомдан кейин, ҳаммомда ювинтириб хоссаги кийимлар кийгиздилар.

Қапалик қўқон арава юқоридан туширилиб, арк дарвозаси орқасида тайёр қилиб қўйилди. Араванинг устида брезент капа бўлиб, орти-олди кигиз тортиб бекитилган эди.

Арава келиши билан мерганлар тўпчибошининг ҳовлисидан ўн беш-ўн олти яшар икки ўғил болани арава олдига келтирдилар.

— Ўғил болалар тушадиган арава қаерда?— деб сўради миршаб ясовулбошидан.

— Олий ҳазратнинг аравахоналарида бошқа арава қолмаган, ҳаммасига ўқ-дори юклаб, уруш бўладиган жойларга жўнатилган. Аркда ўрда ташиш учун махсус ясатилган, усти ёпиқ ўнта арава бор эди. Уларни ҳам лашкарбоши тортиб олиб, қурол юклаб жўнатди. Шу биттагина аравани зўрға олиб қолдим.

— Иби, энди нима қиламиз, бу ўғил болаларни нимага мингазиб юборамиз?— деди миршаб.

— Миршаббек, сиз ғалати экансиз?— деди аравакаш,— булар ўрда бўлсалар (арава ичидаги хотинларга ишорат қилиб), улар ҳам (ўғил болаларга ишорат қилиб) ўрда-да. Агар улар (ўғил болаларга ишорат қилиб) ўрда бўлмасалар, отга мингаштириб олиб бориш мумкин эди. Гап шундай экан, ҳаммаларини бир аравага тушириб, олиб бораверсангиз нима зарари бор?

— Кўп вақиллама, кал!— деди миршаб аравакашга.

— Кал Қурбон тўғри гапирди,— деди ясовулбоши,— модомики, «ғазот» учун қурол-яроғ ташиш каби шаръий узр бор экан, хотин-қизлар билан эркакларни бир аравага туширишнинг нима зарари бор? Агар кўнглингиз қабул қилмаса, эрта шу масалани аълам ҳазратдан сўранг. Албатта, «тузук» деб фатво ёзиб берадилар.

— Зарари йўқ,— деди арава ичида ўтирган созанда хотинлардан бири.— Ситорамахоссага етиб боргунимизча, мен уларга «Ҳазрат саломат бошанд» деган ашулани ўргатиб қўяман. Агар ҳаммаларимизни бир жойда базм қилишга буюрсалар, биргалашиб жўр қилиб куйлаганимизда, ҳазратимнинг муборак таъблари жуда ҳам чоғ бўлади.

— Биби! Сиз рози бўлсангиз, биз ҳам рози, ҳар ҳолда жаноби олийга: «Миршаб бизни номаҳрамлар билан бир аравага тушириб юборди», деб шикоят қилмасангиз бўлгани,— деди миршаб созанда хотинга.

— Хотиржам бўлинг!— деб созанда хотин миршабни тинчлантирди.

Араванинг орқасига ёпилган кигизнинг боғларини ечиб, ўғил болаларни ҳам ўша арава ичига киргизганларида, кал Қурбон:

— Эй валло, гап бу-да,— деди,— чучварадан мақсад — гўшт ейиш, деганлар. Ишқилиб, юкни соғ-саломат олиб бориб, Ситорамахоссага туширсангиз бўлгани.

— Ҳай, бадбахт кал-эй! Мени «борфурор»[1] дединг-а.

— Борфурорликдан орлансангиз, камина қулингиз хизмат қилиб беради. Ҳар ҳолда ўз жойида айтилган гап учун мендан хафа бўлманг-да, миршаббек,— деди аравакаш.

— Жаноби олийнинг хизматлари бўлгандан кейин борфурорлик ҳам шарафли иш,— деди ясовулбоши.

Арк дарвозаси кенг очилиб, арава Тахтапул устига чиқди. Миршаб Тахтапул олдида турган отлиқ одамларига:

— Регистондан Имом дарвозасигача кўчани одамлардан бўшатинглар, чойхоналар чироқларини ўчириб, эшикларини бекитиб, парда қопласинлар! Шундай қилингларки, жаноби олийнинг муҳтарам маҳрамлари тушган аравага бирор жонзотнинг кўзи тушмасин!

Бу буйруқни эшитган аравадаги созанда хотинлар қиқирлашиб кулдилар, улардан бири миршабнинг буй-

[1] Тожик тилида «юк туширувчи» маъносида бўлган «борфурор» сўзи қўшмачи деган маънони ҳам ифода қилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

руғини изоҳ қилгандай бўлиб, қуйидаги сўзларни қўшиб қўйди:

— Чунки бу аравада онадан туғилганларидан бери ҳеч бир кишининг кўзи тушмаган созандалар бор.

Отлиқлар отларини чоптириб кетгандан кейин, қаторак довул «гум, гум, гум, тинг... гум... тинг» деган садо чиқариб йўлга тушди, унинг орқасидан миршаб ва миршаб орқасидан арава йўналди.

Бу кеча амир Олимхоннинг Ситорамахоссада ўтказган энг охирги айш-ишрат кечаси эди.

УМИД ВА УМИДСИЗЛИК

Ўрда араваси жўнаб арк дарвозаси бекитилгандан кейин ясовулбоши билан дарвоза тўпчибошиси бир-бири билан гапиришиб, усти ёпиқ йўлак орқали юқорига чиқа бошладилар. Афтидан, суҳбатлари чўзилишини пайқаган бўлсалар керак, регхонанинг рўпарасидаги супачада ўтириб, суҳбатларини давом эттирдилар:

— Бу ишнинг охири қандай бўлар экан?— деди тўпчибоши,— менга келиб турган хабарларга кўра, ишимиз унча яхши эмас: аввали шуки, сарбозларнинг кўзлари бежо, кейинги ойларда кўплари ўз қуроллари билан қочиб Самарқанд ва Тошкентда большевик бўлишибди. Яширин хатлар юбориб, бу ердаги сарбозларнинг бир қисмини йўлдан оздирганлар...

— Бундан қўрқиш керак эмас,— деди ясовулбоши,— агар отабезори ва қўлидан ҳеч бир иш келмайдиган пиёда сарбозлардан бирмунчаси биздан қочиб кетган бўлса, император ҳазратларининг энг содиқ ва ишбилармон офицерларидан бир қанчаси большевиклардан бизга қочиб келиб, ҳазратимнинг сояи давлатларига сиғиндилар. Буларнинг ҳар бири биздан қочган сарбозларнинг юзтасига тенг келади.

— Қўрқишга сабаб бўладиган бошқа воқеалар борда,— деди тўпчибоши,— халқ биздан норози: кейинги йилларда бўлган «бос, ос, ур, ўлдир!»лар туфайли шаҳарда мотамсиз уй оз қолган; бунинг устига, боши бузуқ «шербаччалар»нинг ва бевош афғонларнинг халқнинг молу жонини, номусини поймол қилишлари ҳаммасининг жонига теккан...

— Қуроли бўлмаган косиблар биздан норози бўлган

билан нима иш қила оладилар дейсиз? Муллалар ва бойлар бўлса биз томонда.

— Ҳали гапим тугаган эмас,— деб тўпчибоши яна давом этди:— Деҳқонлар бўлса, кейинги йилларда яна ҳам оғир аҳволга тушдилар: аслида оғир бўлган ер солиғи аскарни кўпайтириш ва урушга тайёрлик кўриш муносабати билан яна ҳам ортди, бунинг устига, сарбозликка биттадан учтагача одам бермаган ва қочган сарбозлар ўрнига одам сотиб олиб беришга мажбур бўлмаган деҳқон хонадони камдан-кам топилади...

— Сизга нима бўлди?— деди тўпчибошидан тааж-жубланган ясовулбоши,— деҳқонлар ўз манфаатларидан бурун дин-шариатни ҳимоя қилишни афзал биладилар. Эсингизда борми, бу ерда ҳам деҳқонлар Россия Туркистонидаги каби ер солиғини ўлпон тарзида йиғишни жорий қилиш яхши деб юрдилар, бироқ Тошкентдан комиссия келганда, деҳқонлар уни ёқламадилар. Тўғрисини айтганда, ўлпон бизнинг санамай саккиз деб оладиган солиғимиздан деҳқон учун юз марта фойдалироқ эди. Шундай бўла туриб, нега деҳқонлар ўлпонни ёқламадилар? Чунки муллалар «ўлпон шариатга тўғри келмайди», деб ташвиқ қилишган. Ҳали ҳам мулла Қутбиддин ва Ибодулла махсум кабиларнинг шариат юзасидан гапиришлари большевикларнинг юзта баённомаларидан ўткирроқ.

— Ясовулбоши, юрагимда тўпланган дардларни очиб кўрсатишга рухсат беринг! Бўлмаса, мен қайгудан ёриламан. Сиз ишонмасангиз, майли, лекин бир оз гапириш билан кўнглим анча бўшаб, тинчланаман. Мен бу дардларни бошқа ҳеч кимга очолмайман. Сарбозлар, шаҳар косиблари ва деҳқонлар боя мен айтиб берган кайфиятда бўлган бир вақтда, Бухоро қочоқлари рус большевиклари билан бирга бизга ҳужум қилсалар, биз учун унча яхши бўлмаса керак. Ўз осойишталигидан бошқа нарсани билмаган бойларнинг ва ҳезалак муллаларнинг қўлидан нима иш келади, дейсиз? Мен бу гапларни кўнглим тўлиб, сизни тажриба кўрган бир киши ва ўз отамдай билиб айтаётирман, бўлмаса, бу гаплар бировга айтадиган гаплар эмас, ҳатто «ҳазратимнинг кўнгиллари хира бўлиб мени койимасинлар» деб, ўзимнинг асосий бурчим бўла туриб, бу аҳволни олий ҳазратга ҳам арз қилмадим. Билмайман, бу ишнинг охири қандай бўлади?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Қандай бўлар эди? Яхши бўлади,— деди ясовулбоши,— ҳазрати Баҳовиддин ёр, пирлар мададкор бўлса, иншоолло, Бухорога ҳеч бир офат тегмайди. Кеча домла Қутбиддин жаноблари Баҳовиддин ҳазратларининг маноқибларини қушбеги жанобларига ўқиб бердилар; у киши: «Менинг қабримда бир дона ғишт бутун бўлар экан, Бухоройи шариф қалъасининг бирон ҳовуч табаррук тупроғи ўз жойидан бежо бўлмайди»,— деганлар. Ҳолбуки, ҳозиргача Баҳовиддин ҳазратларининг табаррук қабрлари, жаноби олийнинг муборак тахтлари каби, мармар тошларигача бутун. Дуохонлар дуо ўқиш, шайхлар дуогўйлик билан машғулдирлар. Албатта, бу ишлар таъсирсиз қолмайди. Бундан бошқа бир неча муллалар «Сахиҳи бухорий» китобини бошларига кўтариб, кечалари шаҳар қалъаси ва Ситорамахосса чорбоғи атрофини айланиб юрмоқдалар. Қози калон жанобларининг айтишларига кўра, бу иш ҳам душманнинг дафи учун синалган экан...

Ясовулбоши яна қандайдир «руҳоний қувватлар ишга солингани» тўғрисида айтиб бермоқчи эди, аммо тўпчибоши унинг сўзини бўлди:

— Дунёни «асбоб олами» деганлар. Дуо-туморларнинг таъсирига ҳеч бир шак-шубҳа бўлмаса-да, душманнинг асбобига қарши асбоб ҳам тайёрлаш керак.

— Сиз дунёдан, ҳатто ўзимизнинг ишларимиздан ҳам бутунлай хабарсиз каби гапираётирсиз-а, тўпчибоши! Боя айтганимдай, император ҳазр[illegible]ларининг энг содиқ ва билармон офицерлари бизнинг ишимиз устида турган бўлсалар, инглизлар Машҳадда туриб бизга энг янги чиққан қурол-яроғларни юбораётган бўлсалар, Афғонистон амири бизга бир неча фил ва бошқа асбоблар юбориб, ёрдам бериш учун тайёр турган бўлса, Фарғона босмачилари биз билан бирга бўлсалар... сиз учун яна қандай асбоблар керак?

— Бу асбобларни ишлата оладиган одамлар ҳам керак-да,— деди тўпчибоши.

— Сизнингча, бойларнинг қўлидан ҳеч бир иш келмаса, муллалар ҳезалак бўлсалар, сарбозлар хиёнат қилишга тайёр турган бўлсалар, «шербаччалар» ва «афғонлар»га нима дейсиз?— деди ясовулбоши ва ўзи жавоб беришга киришди,—«шербаччалар» дастаси иш кўрсатган ўғрилардан ташкил топгани учун, уларнинг қўлидан ҳар иш келади; айниқса, «афғонлар» дастаси-

дан катта умидимиз бор, улар уруш кўрган, пишиққан ва синалган кишилар, ҳар бири юзта «мужик» большевикка жавоб беради.

— Бу гапларингиз тўғри,— деди тўпчибоши,— лекин деҳқонларнинг аҳволи мени тинчитмаётир, деҳқонлар, айниқса, оз ерли камбағал ва ерсиз деҳқонлар сиз ўйлаганча бир неча йил бурунги деҳқонлар каби муллаларнинг гапларига қулоқ солиб турадиган кишилар эмас, Самарқанд ва Тошкентда большевикларнинг камбағал ва ерсиз деҳқонларга ёнбосаётганларини эшитиб, ниятлари бузилган. Булар ҳозир кўп ҳам шариат орқасидан югуриб юрмайдилар, «гўр куйса куйсину, қозон қайнасин» дегандай, ҳозир ўз манфаатларини ўйламоқдалар. Бу ҳолда жаноби олий, ичидан чириган дарахтдай, ташқаридан уриладиган бир зарб билан йиқилиб кетар деб қўрқаман. Шунинг учун менинг сизга бир маслаҳатим бор эди.

— Қандай маслаҳат экан?

— Жаноби олий мендан койисалар ҳам майли, мен ўз билганимча, сарбозлар, косиблар ва деҳқонларнинг бизга қандай қараётганини ҳазратимга ёзиб юбормоқчиман. Сиз бу тўғрида нима дейсиз?

— Зинҳор бу ишни қила кўрманг!— деди ясовулбоши қатъий оҳанг билан,— бу аҳвол, сиз ёзмасангиз ҳам ҳазратимнинг жаҳоннамо кўнгилларида офтоб каби равшан, чунки «подшоларнинг кўнгли худонинг назаргоҳи» де[illegible]р, худо назар қилиб турган кўнгилдан ҳеч бир нарса яширин қолмайди. Агар сиз бундай гапларни ёзсангиз, ҳазратим ёлғиз сиздангина хафа бўлиб қолмайдилар, биздан ҳам, яъни қушбеги ва қози калон жанобларидан ҳам хафа бўладилар, «тўпчибоши мени нодон ва аҳволдан хабарсиз санаб, бундай гапларни аҳмоқларча ёзмоқчи бўлганда, қушбеги билан қози калон қаерда эканлар, нега улар уни бундай аҳмоқона ишдан қайтармаганлар? Ёки улар ҳам мени нодон ва аҳволдан хабарсиз деб ўйлаганларми?» деб, ҳамма катталарнинг онадан эмган сутларини бурунларидан чиқарадилар...

Ясовулбоши нафасини ростлаб олгандан кейин, давом этди:

— Самарқанд ва Тошкент аҳволи бўлса сиз ва биздан кўра ҳазратимга кўпроқ маълум, у ердаги большевикларнинг ишларини, Бухоро қочоқларининг бизга қар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ши қандай тайёрлик кўраётганларини, рус большевиклари ва қизил аскарларнинг уларга ёрдам бериш учун тайёр бўлиб турганларини ва бошқа шу каби аҳволларни жаноби олийнинг Тошкентда турган консуллари — Мирбобо ва бошқа воқеанавислар (жосуслар) бевосита ҳазратимнинг ўзларига кунда ёзаётирлар ва ҳазратим ҳам бу ҳолларнинг ҳар бирига қарши тегишли чорани кўраётирлар...

Ясовулбоши, тўпчибошига диққат билан тикилиб, унинг юзидан ички кечинмаларини ўқимоқчи бўлди, унинг ҳали ҳам шубҳа ва умидсизликдан қутулмаганини пайқаб, яна давом этди:

— Ҳазратим урушга тайёрлик кўриш билан бирга, сиёсатни ҳам эсдан чиқармаганлар; жаноби олийнинг Москвага элчи ҳайъати юборганлари сизга ҳам маълум, бу ҳайъатнинг бириси «ўз донолиги билан дунёда ном чиқарган», ўзи саводсиз бўлгани ҳолда, ўқимишли доноларни назарга илмайдиган Наврўзи зўрдир...

Обхона эшиги орқасида туриб ясовулбоши билан тўпчибошининг суҳбатларини тинглаётган Ёдгор, «Наврўзи зўр» номини эшитгач, ҳайратда қолди ва ўзича: «Наҳот ўша мени алдаб, сарбозликка сотган Наврўзи зўр амирнинг вакили бўлиб Москвага кетган бўлса?» деб ўйлади ва бу одамнинг кимлигини аниқлаш учун яна ҳам диққат билан гапга қулоқ сола бошлади. Ясовулбоши ўз сўзининг давомида деди:

— Наврўзи зўр, ўзининг донолигидан ва жаноби олий хизматларидан жонини аямаганлигидан, оддий сарбозлик ва даҳбошилик даражасидан саркардаликкача кўтарилди ва бу кунда ҳазратимнинг ишончли вакиллари сифатида Москвага элчи бўлиб кетди. Албатта, бундай одам Москвада асосий масалалар устида гапиради: Бухоро қочоқларини, Самарқанд ва Тошкентдаги одобсиз ўрис «мужик»ларни тутиб, жаноби олийга топширишни Москвадан талаб қилади. Москвада бўлса, жаноби олийни кўп ҳурмат қиладилар ва бир неча боши бузуқларнинг хотири учун, Амир Темурнинг ўринбосари бўлган бир подшо билан орани бузишмайдилар, Наврўзи зўрнинг талабларини қондирадилар.

Ясовулбоши амир ва унинг амалдорларининг «сиёсатдонликлари»ни шундай шарҳлагандан кейин, тўпчибошига насиҳат қилишга киришди:

— Урушга тайёрлик тўғрисида бўлсин, сиёсатда бўл-

син, шу қадар иш қилингани ҳолда, умидсизликка тушиб кўнгилда васваса ва ваҳимага йўл бериш имоннинг бўшлигидан келади. Сиз, тўпчибоши, бу қадар ҳам умидсиз, бу қадар ҳам имони бўш ва бу қадар ҳам шаккок бўлманг!— ясовулбоши ўрнидан туриб, юқорига қараб кетди. Тўпчибоши:

— Хайр, худо берсину, сиз айтганча бўлсин!— деб ҳовлисига кирди...

Бугун ярим кечагача гоҳ обхонадан Регистонга очилган тешикча олдида, гоҳ обхона эшигининг орқасида тикка турган Ёдгор жуда ҳам ҳориган эди. Шунинг учун ясовулбоши билан тўпчибошининг суҳбатлари тугагач, бўйрача устига йиқилгандай бўлиб чўзилди.

ЭНГ СЎНГГИ КУНЛАР

Ҳайбатли ва қўрқинчли гумбур-гумбур садоси тонг қоронғисида Ёдгорни уйқудан уйғотди. Ёдгор бундай даҳшатли садони ундан бурун эшитмаган эди, бу садо, бир жиҳатдан, амирнинг сарбозлари ҳар эрта машқ қилиб отадиган тўпларнинг садосига ўхшамаса ҳам, аммо ҳайбати улардан юз марта ортиқ эди, бу садо чиққан вақтда амирнинг арки обхонанинг тош деворларигача, зилзила вақтида тоғ ён бағридаги кулбалардай қимирларди. Ёдгор бу вақтда ўзини тик тутолмай, ерга чўзилар ва «шу ондаёқ амирнинг арки бутун қубба-ю боргоҳлари билан бирга ер тагига чўкиб кетар», деб ўйларди.

Аркдагилар нима қилишларини билмай, юқоридан қуйига ва қуйидан юқорига қараб чопар ва «ҳай, аттанг», деб кафтларини бир-бирига суйкар эдилар; тўп садоси эшитилган вақтда, улар арслон наърасини эшитган эшаклардай кўзларини юмиб, бошларини тўғри келган бирор пана жойга тиқиб, жим турардилар...

Тонг отган сари «гумбур-гумбур» яна авж олди. Бу эрта Регистонда сарбоз машқи бўлмади, у ерда пайдо бўлган элнавкарлар ва «газотталаб»лар дастаси арк дарвозалари олдида ўзларини бир кўрсатиб, Регистоннинг жанубидаги кўча билан уруш майдонига қараб ўтиб кетардилар...

Шаҳарнинг ҳар томонидан бақирган товушлар эшитилар ва шовқин-сурон, сўкиш ва қарғиш овозлари ми-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нут сайин ортарди. Бу, амирнинг бевош аскарлари талаётганда аҳолининг қилаётган дод-фарёди эди.

Тўп ўқлари арк ичига тушиб ёрилар, атрофни чанг ва тутун чулғаб оларди. Тўпларнинг гумбурлаши, ўқларнинг портлашидан шу қадар қўрқинчли зилзила пайдо бўлардики, арк қўрғони денгизнинг шиддатли тўлқинига учраган кемадай чайқалар ва аркдагилар «шу ондаёқ бу мустаҳкам қўрғонимиз билан бирга тупроқ тўфонида ғарқ бўлиб йўқоламиз», деб қўрқардилар; ҳаво тўлқинининг шиддатидан дераза ойналари синар, деворлар йиқилар, биноларнинг муқарнас нақшлари узилиб тушар ва арк деворининг кунгуралари, жевахоналарининг гулдасталари билан бирга ёрилиб, ҳар томонга сочилиб кетарди.

Тупроқ тўфони ва тутун аралаш қуюнлар шаҳарнинг бошқа бурчакларидан ҳам кўрина бошлади. Регистон майдонидан ўтиб, Усторуҳи кўчаси орқали Ўғлон дарвозасига шошилаётган аҳоли, урушга сабаб бўлган амир ва унинг давлат арконини умрларида биринчи марта баланд овоз билан сўкар ва уларнинг тезроқ йўқолиб кетишини тилаб қарғашарди...

Бир вақт ҳавода ажойиб паррандалар пайдо бўлдилар, буни обхона тешигидан кўрган Ёдгор, қўрқинчли ҳолатларни унутиб, кўзини узмай тикилиб қолди. Биринчи кўришида бу паррандаларнинг нима эканлигини аниқлаёлмаган эди, аммо бири каптардай ўйнаб пастроққа тушгач, Ёдгор унинг қуйруғи балиққа ва қаноти қушга ўхшаганини кўрди, аммо унинг гавдаси жуда катта, товуши бўлса, жуда баланд эди.

Тахтапул гулдастаси олдида туриб, бу ҳолни томоша қилаётган мерганлардан бири, ерга тушган қоғоз парчаларидан биттасини олиб бекитилган дарвозанинг дарчасидан арк йўлагига кирди.

Ёдгор бу қоғознинг нима эканини билиб олмоқчи эди, тешикча олдида обхона эшигининг орқасига бориб, тинглай бошлади.

Юқоридан тушаётган ясовулбоши мерганга дуч келиб:

— У нимадир?— деб сўради.

— Қоғоз!— деди мерган.

— Қоғозлигини кўрдим, қандай қоғоз деб сўраётибман!

— Билмасам, нима? Аэропландан тушди,—деб жавоб

бергунича, ясовулбоши қоғозни унинг қўлидан юлиб олди.

— Даф бўл, кет ўз ишингга,— деб уни арк дарвозаси томонига жўнатди.

Ёдгор «аэроплан» деган сўзни бурун эшитган бўлса ҳам, уни кўрмаган ва у тўғрида бирон тасаввурга эга эмас эди, аммо мерган гапидан ҳалиги ўзи кўрган балиққа ўхшаган ажойиб қушнинг аэроплан эканини билиб олиб, завқланди.

Ясовулбоши қоғозга қараб, саводсиз бўлганидан, унга нималар ёзилганини билмай, қайта юқорига чиқаётганида, қушбегининг бош мирзасига дуч келди, ясовулбоши бош мирзани регхонанинг рўпарасидаги супачада ўтириб, қоғозни ўқиб эшиттиришини сўради.

Бош мирза қоғозни олиб, кўздан кечира бошлади, иккаласи ёнма-ён ўтиргач, бош мирза баланд овоз билан ўқишга киришди:

«Эй, Бухоро меҳнаткашлари! Эй, Бухоро деҳқонлари! Сизнинг озодлик, хушбахтлик ва саодатли кунларингиз етди. Сиз шу кунларда юз йиллардан бери чекиб келаётганингиз зулмдан, азоб-уқубатдан ва бўйинингизга солинган қуллик бўғовидан қутулиб, ўз қўл кучингизга, ўз ер-сувингизга, ўз номусингиз ва ўз тақдирингизга ўзингиз эга бўласиз. Сизнинг фарзандларингиз бўлган, биз Бухоро коммунистлари ва инқилобчилари, бизга ёрдам қўлини узатган Россия меҳнаткашлари ва Россиянинг ишчи-деҳқон қизил аскарлари билан бирга, сизни амирнинг ва амир одамларининг исканжаларидан қутқазиб олиш учун белимизни маҳкам бойлаб, майдонга чиқдик. Сизни юз йиллардан бери талаб, уриб, ўлдириб келган амир одамларининг ва асрлардан бери шариат номидан қонингизни сўриб, молингизни олиб, номус ва обрўйингизни амирга сотиб келган муллаларнинг иғволарига алданмай, ҳеч бир шубҳа ва иккиланишга йўл бермай, фарзандларингиз ва биродарларингиз бўлган қизил аскарларни қулоч ёзиб қарши олинг!

Эй, Бухоро меҳнаткашларининг фарзанди бўлган Бухоро сарбозлари! Сиз билиб олингки, амирнинг энг сўнгги кунлари етган, унинг қасри вайрон, арки ер билан яксон, тожу тахти барбод ва ишратхонаси харобот бўлади. Сиз ўзингизнинг меҳрибон биродарларингиз бўлиб, Бухоро меҳнаткашларига ёрдамга келган қизил

www.ziyouz.com kutubxonasi

аскарларга қарши ўқ узмангиз, сизни амирнинг сарбозлигидан қутқазадиган ўз биродарларингиз томонига ҳеч бир иккиланмасдан ўтингиз!

Яшасин Бухоро меҳнаткашлари!
Яшасин большевиклар партияси!
Яшасин Советлар ҳукумати!
Йўқолсин амир ва амирлик тузуми!»[1]

Ясовулбоши қоғозни мирза қўлидан олиб, тикка турган ҳолда қўлини пешонасига босди, бир зум ўйлади, сўнгра катта соқолини тутамлаб сидирди, қўлини иягига қўйиб, соқолини юқорига қайирди, оғзига солиб тишлаб турди, шу ҳолича арк дарвозасига қараб бир-икки қадам босди, яна йўлидан қайтиб, юқорига чиқиб кетди.

У уч қадам босмасданоқ тўпчибоши ўз ҳовлисидан чиқиб, унга қараб келаверди. Ясовулбоши шу қадар ҳушсизланган эдики, тўпчибоши салом бергунча унинг келаётганини сезмади ва саломини эшитганда, қўққисдан уйқудан уйғотилган одамдай сесканиб, унга кўз тикди, саломга жавоб қайтармай, кўкрагига туфлади.

— Ҳа, нима гап?

— Ишлар яхши эмас,—деди тўпчибоши,— менга келган хабарга кўра, Тошбуқа қўлида «турк» дастаси «ғазотталаб» бойларнинг йўлларини тўсиб, кийим-кечакларини, от-афзалларини ва қурол-яроғларини олганар. Савдогарлар дастасининг саркардаси Юсуфбой ва унинг ёрдамчилари — Қаршибек билан Ҳожи Алимбой қипяланғоч ҳолда шаҳарга қараб қочганлар, йўлда қози калон ва раис жаноблари дуч келиб, биттадан яктак бериб, уларни шаҳарга жўнатибди...

— Ёлғон!— деди ясовулбоши, лекин ўзининг ранг-қути ўчиб, юзи ўлик каби бўлганидан, ўз кўнглида бу хабарнинг тўғрилигига ишонгани билиниб турарди.

— Ёлғонми, чинми, ўзимга келган хабарларни сиз орқали қушбеги жанобларига эшиттириш менинг вазифам. Агар сиз тингламасангиз, ўзим ёзиб вазорат паноҳ жанобларига айтишга мажбур бўламан»,— деди тўпчибоши тажанг бўлиб.

[1] Аэропландан тушган варақадан кўчирилган гаплар. Бухоро революцияси кунларида менинг томонимдан тожик ва ўзбек тилларида ёзилган баённомаларнинг мазмунидир. *(Автор.)*

— Яна борми?

— Бор.

— Хўп, ёлғон бўлса ҳам айта беринг,— деди ясовулбоши бўшашиб. Аммо унинг бўшашиши ёмон хабарларнинг кўплигиданми ёки тўпчибошининг дўқидан қўрққаниданми, эшик орқасидан тинглаб турган Ёдгорга маълум бўлмади.

— Жоруббанди қишлоғида бир неча қочоқ сарбозлар қози калон ва раис жанобларига ўқ узганлар, хайриятки, ўқ тегмай, улар тезлик билан қочиб, Шайхранрез маҳалласининг масжидига яширинганлар...

— Яна?

— Яна ғалатироғи бор!—деди тўпчибоши.

— Ё алҳафиз! Хўп, айта беринг!

— Энг қизиғи шуки, Юсуфбой қочиб шаҳарга кирганидан кейин, ўзи билан бирга бораётган Қаршибекка: «Мен большевиклардан қўрқиб ўзимни бу балога солдим, бўлмаса жадидлардан қўрқадиган жойим йўқ эди. Ҳали ҳам жаноби олий қочиб, иш бошига жадидлар келса, бирон мансабга эга бўлиб обрў ва осойишталик билан тирикчилик қиламан»,— деган. Бу гаплардан шундай хулоса чиқариш мумкинки,— деди тўпчибоши,— бизнинг бойлар большевикларга қарши бўлсалар ҳам, жадидларга душманчиликлари йўқ экан.

— Хўп, майли, чинми, ёлғонми, бу хабарларни менга айтганингиз кифоя, бундай хунук хабарларни бошқаларга айта кўрманг!—деб огоҳлантиргандан кейин, ясовулбоши аркнинг юқорисига қараб зўрға қадам босиб чиқиб кетди.

Қоғознинг мазмунини ва тўпчибоши берган хабарларни эшитган Ёдгор амир ва унинг одамларининг энг сўнгги кунлари етганини аниқ ва равшан билди. Аммо у шундай қизғин кунларда озодликдан маҳрум бўлиб, амирга қарши урушаётган жанговарлар сафида бўлмагани учун афсусланарди ва қанча ўйласа ҳам, атрофтевараги амир одамлари билан ўралган тош бинодан чиқишга йўл тополмасди.

РЕВОЛЮЦИЯ ВА ОЗОДЛИК

— Иш ёмон, — деди шаҳардан келиб аркка чиққан мерганлардан бири ўз ҳамкорларига,— Кўлобиён қиш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лоғининг деҳқонлари большевикларга қўшилиб, Шайх Жалол дарвозасидан шаҳарга бостириб кирдилар...

— Бир неча деҳқоннинг қўлидан нима иш келади дейсан? У дарвозада миршабнинг ўзи соқчилик қилиб турибди, уни Ҳикмат бўз дейдилар, ўз одамларига қараб бир мўйлов қилса, юз деҳқонни жаҳаннамга юборадилар,— деб мерган хабарчининг сўзини бўлди.

— Дарвозани ташлаб қочганларнинг биринчиси Ҳикмат бўзнинг ўзи эди,— деди ёмон хабарни келтирган мерган.

— Бу қандай гап?— деди Ҳикмат бўзнинг «қаҳрамонлигини» мақтаётган мерган ажабланиб,— наҳотки, шундай ботир уруш майдонидан қочган бўлса?

— Қоча олса гўрга эди-я,—деди хабарчи,—у вақтда бошқа бирон жойда иш берарди, афсуски, ўлдирилган.

— Бу воқеа қандай юз берган?

— Деҳқонлар бостириб келганда, миршаб уларни бир себанд[1] билан олдига солиб ҳайдаб ҳақорат қилмоқчи бўлиб оғзини очганда, бешотарнинг ўқи келиб оғзига кирган ва ўз жойида йиқилиб тамом бўлган...

Шу вақтда Регистонда тўпланган «газотталаб»лар устма-уст:

— Олиб келдилар!

— Тутиб келтирдилар!

— Миршабнинг қотиллари қўлга тушди...— деб бақира бошладилар.

Ҳамма бир томонга, Регистон майдонининг жануб томонидан келадиган кўчага тикилди, кўп вақт ўтмай, ўша томондан қўллари боғланган бир неча деҳқонни миршаб одамлари, себанд билан бошларига ура-ура олиб келдилар.

Шу вақтда қушбегининг ясовулбоши аркдан шошилиб тушиб, дарвоза олдига келди.

— Бу нонкўрларни арқон бозорига олиб бориб, жаноби олий соғлиги учун тасаддуқот қилинглар!— деб буйруқ берди.

Тахтапул ёнида пичоқларини қайраб турган икки жаллод миршаб одамлари билан бирга, деҳқонларни арқон бозорига олиб бориб, Тахтапул устида турган ясовулбоши кўрадиган жойда бошларини кесдилар.

[1] Себанд — уч жойига мис ҳалқа солинган узун таёқ. Бухоро шабгардларининг (полициячиларининг) қуроли эди.

Миршаб одамлари ўз «вазифаларини» бажариб бўлгандан кейин, Тахтапул олдига келиб, ясовулбошига таъзим қилдилар:

— Буйруғингизга мувофиқ деҳқонлар ҳазратнинг соғлиқлари учун тасаддуқот қилинди!

— Миршабнинг кушандалари шу муртадлар бўлса керак?— деб ясовулбоши миршаб одамларидан сўради.

— Йўқ, миршаб қотиллари булар эмас!— деди миршаб одамларининг бошлиғи,— миршаб қотиллари Гулобиён қишлоғининг деҳқонлари эдилар, улар большевик аскарларига таяниб, намойиш қилгандай шаҳарга бостириб кириб, миршабни ўлдирганларидан кейин, яна ўз қишлоқларига қайтиб кетганлар. Улар йўқолиб кетиб дарвоза олди тинчлангандан кейин, биз жаноби олийнинг содиқ қуллари ҳаётимизни писанд қилмай, дарвозадан чиқиб, ўнг қўлга бурилиб, қалъа деворининг орқаси билан Қоракўл дарвозасигача бордик. Мазкур дарвозага яқинлашганимизда мана шу тўрт нафар қуролсиз деҳқон қўлга тушди, буларнинг қўлларини боғлаб арқи олийга олиб келдик.

— Жуда яхши иш қилибсизлар! Офарин!—деди ясовулбоши,— агар буларнинг қўлларида ҳам қурол бўлиб, фурсат топсайдилар, шаҳарга бостириб кирардилар, душман бошининг кесилгани яхши.

Душанба, сешанба ва чоршанба кунларида (1920 йил 30—31 август ва биринчи сентябрда) шаҳар бутунлай остин-устун бўлди: Регистон атрофидаги жойлардан, тўзон-тутун ва тупроқ бўрони орасидан аланга кўринарди. Аҳоли тўда-тўда бўлиб Имом ва Ўғлон дарвозаларига қараб бормоқда эди...

Чоршанба куни эрта билан ясовулбоши арк дарвозасига тушиб от талаб қилди ва дарвоза тўпчибошисига буйруқ тарзида:

— Сиз дарвозани қўриқлаб туринг! Мен ўзим «газот»га бормасам бўлмайдиганга ўхшайди,— деди у эгарлаб қантарилган отни миниб, уруш бўлаётган жойга эмас, амир турган Ситорамахосса чорбоғига қараб от сурди.

Бу ҳолни кўриб турган тўпчибоши арк дарвозаси олдидан унга овоз бериб:

— Ҳой ясовулбоши! Уруш майдони бу томонда,— деб жануб томонни кўрсатди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ясовулбоши отини тўхтатмай, орқага ўгирилиб тўпчибошига:

— Менга гап ўргатиб, кўп вақилланг! Ўзим яхши биламан,— деди.

Ясовулбоши аркдан қочиб кетганидан кейин, тўпчибоши ва арк посбонлари:

— Амир Ситорамахоссадан қочиб кетибди, энди биз бу ерда нима қиламиз? Ўзимизни бирор бурчакка тортишимиз керак,— деб иккита-иккита, тўртта-тўртта бўлиб, аркдан тушиб кетавердилар...

Пайшанба куни, иккинчи сентябрь эртадан бошлаб арк дарвозаси йўлидаги келган-кетганларнинг оёқ шарпаси ва гап-сўзи эшитилмади, демак, у ерда бирор жонзот қолмаган. Лекин Регистон атрофида, амир ҳукуматининг молия идораси бўлган Ҳовлийи поёнда ва аркнинг жанубидаги ҳовлида, аркнинг ичидаги ҳар бир бурчакда, айниқса, амирнинг тахти қурилган «сақлав»да ва амир ҳарамсаройида кучли ёнғин бошланиб, у ерлардан ҳавога кўтарилган аланга кенгайиб бормоқда эди.

Ёдгор ҳамма ишнинг ўзгарганини, амирнинг боргоҳи ўт ичида қолганини кўриб турарди, лекин ҳали ҳам обхонанинг эшигида оғир қулф, унинг озодлигидан бирон хабар йўқ эди.

Ёдгорда ҳозиргача бандилик гами бўлса, энди ёнғин ичида қолиб, дунёдан домсиз-дараксиз йўқолиб кетиш хавфи кучайган эди. Эрта билан узоқроқда бошланган ёнғин, энди яқинлашиб келиб, унинг димоғни чатнатадиган тутуни, тешик ва эшик тирқишларидан кириб обхона ичини тўлдирмоқда эди...

Ёдгор ўзини ёнғиндан қутқазиш учун кўп уринди, аммо ҳеч нарса қила олмади: темир қафас ичида қамалиб қолган шердай, ўзини ҳар томонга урарди, аммо фойдаси йўқ эди; у обхона эшигини синдирмоқчи бўлиб, бутун куч-қувватини билакларига тўплаб тортар, итарар ва тепарди, аммо натижа чиқмасди; у обхона шифтидаги тешикчани кенгайтирмоқчи бўлиб тирнарди, девор ёриқларига бармоқларини суқиб, оҳак билан терилган пишиқ ғиштларни тортиб чиқармоқчи бўларди, аммо тирноқларининг кўчишидан ва бармоқларининг қирилиб қонашидан бошқа натижа чиқмасди; у фарёд қиларди, аммо бировс эшитмас, у дод дер, аммо бирон киши унинг додига етмасди. Ҳақиқатда у ерларда унинг додфарёдини эшитадиган бирон жонзот қолмаган эди...

Ёдгор қутулиш учун уриниб ҳориб, умиди узилган вақтда, йўлакдан оёқ шарпаси эшитилди, у ўрнидан ирғиб туриб ёриқдан йўлакка қаради, бир чол қўлида бир даста калит билан, юқоридан тушаётган экан.

— Ҳой амаки, мени қутқаринг! Мен энди бу ерда кимнинг қўлида ва кимнинг ҳукми билан қамалиб ётибман?— деди.

Лекин чол қариликданми ёки бу кунларда бошига тушган воқеаларнинг оғирлигиданми, Ёдгорнинг гапини эшитмади ё эшитган бўлса ҳам, қутқазишни лозим топмади, ҳар ҳолда обхонага қарамасдан арк дарвозасига қараб бораверди.

Ёнғин тобора обхонага яқинлашмоқда, кул ва учқун аралаш тутун обхона тешигидан ичкарига кирмоқда эди. Ёдгорнинг тирик қолишдан умиди узилмоқда, минут сайин куйиб кул бўлиш вақти яқинлашаётганини сезмоқда эди. «Ҳай, аттанг, минг аттангки, кўзим олдига келган озодлик кунини кўрмай куйиб кул бўламан, Абдуллаҳўжанинг васиятларини бажара олмайман, Гулнорни кўришдан абадий маҳрум бўламан»,—деб афсусланар эди.

Шу вақтда:

— Тинчлан, хотиржам бўл, соғ-саломат истаган жойингга ва жононингга етказажакмиз!— деган овоз эшитилди. Сўнгра қаттиқ бир зарба билан, эшикнинг қулф ва ҳалқаси синди, эшикдан биринчи бўлиб, бир рус қизил аскари обхонага кирди. У рус тилида:

— Яшасин революция ва озодлик!— деб Ёдгорни қучоқлаб ўпиб, обхонадан чиқарди.

Арк йўлагида бухоролик тожиклар билан бирга рус қизил аскарлари, Тошкентдан келган ўзбек кўнгиллилари, туркманлар, қозоқлар ва амирга қарши бўлган урушда Бухоро меҳнаткашларига ёрдамга келган бошқа миллатларнинг намояндалари ҳам бор эди. Улар Ёдгорни қўлдан-қўлга кўтариб, қучоқлаб ўпишиб, ҳар қайсилари ўз тилида уни революция ва озодлик билан қизғин табрик қилмоқда эдилар...

Табрик маросими қизишиб турган вақтда, бир бухоролик, боя Ёдгорнинг гапига қулоқ солмай ўтиб кетган чолни тутиб келди. Табриклаётганлар орасидан бири (отряднинг бошлиғи) у чолга қараб:

— Қушбеги жаноблари, қўлингиздаги хазина калитларини менга топшириб, ўзингиз марҳамат қилиб, бу озод бўлган бандининг жойига кириб дам олинг! Дунё-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан армонсиз кетиш учун, ўзингиз қурган бу истироҳатхонада чўзилиб, бу ернинг ёқимли ҳавосини ютиб кўринг!— деди.

Қушбеги қўлидаги калитларни топшириб, истар-истамас обхонага кирди, орқасидан эшик бекитилди.

ҚАДРДОН ДЎСТЛАР

Ёдгорни обхонадан қутқазган отряднинг бошлиғи уни ювинтириб, кийинтириб, овқатлантиргандан кейин, шаҳарни томоша қилиб дам олиб юришга рухсат берди.

Ёдгор бошлиққа ўзининг жангчилар қаторига кириб, революция йўлида хизмат қилиш ниятида эканини маълум қилганида, у:

— Ҳозирча Бухоро шаҳридаги уруш тамом бўлди, амир қочиб кетди, ҳозир сенинг хизматингга эҳтиёж йўқ. Келажакда атроф-теваракларда бўлиши мумкин бўлган урушларда керак бўларсан. Аммо, ҳозирча сенинг дам олишинг зарур, чунки ўн йилдан бери амирнинг қамоқхоналарида ётиб, жуда ҳолсизлангансан,— деб унинг қўлига гувоҳнома бериб, яйраб юришга жўнатди.

Ёдгор шаҳарни кезиб, кўп жойни кўриб чиқди: шаҳар у илгари кўрган шаҳарга ўхшамасди:— шаҳар кейинги кунлардаги эски дунё билан янги дунёнинг тўқнаши натижасида бирмунча хароб ва вайрон бўлган эди, лекин шунинг ила баравар, умумий шодиёна шаҳарга байрам тусини берган эди, ҳар ҳовли устида қизил байроқ, ҳар кўча бошида қизил лавҳалар: «Яшасин революция! Йўқолсин' амир ва амирлик!» деган шиорлар осилганди. Одамлар ҳам бугун шод, хурсанд, байрам кийимларини кийган, бир-бирлари билан қучоқлашиб кўришмоқда, қўлтиқлашиб, ўйнаб-кулиб юрмоқда ва баланд овоз билан: «Яшасин озодлик! Барқарор бўлсин Советлар ҳукумати! Йўқолсин амир ва амирлик!»— демоқда эдилар; ҳар кишининг билагига қизил лента боғланган ва ҳар кимнинг кўкрагига қизил гул қадалган, хуллас, шаҳар икки дунёнинг — нур билан зулматнинг тўқнашуви натижасида бир даража хароблanган бўлса ҳам, баҳор фаслида селлар, яшинлар ва чақмоқлар натижасида қип-қизил очилиб, яшнаган лолазорга ўхшарди.

Ёдгор ҳам хурсанд, хурсандлигининг ҳадду поёни

йўқ эди. Ҳақиқатда ҳам, у бундай бахтли озодлик кунларида ҳар кишидан ортиқроқ қувонишга ҳақли эди, чунки у ўзини билгандан бери хурсандлик юзини кўрмаган, очлик, ялангочлик, қуллик, азоб-уқубатида кун кечирган, умрининг ёшлик гулини амирнинг зиндони ва обхонасида сўлдирган, ҳеч вақт ўзининг қўл кучига, ўзининг меҳнатига ва истагига ўзи эга бўла олмаган эди; энди у озод, энди у ҳамма орзуларини амалга ошириш имконига эга, ажабо, бу қандай бахт!..

Ёдгор шаҳарнинг томошасига қизиқиб юрганидан кунниng кечикканини сезмай қолди. Аммо кўп кезиб, ҳориганидан кейин, бирон жойда чўзилиб ётмоқчи бўлди. Бироқ бу шаҳарда мусофир экани, бош суқадиган жойи ва ошнаси бўлмагани учун тезроқ бирор бошпана жой топиш фикрига тушди. Аммо бу тўғрида қанча ўйлаб қараса ҳам, собиқ хўжайинининг ошнаси қўй жаллоб Фатҳиллабойнинг ҳовлисидан бошқа жой эсига келмади ва дарҳол ўша маҳаллага қараб йўналди...

Ёдгор Фатҳиллабой ҳовлисига етди, ҳовли дарвозаси очиқ, аммо у дарвоза олдида бир қизил аскар соқчилик қилиб турар эди. Ёдгор соқчига қарамасдан ҳовлига кирмоқчи бўлганида, соқчи унинг йўлини тўсиб:

— Кириш мумкин эмас!— деди.

— Нега? Бу собиқ хўжайинимнинг ҳовлиси-ку.

— Кимнинг ҳовлиси бўлса бўлсин, кириш мумкин эмас!

— Ҳовли эгаси мен билан таниш, ахир. Йўл бер, кирай!

— Ҳовли эгаси бунда йўқ.

— Эгаси бўлмаган ҳовли олдида сен нима қиласан?

— Сен жуда ҳам эзмалик қилиб бошимни оғритдинг, бизнинг вазифамиз, бошлиғимизнинг буйруғига кўра, уруш вақтида, ҳовлиларни очиқ қолдириб ўзлари қочиб кетган одамларнинг жойларини ва мол-мулкларини эгаси қайтиб келгунгача бевош кишиларнинг талон-торожидан сақлаб туришдир. У одамнинг бойми, камбағалми, янги ҳукуматга дўстми, душманми эканлигидан қатъи назар. Бу тўғриларни текшириш юқори идораларнинг иши.

Дохунда энг кейинги чора сифатида ўзини қамоқдан қутқазган, отряд бошлиғи берган гувоҳномани кўрсатмоқчи бўлди.

— Мен ўғри эмасман, аммо бу шаҳарда шу ҳовли-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан бошқа таниш жойим йўқ. Йўл бер, бир кеча шу ерда ётай!

Соқчи гувоҳномани кўздан кечиргандан кейин:

— Бу қоғознинг сенга фойдаси шуки, сени мен «шубҳали одам» деб тутиб қаматмайман. Аммо юзта гувоҳноманг бўлса ҳам, эгаси бўлмаган ҳовлига сени киритмайман. Бор, ўз йўлингга!— деди қатъият билан.

Ёдгор Фатҳиллабой ҳовлисига киришдан умидини узгандан кейин, қайта Чорсувга борди, унда ҳам ётиш учун бирор хилват жой топмагач, шаҳардан чиқмоқчи бўлиб, катта кўча билан Қарши дарвозаси олдига борди. Дарвоза очиқ, унинг ташқарисидаги қабристон кўриниб турарди. Ёдгор ўзича: «Ана шу қабристонга бориб сағаналар орасида ухлаб оламан, унда соқчилар йўқдир, эртага янги ҳукуматнинг катталарига учраб, ўзим учун бирор бошпана топаман»,— деб дарвозадан чиқмоқчи бўлганида, унда турган милиционер унинг йўлини тўсди:

— Шаҳардан чиқиш ҳам мумкин эмас, кириш ҳам, военное положение,— деди.

Ёдгор гувоҳномасини кўрсатганда, соқчи қоғозни кўздан кечириб честь берди:

— Марҳамат!

Ёдгор ўз гувоҳномасининг кучига ишониб, қувонч билан кўкрагини чиқариб, дарвозадан чиқа бошлади.

— Ҳой Дохунда! Ҳали ҳам тирик экансан-да? Тура тур!— деган овоз эшитилди.

Ёдгор бурилиб қараганда, ўз гувоҳномасини дарвоза соқчисига кўрсатаётган бир одамнинг ўзига қараб, ошналарча кулиб турганини кўрди.

У одамнинг уст-боши рус қизил аскарларникидай бўлиб, аммо турқи ва тилидан бухоролик тожикка ўхшарди.

— Мени танимадинг, шекилли?

— Таниш бўлсанг керак, лекин қачон ва қайда кўрганимни эслаёлмай турибман,— деди Ёдгор.

— Зиндондан қочганимизни ҳам эслай олмайсанми?

Ёдгор унинг юз-кўзига диққат билан қаради.

— Ҳа, ҳа! Агар янглишган бўлмасам, сен Фармон бўлсанг керак?— деди.

— Худди ўзгинаси!

Иккала қадрдон қучоқлашиб, ўпишди.

— Юр, бизнинг уйга борамиз,— деди Фармон. Улар

Қарши дарвозасидан чиққанларидан кейин, чап қўлга юрдилар.

Фармон Ёдгордан зиндондан қочгандан кейин нималар қилганини, қандай воқеаларни бошидан кечирганини ва ҳозир нима иш қилиб юрганини сўради. Ёдгор айтиб берди.

Улар Самарқанд дарвозаси ташқарисидаги сарбоз машқи майдони (ўн йил бурун Ёдгор таёқланган майдон)нинг шарқ томонидан — Дилкушо номли амир чорбоғининг орқасидан ўтиб, Фармоннинг ҳовлисига етдилар. У вақтгача Ёдгорнинг ҳикояси ҳам тамом бўлди.

Фармон гилам ва кўрпача чиқариб ҳовуз бўйидаги қайрағоч соясига ёзди, Ёдгорни ўтқазиб меҳмон қилди. Дастурхон бошида Ёдгор ундан қамоқдан қандай қутулгани, қандай қилиб қизил аскар бўлганини сўради.

Фармоннинг айтишига кўра, Ёдгорлар зиндондан қочган вақтда, Фармон қочишга ботина олмай зиндонда қолган. Амир одамлари уни қамоқхонадан озод қилиш ўрнига, канахонага қамаганлар...

— Мен зиндонда канахонани эшитган эдим.

— Бир кеча-кундузда аъзойи баданимни ғалвирдай тешиб, ғажидилар, юзим шишиб, бўйним қорним билан баравар бўлди.

—У ерда қанча ётдинг?— деб сўради Ёдгор.

— Узоқ қолмадим, агар бирон ҳафта қолсам, юз жоним бўлса, биттаси ҳам қутулмасди.

— Қандай қутулдинг?

Фармоннинг жавобига қараганда, уни канахонада онасига кўрсатмаганлар ва «агар ўғлингни тезликда қутқазиб олмасанг ўлади»,— деб кампирни қўрқитганлар. Онаси боғчасини ўзига қўшни бир қозига сотиб, пулини ясовулбоши, миршаб ва бошқа балохўрларга пора бериб, ўғлини қутқазиб олган.

— Онанг қаерда?

— Раҳматли ўлди,— деди Фармон кўзи ёшга тўлиб.

— Эй вой! Қачон?

— Мен қутулиб келганда, қўрқинчли аҳволимни кўриб, соғайишимдан умидини узиб, касал бўлиб йиқилди ва мен соғайишдан илгари ўша касал билан ўлди.

Икки дўст жим бўлдилар; онасини эслаб, ўзини йиғидан зўрға сақлаб турган Фармоннинг қайғуси қадрдон дўсти Ёдгорга ҳам таъсир қилди, у ҳам бошини қуйи солди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бир неча минутдан кейин Фармон нафасини ростлаб, кўз ёшини артиб, сўзга киришди:

— Каналар чақишидан бўлган яраларим тузалиб, оёққа босиб, кўчага чиққанимда, мени канахонага қаматган уйинг куйгур қози қўшним эканини англадим.

— Қандай?— Ёдгор таажжуб билан сўради.

— Бу қозининг тўрт таноб боғи бўла туриб, менинг ярим таноб боғчамга кўз тикиб юрган экан. Шу орада қушбегининг ясовулбошисини кўриб, «бир иш қилинг, кампир боғчасини менга сотсин!» деган. У мени канахонага қамаб, онамни боғчани сотишга мажбур этган. Ана шу гапни эшитиб, Бухоро турмушидан бутунлай бездим, Колесов воқеасидан кейин, фурсат топиб, Тошкентга қараб қочдим. Тошкентда, Бухоро жадидларини қидириб топдим, уларнинг идораларига кириб, қизиқ бир воқеани кўрдим: у ерда катталар қаторида, мени канахонага қаматиб, боғчамни олган ҳалиги қозининг ўғли қўнқайиб ўтирибди экан. Ўз кўнглимда «Вой-вой! Мени Бухоро амирининг зулмидан қутқазадиган шулар бўлса, ҳолимга вой», деб югура солиб, у ердан чиқдим. Чойхонада бир ўзбек қизил аскарга ўз дардимни очганимда, у мени бир жойга олиб бориб: «Ана бу ерда Бухоро большевиклари туради, сенинг жойинг шу»,— деб ўша жойга киргизиб, у ердаги бухороликлар билан таништириб қўйди. Мен у ерда ўз истагим билан бухоро қочоқларидан ташкил топган қизил аскарлар дастасига кирдим, рус қизил аскарлари билан бирга, Бухорони олиб, амирни қочирдик.

— Уй-анжоминг ўз жойида қолган экан-да,— деди Ёдгор бир оз ажабланиб.

— Қочишга қарор берганимда, рўзғор анжомимни сотиб, пул қилиб, белимга тугиб олиб эдим,— деди Фармон,— мен қочганимдан кейин қушбеги одамларидан бири ҳовлимни эгаллаб, рўзғор анжоми билан кўчиб келиб ўрнашган экан. Мен келганда, у хотин-боласини олиб қаёққадир қочибди, рўзғор-анжоми қолибди. Мен бу ҳолни катталарга хабар берганимда, унинг анжомини менга бердилар.

— Энди боғчангни ҳам қозидан оласан,— деди Ёдгор.

— Қози ўлган экан. Боғчам тўғрисидан бошлиғимга гап очганимда, «қозининг ўғли бошқа бир неча жадидлар билан бирга ҳукумат ишига аралашиб юрибди, ҳозирча тура тур, жадидларнинг миси чиқиб, ҳукумат идораларидан қувилгандан кейин, боғчангни оласан» деди...

Икки қадрдон саҳаргача чақчақлашиб, сўнгра ухладилар. Туш вақти уйқудан туриб, овқатни еганларидан кейин, Ёдгор шаҳарга қайтмоқчи бўлди, аммо Фармоннинг илтимосини қабул қилиб, ўзи учун бошқа тураржой изламай, у билан бирга, унинг уйида турмоқчи бўлиб, сўнг шаҳарга жўнади.

АМИР ДАРБОРИНИНГ САВЛАТЛИ КИШИЛАРИ

Ёдгор шаҳарни кезиб юрганда:

— Қози калон ва раисни тутиб келтираётган эмиш-лар!— деган овоза тарқалди. Бу овозани эшитган юзларча одамларнинг Регистон томонига қараб шошилишлари унинг ҳам диққатини жалб этди.

Қози калон ва раиснинг амир дарбоидаги савлат ва дабдабаларини, уларнинг қонхўрлик ва ваҳшийларча раҳмсизликларини ўз кўзи билан кўрган Ёдгор, уларнинг қўлга олинганликларини ҳам кўрмоқни жуда истарди, шунинг учун у ҳам одамлар тўдасига қўшилиб, Регистон томонга югурди...

— Ана, ана, олиб келдилар!

Бу товуш олдинги одамларни қоқилган қозиқдай бир жойда тўхтатган бўлса ҳам, орқадаги одамлар кучли тўлқиндай, устма-уст босиб бормоқда эдилар.

Регистон майдони, унинг атрофида куйиб кенгайган жойларгача лиқ тўла Бухоро халқи бу кун энг охирги марта шаҳар «катталари», ўзларини «одамларнинг эгаси» санаган кишиларни қарши олмоқда эдилар. Лекин бугунги қарши олишлари амир замонидаги қарши олишлар каби қўл қовуштириб, таъзим билан бўлмай, сўкиш ва қарғиш остида, салом ўрнига лаънат ва нафрат, таъзим ўрнига дашном ва ҳақорат билан қарши олиш эди.

Қучли шовқин-сурон, қий-чув орасида олдинги тўдалардаги баъзи одамларнинг гапларини англаш мумкин эди:

— Булар менинг эримни ўлдириб, уйимни, рўзғор буюмларим билан босиб олиб, ёш болаларим билан бош яланг, оёқ яланг кўчага ҳайдаб юборган эдилар.

Ёш боласини бағрига босиб турган бир хотин шундай дер эди:

— Булар менинг вояга етган ўғлимни ўлдириб, «хиз-

www.ziyouz.com kutubxonasi

матона» деб уй-рўзғор анжомимни босиб олган икки оёқли бўрилар.

— Булар ўлдирган ўғлимнинг ўлигини кўриш учун Қўли шаҳидонга[1] борганимда, ўликни кўргани қўймай, калтаклаб бошимни ёрдилар, қўлимни синдирдилар. Булар одам эмас, одам суратидаги йиртқичлар!— дер эди қўлини боғлаб, бўйнига осиб олган бир кампир...

Соқчилар қози калон билан раисни ўраб олиб, халқнинг ҳужумидан сақлашмаганда, ғазабга келган одамлар ўч олишга киришардилар. Аммо совет қонуни бундай тартибсизликка йўл қўймасди, одамлар фақат сўкиш ва қарғиш билан бир оз аламдан чиқдилар.

Ёдгор, улар орасидан қози калонни излади, унинг амир дарборидаги савлати билан бугунги аҳволини таққослаб кўрмоқчи эди. У бандилар орасидан қози калонни топа олмагач, ёнидаги турган бир кишидан сўради.

— Қози калон Бурҳониддин мана шу одам!— деди у киши.

Ёдгор бу гапга ишонгиси келмасди, чунки у қози калонни олтин эгар-жабдуғли ажойиб от устида кўрган эди, ҳозирги банди бўлса, оёқ яланг, салласи бўйнига солиниб, судралиб келмоқда эди.

— Буниси раиси калон!— деди ҳалиги киши.

— Эшони раис, халифа ва даррадастларингиз қани? Нега бугун одамларни ялангочлаб урмайсиз?— ўн яшар бир бола оғзидан чиққан бу киноя ўша кунлардаги Бухоро халқининг кайфиятини жуда яхши ифодалар эди.

Қози калон ва раис орқасидан бошқа бандиларни олиб келмоқда эдилар, одамлар уларнинг номларини атаб «ана Юсуфбой, ана Қаршибек, ана аттор Мирза Усмон...» деб, бир-бирларига кўрсатар, уларнинг жиноятларини ҳам бирма-бир юзларига солар эдилар...

ҲИРС

«Қози калон, шаҳар раиси ва амир ҳукуматини бошқараётган бошқа катталарнинг тергов ва сўроқлари тугаган, буларни эрта-индин халқ орасида суд қилиб, тегишли жазоларини берар эмишлар», деган овоза халқ

[1] Амир одамлари ўлдирилган сиёсий маҳбусларни «Ўғлон дарвозаси» ёнидаги кўлга ташлардилар. Шунинг учун халқ у кўлни «Қўли шаҳидон» деб номлаган эди.

оммасини амир ҳукумати «устунлари» қамалган ҳовли олдига тўплаган эди. Ҳамма, халқ уйини куйдирган, хонадонларни бузган, бева-бечораларни шафқатсизлик билан талаган, гуноҳсиз қонларни тўккан у золимларнинг жазо кунларини ўз кўзи билан кўрмоқчи эди.

Қози калонни қамоқдан чиқариб ўз ҳовлисига, ота-бобоси ва ўзи жойлашиб ҳукмронлик қилган ҳовлисига олиб бордилар. Одамлар ҳам «афтидан, бу золимни юзларча гуноҳсизларнинг қонларини тўкишга, хонавайрон қилишга, уйларини босиб олиб, хотин-болаларини бош яланг, оёқ яланг кўчага ҳайдаб юборишга ҳукм қилган жойида — ўз уйида суд қилар эканлар», деб ўша томонга ёпирилиб бормоқда эдилар.

Қози калонни ўз ҳовлисига киритдилар, томошабинлар ҳам кирмоқчи бўлганда, соқчилар йўл беришмади, шундай бўлса ҳам, баъзилар бостириб киришга муваффақ бўлди, бошқалар ҳовлини ўраб олиб, суднинг натижасини сабрсизлик билан кутиб турдилар.

Ҳовлига кириб олганлар, унда суд ҳайъатидан асар кўрмай ҳайратда қолдилар, унда янги ҳукуматнинг бир неча ходимларидан бўлак ҳеч ким йўқ эди, улар ҳовлидаги мол-ашёни хил-хилга ажратиб рўйхатга олиш билан овора эдилар.

Қози калонни ҳовлига киритганда, янги ҳукуматнинг маъмурларидан бири (уларнинг бошлиғи бўлса керак) папирос чекиб туриб, бир даста калитни унинг қўлига берди:

— Ота-бобонгиз ва ўзингиз жамғариб қўйган хазина-дафиналарни бир-бир кўрсатиб, бизга топширинг!

Қози калон калитларни ола туриб:

— Иним! Папиросингиз бўлса бир дона марҳамат қилинг! Илоҳи саломат бўлғайсиз!— деди.

Бошлиқ кулумсираб, бир дона папирос берди, қози папиросни унинг ўтидан тутатиб, чекди.

— Иним! Папирос чекканимни ўз кўзингиз билан кўрдингиз, энди жадидлигимга ҳеч бир шубҳангиз қолмаган бўлса керак. Худони ҳозир кўриб, ҳақни яширманг! Менинг жадидлигимни ва папирос чекканимни ўз кўзингиз билан кўрганингизни тегишли жойларга маълум қилиб, гувоҳлик беринг! Токи суд вақтида гуноҳим енгиллашсин. Илоҳи саломат бўлинг!— деди.

Бошлиқ, қози калоннинг бу илтимосига жавобан кулимсираб гапирди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Хўп! Олдинга тушинг, эшикларни очинг!

Қози калон бошлаб кичик меҳмонхона даҳлизини очиб, бошлиқ билан бирга кирди. Қози калон унда ўзининг бир жуфт эски кавушини кўриб, бошлиққа қаради:

— Иним, оёғимдаги кавуш йиртилиб битган. Агар рухсат берсангиз, шу эски кавушимни олиб кийсам, сизни дуо қилардим...— деди.

Бошлиқ рухсат берди. Қози калон тўсатдан бир хум тилла топган гадойдай қувониб дуо қилди:

— Илоҳи давлатингиз бундан ҳам зиёда бўлғай, бола-чақаларингизнинг тўйини кўринг, топган мол-мулкингиз яхши кунингизга сарф бўлғай!

Кейин, оёғидаги йиртилиб битган, ямашга ҳам арзимайдиган эски кавушини олиб қўйнига тиқди.

Қози калон даҳлиздан ичкари кириб, ундаги сандиқларни очди, тангаларни, олтин, кумушларни кўрсатди.

Бошлиқ ҳаммасини рўйхатга олиб, сандиқларни қулфлагач, калитларини давлат тафтиш комиссияси вакилига топширди.

Қози калон, янги ҳукумат одамларини меҳмонхонага олиб кирди, унда гилам ва кўрпачалардан бошқа нарса йўқ эди, фақат меҳмонхона тўрида савдогарларнинг ғалладонларига ўхшаш тўрт поялик узун бир сандиқ турар эди. Устида бир узунчоқ ва иккита тўгарак тешиги бор эди.

Қози калон узунчоқ тешикни кўрсатиб:

— Халқдан олинган қоғоз ақчаларни бу тешикдан,— тўгарак тешиклардан кичикроғини кўрсатиб,— кумуш тангаларни бу тешикдан,— ва каттароқ тўгарак тешикни кўрсатиб,— Бухоро ва Россиянинг олтин ақчаларини бу тешикдан ташлардим, сандиқ тўлгач, мана бу тортмаларини очиб, ундаги пулларни бошқа жойга кўчирардим,— деди.

— Кундалик мурофааларда бу сандиққа қанча пул кирарди?— деб сўради бошлиқ.

— Қандай билай,— деди қози калон ҳасрат билан «уҳ» тортиб,— менга шуниси маълумки, сел ёққанда тарновлардан қандай сув оқса, худонинг марҳамати ва жаноби олийнинг давлатларидан, бу тешикчаларга ҳам пул ўшандай оқарди.

Қози калон тортмаларни очди: бири тилла билан, бири танга билан, бириси Николай замонидаги қоғоз ақчалар билан тўла эди.

— Ҳовлидан қочаётган вақтда бу пулларни бошқа жойга кўчирмаган экансиз-да?

— Бу пуллар йигирма саккизинчи августда аср билан шом орасида тўпланган, буларни бошқа жойга кўчиришга улгурмадим. Арки олийдаги кенгашда азонгача қолиб кетдим, йигирма тўққизинчи август тонгида, уруш бошланганида, буларни кўчириш эсимдан чиққан.

Қози калон қазноқ эшигини очиб кирди, унинг орқасидан маъмурлар ҳам кирдилар. Бу хонада ердан шифтгача темир ва пўлат сандиқлар, яхдон деб аталадиган, устига гул ва баҳия тикилган қизил чарм сандиқлар устма-уст қўйилган эди. Қози калон сандиқларни очиб кўрсатди, баъзисида олмос, ёқут, ақиқ, зумрад ва марварид, баъзисида олтин ва кумушдан ясалган, қимматбаҳо тошлар билан зийнатланган идиш-оёқлар, баъзиларида зеби зийнатлар тўла эди.

Бир кумуш сандиқ қимматли идиш-оёқлар билан тўла бўлиб, устига парчинланган олтин тахтачага «жаноби олийнинг Россияга бўладиган муборак сафарларида, императори муаззам ҳазратларига совға учун тайёрланди», деб ёзилган, зеби зийнатлар билан тўлдирилган сандиқ устига «император ҳазратларининг муҳтарам ҳарамлари учун» деб, бошқа бир сандиқ устига «император ҳазратларининг мастура қизлари шаҳзода хоним учун», деб ёзилган эди.

Қатта бир сандиқ устига «жаноби олийнинг Ялта ишратхонасида дам олишлари учун тайёрланди», деган сўзлар ёзилган бўлиб, унинг ичи қизил духоба қопланган қутичалар билан тўла эди, бу қутичаларнинг ҳар бирида брильянт кўзли олтин узуклар, қимматли билагузуклар, брильянт ўрнатилган олтин ҳалқалар, марварид шодалар ва бошқа безаклар бор эди.

Чарм сандиқларда қимматбаҳо кийимлар ва кийимликлар жойланган, бир нечаси «мисқолий» деб юритиладиган докалар билан тўла, бирида эса, дўппига ўралган бир салла ҳам бор эди.

Қози калон бу саллани кўргач, бошлиққа қараб:

— Иним, менга яна бир яхшилик қилинг!— Отамдан қолган ва марҳумнинг ўз қўллари билан ўраганларича «табаррук» деб бу кунгача бузмасдан сақланилган шу саллани менга беринг!— деди.

Бошлиқ саллани олишга рухсат бергач, қози калон жуда ҳам қувониб кетди, эски салласини дарҳол боши-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан олиб, белига ўрай бошлади. Йигирма газ узунлигидаги саллани белига ўраркан, тикка турган жойида айланар, гўё шодликдан ўйинга тушар эди.

Мол-ашёлар рўйхати тугагандан кейин, соқчилар қози калонни қамоқхонага олиб бормоқчи бўлиб, ҳовли юзига чиқардилар. Қози калон чиқаётганида бошлиқдан яна бир папирос олиб чекиб, ундан ўзининг папирос чекканини тегишли жойларга маълум қилишини яна бир марта сўради.

Қози калоннинг бу илтимосини эшитган томошабинлардан бири, тўда орасидан чиқиб:

— Менинг укамни папирос чеккани учун ўлимга ҳукм қилганингизда, бир кун папирос чекиб, ўлимдан қутулишни ўйлаганмидингиз?— деди.

Қози калон у одамга жавоб беролмай, тили тутилиб қолди. Соқчилар уни ҳовлидан олиб чиқиб кетдилар.

МУХТОР ВАКИЛНИНГ КАРВОНИ БИЛАН

Кўрпача устида чордана қуриб ўтирган киши эшик олдида гоҳ бошини ичкари суқиб, гоҳ кейинга тортиб турган кишидан сўради:

— Кимда ишинг бор, Дохунда?

— Мухтор вакилда ишим бор эди!

— Нима иш?

— Истаган киши мухтор вакил билан бирга Кўҳистонга бора олармиш деб эшитдим, мен ўша томонга бормоқчи эдим.

Чордана қуриб ўтирган киши қўлига қалам олди.

— Отинг нима?

— Ёдгор!

— Отангнинг оти?

— Бозор!

— Қаерликсан?

— Кўлоблик.

— Неча йилдан бери бу томонларда юрибсан?

— Ўн йилдан кўпроқ бўлди!

— Нима иш қилдинг?

— Амирга сарбоз бўлдим, қочдим, зиндонга тушдим, яна қочдим, тағин қўлга олиниб, аввал зиндонга, кейин обхонага қамалдим, оқибат инқилоб бўлиб, амир қочган куни бутунлай озод бўлдим.

— Жуда яхши, хат-саводинг борми?

— Йўқ!

Котиб ўз ёнида ўтирган кишининг қулоғига:

— Хайриятки, хат-саводи йўқ экан, бўлмаса бундай таржимаи ҳол билан, менинг ўрнимга бош котиб бўларди,— деб шивирлади.

— Сен кўкнори хаёли билан ҳар нарсадан ваҳимага туша берар экансан. Бу одам хат-саводлик бўлгани билан нима иш қила оларди? Сен билан мен қушбеги ва қози калоннинг мирзахоналарида бир неча йил ишлаб, бу мартабага етишганмиз, булар иш ўрганиб бизнинг оғзимиздаги нонни тортиб олгунча, туянинг думи ерга тегади,— деди шивирлаб бош котибнинг шериги.

Бош котиб Дохундага қараб яна сўради:

— Иштирокиюн фирқасига кирганмисан?

— Гапингизга тушунмадим, нима деганингиз?

— Яъни коммунистлар партиясига кирганмисан?— демоқчиман.

— Ҳа! Кирганман, большевикман!

Бош қотиб яна ўз шеригининг қулоғига шивирлади:

— Шунча фазлу ҳунари устига большевик ҳам экан-а, илоҳи тавба?

— Аввали шуки, большевикларнинг Бухорода катта обрўлари йўқ, иккинчидан, шу одам большевик бўлган билан нима қила олади дейсан? Ҳар нарсадан ваҳимага тушаверма!

— Сен янглишасан,—деди шивирлаб бош котиб,—уч қават олабайроқ тўн кийиб, устидан пўстин кийиб, соч-ларини тараб, мисқолий салла ва зардўзи дўппи остидан осилтириб қўйиб, Бухорода ҳукмронлик даъвосини қилиб юрган жадидларнинг кунлари саноқли, яқинда иш большевиклар қўлига ўтади. Большевиклар фирқаси ишбилармон ва тажриба кўрган фирқа. Россияда инқилоб қилиб, Николайдай катта подшони тахтдан туширган, Керенскани мамлакатдан қочишга мажбур қилган шу большевиклар фирқаси. Бу фирқага Ленин каби донишманд раҳбарлик қилади. Бухорода пайдо бўлган большевиклар фирқаси ана шу Россия большевиклари қўл остида тарбияланиб, вояга етиб, ишни бутунлай ўз қўлига олиб, жадидларни иш бошидан қувади. Сен дохундаларга паст назар билан қарама! «Чўпни хор қилмаки, кўзингга санчилади», деганлар. Бир вақт келиб, Бухоро ҳукуматининг иши ана шу дохундалар, бугун сенинг кўзингга хор кўринган кишилар қўлига ўтади...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мирзахона хўжайинларининг шивирлашлари узайиб кетиб, Ёдгорни зериктирди.

— Мен энди кета берайми?— деб сўради у.

— Йўқ, ҳали сўроқ тугаган эмас. Қўлингдан нима иш келади?

— Ҳар қандай меҳнатни қила оламан!

— Сайислик ёки отбоқарликни уддалай оласанми?

— Бажараман!

— Ундай бўлса, бир-икки кундан кейин кириб, хабар ол! Мен аҳволингни мухтор вакилнинг иш бошқарувчисига айтиб, сенинг тўғрингда топшириқ олиб қўяман.

1921 йилнинг январида қаттиқ совуқ бошланди. Қаршининг кўчалари қор остида қолди.

Аммо мухтор вакил қўнган собиқ Қарши ҳокимининг меҳмонхонаси шу даражада иссиқ эдики, нафас олиб бўлмасди. Очиқ бостирмада давра қуриб ўтирган сайислар, аравакашлар, отбоқарлар бўлса, изғиринда безгак тутгандай титрамоқда эдилар. Улар гулхандаги ҳўл ўтинни пуф-пуфлаб ёндириб, қўл-оёқларини иситишга уринсалар ҳам, аччиқ тутундан кўз ёшлари соқолларига оқиб, музлашдан бўлак натижа кўрмасдилар.

— Жойларингиздан турингланр, ўртоқ оғолиқ афанди жаноблари келаётирлар!

Меҳмонхона олдида турган хизматчи бу гапи билан бостирмада ўтирганларни безовта қилди, улар истар-истамас «ўртоқ оғолиқ афанди жаноблари ҳурматига» зўрға жойларидан қимирлаб тикка турдилар.

Биттаси ўрнидан туролмади, оёқлари совуқда увушиб қолган эди. У оёқларини уқалаб, туришга уринаётганида, хизматчи шиддат билан яна қичқирди.

— Ҳой, Дохунда! Одаммисан ёки ҳайвон? Ўртоқ оғолиқ афанди жаноблари келаётирлар, ўрнингдан тур! Эшитмадингми?

Бу овозни эшитгач, яна туришга уринган йигит қайта ерга йиқилди. Шу вақт бошига сур телпак, эгнига пўстин, оёғига хром этик кийган, соқоли «замонага мувофиқ» бир оз қисқартилган ўрта ёшли «ўртоқ оғолиқ афанди жаноблари» улуғвор қадам босиб, бостирма олдидан ўтиб кетди.

— Бу нусха ким экан?— деди бухоролик сайис.

— Сен танимадингми? Бу амир замонида Қарши халқининг қонини зулук каби сўрган ўша Нуриддинхўжа оғолиқ-да.

—Амир замонидаги амалдорлар Бухоро Халқ Шўролар жумҳуриятига йўл тополмайди деган эдилар-ку, бу одам қандай қилиб, янги ҳукумат даврида катта обрў эгаси бўлган?— деб сўради Дохунда.

— Айтганда кўп гапларни айтадилар, аммо сўз билан иш орасида катта фарқ бор; чунончи, «ҳукумат меҳнаткашларники» дедилар, аммо иссиқ меҳмонхонада атлас кўрпачалар устида чордана қуриб ўтирганларнинг меҳнаткашларга қандай муносабати бор?— деди бир аравакаш.

Бир оздан кейин Қарши қўрғонининг ошхонасидан товоқларда палов олиб келинди. Очиққан сайислар ва аравакашлар совуқ ҳавода буғи юқорига кўтарилаётган иссиқ ошни кўргач, иштаҳалари очилди.

—Афтидан, бизга ош бермайдилар?— деди сайислардан бири.

— Катталар тўйса бўлади, биз учун ошнинг буғи ҳам етарли,— деди бир аравакаш.

—«Пуллик кабоб ейди, бепул кабобнинг дудини», деганлар-ку!— деб бошқа аравакаш ўз ўртоғининг гапини қувватлади...

Бостирмадагилар шундай чақчақлашаётганда, кўзи меҳмонхона томонига тушган бир сайис:

— Ана, бизга ҳам қиё боқдилар,— деди. Ҳаммалари у томонга қарадилар: меҳмонхонадагилардан ортган ошни сайисларга келтираётган эдилар. Товоқларнинг тубида қолган озгина ошнинг мойи музлаган бўлса ҳам, очиққан сайислар ва аравакашлар бирпасда ялаб ташладилар.

Ошдан кейин Дохунда:

— Мен бир сув топиб ичай,— деб ўрнидан турди.

— Сув тополмайсан, мен қўлимни қорга ювдим.

Сувсаган Дохунда меҳмонхона олдига борди, аммо киришга ботина олмай, эшик олдида тўхтаб, ичкарида қизиб бораётган базмга қулоқ солди.

— Ўртоқ тўқсоба афанди, сиз ҳам Ҳисор ва Кўлоб аҳолисига шунақа ҳолдон бўлсангиз керак?

— Бошингиздан ўргулай, тақсиржон афандим, «тўқсоба» деманг-эй!

— Сиз ўртоқ тўқсоба афанди, ўзингизнинг тўқсобалигингиздан шунақа орланасизми?

— Тўқсобалигимдан орланмайман, лекин замона ёмон: «Амир замонида бу одам иноқ эди, бу тўқсоба

www.ziyouz.com kutubxonasi

эди, бу ясовулбоши эди», деб бир хил «паст» одамлар эски амалдорларга қарши гап отадилар, «ерни сув бузади, одамни гап» деганларидай, шунақа «деди-қўйди» лар кўпая берса, ўзингиз ҳам, бизнинг думимизга чангал боғлайсиз.

— Йўқ, бундай эмас, Бухоро Шўролар Ҳукумати шунақа халқ ҳукуматидир, бу ҳукуматга шунақа содиқ хизмат қилган ҳар бир киши ҳукуматимизнинг шунақа азиз ходими ҳисобланади...

Гапираётган киши чой ичаётган бўлса керак, бир оз жим бўлиб яна давом этди:

— Мирза Исмоил девонбегини биласиз, у амир замонида, шунақа, амирнинг яқин кишиларидан бири эди. Амирнинг бутун даромади, шунақа, унинг қўлидан ўтарди, ҳатто уруш вақтида амир қўшинининг таъминоти, шунақа, шу одамнинг қўлида эди. Шунақа, бизга ўз садоқатини кўрсатгани сабабли Шаҳрисабздай, шунақа, катта вилоятда уни озуқа вакили қилдик...

Сўзлагувчи яна бир оз жим бўлиб, ўйлаб тургандан кейин, сўзини давом эттирди:

— Худо кўрсатмасин, шунақа, агар ҳукумат иши боя айтганингиздай, шунақа, «паст» одамлар қўлига ўтса, у вақтда ҳукумат бошида, шунақа, биз ҳам турмаймиз.

— Бухоро Халқ Шўролар Ҳукумати ҳақида бизнинг иккиланишимиз, шубҳага тушишимиз тузук эмас,— деди бошқа бир эски амалдор тўқсобага,— кўрмайсизми, бизга амир замонида «тўқсоба» ёки «иноқ» ё бўлмаса «девонбеги» деб ёлғиз амалимиз билан хитоб қилсалар, ҳозир эски амалимиз устига яна бир неча унвонларни қўшиб, масалан, «ўртоқ тўқсоба афанди жаноблари,» деб хитоб қиладилар.

Гап орасида «шунақа» сўзини кўп ишлатадиган бу зот Бухоро Халқ Шўролар Ҳукуматининг раҳбарларидан бири ва мухтор вакили эди. У ўрнидан турмоқчи бўлганда, бошқалар ундан олдинроқ жойларидан туриб қўл қовуштирдилар.

Бу ҳолни кўрган даҳлиздаги хизматчи супургини қўлга олиб, даҳлиздан чиқмоқчи бўлганида, эшик олдида Дохундани кўрди:

— Нарироқ бор, мухтор вакил афандим чиқаётирлар!— деди.

—Мен сув ичгани келган эдим, агар сув бўлса, бир коса бер!— деди Дохунда.

— Бунда ортиқча сув йўқ, нари тур!

Дохунда меҳмонхона эшиги олдидан узоқлашаётганида, хизматчи уни қайта чақириб олиб, супургини қўлига берди:

— Меҳмонхона олдидан халажойгача йўлакни супуриб, қорни тозала!— деди.

Мухтор вакил ўрнидан туриб иссиқ кийимларини кийди, бўйнига тивит рўмол ўради, бошига сур телпакни кийиб, қош устигача бостирди-да, босма чакмонини кийиб, ўзини яхшигина ўраб олгандан кейин, ҳовлига чиқди.

Нуриддинхўжа оғолиқ ҳам меҳмонхона даҳлизига чиқди. Хизматчи унинг қўлига обдастадан сув қуйди.

Оғолиқ қўл ювaётганда, амир замонида Қарши ҳокимининг маҳрами ва ўзи билан сирдош бўлган у хизматчига шивирлаб:

— Жадидларнинг назари бизга тузук-ку. Биз беҳуда муфти Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг йўлдошлари ҳақида бадгумон бўлиб, уларни беҳуда нобуд қилдирган эканмиз,— деди.

ҚЎРПА ОСТИ «БАЗМИ»

Бойсун шаҳарида ҳовлилар, саройлар ва кўчалар турли-туман ранг-баранг кийинган одамлар билан тўлиб тошган эди. Белларига фўта ўраб, пичоқ тақкан, узун телпакли навкарлардан тортиб, саллалари бўздан, ёғоч кавуш кийган, қуроллари таёқ ва камондан иборат Дарвоз шоҳваччалари, эски қилич ва шохдор чақмоқли милтиқ билан қуролланган Ҳисор, Кўлоб ва Қоратегин амалдорларигача ҳаммаси шу ерда эди. Булар орасида кимхоб, шоҳи, атлас тўнлар кийиб, белларига олтин ва кумуш камарбандлар боғлаб, балет артистлари каби ясанган Бухоро сипоҳилари ва айниқса, амирга яқин бўлган амалдорлар савлат, дабдабада ҳаммадан устун турардилар.

Толенинг бир жилваси билан амирни ўз уйида меҳмон қилган Бойсун ҳокими Мухторжон соҳиб давлатини ўзидан рози қилиш йўлида жон куйдирмоқда эди. Борди-ю, худонинг марҳамати билан амир қайтадан Бухоро тахтига эга бўлса, у бу қилган яхши хизматлари учун Бойсундан каттароқ жойда ҳоким бўлишига ишонар эди. Шунинг учун ҳоким амирнинг мағлубиятидан хафа бўлса ҳам, бехосдан келиши мумкин бўлган ях-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ши келажак умиди билан шодлик таъсирида мастларча гангираб, амирга хизмат қилмоқда эди. У қимматбаҳо кийимликлардан, от ва бошқа керакли буюмлардан амирга тўққиз-тўққиз тортиқ қилгани каби, чиройли қизлар ва ўғил болалардан ҳам тўққизтадан пешкаш қилди.

Қўрғонда бўлаётган зиёфатлардан бошқа, Бойсун шаҳрининг шимолида бўлган Чорчинор деган жойда ҳам чодирлар тикиб ва шомиёналар тортиб зиёфат ҳозирлади.

Ҳоким қўрғонда амирни зиёфат қилиб, тортиқларини унга манзур қилгандан кейин, дарбор аҳлидан амирга жуда яқин ва сирдош бўлган Имомқулга арз қилди:

— Агар ҳазратим истироҳатга майл қилсалар, Чорчинор ҳумоюн ташрифларини кутиб турибди.

— Албатта, олий ҳазратнинг муборак хотирлари большевиклар ва оёқяланглярнинг одобсиз ҳаракатлари сабабли кудурат пайдо қилган, бунинг устига, Бухородан бу ергача бўлган узун йўлни бир жойда тунамасдан босганлари сабабли гул баргидан нозик муборак баданлари ҳам анча эзилган. Бундай аҳволда бирор хушҳаво жойда истироҳат қилиш жуда муносиб,— деди Имомқул ва қўшимча қилди,— лекин истироҳатнинг «қуруқ истироҳат» бўлиб қолмаслиги учун, базм ҳам тайёр қилишингиз керак.

— Мен жоним билан бу хизматни бажарардим,— деди ҳоким,— лекин бу томонларда ҳазратимнинг муборак суҳбатларига муносиб созандалар ва ҳофизлар топилмайди. Сиз менинг бу тўғридаги узримни ҳазратимга арз қилинг!

— Менинг «базм»дан мақсадим оддий базм эмас, унинг кераги ҳам йўқ, балки сизга «кўрпа остида бўладиган базм»ни тайёр қилинг деяпман.

— Бундай базм учун ҳамма нарса тайёр бўлса-да, фикримча, уни кечасига қолдириш керак, ғазот кунларида, ғозиларнинг кўзи олдида, кундуз куни тўрт томони очиқ бўлган далада, ундай базм қилиш унча муносиб бўлмаса керак...

Шу вақтда амир Ҳисор, Кўлоб, Балжувон, Дарвоз, Қоратегин ва бошқа жойлардан келган амалдорлар учун Бойсун қўрғонида зиёфат буюрди ва ўзи отланиб ўз яқин кишилари билан бирга, Чорчинор томонига йўналди. Ҳоким ва Имомқул ҳам «базм» тўғрисида бир қарорга келмасданоқ, амирнинг орқасидан от сурдилар.

Саркардалар, шоҳбаччалар, амалдорлар ва элнавкарлар дастурхон олдида чўккалаб ўтириб, ош ейишга киришдилар.

— Афсуски,— деди ҳисорлик бир саркарда ош устида,— жаноби олий сабрсизлик қилиб қочганлар, биз бориб Бухорога етгунча чидаб турсайдилар, ёлғиз ўзим шу қиличим билан юз большевикка жавоб берардим.

— Жаноби олийнинг ёлғиз ўзларининг қўлларидан нима иш ҳам келарди,— деди бошқа бир саркарда,— Бухоро дарборидаги «кўрпа кўтардилар»нинг ҳаммаси ўзларининг кундалик айш-ишратларидан бўлак нарсани ўйламайдиган кишилардир. Шунинг учун ҳеч бир иш қилолмай, қочишга мажбур бўлганлар.

— Модомики, ҳазратлари Бухоро саркардалари ва амалдорларидан жонсупорлик кўрмай, биз томонга келган эканлар, биз ўзимизнинг кимлигимизни иш билан кўрсатиб, подшолик шон-шавкатини қайта тиклашимиз керак. У вақтда ўзимиз ҳам дарбори олийнинг гули бўламиз,— деди бир амалдор...

Товоқлар ярим бўлмасданоқ, жаноби олий Чорчинордан қайтиб келдилар, деган овоза бўлди. Бу хабарни эшитган «ғазотталаб»лар ошни чала ташлаб, амирни қарши олиш учун дастурхон бошидан турмоқчи бўлганларида, ҳокимнинг дастурхончиси келиб:

— Жаноби олийнинг буйруқларига мувофиқ, ҳеч ким дастурхон бошидан қимирламаслиги, ҳамма хотиржамлик билан ҳазратим давлатларида тайёрланган ноз-неъматдан баҳраманд бўлиши керак!— деб қолди. Ҳамма қайтадан дастурхон олдида чўккалади.

Амир ўз яқин кишилари билан Чорчинордан қайтиб келиб қўрғонга тушди ва ҳокимни мусодара қилиб, унинг бутун қимматли нарсаларини, хотинларининг зебзийнатларигача олиб, яна дарҳол отланиб чиқди. Ҳоким амирнинг норози бўлгани учун қайғуриб, эски тўн ва кийимларини кийиб, зийнатсиз бир отни миниб, амир орқасидан йўлга тушди.

— «Кўрпа остида бўладиган базм керак», демаганми эдим сизга, бу хизматни бажармаганингиз учун, жаноби олийнинг ўзингиздан қай даражада хафа бўлганларини ўз кўзингиз билан кўрдингиз,— деди Имомқул йўлда ҳокимга,— ҳай, майли, зарари йўқ, бу иш сизга ва бошқаларга ибрат бўлади, келажакда ишингизни билиб қиласиз, яна ҳазратимнинг марҳаматла-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ридан сарфароз бўласиз,— деб унга ҳам таъна қилди, ҳам тасалли берди.

Бойсун қўрғонида ва шаҳарда дастурхон олдида чўккалаб ўтирган «ғазотталаб» меҳмонлардан бўлак киши қолмаган эди. Лекин Бойсун қўрғонининг ғарб томонидаги Посурхи тоғидан эшитилган пулемёт товуши уларни ҳам туришга мажбур қилди.

«Ғазотталаб»лар қўрғондан чиқиб, ўз отларини тополмадилар. Чунки уларнинг отларини, йўлда отлари ўлган ва майиб бўлган амалдорлар миниб, амир билан бирга қочган эдилар.

Дастурхон боши «ботирлари» ҳам таёқ, қилич, чақмоқ милтиқ ва камон каби қуролларини большевиклар билан бўладиган уруш майдонида «ишлатиш»дан илгари, қуролсиз меҳнаткаш деҳқонлар бошида синаб кўриб, уларнинг от-уловларини тортиб олиб миниб, «амирга ёрдам бериш учун» унинг изидан қочиб кетдилар... Саксон нафарча қизил аскар пулемёт ва милтиқлар билан қуролланган ҳолда, Посурхи тоғидан тушиб шаҳарга кирди, аммо шаҳарда бирор жонзотни учрата олмади. Қўрғон меҳмонхонасида дастурхон ёзилган, товоқларда ярим ейилган палов, баъзи қозонларда ёғ қиздирилиб, сабзи-пиёз қовурилиб, гурунч солишга тайёр қилиб қўйилган эди.

Ҳокимнинг ичкари ва ташқари ҳовлисидаги хоналарда патли ва қоқма гиламлар; шоҳи, атлас, адрас ва сатиндан тикилган кўрпа, кўрпачалар, пар ёстиқлар; эркак ва хотинларнинг қимматли кийим-кечаклари; мис, чинни идиш-оёқлар, қозон-товоқлар, амир олиб кета олмаган уй-рўзғор буюмлари сочилиб ётар эди.

Қизил аскарлар шаҳарнинг теварак-атрофини қидириб аҳолидан бир-икки кишини топдилар.

Сиёсий раҳбарлар бу одамларга дўстона муомала қилиб, уларга Октябрь революциясининг маъносини, Бухоро меҳнаткашларининг амирга қарши қўзғалгани, ўзларининг ва рус ишчи-деҳқонларининг Бухоро меҳнаткашларига қардошларча ёрдамини ва ўзларининг бу ерга фақат амирни таъқиб қилиб келганликларини, аҳолини амир зулмидан қутқазишдан бошқа мақсадлари бўлмаганини, содда сўзлар билан тушунтирдилар.

Қизил аскарларнинг бундай муомаласини кўргандан кейин пастқамларда писиб ётган бир неча киши уларнинг олдига келди.

Қизил аскарлар бошлиғи ҳокимхонада қолган нарсалардан бир қисмини йиғилган одамларга «бу моллар-нинг асли эгаси сизлар!»— деб, бўлиб берди.

— Сизлар дала ва тоғларга чиқиб, уйларини ташлаб кетган аҳолига гапни тушунтиринглар, улар шубҳага тушмай, шаҳарга қайтиб, ўз мол-мулкларини эгаллаб, ўз уйларида тинч ишлари билан шуғулланa берсинлар. Биз бўлсак, ўз қароргоҳимизга қайтиб, лозим бўлган вақтда сизнинг ёрдамингизга етиб келамиз,— деди.

Қизил аскарлар ўз жойларига қайтиб кетдилар, ҳалиги одамлар шаҳар халқини ўз уйларига қайтариб келтириш учун дала ва тоғларга жўнадилар.

Аммо шаҳар халқи ўз уйларига қайтиб келгунча, ўғрилар ва амирнинг қочоқ амалдорлари шаҳардаги уйларни талаб, ундаги буюмларни олиб кетган эдилар.

САРОЖАГА[1] ЁТҚИЗИЛГАН КИШИ

Бойсундан Душанбагача йўл устидаги шаҳар ва қишлоқларда бирон киши қолмаган, амирнинг қочоқ амалдорлари «большевиклар келиб сизларни ўлдирадилар», деб ҳаммани ваҳимага солиб, турар жойларидан қочирган ва эгасиз қолган мол-ашёларни талаган эдилар. Душанбада ҳам бирон киши қолмаган эди. Амир бўлса Афғонистонга қочиш мақсади билан Қўрғонтепага етиб борган эди. Ҳисор ва Душанба атрофидаги қишлоқларнинг аҳолиси эшитган хабарларини шу тарзда бир-бировига айтиб, юртнинг келажаги учун нима қилиш кераклигини муҳокама қилмоқда эдилар.

— Мамлакатнинг тинчлиги учун, амир талончилари қўлидан қутулиш учун тезроқ большевиклар олдига вакил юбориб, уларни олиб келиш керак.

Бу фикрни халқ маъқуллади, большевикларга тортиқ қилиш учун бир оз озуқа ва таслим аломати учун оқ байроқ тайёрланиб, вакиллар сайланди.

— Рус тилини бир оз биладиган Муҳаммад Назар вакилларимизга раҳбарлик қилиши керак,— деди бир киши.

Бу фикр қабул қилинди, Муҳаммад Назарнинг ўзи ҳам рози бўлди.

---

[1] Сарожа — икки ёғочни арқон билан бир-бирига боғлаб ясалган замбар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Большевиклар ҳозир қаерда экан?

— Амир одамларининг айтишларига кўра, Сариосиёда эканлар!

— Менинг эшитишимча, Деновда экан,— деди бошқа бир киши.

— Бу гапларнинг ҳаммаси амир одамлари томонидан тарқатилган ёлғон хабарлар,— деди Муҳаммад Назар,— уларнинг мақсади одамларни қўрқитиб, турар жойларидан қочириб, мол-ашёларини талон-торож қилмоқдир. Пухта ва тўғри хабарга кўра, большевиклар амирни қувиб Бойсунгача келганлар, амир Бойсундан қочгандан кейин, улар ўз қароргоҳлари бўлган Дарбандга қайтганлар.

— Тўхтаб турингланр! Булар ким экан?— Вакиллардан бири Ҳисор томонидан келаётган бир гуруҳ қуролли кишиларни кўрсатди. Ҳамма у кўрсатган томонга қаради. Келаётган гуруҳ олдида икки от устига ортилган сарожа бор эди. Аммо сарожада ким ётганлиги, у ўликми, тирикми экани узоқдан кўринмасди...

Аммо қуролли гуруҳ тўхтаб қолди. Қилич ва тўппонча таққан бир киши отини йўрттириб, вакиллар олдига келиб, буларнинг кимлигини, нима мақсад билан қаёққа бораётганларини сўради.

Сарожада ётган гавда қимирламасдан қўлини юқори кўтариб, ўз гуруҳига ишорат билан буйруқ берди. Гуруҳ қўй рамасига ҳужум қилган оч бўрилардай, вакиллар томонига от суриб келди, сулҳ ва осойишталик талаб қилиб бораётган қуролсиз вакилларнинг кўпчилигини ярим соатда қилич дамидан ўтказиб, от ва кийим-кечакларини таладилар.

АМИРГА ВАСИЯТ

— Мирзойи Урганжийдан ҳазратимга ариза келди! Афғонистонга қочиш учун Қўрғонтепага бораётган амирни бу хабар йўлдан тўхтатди.

— Унинг ўзи қаерда экан?— деб сўради амир хабар келтирган хизматчидан.

— Дарбандда қизил аскарлардан қочиб, бир тоққа чиқаётганида, отдан йиқилиб эгарнинг қоши қорнини тешибди, қаттиқ мажруҳ бўлган экан, уни сарожага ётқизиб Душанбага олиб келганлар,— деб жавоб берди хизматчи.

Амир Мирзойи Урганжийнинг аризасини олиб ўқиди, аризанинг мазмуни қуйидагича эди:

«Большевиклар Бойсундан қайтиб келдилар, ҳозир улар Дарбанднинг нари ёғида. Мен ҳазратимнинг соғсаломатликлари йўлида қаттиқ яраландим, тирик қолишим маълум эмас, шунинг учун васият тариқасида ўз маслаҳатларимни арз қиламан: сипоҳиларга ишониш мумкин эмас, чунки улар ваҳимага тушиб, ҳазратимни мамлакатдан қочиб кетишга мажбур қиладилар; фуқаро ва аҳолига суяниб бўлмайди. Чунончи, Ҳисор ва Душанба аҳолиси, олий ҳазратга хиёнат қилиб, большевикларга вакил юбормоқчи эканлар. Мен бу иш устига етиб келиб, улардан қўлга тушганларини жазолаб, қолганларини тарқатиб юбордим; муллалар олий ҳазратнинг холис дуогўйлари бўлсалар ҳам, қўлларидан ҳеч бир иш келмайди. Бундай қаттиқ ва оғир кунларда ёлғиз атоқли ўғриларга суяниш мумкин. Мен буни бир неча марта ҳазратимга арз қилган эдим. Гўринг куйгур Насрулло қушбеги, агар менинг маслаҳатимга қулоқ солсайди, мен 1917 йил февраль кунларидаёқ жаноби олийга қарши бош кўтариши мумкин бўлган ҳар бир кишини ўз қўлим остидаги ўғриларга буюриб ўлдиртириб, у хас-хашакларни дунёдан йўқотардим ва улар воситаси билан бугун мамлакатда кўтарилган ёнғин алангаси ҳам сўнар эди, бу қадар фитналар ҳам пайдо бўлмасди; хорижий давлатлардан ёлғиз инглизлардан умид қилиш мумкин, чунки улар ҳамиша Туркистонни руслар қўлидан олиш пайида юрадилар; Афғонистон давлатига ишониб бўлмайди, олий давлатга ёмон кўз текқандан кейин ваъда қилган нарсаларини бермади, бунинг устига «ёрдам қиламан» деб ҳали ҳам алдаб юрибди. Амонуллонинг жадидлигига ҳеч бир шак-шубҳа йўқ, шунинг учун олий ҳазрат ўз мамлакатимиздаги атоқли ўғриларни дарбори ҳумоюнда тўпласинлар, Фарғона босмачиларидан ҳам ёрдам сўрасинлар ва шуларга суяниб, Душанбага келиб салтанат асосини барқарор қилсинлар, Ҳиндистонга вакил юбориб, инглиз давлатидан ёрдам сўрасинлар, инглизлардан истаган нарсаларини ола оладилар. Иншоолло, олий ҳазрат давлатларига ҳеч бир офат ёндаша олмайди. Менинг ўлимим яқинлашган, ҳазратим соғ ва олий давлатлари барқарор бўлғай!»

Амир аризани ўқигандан кейин Имомқулга:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Мирзойи Урганжийнинг ўзига ишониб бўлармикан?— деб савол берди ва ўзи жавоб бермоқчи бўлиб,— йўқ, ишониб бўлмайди! Ота-бобосининг суяги бизнинг давлатимиз билан қотган Авлиёқулбек нима қилди-ю, бу нима бўларди? У нонкўр мени қўрқитиб, бу томонларга қочириб, ўзи давлат хазинасини олиб, Қўлоб томонга кетди. Ажаб эмаски, Мирзойи Урганжий ҳам мени алдаб, Душанбага қайтариб, унда мени тутиб большевиклар қўлига топширса...

Амир бир оз ўйлаб тургандан кейин, яна давом этди:

— Мирзойи Урганжийнинг «ёлғиз ўғриларга суяниш мумкин», деган гапи маъқул. Чунки ўғриларнинг асосий касби ўғрилик, агар уларга бу касбларини қилишга рухсат берсам, миннатдор бўлиб, менга садоқат билан хизмат қиладилар...

Амир яна жим бўлиб, фикрга чўмди ва бир оздан кейин бошини кўтариб, сўзини давом эттирди:

— Ўғрилардан бошқа, савдогарларга ҳам ишониш мумкин, чунки большевиклар савдогарларнинг қаттол душмани. Шунинг учун Мирзойи Урганжийнинг гапларини текшириб кўриб, рост-ёлғонлигини аниқлаш учун, савдогар ҳожи Алимбойни Душанбага юбориш керак...

Амир бир оз фикр қилиб тургандан кейин, яна давом қилди:

— Ҳозирча Мирзойи Урганжийни ҳам ранжитмаслик керак. Шунинг учун менинг номимдан унга: «Сизни Ҳисор ва Душанбага ҳоким тайин қилдик, биз боргунча мамлакатни саришта қилиб туринг!»— деб хат ёзилсин. Агар унинг хиёнати аниқланса, дарҳол жазо берамиз.

Ҳожи Алимбой амирнинг махсус топшириғи билан Душанбага етиб боргунча, Мирзойи Урганжий ўлган эди. У Душанбанинг катталаридан, у томондаги атоқли ўғриларни сўради.

— Бу томондаги машҳур ўғрилар Лақай қабиласидан бўлган, жаноби олийнинг мўътабар амалдорлари — марҳум Чақабой тўқсобанинг ўғли Иброҳим Галлу ва унинг ёрдамчиси Абдулхолиқ,— деди катталар унга.

Бирор соатдан кейин савдогар ҳожи Алимбойнинг амир номидан берган топшириғига мувофиқ, большевиклардан пухта хабар келтириш учун Иброҳим Галлу билан Абдулхолиқ Бойсун томонига йўналдилар ва ҳожи Алимбой улар олиб келадиган хабарни кутиб Душанбада қолди.

ИККИНЧИ САЛТАНАТ

«Ўғрилардан Бўрибатош ва қаршилик Шарофбой ўз тевараларига минг кишилик урушқоқ йигитларни тўплаб, Дарбандда темир девордай туриб, большевикларнинг йўлини тўсмоқдалар».

Ҳожи Алимбойнинг текшириш натижаси бўлиб, амирга келган бу хабар унинг қайта Душанбага боришига ва иккинчи салтанатининг асосини қуришига сабаб бўлди.

«Ўғри Бўрибатош ва қаршилик Шарофбой!— деб ўйлар эди амир,— булар, суянишим мумкин бўлган икки табақанинг — бойлар ва ўғрилар гуруҳининг намояндалари. Бу иш иккинчи салтанатимнинг асосли бўлишига мени умидвор қиладиган хайрли бир фолдир. Афсуски, бу фикрни топиб менга маслаҳат берган киши, ҳозир ўлган. Ҳай, майли, пирнинг ҳассаси — пирнинг жойини олади деганларидай, Мирзойи Урганжий ўлган экан, унинг ўғлини Ҳисор ва Душанбага ҳоким қиламан».

Амир Душанбага қайтгандан кейин, атрофдан кела бошлаган элнавкарлар ва сипоҳиларни амалдор қила берди, амалдор бўлгувчилардан амирга тортиқ устига тортиқ келар ва амир томонидан уларга ёрлиқ устига ёрлиқ чиқарди. Амирнинг сипоҳиларга ёрлиқ бериши шу даражага бўпайдики, ёрлиқ ёзадиган мирза билан қоғоз ақча чиқарадиган хазиначи орасида қоғоз масаласида низо бошланди. Буларнинг ҳар иккаласи ҳам қоғоз исроф қилишда бир-биридан қолишмасди.

Амирнинг иккинчи салтанатида ҳудайчи, шиғовул, маҳрам, ясовул, мунши, дафтардор, дарбон, шарбатдор, сўфи, обкаш, чироқчиларгача тайин бўлиб, Душанба қишлоғи Бухоро аркининг тусига кирди.

— Ишлар муддаога мувофиқ бўлаётир,— деди амир бир кун Имомқулга,— афсуски, тилла озлик қилаётир!

— Бу тўғридан муборак хотирларига ҳеч бир кудурат йўл топмасин,— деди Имомқул,— мен қуллари бу камчиликни тўлдириш учун бир чора ўйлаганман.

— Ҳақиқатан сен менга мислсиз жонсупорсан,— деди амир Имомқулга миннатдорлик оҳанги билан,— бу тўғрида ўйлаган чорангни айт-чи, эшитай!—

— Душанбада саксон уйлик яҳудийлар бор,— деди

www.ziyouz.com kutubxonasi

Имомқул,— буларнинг уйлари тилла-танга, олтин ва кумуш зеби зийнатлар билан тўла. Буларни бир қават кўйлак-иштонлари билан хотин, болаларигача уйларидан ҳайдаб, Ҳисор зиндонига қамаймиз, уйларини бутун мол-ашёлари билан мусодара қиламиз...

— Хўш! Ундан кейин?— қувониб, сабрсизлик билан сўради амир.

— Ундан кейин ишлар вадаванг бўлиб кетади,— деб Имомқул изоҳ беришга киришди,— бу ҳолда биз бир ўқ билан бир неча қуённи урган бўламиз: биринчидан, қўлга киргизган нақд тилла билан хазинамиз бойийди. Иккинчидан, сургун қилинган яҳудийлар уйларининг рўзғор, буюмлари билан бирга, олий даргоҳда тўпланган уйсиз, жойсиз амалдорларга бўлиб берамиз, бўлмаса булар қишда қор-ёмғир остида бошпанасиз қоладилар. Учинчидан, биз бу иш билан «большевиклар келармиш!» деган овоза таъсирига берилиб, кўзлари бежо бўлган Ҳисор ва Душанба аҳолисини огоҳлантирган бўламиз, улар бу ишдан сабоқ олиб, «агар жаноби олийнинг фармонларига итоат қилмасак, яҳудийлар бошига келган фалокат бизнинг бошимизга ҳам келади» деб, ҳар бир талабни бажаришга мажбур бўладилар.

Бир кунда бу фикр амалга оширилиб, Имомқул ўйлаган натижаларни бера бошлади: яҳудийлар уй-жойлари билан бирга бор нарсаларини топшириб, бош яланг, оёқ яланг, ёш болаларини кўтариб, пиёда Ҳисор зиндонига жўнатилдилар; Имомқул аҳолини тўплаб, яҳудийлар фожиасини мисол тариқасида кўрсатиб, уларга деди:

— Жаноби олийнинг фармонларидан бош тортган ҳар бир киши яҳудийлар аҳволига учрайди; тирикчиликдан ва уй-жойдан умидингиз бўлса, нақд пулингизни, хотин-қизларингизнинг безакларигача, ўз қўлингиз билан келтириб хазинага топширинг! Бу фармондан бош тортганларнинг ёки нақд пулини ва қимматли нарсасини яширганларнинг бошига бало, азоб ва уқубат келса, жаноби олийдан эмас, ўзининг аъмоли бадидан кўрсин!

Бу фармон аввал бажарилмай турди. Аммо Имомқул кўрсатган жазолар маҳаллий элнавкар ва иккинчи салтанат амалдорлари томонидан ваҳшиёна тарзда амалга оширила бошлагач, тоғ ва дала аҳолиси отабобосидан мерос қолган безак рупиялардан, болаларининг тўппиларига тикилган тангаларгача, барини хазинага топширди.

Хазина бир қадар тиклангандан сўнг, амирнинг айш-ишрат масалалари ҳам ҳал бўла бошлади. Бошлаб Авлиёқулбекнинг ёш хотини амирнинг янги ҳарамини безатди, Ҳисорнинг собиқ ҳокими Авлиёқулбек амирни Қўрғонтепа томонга қочириб, ўзи Кўлобга хотин-болалари билан бирга қочган эди. Бу ёш хотин янги туққан бўлганидан, уни бирга олиб кетиш мумкин бўлмади, шунинг учун уни хонақоҳлик Зоҳид мингбошига омонат топшириб кетган эди.

Иккинчи салтанат тикланиб, хазинада тилла-танга кўпая бошлагач, Зоҳид мингбоши қўлидаги омонатни амирга пешкаш қилди.

«Большевиклар келармиш» деган овоза билан юраги ёрилиб ўлган собиқ Денов қозисининг хотини ҳам қорнида қозидан боласи бўлгани ҳолда, муфтиларнинг фатвосига мувофиқ, бир амалдор томонидан амирга тортиқ қилинди: учинчиси бухоролик Иброҳимхўжа деганнинг қизи; тўртинчиси хонақоҳлик Алимардон деганнинг қизи эди. Шу тариқа устма-уст келтирилаётган хотин-қиз билан Душанба ҳарам саройи ҳам Бухоро ўрдасига яқинлашаёзди.

Амир саёҳат қилиш ва иккинчи салтанат давридан имкон борича фойдаланиш ниятида Ҳисорга бормоқчи бўлди, у отланаётганда узангисини тутиб турган Душанба ҳокимига:

— Бирор ёшроқ қиз топиб, орқамдан Ҳисорга юбор!— деди.

— Хўп, тақсир! Жоним билан!— деб ҳоким уч марта таъзим қилиб, амирни кузатиб қолди. Унга мартабасининг улғайиши учун қулай фурсат топилган эди, шунинг учун тездан «қиз топар» хотинларни қишлоқларга юборди, улар воситаси билан Темуршоҳ деган кишининг қизидан хабар топди. Уни чақиртириб, қизини талаб қилди.

— Қизим ҳали жуда ёш — энди саккизга кирди,— деди Темуршоҳ узр мақомида.

— Подшолик иши ҳазил эмас, дарҳол қизингни келтириб топширишинг керак!— деди ҳоким қатъий.

Темуршоҳ яна қарши турганда, ҳоким ўз буйруғини бажариш учун қуролли шогирдпешаларни юборди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Улар қизни ота-онаси қучоғидан зўр билан юлиб олиб келтирдилар. Қиз кечқурун Ҳисорга — амир Олимхоннинг ишратхонасига жўнатилди.

Эртасига амирнинг Ҳисордан Душанбага қайтиб келганини эшитган ҳоким ясовул бошидан:

— Нега бундай тезлик билан?— деб сўради.

— Темуршоҳнинг қизи подшолик ҳайбатига чидамай, жаноби олийга тасаддуқ бўлибди. Бу хабарни эшитган одобсиз Ҳисор халқи қўзғолон бошлабди. Бу ҳодиса сабабидан ҳазратимнинг муборак кўнгилларида малолат пайдо бўлиб, тонг қоронғисида Ҳисордан чиқиб, яширин йўллар билан Душанбага келганлар.

— Афсуски, катта умид билан қилган яхши хизматим беҳуда бўлди, мен бу хизматим билан катта мансабларга эришаман, деб умид қилган эдим, эсизки, толе ёр, бахт мададкор бўлмади,— деди ҳоким,— уйинг куйгур Темуршоҳ қизини тузуккина тарбия қилмаган экан-да!

Амир Душанбага келгач, «қизим ҳали ёш» деб амирга беришга унамаган Абдулҳофиз деган амалдорни Бойсундаги «ғозилар»га саркарда қилиб жўнатиб, унинг ёш қизини олдириб келди, Темуршоҳ қизининг ўлгани сабабли кўнглида пайдо бўлган малолатни бартараф қилди...

— Энди биз учун Душанба Бухородан фарқсиз бўлиб қолди,— деди амир Имомқулга,— бу ернинг етишмаган жойи фақат шуки, саёҳат қиладиган жой оз, бунда қўрғон билан даворис[1] орасида бўзчининг мокисидай бориб-келиб юришга мажбурмиз. Бухорода бўлса бир кеча Ситорамахоссада тунасак, эртаси Ширбаданда, унда зериксак — Чорбоғи гулда, у кўнгилга урса — Талчага, Найманчага ёки Бухоро аркига борардик, баъзан шаҳар ичидаги ҳовлиларимизда бир кечадан тунар эдик, уларнинг кўплигидан ҳар бирига ойда бир марта ҳам навбат тегмасди; бунинг устига, қози калон, қушбеги каби катта амалдорларнинг бизга берадиган тўйларини, ундай тўйлар муносабати билан бизга тортиқ қиладиган чиройли қиз ва ўғилларини асло унутолмаймиз.

[1] Даворис — Душанбада руслар касалхона солган эдилар, амир ўша касалхонани ўзи учун турар жой қилиб, унга «Даворис» (дворец) деб ном берган эди.

— Иншоолло, яна у давлат ва неъматларга тезлик билан етишамиз,— деди Имомқул,— у вақтгача Душанбанинг аъён-ашрофларига ва катта амалдорларига навбат билан зиёфат буюришимиз мумкин. Чиройли қиз ва ўғилларни булар ҳам топиб тортиқ қила оладилар.

Зиёфат навбати Ёрмуҳаммадга етганда, амирнинг бошидан сочиш учун унга уч юз танга берилди. Бу зиёфатни танга сочиш жиҳатидан ҳам, турли-туман таомлар жиҳатидан ҳам биринчи даражали зиёфатлар қаторига қўшса бўларди. Фақат бунда амирга қиз тортиқ қилинмаганидан унинг табиати хира бўлди ва бутун жавобгарликни ўз гарданига олган Имомқул ҳам ноқулай вазиятда қолди. Оқибат у тилга келиб, Ёрмуҳаммадга:

— Синглингизнинг чиройли қизи бор экан, ҳазратимни хурсанд қилиш учун уни тортиқ қилишингиз керак,— деди.

— У қиз менинг ўғлимга айтилган,— деди Ёрмуҳаммад.

— Агар ҳазратим соғ-саломат бўлсалар, сизнинг ўғлингиз хотинсиз қолмайди, ҳозирча зоти олийнинг хурсандликлари керак.

— Бу ерда бошқа бир моне ҳам бор,— деди Ёрмуҳаммад,— бу қизнинг онаси марҳум жаноби олий билан ётиб турган. Ажаб эмаски, бу қиз жаноби олийнинг сингиллари бўлса. Шунинг учун бу ишга шариат йўл бермайди.

— Бу ишни шариатга мувофиқлаштириш қийин эмас,— деди Имомқул ва дарҳол иккинчи салтанатнинг муфти аскари бўлган Ҳакими Совлатни чақириб, ундан бу иш учун фатво талаб қилди.

Муфти аскар «шариатда ҳараж йўқ» деб бир шаръий ҳийла топиб, бу ишнинг шариатга «мувофиқ»лиги тўғрисида фатво ёзиб, муҳр босиб берди.

Шундай бўлса ҳам Ёрмуҳаммад рози бўлмади, амир унинг ҳовлисидан аразлаб, ғазабланиб қўрғонга кетди. У, бу ишни ўз «ғазотталаб»лари орқали зўрлик билан амалга оширмоқчи эди, аммо большевикларнинг Душанбага яқинлашганликлари ҳақида хабар келиб, бунга халал берди, амир ҳам «Ҳамадоний мозорини зиёрат қилиш» баҳонаси билан Кўлоб сафарига тайёрлана бошлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«ЖИННИ» ХОТИН

(1921 йил, февраль)

Кеча қоронғи, қор ёғмоқда, Душанба кўчаларининг лойида от қорнигача, одам белигача ботади, катта йўлларда бўлса, пиёда юриш мумкин эмас, отлиқлар фақат хода суқиб, нишон қилиб қўйилган жойлардангина юрадилар.

Амирнинг иккинчи салтанат саройида одатдан ташқари ҳаракат бошланган: фаррошлар ва маҳрамлардан тортиб, катта саркардалар ва амирнинг ўзигача ҳамма ишламоқда: қимматли ашёларни ажратиб, тойтой қилиб боғлайдилар; боғланиб тайёрланган юкларни отларга ортиб жўнатадилар; кераксиз хат ва ҳужжатларни куйдирадилар. Улар бу ишларнинг ҳаммасини шовқинсиз бажарадилар.

Хазинадаги нақд пулларни, тилла ва тангаларни амирнинг ўзи махсус саноқларга солиб, тоғда юришга ўрганган махсус отларга юклаб, ҳатто ўзлари билан бирга ишлаётган саркардаларга ҳам билдирмасдан, инобатли одамлар билан жўнатардилар.

Душанбанинг ташқарисидаги ҳаракат ҳам қўрғон ичидагидан кам эмасди: турли-туман қуролли, ранг-баранг кийимли одамлар Ҳисор томондан тўда-тўда бўлиб келиб, ҳар томонга тарқалиб кетмоқда эдилар; бу тўдалар орасида йўл-йўлакай талаб олинган молларни тақсимлаш устида баъзан қуролли тўқинишлар ҳам бўлиб оларди.

Таланган моллардан озроқ улушга эга бўлган «ғози» «эшак эшакдан кейин қолса, қулоғини кесади» мақолига мувофиқ, Душанба атрофидаги аҳолидан яна бирон кишини ёки ҳовлини талашга уринарди.

«Ғазот»да мағлуб бўлиб қочиб келган икки юз эллик нафар Фарғона босмачилари амирнинг қочаётган карвонига дуч келиб, уни ўз карвонларига қўшиб олдилар. Амир одамлари бўлса, «майли, мурдор сувнинг тўкиладиган жойи хандақ», деб ўзларини юпатишдан бўлак чора тополмадилар.

Ўз ўғри дасталари билан уруш майдонидан қочиб келаётган Иброҳим Галлу амир карвонини талаган Фарғона босмачиларига дуч келиб, бу ҳам уларни талаб, ўзининг келажакдаги «салтанати» пойдеворини қуриш учун ўз қишлоғи Кўктошга жўнатди.

Қўрғонда ҳали ҳам иш давом қиларди, энг кейинги юклар уловларга юкланиб жўнатилгандан кейин, амир ҳам отланди. Махсус аскарлари билан бирга афғон дастаси ҳам уни қўриқлаб борди.

— Овозларингни чиқарманглар, отларингиз кишнамасин!— деди амир яқин кишиларига.

Шу вақтда гўё мингларча одам баравар «дод» деяётгандай шиддатли шовқин кўтарилди. Амир бу ғулғулани эшитгач, ўзининг иккинчи салтанатига қўйилган ҳайкалдай, от устида ҳаракатсиз қотиб қолди...

Шовқин-сурон қўрғонга яқинлашганда «ҳайкал»га жон кириб, қимирлай бошлади, лекин бу жонланиш ўзини қутқазиб қолиш учун уриниш бўлмай, балки отдан йиқилиб ўлиш хавфини туғдирди.

Бу ҳолни кўрган Имомқул амирга яқинлашиб бориб, уни ушлаб қолди:

— Қўрқмасинлар, муборак, кўнгилларига бирор ваҳимани йўлатмасинлар! Иншоолло, зоти ҳумоюнга бирор офат дуч келмайди ва давлатлари барқарор бўлиб, ишлар ўз йўлида бораверади,— деди.

Шовқин солаётган тўда сел тезлигида қўрғонга етиб келиб, уни қуршаб олди. Тўданинг олдида сочлари ёйилган бир хотин фарёд қиларди:

— Қўйманглар! Қўйманглар бу ўғрини! Юртни талон-торож қилиб, гуноҳсиз қонлар тўкиб, номусимизни поймол қилган бу йиртқич қонхўрнинг соғ-саломат чиқиб кетишига йўл берманглар!

Бошқалар ҳам дод-фарёд қилардилар...

Ҳалиги хотин буйруқ берарди:

— Кўча-кўйларга, йўл-йўлакларга ғов солинг, бу ваҳший ҳайвон қочишга йўл топмасин!..

Шу вақтда бир киши етиб келиб у хотинга:

— Ҳой жинни, ҳой аҳмоқ, сочи узун, ақли қисқа! Бу қандай ҳаёсизлик?! Мени расво қилдинг-ку! Қайт йўлингдан! Бўлмаса ҳозир қонингни тўкаман!— деди.

— Аслида сенинг ўзинг расвосан, сенда номус бўлса, шу мурдорга хизмат қилармидинг, ўз қизингни унга пешкаш қилармидинг?— деб, ҳалиги хотин у одамга томон юрди. Шу вақт амир одамидан бири келиб:

— Алимардон!— деди,— бу жинни сенинг хотинингми? Нега сен бундай расвони хотин қилиб юрибсан? Тезроқ бунинг иложини қил! Бўлмаса эл-авлодинг билан бирга қириласан!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Мен буни ўзимга хотин қилмоқчи бўлганимда бундай расво, беҳаё эмас эди, Дараи Ниҳоннинг энг соҳибжамол қизи эди, Сарижўй ҳокими бунинг ҳусни жамолига ғойибона мафтун бўлиб, ўзига хотин қилди. Аммо бу унга кўнмагач, менга берди. Бу менга ҳам бош қўшмай, жиннилик қила бошлади. Мен аввал бунинг қўл-оёғини боғлаб, бир марта яқинлашдим, бундан бир қиз кўрдим, ундан кейин ўзига яқин боришимга йўл бермай, жинниликни давом эттирган бўлса ҳам, ўша қизчанинг хотири учун буни уйдан қувмадим. Бундан бир неча ой бурун ўша қизни жаноби олий олганда, бунинг жиннилиги авж олди: қўлига пичоқ ва болта олиб, «бориб амирни ўлдириб, қизимни қутқазиб оламан!» деб кўчага чиқмоқчи бўлди. Мен бу ҳолни кўриб, оёғига кишан солиб, қамаб қўйган эдим. Бу кеча уйда йўқлигимдан фойдаланиб, кишандан қандай қилиб қутулиб чиққан ва жаноби олийдан норозиларни қўзғатиб, шу қадар можарони бошлаган, бу ишда менинг заррача гуноҳим йўқ...

Амир одамининг Алимардон билан суҳбати тамом бўлмасданоқ, амир аскарлари оломон устига ўқ ёғдирдилар. Қуролсиз одамлар бир неча ўлик ва ярадор қолдириб тарқалишга мажбур бўлдилар, амир қочиб кетди.

Аммо «жинни» хотин ерга чўзилиб ётиб ҳали ҳам:

— Қўйманглар! Қўйманглар!— деб фарёд қиларди.

«СОҲИБ ХУРУЖ»

Вахш дарёси бўйидаги Саргазон қишлоғида турли вилоятлардан беш юз нафарча отлиқ йиғилган эди.

— Жаноби олийнинг муборакномаларига кўра,— деди улардан бири,— ҳазрат амир Ҳамадоний мозорларини зиёрат қилиб, у бузрукворнинг руҳониятларидан мадад сўраш ниятида Кўлобга борганлар ва қизил аскарларга қарши туриш тўғрисида бизга фармон берганлар. Ҳазрати олийнинг бу фармонларини қандай қилиб бажариш тўғрисида бу ерда ҳозир бўлган одамларнинг ҳар бири ўз фикрини айтиши керак.

— Шарофбой!— деб хитоб қилди бир киши бу гапларни гапирган одамга қараб,— энди иш қўлдан кетган, обод шаҳар ва мустаҳкам жойларнинг ҳаммаси

қизил аскарлар қўлига ўтган; бунинг устига, большевиклар ҳамма қишлоқларга одам юбориб, ваъз-насиҳат қилиб, аҳолини биздан қайтарганлар. Бундай аҳволда бизнинг қўлимиздан нима иш келади? Энди бу ишнинг орқасидан юрмай, беҳуда қон тўкилишига сабаб бўлмай, тарқалиб кетишимиз яхшироқ...

— Жаноби олий дуогўйларнинг қадрини билмадилар,— деб гап бошлади бошига оқ салла ўраб, пешини қистирган бир киши,— ҳар вақт сипоҳийларни муллалардан аъло кўрдилар; сипоҳийларидан юз кишини амалдор қилсалар, муллалардан зўрға бир кишини амалдор қилдилар; агар бир сипоҳийга йигирма қўшлик ер берсалар, бир муллага зўрға бир қўшлик ер бердилар. Бу ишларнинг ҳар бири уламони паст санашдир, уламони паст санаш—шариатни таҳқир қилишдир, шариатни таҳқир қилишни китобларда куфр деганлар. Бунинг оқибатида давлати ислом шикаст еди. Бу ҳолда «бу ишни қайта тузатаман» деб юриш, худонинг корхонасига қўл солишдир. Шунинг учун ҳозирча худонинг қазосига рози бўлиб, бирор соҳиб хуружнинг майдонга чиқишини кутиб туриш маслаҳат!

— Муфти эшон!— деб хитоб қилди бу нотиққа Шарофбой,— жаноби олийдан бошқалар нолиса ҳам, сизнинг нолишингиз тузук эмас! Сиз бир муллабачча эдингиз, ҳеч бир нарсангиз йўқ эди, жаноби олий сизни муфти қилдилар, судур қилдилар, ер бердилар, Лақай жамоасининг шаръий ишларини бутунлай сизнинг қўлингизга топширдилар. Яна нима қилишлари керак эди? Энди ўз подшоликларини ҳам сизга топширишлари керак экан-да...

— Бу киши подшоликни ўғри Иброҳим Галлуга топшириш керак демоқчи. Бу гаплар ана шу мақсаднинг бошланғичи. Майдонга чиқиши кутилган соҳиб хуруж ҳам ўша ўғри,— деб шивирлади йиғилганлардан бири ўз ёнида ўтирган кишига.

Бу шивирлашнинг маъносини сезган Иброҳим тарафдорларидан бир киши:

— Нега ўзаро гапиришиб, мажлисни бузасизлар? Шарофбойнинг сўзларини эшитиш керак,— деди бақириб.

Шарофбой ўз гапини давом эттирди:

— Сиз муллалар, гапиришга, бир нарсани юлиб олишга устасиз, «ислом, шариат» дейсиз, лекин амалда фақат ўз мансаб ва манфаатларингизнигина кўзда

www.ziyouz.com kutubxonasi

тутасиз! Биз мол-мулкимизнинг баҳридан кечиб, майдонга чиқдик, лекин ҳеч кимдан нолимаймиз: чунончи, ўзимнинг Қаршида олача тўқийдиган бир юз эллик дўконим бор эди, уч юз нафар халфа ва шогирд ишларди; агар боғ, деҳқончилик ва ҳовлимда ишлайдиганларни буларга қўшиб санасам, менинг ишимдан тўрт юз киши нон ерди. Мен бу давлат ва ҳашаматларимнинг ҳаммасини шариат йўлида, жаноби олий йўлларида фидо қилиб, майдонга отилдим...

— Сен у давлат ва ҳашаматингни қўлингда сақлаб қолганингда ҳам, барибир большевиклар ва ўз ишчиларинг қўлингда қолдирмасди. Сен шу аҳволни билиб, бирор илож топиш умидида амирнинг орқасидан югургансан,— деб шивирлади бир киши ёнидаги шеригига.

— Шивирламанглар!— деб қичқирди кимдир.

Шарофбой бўлинган сўзини давом эттирди:

— Мажлиснинг бошида Ҳисор саркардаларидан бири «иш қўлдан кетди...» деб умидсизлик кўрсатди. Менинг фикримча, умидсизлик дуруст эмас. Бир неча бухороликлар большевикларга қўшилиб, бир тўда оёқяланғни қўзғатиб, Бухорони эгаллаган эканлар, мамлакатнинг обрўли кишилари бўлган бизлар, бир ёқадан бош чиқарсак, Темур авлодидан бўлган жаноби олийни нега қайтадан Бухоро тахтига ўтқазолмас эканмиз? Шунинг учун ҳеч бир ваҳима ва васвасага берилмай, Қўлобга бориб, жаноби олийнинг маслаҳатлари билан иш бошлашимиз керак.

Мажлис аҳли Шарофбой таклифини қабул қилиб, Қўлобга қараб жўнади.

Қўлоб шаҳрида ҳаёт асари кўринмас, гўристондай жимжит эди. Дарвозалар очиқ, буюмлар жойида.

Бу жонсиз шаҳарда уч киши ҳовлидан ҳовлига кириб-чиқиб юрарди.

Улар бир ҳовлида уч ўликни кўришди.

— Амир одамлари шундай саросимадаки, ўликларни панароқ жойга ташлаш у ёқда турсин, ҳатто кийимларини ҳам ечиб олмабдилар,— деди улардан бири.

Улар ўликларнинг уст-бошларини ечиб олгандан кейин, яланғоч жасадларни оёқларидан судраб, қудуққа ташладилар.

Шу вақтда Саргазон қишлоғида мажлис қилганлар Қўлобга кириб келди. Улар шаҳарда аҳолидан ва амир одамларидан бирор кишини топмагач:

— Мен «иш қўлдан кетган» демаганми эдим?— деди ҳисорлик саркарда.

— Афғонистонга бориб, ўша ердан иш бошлаш керак!— деди Шарофбой.

— Бу гапингиз жуда маъқул,— деди шериги,— ҳар ҳолда у ер ислом мамлакати...

Бу тўғрида гапни кўп чўзмай, отлиқлар Афғонистонга боришга қарор бердилар ва дарҳол йўлга тушдилар.

Шаҳардан чиқаётганларида бир ҳовлидан чиқаётган ҳалиги уч кишига дуч келдилар. Бирининг қўлида қаторвазна[1] бор эди.

— Кел, Иброҳим, Афғонистонга борамиз,— деди Шарофбой қаторвазнали одамга.

— Афғонистонда менинг нима ишим бор?— деди Иброҳим,— ҳозир қўлимга йигирма тўрт дона ўқ тушди, агар бирор милтиқ тополсам, босмачи бўламан.

— Амир ўшанча тўп, милтиқ ва тўпхонаси билан ҳеч бир иш қилолмади, сен йигирма тўрт дона ўқ билан нима иш қила оласан? Яхшиси, Афғонистонга бориш, агар мумкин бўлса, инглиз давлатидан ёрдам олиб ишга киришиш ёки бирор соҳиб хуружнинг майдонга чиқишини кутиб туриш керак.

— Ажаб эмаски, ўша соҳиб хуружнинг ўзи мен бўлсам,— деди Иброҳим ва яна бир ҳовлига кириб кетди.

АБАДИЙ ҲИЖРАТ

Амир Бухоро аркидан чиқиб Ситорамахосса чорбоғига борадиган вақтидаги шавкат ва ҳашамат билан Қўлоб шаҳридан чиқиб, Панж дарёси ўтадиган Дарқанд гузари олдига бориб қўнди. У ерда кўрпача ёзиб, гулхан ёқиб иситилган қора уйга кириб ўтиргач, хазиначини чақирди.

Ҳалигача ўзи учун ётоқ тайёрламаган Имомқул:

— Хўш, тақсир?— деб, қора уйга кириб, устма-уст уч марта таъзим қилгандан кейин, амир қаршисида тикка турди.

Амир унга кўз тикиб, бир «уҳ» тортди.

— Чет элларга бораётирмиз, у томонларда аҳволимизнинг қандай бўлиши ҳали маълум эмас...

---

[1] Қаторвазна — қатор ўқ жойланган энли камар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳазратим ташвиш тортмасинлар! Иншоолло, олий давлатларига ҳеч бир офат тегмайди.

Амир давом этди:

— У томонларда табъи дил тирикчилик қила олишимиз ҳали аниқ эмас. Шунинг учун ўз юртимизда ўтказиладиган энг охирги фурсатни ғанимат билиб, ундан фойдаланишимиз керак...

Амир жим бўлди, Имомқул такрорлади:

— Ҳазратим ташвиш тортмасинлар! Иншоолло, олий давлатларига ҳеч бир офат тегмайди.

— Ўзингиз бу кеча қора уй эшиги олдида навбатчилик қилинг! Майизфуруш Файзичани менинг ҳузуримга киргизинг! Энг охирги фурсатда «дам ғанимат, даврон ғанимат» деб ҳордиқларимизни чиқарайлик...

Амир жим бўлди. Имомқул «топшириқ тамом бўлган бўлса керак» деб, қора уйдан чиқмоқчи бўлганида, амир уни имлаб тўхтатди.

— Эҳтиёт бўлингки, бирон киши қора уйга ёндашмасин, айниқса, афғонлар сезмасинлар! Улар сергап одамлар.

Имомқул таъзим қилиб орқаси билан чиқиб кетди ва бирпасдан кейин оқ юзли, қора қошли, ўн олти яшар бир бола кириб келди...

Тонг яқинлашган, лекин ҳануз қоронғи. Амир одамлари уйқудан туриб, юкларини тайёрлаб, ҳаммоллар билан кемаларга ташитмоқда. Шу вақтда дала томондан от чоптириб келаётган бир гуруҳ одамларнинг қоралари кўринди. Амир манзилининг теварак-атрофида соқчилик қилаётган афғонлар милтиқларини у томонга тўғрилаб, отишга тайёр бўлиб турдилар. Имомқул ҳам амирнинг қора уйи олдидан ўша томонга қарай бошлади.

Бу орада амир одамларининг бир қисми юк билан дарёдан ўтди, қора булут бир оз тарқалиб, кўз кўзни кўрадиган бўлди. Амир манзилига қараб келаётган отлиқлар яқинлашганда Имомқул уларнинг кимлигини аниқлади ва афғонлар олдига келиб:

— Булар ўзимизники,— деди.

Отлиқлар келиб, отларидан тушдилар. Имомқул уларни қарши олиб, ота-ўғил кўришгандай, қучоқлашиб, ўпишиб кўришди.

Келгувчиларнинг бири Имомқулга:

— Эшитишимизга кўра, жаноби олий Афғонистон

томонига ўтмоқ ниятидадирлар,— деди,— олий ҳазрат давлатларининг соясида бугунгача мол-мулкимиз билан тинч тирикчилик қилган биз қуллари бундан кейин нима қилар эканмиз? Муборак жамолларини ўз кўзимиз билан кўриб, ўз тилларидан келажагимиз учун маслаҳатлар эшитиш ниятида келдик. Арзимизни ул ҳазратга етказсангиз эди.

Имомқул уларнинг арзини амирга етказиш учун қора уй эшиги олдига келди. Ичкарига кирмасдан, ҳатто пардани кўтармасдан:

— Тақсир!— деди баланд овоз билан дарбонга тақлид қилиб,— вилоятнинг катта чорвадорлари ва давлатманд бойлари ҳазратимнинг кимё асар назарларига манзур бўлиш ва келажакда қандай тирикчилик қилишлари тўғрисида фикри олийларини шакарбор тилларидан эшитиш ниятида келганлар. Бу тўғрида ҳазратимнинг марҳаматлари нима бўлар экан?

— Ўзингизга маълумки, биз ҳозир саҳарлик вирдавродимиз билан машғулмиз,— деди амир ва бу сўзини ўз олдидаги боладан тасдиқ қилдирмоқчи бўлиб:

— Шундай эмасми, Файзича?— деб сўради.

Бола жавоб ўрнида қиқирлаб кулди.

Амир боланинг кулишини тасдиқ жавоби ўрнида қабул қилиб, сўзини давом эттирди:

— Шундай бўлгандан кейин, биз бу вақтда уларни ўз ҳузуримизга киргиза олмаймиз. Уларга бизнинг саломимизни етказиб, тушунтирингки, биз Афғонистонга қочиб кетмаймиз, балки у томонга ҳижрат қиламиз, ҳижрат қилиш бўлса, пайғамбаримизнинг суннатларидир. Биз Афғонистонда тузуккина тайёрланиб, инглиз давлатидан ёрдам олиб, мамлакатни большевиклардан тозалаш учун вақтинча ҳижрат қиламиз...

Юк ташиётган ҳаммоллардан бири амирнинг кейинги гапларини эшитган бўлса керакки, ўзича ғудурлаб қўйди:

— Қиёматда қайтиб келасан, бундан буён бу мамлакатни тушингда кўрасан!..

Ҳаммолнинг гапини эшитган бир ясовул баланд овоз билан сўкиб, таёғини ўқталди, бошқа ҳаммоллар ўз шерикларининг тарафини олиб, ясовулни сўкдилар, орада жанжал чиқди.

Амир ясовулнинг сўкинганини эшитган ҳамон Имомқулга бориб хабар олишни буюрди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Имомқул бориб жанжални босди-босди қилгандан кейин, жанжал сабабини айтишни муносиб кўрмай:

— Ҳеч гап йўқ, ҳаммоллар билан ясовуллар жанжал қилишибди. Ҳазратим ташвиш тортмасинлар! Иншоолло, олий давлатларига ҳеч бир офат тегмайди,— деди.

Амир бу жавобдан қониқиб, сўзини давом эттирди:

— Юрт катталарига тушунтиринглар, большевикларнинг бойларга душманлиги ҳаммага маълум. Агар давлатмандлар ва чорвадорлар ўз молу жонларини сақлаб қолмоқчи бўлсалар, рамаларини, йилқиларини ва бўлак мол-мулкларини олиб, фурсатни қўлдан бермай, бизнинг орқамиздан Афғонистонга ўтсинлар, халқ орасида «большевиклар ҳаммани қириб ташлайдилар» деб овоза солсинлар, токи большевикларга умид боғлаган ўрта ҳол деҳқонлар ҳам қўрқиб, Афғонистонга ўтсин. Вақти соати етганда, бирга қайтиб келамиз.

Имомқул бориб амирнинг гапларини юртнинг катталарига айтди. Уларга амир берган маслаҳат маъқул тушиб, тезроқ молларини ҳайдаб, Афғонистонга ўтиш учун шошилинч суратда ўз уйларига қайтдилар...

Ярим соатдан кейин амир ўз яқин одамлари билан бирга кемага ўтириб, Афғонистонга ўтди. Ҳали уфқда қора булут парчалари кезса ҳам, тоғлар фазоси анча ёришиб қолган эди.

ДАҲШАТ

Амир қочиб кетган кечанинг эртасига Душанбада турли овозалар пайдо бўлди: большевиклар ва руслар келиб ҳаммани ўлдирармишлар; ёш болаларнинг қоринларига милтиқ найзасини санчиб, бошларига кўтариб юрармишлар; одамларнинг бор-йўғини талон-торож қилармишлар; шунинг учун тезлик билан кўчиб Афғонистонга ўтиб кетиш, ёки бола-чақа билан бирга тоғ чўққиларига қочиш керак эмиш...

Аҳоли бу овозалар билан кўчиб кета бермагач, бир саркарда баланд жойга чиқиб қичқира бошлади:

— Ҳой одамлар! Сизнинг нонкўрлигингиз ҳаддан ошди, бундан кейин ғарибликда, фалокатда тирикчилик қиласиз! Сиз жаноби олийнинг қадрларига етмадингиз, у кишининг ҳар ишига тил теккизиб турдингиз!

мадингиз! Амлокдорлар сиздан солиқ талаб қилганда, норози бўлдингиз! Саркардалар ва амалдорлар ерларининг ҳосилини сўраганда, уларни золим дедингиз...

Саркарда сўзини тугатмасданоқ, бир мулла:

— Тўхтанг! Тўхтанг!— деб, ўзи гапира бошлади:

— Пайғамбар умматсиз, пир муридсиз бўлмагани каби, ҳокимлар ва подшолар ҳам маҳрамсиз бўлмайдилар. Бизнинг халойиқ ҳаёсизликни шу даражага етказдики, агар ҳокимлар ёки жаноби олий меҳмонхона хизматлари учун маҳрам сақласалар, уларга туҳмат қилди, ҳолбуки, туҳматчилар уларнинг ёмон ишларини ўз кўзлари билан кўрган эмаслар ва фақат гумон билан ўз катталарини бадном қилиб юрдилар. «Гумон — имондан жудо қилади» деганлар, шунинг учун буларнинг ҳаммалари имондан ажралиб, кофир бўлганлар. Булар уламонинг иззат-ҳурматини бажо келтирмадилар, уларга фитри рўза, қурбонлик пўсти, ҳаққулло ва бошқа садақотларни ўз вақтида бермадилар, ёки жуда оз бердилар, шунинг учун ислом подшосидан ажралиб, большевиклар қўлига тушиб қолдилар. Энди бу оғир гуноҳни енгиллатишнинг бирдан-бир йўли, большевиклар қўлидан қочиш ва мусулмонобод Афғонистонга кўчишдир...

— Сиз, гўринг куйгур, муллалар!— деб қичқирди бир пахмоқ сочли хотин ва шовқин-сурон остида ўз сўзини давом эттирди,— сиз, гўринг куйгур, муллалар, амирингизнинг ҳар бир ишини шариатга мувофиқ қилиб, авомнинг ҳар бир ҳаракатини кофирлик деб, одамларнинг зиндонга тушувига, ўлдирилувига сабаб бўлдингиз... Сиз мунофиқ муллаларнинг фатвонгиз билан неча-неча минглаб мазлумларнинг бошлари кесилди... Сиз амирнинг ҳамма қабиҳ жиноятларига баробар шериксиз. Сиз халқнинг номусини поймол қилдингиз; уни гадоликка, азоб-уқубатга гирифтор қилдингиз... Энди амирингиз шарманда бўлиб қочгандан кейин ҳам, халқни унинг номи билан алдаб, ғарибликда ўлдирмоқчисиз, халқнинг қолган-қутган мол-мулкини ҳам талаб, у аждаҳонинг комига солмоқчисиз...

Халқ ҳаяжонга келди, мулла жинниларча оғзидан кўпик сочиб, у хотинни сўка бошлади ва қўлини ҳавога кўтариб, уни ўз шогирдларига кўрсатди:

— Уни тутиб қопга солинглар, саксон дарра уринг, унда ҳам тавба қилмаса, ўлдириш керак!— деди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Муллабаччалар ва мулланинг гапларига алданган яна бир неча киши хотинга хуруж қилиб бордилар. Бошқа бир неча киши югуриб бориб хотинни улар қўлидан қутқазмоқчи бўлди. Икки гуруҳ ёқалашиб, муштлаша бошлади.

Халқ урушаётган гуруҳлар устига бостириб борди, ҳаммаси аралашиб кетди. Шовқин-сурон кўтарилди.

— Ур! Йиқит! Бос! Ос! Ўлдир!— деган даҳшатли овозлар эшитилди.

Аввал якка-якка, кейин бирдан кўп милтиқлардан отилган ўқ товуши халқни урушдан тўхтатди, одамлар ҳар томонга тарқала бошладилар.

— Ана, большевиклар келди! Қочиш керак!— деб саркарда йўл бошлади.

— Ана бу, жаноби олийга қилган ношукурликларингизнинг биринчи жазоси,— деб мулла ҳам орадан ғойиб бўлди...

Бир соатдан кейин Душанбада ва унинг атрофида бирон киши қолмаган эди...

Беш юзтача отлиқ дарё томондан Душанбага бостириб келди. Бу отлиқларда—қилич, пичоқ, ханжардан тортиб милтиқ ва тўппончагача — турли-туман қуроллар бор эди; кўпчилиги эгнида фарғоначa қисқа пахтали чопон, оёқларида чавандозларникидай этик, бошларида қирғизча кигиз телпаклари бўлиб, пешоналари қийиқ рўмоллар билан боғланган эди.

Отлиқлар милтиқларни отишга тайёрлаб, гавдаларини олдинга эгиб, от чоптириб Душанба қўрғонигача келдилар, у ерда яна бир марта милтиқ отдилар.

Оқ салла ўраган, қимматбаҳо зарбоф тўн кийган бир киши, тўн устидан олтин камар боғлаган бошқа бир кишига қараб:

— Асқар понсад!— деди,— ана шу ҳовлилари молашё билан тўлиб тошган Душанба сенга тортиқ. Сен Иброҳим Галлунинг бир ножўя ҳаракати учун ҳаммани айбли санама!

— Махсум!— деди Асқар понсад оқ саллаликка,— бизнинг ўзбеклар орасида, «қорнимга йиғламайман, қадримга йиғлайман» деган бир мақол бор. Мен қўлимдан кетган мол учун қайғурмайман, лекин Иброҳимнинг мени ҳурматсиз қилганини сира унутолмайман. Мен Фарғонада Кўршермат қўрбошининг қўли остида бўлсам ҳам, у вилоятнинг ярмисини ўзим сўрар эдим; ўзим

хон, ўзим бек эдим. Сенинг гапингга кириб, ўшанча иззат-ҳурматлар ва ҳукмронлик шон-шавкатини ташлаб, амирингга ёрдам бериш учун келдим, жонимни жабборга бериб, ғазот қилдим. Ҳаммаларингиз мени ҳурмат қилиш ўрнига, Иброҳимнинг мени хор қилди.

— Мен қайтариб айтаманки,— деди махсум,— бир Иброҳимнинг гуноҳини ҳаммамизнинг гарданимизга юклама! Жаноби олий бўлсалар, сени яхшигина ҳурматладилар: сенга яхши мартаба бериб, кундал ва олтин камар инъом қилдилар, ҳолбуки, бундай амал ва инъомларга сазовор бўлиш учун Бухоро дарбори олийсида йилларча жонсупорлик билан хизмат қилиш керак эди. Агар сенга мол-ашё керак бўлса, Душанбанинг қўрғонидан бошлаб, аҳолининг ҳовлилари ва савдогарларнинг дўкон ва саройларигача мол билан тўла, ҳаммаси сеники, тўйганингча ол! Агар булар ҳам етмаса, Душанбадан Ғармгача йўлда дуч келган ҳар бир нарса, хоҳ қўй рамаси бўлсин, хоҳ от ва қорамол галаси — бари бизники. Бу милтиқлар қаршисида бизнинг йўлимизни тўсадиган ким бор? Ғарм бўлса, менинг ўз уйим, у ерда менинг буйруғимдан бош тортадиган киши топилмайди, унда бешикдаги болаларга «Фузайл махсум келди» десалар, йиғидан тўхтайди. У ерда сени бир неча кун меҳмон қиламан, иззат-ҳурматингни бажо келтираман, қачонки иззатдан тўйсанг, Фарғонангга жўнатаман...

Қўрбошилар узр-маъзурларини айтиб бўлмасдан, ғарб томондан беш босмачи от суриб келиб бақиришди:

— Қизил аскарлар Ҳисордан чиқиб, бу томонга келишяпти, шошилингиз!— дедилар.

Бу хабарни эшитган қўрбошилар талон-торожга буйруқ бердилар.

Бир неча соатдан кейин қизил аскарлар, уларнинг сиёсий раҳбарлари, бухоролик кўнгиллилар ва Бухоро Халқ Шўролар Ҳукумати намояндалари Душанбага кириб келдилар.

Душанба аҳолисининг турар жойлари, дўкон ва саройлари супуриб қўйилгандай бўм-бўш эди.

МИТИНГ

Душанба катта байрамлардаги сингари безатилган, пичан билан ёпилган лойсувоқ уйларни сўзаналар ва кашталар чамандай очиб юборган эди; кўча-кўйларда

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва дарвозаларда қизил байроқлар ҳилпилламоқда; бир неча кундан бери бўм-бўш турган кўчалар одам билан лиқ тўлган; ҳовлиларда дашт-далалардан, тоғ-даралардан келган меҳмонлар тиқилишиб ўтирарди...

Бугун Душанбанинг меҳнаткаш аҳолиси ва Шарқий Бухоронинг барча деҳқон ва чўпонлари учун шундай кун эдики, амир ва амирликнинг неча асрлик истибдоди Шарқий Бухородан таг-томири билан қўпорилиб, унинг ўрнига дунёда энг адолатли ҳукумат учун пойдевор қурилган эди; бугун биродарлик, дўстлик ва қардошлик куни эди; бугун бир-бирларини умрида кўрмаган кишилар қучоқлашиб, ўпишиб, амир ва амирликнинг кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган даҳшат ва ваҳшатларидан қутулганлари билан табрикламоқда эдилар; бугун янгича тенглик куни эди: европача кийинган ўқимишли бир большевик, чопони йиртиқ, саводсиз бир тожикни қучоқлар, руслар маҳаллий одамларни самимий муборакбод қилар эдилар.

Рўзғор буюмлари, қўй, эчки ва сигири амир одамлари ва босмачилар томонидан таланган ва сўйилган, лекин бир оз ғаллани ўрага кўмиб қўйиб, бугун келтириб янги ҳукуматга бериб, эвазига газлама, қанд, чой ва пул олган деҳқонлардан бири ҳамқишлоғига дерди:

— Амир одамларининг ва муллаларнинг «большевиклар ҳамма нарсани талаб оладилар» деган гаплари бутунлай ёлғон экан; мен бугун бир қоп буғдой келтириб, эвазига газлама ва пул олдим. Ҳолбуки, амир ва унинг ҳокимларига ғалла келтириб, эвазига бирор нарса олган кишини эслаёлмайман!

— Мен ҳам қўй келтириб, эвазига ҳам газлама олдим, ҳам пул,— деди у деҳқоннинг суҳбатдоши,— бу ҳолни ҳаммага хабар қилиш керак. Агар ҳар бир деҳқон ортиқча ғалласини келтириб мол олаверса, оз вақтда амир ва унинг ўғрилари талаган рўзғор буюмларимизнинг жойи тўлиб қолади.

— Бозор майдонида йиғила беринглар, митинг бўлади!— деди бухоролик бир йигит.

— Митинги нима?— деб сўради бир маҳаллий тожик.

— Митинг шуки, одамлар бир ерда йиғиладилар, ҳукумат вакиллари Шўролар ҳукуматининг нима эканини халққа тушунтирадилар, бўлган ва бўладиган ишлар тўғрисида гапирадилар...

Оз вақтда бозор майдони одам билан лиқ тўлди, ўртага қурилган минбар устига беш-олти киши чиқди, бухоролик йигит митингни очгандан кейин:

— Мухтор вакилга сўз берилади,— деди.

Бу гапни эшитган митинг иштирокчилари қарсак чалдилар.

Минбарга чиққанлар орасидан узун бўйли, гавдаси ингичка, ранг-қути ўчган бир киши олдинроқ келди, яна қарсак чалинди, қарсак пасайгандан кейин, мухтор вакил сўз бошлади:

— Биродарлар, биз амирни қизил аскарлар ёрдами билан шунақа қувдик (узоқ қарсаклар), бундан кейин ҳукумат халқники, бу ҳукуматда, шунақа, амир тарафдорлари учун йўл йўқ...

Митингда тикка турган бир киши ўз ёнидаги кишига рўпарада ўтирган бир кишини кўрсатиб:

— Уни танийсанми?— деб сўради.

— Нега танимайин? Абдураҳмон мингбоши-да!

— У бунда нима қилади?

— У ҳозир ҳам катта одам — озуқа вакили. Мен ҳукуматга буғдой келтирган эдим, шу одамга топширдим. У менга на мол, на пул бермай, қувиб юбормоқчи бўлди, мен жанжал қилдим, жанжал устига бир бухоролик йигит келиб, уни бу иши учун койиди. Дами ичига тушиб, мол ҳам берди, пул ҳам. Агар амир замони бўлсайди, кўрардинг, нималар қиларди?

— Мухтор вакил амир тарафдорлари учун бу ҳукуматда йўл йўқ деяпти. Абдураҳмон мингбоши амир тарафдори эмасмикан?

— Мен қайдан билай? Катталар билади-да.

Мухтор вакил сўзини давом эттирди:

— ...Амир замонида халққа зулм қилган, шунақа, амалдорларга қаттиқ жазо берилади...

Кўзларини Абдураҳмон мингбошига тикиб турган кишилардан бири иккинчисига:

— Кўрдингми, мухтор вакилнинг бу гапидан мингбошининг ранги ўчди,— деди.

— Нега ранги ўчмасин?— деди унинг суҳбатдоши,— у, амир замонида озмунча зулм қилмаган, айниқса, амир бу ерда бўлган кейинги беш ойда бу одам амирнинг беш минг аскар ва амалдорини фақат халқнинг қони билан тўйғизди.

— ...Биз шунақа,— деди мухтор вакил,— бизга садо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қат билан ишлаган амалдорларга яхши муомала қиламиз, мукофотлар берамиз.

Мухтор вакилнинг бу гапларини эшитган Абдураҳмоннинг юзига бир оз қон югурди, аммо бошини эгиб ерга боқиб ўтирганидан, ҳали ҳам кўнглида ҳукуматга ишончсизлик борлиги билиниб турарди.

Мухтор вакилдан кейин яна бир неча киши гапирди, энг охирда минбарга паранжили бир хотин чиқди Бу хотин гапираётган вақтида ҳаяжонга келиб, паранжисини бошидан отиб ташлади, унинг пахмоқ сочи ёйилган эди. Мажлисда ҳамма қимирлаб, шивирлаш бошланди.

— Бу ким?

— Бир жинни хотин, бир неча кундан бери шу томонларда юради.

— Амир замонида қаттиқ зулм кўрганлардан. Ҳозир шодлигидан нима қилишини билмайди.

Ҳақиқатан ҳам пахмоқ сочли хотин шодлигидан нима дейишини билмасди.

— Биродарлар! Мен шукур қиламан... Биродарлар, мен муборакбод қиламан,— дер эди у.

Бу хотин паранжисини бошидан отиб ташлагач, халқ орасидан соқол ва мўйловлари тоза қирилган бир киши унга диққат билан тикилиб қарай бошлади. У секин-секин олдинга юриб, минбарга яқинлашди ва жойидан туриб яна бир марта хотинга диққат билан қарагандан кейин:

— Гулнор! Менинг Гулнорим!— деб юборди.

Ўз номини эшитган хотин сўздан тўхтаб, диққат билан у одамга қараб қолди.

— Ёдгор! Энг шодлик кунларимнинг ёдгорисан!— деди-да, ўзини минбардан пастга отди.

Агар у одам икки қўллаб тутиб олмаса, хотиннинг аъзойи бадани шикаст топарди.

Улар йиғи аралаш кулги билан бир-бирларини қучоқлашиб, ўпишар эдилар...

Митинг ана шундай қувончли бир манзара билан тугади.

ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ

ҚАТОРВАЗНАЛИ КИШИ

Арбоб Носир саройи кўпдан бери йўловчилардан бўшаб қолган эди; ҳар кеча Кўлоб ва Балжувон ҳокимларининг йигирма-ўттиз нафар шогирдпешаларини тўйғизиш учун қайнаб турган сарой қозони кўп вақтдан бери қайнамас эди.

Бир кеча арбоб Носир бу аҳволдан ўз хотинига шикоят қилиб, дардлашиб ўтирганларида, сарой дарвозаси тақиллади, арбоб ялқовлик билан ўрнидан туриб, хотинига:

— Афтидан, яна нам юқтирмас бирор большевик келди?— деб, секин-секин дарвоза орқасига борди.

— Ким у?

— Ошна, эшикни оч!

Дарвоза очилганда қаторвазна таққан бир отлиқ кирди.

Арбоб Носир бу кишини ҳовлиқиб қарши олди. Отини боғлаб, ўзини меҳмонхонага бошлади. Гулхандаги қумғон ҳам қайнаб, чой дамланди.

Қаторвазнали киши чой ичишдан аввал чўнтагидан беш кумуш танга чиқариб арбоб Носирга берди.

— Арбоб, мен сенга бир соатлик меҳмонман, тезлик билан бир товоқ ош буюр, еб кетай!

Арбоб Носир ичкари ҳовлига кириб, хотинига ош буюрди, қайтиб чиқиб, гулханга бир-иккита ўтин

www.ziyouz.com kutubxonasi

ташлади. Меҳмонхона жимжит эди, гулханда ёнаётган ўтиннинг шитирлашидан бўлак товуш эшитилмасди...

Бу жимжитлик кўп чўзилмади: қаторвазнали киши исиган қўлларини оловдан тортиб, оғзига бир бурда нон солиб, бир пиёла чой ичгандан кейин, арбоб Носирга қаради:

— Арбоб! Қани, гапир, аҳволинг қалай?

— Аҳволим қандай бўлар эди? Жаноби олийнинг кетишлари билан хайру барака ҳам кўтарилди,— деди арбоб Носир,— мусулмонобод вақтларда саройимдан одам аримасди, агар ҳоким ёки амлокдор келиб қолса, харажатни тўлаш билан бирга, менга чопон ҳам кийгизарди. Шогирдпешалар келиб қолсами, ҳеч бўлмаганда, бирор қўй сўйиб, бир парчасини ўзлари еб, қолганини менга қолдириб кетардилар. У вақтларда қозон ҳам мой, чўмич ҳам мой эди.

— Энди-чи?

— Энди бўлса, сарой ўн-ўн беш кунлаб меҳмон юзини кўрмайди. Бирор большевик келса, озуқасини ўзи билан олиб келади, бирор нарсага муҳтож бўлиб қолса, тилхатга бармоқ бостириб олмасдан пул бермайди.

— Зарари йўқ,— деди қаторвазнали киши,— бу ҳоллар ўткинчи ҳоллардир, яна дунё—дунё бўлади, жаноби олий кетган бўлсалар ҳам, биз у кишининг чироғини ўчирмаймиз. Фақат қуролнинг йўқлиги ишни бир оз орқага судрамоқда. Мана бу ўқлар (қаторвазнани кўрсатиб) тўғри келадиган бирор милтиқ қўлга киргизсайдим, шу кундан бошлаб ўзим ишга киришардим.

— Милтиқ топилган билан ёлғиз сенинг қўлингдан нима иш келади? Умматсиз пайғамбардай дашт-далаларда дайдиб юрасан-да, агар овинг юришиб кетса, бирор қўй ёки эчкини қўлга киргизасан, вассалом. Бу билан мамлакат мусулмонобод бўлмайди.

— Арбоб!— деди қаторвазнали киши бир оз қизишиб,— сен бу ишнинг одами эмассан, сен икки танга харжлаб, йўловчидан беш танга олишни, бир деҳқонга юз тангани фойдага қўйиб, юз эллик танга қилиб олишни биласан, сен қўлидан иш келадиган мард одамни танимайсан. Қўлимга бир милтиқ тушсин-чи, менинг қандай ишлар қила олишимни ўшанда кўрасан.

— Эшитишимга кўра, сенга бир қозоқ милтиқ берган экан-ку, уни нима қилдинг?

— Тўғри, бир чорвадор қозоқ менга бир неча дона ўқ билан бир милтиқ берган эди, лекин занглаб ишдан чиққан экан. Бир ўқли берданка милтиқ, у билан яхши ишлаб бўлмайди. Қатта иш кўрсатиш учун ўн бир отар, ёки беш отар милтиқ керак. Ҳозир менинг қўлимда, мана шу қаторвазнада йигирма тўрт дона патрон бор. Агар шу тўғри келадиган милтиқ қўлимга тушса, шу йигирма тўрт ўқ билан йигирма тўрт милтиқни қўлга киргизишим мумкин.

— Ўша қўлингга кирадиган йигирма тўрт милтиқни ҳам ёлғиз ўзинг ишлатасанми?— истеҳзо оҳанги билан сўради арбоб.

— Сен дунёдан хабарсиз бўлсанг, мен нима дейин?— деди қаторвазнали киши яна бир оз қизишиб. У бир пиёла чой ичиб, бир оз зардасини пасайтиргандан кейин, давом этди:

— Сен Абдураҳмон мингбоши большевикларда озуқа мудири бўлган, Давлатмандбек Балжувонда ревком деб эшитибсан, шу билан бутун дунё большевикларга берилган, деб ўйлайсан. Лекин шуни билиб қўйки, булар ҳеч вақт амир замонидаги шон-шавкатларини унутмайдилар, бирор чақириқ эшитилса, ҳаммадан бурун «лаббай!» деб ўша томонга қараб шошиладилар...

Қаторвазнали киши бир оз жим туриб, нафасини ростлади.

— Жадидларнинг мақсади ҳали маълум бўлмаса ҳам, шуниси аниқки, улар эски амалдорларга ён босмоқдалар, амир билан қочмай қолган илгариги амалдорлар Шўролар ҳукуматига ёрдам беришлари мумкин деб, бошқаларни ҳам ишонтиришга уринмоқдалар. Руслар ва бошқа большевиклар бўлса, ҳозирча бу мамлакат билан унча таниш эмаслар, паст-баландини яхши билмайдилар. Ана шу аҳвол бизни яхши келажакка умидвор қилади...

— Ош тайёр бўлди,— деб арбобнинг хотини меҳмонни сўздан тўхтатди.

Ошдан кейин қаторвазнали киши ўрнидан туриб, меҳмонхонадан чиқди. Арбоб Носир унинг отини отхонадан чиқариб, уни миндириб жўнатаркан:

— Бу кунларда қўшхонанг қаерда?— деб сўради.

— Абдулқаюмбийникида!

Қаторвазнали киши отини Данғара қишлоғига қаратиб йўрттирди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ШАЙТОН

Катта меҳмонхона одам билан лиқ тўла, меҳмонлар тутунни тутунга улаштириб чилим чекишмоқда.

— Жаноби олийнинг тоғалари Сайидбек,— деди меҳмонхонанинг тўрида ўтирган киши,— хат-хабар қилиб, Файзобод томонидаги катталарни шайлабди. Улар эса, Ҳисор томондаги бошқа амалдорларни тайёрлашибди. Энди Кўлоб ва Балжувондаги катталарни сиз тайёр қилишингиз керак!— деб пойгакда ўтирган одамга хитоб қилди.

— Шайтон,— деди пойгакда ўтирган киши,— бир бўйдоқ йигитни «бирор хотин топиб яқинлаш!» деб васваса қилган экан. Бўйдоқ йигит қанча изласа ҳам, бирон хотин тополмабди. Шайтон бўлса, васваса қилаверибди. Оқибат, йигитнинг жонига тегиб, шайтонга бундай дебди: «Мен-ку ҳар бир ишга тайёрман, мени васваса қилиш керак эмас, агар мақсадинг ҳақиқатан ҳам мени бир хотинга яқинлаштириш бўлса, бирор хотин топиб бер, ундан кейин мендан иш талаб қил! Бекордан-бекорга мени васваса қилишдан қандай мурод ҳосил бўлади?» Шунга ўхшаш шайтон Сайидбекка хат қилиш керакки, бизга қурол топиб берсин, кейин бизнинг қандай ишлашимизни томоша қилсин.

Шу вақт, паранжили бир хотин эшик олдига келиб, меҳмонхонанинг қуйисида ўтирган одамни ташқарига чиқишга ишорат қилди.

— Қурол бўлмаса ҳам, хотин ўз оёғи билан келиб қолди,— деб бир киши ҳаммани кулдирди.

Хотиннинг имлаши билан ташқарига чиққан киши тездан қайтиб кириб, тўрда ўтирган одамга деди:

— Иброҳим, бу хотиннинг сенда иши бор экан.

Иброҳим ташқари чиқиб, бир неча минутдан кейин қайтиб келди:

— Дарҳақиқат, бу хотинни бизга шайтон юборган экан, тайёр бўлинглар! Бу кеча толеимизни бир синаб кўрайлик.

Йигитлар чопонларини кийиб, белларини боғлай бошладилар.

— Бий!— деди Иброҳим меҳмонхонанинг пойгагида ўтирган одамга қараб,— қозоқнинг милтиғини тозалаб қўйган бўлсанг, чиқариб бер! Бу кеча ўша иш беради.

— Сабил қолгур, тупроқ остида узоқ ётган бўлса керакки, бир неча марта мойлаб, сунба урган бўлсам ҳам, тоза бўлмади,— деб кигиз остидан берданка милтиқни олиб берди.

— Майли,— деди Иброҳим милтиқни олиб,— бир-икки марта отсак, ўзидан ўзи тозаланади.

Уч киши Иброҳимга эргашиб меҳмонхонадан чиқди. Чиқаётганда Иброҳим қуйида ўтирган одамга деди:

— Бир семиз қўйни сўйиб, яхна қилдириб қўй! Эҳтимол, эртага ўзимизни бирор четроқ жойга тортишга тўғри келиб қолар, олиб кетамиз.

Ярим соатдан кейин, Иброҳим ўз йўлдошлари билан бирга арбоб Носирнинг саройи олдига етиб борди. Сарой дарвозаси орқасида арбоб Носир турар эди:

— Аҳвол қалай, арбоб?— деб сўради Иброҳим.

— Ёмон эмас, ҳамма иш жойида!— деди арбоб,— тўрт солдат келиб саройга тушди, очиққан ва ҳориганликлари билиниб турибди. Уларга дарҳол овқат тайёрлаб, хотинимни сенга юбордим. Ўзларида икки шиша ароқ бор экан, овқатдан илгари ичиб, маст-аласт бўлиб ётиб қолдилар.

— Арқон борми?

— Тўртта каноп арқон тайёрлаб қўйдим,— деди арбоб.

— Ўлма, арбоб! Арқонларни буларга бер,— деди Иброҳим ва ўз йигитларини кўрсатди, ўзи берданкани қўлга олиб, олдинга тушди, йигитлар унинг орқасидан юрдилар.

Улар сарой меҳмонхонасининг эшиги олдига борганларида, у ердан маст уйқуга толган солдатларнинг хуррраги эшитилди.

Улар секингина ичкарига кириб, ухлаб ётган солдатларнинг устларига ташландилар. Солдатлар уйғониб ҳушёр бўлгунча, уларнинг қўл-оёқларини боғлаб, бошлари остидаги тўрт дона беш отар милтиқни қўлга олдилар.

Иброҳим милтиқларни бир-бир кўздан кечириб, ўз қаторвазнасидаги патронларни жойлаб кўрди.

— Шайтон ёрдам қилди,— деб меҳмонхонадан чиқди Иброҳим, йўлдошлари ҳам унинг изидан чиқдилар.

Иброҳим милтиқлардан бирини ўзи тақиб олди, қолган уч милтиқни шерикларига бўлиб берди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Солдатларни тирик қолдирамизми?

— Ҳа,— деди Иброҳим,— уларни ўлдирсак, ҳам арбоб Носирни, ҳам ревком раиси Давлатмандбийни таҳликада қолдирамиз...

Иброҳим бир оз ўйлагандан кейин, яна давом этди:

— Арбобнинг бир қисм нарсаларини ҳам олиб кетамиз. Арбоб терговда, қоронғи кечада уйимни ўғри урди, танимай қолдим, деб жавоб беради.

Бу тадбир арбоб Носирга ҳам маъқул бўлди, улар унинг уйидан бир неча бўҳча молни олиб, рўзғор буюмларини титиб ташлагандан кейин, саройдан чиқиб кетдилар.

БОШЛАНҒИЧ

Иброҳим Абдулқаюмбий уйида йигитлари билан яхна гўшт еб ўтирганда, унинг Балжувонга юборган бир йигити кириб келди.

— Қани, гапир! Нима иш қилиб келдинг?— деди Иброҳим.

— Солдатлар Балжувонга етиб бормасдан илгари, мен Давлатмандни кўриб, ишни пиширдим, орамизда бўлган келишув бўйича, солдатларнинг милтиғини олиб кетган ўғрилар орқасидан руслар аскар юборганда, Давлатманд уларга «йўлбошловчи» қилиб ўзи ишонадиган бир кишини қўшади. У йўлбошловчи аскарларни Сарсарак тоғига олиб чиқади. Биз бўлсак, ҳозирданоқ тоққа чиқиб, бирор муносиб жойни топиб, писиб ўтиришимиз керак.

Иброҳим бу хабарни эшитгач, яхна гўштни нонлар билан хуржунга солиб, отга ортди-да, ўз йигитлари билан бирга Сарсарак тоғига қараб жўнади...

Юз нафар отлиқ қизил аскар йўлбошловчи балжувонлик бир йигит билан бирга, атроф-теваракдаги тоғдараларни кезиб, ўғриларни излаб юрдилар.

Даста ўз қароргоҳига қайтмоқчи бўлганда, йўлбошловчи уларга Сарсарак тоғига ҳам чиқиб, излаб кўришни маслаҳат берди. Аскарлар бу маслаҳатни қабул қилдилар.

Улар Сарсарак тоғининг этагига келгунча, қоронғи тушиб, бир метр наридаги нарсани кўриб бўлмайдиган

даражага келди. Шундай бўлса ҳам, қизил аскарлар ўз ниятларидан қайтмай, тоққа чиқа бошладилар.

Аскарлар тоққа анча чиққандан кейин, бир пастқамликдан ўқ ёғила бошлади. Қизил аскарлар орқага қайтишга мажбур бўлдилар, орқаларидан яна ўқ овози эшитилиб турди...

Қизил аскарлар узоқлашгандан кейин, юқоридагилар ҳам пастга тушиб, йўлда беш қизил аскарнинг ўлигига дуч келдилар. Улар ўлдирилган аскарларнинг милтиқ ва кийимларини олиб, тоғдан туша бошладилар. Пастроқда бир балжувонлик кишининг ўлигини кўрдилар.

— Афтидан, қизил аскарлар «пилтанинг ҳидини сезиб», ўз «йўлбошчиларини» отиб ташлаганлар.

— Бу ердан тезроқ бошқа жойга кўчишимиз керак,— деб Иброҳим ўз йигитларини Табақчи тоғига бошлаб кетди...

— Энди ишни бошлаш керак,— деди Абдулқаюмбий Давлатмандбийга,— кечаги воқеа муносабати билан, албатта, большевиклар сендан гумонсираганлар, агар бўш қўйсанг, кўп аскар билан келиб, вилоятни бутунлай босиб олишлари мумкин, у ҳолда сени орадан кўтариб, ўрнингга ўз кишиларидан қўйсалар, ишимиз қийинлашади.

— Биз иш бошлаганда, кўп аскар келтирмайдиларми?— деб сўради Давлатмандбий.

— Биз иш бошласак вилоятдаги эски амалдорларни ва ўғриларни бирдан қўзғатиб, вилоятда ўзимиз хон, ўзимиз бек бўламиз, у вақтда большевиклар учун иш қийинлашади.

— Агар, яна бир неча вақт ревком бўлиб ишласам яхши бўларди.

— Тўғри, унда яхши бўларди, лекин бундан кейин сени ревком қилиб қўймасалар керак. Шунинг учун, ҳозирданоқ очиқдан-очиқ майдонга чиқайлик. Кўрмайсанми, эшон Султон билан Фузайл ўзларини аллақачон ҳоким эълон қилиб, бири Дарвозни, бири Ғармни эгаллади. Большевиклар ҳам «кўп талафот беришга тўғри келар» деб, уларнинг устига аскар юборишдан ҳайиқмоқдалар.

— Қурол озлик қилади-да, бир илож қилиб кўпроқ қурол қўлга киргизсак, иш осонроқ бўларди.

— Кўпроқ қурол қўлга киритиш очиқдан-очиқ май-

www.ziyouz.com kutubxonasi

донга чиққанимизда бўлади,— деди Абдулқаюмбий ва изоҳлади:— Сен вилоятнинг ҳокими бўласан, мен сенинг ноибинг бўламан, Иброҳимни лашкарбоши қиламиз, аҳолига, солиқ солиб, пул йиғамиз. Аҳолидан пул ундириш учун қўлимиздаги қурол етарли. Солиқдан йиғилган пулларни Хонободдаги жаноби олийнинг тоғалари Сайидбекка юборамиз, уч кунда у бизга қурол етказиб беради.

— Афсуски,— деди Давлатмандбий,— Иброҳимнинг беандишалиги ишни бузди, бўлмаса, мен «ичкарида» туриб кўп ишлардим. Исмоил девонбегини кўрмадингми? Ўзини ҳукуматга содиқ кўрсатиб, нималар қилди? Аҳолиси қизил аскарларни меҳмондай қарши олган Шаҳрисабздай жойни ҳукуматга қарши қўзғатиб, остин-устун қилди, ўзи қочишга мажбур бўлган бўлса ҳам, вилоятни бу яқинларда тузалмайдиган даражага келтирди.

— Давлатмандбий, «ундай бўлса, бундай бўларди» деган гапларни бир ёққа қўй, агар бундай гаплар билан бирор нарса қўлга кирадиган бўлса, мен жаноби олий қочмаганларида, сени Кўлобга, мени Балжувонга ҳоким қилсалар, яна ҳам яхшироқ бўларди дер эдим. Ўтмишни «агар» ва «бўлсайдилар» деб эслаб афсусланишдан ҳеч бир иш чиқмайди. Ҳозир бўлган воқеаларга қараб, келажакни ўйлаб иш қилиш керак.

— Хўп, мен сенинг фикрингга қўшиламан,— деди Давлатмандбий, мунозаранинг охирида,—лекин Иброҳим ўзбошимча, ўжар бир одам, унинг ўзи мамлакатга ҳоким, ҳатто амир бўлмоқчи, у сен ўйлаган қавл-қарорларга кўнармикан?

— Сен кўнсанг, мен уни кўндираман,— деди Абдулқаюмбий,— чунки у ўзининг мамлакатда тариқча обрўйи йўқлигини билади, ҳамма уни «ўғри Иброҳим Галлу» деб ундан нафратланади, ҳатто катта бойлар ҳам унинг ҳоким бўлишига рози бўлмайдилар, улар «ҳўкиз ўлса ҳам, кўзининг оласи йўқолмайди» дегандай, «бир кун ўзи бизнинг мол-мулкимизни торож қилар» деб қўрқадилар. Агар сен рози бўлсанг, синглингни унга бериш шарти билан уни кўндираман. Унинг учун вилоят ҳокимининг куёви ва давлатнинг лашкарбошиси бўлиш катта шараф.

— Хўп, бўлмаса, бориб Иброҳимни шу шартларга кўндириб, битим тузиб кел.

ЯРАШ

Балжувон вилоятининг Хўжабалжувон деган қишлоғида тантанали зиёфат мажлиси бўлаётган эди. Қўйларни сўйиб, қозонларни қатор қуриб, турли-туман овқатлар пишираётган эдилар.

Бир томонда вилоятнинг «катталари»— бойлар, муллалар, эшонлар, амир замонидаги саркардалар, амалдорлар ва Бухорога кетган мухтор вакилнинг ўринбосари сифатида унинг иниси ўтирар, аҳли мажлис унинг ҳар бир сўзини маъқуллаб, «тақсир!» деб ҳурматламоқда эди.

Бошқа бир томонда, усмонли турклардан Сурайё афанди Бухоро Халқ Шўролар Жумҳуриятининг миллий аскарларини машқ қилдириб, намойиш бериб, бу мажлиснинг тантанасини яна ҳам орттирмоқда эди. Зиёфатнинг охирида, ўз шарафларига зиёфат берилган Давлатмандбий, Абдулқаюмбий, Абдушукур зарбоф тўнлар, яхши отлар ва нақд пуллар билан сарфароз бўлдилар, юртнинг бошқа катталари ҳам амир замонидаги мансаб ва мартабаларига қараб мухтор вакилнинг ўринбосари «давлатидан» баҳра топдилар. Хулоса, бу зиёфат мажлисида ҳамма шод, ҳамма хурсанд ва мухтор вакил ўринбосарининг югурдаги сўзига кўра, «бўрилар ҳам тўқ, қўйлар ҳам омонда» эди.

Ёлғиз бир одамнинг юзида шодлик аломати кўринмасди, бу одам зиёфат мажлисидан четроқда, мухтор вакил ўринбосарининг отлари боғланган жойда пешонасини буриштириб, бошини эгиб, кўзларини ярим юмиб, нималарнидир ўйлаб ўтиргандай кўринарди, у мажлисда янграган «яшасин!» хитобларини, қарсак садоларини гўё эшитмасди.

— Дохунда! Сенинг бошингда яна қандай хаёллар ўйнаётир? Афтидан, ҳали ҳам «мамлакат босмачилар этиги остида эзилади» деб қайғураётирсан?— деб масхара қилиб, савол берди бир бухоролик йигит.

— Ҳа, нима бўпти?— деб сўради Дохунда таажжуб оҳанги билан.

— Яраш бўлди!

— Ким билан? Босмачилар биланми?

— «Босмачилар» дейсанми, «Кўлоб ва Балжувон вилоятларининг катталари» дейсанми, нима десанг дея бер, ҳарнечук, шулар билан яраш бўлди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Менинг фикримча, яраш бўлиши мумкин эмас,— деди Дохунда,— агар бўри билан қўй орасида яраш бўлиши мумкин бўлса...

— Мухтор вакилнинг ўринбосарлари бир иш қилдиларки, ҳам бўри тўйди, ҳам қўй омонда қолди!

— Бундай ишнинг бўлишига ақлим етмайди.

— Чунки сен саводсизсан, ҳатто катталаримизнинг доно, ишбилармон ва синалган кишилар эканликларини ҳам билмайсан. Айниқса, мухтор вакилнинг ўринбосарлари ўз акаларидан ҳам донороқлар. Бу киши минг-та босмачини дарё бўйига олиб бориб, суғормасдан қайтариб келадилар, бу кишининг фирибгарликларига бутун Бухоро аҳолиси қойил. Бу киши бир неча йил Истамбулда таҳсил қилганлар, бунинг устига, Бухородан қочиб Тошкентга борганларидан кейин, унда гоҳо эсерлар партиясига, гоҳо коммунистлар партиясига, гоҳо ёш бухороликлар партиясига кириб, қайси партияки ўзларига қулай кўринса, ўшанга кириб ишлаганлар ва сиёсий тарбия олганлар.

— Хўп, яхши, жуда яхши!— деди Дохунда истеҳзо билан,— яраш шартларингиз қандай?

— Тўрт ойгача мамлакат катталарининг, сенингча, босмачиларнинг қуроллари ўз қўлларида қолдирилади; бу муддатда уларнинг харажатлари ҳукумат томонидан тўланади ва бир қисми шу мажлиснинг ўзидаёқ олтин-кумуш пул билан нақд тўланди; бунинг эвазига улар майда ўғриларни барҳам берадилар; мамлакатни саришта қиладилар ва Бухоро Халқ Шўролар Жумҳуриятининг итоатида сақлайдилар; тўрт ойдан кейин улар қуролларини келтириб, ўз қўллари билан ҳукуматга топширадилар ва ўзлари ҳам таслим бўладилар.

— Бу шартларни бажо келтириш учун улар томонидан ким кафил бўлди?

— Ҳаммалари «бу шартларни амалга оширамиз» деб Хўжабалжувон мозорида ётган бузруквор номи билан қасам ичдилар.

— Ҳай, ҳай, жуда яхши,— деди Дохунда масхаралаш оҳанги билан ва қўшимча қилди,— лекин менинг фикримча, хачир билан эшакнинг яқинлашганидан бола бўлмагани сингари мухтор вакил ўринбосарининг босмачилар билан яқинлашишидан ҳам бола бўлмайди.

— Дарҳол ҳукумат билан ярашган бўлсанг, мен билан қилган аҳд-паймонинг қаёқда қолди?— деб Иброҳим Давлатмандбийга таъна қилди.

— Сен тушунмайсан!— деди Давлатмандбий Иброҳимга,— биз бу ярашда ҳеч нарса йўқотмадик, аксинча, биз бу билан тўрт ойлик муддатда мамлакатнинг ихтиёрини ўз қўлимизга олдик. Бу муддатда биз ҳар бир ишни қила оламиз: биринчидан, ҳукуматдан олган ва оладиган пулимизни, ҳам аҳолидан ундириладиган солиқни Хонободга юбориб, жаноби олийнинг тоғалари Сайидбек воситаси билан қурол оламиз; иккинчидан, «майда ўғриларни барҳам бериш» номи остида мамлакатдаги бутун ўғриларни ўз қўл остимизга йиғиб, уларни ўзимизга навкар ва йигит қиламиз; учинчидан, майда ўғрилардан азоб тортаётган аҳоли бизнинг бу ишимизни кўриб, ўз мол-мулкини майда ўғрилардан ҳимоя қилишни биздан сўрайди ва ўз ихтиёри билан солиқ тўлайди, бу билан «ҳукумат сифатида» аҳоли олдида обрўйимиз ортади ва мустаҳкамланади...

Давлатмандбий бир оз ўйлаб тургандан кейин, давом этди:

— Ҳукумат билан бизнинг орамизда яраш бўлади деб мен сира ўйламаган эдим. Билмадим, жадидларнинг катталаридан бўлган мухтор вакил, унинг иниси ҳам ўринбосари ҳукуматга хиёнат қилдими, ёки уларнинг нодонлигиданми, ҳарнечук ярашдик, энди бундан тузукина фойдаланишимиз керак...

— Ундай бўлса, эшони Султон билан Фузайл махсум нега бундай ярашга унамаганлар?

— Агар уларнинг ҳам ақллари бўлса, бундай ярашни жон деб қабул қилардилар, лекин улар ўз вилоятларини тоғ чўққиларида бўлганига ишониб, ярашни рад этганлар. Шундай бўлса ҳам, жадидлар улардан ҳали умидларини узмаганлар, биз билан қилган шартларига мувофиқ улар билан ҳам ярашиш ниятида, Сурайё афандиларини миллий аскарлари билан бирга Ғарм ва Дарвозга юбордилар. Агар эшони Султон ва Фузайл махсум биздан ибрат олиб, бундай ярашни қабул қилсалар, ютадилар.

Давлатмандбий ўз сўзининг охирида Иброҳимга маслаҳат тариқасида деди:

— Сен яраш мажлисига келмай, ўз қаршилигингни очиқдан-очиқ кўрсатдинг, шундай бўлгандан кейин, сен

www.ziyouz.com kutubxonasi

вақтинча бизнинг орамизда турма, Ҳисор ва Душанба томонларига бориб ўзингча иш бошла! Вақти соати етиб, биз ҳам очиқдан-очиқ қарши чиқсак, унда яна бирлашамиз.

ҒОЙИБДАН КЕЛГАН ҚУРОЛ

Норин қишлоғида минг нафарга яқин киши тўпланган эди.

— Бу йиғилишнинг сабаби нима?— деб сўради йиғилишга янги келган бир киши.

— Чақабой тўқсобанинг ўғли — Иброҳим Галлу халқни кенгашга чақирган эмиш!

— Одамларнинг бошқа ишлари йўқмикан, у ўғрининг чақириши билан бу ерга келганлар?

— Бу одамларнинг қолиб кетадиган ишлари йўқ. Бу ерга келганлар амир замонида мамлакатнинг эгаси эдилар, яхши ерлар, катта рама ва галалар буларники эди. Буларнинг бири саркарда, бири амирнинг амалдори бўлиб, халқ устидан ҳукм сурардилар, қўш олардилар, халқни ҳақ бермасдан ишлатардилар; баъзилари «мен мулла, мен эшон, мен қози, мен раис» деб вақф даромадини ердилар, назр олардилар, халқдан муҳрона, хизматона ундирардилар, энди амир кетгандан кейин, булар у шон-шавкатдан маҳрум бўлдилар...

— Ҳали ҳам буларнинг бир қисми, айниқса, мулла ва эшонлар, ўша эски «касблари билан машғул»,— деб бир киши у одамнинг сўзини бўлди.

— Тўғри, лекин улар бугун бўлмаса, эрта текинхўрликдан ажраламиз деб қўрқадилар, шунинг учун амирнинг қочишидан қайғуриб, унинг қайтишини худодан тилайдилар. Улар меҳнаткашлар ҳукуматини йиқитиш ва амирлик даврини қайтадан тиклаш мақсадида бу ерга тўпланганлар.

Албатта, баъзилари «қани, кўрайлик, булар нима қилмоқчи эканлар?» деб, баъзилари йиғилишнинг мақсадини била туриб, у мурдорлар мақсадига қўлларидан келганча қарши туриш учун, баъзилари бўлса, эски амалдорларнинг бой ва муллаларнинг иғволарига алданиб келганлар...

Йиғилган одамлар орасида шундай суҳбатлар бўлаётганда, баланд бўйли, қора соқол-мўйлови тоза қирилган, қўй кўзли, қора қошли, эгнида ҳисорий шоҳи тўн, бошида афғонча кўк шойи салла, оёғида хром этик, бели кумуш камар билан боғланган, ўнг ёнида тўппонча ва чап ёнида эгри ҳисор қиличи тақилган Иброҳим бир баландликка чиқиб халққа хитоб қилди:

— Мусулмонлар! Мен сизларни ғазотда, мамлакатни мусулмонобод қилишда, жаноби олийни Афғонистондан келтириб, қайтадан подшо кўтаришда менга ёрдам беринглар деб чақирдим...

Халқ орасида шовқин кўтарилиб, Иброҳим сўздан тўхташга мажбур бўлди. Шовқин кўтарганларнинг ҳар қайсиси ўз жойида туриб гапира бошладилар:

— Биз амирдан қандай яхшилик кўрдикки, яна уни чақириб келтирар эканмиз!

— Агар оч қолган бўлсанг, озми-кўпми ўзаро озиқ-овқат йиғиб берамиз, аммо бизни ўз бечорачилигимизга қўй.

— Ғазот ниятида юрган бир одамга нега бундай маъносиз гапирасанлар?— деб бир мулла аввал гапирганларни койиди.

— Амир ўшанча тўп, туфанг, хазина ва дафина билан ҳеч бир иш қилолмади, у қочиб кетиб, бутун қурол-аслаҳа, мол-ашёлар Фарғона босмачилари томонидан таланганда, энди бу нима қила олади?.. Бекордан-бекорга қон тўкилишига, халқнинг оёқ ости бўлишига сабаб бўлиб, деҳқонларни хонавайрон, деҳқончиликларини паришон қилади,— деб бир деҳқон ҳалиги муллага жавоб берди.

— Бу одамнинг ва уни майдонга чиқарган одамларнинг халқнинг хонавайрон бўлиши билан неча пуллик иши бор?.. Булар бир неча кун давр сурса бўлди, ишқилиб, «гўр куйса куйсину, қозон қайнасин». Илгари ҳам буларнинг қозонлари халқнинг уйи куйишидан қайнарди, ҳозир ҳам шуни истайдилар. Уларнинг семизлиги халқнинг ориқлиги ҳисобидан бўлади.

— Ҳозирги ҳукуматда ҳам иш унча тўғри бормаётир,— деди бир киши,— «ҳукумат меҳнаткашларники» дейдилар, ҳақиқатда иш қандай бораётир? Абдураҳмон мингбоши «мен озуқа вакили» деб, халқнинг уйини куйдирди, бойлар ва ҳаннотларнинг омбор ва ўраларини тўлдириб ётган буғдойларига иши йўқ, аммо меҳнаткаш деҳқоннинг бир хум буғдойини «сиз меҳнаткашлар бир ҳовуч буғдойингизни ўз ҳукуматингиздан аяйсизми?»

www.ziyouz.com kutubxonasi

деб босиб олади. Илгари олган буғдойининг эвазига қанд, чой ва чит каби моллар берарди, ҳозир ҳеч бир нарса бермайди: «Қачон Бухородан мол келса, бераман» деб, қуруқ бир тилхат беради. Меҳнаткаш деҳқон бу тилхатни тумор қилиб тақсинми, ёки ивитиб ичсинми?

— Бу иш ҳукуматнинг айби эмас, Абдураҳмон минг-бошининг гуноҳи,— деб бир киши у деҳқонни сўздан тўхтатди,— бугун бўлмаса эрта, эрта бўлмаса индин унинг хиёнати маълум бўлиб, тегишли жазосини тортади, уни озуқа мудири қилган айрим шахслар ҳам жазосиз қолмайдилар.

— Бизга Иброҳим ҳам керак эмас, унинг амири ҳам,— деди баланд овоз билан бир киши ўз мақсадини қисқа ва тушунарли қилиб.

Бу вақтгача шовқин-суроннинг босилишини кутиб турган Иброҳим, кейинги гапни эшитгач, ўзини тутолмай, турган жойидан бир қадам олдинга чиқди-да, ҳалиги сўзни айтган одамга тикилди, сўнгра халққа қараб, хитоб қилиб:

— Қараб тур. Мен сенга нима кераклигини кўрсатаман, сенга ёрдам учун керак бўлмасам ҳам, жазо бериш учун кераклигимни яқинда ўз кўзинг билан кўрасан,— деди ва асосий мақсадга кўчиб давом этди:

— Боя бир одам мени кўзда тутиб «бунинг қўлидан нима иш келади» деди. Шуни эсга олиш керакки, Ғармни Фузайл махсум, Дарвозни эшон Султон ўзлариники қилдилар; агар Кўлоб қўрғонида қамоқда қолгандай бўлиб турган олтмиш нафар қизил аскарни назарга олмасак, Кўлоб билан Балжувон Давлатмандбий билан Абдулқаюмбий қўлида. Ўзим бир хат билан Қўрғонтепа қўрғонини бўшатиб олдим. У ернинг ревкоми менинг хатимни ўқигач, қўрқиб қочган, мен бориб, большевикларга хайрихоҳлик кўрсатган бир неча эркак ва хотинни ўлдирдим ва ўз томонимдан у қўрғонга Кенжабекни ҳоким қилиб тайинладим. Жаноби олийнинг тоғалари Сайидбекнинг хатига кўра, ҳазратлари инглиз ва афғон давлатларидан ёрдам олиб, шу яқин кунларда ўз мамлакатларига қайтиб келадилар. У вақтгача биз, мамлакатни душмандан тозалаб, ҳазратларини обрўй билан қарши олайлик. Агар сизлар ёрдам қилсангиз, Душанбани большевиклардан бўшатиб олиш мен учун қийин иш эмас...

Халқ орасида яна шовқин-сурон кўтарилди, баъзи-

лар Иброҳимнинг кейинги гапларидан шодланиб, баъзилар ғазабланиб бақирар эдилар.

Орада тикка туриб гапирган бир кишининг сўзлари янграб, ҳаммага аниқ эшитилди:

— Биз бу ишга ёрдам бермаймиз, ёрдам беролмаймиз! Сен ўз ишингга боравер! Бизни ўз бечорачилигимизга қўй! Барибир бу ишларингдан қон тўкишдан, молмулк барбод қилишдан бошқа иш чиқмайди. Агар сенга мол керак бўлса, ўз орамиздан, ўз ихтиёримиз билан озми-кўпми бирор нарса йиғиб берамиз,— деди Қорахон номли бир чол.

— Афсус,— деди Иброҳим,— бу одам отам билан қадрдон эди, бўлмаса, ҳозир бир ўқ билан миясини косахонасидан чиқариб ташлардим.

Иброҳим халққа хитоб қилиб давом этди:

— Мен сенларни мусулмон деб, бошқа мусулмонлар билан бирлашиб, ғазот қиласанлар деб чақириб келтирган эдим...

— Ғазот фарз! Жиҳод фарз...

— Жиҳоддан бош тортган мусулмон кофир...

Муллалар бир-бирининг сўзларини бўлиб бақирардилар.

Бир йилқи боқар, одамлар орасидан ўтиб Иброҳимга рўпара турди:

— Тақсир, арзим бор!— деб уни сўздан тўхтатди.

— Нима дейсан?

— Мен бу кеча қизил аскарлар катта йўлдан ўтаётганда «галага бирор заҳмат-зиён тегмасин» деб отларни йўлдан четроққа ҳайдаб бордим, тонг отгунча галанинг теварагини айланиб юрдим. Кун оқаргандан кейин, отларни бир-бир кўздан кечирсам, биялар орасида думи қирқилган, занжир нўхтали, устига юк ортилган бир бегона қора от юрибди. Уни гала орасидан олиб чиқиб, юкини тушириб, очиб қарасам, икки қути ўқ, олти дона милтиқ бор экан.

Четроқда юк ортилган бир қора от турарди.

— Ўша от мана шу, уни юки билан бирга сизнинг олдингизга келтирдим.

Иброҳим бу гапларни эшитиб, у отни кўздан кечиргандан кейин, халққа қараб:

— Эшитдингларми? Бу милтиқлар, ўқлар худонинг марҳамати билан ғойибдан келган. Аммо, сизлар худо йўлида ёрдам беришни истамайсизлар. Энди мен белим-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни маҳкам боғлаб ишга киришаман. Менинг буйруғимдан бош тортган ҳар бир киши худонинг ғазабига учрашини билиб қўйсин, худонинг ғазабини амалга оширадиган ҳам мен ўзимман.

Иброҳим охирги сўзларини ғазаб билан айтиб, ҳеч бир кишига бирор оғиз гапирмай, бирон киши билан хайрлашмай, отланиб, Душанба томонига йўналди. Тўпланган одамлар орасидан икки юз нафарча отлиқ ажралиб унга эргашди.

ЖАЗО

Шоҳмансур қишлоғининг аҳолиси масжид олдида тўпланган эди. Ҳамманинг юз-кўзида ташвиш. Мамлакатда бирор муҳим ҳодиса юз бергани, у ҳодисанинг бу одамлар тақдирига бевосита дахли борлиги сезилиб турарди. Ҳамма жимжит, фикр дарёсига шўнғиган эди...

Бошлаб қишлоқнинг бойи жимликни бузди:

— Иброҳимбек ғазот ниятида бел боғлабди, мусулмонлик ҳамияти биздан унга ҳар тарафлама ёрдам беришни талаб қилади. Бу тўғрида нима дейсизлар?

— Иброҳим Галлу қаерда-ю, мусулмонлик қаерда?— деди Ҳақберди деган бир киши,— ота-бобосидан бошлаб ўғриликни касб қилиб келган бир кишининг мусулмонликка қандай алоқаси бор?

— Тарих китобларида соҳибқирон Амир Темури Курагон ҳазратлари ҳам аввалларда йўлтўсарлик қилиб юрардилар, деб ёзилган,— деди қишлоқнинг имоми,— ажаб эмаски, бизнинг ўғри ҳам бора-бора соҳибқирон бўлиб қолса. Шунинг учун, у вақтда шарманда бўлиб қолмайлик десанглар, шу кундан бошлаб унга ёрдам бериш керак.

— Ундай бўлса,— деди Ҳақберди имомга қараб,— шариат китобларидан ўғриларни жазолаш қоидасини чиқариб ташлаш керак, чунки ҳар бир ўғрининг бора-бора соҳибқирон бўлиши мумкин, у вақтда ундай соҳибқиронлар олдида шариат шарманда бўлиб қолади.

Ҳар томонда шовқин бошланди:

— Ҳақберди тўғри гапирди...

— Ўғридан талон-торождан бўлак нима умид қилиб бўлади?..

— Иброҳимнинг мақсади ҳам сувни лойқалаб балиқ

овлаш, мамлакатда тартибсизлик чиқариб халқни талаш...

— Ҳақберди биргина Иброҳимбекка эмас, шариатга ҳам тил текизди, «шариат шарманда бўлади» деди. Бундай одамни мусулмонлар орасидан ҳайдаш керак.

— Мен бу гапни ўзимдан айтган эмасман, домла имомнинг гапларидан шу чиқади, дедим. Агар шу гап учун мусулмонлар орасидан ҳайдаш керак бўлса, домлани ҳайдаш керак,— деди Ҳақберди.

— Иброҳимбек ўғри бўлса ҳам, ҳозирда «давлат қуши унинг бошига қўнган»— деди бой,— Норин қишлоғида унга ғойибдан қурол келган; ўзига қарши чиққан милиционерларни ёлғиз ўзи қувиб, бир нечаларини ўлдириб, қуролларини олган; амирни қочирган бир давлатга қарши чиқиш осон иш эмас. Шу ишлар бу одамнинг соҳибқиронлиги аломатидир. Худо соҳибқиронлик мартабасига лойиқ кўрган бир одамдан биз нега юз ўгирайлик?

— Худо кўтарган одамни пастга уриш яхши эмас, худога хуш келмайди,— деди имом, бойнинг гапини қувватлаб.

— Хўп, ундай бўлса, биз ҳам уни «худо кўтарсин!» деб дуо қиламиз, тузукми, тақсирим? Бу худога хуш келар-а?— деди бир киши. Бу гапдан халқ қиқирлаб кулиб юборди.

Бу сўз ўйинига жавоб тополмай, имомнинг дами ичига тушди, Ҳақберди бойга жавоб беришга киришди:

— Норин қишлоғида Иброҳимга «ғойибдан қурол келган» деган гап кулгили бир гап. Воқеанинг асли бундай: қизил аскарлар қурол юкланган отларни катта йўлдан ҳайдаб ўтганларида бир айғир Иброҳимнинг галасидаги бияларга қўшилиб қолган, кеча қоронғи бўлганидан қизил аскарлар буни сезмай ўтиб кетганлар. Кун ёришгандан кейин йилқи боқар бегона отни юки билан Норин қишлоғига олиб бориб, халқ олдида унга берган. «Ғойибдан келган қурол» мана шу.

— Ёлғиз ўзи милиционерларни қувганини ҳам ёлғон дейсанми?— деди бой Ҳақбердига норозилик оҳанги билан.

— Бу рост!— деди Ҳақберди,— лекин Иброҳимнинг у иши худонинг ёрдами билан эмас. Душанбадаги ҳукуматларнинг айби билан бўлган, улар тажрибали бир ўғрига қарши милтиқ ўқлашни ҳам билмайдиган мили-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ционерларни юборган. Албатта, ундай милиционер қоча-ди. Аммо қаршисига бир неча қизил аскар чиққанда, ўғри думини хода қилиб қочган, чунки у қизил аскарларнинг ўзидан мерганроқ эканликларини бир неча бор синаб кўрган эди. «Бузоқнинг югуриши сомонхонагача» деганлари каби, сизнинг «соҳибқирон»ингизнинг қаҳрамонлиги ҳам қуролсиз деҳқонларнинг уйигача.

— Ўша ерга ҳам бирор қуролли қизил аскар етиб борса, сомонхонага яширинишдан бошқа илож тополмайди,— деб бир киши одамларни кулдирди.

— Бутунлай бузоқ бўлади-қўяди,— деб бошқа бир киши кулгини яна ҳам авж олдириб юборди.

Мунозарада миси чиққан бой:

— Мен сенларнинг манфаатларинг учун гапирган эдим, бўлмаса, менга нима? Агар сенлар Иброҳимбекка ёрдам қилмасанглар, Абдураҳмон мингбоши ҳамма ғаллаларингизни олиб, большевикларга егизади,— деди.

— Сизнинг ғаллангизни Абдураҳмон мингбоши олмаса керак-а, бой ака?— деди бир киши,— чунки Иброҳимбек сиз билан қанча қадрдон бўлса, у билан ҳам шундай.

— Хирмондан чош қолади, чошдан чор деганларидай, мендан ғалла олсалар ҳам, қолган юқ-юрунлари билан ўзимни очликдан сақлай оламан,— деди бой қизариб-бўзариб,— аммо сизнинг ғаллангиз кетгандан кейин очликдан ўласиз, ўлмаганларингиз уруғликсиз қолиб, экин эка олмай, келгуси йили ҳам очлик азобини чекасиз. Мен ҳам қўлимда ғалла оз қолгани сабабли экиш вақтида сизга уруғлик беролмайман.

— Меҳнаткашлар ҳукумати меҳнаткаш деҳқонларнинг оч қолишига йўл қўймайди. Ҳукумат, керак бўлган вақтда биздан ғалла олса ҳам, муҳтож бўлган вақтимизда бизга ғалла етказиб беради. Бундан кейин уруғлик учун сендан бир ботмон буғдой қарз олиб, икки ботмон қилиб тўлашга йўл қўймайди.

— Хўп,— деди бой,— бу гапларни бир ёққа қўяйлик, Иброҳимбек-ку ҳали сенларга бирор ёмонлик қилган эмас, нега сенлар унга қарши чиқасанлар, нега унинг ҳақида бу қадар ёмон гаплар гапирасанлар?

— Чунки, у ғалаба қилса, бизнинг бошимизга яна амирни олиб келади, биз бўлсак, амирнинг жабр-зулмини ҳали эсимиздан чиқарган эмасмиз.

— Кампирнинг дарди ғўзада, деганларидай, бой амаким ҳам амирнинг келишини истайдилар...

Мажлис тугади, ҳаммадан бурун бой ўрнидан туриб, этагини қоқиб, бозордан қайтган сигирдай, зўрға қадам босиб уйига кетди.

Шоҳмансур қишлоғида ҳамма ширин уйқуда эди, уларни устма-уст отилган милтиқ товуши ва итларнинг вовиллаши сескантириб уйғотди. Қандай воқеа юз берганини билмоқчи бўлиб кўчага чиққан ҳар бир киши, дарров ерга ётқизилиб, қўл-оёғи боғланди.

Шоҳмансур қишлоғини ўғрилар босиб, ҳовлима-ҳовли кириб, озиқ-овқатдан тортиб, то рўзғор буюмларигача ҳамма нарсани йиғиштириб олдилар.

— Ислом лашкарига ёрдам беришни истамаган ҳар қишлоққа ана шундай жазо берамиз,— деди от устида туриб буйруқ бераётган Иброҳим: — милиционерлар ўлигини йўлдан олиб кўмган кишиларнинг қулоқ-бурунлари кесилсин; Ҳақбердининг қўлларини боғлаб қаргоҳимизга олиб борилсин, унинг кеча айтган ҳар бир оғиз гапи учун алоҳида жазо берилади; бошқалар очликдан ўлсинлар, қани, кўрайлик, уларни большевиклар қандай тўйғазиб, ўлимдан қутқазиб қолар эканлар...

Бир соат орасида бой, имом ва уларнинг югурдаклари бўлган бошқа бир-икки кишининг уйидан бўлак, барча уйлар супуриб олингандай таланди.

Кўктош, Мавлоно ва Душанбанинг атроф-теварагидаги бошқа қишлоқлар ҳам Шоҳмансур қишлоғидай таланиб, жазолангандан кейин, бойлар, муллалар, эшонлар, саркардалар ва эски амалдорлар Қорасув қишлоғида тўпланиб, Иброҳимни большевикларга қарши курашда ва юртни идора қилишда ўзларига бошлиқ қилиб кўтариб, фотиҳа ўқидилар.

— Худога минг қатла шукурки, ўзимиз бир давлат бўлдик,— деди Иброҳим мажлиснинг охирида,— лекин бу мажлисда ҳозир бўлиб, аҳд-паймон қилиб, фотиҳа ўқиганлар аҳдларини ва фотиҳаларини бузмасликлари керак...

— Фотиҳа худонинг муҳри,— деди бир мулла Иброҳимнинг сўзини бўлиб,— фотиҳани бузган киши худонинг муҳрини бузган бўлади.

— Ҳа, шундай!— деб Иброҳим муллаларнинг гапини

www.ziyouz.com kutubxonasi

тасдиқлагандан кейин, ўз сўзини давом эттирди,— аҳдини, фотиҳасини бузиб, қавлидан қайтган кишига исломиятдан қайтган деб жазо берилади.

— Исломиятдан қайтган кишини китобларда муртад дейдилар, муртаднинг жазоси қатлдир, қатл! Тақсир!— деди бир мулла.

— Албатта,— деди Иброҳим,— биз бундай одамларга уламонинг фатволарини олиб, шариатга мувофиқ ўлим жазоси берамиз.

— Шунингдек содиқ дуогўйларга ва жонсупор қулларга марҳамат қилишлари ҳам керак!— деди бир мулла.

— Албатта!— деди Иброҳим,— жаноби олийдан ҳам кунда хушхабарлар келмоқда, ҳазрат ўз мубораконамаларида «Жонбозлик қилган навкарларни бизга маълум қилинг! Биз уларга катта амаллар марҳамат қиламиз» деб ёзганлар.

— Холис дуогўйлари бўлган муллалар тўғрисида бирор гап ёзмаганларми?— деб сўради бир мулла.

— Ёзганлар,— деди Иброҳим,— холис дуогўйимиз бўлган муллалар ва эшонларнинг ҳурматларини бажо келтиринг, деб ёзганлар.

— Яъни, масалан, бу гап «мажлисларда уларни юқорига ўтказинг, уларга таъзим билан салом беринг!» деганларими?— деди ҳалиги мулла норозилик билан.

— Бугина эмас,— деди Иброҳим мулланинг маҳсадини сезиб,— «муллалар ва эшонларга улуфа ва ҳўш бериш расмини жорий қилинг! Большевиклар тортиб олган вақфларни тиклант!» деганлар.

— Илоҳи давлатлари бундан ҳам зиёда бўлгай, «биннабийи ва олиҳил амжод»[1].

— Саркардалар ва эски амалдорлар тўғрисида бирор марҳамат қилганларми?— деб сўради бир қари саркарда.

— Марҳамат қилганлар! «Танҳо, от еми, сарпо ва нақд пул бериш расмини жорий қилинг!» деганлар ва «хизмат қилганларнинг хизмати унутилмасин, марҳамат қилинсин» деб таъкид қилганлар.

— Ҳазрат каромат қилганлар!— деди бошқа бир қари саркарда,— ўтган подшоларнинг одатлари ҳам шундай эди: чунончи, мен ўзим оталари — марҳум жаноби олий замонларида бир ер солиғини тўлаёлмай, еру сувини ва уй-жойини ташлаб Афғонистонга қочиб ўтмоқчи бўлган деҳқонни йўлдан тутиб келтирганимда, менга мирохўрлик амалини берган эдилар.

— Ҳозир ҳам шундай қиламиз,— деди Иброҳим ҳар бир иш ўз воситаси билан бўлишини уқтирмоқчи бўлиб,— жонсупорлик қилган йигитларни жаноби олий фақат менинг кўрсатишимга мувофиқ сарфароз қиладилар, кимга қайси амални муносиб кўрсам, ўшани берадилар...

— Иш қилиш ва жонбозлик қилиш учун қурол керак-да,— деди бир йигит,— афсуски, ҳали қўлимизда етарли қурол йўқ.

— Ўқ, милтиқ, дори ҳам ҳозир жаноби олийнинг марҳаматлари билан, биз юбораётган пулга Афғонистондан етиб келаётир,— деди Иброҳим ва қўшимча қилди,— лекин бизнинг йигитлар ҳали низомий урушни кўрмаган ва ўрганмаган, шунинг учун аскарларимиз машқ қилиб, низомий урушни ўзлаштиргунларигача, қизилларга қарши чиқмаслигимиз керак. Ҳозирча вазифамиз қизил аскарларни оч қолдиришдир, бунинг учун деҳқонларнинг шаҳарга озуқа ва ғалла олиб боришларига йўл бермаслик керак. Агар бирор деҳқоннинг шаҳарга бирор қоп буғдой олиб борганини ёки озуқа олиб борувчиларга ёрдам берганини эшитсак, ундай деҳқонга энг оғир жазо беришимиз керак...

— Агар қизил аскарларнинг ўзлари қишлоққа чиқиб озуқа олиб кетсалар, унда нима қиламиз?— деди бир йигит.

— Қизил аскарлар жўнагандан кейин, у қишлоққа бориб, ўз ихтиёрлари билан уларга озуқа берган кишиларни қаттиқ жазолаймиз, ундай қишлоққа ўт қўямиз.

— Агар қишлоқ аҳолиси жазодан қўрқиб, озуқа бермаса-ю, қизил аскарлар зўрлик билан олсалар, нима қиламиз?

— У ҳолда орада жанжал чиқади, қизил аскарлар деҳқонларга қаттиқ муомала қилишга мажбур бўладилар, деҳқонлар ва қизил аскарларнинг оралари бузилади. Бу эса, бизнинг айни муддаомиздир,— деди Иброҳим.

— Биз деҳқонларнинг қизил аскарларга ўз ихтиёрлари билан озуқа берганларини ёки уларнинг зўрлик билан олганларини қайдан биламиз?

[1] Пайғамбар ва унинг буюк авлоди ҳурмати учун.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бу осон,— деди Иброҳим,— агар қизил аскарлар ҳафтада бир марта қишлоққа чиқсалар, бизнинг одамлар ҳар бир қишлоқда доим топиладилар, биз улар орқали қишлоқда бўлаётган ишларни билиб турамиз.

— Кийим-кечакни қаердан топамиз?— деди уст-боши йиртиқ бир йигит.

— Қишлоқ аҳолисига этик, кийим-кечак ва пул солиғи солиб, аскарларимизни таъмин қилишимиз мумкин,— деди Иброҳим,— қишлоқдан солиқ ундиришнинг энг осон йўли жазодир, жазо!

БАЗМ ВА «УЛОҚ ЧОПИШ»

Кўктошда катта бир ҳовли, ҳовлининг ичкари ва ташқариси, дарвоза олди ва кўча бошигача сув сепиб супурилган. Ҳовли юзида якка михларга қатор қилиб боғланган чопқир отларни отбоқарлар тараб-тозаламоқда.

Катта меҳмонхона олдидаги кенг ва узун шоҳсупанинг тўрида тўрт қават серпахта адрас, атлас, шоҳи ва духоба кўрпачалар ёзилган, бир томонда уч дона пар ёстиқ, кўрпачалар устида Бухоронинг катта амалдорлари киядиган кийимда, ёстиқларга суяниб бир одам чўзилиб ётибди. Ўн олти яшар бир бола унинг оёқларини уқаламоқда.

Шоҳсупанинг меҳмонхона ва ҳовли томонига иккита энсиз кўрпача ёзилган, уларнинг устида кийим ва қиёфаларидан савдогар, бой деҳқон, катта чорвадор, амалдор эканликлари билиниб турган бир неча киши тўрдаги одамга қараб, қўл қовуштириб турибди.

Супанинг қуйи томонидаги кўрпачада тўрт киши ўтирарди, буларнинг бири ўрта бўйли, қора соқол киши бўлиб, афғонча кийинган эди. Бу киши қўлидаги рубобни созламоқда.

Бу одамнинг икки ёнида яна икки одам ўтирарди, бири доира, бири думбак[1] ушлаган, улар асбобларини яшнаб турган манқалларга тутиб қиздириб, таранг қилмоқда эдилар.

Улардан бир оз узоқроқда ўн етти — ўн саккиз яшар бир бола узун кокилларини икки чаккасидан тушириб тараб турарди. Боланинг бошида зардўзи дўппи, эгнида инглизча кўйлак, устидан торгина афғонча зардўзи камзулча бўлиб, иштони ва оёғидаги пайсори рубобчиникига ўхшарди.

[1] Думбак — ғижжакка ўхшаш бир хил музика асбоби.

Супанинг тўрида чўзилиб ётган киши рубобчига қараб:

— Оға, сиз неча йилдан бери бу томонларда юрасиз?— деб сўради.

Қийим ва лаҳжасидан афғон экани билиниб турган рубобчи жавоб берди:

— Сардор соҳиб, биз уч йил бурун ғазот нияти билан, ўз мулкимиздан Бухоро мулкига келиб, амир соҳибга навкар бўлиб эдик, баъзан рубоб чалиб, базм қилиб, амир соҳибнинг дарбор аҳлларини хурсанд ҳам қилардик. Худонинг тақдири билан амир соҳиб бу мулкдан кетганларидан кейин, биз эгасиз бўлиб қолдик. Худога шукурки, сиз сардор соҳиб давлат эгаси бўлдингиз ва биз учун ўз ҳунарларимизни кўрсатишга яна навбат келди...

— Хўп, ундай бўлса, қани, бир рубоб чалинг, эшитайлик.

Рубоб торлари созланиб, доира, думбак билан жўр бўлгандан кейин, афғонлар тожикча бир ғазални куйладилар. Улар ҳар мисранинг охирида «амон-амон» деб чўзиб юборардилар.

— Оға!— деди чўзилиб ётган киши,— қани, бир уфор чалинг, баччангизнинг ўйинини томоша қилайлик.

Рубобчи уфор ҳавосига чала бошлади, кокилини тараб ўтирган бола ўйинга тушди...

Базм қизиб бораётган вақтда қишлоқ имоми кириб келди. У мажлисдагилар ўзининг ҳурмати учун туриб беккинг базмларига халал етказмагайлар деб, қадамини тезлатди. Шундай бўлса ҳам, супага яқин келганда, созандалардан бошқа ҳамма жойидан турди. Тўрдаги киши бўлса, имомнинг ҳурмати учун бошини кўтариб, юқоридан жой кўрсатди.

Имом ўтириб, «жаноби олий ва ислом лашкарбоши-си» ҳақларига дуо қилди.

— Тақсир, айб қилмайсиз-да,— деди тўрдаги киши,—«гоҳ худо-ю расул, гоҳ ғамза-ю усул» деганларидай, кеча-кундуз худо ва исломият йўлидан ғазот қилиб юрганимиз сабабли ҳориганимизда, гоҳо шундай базмлар ясаб вақтихушлик қилишимиз ҳам керак, бўлмаса, одам чарчаб, ишдан чиқиб қолади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Тузук, бу ўтмиш подшоларнинг суннатлари. Валиликларига ҳеч бир шак-шубҳа бўлмаган аббосий халифаларнинг ҳам ўз канизаклари бўлган, муғанния ва раққосалар билан базм қилганликлари тарих китобларида ёзилган; узоққа бормайлик, ҳозирги жаноби олий ҳам Бухорода бўлган вақтларида, гоҳо базм қуриб, димоғларини чоғ қилар эканлар; баъзан шариатпаноҳ марҳум қози калон жаноблари, ҳазратнинг базмларига қатнаб, ўйинчи жувонга хушомад қилар эканлар.

— Ундай бўлса, сиз ҳам марҳум қози калоннинг суннатларини бажо келтириб, бизнинг жувонга хушомад қилсангиз-чи!— деди тўрдаги киши.

Имом бир пиёла чой олиб, ўйинчи боланинг олдига борди, бир қўлини унинг бўйнига солди, пиёлани унинг лабига тегизиб:

— Садағанг бўлай, менинг хотирим учун ислом дини йўлида ғазот қилаётган бек жанобларига бир илтифот қилсанг-чи!

— Домла, ўзингиз учун сўранг! Менга ётоқда илтифот қилади,— деди тўрда ётган киши.

Мажлис аҳли қиқирлаб кулди, рубобчи куйлар эди:

...Қўлимда шоҳи рўмол,
Рўмолимни келиб ол!
Ҳар кимки ғози бўлса,
Уйи бўлур тўла мол!
Оҳ! Ҳар кимки ғози бўлса,
Уйи бўлур тўла мол!

— Домла имомга ҳам бир оз пул, мол келади, де, оға!— деди имом рубобчига.

Рубобчи имомга қараб:

Ҳар кимки мулла бўлур,
Уйи тиллага тўлур!

деб куйлади...

Босмачилар қўли орқасига қайрилиб боғланган, бўйнига чилвирдан сиртмоқ солинган бир кишини олиб кириб, тўрда чўзилган кишига рўпара қилдилар.

— Бу ким?

— Роҳати қишлоғидан, Саъдулла деган киши.

— Гуноҳи нима?

— Шаҳарга большевиклар учун ғалла олиб бораётганида қўлга тушди.

— Жуда яхши, ҳозирча олиб бориб отхонага қаманг, базмдан кейин сўроқ қиламиз,— деди тўрда чўзилиб ётган киши.

Аммо тутқунни отхонага олиб бораётганларида, лақай Абдурашид қўл остида ҳовлига элликтача босмачи кириб келди. Абдурашид тутқунга ишорат қилиб, тўрдаги кишига қаради:

— Иброҳимбек! Бу одамнинг бир нафас тирик қолиши ҳам маъқул эмас, уни бизга топшир, далага чиқариб улоқ қилайлик, базминг улоқсиз бўлмасин!

Иброҳимнинг жавобини ҳам кутмасдан отлиқлар Саъдуллани Иброҳимнинг йигитлари қўлидан юлиб олиб, худди улоқдай, тақимларига босиб ҳовлидан чиқдилар. Кенг далада, ўзаро талашиб-тортишиб, унинг қўл-оёғидан тутиб, отларини чоптира бошладилар. Чавандозлар боши кесилган улоққа қандай муомала қилсалар, босмачи отлиқлари тирик Саъдуллага ҳам худди шундай муомала қилдилар...

Ярим соатлик чопиш ва тортишишдан кейин, Саъдулланинг қўл-оёғи ва бўйни узилиб, танаси қон тўлдирилган мешдай бўлиб қолди.

— Энди тортишув қиламиз,— деди Абдурашид йигитларига,— кимки бу гавдани тўдадан чиқариб, бошқа отлиқлардан ўзиб бориб, Иброҳимбек олдига ташласа, бунинг мол-мулки ва хотини ўшаники бўлсин!

Икки босмачи дарахт устига чиқиб, Саъдулланинг танасини арқонга боғлаб тортиб олдилар. Босмачилар дарахт остида тўпланиб, отларининг юганини ёлига ташлаб, қамчиларини тишлаб, оёқларини узангига тираб, дарахт устидан ташланадиган мурдани тутиб олишга тайёрланиб турдилар.

Дарахт устидаги босмачилар Саъдулланинг танасини ҳавода силтаб-силтаб, бўшроқ ерга қараб отдилар.

Босмачилар отларининг сағрисига, бошига қамчи тортиб, ерга тушган жасад устига ёпирилдилар. Кейинроқ қолган босмачилар тўдани ёриб, ёнларида дуч келган отларнинг бошига ва тумшуғига уриб, ўзларига йўл очардилар. Тана устига етиб борганлар отларининг юганини ёлига ташлаб, қамчиларини тишлаб, от устидан ерга эгилиб мурдани тўғри келган жойидан тутиб кўтарар, бошқалар эса, ундан юлиб олишга уринардилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шу тариқа далани бир неча марта айланганларидан кейин чарчаб қолдилар. Шу вақтгача отини аяб тўдага ёндашмасдан юрган Абдурашид, фурсатни ғанимат билиб, тўда устига бостириб борди. Эчки жунидан тобланган якка жиловни, тўрт қат қилиб тананинг белидан ўтказиб тугиб олди-да, жиловнинг бир учини ҳалқалаб, эгарнинг қошига солди, икки қўли билан танани тутиб тақимига босди. «Ҳай жонивор!» деб қамчилаб от сурди...

У эллик қадам бормасданоқ танани бошқа қўллардан бутунлай ажратиб олди, бошқаларни кейинда қолдириб, тўдадан узоқлашди, далани ёлғиз ўзи бир айланганидан кейин ҳовлига кириб, мурдани Иброҳимнинг олдига ташлади.

Шу билан Саъдулланинг мол-мулки, ёш хотини билан бирга, Абдурашидники бўлди.

Рубобчи ҳали ҳам куйламоқда эди:

Ҳар кимки ғози бўлса,
Олар гўзал хотинни...

. . . . . .
. . . . . .

ОРҚАГА ҚАЙТИШ — ОЛДИНГА САКРАШ УЧУН

Изғирин совуқ, қор ёғар эди; деворлари ёрилган, шифти чўккан бир уйга жойлашган гарнизон клуби ҳам совуқликда ташқаридан қолишмасди, қаттиқ бўронда эшик ёруғидан ва деворнинг тешигидан кирган қор, клубни оқ палос тўшалгандай қилган эди.

Хонада ўқдан бўшалган яшиклар устида қизил аскарларнинг бир неча бошлиқлари ўтирардилар. Уларнинг йиртиқ шинель ва этикларидан бу яқинларда марказдан кийим-кечак олмаганлари билиниб турарди; сўлғин юзларидан ва суякларига ёпишган териларидан уларнинг бу яқинларда тўйиб овқат емаганлари маълум эди; лекин уларнинг чақнаб турган кўзлари ва янгроқ овозлари, туганмас ғайрат ва шижоатдан дарак берарди.

— Ўртоқлар, мажлисни очиқ деб эълон қиламан,— деди раислик қилаётган киши,— кун тартибида фақат бир масала бор, у ҳам бўлса, Кўлоб қўрғонини ҳимоя қилиш масаласи. Кун тартибига қўшимча борми?

— ...

— Йўқ!.. Демак, рўзнома бир овоздан қабул. Ҳозирги аҳволимиз тўғрисида доклад қилиш учун сиёсий комиссарга сўз берилади.

— Ўртоқлар!— деб сўз бошлади сиёсий комиссар,— биз Кўлоб қўрғонини сақлаб қолиш учун қўлимиздан келган ҳамма чорани кўрдик, ҳар бир қийинчиликка чидадик. Тишидан тирноғигача инглиз қуроллари билан қуролланган уч минг босмачига қарши олтмиш нафар қизил аскар кўп талафотларга қарамай, матонат билан қаршилик кўрсатиб келди. Агар лозим бўлса, бундан кейин ҳам қарши турамиз. Лекин мен бундан кейин бу ерда туришимизни фойдасиз деб биламан, чунки шу чоққача Душанбадан бизга ёрдам келмади, бундан буён ҳам бу яқинларда ёрдам келиши маълум эмас...

Комиссар, олдидаги синиқ сопол косадан бир қултум сув ичиб, яна давом этди:

— Озуқа масаласи айниқса қийин бўлиб қолди. Бу масала устидан юзаки ўйлаб, ҳатлаб ўтиб кетиб бўлмайди, одам ҳар бир азоб-уқубатга чидайди, аммо очликка чидай олмайди. Бу тўғрида ўртоқларнинг фикрини эшитиб, бир қарорга келишимиз керак.

— Мен,— деди бир қизил аскар,— ҳар нима бўлса бўлсин, бу қўрғонни сақлаб қолиш лозим деб биламан; мен учун деворларига «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деб ёзиб қўйилган, ойларча сақлаб турганимиз бу қўрғонни душман қўлига бериш ҳар бир машаққатдан оғирроқдир. Озуқа бўлса, шу вақтгача қандай топган бўлсак, бундан кейин ҳам ўша йўл билан озми-кўпми топамиз.

Командир сўз олди:

— Менинг суягим гражданлар урушида, контрреволюционерларга қарши курашда қотган. Ҳали тирик эканман, қўрғонни душманга қайтиб беришга рози эмасман, чунки бизни Бухоро Халқ Шўролар Жумҳурияти ҳукумати Бухоронинг мазлум меҳнаткашларига ёрдам беришимизни илтимос қилиб чақириб келтирган. Ўз ихтиёримиз билан бу вазифани зиммамизга олган эканмиз, бўйнимизга олган юкни «энди кўтара олмаймиз» деб ярим йўлда ташлаш биз учун ордир, айбдир. Лекин озуқа масаласи вақтинча бу қўрғонни ташлаб чиқишга мажбур қилади.

Командир бир қултум сув ичиб, яна давом этди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бу ўртоқ (у қизил аскарга ишора қилди) озуқани шу вақтгача қандай қўлга киргизган бўлсак, бундан кейин ҳам шундай қўлга киргизамиз, деди. Мен бўлсам озуқани ўшандай топишдан ташвиш тортмоқдаман, чунки атроф-теваракда егулик нарса қолмаган, ҳамма озуқани босмачилар талаб кетиб, тоғ чўққиларига яширган, аҳоли очликдан азоб чекмоқда. Бунинг устига, биз қишлоққа бориб баъзан бирор нарса топиб, баъзан топмай қайтиб келамиз, биз қайтган ҳамон қадамимиз теккан қишлоққа босмачи келади, у қишлоқ аҳолисини «сенлар қизил аскарларга озуқа бердинглар» деб жазолайди. Босмачиларнинг ваҳшийлиги ўртоқларга маълум: одамларни кесмоқ, осмоқ, тириклай куйдирмоқ, тириклай улоқ қилиб чопмоқ, қишлоқни куйдирмоқ...

Командир нафасини ростлаб давом этди:

— Биз кетгандан кейин ҳам босмачиларнинг шундай ваҳшийлиги қишлоқларда давом этади, лекин у вақтда ҳеч бўлмаганда, аҳоли уларнинг ваҳшийлигига бизни сабаб деб билмайди. Шунинг учун мен, қўрғонни сақлаб туриш умумий мақсадимизга фойдасиз бўлган бир вақтда, бу ерда туриб, аҳолида ўзимиздан ранжиш ҳисси уйғотиш лозим эмас, деган фикрдаман.

Бошқалар ҳам Кўлоб қўрғонини сақлаб туришнинг фойда ва зарари тўғрисида анча гапиргандан кейин, сиёсий комиссар охирги сўзга чиқди:

— Биз бу қўрғонни абадий ташлаб чиқиб кетмаймиз, биз кўпроқ куч билан қурол-аслаҳамизни шайлаб, қайтиб келиш учун кетамиз; бизнинг вақтинча орқага қайтишимиз, инглиз империалистлари ва амир амалдорлари қазиган хандақдан сакраб ўтиш учундир. Бизнинг революцион урушларимиз тарихида бундай вақтинча орқага қайтиб, янги куч билан ҳамла қилишлар кўп бўлган.

Мажлис бир овоздан қўрғонни бўшатиш ҳақида қарор қабул қилди.

ХАЛТА

Иброҳимбек, эшон Султон, Давлатмандбий, Абдулқаюмбий, Тўғайсариқ, Барот ва бошқа қўрбошилар ўз навкарлари ва йигитлари билан бирга Кўлоб шаҳарида тўпландилар. Ҳаммалари ўзаро аҳд-паймон қилиб, Иброҳимни ўзларига бошлиқ тайин қилгандан кейин, босмачи катталари бир уйда тўпланиб, алоҳида «ҳарбий» мажлис қурдилар. Бу мажлисда бошлаб Иброҳим гапирди:

— Ишлар мақсадга мувофиқ бораётир,— деди у,— Кўлоб шаҳарининг қўлимизга ўтиши биз учун хайрли фол бўлиб, бундан буён Бухоро шаҳригача биз учун йўл очилишини кўрсатади.

— Бир Кўлобнинг қўлимизга кириши билан иш битмайди,— деди Давлатмандбий,— Бухоро шаҳрига бориш учун жаноби олийнинг ўзлари келишлари керак. Жаноби олийдан бирор ҳаракат бўлса, бизнинг иш анча осонлашарди.

— Жаноби олийдан ҳам яхши хабарлар келаётир,— деди Иброҳим,— ҳазратим менга марҳамат қилиб, оғзаки юборган хабарларига кўра, худо бизга ёр, пайғамбар мададкордир.

— Қандай?— деб сўради эшон Султон шубҳа билан,— худонинг бировга ёрлиги, пайғамбарнинг мададкорлиги одамнинг муваффақиятларида кўриниши керак, ахир.

— Кўлобнинг ўз қўлимизга кирганини назарга олсак, шунинг ўзи ҳам худонинг бизга ёрлигини кўрсатади,— деди Иброҳим,— бундан бошқа, Афғонистон Шўро ҳукуматидан андиша қилиб жаноби олийнинг инглиз давлати билан алоқа боғлашларига йўл қўймаса ҳам, бу алоқа бор: Афғонистондаги инглиз элчихонасининг бир ходими машкоблик ниқоби остида, ҳар кун жаноби олий турган манзилга кириб чиқиб, ҳазратим билан элчи ораларида хат ташимоқда. Бунинг ўзи ҳам худонинг бизга ёрлигини кўрсатади.

— Жаноби олий билан инглиз элчиси ораларида бўлаётган хат-хабарларнинг натижаси борми, ё қуруқ хат-хабарми?— деб сўради эшон яна шубҳа билан.

— Натижа бор,— деди Иброҳим мағрурлик билан,— жаноби олийнинг менга юборган хабарларига кўра, ҳазратим билан инглиз элчиси бизни қурол-аслаҳа билан таъмин қилиш тўғрисида бир қарорга келганлар, бундан кейин Хонобод ва Бадахшон орқали биз учун турли-туман қурол келиб туради.

— Инглиз давлати қуролларни бизга текин юборадими, ё пул бараваригами?— деб сўради эшон Султон.

— Албатта, пулга.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Пул бўлса, чангалда шўрва денг,— деди эшон Султон,— пул олмасдан юборсайди, биз уни ҳақиқий дўст ҳисоблардик.

— Эшон ҳазратлари ҳар нарсани ўз муридларидан бепул, назир тариқасида олиб ўрганган-да,— деди Барот эшик оғобоши,— шунинг учун инглиз давлати ҳам қуролни назир қилиб берар, деб ўйлаганлар.

— Қурол пулга келса ҳам, бу биз учун бир хазина,— деди Иброҳим,— минг тангага келган қурол билан аҳолидан ўн минг танга ундиришимиз мумкин.

— Ваъда қилинган қуролларни қўлга киргизиш учун аҳолидан солиқ йўли билан пул тўплаб, Афғонистонга юборишимиз керак,— деди Иброҳим.

«Ҳарбий» мажлис Иброҳимнинг бу таклифини қабул қилиб, уни амалга ошириш учун йигитларни қишлоқларга юборди. Уларга: «Ҳамма уйлар кўздан кечирилиб, пулга яроқли ҳамма нарса олинсин, болаларнинг дўппиларига дуо-тумор ўрнида тикилган тангалар ҳам қолдирилмасин» деб қўлланма берилди.

Бу ишлар бажарилгандан кейин, большевикларга қарши урушда «қаҳрамонлик» кўрсатган қўрбошилар ва йигитларни амирга тақдим қилиб, ҳар кимга қилган «ишига» муносиб амал ва мансаб олиб бериш учун, Иброҳимнинг буйруғи билан рўйхат қила бошладилар.

Рўйхатга олишда қўрбошилар ва йигитлар ўзлари қилган «қаҳрамонона ишлар»дан ҳисоб беришга киришдилар:

— Мен фалон қишлоқни ёндирдим!

— Мен бир тикувчини большевикларга форма тикиб бергани учун, хотин-болалари билан бирга ўлдирдим.

— Мен большевикларга хайрихоҳлик кўрсатган саксон яшар бир чолни қулоғидан мих билан дарахтга парчин қилиб қўйдим.

— Мен «энди ҳуррият замони, ҳеч ким бировга катталик қилолмайди, хизматкор билан хўжайин тенг» деб бойларга ҳурматсизлик қилган бир оёқялангни дарахт шохига қулоқларидан осдим.

— Мен бир қишлоқнинг тоққа олиб чиқишга улгурмаган буғдойларини куйдириб, аҳолисини оч қолдирдим...

Бу мажлисда қандайдир бир нарса билан тўлдирилган халтани босиб ўтирган бир киши жим турар, ўз ишларидан «ислом аскарининг бошлиғи» Иброҳимбекка ҳисоб бермасди.

— Сен нега жим турибсан? Афтидан, «ғазот»да бирор иш қилмагансан?— деб сўради Иброҳим ундан.

— Мен қилган ишларнинг барчаси шу халта ичида,— деди у киши, ўзи босиб ўтирган халтани кўрсатиб,— жаноби олий келганларида, буни у кишининг ўзларига тортиқ қиламан!

— Бу халтанинг ичида нима бор?— сўради Иброҳим.

— Жуда қимматбаҳо нарсалар.

— Агар бу халтадаги қимматбаҳо нарсаларинг танга, тилла ёки қимматли тошлар бўлса, уларни ҳозир сарф қилиш керак, чунки уларни Афғонистонга юбориб, эвазига қурол-аслаҳа оламиз, у қурол-аслаҳалар бунақа халталардан юзтасини қимматбаҳо нарсалар билан тўлдиради,— деди Иброҳим.

— Бу халтада тилла, танга йўқ, бундаги қимматбаҳо нарсаларга қурол-аслаҳа нари турсин, косов ҳам бермайдилар,— деди у одам,— лекин жаноби олий буларни кўрсалар, тилла ва қимматли тошлар билан тўла юзларча халталарни кўргандай хурсанд бўладилар.

У одамнинг бу гапларини эшитган бир йигит, ўз ёнида ўтирган бошқа бир йигитга, «афтидан, бу халтада бирор чиройли қиз ё ўғил болани яшириб қўйган», деб шивирлади.

Иброҳим ва мажлисдаги бошқа катталар халтадаги нарсани кўриб билишга қизиқдилар, аммо у одам очиб кўрсатмасди. Охири у одамдан халтани тортиб олиб, очиб кўрдилар: халта кесилган қулоқ-бурунлар билан тўла эди.

— Бу «матоинг» жаноби олий назарида қандай қадр-қиммат пайдо қилади?— деб сўради Иброҳим у одамдан.

— Бу қулоқ-бурунларнинг ҳар бири,— деди у одам,— большевик бўлган мусулмон муртадларнинг ва уларга хайрихоҳлик қилган кишиларнинг қулоқ-бурунлари. Мен бу қулоқ-бурунларни жаноби олийнинг давлатларини қайтадан тиклаш ва мусулмончиликни мустаҳкамлаш йўлида кесганман, бундан кейин ҳам бу йўлда мингларча қулоқ-бурунларни кесажакман ва жаноби олий қайтиб келганларида, буларни муборак ҳузурларига пешкаш қилажакман. У вақтда ҳазратим

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тўғайсариқнинг қандай қаҳрамонлик қилганини ўз кўзлари билан кўриб, шунга муносиб марҳамат қилажаклар.

ИСЛОМ ҲОМИЙЛАРИ

Чўққилари кўкка етаёзган баланд тоғлар; таг-туби кўринмайдиган чуқур сойлар; каклик зўрға юрадиган йўллар; орқасига фил яширина оладиган катта харсанглар... Булар Масчоҳ тоғларининг бир лавҳасидир.

Бу лавҳанинг бир бурчагида кичкина қора нуқта кўринади, бу Масчоҳдаги Оббурдон деган қишлоқ. Бу қишлоқ ўртасидаги ўн икки ҳужрали бир бино 1921 йилдан 1923 йилгача «ислом ҳомийси» бўлган бир «ҳукумат»нинг «пойтахти» эди, унинг бошлиғи Саид амир Аҳмадхон ўз йигитларига «ислом ҳомийлари» деб ном берган эди.

Саид амир Аҳмадхон унвони, тартиби ва турмушида бошқа босмачи қўрбошиларидан фарқ қиларди: барча қўрбошилар собиқ Бухоро амирини «жаноби олий» деб атасалар, бу унинг унвонига «биродаримиз» сўзини қўшиб гапирарди; бошқа қўрбошилар ўзларини «бек», «бий», «тўқсоба» атасалар, бу ўзини амир билиб «Саид амир Аҳмадхон» деб юритарди, яъни ўзини унвон ва мартабада бошқа қўрбошилардан юқори санаб, Бухоро амири билан баравар биларди.

Лекин Саид амир Аҳмадхоннинг Саид амир Олимхондан фарқ қиладиган бошқа баъзи хусусиятлари ҳам бор эди: собиқ Бухоро амири ҳар бир янги сўздан, ҳар бир янги нарсадан қутурган ит сувдан қўрққанидай қўрқса, бу «амир» феодализмнинг энг эски нишоналарини сақлаб тургани ҳолда, баъзи янги тартиб ва янги сўзлардан ҳам қўрқмасди, унинг бу хусусияти ўз «пойтахти» бўлган бинонинг эшиклари устига ёпиштирилган лавҳалардан билинарди, чунончи, гўзал ва йирик хат билан бир лавҳага «қозихона», бошқа бирига «муфтихона», яна бирига «раисхона», «сараскархона», «бошвазирнинг кабинети», «умумий девон» каби сўзлар ёзилган эди. Лекин бу тор ҳужраларга бирор киши кириб ўтирмасди.

Бошқалардан кенгроқ бир ҳужранинг лавҳасига «заседание зали» деб катта ҳарфлар билан ёзилган, бу

сўзларнинг остида кичик ҳарфлар билан қавс орасида «машваратхона» деб қайд қилинган эди.

Бу ҳужрада Каркининг нафис қизил гилами тўшалган бўлиб, икки ёнида якандоз, тўрида беш қават тоза пахтали кўрпа, устма-уст пар ёстиқлар қўйилган эди.

Ҳужранинг деворларида қилич, шохдор милтиқ, шашпар ва ханжар каби эски замон қуроллари осилган, қуйида — чакас устига қўнган лочин қанотларининг остини ва парларининг ораларини тумшуғи билан қашиб турарди.

Ҳовлининг бир чеккасида ғорга ўхшаган бир тешик бор; бу тешикдан ўн-ўн икки газ пастга тушганда, ер остидаги бир ҳовличага тушилади. Бу ҳовличада уч ҳужра бўлиб, бирининг эшиги устига «зиндон», иккинчисига «шарбатхона», учинчисига «қурхона» деб ёзилган.

Зиндонда бўйинларига, оёқларига ғул ва занжир боғланиб, кунда қоқилган бир неча хўжандлик, ўратепалик, панжакентлик деҳқонлар «вой жоним!» деб қақшаб ётар эдилар; шарбатхонада салла, чопонли бир европалик киши, Ўратепа ва Панжакентдан талаб келтирилган майизларни ароқ тортадиган аппаратга солиб, ароқ тайёрламоқда эди; қурхонада бўлса, биринчи жаҳон урушида рус аскарлари қўлига асир тушган австрияликлардан бири салла, чопон кийиб «ислом ҳомийлари» учун патрон ясамоқда ва ўқ қуймоқда эди.

1921 йилнинг ёзида «ислом ҳомийлари»нинг ҳамма катталари заседание зали (машваратхона) да тўпланган эдилар. Мажлиснинг тўрида Саид амир Аҳмадхон беш қават кўрпа устида чордона қуриб ўтирарди; унинг ўнг ёнида, узун кўрпача устида муфти, қози, раис, уламо ва эшонлар, чап ёнида қўрбошилар чўккалаб, қўл қовуштириб, «амир» дан кўзларини узмай ўтирардилар.

Саид амир Аҳмадхон мажлисни очиб, ўзи сўз бошлади:

— Мен бир неча вақт Хўжанд уездининг Букса-Исфони вулусида ижроия қўмитанинг раиси бўлиб большевикларга хизмат қилдим. Лекин бу озгина хизмат вақтида улардан кўп нарсани ўргандим: большевикларнинг муҳим ишларидан бири — келажак учун олдиндан чора кўриб план чизишларидир, шунинг учун ҳеч бир ишда гангираб қолмай, план бўйича олиб борадилар. Биз ҳам келажагимиз учун ҳозирдан чоралар топиб, план чизиб ишлашимиз керак.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бу ишимиз большевикларга тақлид бўлмайдими, тақсир?— деди бир мулла,— китобларда «бирор киши ўз ишида, юриш-туришида ўзини бошқа қавмга монанд қилса, ўша қавмдан ҳисобланади», деганлар. Биз бу ишимиз билан, худо кўрсатмасин, большевик бўлиб қолмаймизми?

— Ундай бўлса, сиз нон еманг, сув ичманг, чунки большевиклар нон ейдилар, сув ичадилар,— деди Саид амир Аҳмадхон муллага қараб. Кулги босилгандан кейин, ўз сўзини давом эттирди:

— Масчоҳда ҳеч нарса йўқ. Фалғарда бўлган озмикўпми озиқ-овқат тугади. Шу кунларда бу районлардаги аҳоли бизни тўйғазиш у ёқда турсин, ўзлари очликдан ўлмоқдалар...

— Хўжанд ва Ўратепа томонларга бир босқин қилиб, озиқ-овқат олиб келсак бўлмайдими?— деди бир босмачи.

— Большевиклар кейинги кунларда Хўжанд ва Ўратепа томонларни шундай мустаҳкам қилганларки, Роқиф ва Оббурдондан нарига ўтиш сира мумкин эмас,— деди Саид амир Аҳмадхон.— Бир неча вақт биродаримиз Бухоро амири жаноби олийлари бизга Ҳисор томондан ёрдам бериб турдилар, лекин кейинги вақтларда у кишининг давлатларига ёмон кўз тегиб, биз у кишининг ёрдамларидан ҳам маҳрум бўлиб қолдик.

— Демак, тезликда бирон томонга бостириб бориб, озиқ-овқат, кийим-кечак топиб келмасак, аҳволимиз чатоқ,— деб бир қўрбоши Саид амир Аҳмадхон сўзини шарҳлади.

Саид амир Аҳмадхон у қўрбошининг сўзини маъқуллагандан кейин, давом этди:

— Ҳозирча талаб келиш учун, Ҳисор ва Душанбадан бўлак маъқул жой йўқ, большевиклар у томонларга янги келганликлари сабабли, ҳали вилоятни тузук забт қилиб, қўлга киргизганлари йўқ, шунинг учун у томонларга бостириб бориш осон. Менинг фикримча, Ҳисор ва Душанба томонларга икки тарафдан икки даста юбориб, талон-торож қилиб келиш керак.

Саид амир Аҳмадхон сўзининг охирида чап қўлидаги қўрбошиларга қараб:

— Давлат арконимизнинг фикрлари қалай?— деб сўради.

— Ҳазрат каромат қилдилар!— деди ҳамма.

— Уламолар бу тўғрида нима дер эканлар?— сўради Саид амир Аҳмад ўнг қўли томондаги муфти ва қозилардан.

— Тақсир,— деди қози,— хайр иш учун ҳеч бир фол кўриш керакмас деганлар, бундай яхши фикрни амалга ошириш учун ҳеч бир машварат керакмас, бу тўғридаги олий фикрлари тамоман тўғри. Бу хайр ишни бажо келтириш учун дарбори олийларидаги баҳодирларга фармон бериш кифоя.

Бошқа муллалар бошларини қимирлатиб, қозининг фикрини тасдиқладилар. Аммо муфти жим турар, на сўз билан ва на ишорат билан бу фикрни маъқуллаганини билдирмасди.

Бу ҳолни пайқаган Саид амир Аҳмадхон муфтидан сўради:

— Сиз нега бирон нарса демадингиз?

— Билмасам,— деди муфти,— мусулмонлар юртини ёппасига талаб олиб келиш шариат юзасидан тўғри бўлармикан?

— Лонусаллим! Сизнинг бу фатвонгизни қабул қилмаймиз,— деди пойгакда ўтирган бир мулла,— жаноби олий Бухоро амири қочиб кетиб, мамлакат большевиклар қўлига ўтгандан кейин, Ҳисор, Душанба томонлар мусулмонободликдан чиқиб, дорулҳарб бўлди. Дорулҳарбга бостириб бориб талаб келишни тарих китобларида сиря дейдилар. Пайғамбаримиз ҳам мусулмонобод бўлмаган мамлакатларга ўз асҳобларини юбориб, талатиб келтирардилар. Шунинг учун Ҳисор ва Душанба томонларидаги аҳолини талаб келиш шариат юзасидан жоизгина эмас, балки пайғамбаримизнинг суннатлари ҳисобланади.

Бу мулланинг фатвоси Саид амир Аҳмадхон ва унинг давлат аркони бўлган қўрбошиларга жуда маъқул тушди, шунинг учун эски муфти «ишдан олиниб», ҳаммадан қуйига ўтқазилди, бу маъқул фатвони берган муллага муфтилик унвони берилиб, ҳаммадан юқорига чиқарилди. Шу фатвога мувофиқ, босмачи «ғозилар»нинг энг «ботир»лари (ваҳшийлари) Ҳисор ва Душанба томонлардаги мусулмонларни талаб келиш учун жўнадилар.

Иброҳим Галлу Қўлоб ва Балжувонни Давлатмандбий билан Абдулқаюмбий қўлларига топшириб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўзи Душанба яқинидаги Мавлоно қишлоғига келди ва у қишлоқни ўзига «пойтахт» қилиб олди.

Иброҳим Галлу, қизил аскарлар ўз ихтиёрлари билан ташлаб чиққан Кўлоб қўрғонини, гўё «ўз жонимни таҳликада қолдириб, қўлга киргиздим» деб, амир томонидан катта унвон ва амаллар билан сарфароз қилинган эди. Унинг унвон ва амаллари амир юборган «Муборакнома»да: «Мулла Муҳаммад Иброҳимбий девонбеги лашкарбоши тўпчибоши бинни Чақабой тўқсоба» дейилган эди.

«Мулла Муҳаммад Иброҳимбий девонбеги лашкарбоши тўпчибоши бинни Чақабой тўқсоба» Мавлоно қишлоғини ўзи учун «пойтахт» қилиб турган кунларида, «тўпчибоши» деган унвонни оқлаш учун, амирнинг одамлари томонидан бир дарага ташлаб кетилган эски тўпни кўп от-улов ва одамлар билан судраб келтириб, Мавлоно қишлоғида бир баландликка чиқариб, оғзини Душанба томонга қаратиб отдилар.

Тош тўпнинг оғзидан чиққан ҳамон ерга тушган бўлса ҳам, тўпнинг овози Душанбада эшитилди. Бу овозни эшитган қизил аскарлардан бир бўлаги пулемёт билан овоз чиққан жойни излаб, Мавлоно қишлоғига борди. Улар қишлоққа етган ҳамон «Мулла Муҳаммад Иброҳимбий девонбеги лашкарбоши тўпчибоши бинни Чақабой тўқсоба» ўз «лашкари» ва «тўпчилари» билан бирга тоққа қараб қочди. Ундан қолган тўпни Душанбага олиб борилиб, у билан тарихий музей учун пойдевор қурилди.

Иброҳим Тўғайсариқ билан бирга ўз йигитларини эргаштириб, Душанба ва Ҳисор атрофидаги деҳқонларни талон-торож қилиб юрганда, у томонлардаги аҳоли бошига бошқа бир бало ҳам келиб қолди: бу, ўз йигитлари билан бирга Ромит дарасидан ўтган Нусратшоҳ билан Варзоб томондан келган Асрор тўра эди. Булар Саид амир Аҳмадхоннинг буйруғига кўра, Душанба ва Ҳисор томонларидаги мусулмонларни талон-торож қилмоқ учун келган «ислом ҳомийлари»нинг танланган йигитлари эди.

Булар озиқ-овқат, кийим-кечак ва палослардан тортиб, то қозон-товоқ, чўмич, хурма каби рўзғор буюмларигача, бирор нарсани қолдирмай талар ва от-уловларга юклаб, Масчоҳ томонга жўнардилар, қўй, эчки, сигир каби чорва молларини ҳам шу томонга ҳайдардилар, ҳатто ош тузини ҳам уйма-уй йиғиштириб олиб, эшакларга ортиб таширдилар. Уларнинг бу машъум ишига заррача қаршилик кўрсатган киши қилич дамидан ўтказилар, ё бўлмаса кўкрагига милтиқ найзаси қадаларди.

Нусратшоҳ келиб Душанбанинг Қибла қишлоғига қўнди, Асрор тўра Хонақоҳ қишлоғида манзил қилди.

Аммо Душанбадан чиққан қизил аскарлар отряди уларга ҳужум қилганда, икки «ислом ҳомийси» йигитлари келган йўллари билан қочдилар, яна бир марта Ромит ва Варзоб аҳолисини талаб, «мусулмонобод» бўлган Масчоҳ тоғларига чиқдилар.

Мулла Муҳаммад Иброҳимбий девонбеги лашкарбоши тўпчибоши бинни Чақабой тўқсоба бу воқеа тўғрисида собиқ амири Бухорога қуйидаги мазмунда ариза юборди:

«Жаҳон паноҳо! Қулингиз Масчоҳ беги мусулмонларни тинчлатиш ва олий давлатларини мустаҳкамлаш мақсадида, ўз саркардаларидан Нусратшоҳ ва ўз биродари Асрор тўра қўл остида «ислом ҳомийлари»дан қўшин дасталарини бу томонларга юборди, улар бир неча вақт «мусулмонларни тинчлатиб», уларнинг «душманларини» қириб, яна ўз юртларига қайтиб кетдилар. Бошқа жиҳатдан мамлакат осойишталикда бўлиб, аҳоли ҳазратимни дуо қилиш билан машғулдирлар».

КЎКНОРИ ХАЁЛЛАРИ

— Дохунда!

—...

— Ҳой Дохунда!

—...

— Дохунда, дейман! Тирикмисан, ўлик?

— Лаббай, тақсир! Ҳозир бораман!—деб жавоб берган Дохунда, мухтор вакилнинг мирзахонасига кирди.

— Уйқудамидинг? Дарҳол бир чойнак чой олиб кел!

Дохундага чой буюрган мухтор вакилнинг бош котиби, у узоқлашгандан кейин, ўз хизматдошига:

— Бултур Бухорода, шу Дохунда ҳақида нима деганим эсингда борми?— деди.

— Нима деган эдинг?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Агар хат-саводи бўлса, мухтор вакилнинг бош котиби бўларди, деган эдим.

— Хўп, нима бўлибди?

— У воқеадан бир йил ўтар-ўтмас менинг ўша тахминим тўғри бўлиб чиқаёзди.

— Қандай?

— Бу одам, бу орада хат-саводли бўлди, авзойи ҳам бузилди, буюрган ишни аввалгидай тезлик билан қилмайди; бирор иш буюрсанг, ўзини билмасликка солади, жойидан зўрға қимирлайди: «Ўзингиз қилаверинг!» дегандай бўлади. Унинг бу юриш-туришидан бош котиблик ҳавасига тушгани маълум бўлиб туради.

— Хатини ўзидан бошқа киши ўқиёлмайди, бу ҳолда у нечук бош котиблик ҳавасига тушади, уни ким бош котиб қилади?

— Большевиклар замонида ҳуснихатнинг қадр-қиммати қолмади, хати борми, бор, бош котиб бўлди дея бер!

— Бу қандай қилиб хат-савод чиқарган-а?

— Большевиклар илм олишни хор қилдилар, биз домулланинг қанча калтагини еб, фалақ азобларига чидаб, ўн йилда хат-саводли бўлган эдик. У бўлса, олти ойда ўз-ўзидан хат-савод чиқарган. Хайриятки, мухтор вакил мен билан қадрдон дўст, бўлмаса, бу менинг қўлимдан бош котибликни тортиб оларди. У фаол большевик, мен эса, эски ҳукумат хизматчиси ҳисобланаман, бундай аҳволда фақат мухтор вакилнинг қадрдонлиги мени бу мансабда сақлаб турибди...

— Сен қизиқ одамсан, шерик,— деди бош котибнинг хизматдоши,— бир оғзинг очилди, сурнайчидай нафас олмай гапира берасан. Бу замон ҳуррият замони, киши кишига бурнини кўтариб гапиролмайди. «Дохунда хат-савод чиқарди, бош котиб бўлади, фаол большевик бўлди...» деб, қайғуриб ўтиришнинг фойдаси йўқ. «Ака»де, «ука»де, ишингни ўнгла; агар ҳар ишда жанжал чиқарсанг, ютқизасан.

Бош котиб шеригидан сўради:

— Сен ўзинг ишнинг боришига диққат қиласанми, йўқми?

— Қандай ишнинг боришига?

— Мухтор вакил ишининг боришига-да: у доимо Алиризо билан шивирлашиб гапирмоқда, кечалари

тонг отгунча шивирлашади, уларнинг олдига Дониёлдан бўлак киши киролмайди.

— Шивирлашса шивирлаша берсин! Бизга нима дахли бор?

— Улар...

— Дохунда келаётир, у кетгандан кейин гапираман,— деди бош котиб шивирлаб.

Дохунда бир чойнак чой келтириб, бош котиб олдига қўйди. Бош котиб чойни қайтариб туриб Дохундадан сўради:

— Бир чойнак чойни дамлаб келтириш шунча қийинми?

— Самоварнинг суви совуган экан, қайтадан қайнатдим.

— Самовар қайнагунча нима қилдинг?

— Алиризо афанди сарбозларни парад қилдётир, шуни томоша қилиб турдим.

Бош котиб бир пиёла чойни ўз олдига қўйиб, бўш чойнакни Дохунда томонига сурди.

— Бунга ҳам аччиққина қилиб дамлаб келтир, ундан кейин сарбозларни томоша қилавер!

Дохунда бўш чойнакни олиб кетди, бош котиб пиёладаги чойни ича туриб, ўз хизматдошидан:

— Боя мен нима деятган эдим?— деб сўради.

—«Улар» деб жим бўлган эдинг.

— Ҳа, тўғри, улар, яъни мухтор вакил билан Алиризонинг бирор ёмон хаёли борга ўхшайди, чунки кечалари баъзи босмачилар ҳам буларнинг олдига келиб кетади. Булар бирор фалокатни бошламасалар деб қўрқаман.

— Булар қандай фалокатни бошлайди, деб қўрқасан? Мен тушунмайман!

— Булар босмачилар билан бирлашиб кетадилар, деб қўрқаман.

— Босмачилар билан бирлашсалар бирлашиб кета берсинлар! Бизга нима дахли бор? Бизнинг вазифамиз кундалик ишни шулар буюргандек бажариш ва ойлигимизни олиш. «Лўлининг эшагини суғор, пулини ол!», деганлар. Булар босмачилар билан бирлашадилар, ёки босмачи бўладилар деб ўйлаб, қайғуриб ўтириш керак эмас.

— Мен сенга бир эсдалигимни нақл қилай,— деб бош котиб гап бошлади,— жаҳон уруши вақтида мар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳум қози калон, бир кун мендан: «Шу Гинденбург дегани ким-а? Нега у урушнинг қайси томонига борса, у ерда ўн минглаб одам ўлаверади?» деб сўраган эдилар. Мен ҳеч бир ўйлаб кўрмасдан, «Гинденбург дегани ажалдир, тақсир, ажал! У қаерга борса, ўзи билан бирга ажал олиб боради» деган эдим. Ўйламасдан берган бу жавобимдан кейин, Гинденбург ҳамиша назаримда, ажал суратида кўрина бериб, мени ажалнинг худди ўзидай қўрқита бошлади. Айниқса, ухламоқчи бўлсам, Гинденбург кўз олдимда ажал суратида намоён бўлади, ётган жойимдан сесканиб тураман. Жаҳон урушининг охиригача тинч ухлай олмаган эдим.

Бош котиб ўз эсдалигини нақл қилиб бўлганидан кейин, унга боғлаб, шу кунлардаги аҳволнинг баёнига киришди:

— Босмачилар пайдо бўлгандан бери ҳар кеча уйқумда Гинденбург ўрнига босмачини кўриб, сесканиб тураман, айниқса, кейинги кунларда улардан бирортаси кўзини қон тўлдирилган косадай қилиб, мухтор вакилнинг олдига келганда, ажал суратида бўлган Гинденбургни уйқумда эмас, ўнгимда кўриб, жоним чиқаёзади.

— Мухтор вакил босмачилар билан бирлашса, улар мухтор вакилнинг котибларига қандай зиён етказишлари мумкин? Бу жиҳатдан сенинг қўрқишинг кўкнори қўрқиш-ку?

— Худо кўрсатмасин, агар мухтор вакил босмачилар билан бирлашса, улар ёлғиз большевикларнигина эмас, бирор жадидни ҳам тирик қўймайдилар. Бу орада сен билан мен ҳаром ўлиб кетамиз. Ана шундай ташвишлар кайфимни қочириб, жонимдан безор килаётир. Бўлмаса, мен учун амири ҳам, босмачиси ҳам, жадиди ҳам бир, агар кайфимни бузмаса, ҳатто большевиги ҳам бир. Ким пул берса, мен ўшанинг қули. Боя айтганингдай, «Лўлининг эшагини суғор, пулини ол!», деган ҳикматли сўзга амал қиламан.

— Мен сенинг кўкнори хаёлингга қўшила олмайман,— деди бош котибнинг хизматдоши,— мухтор вакил бутун Шарқий Бухородаги ишларни бошқаришда тўла ихтиёрли вакил бўлибгина қолмай, Бухоро Халқ Шўролар Жумҳурияти Марказий Ижроия Қўмитасининг Раиси ҳамдир. Босмачилар бўлса, бу жумҳуриятнинг душмани. Шундай бўла туриб, мухтор вакил босмачилар билан нега бирлашсин?

Бош котиб бир оз ўйлаб тургандан кейин, жавоб берди:

— Мен Дохундадан «букун бўлмаса эрта бош котибликни қўлимдан олади» деб қандай қўрқсам, мухтор вакил ва бошқа жадидлар ҳам дохундалардан ўшандай қўрқадилар. Гап шундаки, мухтор вакил ва унинг маслакдошлари, большевикча тартибларга рози эмаслар. Тўғри, Бухоро инқилобидан кейин мухтор вакил коммунистлар партиясига кирган, лекин унинг коммунист бўлиши сен билан менинг жадид бўлганимиздай, замонанинг заруратидан, замонага мувофиқлашишдан келган бир ишдир.

— Мухтор вакил хоҳ қалбаки большевик бўлсин, хоҳ ҳақиқий, барибир, у ҳозир Бухоро Халқ Шўролар Жумҳуриятининг бошлиғидир. Агар у босмачилар билан бирлашса, биринчи навбатда мана шу олий мансабдан ажралади. У қалбаки большевик бўлса ҳам, босмачилар билан бирлашиб, юзидаги ниқобни ўз қўли билан йиртиб ташлаб, ўз оёғига аҳмоқларча теша уришига ақлим бовар қилмайди.

— Сенинг ақлинг қисқа, шунинг учун узоқроқда бўлган нарсаларни кўрмайсан. Сени бу ишлар билан яхшироқ таништириш учун равшанроқ қилиб айтай: мен ўзимни жадид кўрсатиб, мухтор вакилга бош котиб бўлиб олганим каби, у ҳам ўзини большевик кўрсатиб, ҳукуматнинг олий мансабини эгаллаб олган, лекин мен Дохундадан қўрққаним каби, у ҳам дохундалардан, машкоблардан, аравакаш, отбоқарлардан, камбағал деҳқонлардан, илгари эзилган халқ оммасидан қўрқади. Чунки, ҳукумат иши халқ оммаси қўлига ўтгандан кейин, мухтор вакилни ҳукумат бошлиғи қилиб қўйсалар ҳам, у ундай мансабдан рози бўлолмайди: у вақтда халқ оммаси уни кузатиб туради; ҳар бир ишидан ҳисоб сўрайди, ўзбошимча ҳукмронлик қилишига йўл қўймайди. У ҳолда у ўзини «ҳукумат бошлиғи» эмас, балки гадойлар тўдасининг оқсоқоли каби ҳис қилади. Ҳолбуки, мухтор вакил ва унинг фикрдошлари халқ оммасининг хўжайини, уларнинг ўлик-тиригининг эгаси ва мамлакатнинг тўла ҳукмрони бўлишни ва унинг бойлигидан тўла фойдаланишни истайдилар. Шунинг учун мухтор вакил ҳукумат иш-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларини омманинг қўлига ўтмаслиги йўлида чора кўрмоқчи, босмачилар билан бирлашиб бўлса-да, бу йўлни тўсмоқчи.

— Руслар, амир ва босмачиларни йўқ қилиш учун келган қизил аскарлар мухтор вакилнинг бу ишига йўл қўярмиканлар?

— Агар улар мухтор вакилнинг бу фосид мақсадини англасалар, албатта, йўл қўймайдилар, лекин у бу ишларни улардан яширин қилаётир.

— Бундай бўлса, милиция ва миллий аскар ташкил қилиб, Бухоро Халқ Шўролар Ҳукумати томонидан бугунгача босмачиларга қарши урушиб келган Алиризо ва Дониёл афандилар мухтор вакилнинг бу ишига нега рози бўлганлар?

— Булар ҳам бугунгача замона заруратидан босмачиларга қарши урушардилар, энди ўзларига катта таянч топгач, юзларидаги ниқобни йиртиб ташламоқчилар, ҳатто мухтор вакилга далда бериб, уни бу йўлга солган ҳам шулар бўлсалар керак, чунки мухтор вакил босмачилар билан бирлашишни қанча истаса ҳам, ўзи табиатан қўрқоқ бўлгани сабабли, бу ишга ботина олмасди.

— Хўш, буларнинг катта таянчи ким?

— Сен дунёга янги келган кишидай гапираётирсан-а, шерик! Усмонли турк жадидларининг бошлиқларидан Анварпошо каби машҳур бир кишининг, Бухородан қочиб келиб, босмачилар орасига кириши қимиз ичиб, қази ейиш учунми эди?.. Аслда, бош фитначи ана ўша Анварпошодир, агар у бўлмаса, Алиризо ҳам, Дониёл ҳам, буларнинг фикрдошлари бўлган бошқа фитначилар ҳам, мухтор вакил ҳам бу ишга жасорат қила олмасдилар. Менинг фикримча, Анварпошо «меҳмон бўлиб» Бухорога келганида, большевикларга қарши барча «атоқли» кишиларни бир жойга йиғиб, уларга далда бериб, бу ишни пиширган, ажаб эмаски, мухтор вакилдан бошқа ҳам Бухоро Халқ Шўролар Жумҳурияти ҳукуматининг баъзи раҳбарлари бу ишга қўшилган бўлса.

— Анварпошо...

— Жим бўл, Дохунда келаётир.

Дохунда чойнакни келтириб бош котиб олдига қўйди.

— Яна самоварнинг суви қайнашдан қолган эканми? Ёки ҳали ҳам парад бўлаётирми?— деб пичинг қилди

бош котиб. Дохунда жавоб бермай, кулимсираб чиқиб кетди.

— Кўрдингми?— деди бош котиб ўз шеригига,— Дохунда бизнинг гапимизни писанд ҳам қилмайди, кулимсираб, масхара ҳам қилади.

— Тоғ боласи-да, одоб-назокатни билмайди, хозиргача бир бизни эмас, ҳатто мухтор вакилни ҳам «саналаб» гапиради. Бунинг ҳар қилиғидан гумонсираш керак эмас. Нега сен Дохундадан бу қадар ҳайиқасан-а?

— Бу булгурги Дохунда эмас,— деди бош котиб,— ҳозир у ҳар бир гапни фаҳмлайди, ҳар бир ишни тушунади, ҳатто одамларнинг юз-кўзидан кўнглидагини пайқаб олади. Мен кечалари уйқум қочганда, гулханни қизитиб, уни чақириб гапиртириб ўтираман. Мухтор вакил, Дониёл ва Алиризоларнинг кўп сирларини ҳам шу— Дохунда орқали билиб олдим: унинг гапига кўра, аввалларн бизда озуқа вакили бўлиб, халқни додга келтирган, ҳозир қочиб кетиб, босмачи бўлган Абдураҳмон мингбоши бундан икки кеча бурун ўзига қарши урушиб юрган Дониёлнинг олдига келиб, ундан қирқ дона милтиқ, икки яшик ўқ олиб кетган; мухтор вакил олдига яширинча келиб кетадиган босмачиларни ҳам менга ўша кўрсатди...

Бош котиб бир пиёла чой ичиб, ҳалқумини ҳўллагандан кейин, яна давом этди:

— Дохунда берган хабарларга кўра, халқ орасида «жадидлар босмачилар билан бирлашиб, руслар ва қизил аскарларга қарши урушар эмишлар» деган овоза тарқалганмиш, бу овозани эшитган бойлар, муллалар, эшонлар «худо хоҳласа, яна амирлик замони қайтиб келади» деб қувонармишлар, амир замонида эзилган бечоралар бўлса, «афтидан, босмачилар азоби халқ учун етарли эмас эканки, бу наҳс жадидлар ҳам уларга қўшилиб, мамлакатни яна хароб қилмоқчи эканлар» деб ташвиш тортар эмишлар. Мен Дохундаининг гапларига «ҳа-ҳа» деб ўтираман, ўзимни бу ишлардан тамоман бехабар қилиб кўрсатаман. Агар Дохунда бу гапларимизни билса, «булар ҳам бу воқеалардан хабардор экан» деб гумонсираши мумкин. Ҳали ишнинг оқибати қандай бўлиши маълум эмас. Ҳар ҳолда инқилоб вақтида эҳтиёт бўлиш керак.

— Анварпошодай машҳур бир арбоб ўз юртини ташлаб, бу томонларда нима қилиб юрибди?

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Мен жадид бўлмасам ҳам, газет ўқийман. Анварпошони Туркияда ҳуррият бўлгандан бери газет орқали танийман. Бу ҳам қон тўкишда Гинденбургнинг шериги ҳисобланади; жаҳон урушида ҳам Гинденбург қўли остида ишлаган. Кўп вақтлардан бери «бутун дунё туркларини бирлаштираман» деб қон тўкади. Жаҳон урушида енгилиб, обрўсизланганидан кейин, қочишга мажбур бўлди. Туркия халқини қўзғатиб, русларнинг ёрдами билан ўз ватанини қайтариб олган Камолпошо яна бирор фитна қўзғатмасин деб, уни Туркияга йўлатмади. «Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас», деганларидай, ўз ватанига йўл топмагандан кейин, шуҳрат ахтариб бу томонларга келган; у собиқ душмани инглиз давлати билан тил бириктириб, гўё сиёсий томондан ўз заминини мустаҳкамлаб, «нодон халқ орасида шуҳрат топиш осонроқ бўлар» деб бу томонларга келиб, босмачилар билан бирлашган ва инглиздан ёрдам олиб, бу хавфли ишга кирган.

— Жадидларнинг душмани бўлган босмачилар дунё жадидларининг бошлиғи ҳисобланган Анварпошо билан қандай қилиб бирлашади?

— Ўғри ўғрини қоронғида топади, деганлар. Ҳозирча булар большевикларга қарши урушишда, халқ устидан ҳукмронлик қилишда ва мамлакатни талашда баравар манфаатдор бўлганлари сабабли бир-бирлари билан келишганлар, лекин булар ўғриларча бир-бирларини алдаб, ўз мақсадлари учун пайт пойлаб юрадилар. Анварпошонинг мақсади «дунё мусулмонларини бирлаштирамиз» шиори билан босмачиларни ўз итоатига киргизиб, ярим буржуа, ярим феодал ҳукумати тузиб, ҳокимиятни ўз қўлига олишдир, босмачилар бўлса, Анварпошонинг шуҳрат ва обрўйидан фойдаланиб, ҳокимиятни ўз қўлларига олиб, феодал ҳукумат ташкил қилиб, «ботир кассоб» — амир Насрулло даврини тиклаб, ҳар бири бир тепага бек бўлиб, халқни таламоқчилар. Гапнинг қисқаси, жадид, қадим, мусулмон, турк, миллат, ватан, шариат, дин деб дод-фарёд кўтаришлар сув лойқатиб балиқ овлаш каби гап, улар оммада диний, миллий адоват қўзғаб, буни ўз мақсадлари йўлида истифода қилмоқчилар, бу орада сен ва мен ҳаром ўлиб кетамиз.

— Сенинг бу тахминларинг ҳаммаси кўкнори хаёл. Иншоолло, ҳеч бир қўрқинчли иш бўлмайди.

— Баъзан кўкнорилар ҳам ўз хаёллари билан кўп ҳақиқатларни топадилар, ҳар ҳолда бу хаёлларнинг оқибатидан эҳтиёт бўлиш керак.

ОЗИҚ-ОВҚАТ АХТАРИШ

— Салом дур!

Душанба қўрғонида икки соатдан бери саф тортиб турган Бухоро Халқ Шўролар Жумҳуриятининг миллий аскарлари юқоридаги командани эшитиш билан «салом вазияти»ни олдилар. Бўйи узун, ранги сариқ, мўйлови қуюқ ва узун, усмонли турклар ҳарбий кийимини кийган командир, бурутларини юқорига товлаб қўйгандан кейин, ўзидан бир оз кейинроқда турган кавказча кийимли кишига қаради:

— Насил[1], Дониёл афанди?— деб сўради.

— Чўх гўзал!— деди Дониёл афанди.

Шу вақтда қўрғоннинг меҳмонхонаси томонидан узун бўйли, ранги-қути ўчган, ориқ, касалманд ва сўлғин юзли, нурсиз кўзларида ташвиш кўриниб турган бир киши намоён бўлди. Командир ва Дониёл бу кишини кўрганлари ҳамон аскарлар сафининг олдига ўтиб «салом вазияти»да ҳозир турдилар.

Меҳмонхона томонидан кўринган киши, аста-секин қадам босиб, командир ва Дониёл олдига келди, уларнинг салом ва эҳтиромларини қабул қилгандан кейин, аскарларга қараб:

— Ўғлонларим, насилсиниз?— деб сўради.

Аскарлар баравар жавоб бердилар.

— Соғмиз, Бухоро Халқ Шўролар Жумҳурияти хизматига тайёрмиз! Яшасин мухтор вакил ҳазратлари!— деб бақирдилар.

Мухтор вакил қабул аломатида бошини силкитиб олгандан кейин:

— Ташаккур эдарам!— деди.

Туркча сўзни англамаган бир сарбоз ёнидаги Шарифбой деган сарбоздан:

— Мухтор вакил уят гап гапирдими?— деб сўради.

Шариф ўзини тутолмай кулиб юборди.

Ҳарбий низомномага зид бўлган бу ҳолни кўрган командир ҳарбий бошлиқларга хос чаққонлик билан

[1] Насил — аҳвол қалай. *(турк.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

иккинчи сафга ўтиб, Шарифнинг юзига бир шапалоқ урди, баланд ва йўғон овоз билан қичқирди:

— Пазаванглар, иссс!..

Командир ўз жойига қайтаётганда Шариф ўз ёнидаги сарбозларга баландроқ овоз билан:

— Уҳ, Акром тўпчибоши[1] яна қайси гўрдан тирилиб келди-а?— деди.

Сарбозлар баравар кулиб юбордилар.

Командир кулгини эшитган бўлса ҳам, ўзини билмасликка солиб, жойига бориб мухтор вакилнинг қаршисида салом вазиятида турди:

— Гўзал таълим гўран ва ҳарбий интизома бўй сўнан бу ўғлонлардан ҳар бир шайи умид қилиш мумкин,— деди.

— Чўх яша, шай, Алиризо афанди!— деб мухтор вакил командирни табрик қилди.

Алиризо афанди мухтор вакилнинг бу марҳаматига ташаккур ва эҳтиром арз қилгандан кейин, ўша ерда бўлган бир ҳужрага ишорат этиб:

— Таназзул эдарак ташриф буюрсинлар, афандим ҳазратлари!— деб уни таклиф қилди ва ўзининг сафдошига қараб:

— Дониёл, сан-да гел!— деди.

Уччовлари ҳужрага кириб ўтиргандан кейин, мухтор вакил Алиризодан:

— Ишлар шунақа шай насил бориюр?— деб сўради.

— Чўх гўзал,— деб Алиризо қуйи чўнтагидан бир мактубни чиқарди.

Мухтор вакил мактубни ўқий бошлади, юз-кўзидаги ташвиш аломатлари камайди, мактубнинг охирига келганида, қонсиз лабларида табассум ҳам пайдо бўлди:

— Демак, шунақа шай, ўз йўлила, шунақа, шай бориюр,— деди ва мактубни Алиризога қайтиб берди.

— Шубҳасиз, афандим ҳазратлари, ишлар ўз йўлила бориюр,— деди Алиризо,— биз бу оқшом Дониёл афандила «озуқа излаб вориюриз» ва ҳар шайи зоти олиларила оғзаки айтиб эшитажагиз. Бу хусусдан

[1] Акром тўпчибоши — Бухоро амирининг лашкарбошиларидан энг золими бўлиб, сарбозларга ҳамиша тан жазоси берар эди.

мактубни келтирган киши билан мактуб гўндардим. Ҳозирча бўлган иш шу.

— Ҳар на ўлса шай,— деди мухтор вакил,— шунақа, комилан тайёрланиш лозимки, юздан-юз муваффақият таъминлансин,— мухтор вакил бу гапларни айтганида юз-кўзида яна ташвиш аломати кўрина бошлади.

— Вакили мухтор ҳазратлари, зоти олийлари бандагонидан амин ўла билажаклар. Биз бир мушт усмонли зобитлари армани, курд, арновуд, араб ва зери байроғи усмониёна ўлан барча миллатларни ширин сўзларла атрофимиза мужтаме эдарак машрута барпо этдик! Айни қуватла 31 март воқеасини бошдан кечириб, Абдулҳамидни тахтдан эндирдик. Болқон муҳорибасида усмонли аскарларни мағлубияга мажбур эдарак, ўз сиёсий рақибимиз ўлан Камолпошо кобинасини сукут этдириб, ҳукуматни алимиза олдик; Булғор, серб ва юнон ихтилофидан истифода эдарак, бир ўқ отмай Адрина шаҳрини қайтариб олдик ва шу билан кобинамизнинг обрўсини баланд қилдик; Бағдод темир йўли имтиёзини олмонлара ва бошқа имтиёзларни бошқа Аврупо давлатларина бахш эдуб, мансабдорлар маошини ўз вақтида адо этдик; ниҳоят, жаҳон муҳорибасида иштирок эдуб, бу муҳорибада мағлубиятга дучор ўлан бўлсак-да, буюк давлатлар силсиласина кириб, номи усмониёни дунёя эшитдирдик... Бошимиздан кечиран воқеалара нисбатан ҳеч масобасида ўлан бу воқеада ҳам мухтор вакил зоти олийларнинг сояи давлатларинда ким, айни замонда Бухоро миллатининг жумҳурият раисидирлар, ишни муваффақиятла хитом веришимиз муҳаққақдир. Фақат вакили мухтор ҳазратларининг ўз мақсад ва ваъдалари устина устувор туришлари шартдир.

Бу «зафар достонларини» ва тантанали унвонларни эшитган мухтор вакилнинг чеҳрасида яна ташвиш аломати йўқолиб:

— Ташаккур эдарам, шунақа, даргоҳи боридан оқ йўл рижо эдарам,— деб мухтор вакил ўз идорасига қайтмоқчи бўлди.

Алиризо ҳурмат ва таъзим билан хайр-хўш қилиб:

— Зоти олийларининг мусоадаларила биз шу соат «озуқа излаб» боражакмиз,— деди.

Кўктош қишлоғи. Қамиш томли пахса уйнинг па-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лос тўшалган меҳмонхонасида ўрта бўйли бир киши тик турарди. У озғин, кийими европача бўлса-да, соқоли ўсиб кетган, узун, қоп-қора мўйлови тескари ўсган қошдай юқорига бураб қўйилган эди; унинг олифта табиатлилиги ва мўйловига ортиқ бино қўйгани кўриниб турарди.

Бир неча минут хона ўртасида ўйланиб тургандан кейин, бирданига бир иш эсига келгандай, хонанинг у бошидан бу бошига юра бошлади. Ҳар гал пойгакка келганида, эшик тирқишидан ташқарига қарар эди.

Шу ҳолатда ярим кечадан ўтгач, ташқаридан оёқ шарпаси эшитилди. Ҳалиги киши шошилинч равишда орқага қайтиб:

— Ҳасанбий! Санмисан? На ўлди?— деб сўради.

— Галдилар!— деди Ҳасан,— агар пошо ҳазратларининг рухсати олийлари бўлса, кирурлар!

— Буюрсинлар!

У хонанинг ўртасида мўйловини юқорига бураб, келгувчиларни қабул қилишга тайёрланди.

Эшик очилиб, олдинма-кейин икки киши кирди. Ўнг қўлларини пешоналарига кўтариб, кўкракларини кериб, у кишига тикилдилар, ҳарбийча қотиб турдилар.

У киши ҳам қўлини кўтариб жавоб қайтаргач:

— Алиризобей! Нега кечикдинг? Икки соатдан бери интизорман,— деди.

Алиризо чаққонлик билан келиб, унинг қўлини кўзига сурди, ўпди ва тезлик билан ерга чўкиб, оёғини ҳам ўпди.

— Қалқ!

Бу командадан сўнг у аскарча итоат билан ўрнидан турди.

— Сафдошларимизнинг машҳур қаҳрамонларидан турк ўғли турк Дониёлбий!— деб шеригини таништирди.

— Домоди халифаи муслимин Анвар,— деди у киши қўлини Дониёлга узатиб.— Сизнинг шижоат ва қаҳрамонлигингизни Алиризобейдан эшидарак, ғойибона ситойишкорингиз ўлиб эдим.

Расмий ҳол-аҳвол сўрашишлар тугагандан кейин, Алиризо деди:

— Бухоро Халқ Шўролар Жумҳурияти Марказий Ижроқўмининг Раиси, айни замонда, Шарқий Бухоро

ишларининг мухтор вакили Усмонхўжанинг арзи-салом ва эҳтиромини пошо ҳазратларининг хоки пойларига нисор этиш билан шарафёб ўламан.

Расмий маросимлар тамом бўлгандан кейин, учаласи бир ерга ўтириб, суҳбатга киришдилар:

— Ишлар қандай бораётир?— деб сўради Анвар-пошо Алиризодан.

— Ҳар бир иш учун ҳозирмиз,— деди Алиризо.

— Усмонхўжа насил?

— Усмонхўжа ҳам ўз аҳд-поймонида устувордир. Фақат пошо ҳазратларининг фармони олийларина мунтазир.

— Ўйла эса, ишни бошлаш керак.

— Кўз устина!— Алиризо ўрнидан туриб, қўлини пешонасига кўтариб аскарий итоат кўрсатди.

— Агар қувватингиз озлик қилса, ёрдамингизга босмачилар тайёрдирлар!— деди Анвар,— фақат буларнинг бир қисми қуролсиздир, Ҳиндистондан Бадахшон орқали қурол келмоқчи эди, лекин кечикди. Қуролсиз босмачиларни қуроллантиришингиз керак.

— Бош устина!— деди Алиризо.

— Ўзим тарбиялаган миллий аскар, айниқса милициялар ҳар бир ишнинг уддасидан чиқа олади,— деб Дониёл қаҳрамонлик шуҳратининг бежиз эмаслигини англатди...

Эҳтимол Дониёл ўз «ҳунарлари»дан рапорт берарди, аммо хизматчи Ҳасаннинг:

— Мужоҳидлар келди,— деб, берган хабари уни сўздан тўхташга мажбур қилди.

— Буюрсинлар!— деди Анвар ва уйдагилар, айниқса, Анвар бурутларини товлаб, босмачиларни қабул қилишга тайёр бўлиб турдилар.

Йигирма нафар қўрбошини Иброҳим бошлаб келиб меҳмонхонага киргизди. Анвар уларни бир-бир «додхоҳ, девонбеги, мужоҳид, ғози...» унвонлари билан атаб Алиризо ва Дониёлларга таништирди.

Расмий кўришишдан кейин ҳаммалари тизилишиб ўтирдилар, Алиризо Иброҳим билан, Дониёл Абдурахмон мингбоши билан ёнма-ён ўтириб қизғин суҳбат бошладилар.

Ҳамма режалар чизилиб, хатти-ҳаракат аниқлангандан кейин, Алиризо Анварга:

— Пошо ҳазратларининг мусоадаларила тезроқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

қайтиб кетишимиз керак,— деди,— лекин биз Душанбадан озуқа топиб бориш баҳонаси билан чиққан эдик, агар бўш қўл билан қайтсак, товаришлар шубҳага тушмаслармикан?

— Бу хусусдан хотиржам бўласиз,— деди Анвар,— Иброҳимбек сизни бўш қўл билан мушоят этмаслар.

Алиризо билан Дониёл Анвар ва босмачилар олдидан чиқиб Душанбага қайтаётганларида, Элак ва Кофарниҳон дарёлари орасидан ўзлари учун тайёрлаб қўйилган юз бош қўй ва юз пуд буғдойни олиб кетдилар. «Озуқа топиш вазифасини» бажарганлари учун мухтор вакилдан «таҳсин» эшитдилар.

ИСЛОМ ЛАШКАРИНИНГ АМИРИ, МУСУЛМОНЛАР ХАЛИФАСИНИНГ КУЁВИ ВА БУХОРО ЖАНОБИ ОЛИЙСИНИНГ НОИБИ

1921 йил декабрь ойининг қоронғи кечасида Душанбада шовқин-сурон, дод-фарёд кўтарилди.

— Нима гап?

— Мухтор вакил қизил аскарларга: «Босмачиларга таслим бўлиб, қуролларингизни топширинг!» деб буйруқ берибди, аммо улар бу буйруққа итоат қилмабдилар.

— Ундан кейин-чи?

— Ундан кейин Алиризо ва Дониёл қизил аскарларни зўрлик билан қуролсизлантириш учун ўз қўл остларидаги миллий аскарларни крепостга қарши олиб бориб саф тортганлар.

— Мухтор вакилнинг ўзи қайда? Ажаб эмаски, Алиризо билан Дониёл бу хиёнатни ўзбошимчалик билан қилган бўлса.

— Йўқ, Алиризо билан Дониёл бу ишни бевосита мухтор вакилнинг буйруғига мувофиқ қилганлар, буни шундан ҳам билиб олиш мумкинки, шу вақтнинг ўзида мухтор вакил қўрғонда бўлиб, Бухородан келтирилган қуролларни ўз қўли билан босмачиларга бўлиб бераётир.

Душанба аҳолиси орасида шундай гап-сўз бўлаётган вақтда, крепость томонидан шиддат билан устма-уст отилган милтиқ ва пулемёт овозлари эшитила бошлади. Аҳоли ваҳимага тушиб, бутун мол-мулкини қолдириб,

ёш болаларини олиб қочишга киришди, тонг оқаргунча Душанбада маҳаллий аҳолидан қочишга жойи бўлмаган яҳудийлардан бошқа киши қолмади.

Душанбада милтиқ ва пулемёт товуши, шовқин-сурон тобора ортмоқда эди, бу шовқин-суронни аҳолини даҳшатга солиб қочириш ва қизил аскарларни «қўрқитиш» учун босмачилар кўтармоқда эдилар. Мухтор вакил ҳали ҳам босмачиларга қурол улашмоқда эди. Қуролланган юзларча босмачилар, аҳоли ташлаб кетган уйлардаги мол-мулкни ва яҳудийларнинг уйларини таламоқда эдилар. Қўрғондаги озуқани ҳам талашга киришдилар.

Мухтор вакил қийин аҳволда қолди: қўрғонда босмачилар дастидан бир кунлик ҳам озиқ-овқат қолмади, барини талаб битирдилар, босмачилар у берган қурол-аслаҳага қаноат қилмай, ўзини мудофаа қилиш учун қолдирган қурол-аслаҳани ҳам унинг қўлидан олмоқчи бўлдилар. Бу ҳолдан умидсизланган мухтор вакил қочиш фикрига тушди: кеча қоронғилана бошлагач, у танга, тилла ва нақд пулларни, қимматбаҳо ашёларни, енгил қурол-аслаҳаларни олиб, Алиризо, Дониёл, Сурайё ва бошқа ўзига яқин махсус одамлар билан Душанбадан чиқди. Аммо қўрғонда қимматбаҳо чопонлар билан тўла бўлган яхдонлар, той қилиб боғлаб қўйилган қалин гиламлар, бир омбор тўла мис идишлар, юз қути ўқ ва бошқа оғир қуроллар қолган эди.

Мухтор вакилнинг қочишидан хабардор бўлган босмачилар қўрғонга кириб, бутун мол-ашёни торож қилдилар, аҳоли ўтирадиган уйларга кириб, қолган-қутган нарсаларни ҳам кўтардилар, яҳудийларнинг уйларига кириб, кийим-кечакларигача эгниларидан ечиб олдилар.

Крепостдаги қизил аскарлар тонг оқаргандан кейин Душанба ва унинг атрофига назар солиб қуйидаги манзарани кўрдилар: аҳоли турадиган уйлар бўшаган, боғ яланг, оёқ яланг, қип-яланғоч қолган яҳудийлар қўрғонга кириб баланд деворлари олдида ўтиргач Душанба атрофини беш мингтача босмачи ўраб олган эди.

Бу босмачиларга «ислом лашкарининг амири, мусулмонлар халифасининг куёви, Бухоро амирининг ноиби» Анварпошо қўмондонлик қилмоқда эди. Шундай бўлса ҳам, янги милтиқлар ва пулемётлар билан қуролланган беш минг босмачи крепостга ёндаша олмасди. Ўзининг олди-қочди саргузаштларида сафларни ёрган, лашкар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларни енгган, жаҳон урушида Гинденбург этигини ялаб, унинг тажрибаларини ўзлаштирган бу атоқли бош қўмондон ўз қўл остидаги беш минг қонхўр босмачи билан бир неча ўн нафардан ортиқ бўлмаган қизил аскарларга қарши чиқишга журъат этолмай турарди.

Лекин бош қўмондон муваффақиятсизликнинг сабабини босмачиларнинг интизомсизлигидан ва мухтор вакилнинг чидамсизлигидан деб билиб, ўзини юпатарди.

КАРВОН САРОСИМАДА

Мухтор вакилнинг карвони олти-етти юз кишидан ташкил топган эди, бу карвоннинг йигирма бир пулемёти, бир минг етти юз милтиғи, саночлар тўла тилла ва тангаси, яхдонларда аъло кийим ва кийимликлари бор эди.

Карвон Душанбадан чиққач, қаёққа боришини билмай, тўғри келган тоғлар, довонлар, даралар ва далалар орқали, ҳар қадамда сой ва дарёлар кечиб борарди.

Карвон олдида «интухин, шунақа шай», деб мухтор вакил борар, унинг ёнидан Алиризо «пазаванглар!» деб кимларнидир сўкиб от сурарди, Дониёл билан Сурайё карвоннинг ёнларида ва орқасида соқчилик қилардилар...

Карвон шу тарзда йўл босиб, учинчи кун кундуз соат ўн иккиларда Латтабанд қишлоғига тушди, лекин карвон аҳли овқат тайёрламасданоқ, қишлоқ атрофидан ҳавони титратиб бирдан отилган тўп ва милтиқ товушлари эшитилиб қолди.

Милтиқ товуши борган сари шиддатлироқ янграрди. Бир неча минутдан кейин, босмачилар мухтор вакил олдига келиб, унга карвондаги одамлар, қурол-аслаҳалар ва қимматли нарсалар билан бирга дарҳол таслим бўлишни таклиф этдилар.

Мухтор вакил рози бўлди. Аммо таслим амалиётидан бурун, карвонни кузатиб борган миллий аскарлар ва милиционерлар орасида «мухтор вакил босмачиларга таслим бўлар эмиш» деган гап тарқалди.

— Биродарлар!— деди бир аскар баландликка чиқиб.— Кимга таслим бўламиз? Босмачиларгами? Бундай таклифни бизга ёлғиз босмачилар қила оладилар! Бундай таклифни фақат «Бухоро Халқ Шўролар Жумҳуриятининг ходими» номи остида бизнинг орамизга суқулиб кириб, бизга хиёнат қилаётган, ҳақиқатда ўзи босмачи бўлган кишиларгина қабул қила оладилар. Жонимиз танимизда экан, босмачиларга қарши ва биринчи навбатда таслим таклифини қабул қилганларга ва бизни сотмоқчи бўлганларга қарши урушмоғимиз керак!

— Дохунда жуда тўғри гапирди,— деди Шариф,— биз қандай мақсадни кўзда тутиб, уй-жой, хотин ва бола-чақаларимизни ташлаб Бухородан бу томонларга келдик? Биз нега бугунгача босмачиларга қарши урушдик? Агар биз босмачиларга таслим бўлмоқчи бўлсак, бу қадар ташвиш чекишимиз, очликда, яланғочликда, тоғли жойларнинг омонсиз қор, ёмғирида чидашимиз керакмасди, биз ўз уйимизда тинч ўтириб босмачининг юзини кўрмаслигимиз ва «унга таслим» деган нафратли сўзни эшитмаслигимиз мумкин эди. Биз ўз ихтиёримиз билан, ўзимизнинг жамоатчилик вазифамизни бажариш учун босмачиларга қарши уруш майдонига чиқдик, бу йўлда жуда кўп оғирликларни кўрдик, бизни урдилар, сўкдилар, чидадик: биз бу оғирликларга, босмачиларни йўқотиб, мамлакатни тинчлатиб, ўз деҳқончилигимиз билан, касбу коримиз билан машғул бўла олайлик деб чидадик. Аммо бошлиқларимиз бизни босмачи қилмоқчилар. Биз босмачи бўлиш учун бу қадар ташвиш чекканми эдик? Бошлиқларимиз бизни фидокорлигимиз бадалига бадном қилмоқчи бўладилар. Ўртоқлар! Босмачиларга қарши жонимиз борича урушамиз, мухтор вакил ва унинг шериклари бизнинг этагимизга ёпиштирган бу қора доғни ўз қонимиз билан ювайлик!

— Урушамиз!

— Босмачиларга, уларни ёқлаган кишиларга қарши урушамиз!

— Қонимиз, жонимиз борича урушамиз!

Алиризо қўл остидаги миллий аскарларнинг ва Дониёлга қарашли милиционерларнинг кўпчилиги оғзидан шиддатли шовқин-сурон билан чиққан бу ғулғулали товушлар — босмачилар томонидан отилаётган милтиқлар садосини боса ёзди; бу шовқин-сурон алангаланган ўтдай, карвон аҳлини эритиб, олтинни мисдан, кумушни қалайдан ажратди.

Милтиқ тепкилари ҳаракатга келди. Дониёл ўзи тарбиялаган етмиш нафар милиционер билан уруш майдонидан чиқиб, ўз бошича босмачи бўлиб, Санггирдак де-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган тоққа қараб йўл солди; карвон аҳлининг бир қисми босмачиларнинг эски шайкаларига қўшилиб кетди; аммо миллий аскарларнинг ва милиционерларнинг асосий қисми босмачиларга қарши урушни давом эттирди.

Ярим соатча ўтар-ўтмас, урушаётган фидокор қаҳрамонларни, сон жиҳатдан ўн баравар ортиқ босмачилар ўраб олдилар, уруш майдонида беҳисоб қон тўкилди.

Икки жаҳон овораси бўлган мухтор вакил «таслим ишини ўнгара олмагани учун» босмачиларнинг ўч олишларидан ва халқ ҳукуматига қилган хиёнати сабабли фидокорларнинг жазосидан қўрқиб, қочиб кетмоқчи бўлди, бироқ оз сонли фидокорлар қўлидан қочиб қутула олса ҳам, қишлоқ ва далани олақарғадай босиб турган босмачилар орасидан қочиб чиқа олиши мумкин эмасди.

Шунинг учун мухтор вакил қочишда, 1875 йил 22 июлда Худоёрхон Қўқондан қочганда ва Бухоро амири 1920 йил 3 сентябрда Ғиждивондан қочганда ишлатган усулларни қўллади, яъни ўзини қувиб бораётган босмачилар яқинлашиб борганда, ўз ихтиёрида бўлган саноқлар тўла тилла ва тангадан, яхдонлардаги қимматбаҳо кийим ва кийимликлардан, қурол аслаҳалардан бир қисмини йўлга ташлади, қувиб борувчилар у ғаниматларни олиш учун бир-бирлари билан талашиб қолганда, у бир мунча олдинроққа ўтиб оларди; яна босмачилар яқинлашиб борсалар, у ҳам яна йўлга мол-ашё сочиб, қувувчиларни уларга машғул қилиб, ўзи олдинроқ борарди...

Охирда бу ғаниматлар билан юклари оғирлашиб қолган босмачилар, қочиб бораётган мухтор вакилни қувиб боришни лозим топмадилар...

Қўлга тушиш хавфидан қутулган мухтор вакил одамлари баъзилари ўз ихтиёрларича, баъзилари бошқа чора тополмаганларидан, унинг орқасидан кечгача от суриб, кечқурун Ўзбакон кенди деган қишлоққа тушдилар. Мухтор вакил ўз йўлдошларини икки-икки, тўрт-тўрт қилиб ҳовлиларга ўрнаштириб, ўзи Алиризо билан бирга бир уйга кириб ётди.

Саҳаргача қишлоқда мухтор вакил йўлдошларидан бирон киши қолмаган эди: баъзилари ўзлари истаган томонга қараб кетган, баъзилари ҳукумат ташкилотларини ахтариб жўнаган, баъзилари бориб босмачиларга қўшилган эди. «Икки жаҳон овораси» бўлган мухтор

вакил бўлса, ўзининг содиқ дўсти Алиризо билан бирга Афғонистонга қараб йўл олди.

Ўзбакон кенди қишлоғидан энг кейин чиққан мухтор вакилнинг бош котиби ўз шеригига барш тўла бир қутини кўрсатиб:

— Мухтор вакил хуржундаги олтинларни босмачилар йўлига сочиб юбор деганида, хайриятки, олтин билан бирга бу барш қутисини ҳам ташламаган эканман. Бўлмаса, бу ўлим майдонидан тирик қутулиш бир сариқ чақага ҳам арзимас эди,— деди ва қутини очиб ундан ҳар кунгидан тўрт баравар ортиқ барш еб, Бухоро томонига қараб от сурди[1].

УЛЖА ВА АСИР

Юрчи қишлоғида одатдан ташқари безовталик бошланган эди: аҳоли ортиқча нарсаларини ерга кўмар, аҳамиятсиз нарсаларини қўйиб тириклик учун зарур нарсаларини ва болаларини кўтариб, уй ҳайвонларини олдига солиб, тоғ ораларига, дашт-дараларга қараб қочмоқда эдилар...

Қишлоқ бўшаб қолган вақтда ўн нафар мусофир кириб келди. Уларнинг устки кўринишларига қараганда, бошқа-бошқа шаҳарлардан эканликлари билиниб турса ҳам, йиртилиб битган кийимлари, яра-чақа баданлари, тоғ-тошда пиёда кезишдан шишиб, ёрилиб кетган оёқлари, очликдан нурсизланган кўзлари, қонсизликдан кўкарган лаблари, кучсизликдан ингичкаланиб кўтарилган бурунлари, уларнинг умумий бир фалокатга учраганларини кўрсатарди.

— Бу ернинг ревкомхонаси қаерда экан-а?— деб сўради бири.

— Мен қайдан билай? Манави одамдан сўраш керак!

Ревкомхонани сўраган киши ўз йўлдоши кўрсатган томонга қаради: бир боласини орқасига кўтариб, бирини қучоғига олган киши, бошига бўғча кўтарган бир хотин билан ўтиб кетаётган эди.

— Ҳой, ака!

Йўловчи қайрилиб қаради-ю қадамини тезлатди.

[1] Мухтор вакилнинг бош котиби ҳожи Зиёдилла бухоролик тарихий шахс бўлиб, кейинги тўрт бобнинг материаллари унинг хотираларидан олинган. *(Автор.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ҳой, одам, тўхтаб тур, сенда ишим бор!— деди мусофир.

Эркак буни эшитмагандай бўлиб, яна ҳам тезроқ юрди. Аммо мусофирлар югуриб етишди.

— Одаммисан, ҳайвонми? Нега гапга қулоқ солмайсан?

— Нима демоқчисан?— деди у одам, ғазабли оҳанг билан. Хотин олдинроқ бориб, кутиб турди.

— Ревкомхона қаерда деб сўрамоқчи эдим,— деди юмшоқроқ қилиб, у одамнинг ғазабини кўриб шаштидан тушган мусофир.

Йўловчи уларни бир-бир кўздан кечиргандан кейин:

— Сиз шум қадамлар жадид бўлсангиз керак,— деди яна ғазаблироқ оҳангда,— сизнинг шумлигингиздан қандай аҳволга тушганимизни кўрдингизми! Мухтор вакилингиз гуллаб турган юртни ёндириб қочиб кетди, энди бир томондан, қизил аскарлар биздан гумонсираб, бизни «босмачи» деб, ёмон кўз билан қарайдилар; иккинчи томондан, босмачилар «мамлакат ўзимизники бўлди» деб, большевикларга хайрихоҳ бўлган деҳқонларни ўлдирадилар, осадилар, номусимизни поймол қиладилар, талайдилар. Шундай қилиб, биз бечоралар икки ўт орасида қолиб, нима қилишимизни билмаймиз...

Бу одам юрагидаги дард-аламларни айтиб улгурмасданоқ, бирдан отилган бир неча милтиқ товуши эшитилди, ён кўчадан қуролланган отлиқлар пайдо бўлди.

Мусофирлар: «Босмачи! Босмачи!» деган ҳолда, тарқалиб, тор кўчаларга, бўш ҳовлиларга кириб йўқолдилар.

— Қочманглар, бўлмаса биздан гумонсирайдилар,— деб тўхтаб турган бир киши босмачилар қўлига тушди.

— Сен кимсан?— деб сўради бир босмачи.

— Мен одамман!

— Ҳайвон эмаслигингни кўриб турибман, қайси тоифадан бўласан?

Мусофир босмачининг саволига жавоб бермасданоқ, йўловчи эркак уни босмачиларга кўрсатиб:

— Бу одам жадид ёки большевик бўлса керак, чунки мендан ревкомхонани сўраб турган эди,— деди.

Бу гапни эшитган босмачилар дарҳол мусофирнинг қўлини боғладилар.

— Ўзинг кимсан? Қаёққа кетаётирсан? Бу хотин ким?

— Мен шу ерликман, бу аёл менинг хотиним, биз бу ернинг одамлари кетган томонга бораётирмиз!— деб жавоб берди йўловчи.

— Жуда яхши, бўғчангни менга бериб, хотинингнинг юкини енгиллаштир, икки болани кўтариш сенга оғирлик қилади, бирини хотинингга кўтартириб, бирини ўзинг кўтариб, истаган томонингга кетавер!

Босмачи йўловчининг жавобини кутмасданоқ, бўғчани хотиннинг бошидан олди-да, елкасига бир қамчи уриб «ҳайт, жонивор, боравер» деб масхара қилиб кулди, бошқа босмачилар ҳам кулишди.

Қишлоқ кўчалари отлиқ босмачилар билан тўлди: Улар отларини кўчага қўйиб уйларни тинтишга киришдилар, қочқинлардан қолган нарсаларни йиғиб олгандан кейин, ер қазишга бошладилар. Ҳовли эгалари қимматли нарсаларини ерга кўмган эдилар, ер остидан обдаста, кўза каби мис идиш-оёқлардан тортиб, сандиқларга солиб кўмилган кийим-кечак, кигизларга ўраб кўмилган гилам, кўрпа-ёстиқ, ҳатто баъзи ҳовлиларда кўза ва кўзачаларга солиб кўмилган танга, тилла ҳамда хотин-қизларнинг безакларигача топилди.

Босмачилар бу нарсаларни чўнтак ва қўйинларига тиқиб, ортганини бир жойга тўпладилар, улардан бешдан бир қисмини шариатнинг ўлжа моллар ҳақидаги қонуни бўйича, ўз бошлиқлари учун ажратиб қўйиб, қолган тўрт қисмини ўзаро бўлиб олдилар.

— Бу бандини нима қиламиз?— деб сўради мусофирга соқчилик қилиб турган босмачи.

— Нима қилардик?— Бир дона ўқ садағаси кетсин, «хас кам, дунё тоза»,— деди бир босмачи.

— Йўқ,— деди бошқа бири,— ажаб эмаски, бу банди большевик бўлмай, жадид бўлса, Анварпошо «ҳар бир жадид ва ҳукумат одами қўлга тушса, ўлдирмай, марказга юборилсин» деб буйруқ берган, ўзимизнинг бегимиз, ғози мулла Муҳаммад Иброҳимбий девонбеги лашкарбоши ва тўпчибоши жаноблари ҳам бу маънини қабул қилганлар, шунинг учун бандини «асир» номи билан, ўлжадан бекларга чиқарилган улушга қўшиб марказга юбориш керак.

Бу таклиф қабул қилиниб, ўлжа ва асир, ўн нафар босмачининг соқчилигида Кўктошга жўнатилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТОШБЎРОН

Янгиқўрғон кўчалари лақай, марқа, қорлик ва тожик босмачилари билан тўла. Булар орасида бешотар, ўнбиротар милтиқлардан бошқа, қадимги камон, ғўлак билан қуролланган саккиз юз нафарча дарвоз босмачилари бор эди. Булар кийим-кечаклари билан, қадимги қуроллари билан, айниқса, «жанговарлик»дан ва «ботирлик» дан лоф уришлари билан ҳамманинг диққатини тортган эдилар.

Қишлоқнинг ўртасида, мухтор вакилдан олинган нафис жиҳозлар билан безатилган катта ҳовлида эшон Султон, Алимардон, Абдулқаюмбий ва бошқа қўрбошилар, муллалар билан бирга мажлис қуриб ўтирардилар.

— Биз ва Анварпошо ёрдам қилиб, сени ўғри Иброҳимнинг ўрнига кўтардик. Энди сен ҳар бир ишни биз билан бамаслаҳат қилмоғинг керак,— деди эшон Султон Алимардонга,—худо берган бу давлатни баҳам кўришимиз ва ҳамжиҳатлик билан ишлашимиз керак. Иброҳим бўлса, ҳар нарсани ўзиники қилмоқчи ва ҳар ишни ўзи истаганча бажармоқчи бўлиб, бошқаларни одам деб билмасди, шунинг учун давлат ва ҳашаматдан ажралиб, радди маърака бўлди.

— Албатта,— деди Алимардон,— сиз бизга дўст бўлсангиз, биз ҳам ҳеч бир ишни сиз билан маслаҳатлашмай қилмаймиз. Ҳозир ҳам мен ўрисларни қандай қилиб мамлакатдан ҳайдаб чиқариш тўғрисида сиз билан маслаҳатлашиш ниятида келганман.

— Ҳар бир ишни шариатга мувофиқ қилиш керак,— деди бир мулла гапга қўшилиб,—ўшанда мамлакат мусулмонобод бўлади, ўшанда жадидлардан қутулганимиз каби, ўрислардан ҳам қутуламиз. Кейинги вақтларда Иброҳим шариатни риоя қилмади, уламонинг ҳурматларини бажо келтирмади, мухтор вакилдан ўлжа қилиб олинган моллардан муллаларга тузук нарса бермади...

Шу вақтда шовқин-сурон кўтарилиб, муллага ўз сўзини тамом қилишга имкон бермади: бир неча қуролли йигит қўли боғланган бир тутқунни олдига солиб, ҳовлига кирди, уларнинг орқасидан бир хотин жинниларча бақириб, Алимардон ва бошқа босмачиларни сўкиб келмоқда эди. Босмачи йигитлар уларнинг атрофини ўраб олиб, хотиннинг гапларидан қиқирлашиб кулишмоқда эди...

Бандини супага чиқариб, дарчадан эшон Султонга рўпара қилдилар.

— Бу кимдир?— деб соқчи йигитлардан сўради эшон Султон.

— Бу жадид,— деди йигитлардан бири,—биз буни Юрчида қўлга тушириб, Кўктошга олиб бордик, унда катталардан ҳеч кимни тополмагач, сизнинг олдингизга олиб келдик. Йўлда бу хотин дуч келиб, бандини ажратиб олмоқчи бўлиб, дод-фарёд қилди, шу ергача орқамиздан осилиб келди.

Хотиннинг қарғишини эшитган Алимардон, бандига диққат билан тикилиб қарагандан кейин, ундан:

— Отинг нима?— деб сўради.

— Ёдгор!— деди банди.

— Сен сарижўйлик Азимшоҳнинг қочоқ чўпони эмасмидинг?

Банди бу сўроққа жавоб бермади ва Алимардон эшон Султонга юз ўгириб:

— Тақсир!— деди.— Бу одам билан бу хотиннинг ҳикояси узун, мен буларни кўп вақтдан бери танийман, буларнинг ораларида ғайри шаръий алоқа бор эди, бунинг устига, буларнинг ҳар иккиси бизга қарши гап тарқатиб юрган, эшитишимга кўра, Латтабанд қишлоғида ҳам мухтор вакилнинг отрядини бизга қарши қўзғатган ва мухтор вакилнинг бизнинг қўлимиздан қочиб кетишига сабаб бўлган шу одам экан, шунинг учун Анварпошо «жадидларни ўлдирманглар!» деб буюрган бўлса ҳам, буларни ўлдириш керак. Ажаб эмаски, бу одам большевик ҳам бўлса.

— Модомики, ораларида ғайри шаръий алоқа бор экан, буларни тошбўрон қилиш керак, тошбўрон,— деди бир мулла.

— Албатта, тошбўрон қилиш керак, чунки шариатнинг ҳукми шундай,— деб бошқа бир мулла бу фикрни қувватлади.

— Эртагача уламодан шаръий ривоят олиб, шариатга мувофиқ халқ орасида тошбўрон қилиш керак,— деди эшон Султон ва ўз одамига қараб, буларни олиб бориб, айрим-айрим хоналарга қама!— деб буюрди.

Уламолар, Ёдгор ва унга эргашиб келган хотинни

www.ziyouz.com kutubxonasi

тошбўрон қилиш тўғрисида ривоят ёзиб эшон Султонга бердилар.

Эшон Султон ривоятни кўздан кечиргандан кейин, ўз одамига:

— Гуноҳкорларни олиб кел!— деб буюрди.

Бир неча минутдан кейин эркак бандини олиб келиб эшон Султонга рўпара қилдилар.

— Хотин гуноҳкор қаерда, нега уни олиб келмадинглар?

— Тақсир!— деди соқчи ва қути ўчган ҳолда жим бўлди.

— Хотин бандини ҳам олиб кел дейман!— деди эшон шиддат билан.

Эшон Султоннинг маҳрами олдинроқ келиб унга:

— Тақсир, арзим бор!— деди.

— Гапир!

— Гуноҳкор хотинни икки эшикли бир хонага қамаган эканлар, иккинчи эшикни ташқаридан бекитишни унутибдилар. Ҳамма ухлагандан кейин хотин чиқиб қочибди.

Эшон Султон ўз одамларини бундай эҳтиётсизликлари учун қаттиқ койигандан кейин, буюрди:

— Майдонда, одам белигача сиғадиган чуқур қазиб, бандини белигача кўминглар; кейин аскарлар атрофни ўраб, тош отсинлар, бу савоб ишдан ҳеч бир киши бебаҳра қолмасин; банди ўлиб қолса ҳам, гавдаси кўмилиб кетгунча тош отишни тўхтатмасинлар!

Босмачилар бандини олиб бориб, дарвозадан чиқармасданоқ, қишлоқнинг тўрт томонидан милтиқ ва пулемёт овозлари кўтарилди, босмачилар саросима бўлиб, қўлларига қурол олиб, отга минишга ошиқдилар...

Орадан бир неча минут ўтар-ўтмас юз нафарча қизил аскар қишлоққа бостириб келиб, қишлоқ теварагини ўраб олди. Қуршовда қолган босмачилар урушишга мажбур бўлдилар. Муллалар: «ўлдирган ғози, ўлган шаҳид» деб уларни урушга қизиқтирардилар...

Аммо босмачиларга «ғози» бўлиш «насиб» бўлмади, улар тўда-тўда бўлиб пулемёт ўқи остида «шаҳид» бўлар ва қутулганлар эса, қочар эдилар. Ҳаммадан илгари, ботирлик лофида биринчи бўлган Дарвоз босмачилари, ёғоч кавушларини ташлаб қоча бошладилар, уларнинг бошлиғи:

— Валлоҳий, бундай «номардларча» урушишни мен

асло ёқтирмайман, мен учун яккама-якка майдонга кириб, юзма-юз туриб урушадиган ботир керак, ўша вақтдагина мард номарддан ажралади. Бу қандай уруш? Қўлинг ёқасига етмайдиган жойда турган киши бир ўқ билан сени йиқитади. Бу уруш эмас, бу ҳийлакорликдир, бундай урушдан қочиб қутулмаган одам номард,— деб ўз йигитларини қочишга ундарди...

Уруш қишлоқнинг марказидаги майдонда қизиб кетди, дарвозлик босмачиларнинг бошлиғи истаганча, урушувчилар бир-бирлари билан аралашиб кетдилар, кўпинча дўст душманни ажратмасди...

Аралашиб урушганда, Дарвоз босмачилари айтганидай, «мард номарддан ажралди», босмачилар қишлоқни бўшатиб қочишга мажбур бўлдилар, лекин ғаллалик ва мол-ашёлик ҳовлиларга ўт қўйиб қочдилар, қишлоқ ўт ва қон ичида қолди.

Қизил аскарлар яшириниб қолган босмачиларни топиш учун қишлоқнинг ҳар бир ҳовлисини титдилар, эшон Султон қўшхона қилиб ўтирган ҳовлининг дарвозаси орқасидан, қўли боғлиқ Дохундадан бўлак кишини топмадилар.

Душанба теварагини, тахминан ўн минг босмачи ўраб олган эди, булар аввалги босмачилардай ҳарбий билим ва интизомдан бутунлай хабарсиз эмасдилар, уларнинг бир қисми турк офицерлари қўл остида анчагина ҳарбий таълим олган эди. Бошлиқлари ҳам аввалгидай ўзбошимча ҳаракат қиладиган қўрбошилар эмасди, раҳбарлик турк офицерлари қўлида бўлиб, бош қўмондонлари Анварпошо эди.

Мухтор вакил Бухоро Халқ Шўролар Жумҳуриятига хиёнат қилгандан кейин, босмачилар орасида Анварпошонинг обрўйи ва нуфузи ортган эди; энди босмачилар унга итоат қиладиган бўлиб қолган эди. У «ислом лашкарининг амири, мусулмонлар халифасининг куёви ва Бухоро жаноби олийсининг ноиби» имзоси билан ҳар томонга хат ва буйруқлар юбориб, мусулмонларни ўз итоатига даъват қилар ва Шўро ҳукуматига қарши туришга ундарди.

У энди солиқдан ва талон-торождан йиғилган мол ва пулларни Афғонистонга юбориб, у ердан қурол-аслаҳа ва ҳарбий кийимлар сотиб олиб, «аскар»ларини қу-

www.ziyouz.com kutubxonasi

роллантирар, ҳарбий кийимлар кийдирарди; ўз имзоси билан «қоғоз ақча» босиб чиқарар эди.

Душанбада бўлса, аҳвол жуда ҳам ёмон эди: у ерда қолган бир даста қизил аскарлар бир неча нафар бухоролик ва маҳаллий тожиклар билан бирга кундалик овқатларини зўрға топардилар; сув йўлларини босмачилар боғлагани сабабли, очлик устига сувсизлик азоби ҳам қўшилган ва кўп вақт гоҳ-гоҳ ёғадиган ёмғир ва қор сувига чидашга мажбур бўлардилар; уст-бошлари бутунлай йиртилиб ишдан чиққанидан, қаттиқ қишни қарийб кийимсиз ўтказардилар; кун сайин орта борган касаллик куч-қувватларини яна ҳам камайтирарди; оч ва ориқ отлар очиқ майдонда қор, ёмғир остида ётиб, касал ва майиб бўлар, ўлар эдилар; Бухородан бўлса на ёрдам келарди, на хабар.

Қизил аскарлик интизомига риоя қилиб, ҳеч ким бу қийин аҳволдан шикоят қилмаса ҳам, ҳамма «бундан кейин бу ерда туриш мумкин эмас» деган фикрда эди.

Душанбадаги қизил аскарлар шундай қийин аҳвол ва қаттиқ қуршов остида уч ой яшадилар. Ниҳоят, «Иккинчи фармонни олгунча, вақтинча Душанбани ташлаб, кейинга қайтинглар!» деган буйруқ олинди.

Лекин буйруқни амалга ошириш қийин эди: касал ва яродорлар кўп. Душанбанинг тилларга достон бўлган лойидан, ботқоғидан, тўлқинлаб оқадиган телба дарёсидан, мингларча босмачилар қуршови остидан ўтиб кетиш осон иш эмас эди.

Лекин қизил аскарлик иродаси, ғайрат ва чидами ҳар қандай қийинчиликни енггани каби, бу мушкулни ҳам осон қилди, қизил аскарлар йўлга чиқдилар. Кеча қоронғи, кўз кўзни кўрмайди, қор ёмғир аралаш ёғмоқда, одам ва от белигача лой ва ботқоқда, тўйиб овқатланмаган отлар, аскарларни лойдан олиб ўтиш у ёқда турсин, аскарлар ўзлари отларни лойдан судраб чиқарар эдилар. Қизил аскарлар дастаси ўз ҳарбий карвони билан шу тариқа Душанбадан чиқиб, дарёдан ўтиб йўлга кирди. Босмачилар зулмидан қўрқиб, қизил аскарлар ҳимоятида Душанбадан қочаётган олтмиш уйли яҳудийлар қизил аскарларнинг ва командирларнинг «жим бўлинг!» дейишларига қарамай, қий-чув кўтармоқда, босмачиларни қарғаб йиғламоқда эдилар.

Карвонда қурхона, озиқ-овқат аравалари, касал ва яродорлар тушган аравалар бор эди; карвоннинг олдини, орқасини, ёнларини отлиқ ва пиёда қизил аскарлар қўриқлаб борардилар. Оқшом соат ўнларда йўлга чиққан карвон кундуз соат тўққизларгача зўрға саккиз километр йўл босди.

Босмачилар қизил аскарларнинг кўчганидан хабардор бўлиб, уларнинг орқасидан босиб бордилар ва дарҳол карвонни ўраб олиб, ўққа тутдилар. Аммо қизил аскарларнинг милтиқ ва пулемёт ўқларидан тўда-тўда бўлиб йиқилиб, ер тишлаган босмачилар, бу тўқнашув ўзлари учун хавфли эканини билиб, узоқроқда туриб шовқин-сурон кўтариб, ўқ узиб, уларнинг сафарига халал етказиш учун уриндилар.

Улар йўлдаги кўприкларни бузар, йўлнинг чуқур жойларини сув бостирар, озиқ-овқат ва турар жойларни ёндирар, қизил аскарларни йўлдаги бошпаналардан маҳрум қилардилар. Аммо қизил аскарлар бутун тўсиқ ва қийинчиликларни енгиб ҳамон олға борардилар.

Ҳарбий карвон ҳамма тўсиқларни енгиб, Деновдан ўтди. Денов билан Бойсун орасида Анборсой номли бир жой бўлиб, бу сел йўли эди. Кўклам ва кузда ундан ўтадиган қувватли сел ғорлар, жарлар ва чуқурликлар ҳосил қилган, йўловчилар учун зўр тўсиқлар вужудга келтирган эди.

Анварпошо, қизил аскарларга ҳужум қилиш учун шу ерни муносиб топди ва у ердаги табиий тўсиқларни турк офицерлари кўрсатмаларига мувофиқ, окопларга ва айланма ер ости йўлакларга айлантириб мустаҳкамлади. Тўрт минг нафар машқ кўрган босмачини турк офицерлари қўли остида шу ерга ўрнаштириб, оч ва яланғоч қизил аскарларни «қарши олишга» тайёрланиб турди.

Икки кундан бери қор ёғмоқда, шамол тоғ ва тепаликлардаги қорларни супуриб Анборсой йўлларига тўплар эди. Ҳар қадамда юз машаққатни бошидан кечириб, белларигача қор кечиб, Анборсойга яқинлашиб келаётган қизил аскарлар кутулмаган жойда, ўзларидан ўн марта кўпроқ бўлган душманнинг ўқига дуч келдилар. Командирнинг буйруғига мувофиқ, аравалар, отлар, касаллар, яродорлар ва қочоқларни керакли соқчилар билан орқада қолдирдилар. Қурол ишлатишга қудрати етганлар қорга чўзилиб, эҳтиёт билан, ўқни исроф қилмай, душман истеҳкомига қараб ўрмалай бошладилар.

Душман томондан ўқ ёмғирдай ёғар, лекин қорга ботиб, эмаклаб борувчиларга деярли зиён етказа олмасди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қизил аскарлар ўқ олови остида қор уюмлари орасидан ўзларини душманга кўрсатмасдан, саросима бўлмасдан, ўрмалаб олға силжидилар...

Қизил аскарлар бир неча соат ўрмалагандан кейин, командирнинг буйруғига мувофиқ бирдан ирғиб туриб, окопларга бостириб кирдилар.

Найзабозликни билмаган босмачилар бундай урушга чидамай, қочишга киришдилар, «ғозилик» осон муяссар бўлмаганидан кейин, турк офицерларининг диний ташвиқларига ҳам қарамай, «шаҳид» бўлишни истамадилар.

Ғолиб қизил аскарлар интернационал айтиб тоғларни ларзага келтирдилар.

КЎЧМА ВУЛҚОН

Бойсуннинг Кофарун қишлоғида, катта бир ҳовлида, сербезак чодирлар тикилиб, Бухоро амириники каби ҳашаматли бир боргоҳ қурилган эди; унинг теварак-атрофида европача ҳарбий кийим кийган босмачилар «низомий аскар» номи билан усмонли турк офицерлари қўл остида соқчилик қилмоқда эдилар.

Боргоҳнинг тўридаги безатилган бир хонада кифтларида олтин погон, кўкрагида нишон ва медаллар билан, бош қўмондон харитага тикилмоқда, ора-сира қўлидаги қалам билан харитага белгилар қўймоқда, гоҳо олдидаги қоғозга нималарнидир ёзмоқда эди.

Хизматчи эшикни авайлаб очиб, шарпасиз кирди, қўлини пешонасига кўтарди:

— Бухоро жаноби олийси олдидан ҳожи Латиф девонбеги келган, агар пошо ҳазратларининг рухсати олийлари бўлса, зиёратларидан шарафёб бўлар эдим, дейди.

Бош қўмондон бу гапларни эшитмагандай, бир неча минут бошини харитадан кўтармади.

— 15 минутдан кейин кириши мумкин!— деди кейин.

Хизматчи ҳарбий вазиятда туриб:

— Пек ийи, афандим!— деди ва чиқиб эшикни авайлаб ёпди...

Ўн беш минут ўтгач, хизматчи яна кирди, аммо бу гал гапирмасдан, ҳарбий вазиятида ҳайкалдай қотиб турди.

Бош қўмондон яна бир неча минут харитани нишчлаб, қоғозни қоралагандан кейин, бошини кўтармай:

— Айт, кирсин!— деди.

Қирқ беш яшар, ўрта бўйли, калта соқолли, қоши қора, катта салласи елкасига тушиб турган, зарбоф тўн кийиб, олтин камар боғлаган бир киши кириб, остонада тиз чўкди.

Бош қўмондон дуонинг тамом бўлишини кутмасданоқ у томон юрди. Меҳмон ҳам дуосини чала қилиб, ўрнидан турди.

— Афтидан, ҳожи Латиф зиёратларига мушарраф бўламан,— бош қўмондон турк зиёлиларига хос сохта назокат ва эҳтиром билан меҳмонга қўл бериб кўришди. Меҳмонга жой кўрсатиб, ҳожи Латифнинг шахсий аҳволини сўради.

— Ҳурматли биродарим Бухоро амири жаноби олийларининг мизожи шарифлари қалай?

— Алҳамдулиллоҳ, жаноби олийнинг вақтлари ҳар жиҳатдан хуш!— деди ҳожи Латиф,— кеча-кундуз пошо ҳазратларининг соғ-саломатликларини тиламоқдалар, дўстона салом юбордилар...

Ҳожи Латиф нафасини ростлаб, давом этди:

— Жаноби олийнинг ҳамма умидлари аввал худога, сўнгра пошо ҳазратларига боғлиқдир, худо, пир ва пошо ҳазратларининг ёрдамлари соясида, яна Бухоройи шариф тахтини ҳумоюн зотлари билан безатиш орзусидадирлар.

— Иншоолло, ҳар бир мақсад тезлик билан ҳосил бўлади,— деди бош қўмондон,— биз кўп вақтдан бери, ҳар бирлари бир тепада бек бўлиш ниятида ва ўз обрўларини орттириш мақсадида бир-бировлари билан урушаётган қўрбошиларни келиштириб, бир мақсад томонга йўналтириш билан машғул эдик. Биродаримиз Бухоро амири жаноби олийларининг ёрдамлари соясида бу мақсадга эришдик; Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Қарши, Ғузор қўрбошилари ва шарқий Бухородаги қўрбошиларнинг барчаси бизга итоат қилиб, ўз қўл остларидаги мужоҳидлар билан бирга бу ерда бизнинг қароргоҳимизда ҳозирдирлар...

Бош қўмондон папиросини тутатиб, бир-икки чеккандан кейин, яна давом этди:

— Қўрбошиларнинг энг ўжари Иброҳим бўлиб, у

www.ziyouz.com kutubxonasi

бизга итоат қилишни асло истамади, жоҳил муллалар ҳам унинг бу фикрини қувватладилар...

Бош қўмондон ўз портфелини ахтариб, бир мактуб олди.

— Буни эшитинг, жоҳил муллалар Иброҳимга нима деб ёзганлар?

Қуйидаги мактубни ўқиб эшиттирди:

«Амирал-муъминин салламаҳуллоҳу таоло[1].

Аморат паноҳ иззат жоҳ мири бий додхоҳ лашкарбошига дуойи салом туҳфаларини юборгандан кейин, маълум қиламизки, сизнинг самимий муътақидингиз бўлган биз дуогўй уламолар Султонободда муборак ийдни ўтказиб жам бўлиб маслаҳат қилдикким, неча киши жаноби олийдан ва сиздан қайтган, яъни боғий бўлган деб эшитдик. Сиз жаноблари бизга маълум қилинг, кимки бўлса Анварга мутобаат қилганларни китоб юзасидан ривоят қилиб кофир айлаб, уламолар ва фуқаро жам бўлиб, аввал лақайлардан боғий бўлганларни шаръи шарифга мувофиқ қатл қиламиз, ундан кейин ғазота борамиз, сўнгра тожиклардан, қорлиқлардан Анварга мутобаат қилганларни бизга маълум қилинг, шаръи шарифга мувофиқ ҳамма уламо ва фуқаролар жам бўлиб қатл қиламиз. Бизлар шаръи шариф юзасидан иш қиламиз. Жанобингиз бизларга ҳавола қилиб туринг, ҳар қандай бадномлик бўлса бизда бўлсин, агар жанобингизга маъқул бўлса, яна ўзлари беҳроқ биладилар, аттақсир ассалому алайкум».

Муҳр ва имзолар:

1. Мулла Муҳаммад Салим мударрис 2. Халифа мулла Оллоназар махдум 3. Мулла Исматулла махдум 4. Мулла Али Муҳаммад мударрис 5. Мулла Тоғоймурод мударрис 6. Мулла Абдураҳмон махдум 7. Махдум Муҳаммади тўқсоба.

Бош қўмондон мактубни ўқиб эшиттиргандан кейин.

— Биз усмонли зобитлар бу юртда абадий қолмаймиз,— деди,— мамлакатни большевиклардан тозалаб, жаноби олийга топширганимиздан кейин, ўз ватанимизга кетамиз. Сизнинг ватанингиз усти ёпиқ хазинадир, бу хазинани очиш учун керак бўлган ишчи ҳам ўзида

[1] Бу мактуб «Дохунда»нинг тожикча таҳририда муллалар ёзган хатдан айнан кўчириб ёзилган эди, ўзбекча таҳририда ҳам мактубнинг услуби имкон борича сақланди. *(Автор.)*

бор. Бу ерларни большевиклардан тозалаганимиздан кейин, капиталист давлатларнинг, айниқса, инглиз сармояси бу ерда катта ўрин тутади. У вақтда бу мамлакатнинг ҳукмдорлари, бу ернинг яширин хазиналарини ихтиёр ва имтиёзини ишчи кучи билан бирга капиталист давлатларга топшириб, бунинг эвазига хазиналар олиб, хурсандлик билан умр ўтказадилар, савдо-тижорат ҳам ривож топиб, ҳукмдорлар ва умуман мамлакат бойлари, бундан ҳам катта фойда топадилар...

Бош қўмондон ўчган папиросини яна тутатиб чекандан кейин, сўзини давом эттирди:

— Аммо қўрбошиларнинг ва жоҳил муллаларнинг бунга ақллари етмайди, уларнинг фикри ҳали ҳам «жадид, қадим» низоси билан банд, улар юқорида мен арз қилган матлабни ўзларига ғоя қилиб олган жадидларни йўқотиб, охирида ҳар қайсилари бир тепада бек бўлиб, еб ётмоқчилар.

Бош қўмондон тутаб турган папиросини тирноғи билан чертиб яна давом этди:

— Ҳар ҳолда жаноби олийнинг устма-уст юборган фармонлари соясида Иброҳим ҳам бўйсунди, ўзи бир минг икки юз навкари билан келиб, бизнинг қароргоҳимиздаги ғозиларга қўшилди. Ҳозир ўн мингга яқин мужоҳид-ғози Бойсунни ўраб олган. Бир мардона ҳужум билан бу шаҳарнинг ишини тугатамиз, ундан кейин Шерободнинг навбати, Шеробод қўлга киргандан кейин, жаноби олий билан алоқамиз осонлашади... Жаноби олийнинг таважжуҳлари ва Исмоил девонбегининг воситаси билан Ҳиндистондан қўлга киргизилган юз туя ҳарбий кийим ва буюмлар, ўқ-дорилар бизга етиб келиб, ишимизни анча енгиллаштирди; бундан кейин ҳам шундай ёрдамларни аямаслик керак.

— Кўпчилиги Ҳиндистон қудудидан олинган ўттиз минг афғон ғозиси пошо ҳазратларининг рухсатларини кутиб турибди, агар олий ижозатлари бўлиб, улар бу ерга келсалар, ғозиларнинг қуввати яна ортади,— деди ҳожи Латиф.

— Тўғри,— деди бош қўмондон,— буларнинг ҳаммаси иқбол юлдузининг ислом тарафига нур сочганини кўрсатади. Ҳозир большевиклар қўли остида бўлган жойларда ҳам бизнинг тарафдорларимиз кўпайган ва ичкарида туриб, бизнинг манфаатимизга ишламоқдалар...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Рухсатсиз эшикни очиб кирган хизматчи:

— Бойсундан бир пиёда келди, пошо ҳазратларига мактуб олиб келдим, ўз қўлим билан бераман дейди,— деб бош қўмондонни сўздан тўхтатди.

— Кирсин!— Бош қўмондон диққат билан харитага қарай бошлади...

Пиёда кириб мактубни берди.

Бош қўмондон очиб ўқиди. Унинг кўзларида ташвиш кўрина бошлади, лекин у сохта бир табассум билан сирини яширишга уринарди...

Мактубни ўқиб бўлгандан кейин, ўша сохта хурсандлик билан ҳожи Латифга:

— Яхши хабар!— деди ва пиёдани имлаб бошқа бир хонага олиб кирди...

Бош қўмондон махфий хонадан чиққач ҳожи Латифга:

— Ҳарбий қоида бўйича душман қасдидан олдиндан хабардор бўлиш ҳам ярим зафар,— деди. Ўз жойига бориб ўтирди ва аҳволнинг қандай эканини билиш учун, савол назари билан ўзига тикилиб турган ҳожи Латифга:

— Душман бу кеча бизга ҳужум қилмоқчи экан,— деди.

Қалам-қоғозни олиб ниманидир ёза бошлади ва хизматчини чақириб:

— Алиризога айт, келсин!— деди. То Алиризо келгунча бир неча қоғозни қоралаб ташлади...

Алиризо келиб, ҳарбий эҳтиром билан қўлини пешонасигача кўтарди.

Бош қўмондон ёзган қоғозларини олиб, ўрнидан турди, қоғозлардан бирини Алиризога берди:

— Бу ўзинг учун. Бу фармонга мувофиқ, танланган аскарларингни афғон кўнгиллилари билан бирга Бойсун йўлига пешжанг қилиб қўйиб, ўзинг отлиқларингни олиб тафтишга чиқишинг керак. Бу қоғозларнинг ҳар бирини эътимодли отлиқлар, номлари ёзилган қўрбошиларнинг қўшхоналарига олиб бориб берсинлар. Ярим соат орасида тўла тайёрланиб, жанг майдонига чиқишлари керак.

— Бош устина!

Алиризо бош қўмондон ҳузуридан чиқди.

Бош қўмондон тўппончасини тақиб, дурбинни қўлга олиб, хонадан чиқди, орқасидан тўрт нафар хизматчи

эргашгани ҳолда, шоти билан томга чиқди ва дурбинни Бойсун томонига тўғрилаб, тикилиб қарай бошлади...

Анча вақт ўтди, аммо на Бойсун томонидан, на қўрбошиларнинг қўшхоналаридан бирон ҳаракат кўринмади, фақат боргоҳ атрофида бўлган пиёда ва отлиқ аскарларнинг Бойсун томонига қараб бораётганлари кўринди...

Орадан яна бирмунча фурсат ўтиб, қўрбошилардан дарак бўлмагач, орқасида турган хизматчилардан бирига:

— Тез бориб Алиризодан сўра, буйруқни қўрбошиларга етказганми, йўқми?— деди.

— Пек ийи, афандим,— деб хизматчи томдан тушиб кетди ва бир неча минутдан кейин қайтиб келиб, бир қоғозни бош қўмондон қўлига берди. Бош қўмондон гугурт чақиб қоғозни кўздан кечиргач, ўз-ўзича ғудуллаб:

—Демак, буйруқ ўз вақтида тегишли кишиларга топширилган, аммо ҳалигача бу танбаллардан дарак йўқ?— деди таажжуб билан.

Бирдан Бойсун томондан тўп товуши, унинг кетидан милтиқ ва пулемёт садолари эшитилди.

— Бошланди,— деди бош қўмондон ва дурбинни қўрбошилар қўшхонасига бурди. У томонда бирор ҳаракатни кўрмагач:

— Ислом аскарларининг амири, Бухоро амирининг ноиби ва мусулмонлар халифасининг куёви бўлган мен Анвар, барча ғозилар бирор минут вақтни ўтказмасдан уруш майдонига чиқсинлар!— деб буюраман.— Чунки душман бостириб келаётир деб бақирди ва буни бир неча марта такрорлади, бироқ қўрбошилар қўшхонасида ҳеч ҳаракат кўринмади, ҳеч бир сас-садо эшитилмади.

Аммо қизил аскарларнинг бостириб келаётгани кўринар, улар томонидан отилаётган тўп, пулемёт ва милтиқ товушлари ҳамма ёқни ларзага келтирмоқда эди.

Бош қўмондон хавфнинг яқинлашганини пайқаб, ўзи бориб қўрбошиларни тўплаб олиб келмоқчи бўлди, шошилинч равишда томдан тушиб, отланиб, ҳаммадан яқинда бўлган Абдураҳмон мингбошининг қўшхонасига кирди, у ерда қуйидаги манзарани кўрди: йигитларнинг ҳар бири бир дарахт остида, қаердандир зўрлик билан олиб келтирилган биттадан бола билан ётар, Абдураҳмоннинг ўзи, хонада бир мазлум қизни зўрламоқда эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бош қўмондон бу ҳолни кўриб сўкиниб бақирди, аммо боргоҳга яқинлашиб отилган тўп, милтиқ садолари унга ўз «ғозилари»ни жазолаб, ишга солишга ва бошқа қўшхоналарга бориб, у ерларда ҳам шундай манзараларни кўришга фурсат бермади, у дарҳол Абдураҳмон минг-бошининг қўшхонасидан чиқиб, шошилинч равишда ўз боргоҳига борди, унда бошқа бир манзарани кўрди; боргоҳ таланган, хона ичига ёзилган пат гиламларгача олиб кетилган, фақат ҳожи Латиф девонбегининг салласи титилган калавадай бўлиб ётар эди.

Хизматчилардан бири қайси бурчакдандир чиқиб келиб, бош қўмондонга рапорт берди:

— Пошо ҳазратлари отланиб кетгандан кейин, шаҳрисабзлик Абдужаббор қўрбоши ўз йигитлари билан келиб, неча хуржун тилла ва танга билан бир қисм қурол аслаҳани олиб кетди; ундан кейин эшон Султон Дарвоз босмачилари ва афғон кўнгиллилари билан келиб икки хуржун тилла билан биринчи талондан қолган нарсаларнинг ҳаммасини супуриб кетди.

— Ҳожи Латиф девонбеги нима бўлди?— деб сўради бош қўмондон.

— Абдужаббор қўрбошининг йигитларидан бири ҳожи Латифни қип-яланғоч қилиб, кийимларини ўзи кийиб олди. Бу ҳолдан қўрқиб қолган ҳожи Латиф, йигитнинг қўлидан қутулгани ҳамон қаёққадир қочиб кетди. Кийимини ечаётган вақтда бошидан тушган салласи шу ерда қолди.

Бош қўмондон ўзининг «ғози» ўғрилари ҳақида бирор гап айтишга фурсат топмай, таланган боргоҳдан чиқиб, отланиб уруш майдонига кирди. Қизил аскарлар тўплардан, пулемётлардан ва милтиқлардан отиша-отиша вулқон каби ловилламоқда эдилар.

Бойсундан шайланиб ҳужумга чиққан қизил аскарлар кўчма вулқонга ўхшаб келган ёвни йўқ қилар эди.

Бош қўмондоннинг шахсан уруш майдонига кириши ҳеч бир фойда бермади: уни кўриб, уруш майдонига кирган Алиризо қўли остидаги аскарлар вулқон лавасн йўлидаги хас каби маҳв бўлдилар.

Бир неча соатдан кейин уруш майдонида босмачиларнинг ўликларидан бошқа нарса кўринмасди. Ўлимдан қутулган ва урушга қатнашмаган қўрбошилар ўз йигитлари билан йўл-йўлакай дуч келган қишлоқларни, одамларни, чорва молларини талаб, уруш ўлжаси ўрнига ўзлари билан бирга олиб кетдилар.

Бош қўмондон Бойсун уруш майдонидан тирик қолган минг нафарча аскарини Сариқамишга бошлаб бориб, яна ўз толеини бир марта синаб кўрди. Лекин катта талафот бериб, қочишга мажбур бўлди.

ДАРАХТ ШОХЛАРИДАН ТУЗИЛГАН ҚЎШИН

Йўл-йўлакай дуч келган қишлоқларни талаб, ёндириб қочаётган босмачиларни қувиб борган қизил аскарлар йигирма тўрт кун деганда Бойсундан Душанба яқинидаги Чойрикорон қишлоғига етдилар. Бу йигирма тўрт кунлик сафарда, бирор қаршиликка дуч келмадилар. Қўрғон ва қишлоқларни талон-торож қилиш учун кейинда қолган босмачи тўдалар ҳам қизил аскарлар етган ҳамон, таслим бўлар, ё баъзан аҳвол танг бўлган вақтларда талаган нарсаларини ҳам ташлаб қочардилар.

Лекин Чойрикорондан кейин, юриш қийинлашди. чунки Душанба атрофида босмачилар қарши туриш учун тайёрлик кўрган эдилар: кўприк бузилган, йўл устида хандақлар қазилган эди; бундан ташқари, Душанба ва унинг атрофидаги қишлоқлардан осмонга кўтарилиб бораётган қуюқ чанг, у ерда йигирма-йигирма беш минг отлиқ тўпланиб, уруш тайёрликларини кўраётганидан дарак берарди.

Шунинг учун қизил аскарлар Чойрикорон қишлоғидан туриб ўша жойни тўпга тутдилар, кечаси Мортепа қишлоғида тунаб, тонг отиши билан яна тўпларни Душанбага қаратиб ўрнатдилар.

Душанбадан кўтарилаётган чанг кечагисидан ҳам кўпроқ бўлиб, шаҳарнинг шимоли ва шарқида бўлган Сариосиё ва Шоҳмансур қишлоқларигача атроф-теваракларни ўраб олган эди.

Қизил аскарлар ҳам нишонга оладиган жойларини кенгроқ қилиб ишга киришдилар, лекин кўтарилаётган чангнинг қуюқлигидан тўп отиш натижасини аниқлаб бўлмас, чанг ва тутундан бўлак ҳеч нарса кўринмас эди...

Қизил аскарлар яна Мортепа қишлоғига қайтиб тунадилар. Атрофга ҳушёр соқчилар қўйдилар. Учинчи

www.ziyouz.com kutubxonasi

куни эрта билан яна Чойрикоронга бориб, Душанба атрофини тўпга тута бошладилар.

Аммо қизил аскарлар бугун ҳар нима бўлса бўлсин, ҳужумга ўтишни муқаррар қилдилар. Шиддат билан отилаётган тўпларнинг ҳимояси остида, отлиқ қизил аскарлар Душанбага қараб бостириб бордилар, Душанбага яқинлашган сайин чанг ҳам узоқлашиб, йўқола борди.

Қизил аскарлар Душанбанинг марказига етганда, чанг аҳоли ўтирадиган жойлардан узоқлашиб, бора-бора босилди, аммо кўчаларда боғ-боғ дарахт шохлари кўринарди.

Бу аломатларнинг ҳаммасидан шу маълум бўлдики, Душанбада жуда оз қолган босмачилар, охирги чора деб дарахтларнинг шохларини кесиб отга боғлаб, кўчаларда судраб чангитиб юрган эканлар. Улар шу «тадбир» билан ўз кучларини кўп қилиб кўрсатмоқчи бўлганлар.

БАХТСИЗ БОШЛИҚ

1922 йилнинг август ойида Балжувон вилоятининг бир қишлоғида босмачилар қурбон ҳайити намози учун тўпланган эдилар. Улар ҳайит намози учун йиғилган деҳқонларни большевикларга қарши ундар ва ўзларига ёрдам беришга чақирардилар.

Мажлис қизиб бораётганда номаълум бир киши пайдо бўлиб, бир бурчакда таҳорат олишга киришди. Босмачилар бошлиғи бу нотаниш кишидан шубҳаланиб, қишлоқ аҳолисидан унинг кимлигини сўради.

— Бу маҳаллий бир тожик,— дейишди,— тоғ ораларидан ҳайит намози ўқиш учун келган...

Мажлис тамом бўлди, одамлар таҳорат янгилаш учун ҳар томонга тарқаб кетдилар. Аммо бошлиқнинг кўнглидан шубҳа тарқалмади, ҳар бир номаълум киши унинг назарида ҳукумат жосуси, ҳар бир соя қизил аскар бўлиб кўринарди.

Одамлар намоз ўқиш учун қайта мачитга йиғилишди; намозхонлар орасида бояги номаълум киши кўринмагач, бошлиқнинг шубҳаси яна ҳам ошди.

— Ўша одамни топиб келинглар, уни сўроқ қилишим керак,— деди.

Йигитлар тўрт тарафни ахтариб, у одамни тополмадилар, мачитга яқин боғланган отнинг изидан бўлак аломат топилмади.

Бу хабарни эшитган бошлиқнинг кўнглидаги шубҳа, ҳақиқат тусини олди ва дарҳол қуролланиб, ҳар эҳтимолга қарши тайёр туришга буюрди...

Орадан кўп ўтмай, милтиқ, гранат ва пулемётлар билан қуролланган ўттиз нафарча қизил аскар пайдо бўлиб, дарҳол мачит атрофини қуршаб олди.

Босмачилар учун қочиш йўли боғланиб, урушишдан бошқа чора қолмаган эди. Урушда милтиқ, пулемёт ва тўппонча ўрнида милтиқнинг найзаси ва қўндоғи, ханжар ва қилич кўпроқ ишлатилди, тор майдон ўлик ва ярадорлар билан тўлмоқда эди...

Оқибатда босмачилар сафи сийраклашиб камайиб, қуршовдан чиқа олганлари қочиб, урушадиган босмачи қолмади.

Ўликлар орасида икки киши ҳашаматли кийими билан командирнинг диққатини ўзига тортди. Командир уларнинг чўнтакларини ахтариб, иккаласидан ҳам муҳр топди. Муҳрнинг бирида—«Давлатмандбий», иккинчисида— «Ислом аскарларининг амири, Бухоро амирининг нойби, мусулмонлар халифасининг куёви Анвар» деган сўзларни ўқиди.

Шундай қилиб, қирқ икки йиллик умрининг кўпини олди-қочди билан ўтказган, катта урушларда қатнашган, гоҳо ҳарбий муваффақиятларга эришган, жаҳон урушида қонхўрликда Гинденбургнинг ўринбосари бўлган Анварпошонинг ҳаёти Тожикистоннинг номаълум бир қишлоғида, кичкина бир отряд қўлида ном-нишонсиз тамом бўлди, бу халққа қарши қилган ҳаракатларининг натижаси эди.

Қизил командир ўз аскарларини бундай порлоқ зафар билан табрик қилгандан кейин, бу сафарда разведка учун юборилган бир тожикка қараб:

— Ҳаммадан аввал сен табрикка лойиқсан,— деди, унинг қўлини қисиб туриб давом этди,— агар сенинг ҳушёрлигинг бўлмаса, овни қўлдан қочиришимиз мумкин эди.

У разведкачи тожикни Бухоро Халқ Шўролар Жумҳурияти номидан табрик қилгандан кейин:

— Дохунданинг бу иши ҳақиқатан достон бўлишга арзийдиган катта ишдир,— деди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Охирида, Дохунда табрикларга жавоб берди, сўзининг охирида бундай деди:

— Агар мачит олдига йиғилган деҳқонлар менинг сиримни яширмаганда, мен қўлга тушиб ҳалок бўлар эдим ва биз бу дафъа овни қўлдан қочирардик. Шунинг учун мен бу табрикларни тожик меҳнаткаш деҳқонлари номидан қабул қиламан!

ЭНДИ БИРОН ИШ ҚИЛИБ БЎЛМАЙДИ

Анвар билан Давлатмандбий ўликларини Чаган қишлоғида кўмгандан кейин, босмачилар ва Анварнинг хос аскарлари Тўпаланг дарёси бўйида кенгаш қурдилар.

Анварнинг адъютантларидан Юсуфзиё номли бир турк сўзга чиқиб:

— Биз ислом лашкарининг амири ва мусулмонлар халифасининг куёвини сизларни кофирлар қўлидан қутқазиш йўлида қурбон бердик; лекин, агар сизлар ёрдам қилсангиз, биз усмонли туркларнинг ҳар биримиз ислом лашкарининг амири бўла оламиз. Аввалгидай бизга ёрдам қилиб туришларингизни сўрайман, токи большевиклардан ўз амиримизнинг хунини олиб, у бошлаган ишни охирига етказайлик...

— Биз кундалик тирикчилигимизни ўтказиш учун ўзимиз ёрдамга муҳтожмиз,— деб бир деҳқон Юсуфзиёнинг сўзини бўлди,— бир томондан сизлар, иккинчи томондан ҳукумат аскарлари— биз икки ўт орасида қолиб куяётирмиз. Энди шу харобаликлар, хонавайронликлар етарлидир.

Деҳқонлар буни ғулғула билан:

— Тўғри! Тўғри! Тўғри гапирди!— деб тасдиқладилар.

— Давлатмандбий «шаҳид» бўлган бўлса, мен унинг ишини давом қилдира оламан, бизга ёрдам қилмайдиган кишилар, ўлдирилганлар орқасидан «у дунёга» жўнатилади,— деб Давлатмандбийнинг жияни Абдулқодир чиқди.

— Энди ҳеч бир иш қилиб бўлмайди, аҳволни ҳисобга олиш керак, бундан кейин яхшиси — ҳукуматга таслим бўлишдир, буни истамаган одам ўзини четга олсин, чет эллардан келганлар ўз юртларига кетсинлар,— деб самарқандлик босмачи ҳожи Абдулқодир Каримов деҳқонлар сўзини ёқлади.

— Бу муртад баччабоздир, гапининг бир пуллик қадр-қиммати йўқ,— деди Юсуфзиё.

— Афтидан, унинг баччабозлиги ҳозирнинг ўзида сизга маълум бўлди,— деди бир деҳқон ўтирган жойидан Юсуфзиёга пичинг қилиб.

— Сизларнинг орангизда ундан бошқа баччабоз йўқ шекилли?— деди бошқа бир деҳқон.

— Таслим сўзини тилга олган киши муртад ва ўлдирилиши вожибдир,— деди мулланамо бир киши.

— Энди ҳеч иш чиқариб бўлмайди, таслим бўлиш керак,— деди бир босмачи.

— Мусулмонларни қутқазиш деган гап билан шу қадар харобаликлар ва қон тўкишлар бўлди, бас,— деди бир деҳқон.

Ҳар ким ўтирган жойидан навбатсиз ва тартибсиз гапирмоқда эди. Мажлиснинг раислигини ўз қўлига олган Юсуфзиё:

— Ҳозирча шу маслаҳат етарли, яна келажакда маслаҳатлашамиз,— деб мажлисни ёпди ва ўзига қарашли босмачиларни ёнига олиб, ҳожи Абдулқодирни олдига солиб, мажлисдан чиқиб кетди.

Юсуфзиё ўз одамлари билан халқдан бир оз узоқлашгандан кейин, ҳожи Абдулқодирни отди, такрор шовқин-сурон қўпди, босмачилар бир-бирлари билан олиша кетдилар, улар ёнига деҳқонлар етиб келиб, ҳожи Абдулқодирнинг қотилини ўзларига топширишни талаб қилдилар.

Оломон ҳужумидан қўрққан усмонли турклар отланиб қочдилар. Ҳаммадан олдинда Юсуфзиё от суриб борарди. Унинг оти Тўпаланг дарёнинг қирғоғида тойилиб, дарёга ағдарилиб кетди, баланд қирғоқдан отилиб тошга урилган Юсуфзиёнинг иши тамом бўлди.

Босмачилар тарқала бошладилар: эшон Султон ўз одамлари билан Баҳё томонига бориб, таслим бўлиш фикрига тушди; Дониёл ўзига қарашли одамлари билан Ғарм томонга — Фузайл махсум олдига кетди; Кўлоб ва Балжувон босмачилари Давлатманднинг жияни Абдулқодирни ўзларига бошлиқ қилиб, Балжувонга жўнадилар, баъзи босмачилар таслим бўлиш учун ҳукумат ихтиёрига келдилар.

Форуқ, Усмон, Алиризо ва бошқа бир неча усмонли турклар энди бирон иш қилиб бўлмайди деб Афғонистонга қараб йўналдилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«АНВАРПОШОНИНГ УСТОЗИ»

1923 йилнинг бошларида Кўлоб қўрғонининг тевараги уч-тўрт минг босмачи қуршаб олган эди. Анвар ўлдирилгандан кейин, бу босмачиларга уч юз киши билан Афғонистондан келган Салим Сомийпошо[1] қўмондонлик қиларди.

Бу усмонли турк, ўзининг сўзига кўра, Анвардан иш билармандроқ ва тажрибалироқ, қаҳрамонроқ эмиш!

— Мен,— деди Салим Сомий,— тажрибасизликдан «шаҳид» бўлган ўз шогирдим Анварпошонинг хунини олиш учун Афғонистондан келдим.

Аммо босмачилар ўзларининг бу бошлиқларига бошқача баҳо берардилар.

— Сомийпошо ҳеч вақт Анварпошонинг ўрнини боса олмайди. Бу бизнинг орамизда яқинда пайдо бўлди, лекин шу оз вақт орасида, тўрт юз чопқир отни ўзиники қилди; бунинг устига кунда бир хотин олади, бундай номаъқулчиликни амир Олимхон ҳам қилмаган эди.

— Ҳар нима бўлса бўлсин,— дерди баъзи босмачилар,—«суфраси қуруқ» бўлса ҳам, «оти улуғ» бўлгани сабабли, Анвар ўлдирилгандан кейин тарқалиб кетган қўрбошилар шунинг номини эшитиб, яна бир жойга тўпланиб, бир ёқадан бош чиқардилар, анчагина қувватга эга бўлдилар, яқинда унинг қўмондаси остида Кўлобни қўлга киргизамиз. Бунинг Анвардан ортиқ жиҳатлари ҳам бор. Ўзи хотинбоз ва молпараст бўлгани сабабли, бизнинг айш-ишратимизга ва мол тўплашимизга индамайди.

Кўлоб қўрғонида қамалда қолган беш юз қизил аскар ва кўнгиллилар йигирма кундан бери ташқари билан алоқалари кесилган ҳолда, овқатсиз азоб чекмоқда эдилар.

Қуршовдан чиқишнинг иложи йўқ эди, чунки энди босмачилар 1921 йилдаги босмачилардай бўлмай, турк офицерлари қўл остида машқ қилган, икки йиллик урушда тажриба орттирган, Афғонистон ва Ҳиндистондан узлуксиз келаётган янги қуроллар билан қуролланган босмачилар эди; бунинг устига Анвар ўлдирилгандан кейин, тарқалиб йўқолишга яқинлашган тўдалар, маҳв бўлиб кетмаслик учун нуфузли бир бошлиқни лозим билиб, Салим Сомийга итоат қилмоқда ва ҳарбий интизомга бир даража амал этмоқда эдилар. Бинобарин, қизил аскарлар учун ўзларидан олтмиш етти баравар ортиқ бўлган бундай душман қуршовини ёриб ўтиш хавфли эди.

Ё душманнинг қуршовини ёриб чиқиш, ёки ташқаридан ёрдам олиш керак эди, чунки очликка ортиқ чидаш мумкин эмасди. Бу тўғрида бўлган ҳарбий кенгашда кўнгиллилардан Дохунда командирга мурожаат қилиб:

— Сиз менинг қўлимга бир нишона беринг, мен Душанбага бориб, у нишонани кўрсатиб, аскар ҳам озиқ-овқат олиб келаман,— деди. Бу таклифни эшитиш билан командир Дохундани ўз кабинетига олиб кириб, у билан суҳбат қилди:

— Қандай қилиб босмачилар қўлига тушмасдан, қуршовдан ўтиб кетасан?

— Бу менинг ишим,— деди Дохунда,— агар мен қўлга тушсам, сиз бир одамни йўқотган бўласиз, агар ўйлаган ишимга муваффақ бўлсам, мен ҳаммани қутқазаман.

— Қўрғондан чиқсанг ҳам кеча-кундуз ҳушёрлик билан пойлаб турган босмачилар орасидан соғ-саломат ўтиб кета олмайсан,— деди командир,— бир одам бўлса ҳам, унинг ҳалок бўлиши аниқ бўлган жойга боришга мен рухсат беролмайман, чунки мен халқ олдида, совет ҳукумати олдида, ўз виждоним олдида қўлим остидаги ҳар бир киши учун жавобгарман. Тўғри, агар ҳарбий жиҳатдан манфаат етказиш эҳтимоли бўлса, рухсат беришим мумкин эди. Сенинг бу ишингда бўлса, ҳалок бўлишдан бошқа эҳтимол йўқ.

— Мен шундай чора ўйлаганманки, бу ишда тўла муваффақият қозонишим шубҳасиз. Сиз менга бир бел, бир чўкич, икки замбар ва тўрт одам беринг, мен қиладиган ишни томоша қилинг!— деди Дохунда ва ўз режасини ипидан-игнасигача айтиб берди.

Дохунданинг ўйлаган ишида муваффақият бўлишига қаноат ҳосил қилган командир:

— Жуда яхши! Лекин Душанбага бориб мадад олиб келиш учун фурсат йўқ, босмачиларнинг қуршовидан ўтишга муваффақ бўлсанг, тўғри Ётсу қишлоғи-

[1] Қўлга тушган материалларда бу усмонли туркнинг номи «Сомий» баъзан эса «Салим» деб ёзилган. Шунинг учун ҳар иккаласи бирга олинди. *(Автор.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

га бориб, у ердаги гарнизонни бошлаб келсанг, биз қутуламиз,— деди.

Кеча қоронғилашгандан кейин Кўлоб қўрғонининг бир бурчагидан лаҳим қазиш бошланди; Дохунда Бухоро зиндонидан қочиш учун лаҳим қазишда орттирган тажрибасига мувофиқ ишламоқда эди.

Бир неча метр ерни қазигандан кейин:

— Эй... бу қандай ҳодиса?— деб ишдан тўхтади, у қазиган лаҳим ташқаридан қазиб келинган лаҳимга тўғри келган эди.

Дохунда командирнинг мактубини ва у берган махсус нишонани олиб, кутилмаган вақтда очилган йўл билан чиқиб, Ётсу томонига кетди.

Босмачиларнинг кечаси қизил аскарлар устига бостириб кириш ниятида ташқаридан лаҳим қазишга киришганларини командир пайқади ва душманнинг кўзини чалғитиш учун лаҳимнинг Дохунда қазиган қисмини аввалгисидай кўмдириб, лаҳим устига ҳушёр ва кучли соқчилар қўйди.

Қамалнинг йигирма тўртинчи кечасида саҳар чоғи Кўлоб қўрғонининг бир неча жойидан даҳшатли гумбурлаш эшитилди. Тош, тупроқ, ўт аралаш тутун билан ҳавога кўтарилди. Қамалда қолган қизил аскарлар даҳшат билан уйқудан уйғондилар.

Аҳвол хавфли эди, чунки кўтарилган тош, тупроқ, ўт ва тутун пасайгандан кейин, очилган рахналардан мингларча босмачиларнинг ўқ дориси оз қолган ва очликдан ҳолдан тойган беш юз нафар қизил аскарлар устига бостириб кириши аниқ эди.

Шундай бўлса ҳам, қизил аскарлар саросимага тушмадилар, командирнинг «ҳозир бўл!» командаси билан ҳар эҳтимолга қарши тайёрланиб турдилар...

Чанг, тўполон, ўт, тутун босилди, аммо ҳужумга тайёрланган босмачилардан дарак бўлмади, фақат босмачиларнинг кейинги сафлари орқасидан шиддат билан отилаётган тўп, пулемёт ва милтиқлар садоси эшитилмоқда эди.

Кун ёришди, қўрғон теварагида соқчи бўлиб турган босмачиларнинг орқага қайтаётганлари кўринди.

Қизил аскарлар фурсатни қўлдан бермай, ёйиқ сафларга тизилиб, қўрғоннинг кенг рахнасидан ташқарига чиқдилар, пулемёт ва милтиқ билан ҳужумга киришдилар...

Офтоб чиқиб оламни ёритди, босмачилар ҳам кеча қоронғисидай орадан йўқолган эдилар. Ўлик ва ярадорлар билан тўлган майдонда, қўрғондан чиққан қизил аскарлар билан Ётсудан келган гарнизон аскарлари қучоқлашиб, бир-бирларини табрик қилардилар.

Ҳамма, биринчи навбатда, ҳикоямизнинг қаҳрамони Дохундани табриклар эди.

БИР-БИРИНИ ЎЛДИРИШ

Ғарм қўрғонида «ҳарбий суд» борар, мажлисга Сомийпошо раислик қиларди. Эшон Султоннинг хиёнатларини бирма-бир айтиб ўтдилар. Мажлис охирида Фузайл махсум сўзга чиқди:

— Афғонистонга қочиб ўтмоқчи бўлган Фарғона босмачиларининг бошлиғи Кўршерматни қўлга олиб, унинг бутун мол-мулкини ва қурол-аслаҳасини мусодара қилиб, шу билан ўзимнинг ёш давлатимни мустаҳкамламоқчи эдим. Менинг бу ишим ғазот сафидан қочиб, чет мамлакатларга бориш ниятида бўлган бошқа босмачиларга ҳам ибрат бўларди. Шу мақсад билан мен Чилдара давонининг йўлини буздирган эдим. Эшон Султон Чилдара йўлини тузатиб, Кўршерматни ўз томонига ўтказиб олди. Сўнгра яна бизнинг аскарларимизнинг йўлини боғлаб қўйди.

Фузайл махсум сўзининг охирида қўшимча қилиб:

— Эшон Султоннинг бу хиёнати ҳам айбномага ёзилсин,— деди.

— «Пек ийи!»— деди Сомий, Фузайлнинг бу таклифини ҳам қоғозга ёзди.

Сомийпошо мажлисда эшон Султоннинг хиёнат ва жиноятлари тўғрисида гувоҳлар айтиб берган гапларни ўз қўли билан усмонли туркчасига ёзар эди. Кейин ўша қоғозларни котибга бериб, тожикчага таржима қилдирар, айбнома тарзида унга ҳарбий суд қарорини илова қилишни буюрарди.

Жума куни Ғармнинг жомеида, имом икки хутба ўқиди. Иккинчи хутбада одатда замона подшоҳи зикр қилинадиган жойда:

—...Аъёни Фузайлиддин Муҳаммад баҳодир султон!— деб босмачи Фузайл махсум номини подшолик унвони билан зикр қилди. Жума намози ўқилиб бўл-

www.ziyouz.com kutubxonasi

гандан кейин, имом яна минбарга чиқиб, эшон Султон ҳақидаги айбнома ва ҳукмни ўқиди, янги «подшо» ҳақига такрор дуо қилди.

Айбноманинг сарлавҳаси «Авроқи иттиҳомнома» эди.

Бу айбномада эшон Султонга ўз манфаати учун ишни бузиш жинояти юкланган эди. Айбноманинг охирида «ҳарбий девон» томонидан эшон Султонни осиб ўлдиришга ҳукм қилингани қайд этилган эди.

Икки варақ айбнома охирида «1341-йил рабиулаввал ойи 28» деб ҳижрий тарих қўйилган, «ҳарбий девон» раисининг муҳрида эса, «бош қўмондони ўрдуйи ихтилоли умуми мусулмонон Сомийпошо» деб ёзилган эди.

Фарғона босмачиси Кўршермат эшон Султондан ёрдам кўрмай, Қалъайи Хумни талаб, Афғонистонга ўтиб кетгандан кейин, Фузайл билан Сомийнинг Дарвозга келаётгани овоза бўлди. Орадан кўп ўтмай, улар ўз йигитлари билан Тавилдарага бориб, эшон Султонни қўлга олдилар ва Қалъайи Хумга киши юбориб, у ерда бўлган эшон Султоннинг укаси эшон Сулаймонни алдаб олиб келиб, уни ҳам қамадилар.

Фузайл билан Сомий юқорида қайд қилинган айбномани эшон Султонга ўқиб бериб, саҳар вақтида ҳар иккала ака-укани, эшон Султон ўлдирган Муҳаммад Акбар тўқсобанинг қабри устида дорга осдилар.

Кун ёришгандан кейин одамлар тўпланиб, дорга осилган ўликларни «томоша» қилардилар. Томошабинлар орасидан бир йигит дордаги ўликларга қараб қуйидаги тожикча шеърни ўқиди:

Бикашед теғи тезу бикушед якдигарро,
Биравед аз ин диёру бубаред дарди сарро[1].

Томошабинлар орасидан бир чол у йигитга яқинлашиб:

— Болам, ўқиган шеъринг яхши экан, яна бир марта қайтариб ўқи, ёдлаб олай!— деди.

— Бир марта эмас, бир неча марта ўқиймиз, лекин шеър ўқиш билан иш битмайди,— деди йигит.

[1] «Қиличларингизни қинидан чиқариб, бир-бирингизни ўлдиринг ва бу юртлардан йўқолиб, бу бош оғриқларни ҳам ўзингиз билан бирга олиб кетинг».

— Худо буларга тавфиқ берсин! Бизнинг қўлимиздан қандай иш келади?— деди чол.

— Буларнинг тавфиқи бўриларнинг тавфиқи кабидир, бўри ўлмагунча тавфиққа келмайди.

— Нима қилиш керак, ахир?

— Нима ишки қўлингдан келса, ўшани қилиш керак!

— Ахир, кишининг бирон иш қилганини пайқаб қолсалар, ўлдирмасдан қўймайдилар!

— Ёшинг етмишдан ошгани ҳолда ўлимдан нега бу қадар қўрқасан? Фузайл ўлдирмаса ҳам, ўзинг ўлиб кетасан! Халқ учун бирор фойдали иш қилиб ўлсанг, яхши эмасми?

— Сен ақлли йигит кўринасан,— деб чол у йигитга яна ҳам яқинроқ келди:

—«Туя кўрдингми?»

—«Йўқ!»

— Агар сени қийнаб, гўштларингни омбир билан узиб, қўл-оёғингни кессалар-чи?

— Ўшанда ҳам мен «туя кўрганим йўқ» дейман.

— Ундай бўлса, тингла!

— Қулоғим сенда!

— Фузайл ўз укаси Садодни Сомий билан Кўлоб устига юбормоқчи; Давлатмандбийнинг жияни Абдулқодир, Тўғайсарик ва Барот эшик оғобоши билан бирга, у томондан Кўлобга ҳужум қилмоқчи; Иброҳим билан Раҳмон ҳам булар билан бирга деган гап бор. Агар қўлингдан келса, Кўлобга бориб бу хабарларни ҳукуматга етказ!..

Чол бир оз жим тургандан кейин яна давом этди:

— Эшон Султон билан эшон Сулаймон ўлдирилгандан кейин, уларнинг кичик укаси эшон Раҳмат бўриларча тавфиққа келган. Бу ҳам сен учун муҳим хабар.

— Эшон Раҳматни кўришим мумкинми?— деб сўради йигит.

— Мумкин! Кел сени унинг олдига олиб борай!

Йигит рози бўлди, чол уни узоқ бир тоғликка олиб борди, тевараги харсанг билан бекитилган бир ғор олдида уни қолдириб, ўзи ғорга кириб кетди. Бир неча минутдан кейин чол ғордан чиқиб, йигитни эргаштириб кирди. Ғорда ўтирган бир ёш йигитни унга кўрсатиб:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Мана шу эшон Раҳмат!— деди.

Эшон Раҳмат йигитга бирмунча тикилиб тургандан кейин:

— Янгиқўрғон қишлоғида тошбўронга ҳукм қилинган йигит сен эмасмисан?— деб сўради.

— Эҳтимол,— деб йигит дудмол жавоб берди.

— Кечирасан, биродар! Мен энди тавба қилдим. Биз сенга ёмонлик қилган бўлсак ҳам, сен менга яхшилик қил: мен таслим бўламан, арзимни ҳукуматга етказ!

— Сен қандай ният билан ҳукуматга таслим бўлмоқчисан?

— Таслим бўлишдан бошқа иложим йўқ, агар таслим бўлмасам, Фузайл ёки Диловаршоҳ мени ўлдиради.

— Сенинг таслимингдан ҳукуматга фойда борми?

— Менинг ҳаёт қолишимга сабаб бўлган ҳукуматга жоним борича хизмат қиламан. Содиқона хизматим билан жиноятларимни ювишга уринаман.

«БАХТЛИ» БОШЛИҚ

Босмачилар Ҳаволинг тоғларида тўхтаган эдилар. Сомийпошо, Фузайлнинг укаси Садодни ва Дониёлни ўз олдига ўтқазиб, уларга «ҳарбий интизом» тўғрисида дарс берарди.

— Хоҳ Кўлобда бўлсин, хоҳ унинг атроф-теварагида йигитлар ўзбошимчалик билан бирор нарсани олмасликлари ва ўз манфаатлари учун талон-торож қилмасликлари керак. Хоҳ аҳолиники бўлсин, хоҳ ҳукуматники, қўлга кирган ҳар бир нарсани, умумий қароргоҳга олиб бориб топширишлари керак. Шаҳар олиниб, осойишталик таъмин қилингандан кейин, ҳар бир кишига ишига кўра мукофот берилади деди,— ва сўзида давом этди:

— Кўлоб фатҳ қилингандан кейин, қўлга кирган ҳар бир муҳим нарсани ўз одамларимиз орқали Афғонистонга юборинглар!— деб тайин қилди,— бугунги ишни эртага қолдирманглар, бўлмаса, бу ўғрилар дастидан бизга ҳеч нарса тегмайди.

Сомийнинг кўрсатмасига мувофиқ Садод билан Дониёл ўз қўл остларидаги босмачиларни бўлинмаларга бўлиб, Кўлоб йўлига солдилар ва ўзлари ҳам, махсус бўлинмалари билан йўлга тушдилар. Ҳаммадан кейин Сомий отланди.

Босмачилар қўшини эгри-бугри ва тор йўллар билан юриб борарди, баъзи жойда йўл шу қадар тор эдики, юксиз от зўрға сиғарди, бунинг устига йўл тик кўтарилар, одам от устида ўтиролмас, отдан тушиб, думидан тутиб боришга мажбур бўларди. Йўлнинг бир ёни булут юксаклигида тоғ, иккинчи ёни туби кўринмас жарлик.

Босмачилар мана шу йўл билан бораётганларида, бирдан Кўлоб томондан отилган милтиқ ва пулемёт садолари эшитилди. Бу садолар Дохунданинг штабга етказган муҳим хабари асосида Кўлобдан Сомийпошони «қарши олиш» учун чиққан қизил аскарларнинг отиш садолари эди...

Уруш қизиб кетди; босмачилар, қочишга йўл бўлмаганидан, ноилождан бир оз чидам кўрсатган бўлсалар ҳам, оқибатда ҳар томонга қараб қочишга мажбур бўлдилар.

Сомий, ҳар эҳтимолга қарши ўзи аввалдан белгилаб қўйган ва ҳеч бир томондан кўринмайдиган тоғ ён бағрига бориб, ўзининг махсус одамлари билан бирга яширинди; Садод тоғнинг баланд бир чўққисига чиқиб, ишнинг оқибатини кутиб турди; Дониёл ўз қўл остидаги йигитлар билан энг ўнғайсиз жойга тушиб қолган эди, у яширинган жойнинг уч томони тоғнинг баланд ва тик девори, бир томони тоғ йўли бўлиб, ундан қизил аскарлар турна қатор бўлиб чиқмоқда эдилар. Уларнинг олдида Дохунда қўл остидаги маҳаллий кўнгиллилар тоғликларга хос чаққонлик билан бормоқда эдилар.

Қизил аскарлар Дониёл турган жойга яқинлашиб боргач, у ўз одамлари билан бирга уларга қаратиб ўқ уза бошлади.

Қизил аскарлар Дониёл тўдаси устига бостириб бориб, уни ўқ, найза, қўндоқ ва қилич остига олдилар...

Кеча қоронғилашди, тирик қолган босмачиларни қоронғи парда кўздан яширди, қизил аскарлар ўз манзилларига қайтдилар.

Тонг оқариши билан Садод чўққидан тушиб, кечаси уруш бўлган майдонга келиб, ўликлар орасидан Дони-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ёлнинг мурдасини топди, уни сарожага ётқизиб Ғармга олиб кетди.

Сомий бир неча ойлик бош қўмондонлиги вақтида меҳнаткашлардан талаб олган хазинасини кўтариб, ўзига яқин одамлар билан бирга Афғонистон томонга қочди. У бундай хавфли жойдан мол-жони билан қутулгани учун ўзини Анварпошодан бахтлироқ санарди.

Қўлобнинг иккинчи томонидан бостириб келган Абдулқодир, Тўғайсариқ ва Барот эшик оға боши ҳам кўп талафот бериб, бутун қурол-аслаҳа, асбоб-анжом ва йигитларидан ажралиб, Афғонистонга қочиб кетдилар.

ТАРМА
(кўчик)

1923 йил июль ойида Масчоҳнинг Оббурдон қишлоғида, Саид амир Аҳмадхоннинг боргоҳидаги машваратхонада, босмачиларнинг қўрбошилари кенгаш қурган эдилар.

Саид амир Аҳмадхон сўзга киришиб деди:

— Қизил аскарлар бизнинг тоғларимизга йўл тополадилар деб асло ўйламаган эдим. Энди нима иш қилишимиз керак? Ҳар ким бу тўғридаги ўз фикрини айтсин!

— Худонинг мулки тор эмас, агар Масчоҳда туришимиз мумкин бўлмаса, ғози Фузайлиддинхоннинг давлати қарор топган Қоратегинга боришимиз мумкин,— деди қўрбоши Холбўта.

— Агар Фалғар оёқяланглари бўлмасайди, қизил аскарлар бизнинг тоғларимизга асло чиқолмасдилар,— деди Саид Аҳмаднинг укаси Асрортўра,— фалғарликлар қизил аскарларга йўл кўрсатибгина қолмай, балки уларнинг тоғ тўпларини ҳам ўз елкаларига кўтариб чиқардилар. Фалғарда ўзимиз ҳукмрон бўлган вақтда, афсуски, уларни бутунлай қириб ташламаган эканмиз. Уларнинг келажакда шундай хиёнат қилишларини билганимизда, бирортасини тирик қолдирмасдик.

— Ёлғиз фалғарликлардан нолиш тўғри эмас,— деди Нусратшоҳ.— Масчоҳ оёқяланглари ҳам қизил аскарларга ён босишлари муқаррар, чунки масчоҳликлар ҳам биздан фалғарликлардан оз ранжиган эмас.

— Ундай бўлса, биз Масчоҳдан кетганимиздан кейин бу ерда бironта одам қолмаслиги керак,— деди Асрортўра,—бўлмаса, булар ҳам қизил аскарларга йўл кўрсатиб, бизни қўлга туширадилар.

— Чораларнинг осони,— деди Холбўта,— аҳолини большевиклардан қўрқитиб, ўзимиздан илгари Масчоҳдан чиқариб юбориш, гапимизга қулоқ солмаганларни зўрлаб ҳайдашдир.

— Бу тадбирнинг бошқа бир яхши томони ҳам бор,— деди Нусратшоҳ,— Масчоҳга келган қизил аскарлар бу ерда тошдан бошқа нарсани кўрмай, тез қайтиб кетишга мажбур бўладилар.

Кенгаш мажлиси узоққа чўзилмади, чунки қизил аскарлар Оббурдонга яқинлашаётган эдилар.

Мажлисни тезлик билан тамом қилиб, босмачилар «аҳолини большевиклардан қўрқитиб, юртдан чиқариб юбориш» чорасини шошилинч суратда амалга оширишга киришдилар.

«Большевиклар одамларни қириб ташлайдилар!»— деб босмачилар аҳолини қочишга ташвиқ қилардилар.

Тоғ ораларидан бошқа жойни кўрмаган ва большевикларнинг кимлигини фақат босмачилар ва савдогарлар тилидан эшитган Масчоҳ аҳолисининг кўпчилиги бу гапларга ишониб, ёки шубҳада қолиб, эҳтиёт чора тариқасида қочиш пайига тушдилар, босмачилар гапига ишонмаганлар ҳам кўпдан ажралиб қолишни мувофиқ кўрмай, уларга эргашдилар.

Шу вақтда масчоҳлик бўлмаган бир бегона тожик босмачиларнинг гапига қарши ташвиқот қила бошлади:

— Биродарлар! Иғвогарларнинг гапларига қулоқ солманглар, уларнинг гапларига кириб, уй-жойларингизни, ватанингизни ташлаб кетманглар! Ҳаммаларингиз меҳнаткаш халқ бўлганингиз учун, большевиклардан қўрқманглар! Меҳнаткашларнинг бирдан-бир дўсти ва ёрдамчиси большевиклардир...

Лекин босмачилар томонидан отилган бир ўқ, у бегона тожикнинг қулоғи остидан визиллаб ўтиб, уни сўздан тўхтатди у ўқ отилган томонга қараб, бир неча милтиқнинг ўзига қаратилганини кўриб, овчини кўрган кийикдай сакраб қочиб, тоғ ораларига кириб ғойиб бўлди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

1923 йил 22 июлда Фалғар меҳнаткашлари билан бирга қизил аскарлар Оббурдон қишлоғига кирганда, бу қишлоқ бўм-бўш, ҳаёт асари кўринмас эди.

Аммо машваратхонада чакас устидаги лочин ҳали ҳам тумшуғи билан қанотлари остини ва парлари орасини қашламоқда, «боргоҳнинг» ягона хўжасидай бепарво эди.

Қизил аскарлар босмачиларни қувиб бориб, баъзисини ўлдирдилар, баъзиларини асир олдилар, қочган қўрбошилардан ёлғиз Норбўта Фузайл махсум ҳимоятига ета олди.

Қизил аскарлар босмачилар тўдасини тугатгандан кейин, уларнинг иғвоси билан уй-жойларидан қочган аҳолини қайтариб келиш учун Пакшиф довонигача бордилар. Аммо қизил аскарлар у ерга етгунча, аҳоли кичик довондан ўтаётганда тоғ чўққисидан ағанаган кучли тарма — кўчик остида қолиб, кўпчилик ҳалок бўлган эди.

«МУСТАҚИЛ» ҒАРМ

1923 йилда Ғарм вилояти озиқ-овқатдан жуда қийналиб қолган эди. Тинч вақтларда аҳолисининг деярли ярми Фарғонага бориб ишлаб, кун кечирадиган бу вилоят олти йилдан бери ишсизлик балосига учраган эди.

Амирлик шароитида ҳеч вақт ўз аҳолисини тўйдира олмаган Ғармнинг экин ерлари уч йилдан бери босмачилар оёғи остида пайҳон бўлиб, бутунлай ишдан чиқди.

Ҳисор водийси ва Кўлоб вилоятини талаб, ўзларини тўйдирадиган Ғарм босмачилари, бир йилдан бери шу ернинг ўзига қараб қолдилар: озиқ-овқатларини, кийим-кечакларини оч-яланғоч аҳолидан талаб олар эдилар. Чунки Ҳисор водийсида ва Кўлоб вилоятида Совет ҳукумати мустаҳкамлангач, босмачиларнинг у томонларга бориб талон-торож қилиш йўллари боғланган эди.

Фузайл махсум ўзини «мустақил» эълон қилиб, ҳар томондан қувилган тўрт-беш минг босмачини ўз теварагига тўплаганидан кейин, «мустақил» Ғармнинг иқтисодий аҳволи яна ҳам танглашди.

Фузайлнинг милтиқсозлик, ўқ қуйиш, ҳарбий кийимлар тикиш устахоналари очиши аҳоли учун оғир юк, дард устига чипқондай бўлиб тушди.

Фузайл ўз давлатини мустаҳкамлаш учун қоғоз ақча ҳам босиб чиқарди. Молни молга алмаштириш давридан ҳали бутунлай қутулмаган қолоқ вилоятнинг «мустақил»лик номи остида бирдан қоғоз ақча билан савдо қилиш даврига ўтиши, аҳолини гадойликка олиб борди, ҳар бир меҳнат унумини қоғозга алмаштиришга мажбур бўлган аҳоли оз вақтда ақчага бой бўлиб, бошқа ҳамма нарсага гадой бўлиб қолди, чунки қоғоз ақчани аҳоли қўлидан ҳеч ким олмас эди. Фузайл ва унинг босмачилари ўзлари ҳисобсиз босиб чиқарадиган бу қоғозни деҳқонларга зўрлаб олдириб, унинг эвазига истаган нарсаларини талаб олардилар.

Фузайл Биннисифёнда Сорбуғ дарёсидан ўтиб, унинг кўпригини бузиб Қазноқ қишлоғида ерлашди ва Обигарм мағлубиятида тарқалиб ҳар томонга кетган йигитларини қайтадан тўплаб, ўз лагерини мустаҳкамлашга киришди.

Фузайлни қувиб борган қизил аскарлар Сорбуғ сувининг нариги қирғоғида, Почи қишлоғида, Фузайл ўрнашган қишлоқнинг рўпарасида манзил қилдилар. Бу икки лагерни бир-биридан фақат Сорбуғ дарёсининг тўлқинли суви ажратиб турарди.

Қизил аскарларнинг командири Баринов разведкага юбориш учун руслардан йигирма беш нафар қизил аскарни ажратиб, уларга беш нафар маҳаллий тожик кўнгиллиларидан қўшиб юборишни лозим топди. Булар орасида Дохунда ҳам бор эди. Дохуннинг бу сафарда катта хизмат кўрсатиши мумкин эди, чунки у яқинда пиёда Масчоҳга бориб келган, Ғармнинг бу томонларини яхши биларди.

Разведкачи бўлинмаси Сорбуғ сувининг қуйиларига бориб, бир тор жойда кўприк қуриб, душман томонига ўтдилар ва тоғ бағрида ерлашиб, душман ҳаракатини кузатиб турдилар.

Кун ёриши билан босмачилар разведкачилардан хабардор бўлиб, уларга ҳужум қилдилар. Разведкачиларнинг вазияти оғир эди, ўттиз киши қарийб мингта босмачига қарши туриши керак эди. Шундай бўлса

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам, разведкачилар қизил аскарлик ғайрати билан саросима бўлмасдан, қарши тура олдилар, буларга яшириниш учун моҳирона ишланган чуқурлар ҳам катта ёрдам берди.

Босмачилардан чуқурга яқинлашган киши разведкачиларнинг ўқига дуч келиб, ер тишларди, босмачиларнинг ҳисобсиз отаётган ўқлари бўлса, чуқур атрофидаги тошларга урилиб, бефойда нобуд бўларди.

Босмачилар аввалларда секин ҳаракат қилиб, разведкачилар ўқининг тамом бўлишини кутдилар, аммо охирда разведкачилар ўқининг бекорга кетмаганини кўриб, бирдан чуқурга ҳужум қилишга қарор бердилар. Бу ҳужумга Фузайл билан Холбўта раҳбарлик қиларди.

Разведкачилар босмачиларнинг кўплаб ҳужумга киришганини кўриб, қамалда қолишни истамадилар, ерга ётиб, харсангларни пана қилиб, эмаклаб, душманни ота-ота кейинга силжидилар.

Босмачилар разведкачиларни сув бўйида қамал қилиб, ўқлари тамом бўлгандан кейин босиб олиш ниятида уларга кўп ҳам яқинлашмас эдилар, разведкачилар ўзлари қурган кўприкка етиб бориш мақсадида дадиллик билан кейинга силжирдилар...

Аммо разведкачилар сув бўйига етиб бориб, кўприкнинг бузилганини кўргач,қандай қийин аҳволда қолганларини пайқадилар — бир томонда, омонсиз тўлқинли сув, иккинчи томонда, юзларча милтиқдан бирдан чиқиши мумкин бўлган жон олувчи ўт!

Улар, оролда ёнаётган тўқай ичида қолган шерлардай, нима қилишларини билмас эдилар...

Лекин бу аҳвол кўпга чўзилмади, тоғ сувларининг оқимини беш бармоқдай биладиган кўнгилли тожиклар, дарҳол у ён-бу ёнга югуриб, сувдан ўтадиган жой топдилар ва ҳаммалари сувга шўнғиб, олға юзиб боравердилар.

Овнинг қўлдан кетганини кўрган босмачилар ғазабланиб, сувга кирдилар, аммо бу вақтда разведкачилар қирғоққа етиб олган эдилар.

Милтиқ товуши эшитилиши билан қизил аскарлар лагеридан бир бўлинма ёрдамга келди. Босмачилар бутунлай маҳв қилиниб, от ва қуроллари ўлжага олинди, разведкачилар ғалаба билан қайтдилар.

Лекин орада Дохунданинг бўлмагани ғалаба байрамини мотам митингига айлантирди, шу билан баравар, разведкачилар олиб келган маълумотга асосланиб, сувдан ўтишнинг йўли ва вақти белгиланиб, қизил аскарлар ҳужумга тайёрлана бошладилар...

Бу орада янги бир воқеа юз бериб, қизил аскарларнинг ҳужумини енгиллаштирди; ўртоқ Швецов қўл остида Самарқанддан чиқиб, Масчоҳни тозалаб, Ғармга келган қизил аскарлар Фузайл тўдасига ҳужум қилди.

Сорбуғ суви бўйига етиб келган Швецов қирғоқда, тошлар орасида писиб ётган бир одамни кўриб, унинг кимлигини аниқлаш ва ундан Фузайл тўғрисида маълумот олиш ниятида у одамни қўлга олди. Бу одам, фалғарлик кўнгиллиларнинг кўрсатишларига кўра, Масчоҳ аҳолисини қочишдан сақлаб қолишга интилган Дохунда бўлиб чиқди.

Дохунда Фузайлнинг қаердалиги тўғрисида, ҳам унга қарши турган Баринов отряди тўғрисида батафсил маълумот бергач, Швецов фурсатни ўтказмасдан, Фузайлнинг орқасидан ҳужумга киришди. Унинг ҳужуми Баринов ҳужуми билан бир вақтга тўғри келиб, Фузайл бутун йигитлари билан бирга икки ўт орасида қолди, кўп одам ва қурол-аслаҳасини қўлдан бериб, бутунлай енгилди.

Швецов отряди душманни янчиб, Баринов отряди билан қўшилгач, катта шодлик байрами бўлди. Бу, уч тарафлама шодлик байрами эди: бир томондан, душман тамом енгилди; иккинчи томондан, Самарқанддан келган отряд билан Душанбадан борган отряд бир-бирига қўшилди; учинчидан, Баринов отряди «нобуд бўлган» деб ўйлаган Дохунда Швецов отряди билан бирга ўз ўртоқлари олдига етиб келди. Разведкачилар сувда юзаётганда у сувнинг тез оқимига тушиб, босмачилар сувга киргунча нариги қирғоққа чиқа олмагач, қайта Фузайл турган қирғоққа чиқиб, харсанглар орасида писиб, фурсат кутиб ётган экан. Швецов отряди келгач, улар билан бирга ҳужумда иштирок қилибди.

Фузайл бу мағлубиятдан кейин, қоматини тиклай олмади, Ҳайитга қарашли Мозор қишлоғида қизил аскарларнинг бир бўлинмасига дуч келиб, урушишга мажбур бўлса ҳам, оти ўқ еб йиқилди, ўзи бошқа бир отга миниб қочди. Метинон қишлоғидаги ўз ҳовлисига бориб, нақд пулларини олди, томига тикланган «истиқлол бай-

www.ziyouz.com kutubxonasi

роғи» ни йиқитиб, ўз қўли билан ҳовлисига ўт қўйиб, Тўпчоқ йўли билан Ваҳёга бориб, Панж дарёси бўйида манзил қилди.

Йигитлари унинг Афғонистонга қочиш ниятида бўлганини пайқагач, уни ҳукуматга топшириб, шу восита билан ўз гуноҳларини енгиллаштирмоқчи эдилар.

Фузайл бу аҳволни сезиб, кеча қоронғисида укаси Садод ва бошқа уч нафар одами билан дарёдан ўтиб, Афғонистонга кетди.

Шу билан Ғарм вилояти Советлар мамлакатининг ажралмас бир райони бўлиб, осойишта ҳаёт бошлади.

ҲАВАСКОР АРТИСТКА

Қизил аскарлар Дарвозга қарашли Сағирдашт деган жойда лагерь қурган эдилар. Сағирдашт ўзининг муздек совуқ ва ширин булоқ сувлари билан машҳур. Бу ер ёзда ҳам кўклам вақти каби кўкариб, ерни яшил духобадай сабзазорлари билан, турли рангдаги лолазорлари билан, турли-туман хушҳид гуллар очилиб ётган чаманзорлари билан Тожикистоннинг тоғлари орасидаги бошқа текисликлардан ажралиб туради. Айниқса, даралардаги ширин-шарбат ноклари, нашватилари, шафтоли, ўрик, олма ва анорлари моҳир боғбонлар томонидан тарбияланган мевалардан қолишмас эди; Сағирдаштнинг чаманзор дараларидан эсадиган хушбўй шабада заифланган ўпка ва юракларга куч-қувват, ҳориган баданларга тоза қон берарди.

Қизил аскарлар мана шу даштда лагерь қуриб, ҳордиқ чиқармоқда ва Дарвозни босмачилар қўлидан қутқазиш учун тайёрлик кўрмоқда эдилар.

Сағирдаштда кеча қоронғилашгандан кейин, юк машинаси мотори билан ишлайдиган кинокартиналар кўрсатилди, кинодан кейин қизил аскарларнинг ўз ҳаваскор артистлари томонидан томоша кўрсатила бошлади. Биринчи парда ўйналиб бўлгандан кейин, кучли қарсаклар остида парда ёпилди ва майдон юк машинадан ток оладиган электр лампочкалари билан ёритилди.

Дохунда томошабинларни кўздан кечираётганида ўзига тикилиб қараётган бир хотинга кўзи тушди. Хотиннинг кўзлари таниш кўринди. Йигит унинг кимлигини аниқлаш учун томоша залининг орқасига ўтди.

Хотин ҳам Дохунданинг мақсадини сезиб, четроққа чиқиб йигитни кутиб турди.

— Гулнор?!

— Едгор?!— деди хотин,— Душанбадан чиққанингга расо бир йил бўлди, на у ерга борасан, на мени ўз олдингга чақириб оласан! Айрилиқ жонимга тегди, сени ахтариб топиш пайига тушиб, ҳар кимдан сўрадим, Дашти бедонада дедилар, у ерга бориб топмадим; Ғармда бўлса керак дедилар, у ерга ҳам бориб топмадим; Тавил дарага кетган дедилар, у ерда ҳам сени топмадим; Сағирдаштдадир дедилар, ниҳоят, бу ерга келиб сени кўрдим...

Хотин нафасини ростлаб олгандан кейин, яна давом этди:

— Мен сендан пухта бир жавоб эшитиш учун келдим: нима қилмоқчисан? Менинг ана шу гапимга очиқ-ойдин жавоб бер! Бундан ортиқ кутишга тоқатим қолмади.

— Босмачиларни йўқотиш керак,— деди Дохунда,— ҳозирча шундан бошқа иш билан шуғуллана олмайман!

— Босмачиларни йўқотиш иши сенга қараб қолганми? Босмачиларни қизил аскарлар йўқотадилар!

— Сен янглишасан, Гулнор!— деди Дохунда,— аслда босмачиларни йўқотиш менинг вазифам, сенинг вазифанг ва бутун тожик, ўзбек меҳнаткашларининг вазифаси, чунки босмачилар ҳақиқатда амир замонида амалдор, оқсоқол, бой, қози, раис ва ҳоким номи билан бизнинг қонимизни сўрдилар; энди босмачилик кийими остида чиқиб, ўша амирлик, амалдорлик ва оқсоқоллик даврини тиклаб, яна менинг, сенинг ва бутун меҳнаткашларнинг қонини сўрмоқчилар, шунинг учун босмачиларни йўқотиш ҳаммадан бурун бизнинг вазифамиз. Қизил аскарлар бўлса, босмачиларни йўқотиш ишида бизга ёрдам бериш учун келганлар. Биз уларнинг атрофига тўпланиб, бирга ишлашимиз керак.

— Ундай бўлса, мени ҳам ўз ёнингга ол!— деди Гулнор.

— Агар истасанг, сен учун ҳам иш топилади.

— Нега истамас эканман?— деди Гулнор,— менинг ёш умрим амирлик замонининг қонунлари остида чиқди, энди эскилик ва янгилик, амирлик ва меҳнаткашлар ҳукумати бир-бири билан курашиб, урушаётган вақтда

www.ziyouz.com kutubxonasi

мен нега майдонга кириб урушмас ва курашмас эканман?

— Яхши, бирга ишлаймиз,— деди Дохунда,— ҳозир бизнинг олдимизда муҳим бир иш турибди: Дарвоз қўрбошилари Диловаршоҳ ва Ғайратшоҳнинг қаерда ва қандай ҳолда бўлганларини ва қанча қувватлари борлигини аниқлаб олишимиз керак. Агар бу иш учун бирор эркакни юборсак, албатта ўлдирадилар, чунки босмачилар кейинги вақтларда ҳар бир кишидан шубҳаланиб, сўроқсиз ўлдираётирлар, аммо хотинлардан унча шубҳаланмасалар керак. Шунинг учун, менингча, бу ишни сен бажара оласан.

— Албатта, бажараман!— деди Гулнор ишонч билан,— кун оқариши билан Қалъайи Хумга қараб йўлга тушаман. Менинг кўнглимга бир тадбир келди,— деди Гулнор.

— Қандай тадбир?

— Мен бу ерда ғалати бир ишни кўрдим. Ўйинчилар ўйинга тайёрланаётганда, афти чиройли бўлмаган ўрта ёшли бир хотин саҳна пардаси орқасига ўтиб, ўн саккиз яшар гўзал бир қиз суратига кириб чиқди, агар мумкин бўлса, мени ҳам ўн саккиз яшар бир қиз суратига киргизиб жўнат!

— Ҳали ҳам сен менинг кўзимда ўн саккиз яшар қизлардан гўзалроқсан,— деди Дохунда унинг сочини силаб,— бундай ясама ишларнинг ҳеч бир кераги йўқ!

— Сенинг назарингда, эҳтимол шундай бўлса,— деди Гулнор уялинқираб,— аммо босмачилар назарида, мен билан ўн саккиз яшар қиз орасида фарқ катта. Шундай қилганда, мен мақсадга тезроқ етишарман деб ўйлайман.

— У вақтда сенга зарар етказишлари эҳтимол!— деди Дохунда бу тадбирга унча рози бўлмай.

— Ундай воқеаларга қарши менга бир ханжар топиб берсанг бўлгани.

— Нима, ханжар?— деди Дохунда чўчиб,— ёмон бир воқеа юз берганда, ўз кўкрагингга ханжар санчиб, ўзингни маҳв қилмоқчимисан?

— Йўқ, худо кўрсатмасин ундай ишни,— деди Гулнор,— сенинг муҳаббатингни йиллардан бери асраб юрган кўкрагимга мен ҳеч вақт ўз қўлим билан ханжар урмайман, агар мен бу ишни раво кўрсайдим, ўша замон

замонидаги азобларга чидаб турмай, қачонлар ўзимни ўлдирардим. Ханжар менга бирор ёмон воқеа юз берганда ўзимни ҳимоя қилиш учун, ўз душманларимнинг, сенинг душманларингнинг ва бутун меҳнаткашлар душманларининг кўкракларига санчиш учун керак.

Дохунда билан Гулнор бу тадбирни амалга ошириш тўғрисида бир-бирлари билан келишиб, саҳна орқасидаги гримхона чодирига кириб кетдилар.

МУЛЛА ЧОРТОРИ ҚИЗИ ЁКИ ШОҲСАНАМ

Сағирдашт томонидан Қалъайи Хумга қараб бир отлиқ от суриб борарди. У Қальайи Хумга яқинлашганда бир булоқдан отини суғормоқчи бўлиб тўхтади.

От сув ичаётганда у ердан унча узоқ бўлмаган булоқ теварагидаги гул буталари орасидан эшитилаётган чолғу ва ашула садоси, отлиқнинг диққатини жалб этди: бир киши «Арзимни айтай боди сабога» мақомида ҳазин овоз билан тожикча куйлар, у куйга жўр қилиб «чортор» деган музика асбобини, юракларни тирнаб-титратадиган бир маҳорат билан чалмоқда эди:

Тоғу тошларда
Лола очилган.
Булбул йўлига
Гуллар сочилган.
Менинг булбулим
Не учун келмас?
Кўнглим ғунчаси
Нега очилмас?

Эй хушбўй шамол!
Ундан хабар ол!
Мендай ғарибдан
Сўрармикан ҳол?..

Бу куй ва чолғу овозига мафтун бўлган отлиқ отнинг бошини буриб, булоқ бошига борди: унда ўн саккиз ёшлардаги гўзал бир қиз, ўз куйи ва созининг овозидан маст бўлгандай кўзларини юмиб, чортор чалиб, куйламоқда эди.

Қиз отлиқнинг:

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Сен кимсан, бу ерда нима қиласан?»— деган сўроғидан сесканиб, кўзини очди, созини ерга қўйиб, отлиққа ҳуркқан кийикдай тикилиб қараб турди.

Отлиқ сўроқларини такрорлагач, қиз жавоб берди:

— Мен шуғнонлик бир ғарибман, отам билан бирга Дарвоз шаҳзодаларининг саройларига бориш ниятида бу томонларга келиб эдик, отам йўлда ўлди, мен адашиб кўп вақтдан бери тоғ ораларида дод-фарёд қилиб юрибман.

— Отинг нима, отангнинг номи нима эди?

— Менинг отим Шоҳсанам, отамнинг оти Шоҳгул бўлса ҳам, чорторни яхши чалгани сабабли халқ орасида мулла Чортори лақаби билан машҳур эди. Шунинг учун мени ҳам, мулла Чортори қизи деб юритардилар.

— Жуда яхши!— деди отлиқ,— тур, отга мингаш! Мен сени Дарвоз шаҳзодаларининг саройига етказаман.

Қиз чорторни отлиқ қўлига бериб, унинг орқасига мингашгандан кейин, торни ўз қўлига олди ва отлиқ Қалъайи Хум томонга қараб жўнади...

Отлиқ Қалъайи Хумга етиб бориб, босмачилар ерлашган бир ҳовлига кирди ва қизни бир бурчакка яшириб қўйиб, ўзи қўрбошилар ўтирган катта меҳмонхонага кирди.

Диловаршоҳ ва Ғайратшоҳ тўрда, бошқа қўрбошилар девор тагида чордана қуриб ўтирар, чақчақлашар эдилар.

Отлиқ кириб салом берди.

— Кел, Мирзааскар! Қани, қандай хабарлар олиб келдинг?— деб сўради Диловаршоҳ.

АҲМОҚЛАРНИ ЛАҚИЛЛАТГАН «ҚИММАТЛИ» ХАБАР

Анвар иши тамом бўлиб, Сомий ва Фузайл кочиб, Дарвоз «шаҳзода»ларининг «ўйини» тугатилгандан кейин, Иброҳим Галлу босмачилик майдонида бирдан-бир нуфузли бошлиқ бўлиб қолди. Бошқа қўрбошилар билан келиша олмай, доимо низо чиқариб юрган бу ўжар қўрбоши энди ўзини Шарқий Бухородa «мустақил» ҳис қиларди.

Иброҳим ўзининг бу «истиқлолини» амирдан ҳам

тасдиқ қилдириб, унинг воситаси билан инглиз мустамлакачиларининг эътимодини қозониб, улардан ҳарбий ва сиёсий ёрдам олиш фикрига тушди.

Буни амалга ошириш учун Хонободда турадиган Саидбекнинг машварати билан олтмиш минг Бухоро тангасини, икки минг бош ҳисор қўйини, уч юз бош лақай отини ва ўттиз бош туркман нор туясига ҳар турли қимматбаҳо буюмлар юклаб, мулла Ниёз деган кишини ўзининг вакили ва Содиқ пучуқ деганни унинг ёрдамчиси қилиб, ҳалиги мол ва пулларни собиқ Бухоро амири ҳузурига Кобулга юборди. Амир олдидаги бошқа нуфузли одамларга ҳам алоҳида мактублар ёзиб, уларни ҳам совға-салом билан йўқлашни эсдан чиқармади.

Мулла Ниёз юқорида қайд қилинган пул ва моллarни Кобулга олиб бориб амирга топширгандан кейин, қуйидаги мактубни ёзиб Иброҳимга юборди[1].

«Ҳазрати илоҳ жалолат маоб вазоратпаноҳ Шарқий Бухорода амирнинг ноиби мириби девонбеги лашкарбоши ғози соҳиб давлатим салламаҳуллоҳ жанобларига!

Дуою саломни адо қилгандан кейин, умидгоҳим ва меҳрибонимга маълум қилинадурким, бу томонга келиб ҳазратимнинг остоналарини ўпишга мушарраф бўлиб, умидгоҳимнинг саломатликларини етказиб, марҳамат қилиб юборган тортиқларини топшириб, жаноби олий ҳазратимни ҳар жиҳатдан хурсанд қилиб, умидгоҳим ҳақларига, ислом йўлида жиҳод қилғувчилар ҳаққига дуо олиб, дуолар қилдим.

Умидгоҳим, пушти паноҳим! Бу қул, ҳазратимнинг узангиларини ўпишга мушарраф бўлганидан бери ҳар томондан баъзи хусусий хабарлар келди. Меҳрибоним! Ислом давлатларидан бошқа беш давлат, чунончи: Жирман (Германия), Итолиё, Амрико, Фарангистон, Англис давлатлари иттифоқ бўлиб, большевик тухумини қуритмоқчи бўлиб, жанг эълон қилганлар. Алҳол, бундан муқаддам мактубда зикр қилинган неча адад шаҳарларни усмонли давлати, яъни турклар ва қора Козимпошо большевиклардан олди. Усмонли давлатининг тупроғи хоҳ фарангда бўлсин, хоҳ русда, хоҳ жирманда бўлсин алҳамдулиллоҳ, ҳаммаси қутулди.

---

[1] Тожикча ва дарбориларича ёзилган бу мактубнинг мазмун ва таъбирларини ўзбекчага айнан таржима қилиш учун имкон борича ҳаракат қилдик. *(Автор.)*

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ғози Абдулкарим подшо араб вилоятида Риф ва Яман мулкидан аввало босмачи бўлиб, алҳамдулиллоҳ, ҳозир худо йўлида жанг қилғувчи икки лак аскар пайдо қилди, ҳар турли анжомдан — тўп, плимут, ўқ, айруплондан ҳеч бир камчилиги йўқ, ҳар томондан душман пайдо бўлса тайёр туриб, худонинг иноят билан, ҳамиша зафар ислом жонибида бўлиб турибди. Маккаи муаззама ва Мадинаи мунавварани Ибни Сууд олди. Алҳол ислом давлатлари орасида «барча мусулмонлар учун бир халифа бўлиши керак, мазкур халифанинг Маккаи муаззамада бўлиши керак деб кулли иттифоқ бўлди. Иншооллоҳ султон Абдулмажидни исломия халифаси қиладилар».

Мактуб эгаси «халқаро аҳвол»дан ўз хўжайинига шундай кулгили маълумотлар бериб, «Абдулкаримнинг босмачиликдан чиқиб, катта подшо бўлгани» тўғрисидаги хабар билан унинг кўнглида «босмачилик воситаси билан катта подшо бўлиш» умидини уйғотгандан кейин, мактубда босмачи йигитларини кўпайтиришга маслаҳат берди, сўнгра Бухоро аҳволига ўтиб, ёзди:

«...Большевик томонидан «Бухоро амирини олиб бориб ўз тахтларига ўтқизаман» деб бир рус келди, ҳазратим жаноблари қабул қилдилар ва марҳамат қилдиларки: «Аввал вилоятни бўшатсин, биз дарёдан ўтиб Қўлобда туриб, ўз ноибимиз девонбегини (Иброҳимни) Бойсунга юбориб, ўзимиз Ҳисорга бориб турамиз, ундан кейин девонбегини Бухорога юбориб, ўзимиз Бойсунга борамиз» дедилар. Иншооллоҳ, шу яқинларда ишлар тамом бўлади».

«Умидгоҳим! Бундан илгари ваколатнома тўғрисида бир хат ёзган эдим, бутун аскарбошилар номидан «биз мириби девонбегини (Иброҳимни) ўз жонибимиздан вакил қилдик» деган хат бўлиши керак, шунингдек, ўзингиз «бу қулни (мактуб эгаси мулла Ниёзни) вакил қилдим» деб хат ёзишингиз керак. Сўнгра аскарбошилар ёзган ваколатнома билан бирга ўзингиз ёзган ваколатномани бу хатни олиб борган Қосим тўқсоба билан тездан менга юборингки, бу ерда бўладиган музокаралар учун керак![1]

[1] Албатта бу ваколатнома инглизлар билан қилинадиган шартнома учун керак бўлган. *(Автор.)*

Бошқа арз шуки, жаноби олий Исмоилбек девонбегини Муллакўри билан бирга Ҳиндистонга юбордилар, иншооллоҳ, Бадахшон орқали сизга қурол-аслаҳа боради, сизга номсиз хат борса ва «тўқсоба» деган сўз ёзилган бўлса жаноби олий вакилларидан (Исмоилдан) бўлганини билиб олинг!»

Мактуб эгаси сиёсий ва ҳарбий масалалардан кейин иқтисодий муомалалар ва талаблар масаласига ўтиб, ўз мактубини давом эттиради:

«Ҳожи Исмоил девонбегига сизнинг томондан хат ёзилмабди, у киши сизга диний дўст экан. Бу киши жанобингизга бир хат ёзиб, сизга юбориш учун бу қулга бир дурбин берди. Йўллар хатарли бўлгани учун мен уни юбормай, хатини юбордим. Сиз ҳам у кишига хат ёзиб, икки жўра яхши алача юборишингиз керак, бу нарса ҳожи Исмоилбекка юборилади. Бошқа кишига хат ёзиш керак эмас. Бундан бошқа бу қулга олти жўра қоратоғ алачаси юборинг. Ўзим керакли жойларга бераман...»

Мактуб эгасининг муҳри «Мулла Ниёзбий иноқи калон» мактубнинг тарихи ҳижри билан — 1344.

Иброҳим Галлу бу мактубнинг «халқаро аҳволга оид» жойларига унча аҳамият бермаган бўлса ҳам, ўзига, амирга ва ўзи талаб юрган мамлакатга оид бўлган жойларидан жуда хурсанд бўлди. Айниқса, «большевикларнинг ҳеч бир урушсиз мамлакатни амирга топшириб кетиш ниятида бўлганликлари», амирнинг «ўз ноибимни (Иброҳимни) ўзимдан бурун Бухорога юбораман» деб ваъда қилгани уни жуда ҳам қувонтирган эди.

Иброҳим бу мактубдан босмачиликни мустаҳкамлаш йўлида фойдаланмоқчи бўлиб, мактубнинг мазмунига ўз томонидан шарҳлар ва иловалар қўшиб, атрофдаги қўрбошиларга тарқатди, шу билан умидсизликка тушиб, таслим бўлиш фикрида юрган босмачиларни яна ҳаракатга келтирди.

Амирнинг амакиси Акрамхонтўра томонидан ҳам Иброҳимга бир мактуб келди, бу мактуб ҳам «большевикларнинг тезликда йўқолиши» тўғрисида эди. Унинг бир жойида «Кўршермат, Фузайл ва унинг укаси Қобул йўлида ачинарли аҳволда ётгани» ҳам ёзилган эди.

Бу маълумот ҳам Афғонистонга қочиш фикрида бўлган баъзи босмачиларни сақлаб қолиш йўлида яхши хизмат қилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

АҲВОЛНИНГ ОҒИРЛАШУВИ ВА АЛДАНГАНЛИККА ИҚРОР БЎЛИШ

Мулла Ниёз мактуби билан қилинган ташвиқотлар, Иброҳимнинг босмачиларга далда бериши босмачиликни сақлаб қолиш учун фойда бермади, чунки халқ оммасининг кўзи очилиб, кўнгилли «қизил таёқ» отрядлари ташкил бўлган, халқ босмачиларни йўқотишда актив қатнашмоқда ва қизил аскарлар олдига тушиб, душман яшириниб ётган жойларни кўрсатмоқда эди.

Меҳнаткашлар тўпланишиб, қизил аскарларни Алимардон қўрбошининг ҳовлисига олиб бордилар, у қочиб, Абдулла додхоҳ деган қўрбошидан ёрдам сўраган экан, иш чиқмабди. Алимардон Иброҳимдан ёрдам олиб, меҳнаткашлардан ваҳшиёна ўч олган бўлса ҳам, бошқа бир тўқинишда «қизил таёқ»чи меҳнаткашлар томонидан ўлдирилди.

Босмачиларнинг куни тугаб бораётган вақтда, амир ва инглизлар олдида Иброҳимнинг ишончли вакили бўлган мулла Ниёздан қуйидаги мактуб келди:

«...Меҳрибоним!

Бир жуфт этик, юз дона музир (маузер) ўқи, эллик дона лаган (наган) ўқи, ўттиз дона етти отар итолиён тўппончанинг ўқи, икки инглиз чойнак, бир қути қурс, йигирма жуфт кулуча-чолвор, бир дона ойнак, бир жуфт хашаки кулуча-чолвор юбордик».

«Умидгоҳим, кулуча-чолворни Абдураҳмон парвоначига юборинг. Меҳрибоним, амирга бир шукрона аризаси керак. Умид шуки, юз дона ўн сўмлик тилла жаноби олийга, юз дона ўн сўмлик тилла дарборхонанинг олуқлари (амир эшигида хизматчиларга бериладиган) ва қайтиш харажати учун бу қулга юборинг. Илгари юборган пулларингиздан ҳеч нарса қолмади. Умид шуки, борган одамларни тезроқ қайтаринг!

Ёмғирларда киядиган кулуча-чолвор топилмади: Пишовурдан олиб келтиришга буюрдим, иншооллоҳ, ўзим олиб бораман. Худойи таоло жанобларини ва барча мўъмин аҳлини муродларига етказгай, омин!

Бу банда бу ерга келган вақтда Мирзо додхоҳ йўқ эдилар, у кишига бирон нарса келтирган ҳам эмас эдик. Ўзлари уч марта ҳаж қилган киши, у кишига юз рупия юбориб, бир хат қилинг. Удайчига ҳам бирор марҳамат қилиб юборинг. Шайх Соҳибга нарсалар теккани тўғрисида бир хат қилинг. Аммо нарса юбориш керак эмас, ҳожи Мирзога ҳам хат қилинг, аммо нарса керак эмас. Парвоначига ҳам хат қилинг, аммо нарса керак эмас. Икки кишидан бошқа ҳеч кимга нарса юбориш керак эмас, жаноби олийнинг розиликлари ҳам шу. Агар пулингиз бўлса, бу қулга юбора беринг! Мен харж қилинадиган жойни биламан. Тўппонча билан ўқни ўзим олиб бораман. Ассалому алайкум».

Муҳр: «Мулла Ниёзи иноқи калон».

Мирзо бу мактубни муҳригача ўқиб эшиттиргандан кейин, Иброҳим унга:

— Хатни бу ерга қўй, бориб маҳрамга айт, чилим келтирсин!— деди ва ўзи пешонасини тутиб, ўйлаб кетди.

Иброҳим чилимни устма-уст чекиб, тутунини бурнидан чиқарганидан кейин, маҳрамга:

— Холиқ тўқсобага айт, менинг олдимга кирсин, бошқа бирор киши кирмасин!— деди ва ўзи яна пешонасини тутиб хаёлга шўнғиб кетди.

Холиқ кириб:

— Хўш, нима гап, нега кайфинг учгандай кўринади?— деб унинг яқинига бориб ўтирди.

— Олтмиш минг тоза кумушдан зарб урилган Бухоро тангаси, икки минг ҳисори қўй, уч юз чопқир лақай оти, ўттиз туя ва бошқа нарсалар, айтишга осон... Бу қадар нарсани хароб бир мамлакатдан топиб берган (ўз мушти билан кўкрагига ура-ура) Иброҳим эди. Бу нарсаларнинг ҳаммаси наҳанг комига кетди. Юборилган нарсалар озлик қилгандай, уйинг куйгур мулла Ниёз чна хат қилиб, ўн сўмлик юз тилла жаноби олий учун, шу миқдорда ўзи учун, юз рупия аллақайси бир фирибгар учун деб сўрабди...

Иброҳим деворга суяб қўйилган чилимни олиб, яна бир-икки тортди.

— Мулла Ниёз, гўё мени ёш бола қилиб алдамоқчи, бир неча кишининг отини айтиб, буларга нарса юбориш керакмас деб, ўзини менга давлатхоҳ қилиб кўрсатмоқчи бўлади. Қанча пулим бўлса, унинг ўзига юбора беришим керак эмиш, у қурол-аслаҳа олиб юборармиш. Аммо мен неча марта сўраган ёмғирда киядиган кулуча-чолворни «Пишовурдан олиб юбораман» деб қуруқ ваъда қилган. Маълум бўладики, ҳаммасининг нияти бузуқ, қандай йўл билан бўлса ҳам мендан пул юлиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

олмоқчи. Аввалари ҳар бир нарса эвазига қурол юборардилар. Охирги юборган олтмиш минг танга, икки минг қўй, уч юз от, ўттиз туя ва бошқа нарсаларим бадалига юборган матолари беш юз тангага арзимайди...

Шу вақтда бир қўрбоши кириб, ўз ҳовлисининг «қизил таёқ»лилар томонидан таланганини хабар берди. Ўч олиш учун Иброҳимдан ёрдам сўради:

— Агар аҳвол шундай бораверса, мен ўз одамларим билан бориб ё ҳукуматга таслим бўламан, ёки Афғонистонга қочиб кетаман,— деб таҳдид қилди.

Иброҳим Холиққа қараб:

— Жаноби олий ва мулла Ниёзга бориб айт, келиб бу ишларни ислоҳ қилиб, босмачиликни тиклаб, мамлакатни ўзлари талай берсинлар. Мен бундан буён ўзимдан ва ўз йигитларимнинг харажатидан пул орттириб уларга юбора олмайман,— деди ва котибини чақириб, уйи таланган қўрбошининг ўчини олиш учун бошқа қўрбошига фармон ёзишни буюрди.

МУСУЛМОНЛАРНИ ЎЛДИРИШ

1925 йилда, Тожикистон АССР ташкил топгандан кейин, республика меҳнаткашлари босмачиларга қарши ёппасига қўзғалдилар. Босмачилар қизил аскарларга ва кўнгилли «қизил таёқ»чиларга қарши чиқа олмай қолдилар.

Босмачилик жон узмоқда эди, лекин илон ва чиён жон узаётган вақтда қаттиқ чаққандек, босмачилар ҳам ўз умрларининг охирларида ваҳшийликларини баттар орттирган эдилар. Улар тўғри келган одамни ҳеч бир сабабсиз отиб ташлардилар.

Зудди томонларда қочиб юрган Абдураҳмон парвоначи (аввалари мухтор вакилнинг озуқа мудири бўлган мингбоши) нинг ўз жиянига ёзган мактубидан баъзи парчаларни келтирамиз:

«Кўзларимнинг нури Холмурод ва мулла Розиқ ва жамии аскарияга... Агар бу дуогўйга фарзандлик қилмоқчи бўлсанглар, худодан ва шариатдан умидларингиз бўлса, динсиз, диёнатсиз мусулмонлардан беш юзтагача ўлдиринглар, мол-мулкларига ва хонадонларига ўт қўйинглар! Боқи, ассалому алайкум».

Муҳр: «Абдураҳмон парвоначи лашкарбоши ғози».

Қеча қоронғи. Қорачироқ билан ёритилган меҳмонхонада Диловаршоҳ, Ғайратшоҳ ва бошқа қўрбошилар базм қурган эдилар. Шуғнонлик мулла Чортори қизи тор чалиб куйлар ва бир дарвозлик йигит думбак чалиб торнинг усулини сақлар ва баъзан қиз билан лапар айтишарди.

Базм қизиб кетди. Қизнинг юзига ёйилиб тушган қора сочлари тор чалаётганида титраб, унинг ҳуснини яна ҳам оширар, Диловаршоҳнинг ҳайвоний ҳирсини қўзғатарди. У, ўз муддаосини ашула айтиб, лапар ўқиб, қизга изҳор қилмоқчи бўлди. Думбакни олиб, торда чалинаётган ҳавога жўр қилиб чала бошлади:

Диловаршоҳ: — Ой, мулла Чортори қизи!
Танимда жон бўлармисан?
Қиз: — Бўмайман, бўлолмайман!
Диловаршоҳ: — Дилимда хон бўлармисан?
Қиз: — Бўмайман, бўлолмайман!
Диловаршоҳ: — Сен меҳрибон бўлармисан?
Қиз: — Бўмайман, бўлолмайман!
Диловаршоҳ: — Лаъли Бадахшонни берай!
Ванч ила Шуғнонни берай!
Жон истасанг, жонни берай!
Ой, мулла Чортори қизи!
Танимда жон бўлармисан?
Қиз: — Бўмайман, бўлолмайман!
Диловаршоҳ: — Дилимда хон бўлармисан?
Қиз: — Бўмайман, бўлолмайман!
Диловаршоҳ: — Сен меҳрибон бўлармисан?
Қиз: — Бўмайман, бўлолмайман!
Диловаршоҳ: — Ганжи равон қўлимдадир!
Яхши-ёмон қўлимдадир!
Барча жаҳон қўлимдадир!
Ой, мулла Чортори қизи!
Танимда жон бўлармисан?
Қиз: — Бўмайман, бўлолмайман!
Диловаршоҳ: — Дилимда хон бўлармисан?
Қиз: — Бўмайман, бўлолмайман!
Диловаршоҳ: — Сен меҳрибон бўлармисан?
Қиз: — Бўмайман, бўлолмайман!
Диловаршоҳ: — Ҳар кимнинг чорасозиман!
Амиру, бегу қозиман!
Диловаршоҳи ғозиман!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ой, мулла Чортори қизи!
Танимда жон бўлармисан?

Қиз: — Бўмайман, бўлолмайман!
Диловаршоҳ: — Дилимда хон бўлармисан?
Қиз: — Бўмайман, бўлолмайман!
Диловаршоҳ: — Сен меҳрибон бўлармисан?
Қиз: — Бўмайман, бўлолмайман!

Диловаршоҳ қизнинг ўжарлигидан ғазабланиб, думбакни бир томонга отиб ташлаб, белига тақилган қилич сопини тутиб тик турди.

Бу ҳолни кўрган қиз чорторини деворга суяб, Диловаршоҳ рўпарасида тик турди. Диловаршоҳ давом этди:

Диловаршоҳ: — Қонли қилич белимдадир,
Ўткир пичоқ қўлимдадир,
Ўч олови дилимдадир,
Ой, мулла Чортори қизи!
Танимда жон бўлармисан?

Қиз: — Бўмайман, синаб кўргил!
Диловаршоҳ: — Дилимда хон бўлармисан?
Қиз: — Бўмайман, синаб кўргил!
Диловаршоҳ: — Сен меҳрибон бўлармисан?
Қиз: — Бўмайман, синаб кўргил!

Диловаршоҳ қиличини қинидан суғуриб, қизга ҳужум қилмоқчи бўлди, қиз ҳам қўйнидан ханжар чиқариб, унинг кўкрагига санчмоқчи бўлди. Диловаршоҳ қиз қўлидаги ханжарни юлиб олмоқчи бўлганида, қаёқдандир милтиқ товуши эшитилди. Ўқ Диловаршоҳнинг чаккасига теккан эди, у турган жойида йиқилди, чироқ ўчди...

Қўрбошилар милтиқларини қўлга олиб, ўқ чиққан томонга тўғриладилар ва меҳмонхона рўпарасида қурилган бостирма томида қизил аскарларни кўрдилар. Томдан меҳмонхонага қараб яна бир неча ўқ отилган бўлса ҳам, бирон кишига тегмади.

— Дохунда! Отма, Гулнор ҳалок бўлади!— деган товуш эшитилди.

Қизил аскарлар бостирма томидан ҳовли юзига тушавердилар. Бу ҳолни кўрган босмачилар қарши туришни фойдасиз билиб, асир бўлишдан қутулиш учун илгаридан тайёрлаб қўйилган яширин йўл билан қоча

бошладилар. Меҳмонхонада чўзилиб ётган Диловаршоҳнинг жонсиз гавдаси билан унга тикилиб қараб турган Гулнор қолган эди.

Қизил аскарлар ҳовлида босмачилардан ҳеч бир кишини топмагач, қочганларнинг орқаларидан қувиб кетдилар. Қочган босмачилар Ванчга етдилар, у ерда қизил аскарларга қарши туриб, яна бир карра толеиларини синаб кўриб, бу гал ҳам енгилгач, Ғайратшоҳ билан Афғонистонга жўнадилар.

Шу билан Дарвоздан Помиргача баланд чўққилар ва тоғ оралари босмачилардан бутунлай тозаланди.

Иброҳим ҳам маҳаллий мусулмонларни қатл қилишга киришган эди. У Сарсарак тоғида қочиб юрган вақтларида, ўз одамларига ёзган мактубидан парчалар келтирамиз:

«Ислом дуогўйлари, фазилатпаноҳ муфти ва аморатпаноҳлар Абдулла додхоҳ ва Ҳайдарқулига маълум қиламизки, биз соғ-саломатмиз.

Аморатпаноҳлар! Сиз ёзган хатни олдим... Исмат додхоҳнинг шаҳид бўлганини билиб афсусландим...

Ҳар иккалангиз бир бўлиб, аскарларни ҳужумга солинглар! Аммо олти ойгача мусулмонларни ўлдираверинглар! Ҳар ерда — хоҳ уламо бўлсин, хоҳ фуқаро, ҳукумат номини тилга олган ва рағбат кўрсатган кишиларни қатл қилиб, уйларини куйдиринглар. Бу шариат ишидир, эшони муфтидан сўранглар, у, бу тўғрида фатво топиб беради. Исматуллабекни уч киши шаҳид қилган экан, уларнинг эл-авлодларини, қавм-қариндошларини қириб ташланглар! Кўпроқ аскар билан Кўлоб, Қизилсув ва Кангурт, Кўҳи Санглоҳ ва Кўхи Сарсарак ва Сели кўҳийтонийдан қўлга тушган мусулмонларни ўлдираверинглар!.. Ҳижри 1344 йил».

Муҳр: «Мулла Муҳаммад Иброҳимбек девонбеги ва тўпчибоши лашкарбоши бинни Чақабой тўқсоба».

Иброҳимнинг кейинги буйруғини эшитган кангуртлик бир босмачи ўз-ўзига «мен ҳам кангуртлик, демак, мени ҳам ўлдириш керак экан-да» деб ўйлаб, бу чигал масалага жавоб тополмади ва охирда милтиғини қўлга олиб, бу масалага жавоб олиш учун муфти олдига борди. Милтиқни шақирлатиб, ўқларнинг жойида эканини аниқлагач, муфтидан сўради:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Тақсирим! Тўпчи боши ўзларининг кейинги буйруқларида бир неча қишлоқларнинг номини рўйхат қилиб, ўша ерлардан қўлга тушган мусулмонларни ўлдира беринглар, деб ёзганлар. Мен ҳам Кангуртданман, ўзимни мусулмон деб биламан, демак, мени ҳам ўлдириш керак экан-да?

Муфти босмачининг қонга тўлган кўзидан ва қўлидаги ўқланган милтиғидан қўрқиб-титраб, қандай жавоб беришини билмай, мушукка кўз тиккан сичқондай, қараб қотиб қолди, жавоб бера олмади...

— Нега жавоб бермайсиз? Лашкарбоши кейинги буйруқларининг бир жойида «...эшони муфтидан сўранглар! Бу тўғрида фатво бордир» деб ёзганлар. Мен сиз муфти ҳазратдан энди очиқ сўрайман: мен мусулмонми, йўқми?

— Албатта, мусулмонсан!— деди муфти дадиллик билан.

— Мен кангуртликми, йўқми?

Муфти бу сўроққа бир оз иккиланиб, сустлик билан жавоб берди:

— Албатта... кангуртликсан!

— Кангуртлик мусулмон бўлганим учун мени ўлдириш керакми, йўқми?

— Керакмас!— деди муфти.

— Нега?

— Чунки сен дини ислом йўлида ғазот қилиб, бекнинг буйруқларидан ва бизнинг маслаҳатларимиздан чиқмай, садоқат билан мусулмонларни кофирлардан қўриқлаб юрибсан.

Босмачи бир оз ўйлаб туриб, ўз-ўзига «чигал очилди» деди ва муфтига қараб давом этди:

— Аввало шуки,— деди у,— мен ислом дини йўлида ғазот қилиб, ҳалигача бирон кофирни ўлдирган ёки қизил аскарларга қарши урушган эмасман. Шунингдек, мен ҳалигача бирон камбағал мусулмонни қўриқлаган ҳам эмасман, фақат мен кангуртлик ҳожи Ёқуббойнинг ўғилларини ва оқсувлик Эшмуҳаммадбойни, улардан хизмат ҳақи талаб қилган етим-есирлардан қўриқладим, муллаларнинг маслаҳатларига кириб, ўша бечора етим-есирлардан бир нечтасини отиб ташладим...

Муфтининг ранги ўчиб, ўликдай бўлиб қолди. Босмачи давом этди:

— Бизга, бек «халқнинг пулга арзийдиган мол-мулкини олиб келтира беринглар, қарши турганларни аёвсиз ўлдиринглар, биз у молларни Афғонистонга юбориб, қурол-яроғ ва кийим-кечак олдириб келамиз, аммо бойларнинг, муллаларнинг молларига қўл теккизманглар» деб буйруқ берган эдилар. Мен ҳам бошқа йигитлар қаторида бекнинг буйруғини садоқат билан амалга ошириб, бойларни, сиз каби муллаларни қўриқлаб, камбағал мусулмонларни талаб, ўзим едим ва сизларга бердим. Мен бу ишларим учун ислом дини йўлида ғазот қилган бўлиб, «... қўлга тушган мусулмонлар ўлдирилсин» деган ҳукмдан қутулиб қоламанми?

— ...

Муфти бу қалтис саволга жавоб бера олмай, жим туриб қолди...

Босмачи ўз саволига жавоб ололмагач, бошқа савол берди:

— Сиз мусулмонмисиз, йўқми?

Муфти кулимсираб:

— Сенга нима бўлди? Менинг мусулмонлигимга шак борми?— деди ва қатъий оҳанг билан қўшимча қилди,— алҳамдулиллоҳ, мусулмонман!

— Сиз кангуртликмисиз, йўқми?

— «Ё алҳафиз! Бунга нима бўлган-а?»—деди муфти ўз-ўзига ва босмачига қараб, савол билан жавоб берди:

— Менинг кангуртлик бўлганимни ўзинг билмайсанми?

— Биламан,— деди босмачи,— шундай бўлса ҳам, ўз тилингиздан эшитишим керак. Тез бўлинг, жавоб беринг,— деди ғазабли оҳанг билан ва милтиқни шақирлатиб қўйди.

Босмачининг мақсадини пайқаган муфти қўрқа-қўрқа:

— Кангуртликман! Нима қилмоқчи бўласан?— деди.

— Бекнинг буйруғига мувофиқ, биринчи бўлиб қўлимга тушган Кангурт мусулмонларининг каттасини отиб ўлдираман,— деди босмачи ва милтиқнинг милини муфтига тўғрилаб, тепкисини тутди.

— Эй-эй, сенга нима бўлди?! Жинни-миннни бўлдингми?!— деб муфти ўрнидан ирғиб туриб, орқаси билан деворга суянди, ўзини мудофаа қилаётгандай, ихтиёрсиз икки қўли билан юз-кўзини тутганда, кўкрагидан ўқ тегиб олдинга қараб йиқилди...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Босмачи қилган ишини бошқа йигитларга айтиб берди, сўнг ҳаммалари бамаслаҳат бориб, ҳукуматга таслим бўлдилар.

Партия ва ҳукуматнинг маънавий ва иқтисодий ёрдами билан кўзлари очилиб ғайратга келган меҳнаткашлар ҳар қишлоқда «қизил таёқ»чи кўнгиллилар отрядини ташкил қилиб, босмачиларни тутиб ҳукуматга топширмоқда эдилар.

Босмачилар оч-яланғоч қочиб юришдан безиб, якка-якка ва тўда-тўда бўлиб, ҳукуматга таслим бўлмоқда, баъзан ўз бошлиқларини ўлдириб, ҳукумат томонига қочмоқда ёки уларни тутиб ҳукуматга топширмоқда эдилар.

Шундай қилиб, 1926 йилда Ғаюрбек, Исматуллабек, Шарифбек, Батарбек ва бошқа йигирма бир қўрбошининг шайкалари тугатилди; Зудди томонларда қочиб юрган Абдураҳмон парвоначи ҳам омманинг ғазабидан қутулмай, Яғнобда қўлга олинди. Унинг қўрбошиларидан Темир иноқ, хонақоҳлик Абдулазиз ва бошқа бир нечалар тугатилди; баъзи қўрбошилар ўзларига содиқ қолган йигитлар билан ҳукуматнинг афв этишига инониб, таслим бўлдилар.

Энди майдонда ёлғиз Иброҳим Галлу қолган эди. У яқин одамлари билан тоғ чўққиларида ёки тор, чуқур ва қоронғи тоғ ораларида яшириниб юрарди.

ТАМОМ БЎЛИШ

1926 йилнинг ёзи, Сарсарак тоғининг баланд чўққисида бир жойни текислаб, атрофига катта-кичик тош териб, девордай тўсиқ қилинган эди.

Ибтидоий инсонларнинг турар жойига ўхшаган бу маконда тўрт ойдан бери йигирмага яқин одамлари билан Иброҳимбек турарди.

Бу чўққида на сув бор, на озуқа, на дарахт бор, на сабза-ю себарга. Бу Тожикистон тоғларининг яланғоч чўққиларидан бўлиб, бунда ҳатто қиш фаслида қор ҳам топилмасди, доимо эсадиган шамол қорларни шупуриб олиб бориб дараларга, жарликларга ташларди. Бу чўққида қишда даҳшатли совуқ бўлиб, ёз кунларидаги иссиқлик ҳаётни қовжиратар эди.

Қишда иссиқ уйларда, атлас, духоба кўрпалар устида, ёзда соя-салқин сарҳовуз бўйида, пат гиламлар устида ётиб ўрганган «бек», фалакнинг гардиши билан мана шундай жойда тирикчилик қилишга мажбур эди.

Энг охирги бир қоп қовурилган буғдой ҳам ейилиб тугагандан кейин, Иброҳим ўз одамларига:

— Бошқа илож йўқ, отлардан бирини сўйиш керак,— деди.

Қанча тежашса ҳам, отнинг гўшти бир неча кунда тамом бўлди. Энди навбат от терисига келди. Терининг охирги парчаси қайнатилиб, унинг «шўрва»си ичилаётганда Иброҳим ўз одамларига қараб:

— Бундай аҳволда тирикчилик қилиш мумкин эмас, энди жонини аямай, бирор овқат топиб келадиган мард керак,— деди.

Босмачилар жавоб бермадилар, улар «қизил таёқчи»лар қўлига тушиб, ўлишдан қўрқардилар. Эски «йигитлар» бу ишга унамагач, яқинда Иброҳим шайкасига қўшилган бир йигит туриб. бу ишга талабгор бўлиб қўл қовуштирди.

— Офарин сенга! Бу фидокорлигинг учун агар мамлакат қўлимда бўлганда, сени бир вилоятга ҳоким қилардим, ҳозирча сени додхоҳ қилдим, бирон парча қоғоз ва бирон мирза топилса, «додхоҳ» амали тўғрисида ёрлиқ ёздириб бераман.

Иброҳим ўзининг эски «йигит» ларидан бирини ялиниб-ёлвориб унга қўшиб, озуқа топиб келиш учун жўнатди...

Озуқа топиб келиш учун борганлар тоғ йўлининг бир-икки бурилишидан пастга тушиб, кўздан ғойиб бўлганларидан кейин, Иброҳим шубҳага тушиб, берган рухсатидан пушаймон бўлди: «Афсус, минг афсус, нега мен бу синалмаган йигитга ишониб, уни юбордим? Балки, у хиёнат қилиб, мени тутиб берар?»— деди ўз-ўзига ва дарҳол милтиғини қўлга олиб, бир-икки бурилишдан ўтиб пастроққа тушди, аммо кетганларнинг қораси кўринмасди. «Ҳар эҳтимолга қарши олдиндан чора кўриш керак» деб ўйлади, қайтиб тоғ чўққисига чиқди.

Иброҳим турган чўққининг орқасида, тоғ бағрида, бир чуқурлик бор эди. У, 1925 йилда бу чуқурнинг олдини харсанглар билан ўраб, баланд девор қилиб қўйган ва «қизил таёқчи»ларнинг хотин-болаларини шу чуқурга қамаб, очликдан ўлдирган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Иброҳим шу вақтгача ўзи билан бирга олиб юрган хотин-болаларини олиб бориб ўша чуқурга қамади ва ўзи билан бирга бўлган йигитларни ҳам, отларни ҳам пастроққа тушириб, тоғ бағрига яшириб қўйди, ўзи милтиқни қўлга олиб, бир харсанг устига чиқиб, қишлоқ йўлига кўз тикиб ўтирди.

Сарсарак тоғига яқин гарнизонда ташвишли аҳвол ҳукм сурмоқда эди. Ҳар ким Дохунданинг узоқ вақтдан бери ғойиб бўлиб кетганидан хавфсирамоқда эди.

— Нега Дохундадан дарак бўлмади-а? Ҳозиргача у бундай домсиз-дараксиз кетмаган эди? Агар тирик бўлса, келмаса ҳам, бирор хабар юборарди. Бирон ёмон воқеа юз берган бўлмасин?— дер эди кўнгиллилардан бири.

— Милтиқ билан кетган эдими, милтиқсизми?— деб сўради бир рус қизил аскар.

— Ғаюрбек қўрбошини уруш майдонида отиб ўлдиргани учун қўрбошининг ўн бир отар милтиғи унга мукофот қилиб берилган эди, кетар вақтида ўша милтиқни олиб кетган.

— Ундай бўлса, ортиқча хавф йўқ,— деди қизил аскар, у—яхши мерган, Батарбек шайкасига кутилмаган жойда ёлғиз ўзи дуч келганда зўр матонат кўрсатди.

— Кўза ҳар кун синмайди,— деди кўнгилли тожиклардан бири,— ҳар ҳолда унинг бундай узоқ ғойиб бўлиб кетишидан ташвишдаман.

— Хўп, нима қилиш керак?— деди бошқа бир кўнгилли,— то хабар аниқлангунча, сабр қилиб туришдан бўлак чорамиз йўқ.

— Чора бор!— деди рус қизил аскар,— ўз орамиздан бир талабгор бўлинма ажратиб, командирдан рухсат олиб, атрофдаги тоғ ораларини ахтариб кўришимиз керак.

Бу таклиф ҳаммага маъқул тушди, беш нафар рус ва беш нафар тожик командир олдига бориб, ўз мақсадларини изҳор қилдилар. Аммо командир бу фикрга қўшилмади:

— Дохунда синалган разведкачи, ўз ишига шундай моҳирки, сувга тушса ҳам, ўтга тушса ҳам бутун чиқади. Сиз уни қидириб, унга топширилган ишни бузасиз. Мен Дохунданинг соғ-саломат келишига аминман.

Шу вақтда баландликдаги қоровулхонада атроф тевараклни кузатиб турган соқчи командирга:

— Сарсарак тоғидан бир пиёда келаётир,— деб овоз берди.

Командир дарҳол дурбинни қўлга олиб, кузатиш пунктига чиқди.

— Келаётган Дохундага ўхшайди,— деди у. Бир оз фурсатдан кейин,— ўша, Дохунданинг ўзи!— деб қичқирди,— лекин Дохунда бир милтиқ билан кетган эди, энди икки милтиқ билан келаётир...

Кўп ўтмасдан қизил аскарлар ва «қизил таёқчи»лар Дохунданинг келаётганини кўриб қувондилар. Бир неча минутдан кейин унинг ўзи етиб келди.

Қизил аскарлар ва «қизил таёқчи»лар Дохунда билан қучоқлашиб кўришиб, унга устма-уст савол бера бошладилар:

— Нима гап? Нега бу қадар кечикдинг?

— Бу милтиқни қаердан олдинг?

— Дарак топдингми?..

Дохунда бу саволларнинг ҳаммасига қисқача қилиб:

— Топдим, аммо қочиб келиш мумкин эмас эди; бугун бир баҳона топилди, шу баҳона воситаси билан, ўзининг рухсати билан қайтдим; менга қўшиб юборган одамини ўлдириб, унинг милтиғини ўлжа қилдим,— деди ва қўшимча қилди,— тез тайёрланинглар, фурсат қўлдан кетмасин,— деган ҳолда ўзи батафсил рапорт бериш учун командир билан бирга ичкарига кириб кетди...

Отряд тоғ этагига етиб борганда пойлаб турган Иброҳим ўзининг шубҳаси асоссиз эмаслигини фаҳмлаб, отланиб, одамларини ўзига эргаштириб, аввалдан белгилаб қўйган йўли билан Сарсарак тоғидан тушиб қочди.

Отряд тоққа чиқиб, Иброҳим ўрнашган чўққида босмачилардан қолган эски-туски кийимлардан, ёқиш учун йиғиб қўйилган ўтинлардан, отлар учун тайёрланган қуруқ хас-хашакдан ва сўйилган отнинг эгар-жабдуғидан бошқа нарса топмади. Қизил аскарлар Иброҳимнинг бу қисқа вақт орасида узоққа қоча олмаганини ва шу атрофдаги тоғларнинг бирисида яширинганини тахминлаб, излашга киришдилар.

Иброҳим Сарсарак тоғидан яширин йўллар билан қочиб бориб, Жилон тоғининг ён бағридаги чуқурда яширинди ва у ерда ҳам бир отини сўйиб еб, ўн икки кун яшади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қизил аскарлар ва «қизил таёқчи»лар бу ердан ҳам хабар топганларини пайқаб, кеча қоронғисида Бешариққа, у ердан ошиғич равишда Сарчашмага бориб, Панж дарёсидан ўтиш учун аҳолидан гупсар-меш сўради, аҳоли унга гупсар бермади.

Қувиб бораётган қизил аскарлар яқинлашган эдилар, шунинг учун Иброҳим фурсатни қўлдан бермай (1926 йил июнь ойининг охирларида), яланғоч бўлиб, ўзини сувга ташлади...

Қизил аскарлар етиб бориб, уни ўқ ёмғири остига олдилар. Сув ичида ўқ тегиб, «йигитлари»дан беш киши ўлди, ўзи тирик қолган одамлари билан бирга Афғонистон қирғоғига ўтиб кетди.

Шу билан Иброҳим Галлу фитнаси тамом бўлди.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

БЎЙРА ОСТИДАГИ ЧАЁН

1926 йилнинг декабрь ойи. Душанба шаҳри одатдан ташқари безатилган— кўчаларда ранг-баранг қоғозларни ипга тизиб, шил-шила тортилган, чорраҳаларда арклар қурилиб, арча новдалари билан ясатилган эди. Ҳар бир аркнинг устида, биноларнинг тепасида Буюк Октябрь социалистик революциясининг ташкилотчиси, Коммунистлар партиясининг раҳбари — улуғ Ленин, унинг сафдошлари ва шогирдларининг расмлари қўйилган эди; аркларнинг равоқлари олдига ва кўчаларга турли шиорлар ёзилган қизил алвонлар тортилган, бинолар, деворлар оқланган, дарвозаларда қизил байроқлар ҳилпилламоқда эди...

Шаҳарнинг бундай безатилиши Тожикистон Автоном Совет Республикасининг биринчи советлар қурултойи шарафига бўлиб, шаҳар кўчалари байрамдагидай кийинган одамлар билан тўла эди.

Қизил чойхоналарда миллий музика, ҳарбий клубларда духовой оркестр садоси янграмоқда, кинокартиналарда шаҳарнинг манзаралари, граждан урушининг қаҳрамонона лавҳалари кўрсатилмоқда эди; радио карнайлари Москвада тараннум қилинган куйларни, амир вақтида ҳатто Бухоро билан алоқаси бўлмаган тоғ тожикларига эшиттирарди...

Газ ва электр лампалари шаҳарни кундузгидек ёритган. Бахтли халқ орасида Ёдгор билан Гулнор ҳам қўл

www.ziyouz.com kutubxonasi

ушлашиб шаҳар кўчаларини сайр қилиб юрмоқдалар...

Улар ярим кечагача шаҳарни томоша қилиб, ҳориганларидан кейин ўз манзилларига қайтдилар. Уларнинг манзили эски Душанба қишлоғида, босмачиларга қўшилиб кетган собиқ бир амалдорнинг ҳовлисида эди. Булар коммунал хўжалик идорасининг рухсати билан бу хонани ремонт қилиб олган эдилар.

Ёдгор чўнтагидан калит олиб, хонани очди, чироқни ёққандан кейин, Гулнор ҳам ичкари кирди.

Токчаларда чинни идиш, тахмонларда кўрпа-ёстиқ йўқ, вассабурё билан қопланган шифтдан ва ерга тўшалган бўйрадан зах ва рутубат ҳиди бурқиб турарди.

Тўрда устига газета ёпилган бир неча китоб, сиёҳдон, қалам-қоғоз бўлиб, керосин лампа ва икки ёғоч каравот бор эди. Каравотлар устига похол тўлдирилган тўшак ва оқ чойшаб ёпилган эди.

Ёдгор чарчаганидан кийимларини ечмай, ўз каравотига ўтириб, оёқларини чўзди, Гулнор ҳам унинг ёнига ўтириб, унинг билагидан тутди, бошини унинг кўкрагига қўйди. Уйқусизликдан ярим юмилган хумор кўзларини шифтнинг бурчагига тикиб хаёлга шўнғиди...

У бир оздан кейин ўзига келди. Бошини Ёдгорнинг кўкрагидан узмаган ҳолда, бўйранинг тўқималарига тикилиб туриб гапга киришди:

— Кинода боқчали чиройли ҳовлиларни томоша қилдик, ўшандай уйларда тирикчилик қилиш муяссар бўлармикин?..

— Боболаримиз «уйим чайла бўлсин, кўнглим тоза бўлсин!» деганлар, ҳозирча...

— Вой! Анови илон эмасми?— деди Гулнор чўчиб.

Ёдгор у кўрсатган томонга қараб, бурчакда илон ўрмалаётганини кўрди. Йигит ўша томонга отилди.

Совуқдан ярим карахт бўлган илон думи ташқарида қолган ҳолда, бошини бўйранинг остига тиқиб писиб ётарди.

Ёдгор этиги билан бўйра устидан илоннинг бошини янчиб, кейин ўз ҳолига қўйди.

Илон оғир тўлғаниб, бир неча бор кўтарилиб ерга урилганидан кейин, қимирламай қолди.

Ёдгор ўлган илоннинг думидан тутиб олмоқчи бўлганида, бошқа бир ҳашаротга кўзи тушди. Ҳашарот

бўйранинг кўтарилиб турган жойига ёпишиб, шошилиб ўрмаламоқда эди.

— Гулнор, чироқни олиб кел!— деди Ёдгор.

Илонни кўриши билан чўчиб каравотга чиқиб олган Гулнор, шошиб бориб чироқ келтирди.

Ёруғда Гулнорнинг юзида қўрқиш аломатини кўрган йигит:

— Қўрқма, илоннинг ишини тугатдим,— деди. Бўйранинг остига диққат билан қаради, аммо ўрмалаган ҳашарот йўқ эди. Ёдгор бўйрани яна кўтарди, чироқ ёруғида хонани бир бошдан кўздан кечирди: думи узун, ўн икки бўғин келадиган қорамтир-зангор рангли катта бир чаён бўйра билан кўтарилиб, нақш боғлаган нам тупроқ юзида саросима бўлиб ҳар томонга югурар ва тупроқнинг юмшоқ жойларида бошини ерга суқар, ер остига йўл топмагач, яна бошини чиқариб, шошилиб ўрмалар эди.

Ёдгор чаённи этиги билан эзиб хотиржам бўлди. Ўлган илонни ҳовли юзига чиқариб кўмди, бўйрани ўз жойига тўшаб, каравот устига, Гулнорнинг ёнига бориб ўтирди.

Гулнорнинг ранги ўчган эди, унинг қўрқув аралаш хаёлчанлиги ҳали ҳам билиниб турарди.

— Бу илон билан чаён ҳодисаси биз учун ибратли ҳодиса,— деди Ёдгор,— мен қурултой мажлисларининг барчасига қатнашдим, қурултойда бўлган маърузаларни диққат билан тингладим. Ҳамма гапларнинг мазмуни тахминан шундай: «Биз илондай кўзга кўринарли бўлган босмачиларни тугатдик, лекин босмачиларни майдонга келтирган синф ҳали тирик, у ҳаракатда. Душманлар очиқдан-очиқ бизга тегмасалар ҳам, бўйра остидаги чаёндай, пайт топганда чақадилар, заҳарлайдилар, олға боришимизга тўсқинлик қиладилар. Биринчи навбатда мана шу бўйра остидаги чаёнларни бутунлай йўқотишимиз керак, ўшанда бизга мамлакатни социалистик тартибда бошқатдан қуриб, обод қилиш муяссар бўлади...»

Ёдгор жим бўлди; Гулнор унинг мақсадини тушуна олмай, жим турарди. Ёдгор нафасини ростлаб, фикрини жамлагандан кейин, давом этти:

— Гулнор! Сен боя ўз кулбамизнинг харобалигидан шикоят қилган эдинг. Мен айтмоқчи бўламанки, бир хонани обод ва озода қилиш унча қийин иш эмас,

www.ziyouz.com kutubxonasi

амир вақтида мамлакат бошдан-оёқ хароба бўлгани ҳолда, айрим хоналар обод эди. Лекин бизнинг мақсадимиз катта! Ҳимматимиз ҳам паст бўлмаслиги керак. Қурултой қарор қилгандай, ватанимизнинг ободлигига тўсиқ бўлаётган барча душманларни йўқ қилишимиз, айни замонда мамлакатимизни обод ва озода хонадон каби қайтадан қуришимиз керак, ўша вақтда мен билан сен ҳам у хонадонда, унинг бир аъзосидай, тинч тирикчилик қила оламиз...

— Ундай бўлса, мамлакат обод бўлгунча илон ва чаён уяси бўлган шу кулбада ёта берамиз десанг-чи,— деди Гулнор.

— Асло ундай эмас! Ёта бериш билан мамлакат обод бўлмайди. Мамлакатни обод ва озода хонадон каби қайтадан қуриш учун ҳаммамиз бир муайян тартибда меҳнат қилишимиз, иш ўрганишимиз, ўқишимиз, билимдон бўлишимиз керак. Шунинг учун ҳукумат, бир томондан, мамлакатни обод қилиш йўлида катта қурилиш ишларини бошлаган бўлса, иккинчи томондан, ёшларни ўқиш учун Москва, Ленинград ва Тошкент каби илм марказларига юбораётир...

Ёдгор бир оз ўйлаб тургандан кейин:

— Гулнор,— деди,— агар рози бўлсанг, мен сен билан бирга ўқишга боришни истардим.

— Хат-саводим бўлмаганни ҳолда, мен қандай қилиб катта шаҳарга ўқишга бора оламан?

— Истасанг, олти ойда хатли-саводли бўла оласан. Инқилоб авваллари да мен ҳам хат-саводсиз эдим, «хат-саводсиз киши сиёсатдан узоқдир» деган гапни эшитганимдан кейин, битта алифбе китобини топиб, тўғри келган одамдан сўраб-сўраб, ўз-ўзимдан хат-савод чиқардим. Босмачиларга қарши курашиб юрганимизда, яхшилаб ўқишнинг иложи бўлмаса ҳам, газета ва китоб ўқиш билан маълумотимни орттирдим. Рус ўртоқлар билан доимо бирга бўлганим сабабли, улардан рус тили ва рус алифбесини ҳам ўргандим... Ўрта мактабга кириб ўқиш учун ҳозир қувватим етади, ҳозирги тинч вақтда, агар ғайрат қилсанг, менинг олти йилда тўплаган маълумотимни сен бир йилда қўлга киргиза оласан.

Гулнор ўқишга боришга рози бўлди, лекин Ёдгор уни яна ҳам рағбатлантириш учун:

— Агар биз ўқиб билимдон бўлмасак, ҳўнар ўрганмасак, босмачилар қўлида харобазорга айланган мамлакатимизни қайтадан қуришга онгли равишда қатнаша олмаймиз,— деди.

Суҳбатнинг охирида Ёдгор билан Гулнор ўқишга бирга боришга қарор бердилар...

ТЕМИР ЙЎЛ БЎЙЛАБ

Поезд Термиз—Душанба темир йўли бўйлаб шиддат билан юриб борарди. Унинг ҳайқиришларидан тоғлар ларзага келар, тошюрак қирлар бу улуғ карвонга йўл бериш учун кўкракларини очар, баланд тепалар уни қарши олиш учун бошларини жарликларга эгиб ётар эдилар.

Яқингача ваҳший босмачиларнинг макони бўлган бу жойларга маданият қадам боса бошлаган, қонли воқеалар ва даҳшатли фожиалар тарих китобларининг бетига ўтган, у фожиаларни кўрганлар даҳшатли туш каби эслар эдилар:

— Бу тоғ бағрида бир чуқур бор эди, биз унинг теварагига тош қалаб, ичига кириб ўтириб, босмачиларга ўқ узар эдик, гарнизондан мадад келгунча, мулла Аҳмад қўрбошининг ҳужумидан ўзимизни сақлаб қолганмиз, бу ерга қаранг-а: энди бунда машина-трактор станцияси қурилаётир.

— Бу дарада Абдулла додхоҳ шайкасини қамалда қолдириб, бир ҳафта урушганмиз, бир неча ўртоқларимиз ҳалок бўлсалар ҳам, шайкани қириб йўқ қилдик. Энди бу ерда шундай обод колхоз ташкил бўлибди.

— Об-ҳаво станцияси қурилган бу чўққига қаранг. Бир вақтлар босмачилар шу ерда ўрнашиб, пастдан келаётган бизнинг бўлинмамизга ўқ узган эдилар, биз буни писанд қилмай, харсанглар орқасида паналаниб, секин юқорига чиққанмиз, босмачилар турган жойга етиб, бир неча минут давом қилган қонли урушда уларни тор-мор этганмиз, баъзилари ўзларини чўққидан пастга ташлаб, ўз оёқлари билан у дунёга кетдилар, баъзилари бизнинг найза ва қиличларимизга дуч келдилар, тирик қолганлари таслим бўлди.

— Ҳу... мана у, атрофлари пахтазор оқ уйларни кўряпсизми?

— Ҳа, кўрдим!

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Ўша оқ уйлардан сал нарида қуриб қолган дарахтга ҳам диққат билан қаранг!

— Қараб турибман!

— Бир вақтлар шу ерда ўз замонига кўра обод, гавжум, катта бир қишлоқ бор эди. Босмачилар у қишлоқ аҳолисини қизил аскарларга озуқа берганлари учун қирғин қилдилар: кампирлар, касаллар, ёш болалар, ҳомиладор хотинлар қирилиб кетди; ёшлар тоғларга қочдилар. Босмачилар қишлоқнинг бор-йўғини тамомлаб, ўт қўйдилар. Босмачилик тугатилиб, мамлакат тинчлангандан кейин, тирик қолган аҳоли яна эски жойига келиб, ҳукуматнинг моддий-маънавий ва техника ёрдами билан пахтакорлик колхози ташкил қилди, қишлоқни янги тартибда қайтадан тиклади. Ёнғинда куйиб, танаси қорамтир бўлиб қолган ёлғиз ана шу дарахт, босмачилар қўли билан қилинган фожиаларнинг аламли ёдгоридай бўлиб, у фожиаларни эслатиб турибди...

Поезд суръат билан олға босмоқда. Тоғлар, даралар, даштлар, далалар йўловчиларнинг хотиралари каби орқада қолиб кетмоқда эди. Борган сари порлоқ келажак каби, гўзал манзаралар, обод далалар, етилган экинзорлар, бўлиқ пахта майдонлари, мевалари етилиб шарбатга айланган боғлар, келишган бинолар кўринар эди.

Бир станцияга яқинлашиб келганда Ёдгор Гулнорга, кўзга унча узоқ кўринмаган тоғларга ишорат қилиб:

— Биз борадиган жой шу тоғларнинг ораларида бўлса керак, келгуси станцияда тушамиз,— деди.

— Агар тахминингда янглишган бўлсанг, бекорга саргардон бўламиз,— деди Гулнор.

— Хотиржам бўл! Мен бу ерларни беш бармоғим каби биламан. Ёшлигимда, Азимшоҳнинг эшигида чўпонлик қилиб юрганимда, бу томонларни қаричма-қарич ўлчаб юрганим каби, босмачилар билан кураш вақтида ҳам бу тоғларнинг ҳар бир тошида ўз қонимдан ва душманлар қонидан из қолдирганман...

Поезд янги станцияга келгач, Гулнор сумкасини ва Ёдгор чамадончасини қўлга олиб, вагондан тушди ва тоғ ораларига қараб кетдилар...

— Тахминимча, Дараи Ниҳонга шу ердан кирилади,— деди Ёдгор иккиланиброқ,— лекин бу ер бундан йигирма йил бурун кўрган жойимга ўхшамайди.

— Агар тахминингда хато қилган бўлсанг, беҳуда саргардон бўламиз демаганми эдим?— деди Гулнор таъна билан,— янглишганингни энди ўзинг ҳам англаётирсан.

— Йўқ, хато қилган бўлмасам керак, менингча, Дараи Ниҳоннинг кириш йўли шу ердан бошланарди, лекин мен белгилаб қўйган аломатлардан асар қолмагани қизиқ.

— Ўша аломатларни эсингдан чиқарган бўлсангчи?

— Ҳар нарсани эсимдан чиқаришим мумкин, аммо ўзимнинг бахт ва бахтсизлигим бошланган Дараи Ниҳоннинг қаердалигини эсимдан чиқаришим мумкин эмас,— деди Дохунда.— Азимшоҳ уйидан қочганимда сиғинган жойим Дараи Ниҳон бўлди; сен билан биринчи учрашишимиз ва севгимизнинг бошланиши ҳам шу ерда бўлди; Алимардон қўлига тушиб, ўн йил азоб тортганим ҳам шу ердан бошланди; ниҳоят, Алимардон устидан шу Дараи Ниҳонга ёндашган Боботоғ этагида ғалаба қозондим. Ана шунча ҳодисаларни хотиримда нақшлаб қолдирган жойни қандай қилиб эсимдан чиқараман?

Ёдгор қўйин чўнтагидан дафтарча олиб, унга қараб туриб давом этди:

— Мактабда, жуғрофия дарси ўқиганимда, Дараи Ниҳонни эслаб, унинг тахминий масофасини, маълум аломатларини, атрофидаги тоғларга ва обод ерларга узоқ-яқинлигини тахминан белгилаб ёзиб олган эдим, бу харитага кўра, Дараи Ниҳон шу томонда, аммо харитамда чизиб қўйилган аломатлар йўқ...

Дохунда дафтарчани чўнтагига солиб, яна давом этди:

— Ўзгарган аломатларнинг каттаси мана бу йўл — Дараи Ниҳон йўли эгри-бугри, жуда ҳам тор эди, баъзи жойларидан одам ҳам қийинлик билан ўтарди, бу йўл бўлса тўғри, арава, машина бемалол ўта оладиган кенг йўл...

— Бораверсак, янглишган-янглишмаганлигинг маъ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лум бўлади,— деди Гулнор. Улар текис кенг йўл билан боравердилар...

Беш юз қадамча юргач, Дохунда катта йўл ёнида кенг, силлиқ бир тошни кўриб, қувониб кетди:

— Бир нишона топилди!— деди у тошни Гулнорга кўрсатиб,— мен Азимшоҳнинг қўлидан қочиб қутулганимдан кейин, биринчи кеча шу тош устида ухлаганман. Алимардон билан Абдулла додхоҳ шайкаларини йўқ қилганимиздан кейин, қуролдош ўртоқларимиз билан бирга келиб, шу тош устига ўтириб овқатланган эдик...

Дохунда тош устига ўтириб, давом этди:

— Лекин у вақтларда бу ердан эгри-бугри йўл билан бориб, Дараи Ниҳонга кирилар эди. Энди бу ерда автомобиль ўтадиган катта йўл қурилипти.

Тош ёнидан ўтиб кетадиган катта йўлни кўздан кечираётган Гулнор:

— Яқинда бу йўлдан автомобиль ўтган,— деб, Ёдгорнинг гапини тасдиқ қилди, унга юк машинасининг изини кўрсатди, ўзи ҳам тош устига чиқиб ўтирди.

Бизнинг йўловчилар бир оз дам олгандан кейин, яна туриб йўлда давом этдилар. Улар борган сари ҳайрон бўлар эдилар. Йўлнинг икки томонида ёсилиб турган харсанглар портлатилган, булоқлардан оқиб келадиган ариқчалар бирлаштирилиб, катта анҳорга айлантирилган; сой бўйида ўсган турли дарахтлар буталиб, пайванд қилиниб, соядор хиёбон қилинган эди.

Дарадаги паст-баланд, ўйдим-чуқур ерларни текислаб, тошлоқларнинг тошларини олиб, адирларни жарларга ағдариб, кенг ва яхлит экинзорлар вужудга келтирилган. Бу экинзорлар орасида пахтакорлик ерлари, айниқса, бизнинг йўловчилар диққатини ўзига тортди. Одам кўкрагига баравар келадиган ғўзалар ғуж-ғуж кўсак боғлаган эди.

Бу манзараларни ҳузур қилиб кўздан кечирган Ёдгор Гулнорга:

— Илгари Тожикистоннинг тоғ оралари у ёқда турсин, текис водийларида ҳам шундай экинзорлар, бу тарздаги ариқ, карвон йўллари бўлмас эди,— деди.

— Дараи Ниҳонимизнинг таниб бўлмайдиган дара бўлганини ўз кўзим билан кўраётирман!— деди Гулнор.— Аминманки, тожик меҳнаткашлари, бошқа совет

халқлари каби, Коммунистлар партиясининг раҳбарлиги остида, улуғ рус халқининг оғаларча ёрдами билан, мамлакатни социалистик тартибда бошқатдан қуриб, обод қила олар эканлар...

— Йўловчилар бора туриб, бўлиқ ўтлоқда ёш бир йигитнинг ўт ўраётганини кўрдилар.

Дохунда ва Гулнор на Тожикистонда ва на бошқа жойларда бундай ўтни кўрмаган эдилар. Шунинг учун ўт ўраётган йигитдан:

— Бу қандай ўт, уруғи қаердан келтирилган?— деб сўрадилар.

Йигит ўрнидан туриб йўловчиларни кўздан кечиргандан кейин, жавоб берди:

— Тилинг бизнинг тилдай бўлса ҳам, ўзинг бу томонларнинг одами бўлмасанг керак, бўлмаса тут ниҳолчаларини «ўт» демас эдинг!

— Ундай бўлса, нега тут ниҳолларини ёйма қилиб эккансан? Нега уларни ўт каби тубидан қирқиб ўраётирсан?— деб сўради Ёдгор.

— Икки йил бурун бизнинг қишлоқда намунавий ипак қурти тарбиялаш уйи очилган эди,— деди йигит,— қурт тутишда раҳбарлик қилаётган ўқимишли бир йигит ишимизга икки янгилик киргизди, бири — пилла қуртлари овқатини биринчи ва иккинчи даҳада ёйма экилган тут ниҳоллари барги билан боқиш; иккинчиси — кузда иккинчи марта қурт тутиш. Тажриба шуни кўрсатдики, ёш қуртлар якка-якка ўсган кекса тут дарахтлари баргидан кўра ёйма экилган ёш тут барглари яхшироқ ейдилар; айниқса, кузда кекса тут дарахтлари барги қотган вақтда, тарбияланган қуртларга бундай ёш ниҳолларнинг юмшоқ барги дори-дармондай ёқиб тушади; тут ниҳоллари бу тартибда экилганда, оз ердан кўп барг ундириб олиш мумкин...

— Демак, пилла қурти тутиш учун энди якка-якка экилган кекса тут дарахтлари баргига эҳтиёж қолмас экан-да?— деди Ёдгор йигитнинг сўзини бўлиб.

— Нега?— деди йигит ажабланиб,— боя айтганимдай, бундай ниҳолларнинг юмшоқ барглари ёш қуртлар учун биринчи ва иккинчи даҳада ёқимли бўлади; учинчи даҳада бўлса, кучлироқ бўлган кекса хашаки тут барглари, тўртинчи даҳада ундан ҳам кучлироқ балхи тутларнинг барги керак. Мен намунавий ипак қурти тарбиялаш уйидан ўрнак олиб, ўз уйимда қурт

www.ziyouz.com kutubxonasi

тутиб, тажриба қилмоқчи бўлдим, кўкламда қурт тутиб, шу ердаги тут ниҳолларини бир марта кесиб, қуртларга егиздим; яна кечки қурт тутдим, кўкламда ўриб олинган ниҳоллар илдизидан ўсиб чиққан янги ниҳолларни тағин ўриб, кечки қуртларга егизаётирман. Кўкламда яна шу илдизлардан ниҳоллар ўсиб чиқади,— деди ва ўришга киришди.

— Демак, қишлоқ мактабдан, амалий ишлар назарий ишлардан ўтиб кетибди,— деди Ёдгор Гулнорга,— биз уч йилдан бери қишлоқ хўжалик техникумида ўқиётган бўлсак-да, бундай масалаларни юзаки ўтганмиз. Хат-саводи борлиги маълум бўлмаган бу йигитча ипак қурти тутиш ва тут дарахти экиш, тарбиялаш, фойдаланиш йўлларини биздан яхшироқ билади. Ҳатто мен тут ниҳолчаларини ўтдан фарқ қилолмай, бу йигитнинг олдида уялиб қолдим.

— Шу ерларда бир оз дам олиб, овқатланадиган жой бормикан?— деди Гулнор.

— Бояги йигитдан сўрашимиз керак эди,— деди Ёдгор,— юр, қайтиб бориб сўраймиз.

Улар ниҳол ўраётган йигитчанинг олдига қайтиб бордилар, йигит тушунтирди:

— Шу ердан тахминан минг қадам юрилса, мактаб, қизил чойхона, клуб бинолари кўринади,— деди йигит,— у ерда дам олиб, овқатланиш ҳам, китоб-газет ўқиш ҳам мумкин.

Ёдгор билан Гулнор йўлга тушганларида орқаларидан туёқ товуши эшитилди. Улар отлиққа йўл бериш учун чеккага чиқиб, орқаларига қарадилар.

Отлиқ тут ниҳолларини ўраётган йигитнинг рўпарасига келгач, жиловни тортиб, юришини секинлатди:

— Ҳорманг, Сангинзода! Намунавий қуртларинг пилла ўраб, уйингни ипакли мол билан тўлдирдингми?— деб пичинг қилди ва йигитнинг жавобини ҳам кутмай, давом этди:

— Ипак қурти тутишда ота-бобомиздан қолган расмни ташладинг, отанг қўйган «Абдулла» деган номингни ўзгартириб, ўзингни «Сангинзода» деб юрита бошладинг. Шу қадар янгиликларни қабул қилганинг ҳолда, бугунгача колхозга кирмаганингга ҳайронман?

Йигит ишини тўхтатмасдан, отлиқ томонга қарамасдан жавоб берди:

— Хўжайин, сизнинг даврингиз ўтди, бизнинг даврimиз келди. Сизлар ўз даврингизда қўлингиздан келган ишларингизни қилдингизлар, етим-есирларни очяланғоч ишлатиб, ҳақ талаб қилганида, уриб, бекнинг зиндонига қаматишдан ҳам уялмадинглар; энди бизнинг давронимиз келди, намунавий пилла қурти тутамиз, отимизни ўзгартирамиз, колхозга кирамиз, қисқаси, кўп учун, шу қаторда ўзимиз учун фойдали бўлган ҳар бир ишни қилаверамиз, ҳар ҳолда меҳнаткашларга зарари тегадиган ишни қилмаймиз. Сизларнинг пичингларингиз, масхаралашингиз бизни ўз йўлимиздан тўхтата олмайди,— деди йигит.

— Хўп, истаганингни қилавер! Жўжани кузда санаймиз, бу ишлардан топган фойдаларингизни кўрамиз.

Оглиқ отини йўрттириб, бизнинг йўловчилар олдидан ўтиб кетди.

От туёги остидан кўтарилган чанг босилгандан кейин, бизнинг йўловчилар ҳам ўз йўлларида давом этдилар. Бора туриб, Гулнор Ёдгорга:

— Бу отлиқ дараи ниҳонлик бўлса керак, лекин мен танимадим,— деди.

— Мен ҳам танимадим. Муштумзўрлардан экани маълум, ҳозир қишлоқда синфий кураш авж олган.

— Дараи Ниҳоннинг катта муштумзўрларидан Ҳамробой ҳали ҳам тирикмикан?— сўради Гулнор.

— Ўлган! Бизни бу ердан олиб кетганларидан икки ой ўтар-ўтмас, сенинг ота-онанг қаторида у ҳам ўлган экан. Мен босмачиларга қарши курашиб юрганимда, бир чолдан сўраган эдим. «Рустам ака, унинг хотини ва Ҳамробойни олдин-кейин бир ой ичида кўмдик» деган эди. Аммо унинг ўғли ҳали тирик экан.

Ота-онасининг ғуссамарг бўлиб ўлганлари эсига келиб, Гулнор оғир қайғу юки остида жим бўлди, унинг қайғуси Дохундага ҳам таъсир қилиб, улар анчагача гапиришмай, ўз йўлларида давом этдилар...

МАКТАБ

Йўловчилар деворлари оқланган катта бинонинг олдига етиб бордилар. Бу — мактаб биноси эди. Лекин таътил вақти бўлганидан талабаларнинг шов-шувлари эшитилмади.

Йўловчилар бинони айланиб, унинг орқа томонига

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўтдилар, у томонда мактабнинг кенггина боғи бўлиб, гул ва сабзавот ўрнида пахта экилган эди. Пахта «боғча»сининг олдида ўттиз чоғли ёш бола бўлиб, йигирма беш ёшлардаги бир йигит уларга пахтанинг совет иқтисодиёти ва деҳқон хўжалигидаги аҳамиятини, ундан ишлаб чиқариладиган саноат моллари тўғрисида гапираётган эди.

Йигит икки мусофирнинг келганини кўргач, гапдан тўхтади ва талабаларга:

— Бугун берилган вазифаларни уйда ишлаб, эрта билан яхшигина тайёр бўлиб келинглар!— деб рухсат бериб жўнатди ва ўзи меҳмонлар олдига келиб:

— Шу мактабнинг биология муаллими Ф. зода,— деб улар билан кўришди.

Меҳмонлар ҳам муаллим билан кўришдилар.

— Ёдгор Бозорзода!

— Гулнор Рустамова!

Одатдагича ҳол-аҳвол сўрашлар тугагандан кейин, Ёдгор муаллимга:

— Қаникул вақтида ҳам дарс берасизми?— деди.

— Булар менинг шогирдларим, пахта экишни ўрганишмоқчи.

— Булоқ узоқ бўлмаса, бориб бир сув ичардим,— деди Гулнор.

— Мактабда, муаллимлар бўлмасида, булоқдан келтирилган сув бор, юринглар кирамиз, мактабни ҳам томоша қиласизлар.

Муаллим меҳмонларни мактабга олиб кирди. Гулнор сув ичгандан кейин, синфларни ва хоналарни бир-бир кўрдилар: беш синф учун беш хона, муаллимлар, директор хонаси, кутубхона ва қироатхона...

Бу ерда босмачилар билан қўшилиб йўқолиб кетган бир бойнинг ҳовлиси ва боғи бўлган экан, мактаб аввал ўша ҳовли ва боғда очилибди. Анҳор қазиш ва йўл қуришда портлатилган тошлар мактаб қурилишида ишлатилган, тахта ва ёғоч каби бу ерларда топилмайдиган нарсаларни маориф комиссарлиги юборган. Қишлоқ аҳолиси хом ғишт қуйиб, бошқа кўп ишларни ҳам ўзлари бажарганлар. Натижада, пойдевор тошдан ва усти хом ғиштдан бўлган шу бино вужудга келган.

Меҳмонлар муаллимнинг маълумотлари учун ташаккур айтиб, қизил чойхонани сўрадилар. Муаллим меҳмонларни қизил чойхонага олиб борди.

ҚИЗИЛ ЧОЙХОНАДА

Қизил чойхона мактабдан унча узоқ эмас экан. Кенг сўри устига қизил гилам ёзилган. Чойхоначи чой, нон ташиб турибди.

Йигирма етти-йигирма саккиз яшар бир йигит билан ярим европача кийинган ўрта ёшли бир хотин, чойхонага келиб, меҳмонлар ўтирган сўрига чиқди. Улар бошлаб муаллим билан кўришдилар. Муаллим уларни Ёдгор ва Гулнорга:

— Партия ячейкасининг секретари Мискинзода, жамоа Советининг раиси Фотимахон,— деб таништирди ва меҳмонларни ҳам уларга:

— Қишлоқ ҳўжалик техникумининг юқори курс талабалари — Ёдгор Бозорзода ва Гулнор Рустамова,— деб таништирди.

Дохунда Мискинзода билан анчайин кўришгач бўлса ҳам, Фотимага аллақандай тааҗжуб билан қараб кўришди, чунки унинг юриш-туриши, кўзларининг чақнаши, ҳатто номи ҳам Дохундага танишдай эди. Аммо у қанча ўйласа ҳам, уни қаерда кўргани эсига келмас эди, шунинг учун Дохунда тез-тез унга кўз ташлаб қўярди.

Дохунданинг бу ҳолати Гулнордан яширин қолмади: Гулнор Ёдгорнинг Фотима тўғрисида қандайдир бир фикри борлигини сезди, аммо ўзининг бу ноаниқ фикрини очиқ сўрашга ботинмади:

Мискинзода Дохунда ва Гулнорга қараб:

— Хуш келибсизлар!— деди. Дохунда сесканиб кетиб, нафасини ростлаб, зўрға:

— Хушвақт бўлинглар!— деди-ю, яна Фотимага кўз ташлаб олди.

Бу ҳол Гулнорни жуда ҳам шубҳага солди, шубҳа унинг кўнглини тирнарди, аммо сўраш учун муносиб фурсат топилмаганидан ташвиш тортарди.

— Бизнинг жойларни қандай топдинглар?— деб сўради Мискинзода меҳмонлардан.

— Сизнинг Тожикистонингизни, тўғрироғи, ўзимизнинг янги Совет Тожикистонини ҳали бутун кўриб чиққанимиз йўқ,— деди Дохунда,— темир йўл станциясидан бу ергача, озгина масофа орасида кўрган нарсаларимиз бизни ҳайрон қолдирди, бундан бир неча йил бурун кўрган-билган ва қарич-қарич ўлчаб чиққан жойларимизни таниёлмадик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Йўлда кўп азоб чекмадингларми?— сўради секретарь.

— Бизни жуда ҳайратда қолдирган нарса йўлнинг қулайлиги бўлди. Илгари бир неча кун машаққат чекиб, айланиб келинадиган тоғ ва довонларни бир неча соатда ҳоримасдан, толмасдан пиёда кезиб келдик.

— Соя-салқинларда ўтириб, анҳорнинг муздай тиниқ сувидан ичиб, сайр қилиб келдик, истироҳат боғларида юргандай бўлдик,— деди Гулнор.

— Темир йўл станциясидан бу ергача пиёда келибсизлар-да,— деди Фотима,— автомобиль ҳам топиларди, ҳукуматимиз йўлларни тузатибгина қолмай, йўловчиларнинг сафарларини енгиллаштириш учун автобуслар ҳам олиб келди.

— Агар янги Совет Тожикистонини яхшироқ томоша қилмоқчи бўлсанглар, автомобиль ёки автобус билан саёҳат қилинглар,— деди Мискинзода,— оз муддатда кўп жойларни кўриб чиқишингиз мумкин. Айниқса, каналлар қазилиб, катта-катта пахтакор колхозлар ташкил қилинган жойларни кўришларинг керак, янги Совет Тожикистоннинг намунаси ҳам ўша жойлар ҳисобланади.

— Демак, Тожикистон ҳукумати ва меҳнаткашлари кутганимиздан кўпроқ ва яхшироқ ишлаганлар,— деди Гулнор.

— Албатта, яхшироқ ишлаш керак-да! Айниқса, йўл қурилишини биринчи навбатда бажариш керак эди,— деди секретарь,— чунки саноат молларини, деҳқончилик асбобларини, дори-дармонни келтириш ва уларни керакли жойларга тарқатиш учун йўл керак эди. Ҳукуматимиз биринчи навбатдаги зарур ишлар қаторида йўл қурилишидан маблағни аямади, бу ишларни илмий асосда олиб боришда рус инженер-техниклари катта ёрдам қилдилар, бўлмаса, биз бу ишларни ўз бошимизча бажаролмасдик.

— Агар биз янгидан сув чиқарилган, колхозлар ташкил қилинган жойларга бормоқчи бўлсак, қачон, қаердан автомобиль ёки автобус топишимиз мумкин?— деб сўради Дохунда.

— Шу ердан ҳафтада уч-тўрт марта автобус ўтади, агар Кофарниҳон дарёси бўйига чиқсанглар, у ерда бир кунда бир неча марта автобус бўлади, лекин сизлар бир неча кун бизда меҳмон бўлинглар, кўрмаган жойларингизни кўринглар, дам олиб, йўл ҳордиғини чиқаринглар, сўнгра бошқа жойларга борасизлар,— деди секретарь.

— «Меҳмоннинг келиши ўз ихтиёрида, кетиши мезбон ихтиёрида» деганлар. Жамоа Советининг раиси сифатида бу томонларнинг хўжайини мен бўламан. Мен рухсат бермасдан ҳеч ёққа кетолмайсизлар,— деди Фотима ҳазил қилиб.

— Ундай бўлса, хўжайин, сен бугун соат бешда жамоа Советининг мажлисини чақир, меҳмонлар билан суҳбат қилайлик,— деди секретарь ва Дохундага қараб,— тузукми?— деб сўради.

Лекин Фотима гапираётганда Дохунданинг фикри яна унга банд бўлиб қолганидан, секретарнинг саволини тузук тушунмади, тезликда жавоб ҳам беролмади. Бу ҳолни кўрган Гулнор Мискинзодага:

— Тузук, суҳбатлашамиз,— деди ва Дохундага қараб:—Булар биз билан суҳбатлашиш учун жамоа Советининг мажлисини чақирмоқчи, сен нима дейсан?— деб сўради.

— Майли, суҳбатлашамиз!— деди Дохунда уйқудан янги уйғонган кишидай.

— Ундай бўлса соат бешда клубда кўришамиз, сизларни клубга муаллим бошлаб боради,— деб Мискинзода ўрнидан турди, муаллим уларни кузатиб бирга кетди.

Улар узоқлашгандан кейин Гулнор:

— Нега сен бу хотинни кўрганда саросима бўлиб қолдинг?— деб сўради бирдан.

— Бу хотин менга таниш кўринади, аммо уни қайда кўрганлигимни эслаёлмайман. Мен уни бир марта эмас, кўп марталаб кўрган бўлсам керак. Лекин қачон ва қаерда? «Фотима» деган ном менга жуда ҳам яқиндай кўринади.

Ёдгор Гулнорнинг киноялиқарашига жавоб бермоқчи эди, лекин муаллим қайтиб келгани учун жим бўлди.

Муаллим кўрмаган жойларини кўрсатиш учун уларни чойхонадан олиб кетди...

ЖАМОА СОВЕТИ МАЖЛИСИДА

Қишлоқ клубида жамоадаги эркак ва аёлларнинг қарийб ҳаммаси тўпланган эди. Фотимахон мажлисни очиб, меҳмонларни халққа танитди, ўзи бир неча оғиз

www.ziyouz.com kutubxonasi

гапиргандан кейин, ободонлик тўғрисида гапириш учун партия ячейкасининг секретари Мискинзодага сўз берди.

Фотима гапираётганда Ёдгорнинг диққати яна у тарафга тортилди. У Гулнорнинг қулоғига шивирлаб...

— Мен бу хотинни кўп кўрганман, лекин қаерда кўрганимни унутганимдан ажабланаман,— деди.

— Бу хотин билан унча қалин бўлмаган экансан-да!..

— Гулнор!— деди Ёдгор жиддий оҳангда.— Бундай гапни сенинг оғзингдан эшитишни ўйламаган эдим.

Бу гапдан кейин Гулнорнинг кўнглида Ёдгорнинг Фотима билан алоқаси борлиги тўғрисида пайдо бўлган шубҳа йўқолдими-йўқми, буниси бизга маълум эмас, ҳар ҳолда, Гулнор бундан кейин бу тўғрида Дохундага киноя ҳам, ҳазил ҳам қилмади.

Мискинзода сўзини давом қилдирмоқда эди. У жамоа Совети доирасида бўлган муваффақиятлар тўғрисида ҳеч нарса демади.

— Бу тўғрида гапириш шарт эмас, бу ҳаммамизнинг кўзимиз олдида бўлган ишлар, меҳмонлар ҳам буни кўрдилар, яна бир-икки кун турсалар, қолганини ҳам кўрадилар,— деди

У ёш Совет Тожикистонининг умумий ютуқлари ҳақида гапирди.

Шу вақтда кеч бўлиб, офтоб ботгани сабабли, клубдаги электр лампалари бирдан ёниб, клуб кундуздагидек равшан бўлди. Бу ҳолдан илҳомланган Мискинзода:

— Мен сўзимнинг охирида шуни айтишим мумкинки, уч йил мобайнида қорачироқ давридан электр даврига ўтишнинг ўзи—бизнинг ютуқларимизни офтобдай равшан қилиб кўрсатади,— деб гулдурос қарсаклар остида ўз жойига келиб ўтирди.

ЎЛИҚ СИЧҚОН

Мискинзода ўз жойига ўтиргандан кейин, унга Душанбадан шошилинч тартибда келган бир мактубни бердилар. Секретарь мактубни очиб, Фотиманинг қулоғига нималардир шивирлади.

Фотима маъқул аломатида бош қимирлатгандан кейин, ўрнидан туриб, мажлис иштирокчиларига қаради:

— Фавқулодда бир воқеага доир Душанбадан келган мактубни ўқиб бериш учун ўртоқ Мискинзодага сўз берилади,— деди.

Мискинзода мактубни халққа эшиттирди. Фузайл махсум бошлиқ бир тўда қочоқ босмачи Афғонистонда инглиз қуроллари билан қуролланиб, Қўлобга яқин бир жойда совет чегарасини бузиб, Панж дарёсидан ўтган, тоғ оралари билан Ҳаволинг орқали Ғармга етган, озод хотин-қизлардан бир нечасини қийнаб ўлдирган. Ғармда қуролли куч бўлмаганидан, коммунистлар, муаллимлар қуролланиб, Фузайлга қарши урушганлар. Совет муаллимлари босмачилардан кўп кишини қирган бўлсалар ҳам, оз бўлганлари сабабли, қаҳрамонона ҳалок бўлганлар.

Фузайл қўлга тушган совет кишиларини, айниқса паранжи ташлаган хотин-қизларни ваҳшийларча ўлдириб, қишлоқларни талаб, куйдира бошлаган...

Бу ҳолдан хабардор бўлган Қизил Армия қисмлари Душанбадан самолётда учиб Ғармга келганлар. Фузайл шайкасини ўққа тутганлар, тоғ ораларига қочган босмачиларни ҳаводан ўққа тутиб йўқ қилганлар. Фузайл бир неча одами билан қирғиндан қутулиб, келган йўли билан Афғонистонга ўтиб кетган.

Мактуб охирида, аҳолини ҳушёр туришга, синфий душманларнинг макридан эҳтиёт бўлишга, айниқса, чегарага яқин бўлган жойларда кўз-қулоқ бўлиб туришга чақирилган эди.

Ёдгор сўз олиб минбарга чиқди. У жамоага самимий қабул қилганлари учун ўзи ва Гулнор номидан миннатдорлик билдиргандан кейин, деди:

— Совет Тожикистонимиз юксалаётир. Меҳнаткашлар босмачиликни тугатгандан кейин мамлакатни обод қилиш йўлида кўп ютуқларни қўлга киритдилар, бу ютуқлар партия ва ҳукуматнинг раҳбарлиги остида, улуғ рус халқи ва бошқа совет халқлари ёрдами билан тинч шароитда ишлаш натижасида қўлга кирди. Демак, мамлакатни обод қилиш йўлида муваффақиятли ишлаш ва фаровонликка эришиш учун тинчлик асосий шартлардан бири экан.

Дохунда бир қултум чой ичиб олганидан кейин сўзини давом эттирди:

— Лекин шуни унутмаслик керакки, душманимиз ҳали тирик, боши эзилиб, эски девор кавагида жим ётишга мажбур бўлган илон каби бўлса ҳам, у ҳали тирик. Эски амалдорлар, муштумзўрлар бизнинг муваффақиятларимизни кўролмайдилар, биз қанча олға борсак,

www.ziyouz.com kutubxonasi

уларнинг душманликлари ҳам ўшанча орта боради. Фузайл махзумнинг охирги хуружи жон узиш талвасасидир. У бир неча йигит ва қизларни ўлдириб, қишлоқларни талаб, ёндириб қочиб кетибди... У ўзининг шу ҳаракати билан душманимиз ҳали тирик эканини кўрсатди. Демак, душман фурсат топса, ўз қутурган итларини олкишлаб, бизнинг обод боғимизга юборар экан... Шунинг учун биз мамлакатни обод қилиш йўлида ишлаб турганимиз ҳолда, синфий душманни йўқ қилиш йўлида ҳам ишлаб боришимиз керак. Токи душман иккинчи марта бош кўтаролмайдиган бўлсин. Ўшандагина мамлакатимизни обод қилиш йўлида тинч ишлай оламиз, бу харобалар остидан ўсиб чиқаётган боғимизни социалистик тартибда бошқатдан қурамиз... Шуни эсдан чиқармаслик керакки, душман ҳар вақт қўлига милтиқ олиб, белига қилич тақиб, рўй-рост чиқа бермайди; баъзан ўзини ўлик сичқондай қилиб кўрсатади, кўзни чалғитиб, ғалла омборини тешмоқчи бўлади. Бундай душман очиқдан-очиқ хуруж қиладиган душмандан ёмонроқ. Яширин душманлардан кўпроқ эҳтиёт бўлиш керак...

Дохунданинг сўзи гулдурос қарсаклар остида тугади. Мажлис раиси ўрнидан туриб, бошқа кишига сўз бермоқчи бўлганида, орқада ўтирган бир киши:

— Ўртоқ раис, савол бор!— деди.

— Саволингни ёзиб бер, мажлиснинг охирида жавоб берилади,— деди Фотима.

— Менинг саволим зарур, мажлис охирида вақти ўтади, ҳаммага эшиттириб сўрашим керак.

— Сўз берилсин, сўрасин!— деган овозлар эшитилди ҳар тарафдан.

— Савол учун Сангинзодага сўз берилади,— деди раис. У киши жойида тик туриб гапирмоқчи бўлди. Ёдгор билан Гулнор уни кўриб дарҳол танидилар: у — йўлда тут ниҳолларини ўраётган йигитча эди.

— Мажлисимизда «ўлик сичқон» пайдо бўлди, уни қувамизми ёки тураверсинми?— деди йигит.

— Қани?

— Ким у?

— Қаерда ўтирибди?..

— Бу «ўлик сичқон» Ҳамробойнинг ўғли,— деди йигит,— отаси дара аҳолисининг қонини ичган, бу ҳам ота «касбини» давом эттиришни истайди. Шунинг учун бизнинг ютуқларимизни кўриб, аламидан илондай тўлғаниб, одамларни заҳарлаб, йўлимизга ғов боғламоқчи бўлиб юрибди.

— Йўқолсин!

— Даф бўлсин!

Писиб ўтирган «ўлик сичқон» истар-истамас ўрнидан туриб, одамларнинг ҳуштак чалишлари ва оёқ тепишлари остида мажлисдан чиқиб кетди.

Сўнгра Гулнор сўз олди.

— Совет Тожикистонимизнинг юксалаётгани маълумдир,— деди у.— Катта ютуқларимиздан бири — хотин-қизларнинг озод бўлиши. Илгари хотин-қизлар давлатманд ва ҳукмрон табақаларнинг уй безаги ва чўриси бўлиб, мамлакатнинг умумий ишларида қатнаша олмасдилар, мажлислар у ёқда турсин, кўчаларда ҳам юролмасдилар. Оила қуриш ва эрга чиқишда бўлса, улар ёлғиз ота-оналарининг истакларигагина эмас, юртнинг арбоб-оқсоқоллари, вилоятнинг ҳоким ва қозилари нимани истасалар, шуни қабул қилишга мажбур эдилар...

Гулнор, мисол тариқасида, ўз бошидан ўтган фожиаларни нақл қилиб бергандан кейин, сўзини давом қилдириб, деди:

— Бизнинг Советлар мамлакатида хотин-қизлар мактабларда ўқийдилар, мажлисларда эркаклар билан бирга қатнашадилар, бунинг мисоли шу мажлиснинг ўзида, бу ерда ўтирганларнинг қарийб ярми хотин-қизлар!

Мажлисда яна бир неча киши гапиргандан кейин, жамоа Советининг раиси Фотимахон охирги сўзга чиқди:

— Бизнинг Совет Тожикистонимиз олға бормоқда,— деди у.— Ўртоқ Гулнорхон айтганидай, бунинг бир мисоли хотин-қизларнинг озодлигидир. Бу масала ҳали бизда кўнгилдагича, ҳукуматимиз ва партиямиз кўзда тутганча ҳал бўлган бўлмаса-да, баъзи жойларда ҳали ҳам эски замоннинг бой-феодал одатлари амалда бўлсада, бу борада олдинга қараб катта қадамлар қўйилди, хотин-қизларнинг ўқишга ҳаваси кундан-кун орта бориши, жамоат ишларида ўз қобилиятларини кўрсата боришлари, маҳаллалардагина эмас, марказларда ҳам хотин-қизларнинг раҳбарлик ўринларга кўтарилишлари бу йўлда олға қўйилган қадамлардир. Ўртоқ Ёдгор Бозорзода айтганидай,— деб сўзини давом эттирди Фотима,— синфий душман ҳали тирик ва ўз ишини давом эттираётир, душман бизнинг олға боришимизни кўролмайди. Душман шуни биладики, бизнинг олға бориши-

www.ziyouz.com kutubxonasi

миз натижаларидан бири — хотин-қизларнинг озодлиги бўлса, яна бири—халқнинг саводли бўлиб, сиёсатдан хабардор бўлишидир. Шунинг учун душман бизнинг тараққиётимизнинг шу икки нуқтасига кўпроқ ҳужум қилмоқда, чунки озод бўлган хотин-қизларни ва сиёсат билан ошно бўлган саводли халқни алдаб бўлмайди. Шунинг учун Фузайл озодликка чиққан хотин-қизларни ўлдирган; халқни саводли қилиш йўлида жонбозлик билан ишлаётган муаллимларнинг бошини кесган...

Фотима нафасини ростлаб олиб, яна давом этди:

— Тўғри, қизил эскарлар Фузайлни тор-мор келтирганлар, лекин фузайлчилар ҳали тирик, ўртоқ Ёдгор айтганидай, очиқдан-очиқ ҳужум қиладиган душмандан яширин душманларнинг зарари кўпроқ тегади.

— Ўртоқлар!— деди Фотима сўзининг охирида,—ана шу яширин душманларни битта қолдирмасдан топиб йўқ қилишимиз керак. Қилич ва милтиқ билан очиқдан-очиқ ҳужум қиладиган душманларга қарши қизил аскарлар курашсалар, яширин душман билан курашиш майдонининг аскарлари меҳнаткашлар оммасидир. Ўртоқлар, мамлакатни обод қилиш йўлида олға бораётганимиз каби, яширин душманларни топиб йўқ қилиш йўлида ҳам олға!

Фотима мажлисни ёпиқ деб эълон қилди.

Аммо бу хотиннинг кимлиги Ёдгорга маълум бўлмай қолди, у ҳамон бу аёлнинг кимлигини ўйламоқда эди.

ЭСКИЛИК БИЛАН ЯНГИЛИК

Автобус тоғлар орасидан, балиқ сиртидай қилиб қурилган тош йўл билан бормоқда эди. Бу йўл тоғ ораларидан чиқиб, кенг далада чўзилиб кетади. Икки томонида икки ариқча тиниқ булоқ суви билан тўлиб-тошиб оқмоқда, кўм-кўк дарахтлар йўл устига соя солиб турибди.

Автобус зўр суръат билан юриб бормоқда. Йўлда бир газ, бир ярим газ келадиган илонлар, қуён каттали-гидаги каламушлар, кирпитиконлар, бир-бирига юзма-юз тўнтариб қўйилган икки тош товоққа ўхшаган тошбақалар, йўл чеккаларида ерга суқиб қўйилган қозиқларга ўхшаб, ҳуркиб турган юмронлардан бошқа нарса дуч келмасди.

— Бу жониворлар қаёқдан қаёққа бораётирлар, нега булар бу томонларда бу қадар кўп?— деб сўради Дохунда автобусдаги йўловчиларнинг биридан.

— Илгари булар бундан ҳам кўпроқ эди, бу ёқлар одамсиз, қуруқ дашт бўлиб, шулар эгаллаб олган эдилар. Сув чиқарилиб, обод экинзор бўлгач, буларнинг бир қисми қишлоқ хўжалик зараркунандалари қаторида агрономлар томонидан йўқ қилинди, тирик қолганлари обод жойлардан қочиб, бирон даштни излаб бораётирлар,— деди йўловчи.

— Демак, харобалик ободликдан, ваҳшийлик маданиятдан, қисқа қилиб айтганда, эскилик янгиликдан енгилиб қочмоқда экан-да!— деди Дохунда.

Автобус илгари борган сари ободлик нишоналари орта борар, йўлнинг икки томонини пахта майдонлари, бедазорлар, сабзавот экилган ерлар, қовун, тарвуз полизлари, боғлар безатар эди...

Автобус бора-бора бир баланд тоғнинг этагидан чиқди, бу ерда йўл иккига ажраларди: бири—тоғни кесиб ўтадиган айланма, кенг янги йўл бўлиб, иккинчиси—тоғ бағри ва сой йўлидан борадиган эски сўқмоқ йўл эди.

Автобус тоғни кесиб ўтадиган янги йўлга бурилгач, Дохунда кондуктордан:

— Бу йўлдан Янги қишлоқ орқали борадиган бошқа автобус ҳам ўтадими?— деб сўради.

— Ўтади, ҳар соатда бир марта, ҳар икки томондан автобус қатнаб туради.

— Ундай бўлса, шоферга айт, бизни шу ерда туширсин, биз иккинчи ё учинчи автобус билан борамиз,— деди Дохунда.

Кондукторнинг ишорати билан шофер машинани тўхтатди, Ёдгор билан Гулнор тушгандан кейин, автобус жўнаб кетди.

— Нима қилдинг, нега тушдик? Тоғ этагида қолдикку?— деди Гулнор ҳовлиқиб.

— Мен бу ерга эскилик билан янгиликни солиштириб кўрсатиш учун атайлаб тушдим. Биз бу билан тоғ этагида пиёда қолмаймиз. Бу йўлдан ҳар соатда бир автобус ўтади. Сен тожикистонлик тоғ боласи бўлсанг ҳам, ҳали ҳамма жойни кўрган эмассан. Мен босмачиларга қарши курашиб юрган вақтимда ҳар бир бурчакни кўрганман,— деб Ёдгор Гулнорни қўлтиқлаб олиб, сўқмоқ йўлга кирди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Бу томонда ажойиб бир йўл бор,— деди у яна,— ўша йўлни Тожикистон тоғларидаги эски йўлларнинг намунаси деса бўлади; у йўлни кўрганингдан кейин, янги қурилган йўллар сенга янада гўзалроқ кўринади...

Йўловчиларимиз бир неча қадам йўл босганларидан кейин, сўқмоқ торайиб, икки киши ёнма-ён сиғмайдиган бўлди. Дохунда Гулнорга ҳурмат кўрсатиб, уни олдинга ўтказиб, ўзи орқадан бормоқчи бўлди.

— Бундай ҳурмат ва назокатларни янги шаҳар боғларида саёҳат қилиб юрганимизда кўрсатарсан!— деди жувон.

Дохунда ўзи олдинга юрди. Улар зўрға бормоқда эдилар. Ўнг томон тик кўтарилган тоғ, чап томон таги кўринмайдиган чуқур жар, орада бир одам зўрға сиғадиган тор сўқмоқ...

Бу ҳам ғанимат экан: йўловчилар бора-бора тоғнинг бурилиш жойига дуч келдилар. Бунда сўқмоқ йўл ҳам эмас, фақат осма «йўл» бор эди.

Арча хариларини қатор қилиб бир учини тоғ-тошлар орасида қозиқ каби қистирилган, иккинчи учини новдалар билан замбилдай тўқиб, бир-бирига уланган эди. Новдалар устига хас-хашак ёпилиб, унинг устидан тупроқ ва шағал тўкилиб, осма «йўл» қилинган эди.

Осма йўлга кириб бир неча қадам босар-босмас Гулнор:

— Кўзим тиняпти, юрагим қаттиқ тепаётир, йиқиламан,— деди.

— Қўрқма, ҳеч нима бўлмайди,— деди Дохунда,— менинг этагимдан маҳкам тутиб, бемалол юравер.

— «Бемалол» юра берармишман,— деди Гулнор.— Агар мақсадинг мени нобуд қилиш бўлса, текис жойларда ҳам нобуд қила олардинг.

Йўловчилар шунақа бурилишнинг учтасидан ўтгандан кейин, яна тор сўқмоқ йўлга чиқдилар. Бу йўл жарликка қараб тушиб борарди. Тоғларда юриб одатланмаган киши учун бундай йўлдан тушиш жуда қийин, шундай бўлса ҳам, Гулнор Дохундага суяниб, ўзини авайлаб, аста тушаверди...

Йўловчилар бора-бора текис жойдан чиқдилар. Бу ерда улар тоғ орасидан тўлқинланиб, кўпириб оқаётган катта сойга дуч келдилар. Сойнинг кўпригидан ўтгач, йўл яна тор сўқмоқ билан тоғ чўққисига қараб кетарди.

Йўловчиларимиз кўприкдан нариги қирғоққа ўтдилар. Қирғоқда харсангларни устма-уст зинапоядай териб, сув ташийдиган йўл қурилган экан. Шу зинапоя билан сув бўйига тушиб, юз-қўлларини ювдилар, сув ичдилар, бирпас дам олиб ўтирдилар.

Энди улар учун икки йўл бор эди: бири, тоғни айланиб, автобус йўлига чиқиш; иккинчиси, келган йўллари билан орқага қайтиш.

— Олға бораверсак, яна нималарга дуч келамиз?— деб сўради Гулнор.

— Тор сўқмоқ йўл билан икки марта юқорига чиқиб, икки марта қуйига тушамиз; яна шунақа кўприкнинг иккитасидан ўтамиз, булардан бошқа боягидай бешта осма йўлдан ўтишга тўғри келади,— деди Дохунда,— орқага қайтсак, боя ўзинг кўрган йўллар билан қайтиб бориб, автобусдан тушган жойимизга чиқамиз.

Гулнор келган йўллари билан қайтиб боришни маъқул топди, дам олиб бўлганларидан кейин, яна йўлга тушдилар...

Автобусдан тушган жойларига бориб, тош устида дам олиб ўтирдилар.

Кўп кутишга тўғри келмади, Кофарниҳон томондан автобус етиб келди.

Йўл чўзилиб ётган арқон каби кўринса ҳам, икки машина бемалол ўтиб кетадиган кенг йўл экан. Бир томон тоғ, иккинчи томон жарлик. Жарлик томон тош терилиб, мустаҳкамланган.

Гулнор бояги сўқмоқ ва осма йўлни эслаб:

— Бизнинг ота-боболаримиз бояги сўқмоқ йўлдан юрганда, қанчадан-қанчалари қурбон бўлиб кетгандир. Агар Совет ҳукумати бўлмаганда, рус инженерлари бизга ёрдам қилмаганда, биз ҳам ўша ота-боболаримизнинг кунига тушардик, Совет Ватанимизга жон фидо қилсак арзийди!— деди.

— Сен мени кечир,— деди у бирпасдан кейин,— мен боя ўшандай хавфли йўлдан олиб борганинг учун сенга қаттиқроқ гапириб қўйдим. Ўша йўлларни кўрсатмаганингда, мен бу кенг йўлнинг қадрига етмасдим.

Автобус тоғ бағрини айланиб чўққига чиққандан кейин, яна айлана-айлана тоғ этагига тушди ва бир оз тошлоқлар орасида юргандан кейин, кенг далага чиқди. Йўлнинг икки томонини яна пахтазорлар, сабзавот экинлари, боғ-бўстонлар безатган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Автобус экинзорлар орасидан ўтиб, бир обод қишлоқнинг марказига етганда, кондуктор Ёдгор билан Гулнорга:

— Шу ер сизлар тушадиган Янги қишлоқнинг маркази,— деди.

Улар автобусдан тушдилар. Машина бирпасда кўздан ғойиб бўлди.

ЯНГИ ҚИШЛОҚ

Қишлоқ янги қурилган, анча кенг, кўчалари тўғри эди.

Катта кўчанинг икки бошида икки арк қурилган бўлиб, ҳар бирида қизил байроқ ҳилпиллар, уйларнинг пештоқига қизил лавҳалар, турли шиорлар қоқилган эди. Ўратепа усталари ясаган нақшин дарвозалар савлат тўкиб турарди.

Кўчанинг икки ёнида колхозчиларнинг шинам ҳовлилари. Ҳовли тевараклари мевали дарахтлар билан ўраб олинган, ўртасида сабзавот экилган боғчалар.

Кўчанинг ўртасида кенг майдон. Теварагида колхоз идораси, клуб, омбор, магазин ва қизил чойхона.

Майдондан шарқда, колхознинг истироҳат боғчасига қаратилиб мактаб биноси, унинг ёнида соғлиқни сақлаш пункти, узоқроқда ҳаммом қурилган. Олисларда колхознинг молхонаси, отхонаси, ем-хашак бостирмалари, гараж, ёқилғи омборлари кўриниб турибди.

Майдоннинг ўртасида тўғарак гулзор бўлиб, учбурчак нақшларга бўлинган ва ҳар бир учбурчакка бир рангдаги гул экилган, улар худди каштага ўхшар эди.

Гулзорнинг бир томонида Лениннинг ҳайкали, гулзорнинг теварагига скамейкалар қўйилган эди.

Ёдгор билан Гулнор тўғарак майдон олдида автобусдан тушиб, биноларни кўздан кечиргандан кейин, қизил чойхонага бориб, чой-нон буюрдилар.

Чойхона бўш бўлиб, фақат бир чол чой ичиб ўтирарди.

Гулнор билан Ёдгор чолнинг ҳаракатларига диққат қилдилар, олтмиш яшар бу чол сўрида ўтириб, дўпписини ёнига тескари қўйиб, чой ичмоқда эди. Унинг ёнида

бир чойнак ва икки пиёла, қўлидаги пиёланинг чойини ичиб, чойнакдаги чойни икки пиёлага қуйиб, қопқоғини шиқирлатиб яна чой чақирди.

Чойхоначи унга яна бир чойнак чой келтириб қўйди.

— Собир ота, нега бу қадар шошилиб ичаётирсан? Чойни қайтариб, бир оз дам едир,— деди.

— Биринчи номерли пахта майдонига сув очиб келган эдим, кечиксам, ғўзани босади. Тезроқ бориб сувни бошқа майдонга очиб юборай,— деди чол пиёлалардаги совуган чойларни бир-бир ҳўплаб.

— Бу одам қари бўлса ҳам, хийла ғайратли кўринади,— деди Дохунда Гулнорга шивирлаб. Кейин ўтирган жойида қоматини тиклаб, чолга қаради.

— Ота, сенинг отинг Собир-а?— деб сўради.

— Ҳа,— деб тасдиқлади чол ва дўпписини кийиб, кетишга тайёрлана бошлади.

— Далага боришга шошилаётирсан, афтидан?— деди Дохунда.

— Албатта, шошилиш керак,— деди чол, пиёлалардан биридаги чойни ича туриб.

— Агар мумкин бўлса, бизни ҳам бирга олиб бор! Колхознинг экинларини томоша қилайлик,— деб Дохунда чолдан илтимос қилди.

— Майли,— деди чол охирги пиёланинг чойини ича туриб,— агар бормоқчи бўлсанглар, юринглар,— деб сўридан ирғиб тушди.

Ҳали бир чойнак чойни ичиб тугатмаган Дохунда билан Гулнор, чой-ноннинг пулини бериб, чолнинг орқасидан жўнадилар.

КОЛХОЗ ДАЛАСИДА

...Чол шошиб борарди. Дохунда билан Гулнор ҳам унинг орқасидан тезлаб юрдилар.

Дохунда колхоз ва колхозчилар ҳақида чолни гапга солмоқчи бўлди:

— Бу катта қишлоқ нега одамсиз?

Чол Дохундага ажабланиб қаради.

— Бола! Сен шаҳардан янги келганга ўхшайсан,— деди ва юришдан тўхтамай, сўзини давом эттирди,— бизнинг қишлоқдаги деҳқонларнинг ҳаммалари колхоз аъзоси, икки юз гектар суғориладиган ер, тахминан уч

www.ziyouz.com kutubxonasi

юз гектар баҳорикор ер бизнинг колхозга қарайди. Бир гектар ернинг қанчалигини биласанми? Бухоро танобида қарийб тўрт таноб, Фарғона танобида қарийб олти таноб, бизнингча, бир ботмон ерга баравар келади. Бор-йўғи уч юз хўжалик бўлган колхозимиз ана шу қадар ерда ишлаши керак. Шунинг учун тонгда далага чиқиб, кечгача ишлайдилар.

— Илгари вақтларда қақраган чўл бўлган бу ерга уч юз хўжалик деҳқон қаердан келди?

— Бу томонларга сув чиқарилиб, янги ерлар очила бошлагач, ерлари тошлоқдан, сувлари ёмғирдан иборат бўлган Ғарм, Дарвоз ва бошқа тоғли жойларнинг деҳқонлари, шунингдек ерлари оз, одамлари кўп, лекин ўзлари пахтакорлик ва боғдорликда ҳунарманд бўлган хўжаликлар, конибодом ва исфараликлар бу ёққа янги қазилган каналнинг сувидай оқиб кела бошладилар.

— Сенга қандай ишни топширдилар?

— Менга бир парча ерни суғоришни топширдилар.

— Колхозда сендан ёшроқ киши йўқ экан-да, шундай оғир ишни сенга топширибдилар.

— Аввали шуки, мен ишда ўзимни ёшлардан кам билмайман, иккинчидан, пахтакорлик ишининг энг нозик бир жойи суғориш ишидир, бу ишни бажариш учун куч-қувватдан ортиқроқ тажриба керак. Суғориш ишида менинг бирмунча тажрибам бўлгани учун, бу ишни менга топширдилар.

— Бир ўзинг суғориш вақтида ариқларни, айниқса, катта ариқларни қандай қилиб боғлайсан?

— Колхоз давлатида, рус ирригаторларининг ёрдами билан ариқларни боғлаш, очиш энг осон иш бўлиб қолган, бир оз сабр қилсанг, суғориш устига борганингдан кейин, бу ҳолни ўз кўзинг билан кўрасан,— деди чол ва ўз меҳмонларига бошқа савол бериш учун фурсат бермай, тез юриб бораверди.

Ёдгор билан Гулнор ҳам Собир отанинг орқасидан юравердилар. Дала йўлининг икки томонидаги экинзорлар Ёдгорнинг диққатини тортмоқда, экинлар орасида ҳаммадан кўпроқ пахтазорлар меҳмонларни қизиқтирмоқда эди: пахталар одам бўйи ўсиб, атрофга шох ёйиб, ғуж-ғуж кўсак боғлаган, устки шохларда пушти ва оқ гуллар очилган, аввал боғлаган кўсаклари пишиб очила бошлаган эди.

Меҳмонлардан ўзиб кетган чол уларга овоз бериб:

— Сизлар тўғри йўл билан бораверинглар, мен сув қўйилган пахта майдонини айланиб, сув бошида сизларга етиб бораман,— деди ва марза усти билан пахта майдонига кириб кетди...

Ёдгор билан Гулнор майдонлар орасида чўзилиб кетган йўл билан бориб, бир ариқ бўйига чиқдилар. Улар билан бир вақтда чол ҳам ўша ерга етиб борди.

Собир ота иккинчи номерли пахта майдонига сув қўйгандан кейин, меҳмонларга:

— Бу майдон сувни қониб ичгунича, менинг бирмунча фурсатим бор. Агар истасанглар, колхоз экинларининг бир қисмини кўрсата оламан,— деди.

Меҳмонлар чолнинг таклифини миннатдорлик билан қабул қилдилар ва у билан бирга марзалар устидан юриб кетдилар. Ёдгор йўл-йўлакай экинларнинг уватларига ўтқазилган тут ниҳолларини кўриб, чолдан сўради:

— Бу ниҳоллар вояга етганда экинларга зиён етказмайдими?

— Бошқа дарахтларнинг илдизлари ва сояси экинларга ва пахтага зарар қилса ҳам, тут дарахти зарар қилмайди,— деди чол ва изоҳлашга киришди.— Тут дарахти илдизининг ажойиб бир хосияти бор: унинг ён илдизлари қирқиб олинганда, ўзак илдизи ер остига қараб тик ўсиб боради ва ер ости сувидан қониб ичганидан, ён илдизисиз ўса беради. Экинларга фақат ён илдизлари зарарлидир. Тут дарахтининг сояси бўлса, бизнинг экинларимизни босмайди, чунки кўклам вақтида биз тут шохларини кесиб олиб, ипак қуртига егизамиз. Ундан кейин тут яна шох-барг чиқарса ҳам, биринчидан, улар унча ўсган бўлмайди; иккинчидан, улар ёзнинг айни қизиган кунларида етишганлари сабабли, ўсимликни гармселдан сақлаб, анча фойда етказадилар.

Саёҳатчиларимиз чол билан бирга далани кўздан кечириб бормоқда эдилар, пахта майдонларидан кейин йўнғичқа майдонлари, сабзавот, қовун, тарвуз полизлари кўрина бошлади.

Шунда чол экинларни алмашлаб экишни тушунтириб кетди:

— Бу экинлар колхознинг чорвасини кўк ўт ва ем-хашак билан таъмин қилиш билан бирга, колхозчиларни сабзавот ва ширин қовун, тарвуз билан ҳам таъмин

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилади; бунинг устига, пахта экила бериб чарчаган ерларни қайтадан семиртириб, пахта учун тайёрлайди.

Далада ишлаётган эркак-аёл колхозчиларга «ҳормanглар!» деб ўтишди. Улардан гап сўраб, ишдан қолдиришни муносиб кўрмадилар.

Саёҳатчиларимизнинг диққатини тортган нарса—далаларда ишлаётган колхозчилар орасида аёлларнинг эркакларга кўра кўплиги бўлди.

Улар суғориладиган ерларнинг чегарасига етдилар, ундан у ёқда адирлар, тепалар бошланиб, у ерларга экилган баҳорикор буғдой ўриб олинган эди.

Собир ота ўз меҳмонларини у томонга ҳам олиб бормоқчи эди. Аммо улар ҳоригандан бўлса керак, куннинг кечикканини, колхоз идорасига боришлари зарурлигини сабаб кўрсатиб, лалми экинларни томоша қилишни бошқа вақтга қолдирдилар. Меҳмонлар отага ташаккур айтиб, ундан ажралиб кетдилар.

УНСУР

Янги қишлоқда уч ойдан бери сиёсий-оммавий ишларда ишлаб келган Ёдгор билан Гулнор ўқишларини тамом қилиш учун кетадиган бўлдилар. Хайрлашув кечасига тайёрлик бораётган эди. Ёдгор билан Гулнор колхознинг истироҳат боғида ўтириб, бу боғни охирги марта томоша қилмоқда эдилар...

Шу вақтда, тахминан олтмиш ёшларда бўлган бир чол, ўзини яна ҳам қарироқ ва ҳолсизроқ кўрсатиш учун ҳассага суяниб, бўйнини эгиб, белини букиб, астасекин қадам босиб, улар ўтирган жойга қараб келаверди. Чол буларнинг олдига келгач, тўхтаб, салом бериб, чўзиб «уф» деб нафасини ростлаб олди, аммо бўйи ва бели аввалгидай эгилган ҳолда тураверди.

— Ўғлим, Ёдгор! Афтидан, мени танимадинг?—деди.

— Йўқ, танимадим!

— Танимаганинг ҳам тўғри,— деди чол киноя билан,— йигирма йилдан бери кўрмагансан. Ҳукумат одамисан, мулла бўлгансан, закончисан, большевиксан, энди мен каби қари қулларни назаринг илмагани ҳам тузук.

— Бу ортиқча гапларни нима кераги бор, ота,— деди Ёдгор,— сен мени қачондан бери танийсан, сени қачон, қайда кўрганман?

— Мен сенинг отанг билан ҳам таниш эдим, у Азимшоҳнинг эшигида хизмат қилиб юрган вақтларида ҳар бир ишини менинг маслаҳатим билан қиларди; сен банди бўлиб Сарижўй зиндонида ётганингда, пул қарз бериб, сени зиндондан қутқазган Қудрат самоварчи мен бўламан.

— Ҳа... ҳа! Энди танидим,— деди Ёдгор ва Гулнорга қараб,— Қудрат ота рост айтади, бу менга кўп «яхшилик» қилган, ғойибона менга йигирма тангани ҳар азонда бир танга фойда олиш шарти билан қарз бериб, мени зиндондан «озод» қилдириб, Азимшоҳ қуллигига топширган; бу киши сенинг отанг билан ҳам таниш, сенга ҳоким томонидан совчилик қилиб, катта «яхшилик» қилган эди.

— Э-ҳа! Бу, қизим Гулнорми?— деди чол ажабланиб ва Гулнорга қараб сўзини давом эттирди,— ҳақиқатан ҳам мен сенга катта яхшилик қилганман, сени Дараи Ниҳондан келтириб, Сарижўй бегининг уйига бека қилиб ўтқизганман. Энди сен ҳам ўз яхшилигингни мендан аяма!

— Ҳозир нима иш қилиб юрибсан, менга нима демоқчисан?— деди Ёдгор чолга.

— Мен аслда камбағал бир одам эдим,— деб гап бошлади судхўр,— қозихоналар, ҳокимхоналар эшигида самоварчилик қилиб, муҳтож бўлганларга беш-ўн танга қарз бериб, ҳожатларини чиқариб, кун кечириб юрардим...— Чол бир уҳ тортгандан кейин, сўзини давом эттирди.— Энди у кунларни сел олиб кетиб, ўзим бир бурда нонга муҳтож бўлиб қолдим. Колхозга кириб, қўлимдан келганча ишламоқчиман. Аммо «унсур» деб мени колхозга қабул қилмаётирлар. Ҳозир сен катта одам бўлгансан, сени ҳамма киши иззат-ҳурмат қилади, менга ёрдам бер, унсур-пунсур демасдан, мени колхозга қабул қилсинлар.

Ёдгор унинг қилган ишларини эслаб, қаттиқ ғазабланган бўлса ҳам, унинг «унсур-пунсур» сўзидан кулгисини босолмади:

— «Унсур-пунсур» деганлари нима деганлари?— деб сўради.

— Бунақа ўрисча сўзларнинг маънисини мен қайдан биламан?— деди чол.— Азимшоҳнинг эшигида хизмат қилиб юрган вақтларида ўзига кўп яхшиликлар қилганим Собирдан унсур сўзининг маъносини сўраган эдим,

www.ziyouz.com kutubxonasi

у, «унсур» деган сўз — «меҳнаткашлар душмани» дегани деди.

— Азимшоҳнинг илгариги етими Собир ҳали ҳам тирикми?— деди Ёдгор таажжуб ва қувонч билан.

— Ҳа, тирик, — деди чол,— ер ислоҳотида Азимшоҳнинг бир қисм ерини эгаллаб олган эди, Азимшоҳнинг бир қисм мол-мулкига эга бўлган уй хизматчиси Фотимага уйланиб, иккалалари ҳам кейин бу томонга кўчиб келдилар.

— Фотима ҳам шу ердами?— деб сўради Ёдгор таажжуб ва қувончи яна ҳам ортган ҳолда.

— Шунда эди, лекин кўп вақтдан бери кўринмасди, кеча Собирнинг уйига борган эдим, уни ўша ерда кўрдим.

— Азимшоҳнинг ўзи нима бўлди?— деб сўради Ёдгор жўрттага чолнинг дилидагини англаб олиш учун.

— Бечора бой, инқилобнинг бошида ерлари қўлдан кетганда, қайғуриб ўлди, ўғли Дарвозга бориб, у томондаги босмачиларга бошлиқ бўлган эди, эшитишимга кўра, бир шуғнонлик қизга қўл узатмоқчи бўлганида, кўнгилли тожиклардан бири отиб ўлдирибди.

Чолнинг кейинги гапларини эшитганда, Ёдгорнинг лабларида кулимсираш пайдо бўлган бўлса ҳам, Гулнорнинг кўзларида ғазаб ўти чақнаб кетди. Аммо бутун фикри-зикри бирор йўл топиб колхозга кириш билан банд бўлган Қудрат самоварчи, уларнинг бу ҳолатларини сезмай қолди.

— Биз бугун шаҳарга бораётирмиз,— деди Ёдгор чолга,— сен бизни Собирнинг уйига олиб бориб қўй. Биз унга сенинг тўғрингда ҳам гапириб қўямиз, сенинг қандай одам эканингни унга яхшилаб айтиб берамиз.

Чол бу хизматни миннатдорлик билан қабул қилди.

Қудрат самоварчи Ёдгор билан Гулнорни Собирникига бошлаб бораркан, булар воситаси билан колхозга кириб оламан, деб қаттиқ ишонган эди... Катта кўчадаги ҳовлилардан бирига етганда, эшик олдига бориб:

— Собир! Эски ошналарингни топиб келдим, энди «унсур-пунсур» демай, мени колхозга қабул қил,— деди ва меҳмонларни ичкарига киритди.

— Собир ота!— деди Ёдгор,— мен сенинг ўша Собир амаким эканингни энди билдим!— Йигит чолнинг қучоғига отилди ва унинг юз-кўзидан ўпди.

Кейин бу аҳволдан ажабланиб қотиб қолган Фотимага кўзи тушди.

— Фотимахон, мени кечир! Мен сени Дараи Ниҳонда кўриб танишлигимизни сезган бўлсам ҳам, кимлигингни аниқлаёлмай, ташвишда эдим. Бугун Собир амаким билан сени кўрганим учун ўзимни бахтли санайман,— деди.

Аммо Собир ота билан Фотима ҳали ҳам ҳайратда эдилар, бу талабанинг ўзлари билан қаерда ва қачон таниш бўлганини эслаёлмай, ўйламоқда эдилар.

Қудрат самоварчи уларнинг бу ҳолатини пайқаб, суриштириб билишга йўл қолдирмай, тушунтира кетди:

— Афтидан, буларни танимадинг,— Азимшоҳнинг чўпони Бозор аканинг ўғли Ёдгор-ку! Буниси — Рустам аканинг қизи Гулнор!

Собир ота, Фотимахон, Ёдгор ва Гулнор бир-бирлари билан қайтадан кўришиб, ўпишдилар. Собир ота Қудрат самоварчига қаради:

— Эски ошналаримни топиб келганинг учун миннатдорман. Лекин ўзинг «хуш келибсан?» Мен ёт унсур билан гаплашишни истамайман.

Собир уни итариб эшикдан чиқарди.

Қудрат эшик олдида туриб, Ёдгордан ёрдам сўрагандай ялинди:

— Ўғлим, Ёдгор...

Ёдгор ўзини билмасликка солиб, юзини ўгириб, Фотима билан гаплаша бошлагач, Қудрат:

— Илоҳи Азимшоҳнинг нони ҳаммаларингизни жигарларингдан урсин! Илоҳим унинг тузи ҳаммаларингни кўр қилсин!— деб, қарғаб-қарғаб чиқиб кетди.

ЕТТИНЧИ РЕСПУБЛИКА

1929 йил октябрь ойининг охирлари. Янги қишлоқнинг клуби эркак ва аёллар билан тўлган эди; қишлоқ мактаби ўқувчиларининг санъат ҳаваскорлари томонидан, музика муаллими раҳбарлиги остида, концерт берилгандан кейин, мажлис иштирокчилари лапар айтиш, ғазал ўқиш ва декламация қилиш учун бир-бирларини таклиф қилиб, саҳнага чиқавердилар, ашула айтдилар, рақс этдилар...

Шу орада бир киши ўрнидан туриб, саҳнадаги муаллимга қаради:

www.ziyouz.com kutubxonasi

— Менинг бир таклифим бор! — деди.

— Қандай таклиф?

— Ёдгор Бозорзода билан Гулнор Рустамова ўртоқлар қўшиқ айтиб, бизни хурсанд қилсинлар.

Ҳар томондан «сўраймиз, сўраймиз!» деган овозлар чиқиб, қарсак билан қўшилиб, зални гумбурлатиб юборди.

— Мен бу таклифни қабул қиламан,— деди Ёдгор,— ҳозиргача бирор жойда айтилмаган бир қўшиғим бор, мен уни Самарқандда бир тожик шоирининг қўлёзмасидан кўчириб олган эдим. Лекин бу қўшиқни айтиб бериш учун бир шартим бор, эски замонда бир муштумзўр бойнинг эшигида мен билан бирга ишлаб, бирга азоб-уқубат чеккан, кўп йиллар бир-биримиздан ажралиб кетган, Собир ота ва Фотимахонлар ҳам бу қўшиқни айтишда бизга қўшилсинлар!

Яна «сўраймиз, сўраймиз!» товушлари қарсаклар билан қўшилиб кетди.

Фотима ўрнидан туриб томошабинларга ҳурматлари учун ташаккур айтиб, таъзим қилди ва унинг ёнида ўтирган Собир ота ҳам бошини қимирлатиб қўйди.

Улар томошабинларнинг гулдурос қарсаклари остида саҳнага чиқиб, шовқин босилишини кутиб турдилар. Қўшиқ бошланди.

Зин оташи пур шўълаи мо кўҳна жаҳон сўхт,
дарбори шаҳон сўхт.
Ҳам қоидаи кўҳнаи бедодгарона,
гум шуд зи миёна.
Мо камбағалонем, ки ин водию ин дашт,
кардем чу гулгашт.
Ҳар чанд, ки пиндошта буданд фасона,
арбоби замона.
Оҳиста гузаштем ба колхозу коммуна,
дар шакли намуна,
Аз зиндагии яккагии сар-сариёна,
осуда дилона.
Ин меҳнати пур манфаат, ин хоҳиши сангин,
шойистаи таҳсин,
Гўем созад аз зафари хеш тарона,
бо чангу чағона.

Бу қўшиқ зўр олқишга сабаб бўлди.

Колхоз раиси саҳнага чиқиб:

— Ўртоқлар!— деди,— ҳозир почтадан олинган бир хабарни, бутун Тожикистон меҳнаткашларининг олдига шарафли ва масъулиятли вазифаларни қўядиган бир хушхабарни эълон қиламан.

— Тожикистоннинг фавқулодда Советлар қурултойи Тожикистон меҳнаткашлар оммасининг талабини ва республиканинг иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан ўсганини назарга олиб, Тожикистон Автономия Совет Республикасини, еттинчи иттифоқчи Советлар республикаси сифатида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига кириши тўғрисида қарор қабул қилди!

Бу хушхабар гулдурос олқишлар ва «Яшасин еттинчи Советлар республикаси!» деган хитоблар билан қарши олинди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим 7
Иккинчи бўлим 105
Учинчи бўлим 211
Тўртинчи бўлим 311
Бешинчи бўлим 421

На узбекском языке

Садриддин Айни

СОБРАНИЕ СОЧИНЕНИЙ
В ВОСЬМИ ТОМАХ
ТОМ II. ДАХУНДА

Гослитиздат УзССР — Ташкент — 1964

Рассом *М. Я. Шчировский*
Расмлар редактори *Г. П. Бедарев*
Техн. редактор *В. Н. Шуклинова*
Корректор *М. Абдушукурова*

* * *

Босмахонага берилди 26/X-1963 й. Босишга рухсат этилди 23/I-1964 й. Формати 84×108 1/32. Босма л. 14,25. Шартли босма л. 23, 37. Нашр. л. 24,51. Индекс: *к/а*. Тиражи 15 000.
Давлат бадиий адабиёт нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 88—63.

* * *

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Матбуот бўйича Давлат Комитетининг 1-босмахонаси. Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21. 1964 й. Заказ № 1116. Баҳоси 95 т.

www.ziyouz.com kutubxonasi